

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

ФАНИ БЎЙИЧА ДАРСЛИК ЛОЙИХАСИ

Тошкент - 2016

**Олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишларининг
3-4 курси учун “Фуқаролик жамияти
” фани мавзулари**

Т/ р	Мавзунинг номланиши	Муаллифлар Ф.И.Ш.	
3 – курс			
	Кириш		
1	Фуқаролик жамияти фанининг предмети, объекти, мақсад ва вазифалари	А.Ўтамуродов, ЎзМУ	
2	Фуқаролик жамияти: ғоя ва назариялар	А.Ўтамуродов, Ж.Мавлонов, ЎзМУ	
3	Фуқаролик жамиятининг ижтимоий тузилмаси	М.Қирғизбоев, АндУ	
4	Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари	А.Жалилов, ЎзМУ	
5	Фуқаровийлик, фуқаро фаоллиги	А.Жалилов, ЎзМУ	
6	Демократик институтларни ривожлантириш – фуқаролик жамияти талаби	Т.Алимардонов, ТДАҚИ	
7	Қонун устуворлиги фуқаролик жамиятининг асосий тамойили	Ф.Равшанов, ЎзМУ	
8	Сайлов ҳуқуқи эркинлиги – фуқаролик жамиятининг муҳим мезони	Ф.Жўракулов, ЎзМУ	
9	Жаҳон тажрибасида фуқаролик жамияти институтлари фаолияти	Д.Бозоров, ЎзМУ	
10	Ижтимоий инновацияларнинг фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишига таъсири	А.Холмахматов, ФЖШМҚМИ етакчи мутахассиси	

4 – курс Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш			
11	Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг концептуал назарияси ва унинг мазмун-моҳияти	М.Қирғизбоев	
12	Тараққиётнинг ўзбек модели ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг илмий-методологик асослари	У.Идилов, ТДШИ	
13	Мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти	У.Идилов, ТДШИ	
14	Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги – фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шарти	М.Қуронолов	
15	Юксак маънавият ва дахлдорлик ҳисси – фуқаролик жамияти аъзоларининг муҳим фазилати	И.Эргашев, ЎзМУ	
16	Демократик институтларни ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти	М.Хасанова, Ў.Холбадалов, ФЖШМҚМИ етакчи мутахассислари	
17	Ўзбекистонда нодавлат ноғижорат ташкилотларни демократлаштириш жараёни	М.Қирғизбоев, АндУ	
18	Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш	А.Муминов, ЎзМУ	
19	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	Ф.Жўракулов, ЎзМУ	
20	Миллатлар ва конфессиялараро тотувлик	Ф.Равшанов, ЎзМУ	

21	Жамоатчилик назорати ва давлат органлари фаолиятининг очиқлиги	А.Бегматов, Давлат Бошқаруви Академияси	
22	Ижтимоий шериклик	А.Бегматов, Давлат Бошқаруви Академияси	
23	Фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёш авлодни тарбиялашнинг асосий йўналишлари	Қ.Қуронбоев	
	Хулоса		

КИРИШ

Қадим даврлардан бошлаб жаҳон цивилизациясини ривожига катта ҳисса қўшган Ўзбекистон халқи фақат мустақиллик даврига келиб рўшнолик кўрди. Миллий давлатчилик шаклланди, собиқ иттифоқ даврида топталган миллий маданият ва маънавият қайтадан тикланди, халқ ҳақиқий эркинликни ўз ҳаётида чуқур ҳис эта бошлади. Мамлакатда бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг бошланиши, хусусий мулкчиликнинг тикланиши, бутунлай янги ижтимоий қатлам – ўрта синфнинг шаклланиши каби ўзгаришлар демократик кадриятларни ўсишига замин яратди. Фуқароларнинг дунёқарашида туб ўзгаришлар рўй берди. Тоталитар мафкурадан бутунлай холи бўлган янги авлод шаклланди. Улар ҳаётида ўз атрофидаги воқеликларга ўз мустақил нуқтаи назари қараш, ўз тақдирини Ватан тақдири билан боғлиқ ҳолда ҳис этиш каби кадриятлар шаклланди. Мустақиллик давридаги буюк ўзгаришлар ҳақида Президент И.А.Каримов куйидаги фикрларни билдиради: “Бугун инсоннинг ўзи ўзгармоқда, унинг гражданлик ва сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ўсмоқда. Биз коммунистик мафкура асоратларидан, боқимандалик кайфиятидан, турли сохта қолиплардан тўла халос бўлиб бормоқдамиз. Мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга, ҳаётга янгича қарайдиган, собиқ мустабид тузумга хос тушунчалардан озод бўлиб вояга етаётган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навқирон ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимизда мустаҳкам ўрин олмоқда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Ҳаётимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар аввало нимани англатади? ...Бу амалий ишлар авваламбор мамлакатимизда замонавий демократик жамият қарор топаётгани ва изчил ривожланаётганидан, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалиб боришига замин бўлаётган иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсаётганидан, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан дарак беради”¹.

Мустақиллик даврида мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ҳам юксалди. Саноатнинг Ўзбекистон учун бутунлай янги соҳалари – автомобилсозлик, энергетика - нефть-газ ишлаб чиқариш, саноат ва уй-жой қурилиши, автомобил ва темир йўл қурилиши, дори-дармон ишлаб чиқариш кабилар шаклланди ва ривожланди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида шахсий секторнинг улуши устуворлик қила бошлади. Қишлоққа фермерлик ва кичик бизнес кириб келди. Барча экин майдонлари фермерларга бўлиб берилди. Хусусий мулкчиликни жорий этилиши оилаларнинг фаровонлигини ўсишига кучли таъсир кўрсатди. Мамлакатда хўжалик юритишнинг ривожланган мамлакатлар учун хос бўлган шакли – бозор иқтисодиёти муносабатлари тезлик билан ривожлана бошлади.

¹ Каримов И.А. Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2013 йил 7 декабрь.-Т.: Ўзбекистон, 2013.-Б.12

Давлатнинг бош ислохотчилик ролини ошириш, кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга ошириш жараёни “Ўзбек модели” асосидаги ислохотларни ҳеч бир ижтимоий ларзаларсиз амалга оширишга шарт-шароит яратди. Давлат бюджетининг учдан икки қисмига яқини ижтимоий соҳаларга ажратилиши мамлакатдаги сиёсий тузумнинг асосан миллий манфаатлар ва халқ фаровонлигини амалга ошириш йўлида фаолият юритишини ифодалай бошлади.

Мустақилликнинг чорак асрга яқин даври ичида мамлакатнинг юз йилликларга тенг бўлган ривожланиш йўлини босиб ўтиши – бу мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси ва йўлбошчилиги асосида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилиниши, бу соҳада “Ўзбек модели” асосида ислохотларни босқичма-босқич равишда амалга оширилганлиги бўлди. Сўнги ўн йилликда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8 фоиздан ортиқ равишда ўсиб бориши фикримизнинг далилидир.

Давлат сиёсатининг ва жамият тараққиётининг асосий устувор йўналишлари инсонга, унинг фаровонлиги ва эркинлигига қаратила бошланди. Ўзбекистон тарихида янги бир давр бошланди. Бу давр – фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш даври сифатида трихга кирди.

Кўриниб турибдики, мамлакатда фуқаролик жамияти стратегик мақсад сифатида эълон қилиниши натижасида янги долзарб вазифалар пайдо бўлди. Маълумки, бу каби жамиятлар ривожланган мамлакатларда бир неча юз йилликлар ичида назария сифатида шаклланиб, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб амалиётда намоён бўлди. Бу мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, мамлакатимиз тарихида шаклланган фуқаролик жамиятининг миллий унсурларини демократлаштириш ва уларни хорижий тажриба билан уйғунлаштириш давр талаби сифатида ўзлигини намоён қила бошлади. Шунингдек, фуқаролик жамиятига доир назарий ва амалий билимларни ёшлар онгига сингдириш мамлакат келажаги ва истиқболини белгиловчи омил сифатида пайдо бўлди. Чунки, янги қуриладиган жамиятнинг белгилари ҳамда тархи ёшлар онги ва тасаввурида намоён бўлмас экан, бу улуғвор вазифани бажаришга киришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам “Фуқаролик жамияти” фанига доир дарслик ва бошқа ўқув қўлланмаларини яратиш амалга оширилаётган ислохотларнинг маънавий-ижтимоий омили сифатидаги заруриятга айланди.

Кўриниб турибдики, ҳозирги даврга келиб фуқаролик жамияти қуриш ислохотлари шароитида ёшларни бу жараёнда фаол иштирок этишлари ва ўз дунёқарашларини фуқаролик жамияти қуришга доир назариялар билан бойитишлари учун шар-шароитлар яратиш энг долзарб вазифалар сирасига кўтарилди.

Фуқаролик жамияти фани ҳозирги ислохотлар даври янада ривожланишга доир изланишларни чуқурлаштириш жараёни кун тартибига қўйган вазифалардан келиб чиқиб “Ўзбек модели” асосида фуқаролик жамияти қуриш ва унинг истиқболлари тўғрисида билимлар беради. Шунингдек, бу фанни ўқитиш жараёнида ривожланган мамлакатларда

фуқаролик жамияти қуриш тажрибаси ҳам ўрганилади, улар мамлакатдаги ислохотлар натижасига ўзгаришлар қиёсланади.

Мазкур фанни ўқитишда асосий эътибор талабаларнинг эркин фикрлаши, уларнинг жамиятда рўй бераётган ўзгаришларга нисбатан мустақил ўз муносабатларини шакллантиришга қаратилди. Фаннинг яна бир асосий мақсадларидан бири – бу ёшларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини юксалтириш, уларнинг мамлакатга садоқатини ошириш, янги жамият қуришга бефарқ бўлмайдиган инсон сифатида тарбиялаш вазифаларни амалга оширишдир.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани фуқаролик жамияти қуриш назарияси ва амалиётини “Фалсафа”, “Ҳуқуқшунослик”, “Ўзбекистон тарихи”, “Социология”, “Иқтисодиёт”, “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” “Сиёсий фанлар”, каби ижтимоий-гуманитар фанлар билан узвий ўзаро алоқадорликда ўрганади, ўзининг ва мазкур фанларнинг қонуниятларига ҳам таянган ҳолда қўланилади.

Дарсликни яратишда барча ўқув қўлланмаларига нисбатан давлат стандартлари асосида қўйилган талаблари эътиборга олинди. Дарсликни ёзишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2015 йил “ “ ----- --- -сонли буйруқ билан тасдиқланган “Фуқаролик жамияти” фанидан намунавий дастур (бакалавр йўналиши учун) асос қилиб олинди.

Биз мазкур дарслик билан танишган барча талабалар ва китобхонлардан унинг кейинги нашрида эътиборга олиш учун ўз фикр-мулоҳазалари, таклифлари ва тавсияларини Ўзбекистон Миллий университетининг Демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш назарияси ва амалиёти кафедрасига билдиришларини илтимос қиламиз.

Мурожаат учун телефон: +99871 246 67 63, +99871 246 67 72.
e-mail: a.utamuradov@umail.uz

1 – МАВЗУ: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. Фуқаролик жамияти фанининг предмети ва объекти.
2. Фуқаролик жамияти фанининг тушунчалари, қонуниятлари ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.
3. Фуқаролик жамияти - тараққиётнинг юқори босқичи.

Таянч сўзлар: фуқаро, фуқаролик жамияти, давлат, давлат ҳокимияти, ҳуқуқий давлат, сиёсий институтлар, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, инсон ҳуқуқлари.

1. Фуқаролик жамияти фанининг предмети ва объекти.

Мустақилликка эришганимиздан кейин бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ҳамда мамлакатимиз барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик таъминладиган фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегик мақсад сифатида белгиланган.

Президентимиз И.А.Каримов «Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат»¹ деб таъкидлаган эди.

Фуқаролик жамияти тушунчаси – кишилиқ жамиятининг асрлар мобайнида шаклланган тафаккур маҳсули бўлиб инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳолати билан белгиланади. Фуқаролик жамиятининг пойдеворини яратиш ва уни амалда шакллантириш учун аввало у ҳақдаги ғоялар генезисини, асосларини билиш лозим. Фуқаролик жамияти маълум асослар (иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий) яратилгандагина шаклланиши мумкин. Булар қуйдагилардан иборат:

иқтисодий асос - шахс ва жамият манфаатларининг умумийлигига асосланган мулк шакллариининг хилма-хиллиги, иқтисодий плюрализм, кўп укладлилиқ, эркин бозор муносабатлари. Қайсики жамиятда унинг ҳар бир аъзоси, қандайдир мулкка эга бўлиши, ўз хоҳиши билан тасарруф этиш, сарфлаш ҳуқуқига эга бўлиши, хусусий мулк дахлсизлиги, давлат томонидан кафолатланган тадбиркорлик, меҳнат ва истеъмол фаолияти эркинлигининг таъминланганлиги.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон. 2000. 8-жилд. -Б-331.

ижтимоий-сиёсий асос – мустақил давлатларнинг ташкил топиши, иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятнинг ажратилиши. Инсонларнинг ўз мақсадларини ҳимоя қилиш мақсадида маълум ташкилотларга бирлашиши, Ҳокимиятлар турли-туман марказлар, ташкилотлар, сиёсий институтлар кўлида жамланган бўлса, улар бир-бирини чеклайди ва мувозанатга солиб туради. Сиёсий плюрализм, давлат ҳокимияти функцияларининг секин-аста фуқаролик жамияти институтларига бериб борилиши. “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” тамойилининг намоён бўлиши. Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Фуқаролик жамияти қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутади”¹.

ҳуқуқий асоси – инсон учун аҳамиятли бўлган озодлик, тенглик, адолат кадриятларининг қарор топиши юридик тенгликнинг таъминланиши ва уларга ҳуқуқ ва эркинликлар бериш орқали қонун йўли билан тан олинishi. “Қонун ҳуқумрон бўлган жойда эркинлик ҳам бўлади” (А.Темур). “Адолат - қонун устуворлигида” тамойилининг амал қилиниши. ...“Фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдирлар. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким уларни суднинг қарорисиз маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бшқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим”².

маънавий асос – инсонлар ўз қадр-қимматига, жамиятнинг асосий кадриятлари ҳимоясига тура оладиган зарурият туғилганда улар учун қураша оладиган бўлишлари, виждон эркинлиги, ахлоқий нормаларга риоя қилиш, ягона мафкура дунёқарашнинг якка ҳокимлигининг мавжуд эмаслиги, ижтимоий жараёнларни демократлаштиришда бевосита ва билвосита иштирок этишлари, фуқаролик позициясига эга эканлиги. “Тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйикда, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлмайди. Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади”³.

Ўзбекистонда янги жамиятни ривожлантириш ислохотлари жараёнида жаҳондаги турли мамлакатларда фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши турли даражада ва даврларда амалга оширилганлигининг назарий ва амалий жиҳатларини, тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, фуқаролик жамиятининг бупрогрессив жиҳатлари (тамойиллари ва белгиларини) синалган тажриба сифатида ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган мамлакатларда фуқаролик жамияти қуришда эътиборга олишга имкон беради. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамияти фанини олий таълим тизимида ўқитиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Фуқаролик

¹ Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1999. 7-жилд 388-бет.

² Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқилол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996, 1-жилд. 126-бет.

³ Каримов. И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996, 3-жилд. 34-бет.

жамияти фанини ўқитиш асносида мамлакатда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир тажрибалар ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билимлари ёрдамида нафақат янги жамиятда яшайдиган, балки бу жамиятни ривожлантиришда бевосита фаол иштирок эта оладиган ёш авлодни шакллантиришга қаратилган билимлар бериш назарда тутилади.

Аслини олганда “фуқаролик жамияти” атамаси турли хорижий адабиётларда алоҳида мазмун касб этган тушунча бўлиб, у ҳозирги давр талқинда жамиятнинг муайян шакли (ҳолати ва хусусияти)ни, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий табиатини, ривожланиш даражасини ифодалайди. Фуқаролик жамиятини шакллантириш масалалари доимо давлатни такомиллаштириш, ҳуқуқ ва қонуннинг ролини юксалтириш муаммолари ҳал этиш билан чамбарчас тарзда ўзаро боғлиқдир.

Фуқаролик жамияти фанининг предмети фуқаролик жамиятининг шаклланиши, ривожланиши, ҳар бир миллий давлатда фуқаролик жамияти қарор топишининг умумий, ўзига хос қонуниятларини ва тамойилларини ўрганишдан иборатдир.

Фуқаролик жамияти фанининг **объекти** – бу ривожланган мамлакатларда ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шаклланиш ва ривожланиш жараёни ҳисобланади. Бу жараён ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги туб ўзгаришларни ифодалайди ва бир неча ўн йилликларни ўз ичига олиб, унда фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий давлат билан ўзар уйғунликда ривожланиш босқичлари назарий ва амалий нуқтаи назарлардан ўрганилади.

Фуқаролик жамияти фанининг **предмети** – бу узоқ ва босқичма-босқич тарздаги тарихий ривожланиш натижасидан иборат бўлиб, фуқаролик жамияти шаклланган ва ривожланган оралик давр – бир неча авлодларнинг янги жамият қуришдаги иштироқи, жамиятшунос олимларнинг бу жамиятни ривожлантиришга доир назарий ишланмалари, Президент И.А.Каримов томонидан Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг “Ўзбек модели”га хос назарий қарашлар, мамлакатда фуқаролик жамиятининг ривожланиш жараёнидан иборатдир.

Фанни ўқитишдан мақсад - талаба ёшлар онгида фуқаролик жамиятига доир тасаввурларни сингдириш, уларда жамиятни ривожлантиришга доир мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, Ватанга садоқат ҳис-туйғуларини юксалтириш кабилардан иборатдир. Фаннинг вазифалари қуйидагиларда намоён бўлади:

-жаҳон тажрибаси ва миллий воқеликларни ўрганиш асносида фуқаролик жамиятига доир концепциялар мазмун-моҳиятини очиб бериш;

-талабаларга фуқаролик жамиятига доир тушунчаларни таҳлил қилишда, унга доир назарияларни ўрганишда ҳар томонлама кўмаклашиш, уларнинг жамиятга доир қарашларини бойитиш;

-фуқаролик жамияти қуриш ислохотларида шахснинг ролини очиб бериш асносида талабаларда шахсий фуқаролик нуқтаи назарларни шакллантиришга ёрдамлашиш;

- талабалар онгига фуқаролик жамияти қуриш жараёнида пайдо бўладиган муаммолар ва уларнинг ечимларига доир билимларни сингдириш;
- талабаларга фуқаролик жамиятига доир назарий ишланмаларни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришларида уларга ҳар томонлама кўмаклашиш;
- тараққиётнинг “Ўзбек модели” ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг илмий-методологик асосларига доир билимларни ўзлаштиришларига кўмаклашиш;
- талабаларга ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий белгилари ва ўзаро таъсир этиш механизмларига доир тушунчаларга доир билимлар бериш;
- фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий асосларини очиб бериш;
- фуқаролик жамиятининг иқтисодий таянчи – нодавлат ва шахсий мулкчилик, тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришга доир билимлар бериш;
- талабалар онгини фуқаролик жамиятининг маърифий ва руҳий асоси – миллий маънавиятни тиклаш ва уни ривожлантиришга доир билимлар билан бойитиш;
- “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг мазмун-моҳиятини тушунтириш;
- “Адолат – қонун устуворлигида” тамойилининг моҳияти ва аҳамиятига доир билимлар бериш;
- сайлов ҳуқуқи эркинлиги - фуқаролик жамиятининг муҳим мезони эканлигини асослаш;
- фуқаролик жамияти институтлари ривожланишида жаҳон тажрибасининг ўрнини очиб бериш;
- ижтимоий инновацияларнинг фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишига таъсири тўғрисида билимлар бериш;
- сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларни эркинлаштириш ислохотларини фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамиятини очиб бериш;
- жамиятда фуқаролар манфаатлари мувозанатини таъминлаш масаласи ҳақида тушунчалар бериш;
- фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш;
- нодавлат ноижорат ташкилотларининг фуқаролик жамияти институти сифатидаги ўрнини очиб бериш;
- оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришга доир билимлар бериш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ёритиб бериш;
- жамоатчилик назорати ва давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминланиш масалаларини ёритиш;

- ижтимоий шериклик тўғрисида билимлар бериш ва ёшларда фаол фуқаролик позицияларини шакллантириш механизмларига доир билимлар бериш.

Фуқаролик жамияти фанини ўзлаштириш жараёнида амалга оширилаётган масалалар доирасида талабаларда қуйидаги билим, кўникма шакллантирилади:

– Фуқаролик жамияти тўғрисида назарий билимлар ва уларнинг Ўзбекистон ва жаҳон тажрибасида намоён бўлишининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида; талабаларда фуқаролик жамияти тўғрисидаги назарий билимлар ва кўникмалар; жаҳонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланиш тажрибалари; фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида; ўтмиш, бугун ва келajak воқеаларини баҳолашда билишнинг турли услубларидан фойдаланиш; фуқаролик жамиятида давлат бошқарув органларини демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари; давлат ҳокимияти органлари тизими ва фуқаролик жамиятида давлат бошқаруви тузилмасини билиш; фуқаролик жамияти қуришнинг мазмунмоҳияти ҳақида муайян билимларга эга бўлиши;

– фуқаролик жамият қуришнинг миллий ва умуминсоний демократик тамойилларини; хорижий мамлакатларнинг фуқаролик жамият қуриш бўйича илғор тажриба ва усулларини; ривожланган мамлакатларда мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялашнинг асосий тамойиллари ҳамда уларнинг “Ўзбек модели” тамойиллари билан қиёсий таҳлилин; демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришнинг ҳуқуқий асосларини; тараққиётнинг “Ўзбек модели” тамойиллари моҳиятини билиши ва улардан фойдалана олиши;

– марказлашган режали иқтисодиёт ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг фарқли томонларини аниқлаш; мамлакатни демократлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишининг инқилобий ва тадрижий (эволюцион) йўлларининг ютуқ ва камчиликларини баҳолаш; мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг моҳияти ва босқичлари; мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш, ижтимоий ҳаётни янгилаш кўникмаларига эга бўлиши керак;

– мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини англаган ҳолда улардан ўз касбида фойдаланиш; “Ўзбек модели” эришаётган натижаларидан ўз ишларида фойдаланиш; мамлакатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш бўйича ўз хулосаларини бера олиш; мамлакатимизнинг жаҳон бўйича эришаётган ютуқларини таҳлил қилиш малакаларига эга бўлиши керак.

2. Фуқаролик жамияти фанининг тушунчалари, қонуниятлари ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисидаги умумэтироф этилган қонуниятларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин.

1-гурух. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисидаги умумэътироф этилган қонуниятлар.

2-гурух. Ҳар бир мамлакатларнинг миллий ва тарихий ривожланишидаги ўзига хос жиҳатларини ҳисобга оладиган қонуниятлар.

Фаннинг асосий тушунчалари: фуқаро, жамият, фуқаролик жамияти, давлат, ҳуқуқий давлат, сиёсий институтлар, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, инсон ҳуқуқлари, жамиятининг ижтимоий тузилмаси, жамиятининг иқтисодий асослари, демократик институтлар, қонун устуворлиги, сайлов, сайлов ҳуқуқи, фуқаровийлик, фуқаро фаоллиги, юрт тинчлиги, ватан равнақи, халқ фаровонлиги, юксак маънавият, дахлдорлик ҳисси, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, ўзини ўзи бошқариш, Миллатлар ва конфессиялараро тотувлик, жамоатчилик назорати, давлат органлари фаолиятининг очиклиги, ижтимоий шериклик кабилардир.

Фуқаролик жамияти фанини ўқитиш жараёнида илмийлик, тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилади.

Илмийлик – фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоялар, назариялар, замонавий концепцияларни таҳлил қилиш асосида унинг методологик назарий асосларини кўрсатиш.

Тарихийлик - фуқаролик жамиятининг шаклланишининг тарихий босқичлари, уларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилган ҳолда жаҳон тажрибасида эришилган ютуқлардан фойдаланиш асосида таҳлил этиш.

Мантиқийлик – фуқаролик жамияти шаклланишининг генезисидан то бугунги ҳолатигача бўлган жиҳатларини (асосий белгилари, омиллари, тамойиллари, функциялари) узвийлик асосида таҳлил қилиш.

Тизимлилик – фуқаролик жамиятини бир бутун тизим сифатида ва ҳар бир белгиларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва тизимдаги ўрни ва ролини кўрсатиш.

Қиёсий таҳлил методи – фуқаролик жамияти шаклланиш ва ривожланиш тажрибаларини солиштириш, ҳар бир давлатдаги ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш.

Фуқаролик жамияти фани бакалавриат босқичи ўқув режасидаги Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, Ҳуқуқшунослик, Социология, Ўзбекистон тарихи, Фалсафа, Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар, Иқтисодиёт назарияси, Маънавият асослари, Маданиятшунослик каби фанлар билан ўзаро боғлиқдир. Бу фанларда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг турли йўналишларидаги ҳолати, қонуниятлари, тамойиллари ўрганилади. Фуқаролик жамияти фаннинг ўзига хослиги шундан иборатки, у жамиятни ривожланиб боровчи бир бутун яхлит тизим ва тизимнинг таркибий қисмлари сифатида ўрганади.

Фуқаролик жамияти фанининг методологик функцияси ижтимоий фанларнинг ривожланиши ижтимоий жараёнларни ўрганишнинг умумий йўналишларини белгилашда, ишлаб чиқилган меъёрларнинг дастурил амал сифатида фойдаланишда яққол кўзга ташланади.

Фуқаролик жамияти фанининг прогностик функцияси жамиятнинг ривожланиш истиқболларини олдиндан кўришга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг намоён бўлишида кўринади. Жамиятнинг ҳар бир фуқароси ўз касби-кори ва ихтисослигидан қаътий назар жамият ривожланиши тўғрисидаги билимлари чуқур эгаллаши орқалигина ён атрофида рўй бераётган воқеа ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини билиши, уларни бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этиш, бунёдкор кучга айланиши мумкин.

Бугунги кунга келиб дунёнинг аксарият давлатларида ҳуқуқий-демократик тизимлар умумбашарий ва миллий қадриятлар уйғунлиги сифатида қарор топаётганлиги фуқаролик жамиятини барпо этиш инсоният ҳаёт тарзининг энг мақбул ривожланиш йўли эканини деярли барча эътироф этаётганлиги ва унинг жаҳоний кўлам касб этаётганлиги фуқаролик жамиятини фан сифатида ўрганишни тақозо этмоқда.

«Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги кўп-кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб етиб келган, - деб таъкидлайди И.А.Каримов. – Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилоқдамиз»¹.

Шуни таъкидлаш лозимки, инсоният тараққиётининг Аристотель, Платон, Цицерон ва бошқа мутафаккирлар яшаган тарихий босқичида фуқаролик жамияти деганда давлатни тушунган. Бу ҳол анча узоқ вақт мавжуд бўлган ва иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг ривожланиш даражаси (меҳнат тақсимотининг примитив шакллари, товар-пул муносабатлари ривожланишининг дастлабки босқичи, жамият ҳаётини давлат тасарруф этиши, ижтимоий тузилманинг табақавийлиги) билан боғлиқдир.

Фуқаролик жамиятининг баъзи бир унсурлари антик дунёнинг айрим мамлакатларида мавжуд бўлиб (Юнонистон, Рим), бу ерда ҳунармандчилик ва савдо-сотикнинг ривожланиши хусусий ҳуқуқнинг айрим институтлари (айниқса, Рим хусусий ҳуқуқи)да мустақамланган товар-пул ишлаб чиқаришини вужудга келтирди. Бироқ, ҳолат фақат фуқаролик жамиятининг айрим минтақаларда вужудга келган ва табақалашган вертикал тузилмалари ва уларнинг билан уйғунлашган унсурларидан иборат эди, холос.

Ижтимоий-сиёсий фанларда фуқаролик жамияти ва «давлат» тушунчалари узоқ вақт учалик фарқланмай келди, улар айнан тушунчалар сифатида қабул қилинди. Бироқ, XVII аср ўрталаридан бошлаб, жамиятнинг турли жабҳаларини табақалашини, уларни давлат ҳокимияти бошқарувидан чиқариш, узвий ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган эркин ва мустақил индивидни камол топтириш жараёни ижтимоий тараққиётнинг икки тамойилиниюзага келтирди ва уларни ижтимоий онг ва фанда акс эттириш зарурати пайдо бўлди.

Давлатда ҳокимиятнинг учга бўлиниши, сиёсий партиялар, манфаатлар гуруҳлари (қасаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари ва ҳ.к.) пайдо

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999, 7-жилд. 304-б.

бўлиши билан жамият ҳаёти мазмуни энди фақат давлат ҳокимияти билан чекланиб қолмасликни тақозо этди. Жамият бошқаруви дунёсига янги иштирокчи институтлар кириб кела бошлади, улар сиёсий қарорлар қабул қилиш, фуқаролик жамияти стратегиясини ишлаб чиқиш, шахс фаолиятининг умумий мақсад ва мазмунини шакллантириш жараёнига сезиларли даражада таъсир кўрсата бошлади.

Фуқаролик жамияти тушунчаси абсолютизм ағдарилганидан сўнг шаклланган янги ҳаётни, яъни фуқароларнинг шахсий ҳаётини давлат таъйиқидан халос этишни ақс эттиради. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатда мансбдорлар фуқаролар билан ўзаро муомалаларда қонунга қатъий риоя қилиши ғоялари илгари сурилди.

Тарихда давлатдан мустақил равишдаги жамият амалда доимо намоён бўлган даврла ҳам бўлган, бироқ у доимо ҳам фуқаролик жамияти мазмунини касб этавермаган. Фуқаролик жамияти давлатнинг ижтимоий тузилмаларидан ажралиши, у ижтимоий муносабатларнинг нисбатан мустақил жабҳасига айланиш натижаси ўлароқ пайдо бўлди. Фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланиши жараёнида ҳозирги давр ҳуқуқи ва давлати вужудга келди.

Кўриб турганимиздек, фуқаролик жамияти категорияси тарихан инсоният ривожланишининг шундай бир алоҳида йўналишини ақс эттирадики, у ҳар бир даврнинг ўзига хос мутафаккирининг оқилоналик, эркинлик, фаровонлик ва адолат ҳукм сурувчи идеал жамият моделини яратишга интилиши билан тавсифланади. Давлат, оила, қабила, миллат тушунчалари, диний ва бошқа бирликлардан фарқ қилувчи фуқаролик жамияти категорияси, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, XVIII-XIX асрларга келиб ўрганила бошланди.

Европа ва Америка мамлакатларининг, катта минтақаларида фуқаролик жамиятининг шаклланиши янги даврда бошланди. Олимлар ва мутахассислар фикрига кўра, фуқаролик жамиятининг ривожланишини уч босқичга ажратиш мумкин. Бунда бир босқичдан кейинги босқичга ўтишда жамият ва давлат тузумида катта ўзгаришлар, ижтимоий ва сиёсий тангликлар, оммавий ҳаракатлар, синфларнинг тўқнашувлари, жамият мафқурасида туб ўзгаришлар юз берган.

Биринчи босқич шартли равишда XVI-XVII аср. Бу даврда фуқаролик жамиятининг иқтисодий, сиёсий ва мафқуравий асослари яратилди. Улар жумласига саноат ва савдонинг ривожланиши, ишлаб чиқариш турларининг ихтисослашуви, меҳнат тақсимотининг теранлашуви, товар-пул муносабатларининг ривожланиши киритиш мумкин. Шунингдек, ягона марказлашган давлатларнинг ташкил топиши билан феодал тарқоқлик даврида мавжуд бўлган тенгсизлик, ҳуқуқсизликларга барҳам беришга эътибор берилди бошланди.

Иккинчи босқичи XVIII аср охиридан XIX аср охиригача давом этди. Бу даврда энг ривожланган мамлакатларда умумий юридик тенглик ва эркинликка, тадбиркорлик эркинлиги ва шахсий ташаббусга асосланган дастлабки капитализм кўринишидаги фуқаролик жамияти шаклланди.

Учинчи босқич (XIX аср охири ва кейинги давр) вертикал феодал тузилмалар ўрнини эркин одамларнинг ҳуқуқий тенглиги ва ўзаро битимларига асосланган горизонтал муносабатлар эгаллагани билан тавсифланади. Инсониятнинг кўп асрлик тарихида барча одамлар, ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан қатъи назар, жамият ҳаётининг ҳуқуқий жиҳатдан тенг иштирокчилари деб эътироф этилиши муҳим ижтимоий аҳамият касб этди. Улар ҳар кимга ўзини эркин хоҳиш-иродага эга бўлган, ўз ҳаракатлари ва уларнинг ҳуқуқий оқибатлари учун жавоб беришга қодир шахс сифатида намоён этиш имкониятини берувчи қонунлар билан эътироф этилган қатор ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўла бошлади.

Фуқаролик жамиятининг амалда юзага келишига Ҳуқуқлар ҳақидаги билль (Англия, 1689 й.; АҚШ, 1791 й.) ёки Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси (Франция, 1789 й.)нинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Фуқаролик жамияти – ўз шахси, ижодий ташаббусини эркин намоён этувчи тенг ҳуқуқли одамлар жамияти, ортиқча тақиқлар ва кераксиз маъмурий тартибга солишдан холи тенг имкониятлар жамияти сифатида шаклланди.

Жамият аъзолари юридик нуқтаи назардан фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлди. Фуқаролик - инсоннинг муайян давлатга барқарор тарздаги мансублиги, инсон ва давлатнинг ўзаро ҳуқуқий алоқаси сифатида намоён бўла бошлади. Бу икки томонлама алоқалар, бир томондан, давлат ўз фуқароларига муайн ҳуқуқ ва эркинликларни қафолатлайди, уларнинг ўзини ва мол-мулкини зўравонлик ва ўзбошимчаликлардан ҳимоя қилади, хорижий мамлакатларда истиқомат қиётган ўз фуқароларига ҳомийлик қилади. Бошқа томондан, фуқаролар давлат қонунларига риоя қилишлари, у белгилаган мажбуриятларни бажаришлари, ўз меҳнати билан давлатни мустаҳкамлашга кўмаклашишлари, унинг обрўсини сақлашлари, зарур бўлган ҳолатларда уни ҳимоя қилишлари лозим. Бу ҳуқуқ ва бурчлар мажмуи фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий мақомини ташкил этади.

Фуқаролик - бу нафақат шахснинг ҳуқуқий мақоми, балки унинг ижтимоий ҳолати ҳамдир. Ҳуқуқий давлатда қонун олдида тенглик ва бу билан боғлиқ ҳолда фуқаролик ҳуқуқларига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар кўшилади. Жамиятда ҳақиқий эркинликни таъминлаш ҳар бир инсон нафақат юридик ва сиёсий маънода, балки иқтисодий ва ижтимоий маънода ҳам фуқарога айланишини назарда тутади.

XX асрда фуқаролик жамияти ғояси янада муҳимроқ аҳамият касб этди. Бунга аввало тоталитар ва авторитар тузумларнинг пайдо бўлиши ва уларга қарши демократия учун кураш олиб бориш зарурияти сабаб бўлди. Плюрализм назарияси кенг тарқалди. Бу назарияга биноан, демократик жамиятнинг асосий вазифаси куйидагилардан иборат:

- фуқаролар тотувлигига эришиш йўллари излаш;
- аҳолининг турли гуруҳлари манфаатларини ҳисобга олиш;
- қарама-қаршиликларга барҳам бериш ва низоларнинг олдини олиш.

Табақавий имтиёзларнинг тугатилиши ва фуқаролик ҳуқуқларининг пайдо бўлиши фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили

ҳисобланади. Шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятининг сиёсий негизи бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, “ҳуқуқий давлат” ва “фуқаролик жамияти” тушунчалари жамият ҳаётининг турли томонларини акс эттирувчи тушунчалардир. Улар гуруҳлар, индивидлар, жамиятнинг умумий аҳамиятга молик манфаатлари ўраладиган қобик ҳисобланади ва уларни рўёбга чиқариш усулларидан ташкил топади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, фуқаролик жамиятининг давлатдан ажралиши айнан табақалар ўртасидаги тенгсизликни тугатиш ва ижтимоий муносабатларни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида юз берган. Бу жараёнга бутун аҳоли номидан иш кўрувчи вакиллик давлатининг шаклланиши асос бўлган.

Бунинг учун одамларнинг юридик тенглиги уларга ҳуқуқ ва эркинликлар бериш орқали қонун йўли билан тан олинди. Табақавий тенгсизлик ўрнини эгаллаган умумий юридик тенглик шахсининг мутлақо янги ижтимоий ҳолатини белгилаб берди. Энди индивидлар, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, эркин ҳамда ижтимоий ҳаётнинг тўлақонли иштирокчилари деб эътироф этилди.

Фуқаролик жамияти – очик ижтимоий тузилма. Унда сўз эркинлиги, шу жумладан, танқид қилиш эркинлиги, ошкоралик, ҳар хил ахборотлар олиш эркинлиги, эркин кириш ва чиқиш ҳуқуқи, бошқа мамлакатлар билан кенг миқёсда, доимий асосда ахборот, таълим технологиялари алмашинуви, чет давлатлар ва жамоат ташкилотлари билан маданий ва илмий ҳамкорлик, халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига мувофиқ халқаро хорижий бирлашмалар фаолиятига кўмаклашиш таъминланади. У умумий инсонпарварлик тамойилларига содиқ бўлиб, дунё миқёсидаги шундай тузилмалар билан ўзаро алоқа қилиш учун очикдир.

Фуқаролик жамияти – мураккаб таркибли ва плюралистик тизим. Табиийки, ҳар қандай ижтимоий организм тизимнинг муайян хоссалари мажмуига эга бўлади, бироқ фуқаролик жамиятига уларнинг тўлиқлиги, барқарорлиги ва самаралилиги хосдир. Ранг-баранг ижтимоий шакллар ва институтлар (касаба уюшмалари, партиялар, бирлашмалар, тадбиркорлар, клублар ва ҳ.к.)нинг мавжудлиги индивидларнинг турли туман эҳтиёжлари ва манфаатларини ифодалаш ва рўёбга чиқариш, одамзотнинг барча қобилиятларини намоён этиш имконини беради.

Фуқаролик жамияти – ўзини ўзи ривожлантирувчи ва ўзини ўзи бошқарувчи тизим. Индивидлар ҳар хил ташкилотларга бирлашиб, бир-бири билан ранг-баранг муносабатлар ўрнатиб, ўзларининг баъзан қарама-қарши манфаатларини рўёбга чиқариб, жамият сиёсий ҳокимият кучига эга бўлган давлатнинг аралашувисиз уйғун ва изчил ривожланишини таъминлайдилар. Фуқаролик жамияти ўзининг давлатдан мустақил ўзини ўзи ривожлантириш ички манбаларига эгадир.

Фуқаролик жамияти – ҳуқуқий демократик давлат билан уйғунликда яшайди. Бу ерда инсон ва фуқаронинг табиий ва ўзлаштирилган ҳуқуқларини тан олиш, таъминлаш ва ҳимоя қилиш боғловчи омил сифатида амал қилади.

Фуқаролик жамиятининг асосий унсури айрим шахс бўлса, фуқаролик жамияти институтлари, ташкилотлар, гуруҳлар ва ҳоказолар уни шакллантирувчи омиллардир. Улар шахс, унинг манфаатлари, мақсадлари, ниятлари ва ҳоказоларни рўёбга чиқаришга кўмаклашади. Шу сабабли иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятни ажратиш, ҳақиқий фуқаролик жамиятининг юзага келиши ва қарор топишининг бош омили ҳисобланади. Иқтисодий ҳокимият сиёсий ҳокимият билан қўшилганида муқаррар тарзда иқтисодий ҳокимиятнинг бир марказ, бир одам ёки шахслар гуруҳи кўлида жамланиши юз беради. Агар сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятлар турли марказлар, кўлларда жамланса, улар бир-бирини чеклаб туради.

3. Фуқаролик жамияти - тараққиётнинг юқори босқичи.

“Фуқаролик жамияти” ва “ҳуқуқий давлат” тушунчаси биргаликда XVIII асрда пайдо бўлган. Одамлар ҳаёти ва фаолиятининг икки томони: уларнинг шахсий манфаатлари, ташаббуси, ихтиёрий фаолияти жабҳаси ва одамлар хулқ-атвори давлатнинг хоҳиш-иродасига бўйсунувчи халқ ҳокимияти жабҳаси шу тушунчалар билан ифодаланди.

Фуқаролик жамияти ҳокимиятнинг оқилоналиги ва одилоналиги, шахс эркинлиги ва фаровонлиги ҳақидаги ғояларнинг ҳуқуқий устунлиги, ҳуқуқ ва қонуннинг бирлиги, давлат ҳокимиятининг турли тармоқлари фаолиятини ҳуқуқий чегаралаш ғоялари билан муштарақдир.

Ҳуқуқий давлатни фуқаролик жамияти ривожланишининг натижаси ва унинг ўзини ўзи янада такомиллаштириши омили деб ҳисоблаш мумкин. Ҳуқуқий давлатчиликнинг шаклланиш жараёни, ҳеч шубҳасиз, анча узоқ вақт давом этади. У фуқаролик жамияти шаклланиши билан бирга такомиллашиб боради. Ҳар бир давлатда бўлганидек, ҳуқуқий давлат ҳокимиятининг суверенлиги ҳам мамлакат ичида унинг барча фуқароларга ва улар ташкил этувчи нодавлат ташкилотларига нисбатан устунлигида ва ундан ташқарида давлатнинг ташқи сиёсатни юритиш, бошқа давлатлар билан муносабатлар ўрнатишда ва мустақиллигида намоён бўлади.

Етук фуқаролик жамиятисиз ҳуқуқий демократик давлат қуриш мумкин эмас, чунки онгли эркин фуқароларгина кишилик жамиятининг энг оқилона шакллари яратишга қодирдирлар. Шундай қилиб, фуқаролик жамияти эркин индивид ва марказлашган давлат хоҳиш-иродаси ўртасида боғловчи бўғин ҳисобланса, давлатнинг вазифаси парчаланиш, тартибсизлик, танглик, таназзулга қарши иш кўриш, эркин шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Ҳуқуқий давлат – бу шундай бир давлат ҳокимиятдирки, у ҳуқуқ нормаларига биноан, ва уларнинг доирасида иш кўради, бу нормаларни бузиш, бекор қилиш ёки чеклашга журъат этмайди, фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларининг узвий табиий-тарихий ҳуқуқларини эътироф этади.

Тоталитар давлатда хавфсизликни таъминлаш ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш, одамлар хулқ-атвори давлат белгилаган ҳуқуқий қоидаларга мувофиқлигини таъминлаш фаолиятдан иборат бўлади, давлат

хокимиятига татбиқан хавфсизликни давлат хавфсизлиги ва фуқаролик жамияти хавфсизлигига ажратиш муаммоси юзага келмайди.

Фуқаролик жамиятининг хавфсизлиги (жамоат хавфсизлиги) қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланиши мумкин:

-ижтимоий адолат;

-давлат билан ўзаро муносабатларда фуқароларнинг ва умуман жамиятнинг ҳуқуқлари;

- қонунийлик тартиби;

- фуқароларнинг иқтисодий фаровонлиги;

- демократик плюрализм;

- жамиятнинг очиқлиги;

- фуқаролик жамиятининг миллий жиҳатдан муайянлиги.

Фуқаролик жамиятининг юзага келиши инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқларининг фарқланишини белгилаб берди.

Инсон ҳуқуқларини фуқаролик жамияти, фуқаро ҳуқуқларини – давлат таъминлайди. Иккала ҳолатда ҳам шахс ҳуқуқлари тўғрисида сўз юритилади, бироқ биринчи ҳолатда айрим инсон сифатидаги шахснинг яшаш, эркинлик ҳуқуқлари назарда тутилса, иккинчи ҳолатда – унинг сиёсий ҳуқуқлари назарда тутилади.

Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари ўртасидаги фарқ муайян асосларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1) инсон ҳуқуқлари давлат томонидан эътироф этилгани ва қонун йўли билан мустақамланганидан, уларнинг эгаси - инсон у ёки бу давлатга мансублигидан қатъи назар мавжуд бўлиши мумкин. Фуқаро ҳуқуқлари эса мазкур шахс қарашли бўлган давлат томонидан ҳимоя қилинади;

2) дунёда ҳали анчагина одамлар умуман фуқаролик мақомига эга эмас (фуқаролиги бўлмаган шахслар, апатридлар). Бинобарин, улар расмий даражада фуқаро ҳуқуқларига эмас, балки инсон ҳуқуқларига эгадирлар. Фуқаролик жамиятининг вазифаси ижтимоий ҳаётнинг ривожланишини таъминлашдан иборат. Шу сабабли, унинг асосий таркибий қисмларини вазифалари қаторига бу жараён нормал кечиши учун шарт-шароит яратиб берувчи институтлар фаолияти ташкил этади.

Фуқаролик жамиятининг асосий қадриятларини оила, мулк, шахс, эркинлик, ҳуқуқ, маънавият, тартиб, давлатчилик ташкил этади. Бунда ҳаммани ва мажбурий тартибда мулкдорларга айлантириш назарда тутилмайди – уларнинг кўпчилиги буни хоҳламайди, бироқ бундай имконият ҳар ким учун сақланиши лозим. Мулк ҳар доим шахс ва бутун жамият эркинлигининг бош омили сифатида амал қилади. Мулкка нисбатан ҳурмат мавжуд бўлмаган жойда шахсга нисбатан ҳурмат ҳам мавжуд бўлмайди.

Фуқаролик жамияти тузилмалари «юқоридан» туриб эмас, балки «қуйидан», фуқароларнинг ташаббуси билан, ихтиёрий асосда, табиийки, муассисларнинг манфаатлари, қизиқишлари ва мойилликларига мувофик тузилади. Уларнинг эркинлиги давлат тузилмаларига қарам эмасликда, ички қоидалар билан назарда тутилган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган ўзини ўзи бошқариш фаолиятида намоён бўлади.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари мавжуд бўлиб улар куйидагилардир:

- эркин индивидлар уюшмаси;
- ўзаро ҳамкорликка асосланган ижтимоий тузилма;
- мураккаб тузилишга эга бўлган плюратилстик тизим;
- ўзини ўзи ривожлантирадиган ва ўзини ўзи бошқарадиган тизим.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим омиллари:

1) иқтисодий эркинлик, мулк шаклларининг ранг-баранглиги, бозор муносабатлари;

2) инсон ва фуқаронинг табиий ҳуқуқларини сўзсиз эътироф этиш ва ҳимоя қилиш;

3) ҳокимиятнинг қонунийлиги ва демократик хусусияти;

4) қонун ва одил суд олдида ҳамманинг тенглиги, ҳар бир шахснинг юридик жиҳатдан ишончли ҳимояланганлиги;

5) ҳокимиятнинг учга бўлиниши ва ҳокимиятларнинг ўзаро алоқаси принципига асосланган ҳуқуқий давлат;

6) сиёсий ва мафкуравий плюрализм, конструктив муҳолифатнинг мавжудлиги;

7) сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги;

8) фуқароларнинг шахсий ҳаётига давлатнинг аралашмаслиги, уларнинг ўзаро мажбуриятлари ва бурчлари;

9) синфий ва миллий тотувлик, ижтимоий шерикчилик;

10) одамларнинг муносиб турмуш даражасини таъминловчи самарали ижтимоий сиёсат.

Фуқаролик жамияти қатор тамойилларга таяниб фаолият кўрсатади. Жумладан:

- сиёсий соҳада ҳамма одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг тенглиги;

- бутун жаҳон ҳамжамиятида юридик кучга эга бўлган қонунлар асосида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатланган ҳуқуқий ҳимояси;

- индивидларни мулкка эга бўлиш ва ҳалол меҳнати учун адолатли ҳақ олиш ҳуқуқига асосланган иқтисодий мустақиллиги;

- қонун билан кафолатланган фуқароларни манфаатлари, касбий белгилари бўйича давлатдан ва партиядан мустақил ижтимоий бирлашмаларга бирлашиш имкониятлари;

- партия ва фуқаролик ҳаракатларини ташкил этишда фуқароларнинг эркинлиги;

- фуқароларни эркин, маданиятли, маънавий ва ижтимоий фаол, жамият аъзоларини қонун олдида маъсулиятли қилиб шакллантирадиган фан, маданият, таълим ва тарбия учун зарурий моддий ва бошқа шароитларни яратиш;

- фақат қонун билан чекланган давлат цензурасидан ташқари ОАВ яратиш ва фаолият юргизиш эркинлиги;

- давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатни барқарорлаштирадиган механизмни (консенсус механизми) мавжудлиги, ҳамда фуқаролик жамиятини ишлашини давлат органлари томонидан хавфсизлигини таъминланиши. Бу механизм, расмий бўладими, норасмий бўладими, у ўз ичига қонуний актларни, халқ вакилларини демократик сайлов билан ҳокимиятнинг, ўз-ўзини бошқариштурли органлари ва ҳ.к. тайинлаш кабиларни олади.

Иқтисодий соҳада фуқаролик жамият асосини кўп укладли иқтисод, мулкнинг турли шакллари бошқариладиган бозор муносабатлари ташкил этади; Ҳуқуқий соҳада эса – ҳокимият бошқаруви ваколатларини марказда йиғилиб қолмаслиги, ҳокимиятлар бўлиниши, сиёсий плюрализм, фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларида иштирок этишлари, қонун устиворлиги ҳаммининг улар олдида тенглиги; маънавий соҳада-ягона мафкура ва дунёқарашнинг яққа ҳокимлигини йўқлиги, виждон эркинлиги маданийлик, юқори маънавият ва ахлоқ ташкил этади.

Фуқаролик жамияти шахс эркинлигисиз бўлмайди. Эркинлик меъёрий кўринишга эга бўлгани учун, бундай шундай хулоса келиб чиқадики, бир томондан инсон эркинликка унинг норматив талабларига бўйсунуш қобилияти натижасида эга бўлади, бошқа томондан, шахс эркинлиги борлигининг ташқи шакли бу эркинликнинг чегараларини белгиловчи ижтимоий меъёрлар ҳисобланишини англатади. Ва фақатгина, жамият учун ёки инсоннинг ўзи учун энг муҳим аҳамиятга эга, энг асосий ҳисобланган соҳалардагина давлатнинг ўзи эркинликнинг ўлчовини, меъёрини белгилаб беради. Бу эса ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар, конституция ёрдамида амалга оширилади.

Бунда ҳуқуқий ва эркинликларнинг ўзи, жумладан конституционлари бир томондан фуқаролик жамиятининг ривожланганлик даражаси билан унинг иқтисодий, ижтимоий, ижтимоий-сиёсий ташкилланганлигининг етуқлиги даражаси билан белгиланади. Бошқа томондан инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинлигининг тўлиқлиги билан, уларнинг кафолатланганлиги даражаси амалга ошириш кетма-кетлиги фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий демократик жамият сифатидаги, ҳақиқий эркинлик ва ижтимоий адолатли жамият сифатида муҳим характеристикаларининг чуқурлашуви, ривожланишга кўп томондан боғлиқ бўлади. бу ўринда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари фуқаролик жамиятининг ўз воситаси намоён бўлади. Ушбу муҳим функцияларни бажариш даражасида фуқаролик жамияти қатор муҳим функцияларни бажаради:

1. Қонунчилик асосида у инсоннинг ва фуқароларнинг шахсий ҳаёт соҳасини давлат ва бошқа сиёсий структураларнинг асосланмаган қатъий мувофиқлаштиришидан ҳимоя қилишни таъминлайди.

2. Фуқаролик жамияти уюшмалари асосида ижтимоий (жамоатчилик) ўзини – ўзи бошқариш механизмлари яратилади ва ривожлантирилади.

3. Фуқаролик жамияти давлатнинг демократик органларини, унинг барча сиёсий тизимини шаклланиши ва содда кўринишга келтиришга кўмак беради; бунинг учун у турли воситалардан фойдаланади: сайлов кампанияларидан ва референдумларда, норозилик ёки бу ёки у талабларини

қўллаб-қувватлаш акцияларида, у ёки бу масаладар бўйича жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этиш.

4. Фуқаролик жамиятининг институтлари ва ташкилотлари инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини реал кафолатлашларини давлат ва жамоат ишларида тенг иштирокини таъминлашга қаратилади.

5. Фуқаролик жамияти ўз аъзоларига нисбатан ижтимоий назорат функцияларини бажаради: у давлатдан мустақил равишда восита ва санкциялар беришга эга бўлиши мумкинки, уларнинг ёрдамида у индивидларнинг жамоа талабларига риоя қилишларига мажбурлаши, фуқароларнинг ижтимоийлашувини ва тарбияланишини таъминлаши мумкин.

6. Фуқаролик жамияти коммуникациявий вазифани бажаради. Бу жамият давлат органларига фуқароларнинг конкрет манфаатлари ҳақида хабардор қилиб туради, бу манфаатларни амалга ошириш эса фақат давлат органларига тегишли бўлади.

7. Фуқаролик жамияти ўз институтлари ва ташкилотлари билан барқарорлаштирувчи вазифасини бажаради. У давлат олдида танг ҳолатлар юз берганда унга ёрдам беради, жамият ҳаётини яшашини таъминлайдиган мустаҳкам структураларини яратади.

Маълумки, Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш бош стратегик мақсад сифатида белгиланди. Шу каби жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маънавиятимизни қайта тиклаши, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлай олиши эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида шундай деб таъкидлайди: «Биз учун фуқаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсунуш бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиреди ва бир-бирини тақозо этади».¹

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий мезонларидан бири - бу унинг ҳуқуқий негизини яратишдан иборат бўлганлиги боис, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий пойдеворини ўрнатишга, унинг асосий қоида ва талабларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормаларининг ўз ифодасини топишига алоҳида эътибор берилди.

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т.: Ўзбекистон, 1997.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик жамиятининг асосий қоида ва талабларини акс эттирувчи принципиал аҳамиятга эга бўлган нормалар сифатида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги (2-модда), халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи ҳисобланиши (7-модда), Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши (11-модда), Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги (12-модда) кабиларда фуқаролик жамиятининг асосий принципиал масалалари юридик жиҳатдан мустаҳкамланганлигини кўришимиз мумкин.

Мустақиллик йилларида фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Конституциямизда қайд этилган асосий принциплар ва нормалар асосида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича тадрижий ислоҳотлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини яратиш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларни Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтти томонидан уч босқичга бўлиб таҳлил қилиш тавсия этилади.¹

Биринчи босқич ўз ичига 1991-2000 йилларни қамраб олади. Бу даврда, биринчи навбатда фуқаролик жамиятининг шаклланишининг асослари яратилди

Иккинчи босқич (2000-2010 йиллар) дамамлакатни демоератлаштириш ва модернизациялаш бўйича фаол жараёнлар давом эттирилди.

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” эълон қилинди. Бу Концепция мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг иккинчи босқичига яқун ясади ва яни – учинчи босқични бошлаб берди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларининг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб фуқаролик жамияти тушунчасига турли хил даражада тарифлар берилмоқда. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан фуқаролик жамиятига қўйидагича таъриф берилган: “Фуқаролик жамияти – бу қонун устуворлиги қиладиган; инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини

¹ Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш институти жорий архиви. 2013 й. яқунлари бўйича маъруза. -Б.3-5.

химоялашнитаъминланадиган, шахснинг ривожланиши ва ўзлигини намоеън қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган; аҳолининг кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватландиган мустақил қва барқарор институтлар амал қиладиган ижтимоий макондир”.

Юртимиздаги жамиятшунос олимлар ҳам фуқаролик жамиятини “..... бу - эркин, демократик, ҳуқуқий цивилизациялашган жамият бўлиб, унда яқка ҳокимлик режимига, волонтаризмга, синфий адоватга, тоталитаризмга, одамлар устидан зўравонлик қилишга ўрин йўқ, Бундай жамиятда фақат ва фақат қонун, ахлоқ, инсонпарварлик, адолат устуворлик қилади. Бу жамиятда кўп укладли рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти, ташшаббускор тадбиркорлар иқтисодий ривожланишнинг асосини ташкил этади, турли ижтимоий қатламлар манфаатлари мувозанатга келтириб турилади”¹ ёки “Фуқаролар ўртасидаги муаайян компромисс, давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида консенсус маданияти вудулга келганда, шунингдек, дунёқарашлар плюрализм, давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро таъсирга киришишга лаёқатли жамоатчилик институтлари вужудга келганда шаклланиши мумкин”² дея тарифлайди. Фуқаролик жамияти тушунчасига тарифларнинг турли-туманлиги фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг мураккаб, кўп қиррали жарайён эканлиги билан характерланади.

Истиклол йилларида мамлакатимизда демократик жамият барпо қилишнинг устувор йўналишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Буни биз қонунчиликнинг демократик тамойиллари, фуқаролик институтларининг ҳуқуқий кафолати ривожланиши, миллий ғоя мафкурасининг шаклланиши ҳаётимиз ва яшаш тарзимизда муҳим аҳамият касб этишида кўрамиз. Президент Ислон Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида (2010 йил 12 ноябрь) устувор йўналишлардан бири сифатида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳамда раванқ топишига алоҳида эътибор қаратиб, **“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари”** тамойилни амалда тўлиқ татбиқ этишнинг аниқ ва равшан қирраларини белгилаб берди.

Президент И.Каримов таъкидлаганидек, “Фақатгина биз танлагаи босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар”³.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши бўйича кўйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

¹ Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. -Шарқ, 2003. Б-20.

² Бегматов А. Мустақиллик даврида фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши ва эволюцияси. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари. 2015 №1 66-бет.

³ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. - Т.: Ўзбекистон. 2015. -Б.126.

- фуқаролик жамиятининг шакилланиши узоқ давом этиб келаётган мураккаб тарихий жараёндир. Фуқаролик жамиятининг баъзи бир унсурлари қадимги Юнонистон ва Римда намоён бўлган вақтдан бошлаб Янги даврда шаклланиш элементлари ва ҳозирги кунда бир бутун тизим сифатида пайдо бўлиши.

- фуқаролик жамияти ғояси инсониятнинг антик даврдан бери давом этиб келаётган тафаккури махсулидир. Авесто манбаларида, Қадимги юнон файласуфлари фикрларида, Ўрта аср мутафаккирларининг қарашларида, Уйғониш ва Реформация даври ғоялари ва бугун XXI аср жаҳон ҳамжамияти томонидан умуминсоний ижтимоий маданий қадриятлар сифатида эътироф этилиши. Ҳар қандай фан, ўз моҳиятига кўра умумбашарийдир. Дунёнинг барча халқлари катта-кичиклигидан қатъий назар унинг ривожига турли хил даражада ҳиссаларни қўшган. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятининг шакилланиши ва ривожланиши тўғрисидаги ғоялар қарашларни бир ёқлама бўрттириш ёки камситиш хато ёндашувдир.

- фуқаролик жамиятининг хусусиятлари, белгилари, тамойиллари ҳар қандай ижтимоий тизимда мавжуд, бироқ уларнинг ривожланиш даражаси турли хил бўлиши мумкин.

- фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнлари ҳолати ижтимоий ҳаётнинг ва давлат ҳокимияти бошқарувининг демократлашиб бориши билан биргаликда кечади.

- фуқаролик жамиятининг шакилланиши ҳуқуқий давлатчиликнинг шакилланиш жараёни билан такомиллашиб боради.

- ҳар бир давлатда фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва шакилланиши ўзига хос ментал хусусиятларга боғлиқ ҳолда тадрижий ривожланиш моделлари асосида амалга оширилади.

- ҳозирги дунёда бирон бир мамлакат фуқаролик жамият қуришнинг етуклик босқичига эришмаган ва бу узулуксиз давом этадиган жараёндир.

Назорат саволлари:

1. Фуқаролик жамияти фанининг предмети ва объекти деганда нимани тушунаси?

2. Фуқаролик жамияти фанини асосий вазифалари нималардан иборат?

3. Фуқаролик жамияти фанининг асосий тушунчалари мазмуни тўғрисида қандай тасаввурларга эгасиз?

4. Фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий босқичларини ёритиб беринг.

5. Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари нималарда намоён бўлади?

Тест саволлари:

1. Фуқаролик жамияти фанининг предмети қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Фуқаролик жамияти ижтимоий соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни.

В. Давлатнинг ташқи сиёсатини.

- C. Фуқаролик жамиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинади.
D. Фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини.

2. Ўзбекистонда “Фуқаролик жамияти” фанини ўқитиш қачон таълим тизимига киритилди?

- A. 2016 йилда
B. 2000 йилда
C. 2015 йилда
D. 1991 йилда

3. Фуқаролик жамияти тушунчаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

A. Кишилиқ жамиятининг асрлар мобайнида шаклланган тафаккур маҳсули бўлиб инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳолати билан белгиланадиган ижтимоий тизимдир.

B. Кишилиқ жамиятининг асрлар мобайнида шаклланган иқтисодий фаолиятининг маҳсули бўлиб, давлатнинг ривожланиш даражасини белгилайдиган муносабатдир.

- C. Қадимги даврдан шаклланиб келаётган ҳуқуқий муносабатларидир.
D. Жамиятнинг ижтимоий муносабатлари тизимидир.

4. Фуқаролик жамиятининг шаклланиш босқичларини кўрсатинг?

- A. IX –XV, XVI-XIX асрлар.
B. IX –XV, XVI-XIX, XX асрдан ҳозирги кунгач.
C. XV-XVI, XVII-XIX асрлар.
D. XVI-XVII, XVIII-XIX, XX асрдан ҳозирги кунгача.

5. Фуқаролик жамияти шаклланиши асослари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A. Ҳуқуқий, маънавий.
B. Ижтимоий-сиёсий, маънавий, ҳуқуқий.
C. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий.
D. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий.

6. Фуқаролик жамияти ҳолатини белгилаш асосий мезонни аниқланг?

- A. Иқтисодий кўрсаткичлар.
B. Демократлаштириш кўрсаткичлари.
C. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши.
D. Инсонни камолатга эришиш даражаси.

7. Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари нималардан иборат?

А. Эркин индивидлар уюшмаси; ўзаро ҳамкорликка асосланган ижтимоий тузилма;

В. Барча жавоблар тўғри

С. Мураккаб тузилишга эга бўлган плюратилстик тизим;

Д. Ўзини ўзи ривожлантирадиган ва ўзини ўзи бошқарадиган тизим.

8. Фуқаролик жамиятининг энг муҳим омиллари нималардан иборат?

А. Иқтисодий эркинлик, мулк шаклларининг ранг-баранглиги, бозор муносабатлари; инсон ва фуқаронинг табиий ҳуқуқларини сўзсиз эътироф этиш ва ҳимоя қилиш; ҳокимиятнинг қонунийлиги ва демократик хусусияти;

В. Қонун ва одил суд олдида ҳамманинг тенглиги, ҳар бир шахснинг юридик жиҳатдан ишончли ҳимояланганлиги; ҳокимиятнинг учга бўлиниши ва ҳокимиятларнинг ўзаро алоқаси принципига асосланган ҳуқуқий давлат; сиёсий ва мафкуравий плюрализм, конструктив муҳолифатнинг мавжудлиги;

С. Сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги; фуқароларнинг шахсий ҳаётига давлатнинг аралашмаслиги, уларнинг ўзаро мажбуриятлари ва бурчлари; синфий ва миллий тотувлик, ижтимоий шерикчилик; одамларнинг муносиб турмуш даражасини таъминловчи самарали ижтимоий сиёсат.

Д. Барча жавоблар тўғри.

9. Фуқаролик жамияти қандай тамойилларга таяниб фаолият кўрсатади?

А. Сиёсий соҳада ҳамма одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг тенглиги; бутун жаҳон ҳамжамиятида юридик кучга эга бўлган қонунлар асосида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатланган ҳуқуқий ҳимояси; индивидларни мулкка эга бўлиш ва ҳалол меҳнати учун адолатли ҳақ олиш ҳуқуқига асосланган иқтисодий мустақиллиги;

В. Қонун билан кафолатланган фуқароларни манфаатлари, касбий белгилари бўйича давлатдан ва партиядан мустақил ижтимоий бирлашмаларга бирлашиш имкониятлари; партия ва фуқаролик ҳаракатларини ташкил этишда фуқароларнинг эркинлиги; фуқароларни эркин, маданиятли, маънавий ва ижтимоий фаол, жамият аъзоларини қонун олдида маъсулиятли қилиб шакллантирадиган фан, маданият, таълим ва тарбия учун зарурий моддий ва бошқа шароитларни яратиш;

С. Фақат қонун билан чекланган давлат цензурасидан ташқари ОАВ яратиш ва фаолият юргизиш эркинлиги; давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатни барқарорлаштирадиган механизмни (консенсус механизми) мавжудлиги, ҳамда фуқаролик жамиятини ишлашини давлат органлари томонидан хавфсизлигини таъминланиши. Бу механизм, расмий бўладими, норасмий бўладими, у ўз ичига қонуний актларни, халқ вакилларини демократик сайлов билан ҳокимиятнинг, ўз-ўзини бошқариштурли органлари ва ҳ.к. тайинлаш кабиларни олади.

Д. Барча жавоблар тўғри

10. Фуқаролик жамияти қандай функцияларни бажаради?

А. Қонунчилик асосида у инсоннинг ва фуқароларнинг шахсий ҳаёт соҳасини давлат ва бошқа сиёсий структураларнинг асосланмаган қатъий мувофиқлаштиришидан ҳимоя қилишни таъминлайди; Фуқаролик жамияти уюшмалари асосида ижтимоий (жамоатчилик) ўзини – ўзи бошқариш механизмлари яратилади ва ривожлантирилади; Фуқаролик жамияти давлатнинг демократик органларини, унинг барча сиёсий тизимини шаклланиши ва содда кўринишга келтиришга кўмак беради; бунинг учун у турли воситалардан фойдаланади: сайлов кампанияларидан ва референдумларда, норозилик ёки бу ёки у талабларини қўллаб-қувватлаш акцияларида, у ёки бу масаладар бўйича жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этиш.

В. Фуқаролик жамиятининг институтлари ва ташкилотлари инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини реал қафолатлашларини давлат ва жамоат ишларида тенг иштирокини таъминлашга қаратилади; Фуқаролик жамияти ўз аъзоларига нисбатан ижтимоий назорат функцияларини бажаради: у давлатдан мустақил равишда восита ва санкциялар беришга эга бўлиши мумкинки, уларнинг ёрдамида у индивидларнинг жамоа талабларига риоя қилишларига мажбурлаши, фуқароларнинг ижтимоийлашувини ва тарбияланишини таъминланиши мумкин.

С. Фуқаролик жамияти коммуникациявий вазифани бажаради. Бу жамият давлат органларига фуқароларнинг конкрет манфаатлари ҳақида хабардор қилиб туради, бу манфаатларни амалга ошириш эса фақат давлат органларига тегишли бўлади; Фуқаролик жамияти ўз институтлари ва ташкилотлари билан барқарорлаштирувчи вазифасини бажаради. У давлат олдида танг ҳолатлар юз берганда унга ёрдам беради, жамият ҳаётини яшашини таъминлайдиган мустаҳкам структураларини яратади.

Д. Барча жавоблар тўғри

2 - МАВЗУ: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: ҒОЯ ВА НАЗАРИЯЛАР

Режа:

- 1. Фуқаролик жамияти ҳақида ғоялар эволюцияси**
- 2. Янги даврда фуқаролик жамияти назарияси ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари**
- 3. Фуқаролик жамияти ҳақидаги замонавий концепциялар**

Таянч сўзлар: ғоя, назария, концепция, фуқаролик жамияти, демократик давлат, адолатли жамият, фуқаролик жамиятининг антик, диний ва мумтоз парадигмалари.

1. Фуқаролик жамияти ҳақидаги ғоялар эволюцияси.

Инсоният тараққиётининг барча даврларида фуқаролик жамиятини куриш энг эзгу ғоя сифатида амал қилган. Унга эришиш учун турли даражадаги назарий қарашлар илгари сурилган. Бир гуруҳ олимлар фуқаролик жамиятини куриш ғояси Ғарб тамаддуни маҳсули сифатида амалиётга тадбиқ этилмоқда деб ҳисобламоқдалар, аслида Шарқ мамлакатлари мутафаккирлари ижодида бу масалага оқилона ёндашув уч минг йил илгари шаклланган. Ижтимоий тараққиётнинг маълум даврларида шарқ мамлакатлари етакчилик мавқеини эгаллаган. Ҳар қандай фан, ўз моҳиятига кўрат умумбашарийдир. Дунё халқлари катта-кичиклигидан қатий назар унинг ривожига ҳиссаларини кўшган. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисидаги ғоялар, билимларни бир ёклама бўрттириш ёки камситиш нотўғри ёндошувдир.

Фуқаролик жамияти ва унинг тушунчалари Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётининг ёрқин намунаси “Авесто” муқаддас китобида келтирилган. 2001 йилда миллат маънавий маданиятининг энг қадимги манбаси “Авесто”нинг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов: “... бу ноёб асар бебаҳо тарихий ҳужжат бўлиб, у биз яшаган бу қадим юртда, бу заминда ўзининг маданияти ва бой маънавиятига эга бўлган буюк давлат бўлганлигидан, аждодларимизга, асрлар давомида битмас туганмас куч вақудрат ва таянч сифатида хизмат қилганлигидан далолат беради” деб алоҳида эътироф этган. Дарҳақиқат, “Авесто”нинг бош ғояси “эзгу фикр, эзгу мақсад, эзгу амал” ҳар қандай жамият ва инсонлараро муносабатларнинг маънавий асоси эканлигидан далолатдир.

Авестонинг “Яштлар”, “Виспират”, “Видидод” қисмларида оила ва жамоада берилган сўздан ёки қасамдан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдногани бузиш катта гуноҳ эканлиги ўз ифодасини топган. Хусусан, “О Спитама, шартномани бузувчи киши бутун мамлакатни бузади,

шу билан бирга Артага тегишли барча мулку молларга путур етказди”.“О Спитама, аҳдингни бузма...” ғоялари давлатлар сиёсий тизимининг ҳуқуқий асоси, адолат манбаи бўлиб, улар Рим ҳуқуқидан ҳам қадимийроқдир.

Авестодаги фуқаролик жамиятини қуришнинг бирламчи омили эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги, оиланинг барқарорлигини таъминлаш ғояси бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга бўлиб, бугун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа меъёрий ҳужжатларда аёлларнинг тенг имконияти ва кенг ҳуқуқлари таъминланган. XXI асрда баъзи мамлакатларда аёлларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи умуман инкор қилинаётган бир даврда, Ўзбекистон Олий мажлис қонунчилик палатасига аёлларнинг сайланиши учун 30% квотанинг ажратилиши, 1995 йилда “Оила” кодексининг қабул қилиниши, бир томондан юртимизда аёлларга муносабат ва оилавий қадриятлар қадимий илдизларга эгаллигини ифодаласа, иккинчи томондан фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги оқилона сиёсатнинг ёрқин ифодасидир.

Фуқаролик жамиятини қуриш ғояси Марказий Осиё мутафаккирлари ижодида ўрганилганлиги И.А.Каримовнинг 2014 йилда Самарқандда ўтказилган “Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси замонавий цивилизацияда ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида “Олим ва тадқиқотчилар фикрича, Шарқ хусусан Марказий Осиё, IX-XII ва XIV-XV асрларда бўлган илмий ҳамжамият томонидан Буюк Шарқ уйғониши дея ном олган йирик илмий маданий уйғониш учун асос сифатида хизмат қилди”³ деб алоҳида таъкидлаган. Дарҳақиқат, Марказий Осиё уйғониш даври IX-XV асрларда давлатни бошқариш ва адолатли жамият қуриш, давлат раҳбари ва хизматчиларининг фаолият даражалари таснифлари, ижтимоий масъулияти мезонларининг назарий жиҳатлари ҳақидаги ғоялар Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқалар ижодида кенг таҳлил қилинган.

Хусусан, Абу Наср ал-Фаробий (870–950) нинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Давлат арбобининг афоризмлари” асарларида шарқона сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий фикр тарихида ижтимоий тизим, сиёсат, давлат ва ҳукумат ҳақидаги қарашлар назарий асосланган. Абу Наср Фаробий фикрича адолатли жамият қуриш учун уни мудофаа қилиш ва оқилона бошқариш усулини билиш, одамларгаёвузликдан сақланиш эзгуликка интилиш йўллари кўрсатиш лозим. У давлат раҳбарининг бошқарув маҳорати умумий бахтга эришиш йўлидир деб ҳисоблайди. Адолатли давлатни маърифатли ҳукмдор бошқаради, у маънавият, адолатетакчиси бўлиши, ўз фазилатлари билан қатъий талабларга жавоб бериши лозим. Бу борада Абу Носир Фаробий “Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олийжаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи

³Каримов И.А. Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси замонавий цивилизацияда ўрни ва аҳамияти. // Халқ сўзи. 2014 йил 24 май.

душмандан муҳофаза қиладилар”¹, деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш билан боғлиқ ахлоқий ва маданий кадриятларни тизимлаштиради

Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон” асарларида адолатли жамият ва унинг амал қилиши асосларини шакллантириш ҳақидаги ғояларни илгари сурган. Унинг фикрича, жамиятнинг пайдо бўлишига одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бирга яшашга эҳтиёжи ва интилишлари сабаб бўлади. Адолатли жамиятни куриш ахлоқий кадриятларга таяниши ва ривожлантирилиши лозим.. Давлат раҳбарининг асосий вазифаси аҳолининг турли қатламлари, кучлилар ва кучсизлар ўртасидаги сиёсий ва ҳуқуқий адолат мезонларини ўрнатишдир. Бунгаунинг фикрича идеал ижтимоий тузилмани куриш орқали эришилади.

Абу Али ибн Сино (980–1037) фикрича ижтимоий муносабатлар одамлар ўртасидаги тафовут ва тенгликсизлик натижасидир. Хусусан, Ибн Сино “иқтисодий ва ижтимоий ҳамда шахсий хусусиятларга кўра тенгликсизлик – инсон ижтимоий фаоллиги сабаби ҳисобланади” деб таъкидлайди. Идеал давлат куриш эса жамият аҳолисининг маънавий-ахлоқий равнақи билан боғлиқ.. Унинг фикрича, маънавий ахлоқий кадриятларнинг юксак кадрланиши нафақат ҳар томонлама фаровонликни, балки жамиятда адолат ва барқарорликни ҳам таъминлайди.

Бу даврда Шарқда ижтимоий адолат, маърифат ва тенглик нафақат назарий меъёр, балки амалий ҳаёт меъёри, ижтимоий- сиёсий муаммолар ечимини топиш ва жамоа бўлиб яшашнинг асоси сифатида тушунилган, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг маърифат йўли танланган бўлса, Европа ижтимоий-сиёсий тафаккурида эса насронийларнинг диний догматикаси ҳукмронлик қилиб, диний ва дунёвий манфаатлар ўртасида кураш ривож олган.

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” достонида давлатни бошқариш амаллари, қоидалари ва сиёсий - ахлоқий муносабатларни жамиятда қарор топтиришга эътибор қаратган². У давлат бошқаруви ва хизматини ташкил этиш турларини ҳамда шу даражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди. Жумладан, «Шоҳликка даъвогарлар онадан ажиб бир истеъдод билан туғиладилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фитратига эга бўладилар. Бундайларга Худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир кўнгили ато этади, қолаверса яхши иш юритиш ўқуви билан ҳам сийлайди»¹ деб таъкидлаган.

Адолатли давлат бошқаруви, унинг мукаммал назарий асосларини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутафаккири, давлат арбоби **Низомулмулк**нинг “**Сиёсатнома**” асари муҳим манба ҳисобланади. У амалдорларни ахлоқий фазилатларига қараб танлаш, адолат ва инсофни оёқ ости қиладиганкишиларни давлат ишларига аралаштирмасликни, давлатни бошқаришда кенгаш билан олиб бориш,

² Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: А.Қодирий нашриёти. 1993, 190-б.

¹ Юсуф Хос Ҳожиб Қутадғу билиг. -Т.: Фан, 1971, 329-б.

² Ўша асар. 329-бет

фаолиятларни мунтазам назоратқилиш, итоат, ижро ва сифатлари тўғрисидаги қарашлари билан аҳамиятлидир. Айниқса, Низомулмулкнинг «Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак»¹ деган фикрлари аждодларимизнинг давлат қурилишининг адолатли тартиботларига катта эътибор берганлигидан далолатдир.

Ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг маънавий асосларини ўрганишда Ўрта Осиёда вужудга келган тасаввуфчилик оқимининг аҳамияти ҳам алоҳида муҳим ўрин тутди. Тасаввуф гарчи ислом бағрида ниш уриб, Қуръон ва ҳадислар ҳикматидан озиқланган, кўп ҳолларда шариат аҳкомига суянган бўлсада, лекин у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка ҳамда ҳоким табақаларнинг айшу-ишратларга ғарб турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастликка зид ўлароқ, меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалаб келди. Тасаввуф таълимоти асосида адолат, ҳақиқат, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, инсоф, иймон, эътиқод, илм, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби умуминсоний ғояларни тарғибот қилувчи футувватга асосланган бир қанча диний, сиёсий оқимлар пайдо бўлади. Улар жамиятнинг ахлоқсиз унсурларига ғоявий куч сифатида қарши қўйилади

Ижтимоий-сиёсий тафаккур ривожини ва ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий шартини – қонун устуворлигини тамойилини амалиётда қўллаш тажрибасини Шарқнинг буюк давлат арбоби ва саркардаси Амир Темур (1336–1405) бой ижтимоий-сиёсий ва маънавий мероси асосида кўриш мумкин. Унинг тузукларида давлат тизими, уни идора қилиш услублари ва воситалари, ундаги турли лавозим-вазифалар даражаси, табақаларнинг тоифаланиши, ҳарбий қўшинларнинг ташкил этилиши, жанг олиб бориш маҳоратлари, давлат хизматчилари рағбатини ташкил этиш омиллари, адолатли солиқ турларининг жорий этилиши, мамлакатни ободонлаштириш тадбирлари миллий давлатчиликнинг юксак маданий ва ҳуқуқий даражада шакллантиришга эришганлигидан далолат беради. «Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлақатиимдан қувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим ҳамда ҳадларидан ошишларига йўл қўймадим. Улуғларини ва шараф-эътиборли кишиларни ҳурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим».¹

Маълумки, фуқаролик жамиятини – ҳаётийлигини ва самарадорлигини таъминловчи – ҳуқуқий давлат доирасидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Шу маънода, Соҳибқирон Амир Темурнинг қуйидаги сўзлари ҳозирги замон билан ҳамнафас жаранглайди: «Тажриба, - деб ёзади у, менга шуни кўрсатдики, дин ва қонунга таянмаган ҳукумат, ўзининг буюк қудратини узок вақт сақлаб тура олмайди. Уни ҳар қандай ёвуз киши кириши мумкин бўлган на томи, на эшиги, на панжаралари бор уйга ўхшатиш

³ Низомулмулк. Сиёсатнома. Т.: Адолат, 1997. 98-бет.

¹ Амир Темур тузуклари. -Т.: Ғофур Ғулом нашриёти, 1996, 24-бет.

мумкин. Шунинг учун мен ўз салтанатимни ислом арконлари ва бошқарувда ўзим қатъий амал қилувчи қонунлар асосида қурдим”².

Шу нуқтаи назардан, мувафақиятли бошқарув қонуниятига кўра, амир Темур раҳбарнинг адолатга таянишини лозим топган. Унинг фикрига кўра: “Раҳбар учун барча ишларда адолатга амал қилиши керак: у сотилмайдиган ва фазилат эгаси бўлган одамни вазирликка тайинлаши лозим, чунки адолатли вазир ўзи маҳдуд-раҳбар адаолатсизликларни тўғирлаши мумкин, аммо вазирнинг ўзи шундай бўлса, ҳалокат яқиндир”³. Соҳибқирон фикрича, давлат бошқарувида яна бир муҳим қонуният – қонун устуворлиги. “Қатъий тартиб ва қонунларга амал қилишим бахт-саодатим калити бўлди”. Бош қонунлар сифатида диний аҳкомларни ва улар асосида ёзилган фикрларни билган. Бунинг барчаси буюк Темур адаолатли ва фозил бошқарувга алоҳида эътибор қаратганлигини кўрсатиб турибди.

Комил инсонлар жамияти ҳақидаги ғоялар Алишер Навоий (1441–1501) сиёсий ва адабий фаолияти асоси бўлиб хизмат қилди. А.Навоий идеал ижтимоий-иқтисодий тузум ҳақидаги қарашларини ўзининг “Садди Искандарий”, “Маҳбуб ул қулуб”, “Пайғамбарлар ва донолар тарихи” ва б. асарларида ёритган. Ижтимоий-иқтисодий тузум муаммоларини фақат адолатли ҳукмдор бошқараётган ва қонун устувор бўлган мамалкатда амалга ошиши мумкин. Шундай қилиб, А.Навоий учунадолат ва қонун ижтимоий тараққиётнинг асоси ҳисобланади. Унинг концепиясида ҳукмдор шахси алоҳида аҳамият касб этади. Фазилатли ва идеал шахс ҳақида мулоҳаза юритар экан Навоий ўзига хос инсонпарвар назарияни яратади. Ўз назариясида мутафаккир, бир томондан ҳукмдор ва боғбонни, бошқа томондан давлат ва боғни солиштиради. Унга кўра, агар боғбон ақлли ва меҳнатсевар бўлса, унинг боғи гуллаб-яшнади. Ҳудди шундай агар мамлакатнинг ақлли, доно, адолатли, халқи учун қайғурадиган ва уни севадиган ҳукмдори бўлса, у ривожланиб фаровонлашади.

У назариятчи ва амалиётчи сифатида давлат сиёсатининг адолатли асослари ва унинг маънавий мезонларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Айниқса, адолатсизлик ва зулм давлатни таназзулга, жамиятни жаҳолатга олиб келиши тўғрисидаги қарашлари ўз ифодасини топади: «...давлат иши билан машғул бўлган амалдорлик чоғларимда кўнгили мулкани турли одамларнинг ҳужуми булғалади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арз-додини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим»¹ дейди. Адолатли жамият шаклланишининг асосий омили сифатида Навоий инсоний фазилатлар: адолатлилик, раҳмдиллик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик, ватанпарварлик, виждонлилик, инсонпарварлик ва жасоратни келтириб ўтади.

Антик ва ўрта аср Шарқ алломаларининг фуқаролик жамиятиги оид концептуал мероси ва назарий ишланмалари амалиётдаги – давлат ва

²Уша асар. 81-бет

¹ Амир Темур тузуклари. -Т.:Ғофур Ғулом нашриёти,1996, Б- 83.

¹ А. Навоий. Маҳбуб ул- Қулуб. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983, Б-12.

жамиятда ҳукмрон меъёрларга тўлиқ мос келмасда, бироқ улар фуқаролик жамияти тамойилларининг объективлашуви ва унинг инсоният социумининг тарихий тараққиётининг таркибий қисми сифатида тушунилиши учун мустаҳкам асос яратдилар.

2. Янги даврда фуқаролик жамияти назарияси ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.

Фуқаролик жамияти концепциясининг Европача анъанаси антик илдишларга эга. Мазкур анъананинг мазмун-моҳияти нафақат сиёсий, балки шахсни ижтимоий-ахлоқий нуқтаи назардан баҳолаш билан боғлиқ эди. Бунга Афлотун, Арасту, Цицерон каби мутафаккирларнинг қарашларини мисол келтириш мумкин.

Фуқаролик жамиятининг антик концептуал таълимоитда жамият ва давлат феноменларининг узвийлиги қадимги юнон дунёқарашининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Афлотуннинг (мил. ав. 427–347 й.) “Давлат” диалогда фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётини ажратишгина эмас, ижтимоий соҳани ҳозиргидек замонавий талқинда, сиёсий фаоллик сифатида тушунилган. Бунда жамият ҳаётининг сиёсий жиҳатлари, фуқаролик жамияти тизимининг умумий тавсифи сифатида намоён бўлади.

Фуқаролик жамияти ғоясининг кейинги ривожи Афлотуннинг шогирди Арасту(мил. ав. 384–322 й.) ижоди билан боғлиқ. Устози каби Арасту ҳам энг мукамал жамият ғоясини ишлаб чиқишга диққат эътиборини қаратади, бироқ фуқаролик жамияти ғоялари таркибида бу масала ўзгача назарий жиҳатларни ташкил қилади. Уни кўпроқ ижтимоий трансформация эмас, балки давлат тузилмасидаги ўзгаришлар қизиқтиради. Бундан ташқари Арасту ўзининг назарий ишланмаларида давлат ҳақидаги мавҳум ғояга таянишни эмас, жумладан Афлотунга хос бўлган, балки воқеъликда мавжуд бўлган бошқарув шакллари солиштириш, қиёсий таҳлил қилишга таянади, бу жиҳат эса унинг давлат ва жамият борасидаги позициясини конкретроқ бўлишини таъминлайди.

Платондан фарқли ўлароқ, Аристотель хусусий мулкни эътироф этади. Чунки у инсон табиатига хос бўлиб, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзагини ташкил этади. Аристотель мулк ҳуқуқининг фуқаролар фаровонлиги, давлат ва унинг бошқарув шакли хавфсизлиги, қонунчилик органи ишида фуқароларнинг иштироки механизми, лавозимларни эгаллаш ва вазифаларни бажариш, суд органлари ишидаги ролини атрофлича ўрганган. Ҳуқуқни Аристотель адолат мезони деб ҳисоблаган ва унга ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва айни вақтда уларни муҳофаза қилувчи институт сифатида ёндашган. Аристотель фикрига кўра, сиёсий бошқарув – бу одамларнинг эмас, балки қонун бошқарувидир: ҳатто энг яхши ҳукмдорлар ҳам туйғулар ва ҳиссиётга берилувчан бўлади, қонун эса «оқилона тафаккур»дир.

Қадимги рим мутафаккири **Марк Тулий Цицерон** (мил. ав. 106-43 йиллар) ҳам жамият ва давлат (республика)ни тенглаштиради. Давлатни у

умумий манфаатлар билан ўзаро боғланган одамлар мажмуи сифатида тасаввур қилади, давлат халқнинг умумий мулки ҳисобланади ва одамлар биргаликда яшашга табиий эҳтиёж сезади. Унинг фикрича, давлатнинг вазифаси мулкни муҳофаза қилишдан иборат. Давлат айти шу мақсадда ташкил этилади. Цицерон фикрига кўра, уч бошқарув шакли (монархия, аристократия ва демократия) унсурларини ўзида мужассамлаштирган аралаш давлат энг идеал давлатдир. Фақат шундай давлатда ҳар бир жамият аъзосининг манфаатларини қондириш ва у давлатни бошқаришда иштирок этиши таъминланади. «Давлатнинг мустақамлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги» бундай давлат тузумининг муҳим фазилати деб ҳисоблайди. Цицероннинг «Давлат ҳақида» ва «Қонунлар ҳақида» асарлари давлат ва ҳуқуқ муаммоларига бағишланган. Давлат Цицерон талқинида қадимги юнон мутафаккирларининг концепцияларидаги каби давлатнинг барча эркин аъзолари умумманфаат ифодаси сифатидагина эмас, балки бу аъзоларнинг ўзаро келишилган ҳуқуқий муносабатлари мажмуи, муайян ҳуқуқий тузилма, «умумий ҳуқуқий тартибот» сифатида ҳам намоён бўлади.

Цицерон давлат тушунчасига биринчилардан бўлиб ҳуқуқий тус беради, бу таълимот кейинчалик жуда кўп мутафаккирлар, шу жумладан «**ҳуқуқий давлат**» **ғоясининг** ҳозирги тарафдорлари томонидан ҳам эътироф этилади.

Цицерон концепциясига кўра, “фуқаролик жамияти” ғояси антик давр учун классик аҳамиятга эга бўлади, бу ўз навбатида янги даврда шаклланган назарий қарашларга асос бўлади. Кўпгина экспертлар фикрича, айнан Цицероннинг ижтимоий-сиёсий таълимотида “фуқаролик жамияти” ўзининг тушунчавий асосларига эга бўлади.

Фуқаролик жамиятининг тарихий кўринишлари ифодаси Европа-Ўрта ер денгизи анъанаси асосида фуқаролик жамиятининг дастлабки кўринишлари – Уйғониш давридаги италян шаҳар-давлатларига бориб тақалади. Бунда фуқаролик жамияти шаҳар бошқаруви тизимига асосланган, муайян шаҳар доирасидаги, ижтимоий муносабатлар тизими сифатида характерланади.

Олимлар фуқаролик жамиятининг яна бир тарихий илдизини, олмон маданий доираси таъсиридаги континентал-европа анъанаси билан боғлашади. Эркин фуқаронинг пайдо бўлишига, биринчилардан бўлиб бирлашган хунармандлар ва савдогарлар гильдияси, феодаллардан ҳимояловчи ва шаҳарлар бошқарувида таъсир қилган биринчи ассоциация сабаб бўлган деб ҳисобланади.

Учинчи тарихий илдиз фуқаролик жамияти замонавий тушунчаси шаклланишида либерал англо-америка анъанаси муҳим аҳамият касб этган. Тадқиқотчилар бу борада турлича фикр билдиради. Масалан, фуқаролик жамияти табиий ҳуқуқ ва эркинлик асосида мулкка эгалик қилиши ҳақидаги ғояни Жон Локк, модернизация ва ўз-ўзини бошқаришни фуқаролик жамиятининг муҳим компонентлари сифатида Адам Смит, минимал давлат концепцияси, фуқаролик жамияти ва зарурий ёвузлик сифатидаги давлатнинг ўта чегараланган роли ҳақидаги ғояни Томас Пейн, америкача демократия таҳлили ҳоясини Алексис де Токвил, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларни белгилаб берган ва фуқаролик жамияти мустақил

бўлиши кераклигини таъкидалаган Жон Стюарт Милл каби олимларни кўрсатиш мумкин.

Фуқаролик жамияти ҳақида турлича тарихий ва методологик ёндашувлар ва интерпретацияларни инкор этмаган ҳолда, янги даврда фуқаролик жамияти концептуаллашуви жараёнида муҳим роль ўйнаган Уйғониш даври олимлардан бири Николо Макиавелли (1469–1527) бўлиб, у прагматик, тажрибавий ижтимоий фанга асос солди. Фуқаролик жамияти Макиавелли учун синфий, партиявий қарама-қарши қизиқишлар мажмуидир. Унга кўра фуқаролик жамияти халқдан ахлоқий асосни – эзгулик ва фазилатни, ижтимоий қизиқишлар ва республика тузилмаси қизиқишлари олдида бурчни ҳис қилиш ва жасоратни талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, у эркин индивидлар учун муносиб бирлашма бўлади. Давлатни ҳимоя қилиш учун ҳукмдор қўлидаги барча воситаларни ишга солиши керак бўлади, ёлғон, шафқатсизлик ҳатто уруш ҳам бундан мустасно эмас. Давлат қизиқишлари унда бирламчи аҳамият касб этган. Макиавелли давлатнинг мутлақо мустақиллигини талаб қилган, черковдан ҳам, яъни давлат ва умуман сиёсат соҳасининг секуляризацияси тарафдори бўлган. У давлат бошқарувининг ўзига хос сиёсий маҳорат мактабини яратади, унда ҳеч қандай ахлоқий нормалар билан ҳисоблашмай, “мақсад ҳар қандай воситани оқлайди” деган тамойилни ишлаб чиққан.

Шунга қарамай, айнан шундай масалани кўндаланг кўйиш ғояси ортидан янги даврда бир қатор файласуфлар фуқаролик жамияти концепциясини янада бойитди. Хусусан, “Сўз эркинлиги ҳақида” Джон Мильтон, “Левиафан” Томас Гоббс, “Давлат бошқаруви ҳақида икки трактат” Жон Локк, “Қонунлар руҳи ҳақида” Монтескье, “Ижтимоий келишув ҳақида” Жан Жак Руссо, “Илоҳий-сиёсий трактат” Бенедикт Спиноза, “Фуқаролик жамияти тарихи ҳақида хатлар” Анри Фергюсон кабилардир. Мазкур ишларда у ёки бу даражада инсон ҳаётининг ўзига хос шакли сифатидаги фуқаролик жамияти муаммолари ёритибгина қолмай шахс ва давлатга фуқаролик жамиятининг асосий субъекти бўлган фуқаронинг бутун потенциалини юзага чиқариш учун зарур бўлган принципиал янги сифатлари ишлаб чиқилган.

Томас Гоббс антик давр мутафаккирларига (Платон, Аристотелга) эргашиб, жамият ва давлат тушунчаларини тенглаштиради. У давлат, фуқаролик жамияти ва фуқаровий шахс тушунчалари ўртасига тенглик белгисини кўяди. Бироқ, айти вақтда, у агар давлат фуқаро бўлса, бу ҳар қандай фуқаро давлат ҳисобланишини англатмаслигини қайд этади. Муайян хўжалик, савдо ва тижорат ишларини олиб бориш учун аъзолари ўзини ҳамжамят (давлат) хоҳиш-иродасига тўла бўйсундирмаган бирлашмалар, компаниялар, яъни «фуқаровий шахслар» ташкил этилиши мумкин. Айти вақтда бундай фуқаровий шахслар (ширкатлар) охиригача бўйсунган бўлади. Мазкур мантиқни «фуқаролик жамияти» тушунчасига нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин.

Инглиз маърифатчи файласуфи ва сиёсий мутафаккири **Жон Локк** (1632-1704) ҳақли равишда ҳуқуқий давлатнинг атоқли мафкурачиларидан

бири ҳисобланади. У ўз ғояларини «Давлатни бошқариш ҳақида икки рисола» асарида баён этган. Унинг таълимотида одамларнинг табиий ҳолати, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва давлатнинг ташкил топиши муаммолари тушунтирилган. Локк ҳуқуқий давлатнинг бош элементи бўлган ҳокимиятнинг бўлиниши назариясининг асосчиси ҳисобланади.

Хусусий мулк назарияси Локкда меҳнат билан узвий боғлиқ. Одамлар асосан ўз мол-мулкидан тинч ва хавфсиз фойдаланиш мақсадида жамиятга кўшиладилар, бунда мазкур жамиятда қабул қилинган қонунлар бунинг асосий қуроли ва воситаси бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблайди Жон Локк.

Фуқаролик жамиятига бирлашиш – бу қулай, тинч ва фаровон ҳаёт кечириш, ўз мол-мулкидан хотиржам фойдаланиш ва ўзини мазкур жамият аъзоси бўлмаган одамларга қараганда хавфсизроқ ҳис қилиш учун бошқалар билан келишиш демакдир.

Фуқаролик жамияти тушунчасининг либерал талқини, юқорида айтиб ўтганимиздек, Томас Гоббс ва Жон Локк даврида яратилган. «Фуқаролик жамияти» тушунчасини улар кишилик жамиятининг тарихий ривожланишини, инсоннинг табиий мавжудликдан маърифатли ҳаёт тарзига ўтишини акс эттириш учун илмий муомалага киритган.

Томас Гоббс бундай ҳолатга давлат мавжуд бўлган ҳолда эришиш мумкин деб ҳисоблаган. У давлат бўлмаган жойда уруш, қўрқув, қашшоқлик, ёлғизлик, ёввойилик, жаҳолат, давлатда – оқилоналик, хавфсизлик, бойлик, тартиб, билим ва олижаноблик ҳукм суради, деб ёзган.

Либерализм асосчиси Жон Локк биринчи бўлиб шахсни жамият ва давлатдан, эркинликни – бошқа кадриятлардан устун қўйган. Эркинликни у давлатнинг аралашувидан холи ҳолат сифатида тушунган.

Фуқаролик жамиятини таҳлил қилишга нисбатан бошқа бир ёндашувни Г.Гегель (1770-1831) таклиф қилади. У фуқаролик жамиятига ўз кундалик эҳтиёжларини меҳнат ёрдамида қондирувчи индивидлар мажмуи деб қарайди. Унинг фикрига кўра, фуқаролик жамиятининг негизини хусусий мулк ташкил этади.

Г.Гегель фикри бўйича, тарихий жараённи ҳаракатлантирувчи куч сифатида фуқаролик жамияти эмас, балки давлат амал қилади, у барча фазилатларни ўзида мужассамлаштиради, инсон шахси, умумий сиёсий, моддий ва маънавий асосларнинг жамулжам ифодаси ҳисобланади. Давлат инсонни ҳар хил тасодифлардан ҳимоя қилади, адолатни таъминлайди, умумий манфаатларни рўёбга чиқаради.

Давлат, оила, қабила, миллат, диний ва бошқа бирликлардан фарқланувчи «фуқаролик жамияти» категорияси XVIII-XIX асрларда тадқиқот предметига айланди. Г.Гегель ўзининг «Ҳуқуқ фалсафаси» асарида фуқаролик жамияти тушунчасини атрофлича ўрганди ва унга шахсларнинг эҳтиёжи ва меҳнат тақсимоти тизими, адлия (ҳуқуқий муассасалар ва ҳуқуқий тартибот), ташқи тартиб (полиция ва корпорациялар) орқали алоқаси (муносабатларга киришиши) сифатида таъриф берди¹.

¹ Қаранг: Гегель Г.В.Ф. Философия права. - Москва, «Мысль», 1990. – С.227.

Ўша давр жамияти ва давлатига нисбатан Г. Гегелнинг қарашлари эскирганлигига қарамай, унинг фуқаролик жамияти давлатга нисбатан мустақил бўлган шахсий манфаатлар жабҳаси, ижтимоий тузум, меҳнат тақсимоти ва мулк шаклларига боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикрлари ижтимоий фанларнинг ривожланиш йўлида ташланган муҳим кадам бўлди.

Г.Гегель фикрига кўра, фуқаролик жамияти – бу, аввало, хусусий мулкка асосланган эҳтиёжлар тизими, шунингдек, дин, оила, табақалар, давлат қурилиши, ҳуқуқ, ахлоқ, бурч, маданият, маориф, қонунлар ва улардан келиб чиқувчи субъектларнинг ўзаро юридик алоқаларидир. Табиий, «номаданий» ҳолатдан «одамлар фуқаролик жамиятига киришлари лозим, чунки фақат шу жамиятда ҳуқуқий муносабатлар ҳақиқий хусусият касб этади».¹ Аини вақтда Гегель бундай жамият фақат «ҳозирги дунёда» мавжуд бўлиши мумкинлигини қайд этади. Бошқача айтганда, фуқаролик жамияти ёввойилик, қолоқлик, маърифатсизликка қарши қўйилади.

Гегел фуқаролик жамияти оиладан бошланиб то давлатга қадар диалектик ҳаракатланувчи алоҳида босқич узок тарихий давр давомида ўрта асрдан то янги давргача трансформациялашиб келган тушунчадир. У фуқаролик жамияти ва давлатни аралаштириб юборувчи ўша даврда ҳукмрон бўлган табиий ҳуқуқ назариясини танқид қилган, унинг фикрича, ижтимоийлик хусусиятига асосланувчи фуқаролик жамияти, оиланинг ахлоқий ва давлатнинг оммавий ҳаётидан мутлақо фарқланади. У адолатили қонунлар ва одил судларни фуқаролик жамиятининг таркибий қисмлари деб ҳисоблайди.

Фуқаролик жамиятини концептуал тушунишга Иммануил Кант (1724–1804) ҳаракат қилган. Кант фуқаролик жамиятини бутун инсоният уйи деб билган. Бу жамиятда ҳар бир инсон ҳатти-ҳаракати олий ахлоқий қонун – қатъий императив билан белгиланади. Унинг фикрича, фуқаролик жамияти мавжуд қонунлар доирасида ҳеч ким томонидан чекланмайдиган интилиш, тамойилларининг эркилик билан уйғунлиги, бошқача айтганда, фуқароларга мос бўлган жамиятдир.

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, XVIII аср ўрталарига келиб фуқаролик жамияти – давлат анъанавий парадигмаси қайта кўриб чиқиладиган бўлди. Бу жараён XVIII – XIX асрларга келиб тўхтади, бу даврга келиб янги тизим ўзининг – хусусий мулк, эркин бозор иқтисодиёти, парламентар демократия ва ҳуқуқий давлат, ижтимоий ва сиёсий соҳалар ўртасидаги бўлиниш.

Фуқаролик жамияти демократик нормалари ва қадриятлари замонавий ижтимоий-фалсафий тафаккурда ҳам таҳлил қилинган. Замонавийроқ кўринишда демократия ғоялари Туркистонда маърифатпарвар жаҳидлар фаолиятида кузатилади. Европада бўлгани каби Туркистонда ҳам ўрта асрлар феодал муносабатлари, догма ва анъаналарга қарши бўлган маърифатпарвар ғоявий оқим сифатида характерланади. У прогрессив кучларнинг мамлакатни феодал турғунлик давридан олиб чиқишга ҳаракат қилган ва курашганларини

¹ Гегель Г. Работы разных лет. Том 2. – Москва, 1973. – С. 50.

акс эттиради. Жадидлар таълим тизимини ислоҳ этишни талаб қилиб, дунёвий фанлар фаолроқ ўқитиладиган янги усулдаги мактабларни очган, уларда аниқ, табиий-илмий, иқтисодий фанлар ўқитилган.

Замонавий тадқиқотчилар таъкидлашча, демократик қайта қуриш ғоялари ва фуқаролик жамияти шаклланиши ёш хиваликлар ва ёш бухороликлар уюшмалари дастурларида ўз аксини топган. Улар жадидлар либерал ҳаракати сифатида нафақат ижтимоий муносабатларни ислоҳ қилишда, балки 1920 йилда Хива ва Бухорода халқ намойишларида иштирок этганлар. Туркистон автономияси учун курашган жадидлар, мустақиллик учун ҳаракатга муносиб ҳиссасини қўшган.

Юртимизда ижтимоий-фалсафий фикр, хусусан жадидлар қиёфасида, фуқаролик жамияти ғоялари маърифат кадриятининг шаклланишига қаратилган эди. М.Бехбудий, А.Авлоний, А.Фитрат ўз даврдан илгарилаб ўтиб, фуқаролик жамияти фақат мустақил мамлакат доирасида амалга ошиши, ҳақидаги хулосасини айтадилар. Бундан ташқари, улар, анъана ва урф-одатлар демократлашувга тўсиқ бўлмаслигини, аксинча, мавжуд анъаналар доирасида амалга оширилган модернизация, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва барқарор тараққиётининг муҳим омили эканлигини асослайди.

Президент И.А.Каримовнинг сўзлари билан айтганда, “ўзбек халқи бой тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади, ва уч минг йиллик даврни ўз ичига олиб, бизга бой тажриба ва ибратли сабоқ беради, уни қабул қилишимиз ва ривожлантиришимиз керак бўлади”¹.

Умуман олганда, фуқаролик жамияти фалсафий концепцияларининг инсоният тарихида ўрни ва ролини баҳолаш эканмиз, унинг нафақат илмий-техникавий ютуқлар билан, балки инсон борлигининг экзистенциал ибтидосини қайта тушуниш билан кечган. Бу даврда инсон эркинлигини бошқача тушуниш усули юзага келиб, у фанга жиддий таъсир қилади. Бунда эркинлик ўз қизиқишлари йўлида бошқарилувчи эмас, балки ҳар бир инсоннинг ўз тақдири учун жавобгарлиги маъносида тушунилади.

3. Фуқаролик жамияти ҳақидаги замонавий концепциялар.

XXаср бошларидан фуқаролик жамияти соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар “фуқаролик жамияти” категориясини функционал характеристикаларини тушуниш мураккаблашади. Бу фуқаролик жамияти тушунчасини тадқиқ этишда, фуқароларнинг ижтимоий ҳаётида долзарб талабларини акс эттирувчи, янги мезонларнинг киритилганлиги билан асосланади. Шундай қилиб фуқаролик жамияти ҳақидаги тасаввурлар ривожини тизимлаштириш: биринчидан, уларнинг ижтимоий-фалсафий асослари характеристикаси билан, иккинчидан, мафкуравий асосларнинг хусусиятларига кўра, учинчидан, фуқаролик жамиятининг соф илмий концепцияларини аниқлаш билан белгиланади.

¹ Каримов И.А. Ўз келажигимизни ўз қулимиз билан қураимиз Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 156-б.

Бироқ, фуқаролик жамияти модели ишлаб чиқилувчи дастлабки, базавий ижтимоий-фалсафий назарияларда тадқиқотчилар концепцияларини икки гуруҳга бўлади:

- формацион ва цивилизацион ёндашувлар;
- модернизация ва постмодернизм концепцияси.

Фуқаролик жамиятининг замонавий концепцияларининг асосий ёндошувлари

Формацион ёндошув	Цивилизацион ёндошув	Модернизация ёндошуви
Фуқаролик жамияти тушунчаси капиталистик тизимга боғланади ва кенг (яъни жамиятнинг шакли сифатида) ва тор (яъни иқтисодий ва сиёсий муносабатлар ўратсидаги шаклланадиган муаян ижтимоий ташкилотлар мажмуаси сифатида) маъноларда тушунилади.	Фуқаролик жамиятини цивилизация тарракқийёти контекстида кўриб чиқади. Унинг назарий асосларини О.Шпенглер, А.Тойнби ва П.Сорокин асрларарида яратилган. Уларга қараганда, фуқаролик жамияти бошқа ижтимоий шакллардан аввало юксак цивилизация даражаси билан ажралиб туради. Унинг асосий меъзони сифатида эса инсоғн, унинг эркинлиги, ривожланиш ва ижодийлик имкониятлари, шунингдек бошқа инсонлар билан тинчлик в тотувликда яшаш қобилиятлари тан олинади	Модернизация концепцияларида (А. Турен, Ю. Хабермас, Э. Гидденс, З. Бауман ва б.) фуқаролик жамияти аъанавий жамият урнини эгаллаган ёки замонавий жамиятга хос бўлган белгиларни шакллантирадиган жамияти тушунилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда фуқаролик жамиятининг куйидаги ғоявий-фалсафий доктриналари кўрсатилади:

- «бюрократик давлат социализми доктринаси»;
- «авторитар давлат капитализми доктринаси»;
- «демократик социализм доктринаси»;
- либерал-демократик (“бозор демократияси”).

Бюрократик давлат социализми учун фуқаролик жамияти – бу буржуа, капиталистик жамият, у хусусий мулкка ва ёлланма меҳнатга асосланади. Бюрократик-давлат социализми тарафдорлари фуқаролик жамиятини ижтимоий нотенглик ва жамиятда кучайиб бораётган кескинлик сабаби деб билади.


Авторитар-давлат капитализми фуқаролик жамиятини хусусий бизнес, оилавий-қариндошлик ва бошқа нодавлат муносабатлар соҳаси бўлиб, ўзида капиталистик давлатнинг ижтимоий-иқтисодий базасини мужассам қилади, деб ҳисоблайди.

Демократик социализм концепцияси тарафдорларига кўра фуқаролик жамияти - ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва институтлар мажмуи, у демократик давлат билан бирга ижтимоий (иқтисодий, сиёсий ва ҳ.) демократия асосини ташкил қилади.

“Бозор демократияси” назариётчилари фуқаролик жамиятини бозор демократияси жамияти аналоги деб билади. Улар фикрича, фуқаролик жамияти иқтисодий жамият бўлиб, иқтисодий ҳаётни бошқариш имкониятларида чекланган ва ижтимоий бирлашмалар ва ҳаракатлар томонидан назорат қилинади.

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти ғоясининг қайта жонланишида жамиятни давлатлаштиришга, жамият ҳаётида давлат роли ва таъсирининг фавқулодда ўсишига қарши ҳаракатни кўриш мумкин. Ч.Тэйлор, Э.Арато, Р.Дворкин ва бошқа тадқиқотчилардан иборат бўлган ўзига хос норматив дискурс ҳам шаклланганлигини айтиш мумкин¹. Шунингдек, нодавлат соҳанинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ўз-ўзини ташкиллаштириш аҳамияти юзасидан, энг муҳим қуйидаги концепциялар ажратилади:

- либерал анъана концепцияси;
- американча коммунитариз концепцияси;
- европача неоконсерватизми концепцияси;
- пост-марксистча концепция.



Фуқаролик жамиятининг либерал анъана ғояси умуман олганда янги нарсас эмас. Фуқаролик жамияти ҳақидаги тасаввурлар мумтоз инглиз либерализмидаёқ ишлаб чиқилган.

Фуқаролик жамияти концепциясининг америкача маданий ва тарихий контекстида «республиканизм» идеали билан боғлиқ эди. У XX ўз-ўзини

¹ Гончаров Д. Нормативная дискуссия о гражданском обществе: основные направления. Москва. 2010. С. 86

бошқариш ва ўз-ўзини ижтимоий ташкиллаштиришга асосланувчи, тенг ҳуқуқли фуқаролар томонидан тузилган америка коммуналари, яъни локал бирлашмаларнинг уйғун ва фаолликдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларга асосланади.

Мазкур коммуналар ўз-ўзини ташкиллашуви ўзига хос фуқаролик жамияти типии билан қўллаб-қувватланган, бу ҳақда батафсил А. де Токвил ёзади. Демократик маданият бунда коммунал ўзароҳамкорлик ва шерикчилик қадриятларини, шунингдек христиан ахлоқи қадриятларининг юқори даражадаги амалиёти билан фарқланади. Шунинг билан бирга, коммунитаристик лойиҳа тарафдорлари кузатганидек, жамоавий қадриятлар индивидуал қадриятлардан устун бўлиб, индивидлар ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳитида ўз қизиқишларини уюшма қизиқишларига бўйсундиришга тайёр бўлган¹.


Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, мумтоз марксизм замонавий дискурсни алоҳида концептуал йўналиши сифатида фуқаролик жамиятини келиб чиқишини, жамиятнинг феодал-аристократик патерналистик тизими ўрнига коммерция капитализми давридаги иқтисодий партикуляриزمи билан боғлаган. Бироқ Маркс унда индивидуал эркинлик ва автономияни эмас, синфий жамиятда объектив мавжуд бўлган нотенгликни, эрксизлик ва ижтимоий-иқтисодий бегоналашувни беркитувчи, яъни, ташқи шаклни кўрган холос².

Кейинроқ эса постмарксистик лойиҳа доирасида амал қилувчи назариётчилар, фуқаролик жамияти ғоясини қайтадан кўриб чиқишга ҳаракат қилган. Шундай қилиб, постмарксистик тушунишда, у куйидагича асосланади «охирги вақтларда пайдо бўлаётган, жамиятнинг, эркин эҳтиёрий ассоциациялари, шунингдек, ҳуқуқий ва оммавий институтлари доирасида амалга оширилувчи жамоавийликнинг номумтоз шакллари, нафақат давлат доирасидан, балки капиталистик бозор иқтисодиёти чегарасидан ҳам чиқиб кетмоқда»³. Бу ерда диққат марказида, биринчидан, давлат-бюрократик машинасининг, умумий манфаатлар давлати шароитида, таъсир доирасининг кенгайиши, иккинчидан, жамиятга трансмиллий корпорациялар ва глобаллашув даврининг марказлашган иқтисодиёти томонидан бўлган ҳавфи туради.

¹ Walzer M. 1995. Concept of Civil Society – Walzer M., ed. Toward a Global Civil Society. Providence RI: Berghahn Books.

² Baker G. 2002. Civil Society and Democratic Theory: Alternative Voices.

³ Arato A. 1981. Civil Society Against the State: Poland, 1980-81 – Telos, #47.



Фуқаролик жамиятининг замонавий концепцияларини кўриб чиқар эканмиз, уларда мазкур феноменнинг онтологик ва гносеологик жиҳатларига ижтимоий қарашлар хилма-хиллигини кўрамиз. Таъкидлаш ўринлики, фуқаролик жамиятининг замонавий концепциялари ижтимоий муаммолар таҳлилининг тизимли мезонларини ишлаб чиққанлиги ва илмий ҳамжамият олдида оригинал концептуал ва амалий ечимини талаб қилаётган янги масалаларни кўндаланг қилиб қўйганлиги. XX аср нафақат техник прогресс, балки тизимли фикрлаш шаклланиши ва ҳукмронлиги даври бўлганлигини олимлар билади. Айнан шундай вақтда, фуқаролик жамияти – ижтимоий борлиқнинг тизимли таҳлили контекстида ўрганила бошланади. Бу албатта, бугун олим-файласуфларга замонавий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни нафақат моделлаштириш имкониятини, балки, уларнинг келажаги ҳақида аниқ тасаввурлар пайдо бўлишга олиб келади. Бугунги кунда ҳам фуқаролик жамиятини ўрганиш масалаларида бир қатор муаммолар мавжуд: фуқаролик жамиятининг давлат ва жамият дихотомияси ёки шериклиги чегараси, фуқаролик жамияти институтларининг индивид шахсий ҳаётига даҳл қилиши чегараси қаерда, фуқаролик жамиятини тушунишнинг базавий асослари, фуқаролик жамиятини тушунишнинг универсал ёндашувлари мавжудми каби масалалардир.

Шунинг билан бирга, фуқаролик жамияти ҳақидаги ғоялар ва тасаввурлар генезиси, мазкур феномен антик ва ўрта асрларда – давлат қизиқишлари жамият, ва албатта хусусий қизиқишлардан устуворлиги контекстида талқик этилганлигидан далолат беради. Антик ва ўрта асрлар олимлари ижодида давлат, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни бошқариб турган бош институт саналган. Мазкур жиҳат инсоният ривожининг дастлабки босқичида, давлат ва жамият ўзаро ҳамкорлиги ва дихотомияси борасидаги концепциялар йўқлигининг асосий омили ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти концептуал дискурсининг антик парадигмаси – фуқаронинг ижтимоий бошқарув соҳасидаги роли ва ўрнини аниқлашдан иборат бўлган. Агар улардан баъзилари, фуқаролар давлатдан муайян даражада автономдир (Арасту), бошқалар давлат бошлиқларини фуқаро ва

жамият ҳаётини регламентация қилишга чақирган (Афлотун). Уларнинг ҳар бири имкони борича идеал давлат қурилмасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Айнан шу жиҳат фуқаролик жамияти кейинги концептуал ишланмалари турли талқини ва ёндашувларни келтириб чиқарди.

Ўрта аср мутафаккирларининг антик давр олимларидан фарқи, уларнинг ижтимоий муносабатларни, давлат ва жамият муносабатлари шу жумладан, теологик характерга эга, антик фалсафа эса ижтимоий муносабатларни турли рангларда кўриб чиқади, шу нуктаи назардан фуқаролик жамияти диний парадигмаси ўрта асрларда шакллана бошлаган дейиш мумкин.

Шарқнинг фуқаролик жамиятини концептуал тушунишидаги ўзига хос жиҳат, уларнинг мазкур феноменга оид талқинлари фазилат, маърифат ва ўзаро масъулият тушунчалари призмаси орқали амалга оширилганлигидир, бунда ижтимоий-фалсафий фикр ўз диққатини давлат бошқарувчилари ва жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ахлоқий-эстетик жиҳатларига қаратган.

Янги даврда давлат роли масаласи янгича англай бошланади: агар антик давр ва ўрта асрларда ижтимоий-фалсафий фикр давлат устуворлигига қаратилган бўлса, бу даврга келиб, мазкур нисбатда инсон (фуқаро) феномени, ўз ҳуқуқлари, эҳтиёжи ва қизиқишлари билан биргаликда устувор аҳамият касб эта бошлайди. Давлат фақат мана шу қизиқишларни мавжуд бўлган қонуний тизим доирасида амалга оширилишини таъминловчи институт сифатида гавдаланади.

Янги давр ижтимоий-фалсафий тафаккури фундаментал ютуғи, давлат ва жамият тушунчаларини ажратганлигида, бу фуқаролик жамиятини тушунишда классик парадигмасининг шаклланишига асос бўлган эди. Бу ўз навбатида, “давлат – фуқаролик жамият” дихотомияси кузатиловчи концепциялар шаклланишига олиб келади. Биринчи маротаба Янги давр мутафаккирлари давлат ва жамият қизиқишларининг турлича бўлишига ўз диққат эътиборини қаратади, бунда давлат қонун устуворлигига таянса, жамият эса хусусий мулкка. Фуқаролик жамияти ҳақидаги концептуал дискурсининг асосий муаммолари сифатида, давлатнинг роли ва давлат ва жамият ўзаро муносабатларининг мезонлари қандай (ахлоқий идеал ва реал сиёсат нисбати мезонлари) деган масала кўндаланг туради.

Фуқаролик жамияти феноменини концептуал қайта тушунишда кузатилган жиддий ривожига қарамай, илмий позицияларни ўрганиш асосида, уларнинг қарашлари турли ғоявий асосдан маҳрум эмаслиги аниқланди, бу эса ўз навбатида, фуқаролик жамияти мазмун ва моҳиятини тушунишда субъективизмнинг кучайишига олиб келган. Ва яна бир камчилиги сифатида давлат ва жамият ўртасидаги чегаралар ҳануз белгиланмаганлиги масаласи бўлиб, бу мазкур йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда маълум даражада тўсқинлик қилади.

Фуқаролик жамиятини ўрганишда замонавий ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг муҳим ютуғи сифатида эса, бу соҳани ўрганишининг янги илмий ёндашуви сифатда – тизимли парадигманинг шаклланиши бўлди. Ўз навбатида, бу фуқаролик жамиятининг норматив идрок этишдан уни

трансформациялашаётган фуқаролик жамиятини замонавий концептуал дискурси турли йўналишларини ўрганиш контекстида, эмпирик таҳлил қилишга ўтиш тенденцияларини кучайтирди.

Умуман, ҳозирги замон илғор демократик мамлакатлар жамиятшунос олимларининг фуқаролик жамияти тўғрисидаги назарий қарашлари бир тизимга келтирилса, у ҳолда фуқаролик жамияти – бу:

биринчидан, жамият ҳаёти фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирликдир;

иккинчидан, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир;

учинчидан, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазийқлари, аралашилари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамияти бўлиб, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

Назорат саволлари:

1. Фуқаролик жамияти ғоясининг келиб чиқиши тарихий шарт-шароитлари нималардан иборат эди?
2. X–XII асрларда Марказий Осиё мутаффакирларининг таълимотларидаги адолатли жамияти ҳақидаги қарашларни изоҳланг?
3. Янги даврда фуқаролик жамиятининг янги талқинлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритинг?
4. Жадидчилик ҳаракатининг ғоявий меъросида фуқаролик жамияти ҳақидаги концептуал қарашларни шарҳланг?
5. Фуқаролик жамияти ҳақидаги замонавий концептуал масалаларнинг ғоявий ва ментал хусусиятларини очиб беринг?

Тест саволлари:

1. “Мамлакат бошқарувида тўрт қоидага амал қилиш керак: машварат, муҳокама, қатъий қарор, тадбиркорлик, огоҳлик ва эҳтиёткорликка” деган фикрни қайси аллома илгари сурган?
A. Амир Темур
B. Абу Али ибн Сино
C. Абу Райхон Беруний
D. Абу Наср Фаробий
2. “Ҳукумат бошлиғининг асосий вазифаси этиб аҳолининг турли қатламлари, кучлилар ва кучсизлар ўртасида сиёсий ва ҳуқуқий адолат мезонини ўрнатиш” деб ким таъкидлайди?
A. Амир Темур
B. Абу Али ибн Сино
C. Абу Райхон Беруний

D. Абу Наср Фаробий

3. Қайси даврдан бошлаб фуқаролик жамияти ғояси демократия ривожланиши билан чамбарчас боғланиб келмоқда?

- A. антик даврда
- B. ўрта асрларда
- C. янги даврда
- D. XX аср бошларида

4. Янги даврда Европадаги фуқаролик жамияти концепцияси шаклланиш неча анъанаридан иборат?

- A. икки
- B. уч
- C. тўрт
- D. беш

5. “Давлат – фуқаролик жамият” дихотомияси кузатиловчи концепциялар қайси даврда шаклланган?

- A. антик даврда
- B. ўрта асрларда
- C. янги даврда
- D. XX аср бошларида

6. “Охирги вақтларда пайдо бўлаётган, жамиятнинг, эркин эҳтиёрий ассоциациялари, шунингдек, ҳуқуқий ва оммавий институтлари доирасида амалга оширилувчи жамоавийликнинг номумтоз шакллари, нафақат давлат доирасидан, балки капиталистик бозор иқтисодиёти чегарасидан ҳам чиқиб кетмоқда” деган фикрни қайси замонавий ёндошув илгари сурмоқда?

- A. либерал анъана концепцияси
- B. американча коммунитариз концепцияси
- C. европача неоконсерватизми концепцияси
- D. пост-марксистча концепция

7. “Фуқаролик жамияти фақат мустақил мамлакат доирасида амалга ошириши, ҳақидаги хулосасини илгари сурган ғоявий оқим – бу ...

- A. жаддидчилик
- B. марксизм
- C. консерватизм
- D. либерализм

8. Фуқаролик жамияти замонавий концептуал дискурсининг норматив ёндошуви вакиллари аниқланг.

- A. Алексис де Токвиль
- B. Эндрю Арато

- C. Карл Маркс
- D. Николо Макиавелли

9. Фуқаролик жамиятининг замонавий концепцияларининг қайси ёндошуви фуқаролик жамияти аъанавий жамият урнини эгаллаган ёки замонавий жамиятга хос бўлган белгиларни шакллантирадиган жамияти сифатида тушунилади?

- A. формацион
- B. цивилизацион
- C. модернизация
- D. тараққиёт

10. Фуқаролик жамиятининг замонавий концепцияларининг қайси ёндошуви фуқаролик жамияти капиталистик тизимга боғланади ва кенг ва тормаъноларда тушунилади?

- A. формацион
- B. цивилизацион
- C. модернизация
- D. тараққиёт

3-МАВЗУ: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИЖТИМОЙИ ТУЗИЛМАСИ

Режа:

- 1. Жамият социал структурасига доир дастлабки талқинлар.**
- 2. Фуқаролик жамияти - инсоний тараққиёт учун зарурият сифатида**
- 3. Фуқаролик жамиятининг социал структуралари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари.**
- 4. Ривожланган мамлакатларда жамият социал структураларининг ривожланишида янги тамойиллар.**

Таянч сўзлар: структура (тузилма), ижтимоий (социал), социал структура, жамият, фуқаролик жамияти, социал қатламлар, социал гуруҳлар, фуқаролик жамияти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқаролик жамиятининг структураси, фуқаролик жамияти институтлари, номарказлаштириш, ҳуқуқий давлат, ўзини ўзи бошқариш, оммавий ахборот воситалари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, учинчи сектор, ҳаракатлар, элита, ўрта қатлам (синф), куйи қатлам, эркинлаштириш, ҳуқуқ.

1. Жамият социал структурасига доир талқинлар.

Жамиятнинг социал структураси дастлаб қадимги юнон мутафаккирлари Платон (э.ав.427-347 йй.) ва Аристотель (э.ав. 384-322 йй.) томонидан тадқиқ этилган. Улар жамият ва давлатни айнанлаштирган бўлсаларда, жамият аъзоси сифатида фақат эркин туғилган ва фуқаролик ёшига етган кишиларни эътироф этган. Уларнинг жамиятга доир қарашлари асосини социал структура ва социал адолат концепциялари ташкил этган.

Платоннинг фикрича, социал структурани фақат эркин туғилган, ижтимоий аҳамият касб этадиган ролни бажараётган кишилар ташкил этади. Инсоннинг қалби учта асосга эга: «идрок» (интеллектуаллик), «жасурлик» (иродалилик) ва «истак» (сезги, туйғуга эга бўлиш). Одамлар ўз қалбидаги асослардан қай бирининг кўплиги ёки озлигига қараб жамиятда учта ижтимоий қатлам мавжуд бўлади: донишмандлар – «файласуфлар», ҳарбийлар – «қўриқчилар», ишлаб чиқарувчилар – «деҳқонлар» ва «хунармандлар». Бошқарувчилар юксак маълумотли, истеъдодли, хусусий мулкка эга бўлмаган, зоҳидлик турмуш тарзини кечираётган, 50 ёшга етган файласуфлар ичидан тайинланиши лозим. Бошқарувчи бўладиган одамларни фалсафа ва санъат воситасида тарбиялаш зарур. Бошқарувчилар қонунларни ўрнатади, ижтимоий ишларни адолатли тарзда бошқаради. «Қўриқчилар» давлатни химоя қилади ва жамиятда тартибни изга солади. «Деҳқонлар» ва «хунармандлар» ўз меҳнатлари билан фуқароларни барча ҳаёт учун зарур бўлган нарсалар билан таъминлайди. Кўриниб турибдики, Платон томонидан илгари сурилган жамиятнинг

социал структураси олий даржада донишманд-файласуф турган қаттиқ иерархияни назарда тутган эди.

Йирик юнон мутафаккири Аристотель ўзининг «Сиёсат» китобида жамиятнинг табиий келиб чиқиши, унинг социал стратификацияси ва социал адолат кабиларга доир қарашлари тадқиқ этилди. Аристотелнинг фикрича, инсон туғилишдан бошлаб инстинктив равишда бошқалар билан биргаликда ҳаёт кечиришга интилдиган мавжудотдир. Одамнинг бошқа мавжудотлардан фарқи, унинг ижтимоий ва шахсий муносабатлардаги эзгулик, адолат, «умумий фойдани тушуниб етганлиги»дир. Аристотел жамиятда бир-бирини изчиллик билан бир-бирига алмашиб борувчи инсоний ижтимоий ҳаёт шакллари билан бир-биридан ажратиб кўрсатиб берди: оила – яшаш манзили (қишлоқ ва бошқ.) – полис (шаҳар-давлат). Аристотел учун давлат – одамнинг табиий равишда бошқа одамлар билан ҳаёт кечиришга интилиши натижасида вужудга келадиган биргаликда инсоний ҳаёт кечиришнинг олий табиий шаклидир. Оила – инсоний бирликнинг бирламчи шакли сифатида талкин этилди. Бир неча оилалар яшаш манзиллини ташкил этади. Ўзаро бир-бирларига яқин яшаш манзиллари шаҳар-давлатга бирлашади.

Аристотел илгари сурган социал структура моделида асосий стратификациявий принцип сифатида мулк цензи танланди. Унга мувофиқ, фуқаролар учта социал қатламга бўлинади: камбағал, ўрта қатлам ва бой. Мутафаккирнинг фикрича, давлатда қанчалик ўрта қатлам кўпроқ бўлса, у шунчалик қудратли бўлади, гуллаб-яшайди.

Антик юнон фалсафасини янада ривожланишига қатта ҳисса қўшган, Шарқ уйғониш даврининг мутафаккири Абу Наср Форобий инсоний жамиятни пухта ўрганган олимлар жумласига киради. Форобий «Фозил шаҳар одамлари қарашлари» асарида жамият («инсон жамоаси»)нинг келиб чиқиш сабабларини илмий жиҳатдан асослаб беради: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, унинг бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш кишилик жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришмоқ учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон кўпайди ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди»¹. Мутафаккир наздидаги инсон жамоаси – бу кишилик жамияти ҳисобланади.

Форобий жамиятнинг ижтимоий тузилмаси (социал структураси) сифатида жамиятдаги турли ижтимоий табақаларни чуқур таҳлил этади. Абу Наср Форобийнинг фикрича, мукамал жамиятда ҳар бир табақа, яхлит ижтимоий организмнинг ажралмас қисми сифатида, ўзининг муайян функцияларига эга бўлиб, гўёки шу вазифаларни бажариш учун ихтисослашганлар.

Форобий орзу қилган идеал давлатда ижтимоий табақалар ўртасидаги фарқланишлар сақланади. Платоннинг идеал давлат тузуми ҳақидаги таълимотида

¹Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Тошкент: А.Қодирий ном. халқ мероси нашриёти.1993.-Б.18-19.

кўрсатилгани каби, ҳар бир табақанинг вазифалари ва мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлади, табақалар ўзларининг мақомлари бўйича ўзларига тегишли бўлган фаолият билан шуғулланади. Бир табақага мансуб бўлган одам бошқатабақа вакиллари учун тегишли бўлганишларни бажариш ҳуқуқига эга эмаслар (масалан, бошқарувчилар табақасига мансуб кишилар деҳқончилик ёки савдо ишлари билан шуғулланмайди). Фозил шаҳар-давлатда ҳар бир табақанинг жамиятда ўрни ва мақоми мазкур табақа бажариши лозим бўлган вазифаларнинг қандай бўлиши билан белгиланади. Табақа мартабасининг баланд ёки паст бўлиши унинг ҳукмдорга яқин ёки узоқ бўлишига боғлиқдир. Ҳукмдорга яқин ёки ундан узоқ бўлишнинг белгиси ҳар бир табақа вакиллариининг ақлий (интеллектуал) ва маънавий камолот даражаларининг юксаклигига боғлиқдир. Ақлий ва маънавий камолот даражалари юксак бўлган табақа вакиллари, яъни ҳукмдорга яқин одамлар юқори лавозимларни эгаллаб, хурматга сазовор бўлган ишларни бажаради, уларнинг қўл остида ишловчилар эса пастроқ лавозимлардаги ишларни бажаради.

Кўриниб турибдики, Форобийнинг идеал давлат тузумига асосланган жамиятда (фозил шаҳар-давлатларда) кишиларнинг ижтимоий табақаларга бўлиниши ва уларнинг имтиёзлари сақланади. Мутафаккир бирон-бир табақага мансуб одамларнинг вазифалари ва мажбуриятлари ўртасида тафовутларнинг сақланиши, ҳар бир одамнинг ўз касбини яхши билиши ва ўз вазифаларини бажариши жамиятнинг собитлиги ҳамда адолатнинг юзага чиқиши учун зарур бўлган омилдир, деб қарайди: ҳар бир одамнинг ўз касбига тегишли вазифаларини тўғри бажариши - жамиятда адолатнинг сақланиши ва уни барқарорлигини таъминлаш асосидир.

Мутафаккир ўзининг «Талхиси навомиси Афлотун» («Платон қонунлари моҳияти») асарида илоҳий қонунларни доимо адолатли эканлигини илгари суради.¹ Фозиллар жамиятининг адолатли бўлиши ва табақалар ўртасида тафовутларнинг сақланишида **адолат ҳуқуқий категория** вазифасини бажаради. Ана шу жиҳатлардан ёндашганда, Форобийнинг адолат ғоясига нисбатан ишлатган таърифи Платон талқинларига яқиндир. Лекин Форобий қарашларидаги адолат ғояси кишилар ўртасида ахлоқий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни, моддий бойликларни тақсимлаш ва ўзаро алмашув муносабатларини ҳам ўзига қамраб олади. Мана шу ерда Форобийнинг қарашлари Платон талқинларидан фарқланади. Форобий ўзидан олдинги барча ўтмишдошларидан фарқ қилиб, адолат ҳақидаги қуйидаги таърифини келтиради: «Адолат - авваламбор бутун шаҳар аҳли томонидан яратилган неъматларни (тўғри) тақсимлаш ҳамда кишилар ўртасида бу неъматларни тақсимлаш қоидаларини сақлаш демакдир. Бундай неъматлар қаторига (кишиларнинг) фаровонлиги, бойлик (мол-мулк), турли унвонлар ва жамиятда тутган ўрни ҳамда одамларнинг моддий-иқтисодий ва маънавий ҳаётига оид бошқа кўпгина неъматлар (нарсалар) қиради. Жамоа аъзоларининг ҳар бири ўзининг хизматига яраша бу неъматлардан тегишли ҳиссасига эгадир. Агар неъматлар бир одамга нисбатан камроқ тақсим этилса, бу ҳолда у одамга нисбатан

¹Ўша жойда.

адолатсизлик бўлади. Аксинча, ўша одамга неъматлар кўпроқ тақсим этилса, унда бошқа фуқароларга нисбатан адолатсизлик содир қилинган бўлади.¹

Хулоса қилиб айтганда, адолат кишилар ва турли табақалар ўртасида ўзаро иқтисодий-ижтимоий муносабатларда тўғри тақсимлашнинг белгиси вазифасини бажарувчи категориядир. «Адолатсизликнинг содир бўлиши, - деб ёзади Форобий, - шунда ифодаланмадики, неъматларнинг тегишли ҳиссаси берилмай қолади».² Мутафаккирнинг фикрича, социал структураларнинг яшаш мезони – бу социал табақалар ўртасида, шунингдек давлат билан табақалар ўртасидаги муносабатларда адолат принципига қилишдир.

Форобий кишиларнинг диний мазҳабига эмас, балки уларнинг турли белгилари - табиий хусусиятларига, қобилиятларига, ақлий иқтидорларига ҳамда илмларни ўрганиш ва ҳаётини тажриба тўплаш жараёнида орттирган билим ва кўникмаларига қараб ижтимоий гуруҳларга бўлади. Унинг талқинича, шаҳар - бу муайян бир давлат уюшмаси, жамият (жамоа) эса - шу давлатга тобе бўлган одамларнинг табақалардан иборат бирлашмасидир. Албатта, бу каби қарашлар Платон ва Аристотелтомонидан илгари сурилган жамиятнинг социал структураларига доир таълимотини ва бу структураларни табақалаштириш қонуниятларини янада ривожлантирди.

Муайян жамиятнинг тарихий ривожланишини таҳлил этиш натижасида олинган тизимлар назарияси ва социологик таснифлардан келиб чиқиб **жамиятнинг** асосий универсал таснифини қуйидагича ифодалаш мумкин: а) бир бутунлик, яхлитлик; б) ўзгаришларга бой ва ривожланишга мойиллик (динамизм); в) тизимлилик. Мазкур универсал таснифдан келиб чиқиб жамиятни қуйидагича таърифлаш мумкин: **Жамият** (society) – бу яхлит тузилма бўлиб, унинг доирасида одамларнинг биргаликда яшаши амалга ошади; жамият ўзининг унсурларидан иборат бўлиш хусусиятига эга бўлган, шунингдек ўзини мавжудлик макон ва замон чегараларига эга бўлган ўзига хос организм ёки тизимдир. Шу тариқа, жамият муайян ва аниқ ҳудудда жойлашган бўлади ва ўз мавжудлигининг аниқмуваққат доирасига эгадир. Баъзи жамиятшунос олимларнинг фикрича, «жамият» ва «мамлакат» тушунчалари ўртасида ўхшашлик мавжуд. Жамият одамлардан иборат тузилма сифатида тавсифланиб, у: социал алоқаларнинг бирлашуви рўй берадиган ҳудуд; муайян бир ҳудуд доирасида юзага келган социал алоқалар, муносабатлар, бирликларнинг турли туманлигига эга; автономлик (мустақил яшаш) қобилиятига эга; интеграциялашувга мойил (барча индивидларни ўзаро қўшилувчанлиги, ижтимоий тартибот натижасидаги бирлашув).

“**Жамият**” деганда барча инсоний муносабатлар (алоқалар) йиғиндиси тушунилади. Яна бир манбада “жамият” тушунчаси маълум бир ҳудудни эгаллаган, оз ёки кўп даражада ўзининг бошқалардан фарқланувчи маданияти ва институтларига эга бўлган одамларнинг ўзини ўзи абадийлашган йиғиндиси, дейилади.³

Жамият институтлар ва бирликларнинг ўзаро муносабатларини қўллаб-қувватлайдиган, янги социал тузилмаларни интеграциялайдиган, ўз мантиғидан

¹ Фараби. Социально-этические трактаты. -Алма-ата: Наука, 1975.-С.224.

² Ўша жойда.-Б.226.

³ Джери Дж. Джери Дж. Большой толковый социологический словарь. Том 1. –Москва: ВЕЧЕ.АСТ, 1999.-С.508.

келиб чиқиб аҳолининг асосий қисмини ўзига бўйсундирадиган, мазкур ҳудудда яшовчи одамлар ўз хатти-ҳаракатларидаги турли туман социал ўзаро таъсирлар ва алоқаларни ягона негизга уюштиришга ундовчи ва ўзини ўзи мувофиқлаштириш механизмларига эгадир. **Жамият** – одамлар, бирликлар ва тузилмалар ўзаро таъсирлари ва алоқаларининг тарихан ривожланувчан, уларнинг биргаликда яшаш жараёнида ўзгариб борадиган ва таркиб топадиган яхлит тизимдир.¹

Жамиятни ўзига хос белгилари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: 1)социаллик; 2)жамият аъзолари (инсонлар) ўртасида ўзаро таъсир ва боғланишларнинг мавжудлиги; 3)маълум бир ҳудудга эга бўлиш (социал макон); 4)социал замоннинг (вақтнинг) мавжудлиги; 5)ўзини ўзи бошқариши ва мувофиқлаштириши, ўзини ўзи намоён қилиши, социал жараёнларни ўз-ўзидан англаши; 6)социал институтларнинг мавжудлиги; 7)одамларнинг онги, иродаси ва фаолиятини ҳар қандай ўзгаришларга таъсир этиб туриши; 8)социал структуранинг мавжудлиги.²

Жамиятнинг структуравий компонентлари³ - улар кўплаб индивидлар (шахслар); одамлар томонидан бажариладиган социал роллар; ўз ичига ҳудудий, этник ва бошқа бирликларни олган социал структура; одамларнинг бир-бирларига ўзаро таъсири.

Жамият яхлит тизим сифатида турли туман унсурлардан (фаолият турлари, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий гуруҳлар, бирликлар, институтлар ва уюшмалар) иборат. Уларнинг барчаси бир-бирларига мустақкам боғланган бўлиб, уларнинг жамланмаси бир бутунликни (яхлит жамиятни) ташкил этади. **«Структура»** (тузилма) тушунчаси (лотинча “structura” – тузилиш, тузилма, жойлашиш тартиби, тартиб) умумий маънода бир бутуннинг у ёки бу даражадаги барқарор унсурлари ёки улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни англатади.

Биз хорижий адабиётлардан фойдаланишда қийинчилик туғилмаслиги учун **«тузилма»** тушунчасини халқаро миқёсда қабул қилинган шакли – **«структура»** атамаси ишлатамиз. Структура жамиятнинг таркибий қисмларини турли тартибсизликлар аралашмасидан иборат ҳолда яшашига йўл қўймайдиган, уларни мувофиқлашувига шарт-шароитлар яратиб берадиган ўзига механизм вазифасини ҳам бажаради.

Структура– объектнинг бир бутунлигини ва унинг ўзига ўзи айнанлигини, яъни турли ички ва ташқи ўзгаришларда ўзининг асосий хусусиятларини сақлай олишини таъминловчи барқарор алоқалар йиғиндисидир. Структура аксарият ҳолатларда “ниманидир таркибий қисмларини ўзаро жойлашиши ва ўзаро алоқалари” ёки “маълум бир тузилиш ва тузилмага эга бўлган нарса” маъноларида ишлатилади.⁴

Структура - биринчидан, бу унсурларни маълум бир модел сифатида намоён қилиш, масалан, қандайдир институтлаштирилган социал таснифлашни (роллар, ташкилотлар ва бошқ.) “тузилган структура” ёки “бандлик структураси” сифатида тартибга солиш; иккинчидан, устки структура асосида ётувчи (айниқса қиёсий

¹Ўша жойда.-С.159.

²Ўша жойда.-С.160-163.

³Компонент [лот. componens (compo-nentis) тузувчи, ташкил этувчи, ҳосил қилувчи] – ниманидир таркибий қисми.

⁴Локшина С.М. Краткий словарь иностранных слов.-10-е изд., стер.-Москва: Рус.яз., 1988.-С.488.

грамматикада) қоида, тартибдир (“чуқур структура” - Леви-Стросс таъбирича). Инглиз оциолог олими Гидденс учун “структура” тушунчаси социал тизимларни қайтарилиши ва такрорланишида сақланадиган “қоидалар ва имкониятлар”га тааллуқлидир.¹

Гидденс жамиятнинг социал структураси тушунчасини ўзига хос хусусиятларини очиб бериш баробарида, уни функционализм тарафдорлари талқинидаги ноаниқликлар ва енгил-елпи таърифлашларни кескин танқид қилиб қўйидаги фикрларни илгари сурди: “Структурация назариясини ўзагини ташкил этган муҳим тушунчаларни кўриб чиқамиз: «структура», «тизим» ва «структуранинг дуаллиги (икки тарафламалиги)». Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, уларнинг ичида биринчиси – структура (ёки «социал структура») – функционализм оқими тарафдорлари ичида жуда ҳам оммавийлашиб кетди ва улар ўз номидан келиб чиқиб ҳам «структурализм» анъаналари олдида ўз бурчини бажаришга уринди. Лекин, барча назариялар ҳам бу тушунчага социал-илмий назарияларнинг талаблари даражасида таъриф бера олмади. Функционализм тарафдорлари ва уларнинг танқидчилари ўзларининг асосий диққат-эътиборини фақат «функция» тушунчасига қаратиб, «структура»га оид тасаввурларга муҳим эътибор бермади; шу тариқа, бу тушунчанинг аҳамияти эски ҳолидан нарига ўтмади.

Шу билан бирга, биз функционализм тарафдорлари «структура» деганда нимани тушунишини яхши биламиз. Лекин, дарҳақиқат, жамиятшунос-таҳлилчилар бу тушунчани социал муносабатлар ва ҳодисаларни ўзига хос «моделлаштириш» деб тушунади. Кўпинча структура тушунчаси скелет ёки организм тузилиши, ёки бино синчи (қобирғаси) каби кўзга илинмас тасаввурлар шаклида талқин этилди. Бу ёндашув ва унга тегишли тушунча субъект ва социал объектнинг икки тарафламалиги (дуаллиги) билан мустаҳкам равишда ўзаро боғлиқликда талқин этилди: бунда «структура» инсоний фаолиятга нисбатан қандайдир «ташқи» ҳолатни ифодалаб, мустақил субъектнинг эркин ташаббусларини чегаралашни келтириб чиқарувчи манба маъносини бера бошлади. Структурализм доирасида пайдо бўлган структурага доир тасаввурлар бизга қизиқарли бўлиб туюлади. Бунда, структура ҳақида сўзлаганда, биз у ёки бу социал муносабатлар ва ҳодисаларнинг моделларини эмас, балки мавжудлик ва мавжуд эмасликнинг (йўқликнинг) ўзаро кесишган нуқтасини назарда тутамиз; шу тарзда, юзаки намоён бўлишдан келиб чиққан ҳолда унинг пойдевори - асос солинадиган принциплари чиқариб ташланади”.²

Гидденс “социал структура” ва “тизим” тушунчаларидаги фарқланиш ва бир-бирини тўлдириш хусусиятларини очиб беради, шунингдек уларга доир изланишларни янада чуқурлаштиришнинг истиқболдаги вазифаларига тўхталади: “Дастлабки қарашда структурага доир юқорида келтирилган тасаввурлар умумийликка ҳеч қандай дахли йўқдек кўринади. Лекин, аслида уларнинг ҳар бири социал муносабатларни структуралашнинг муҳим жиҳатларига тегишлидир. Бу жиҳатлар структуралаштириш (структурация) назариясида «структура» ва «тизим» тушунчаларига дифференциявий (бир бутунни бўлақларга ва фарқланувчи

¹Қаранг: Большой толковый словарь (Collins). Том 2 (П-Я): Пер. с англ. –Москва: Веча, АСТ, 1999.-С.300.

² Гидденс.Э. Устроение общества.. Очерк теории структуризации.-Москва: Академический Прект, 2005.-С.58.

жихатларига қараб ўрганиш) ёндашув воситасида англаб етилади. Социал муносабатларни таҳлил қилар эканмиз, биз муммонинг, бир томондан, синтагматик¹ жихатлари – социал муносабатларни вазиятли амалиётини такрор яратишни ўз ичига олган ҳолда маконда ва замонда моделлаштириш, иккинчи томондан, шу каби такрор яратиш жараёнида муттасил равишда иштирок этувчи «структуралашнинг усуллари»ни маълум шароитларда тартибга солишни назарда тутишга қаратилган парадигматик² «ўлчаш»ни эътиборга олишимиз зарур бўлади».³

«**Ижтимоий**» тушунчаси лотинча (socialis) «социал» маъносини билдириб, у одамларнинг жамиятдаги ўзаро муносабатлари ва ҳаёт кечириш тарзи туфайли бир-бирларига боғлиқ эканлигини англатади. Жамият кенг маънода – бу умумий манфаатлар, кадриятлар ва мақсадларга эга бўлган одамларнинг бирлашиш шаклидир. Инсоний жамият инсонлараро муносабатлар (социал муносабатлар) модели (жамият субъектлари ўзаро муносабатлари йиғиндиси) сифатида тавсифланади.

Бу тушунчалар ўзаро бирлаштирилганида, “жамиятнинг социал структураси” маъносини беради. Бу тушунча жамиятнинг (бирликнинг, гуруҳларнинг) ички тузилишини ифодалайди; бу - тартибга солинган социал бирликлар, социал институтлар ва уларнинг ўзаро алоқалари йиғиндиси демакдир. Социал структура тор маънода функционал жихатлардан ўзаро боғланган социал мақомлар ва ролларнинг йиғиндисидир. Социал структура жамиятнинг яхлитлиги ва барқарорлигини таъминлаб туради. Социал структурани таҳлил этишда одатда қуйидаги социал ҳодисалар кўриб чиқилади: социал мақом, социал рол, социал дифференциация, социал стратификация, социал нотенглик, социал мобиллик, социал маргиналлик, социал институтлар ва бошқалар.

Умуман, жамиятнинг социал структураси барча жамиятлар учун хос бўлиб, уларнинг шакллари, функциялари, таъсири натижалари турли жамиятларда фуқароларнинг миллий кадриятлари, тарихий ривожланиш тажрибаси, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин.

2. Фуқаролик жамияти - инсоний тараққиёт учун зарурий сифатида.

“Фуқаролик жамияти” тушунчасининг илдизи (civil society) қадимги грек файласуфлари ва бошлаб Цицерон ёзган асарларда кузатилади. Лекин, грек файласуфлари фуқаролик жамияти ҳақида фикрлаганида асосан давлатни кўзда тутган эдилар. Фуқаролик жамияти ҳақидаги тасаввурлар XVIII аср охирида бир вақтнинг ўзида шотланд ва континентал Маърифатпарварлиги томонидан туғилди. Томас Пейн ва Георг Гегель каби назариётчилар фуқаролик жамиятини давлатга яқин, лекин, шу билан бирга ундан ажралган соҳа, қайсики, бу каби жамиятда фуқаролар ўз хоҳишлари ва

¹Снтагма [юнон. syntagma ниманидир қўшилганлиги, боғланганлиги, бирикканлиги] – бир неча сўзларни ёки сўз қисмларини қўшилиши, масалан, сув ташувчи – мешкоб (бунда меш – копсимон идиш, об - сув); синтагматик - маълум бир фикрдаги тил бирлиги бирикмаларига тааллуқли (унинг тескариси - парадигматик).

²Парадигма [юнон. paradeigma мисол, намуна] - 1) жадвал кўринишида берилган сўз шаклининг тизими (номларни турланиши, сўзнинг тусланиши; 2) далиллаш ва қислаш учун тарихдан мисол келтириш.

³Гидденс.Э. Устроение общества.. Очерк теории структуры. -Москва: Академический Прект, 2005.-С.59.

манфаатларига боғлиқ ҳолда бирлашадилар, деб талқин этдилар. Бу янги талқинларда иқтисодий воқеликларни ўзгаришлари ифодаланган эди: хусусий мулк, бозор рақобати ва буржуазиянинг пайдо бўлиши. У тобора ўсиб бораётган эркинлик сари даъват этиш чақириқларидан пайдо бўлган эди.

XIX асрнинг ўртасида жамиятшунослар ва файласуфлар саноат инқилобининг ижтимоий ва сиёсий оқибатларига ўз эътиборларини қаратганларида эса фуқаролик жамияти тушунчаси истеъмождан тушиб қолди. Фақат иккинчи жаҳон урушида кейинги даврда Антонио Грамши фуқаролик жамиятига тирания билан курашишнинг муҳим соҳаси ва мустақил сиёсий фаолиятнинг ўзига хос отланиш нуқтаси сифатида қараб, уникалтадан тиклади ва бу жамият яна русумга кирди. Грамши ўнг оқим диктатурани тадқиқ этганлиги учун унинг ғоялари Шарқий Европа, шунингдек, Латин Америкасидаги диссидентлар ва ҳуқуқ ҳимоячиларига кучли таъсир қилди. Чех, венгр, поляк фаоллари доимо фуқаролик жамияти тушунчасига мурожаат этишар эди. Айниқса, 1989 йилда Берлин девори қулаган пайтларда у жасурлик тушунчасининг синоними сифатида ишлатила бошланди.

XX асрнинг 90-йилларида фуқаролик жамияти жозибадор формуланинг сўнгги натижасига айланди. Улкан демократлаштиришнинг дунёвий тамойиллари унинг олдида янги уфқларни очди. АҚШ ва Ғарбий Европада унинг жамиятни янгилашнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатидаги ўрнига нисбатан қизиқишлар кучайди, шунингдек, давлат ва ҳукуматтаъсирлари камайиб бораётган ривожланаётган мамлакатлар ичида ҳам у кенг тарқала бошлади.

Тарихий тараққиёт тажрибасидан маълумки, инсон жамият томонидан олий ижтимоий қадрият манбалари сифатида намоён бўлиши энг ечимини топиш энг қийин муаммолардан биридир. Чунки, бу каби шароитларда инсонни мансабдорлар ва уларнинг аппаратини иродаси асосида фаолият юритишдан бошқа чораси қолмайди, инсон давлат машинасининг бир мурватига айлана бошлайди. Шахс ўзининг турмушини ўзгартириш қобилиятига эга бўлмасдан, у халқаро муносабатларда “инсон ҳуқуқлари манбаси” деб аталадиган ўз инсоний қадр-қимматини эъзозлайдиган эркинлик меъёрларидан баҳра ололмайди.

Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини халқаро тажрибалар ва миллий анъаналар асосида шакллантириш инсон эркинлиги ва ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий кафолати сифатида шакллантириш инсон тараққиёти учун энг зарурий омилдир. Ҳозирги даврда жамиятга доир замонавий назарияларда фуқаролик жамиятининг қуйидаги асосий учта таркибий қисмлари қуйидагича таърифланади:

- ижтимоий аҳамиятга молик функцияларни сезиларли қисмини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларини ривожланганлиги; “шаффоф” ҳукумат ва парламентнинг мавжудлиги; унинг “шаффоф”лиги жамият назорати остида ва фуқароларнинг баҳолашлари билан боғлиқ эканлиги билан ифодаланади;

• ҳукумат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида “де-юре” талаблари доирасидаги мулоқотларнинг мавжудлиги, ёки, бошқача айтганда, ижроия ҳокимияти тизилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир эта олишнинг легитим усуллари шаклланганлиги.

Шу билан бирга, жамиятни қонунлар асосида бошқарилиши ҳам объектив зарурият ҳисобланади. Лекин, бошқарув тизимида баъзи мансабдорларнинг бюджетни ижро этиши ва турли ресурсларни тақсимлаш ва бошқарув фаолиятида қонунлар билан белгиланмаган турли рўхсатномалар бериш, тадбиркорликни назорат қилиш каби турли бюрократик воситалар пайдо бўладигани, улар доимо жамиятни ривожланишига тўсиқ бўлиб келган. Шунингдек, бу каби ҳолатлар объектив зарурат ҳисобланмайди. Уларнинг барчаси бошқарув анъаналаридан чиқариб ташланиши зарур.

Умуман, фуқаролик жамиятининг яшаши ва ривожланиши учун давлат органлари қуйидагиларга амал қилишига зарурат туғилади:


- қарорлар қабул қилишда уларни ижросини амалга оширишда у ёки бу ижтимоий тизилмалар билан келишиб фаолият кўрсатиши шарт эканлиги;

- давлат органлари ваколатларини бир қисмини нодавлат ташкилотларга ўтказиш.

Шунингдек, давлат аппарати функцияларини нодавлат ташкилотларга ўтказиб бориш билан бошқарув тизими ҳам демократиялашиб боради. Масалан, Буюк Британияда давлат органлари фақат нодавлат ташкилотлари бажара олмайдиган ёки бажаришни истамайдиган функцияларни бажаради (яъни қолдиқ принципига амал қилади).

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида шундай хулоса чиқариш мумкин: вертикал иерархия асосида бошқариш манбаи инсонлардан иборат бўлган зарурий кадриятларни шаклланишини издан чиқариб туради. Шунинг учун ҳам бошқарувда давлат ва жамиятнинг ролини мувозанатлаштириш бошқарувни модернизациялашнинг устувор йўналиши ҳисобланмоқда.

Шунинг учун ҳам давлат бошқарувига доир (маъмурий) ислохотларни амалга оширишнинг кафолати фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш билан узвий равишда боғлиқдир. Чунки, **инсон тараққиётининг** асосий компонентларидан бири, бу – инсон тақдирини ҳал этиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишига доир бошқарув жараёнида унинг ўзи бош манфаатдор сифатида иштирок этиши тақозо этилади.



3.1.-расм. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий структураси

Маълумки, ғарбда маъмурий ислоҳотлар асосига субсидиарлик¹ принципи кўйилган бўлиб, у асосан ғарбда ривожланган қуйидаги диний қадриятни дунёвийлик асосида ҳал этиш билан боғлиқ бўлди: “Шахснинг ўз ташаббуси ва кучи билан қиладиган нарсалардан маҳрум қилиш ва уни жамоатга тааллуқли дейиш мумкин эмас. Худди шунингдек, қаттароқ ва

¹ Субсидиар, субсидар битим [лот. subsidiarius захирадаги, қўмакчи, ёрдамчи] – асосий битимни тўлдирувчи битим, асосий мажбурият.

юқори даражадаги ҳамжамиятнинг кичик ва итоаткор ҳамжамият қилиши ва охирига етказиши мумкин бўлган ишга даъвогарлик қилиши ҳам худди юқоридагидек, ижтимоий тартибот учун ниҳоятда зарарли бўлган носоғлом муҳитдир”¹.

Ҳозирги даврга келиб фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиб бориши билан давлат бошқарувини номараказлаштириш (децентрализациялаш) учун ижтимоий, иқтисодий ва психологик шарт-шароитлар яратилади. Бу жараён давлат бошқарувини эркинлаштириш (либераллаштириш) ва маъмурий ислохотларнинг энг асосий шарти ҳамдир.

Фуқаролик жамияти шаклланиб боргани сари мансабдорлар фаолиятини миллий манфаатлар, жамият бароқарорлиги ва халқ фаровонлиги асосида кечиши учун шарт-шароитлар шаклланиб боради. Чунки, жамиятнинг манфаатлари билан шахснинг манфаатлари уйғунлашган фуқаролик жамияти шароитида фуқароларнинг ҳуқуқлар ҳам манфаатлар асосида инсоний бирликларга уюшиш ва шу асосда ҳокимият органларини назорат қилиш, уларда иштирок этиш майллари шаклланиб ва ўсиб борди.

Фуқаролик жамияти шароитида марказий ҳокимиятда миллий манфаатлар билан боғлиқ йирик ваколатлардан бошқаси маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқаролик жамияти институтларига узатилади. Ҳудудий ўзини ўзи бошқариш органлари, ўз навбатида, фуқароларнинг ихтиёрий бирлашуви ўз зиммасига олмаган ёки у рад этганидан бошқа ваколатларни амалга ошира бошлади. Бу ҳолатда консенсусга эришиш принципига асосланган. Бу принцип кўпинча маъмурий шартномаларда ифодалана бошлайди.

Ривожланган мамлакатларда ҳуқуқий давлатнинг пайдо бўлиши фуқаролик жамияти тушунчаларини талқин этишга ҳам кучли таъсир этди. Жумладан, фуқаролик жамияти тушунчасиникенг ва тор маъноларда ишлатиш русумга кирди. Кенг маънодаги фуқаролик жамияти - давлат ва унинг тизилмалари томонидан жамиятни эгаллаб олмаган қисми, бошқача айтганда, давлатнинг қўлиетмаган қисмидир. Бу каби жамият давлатга нисбатан автоном, бевосита унга қарам бўлмаган қатлам сифатидан ривожланди. Шунингдек, фуқаролик жамияти кенг маънода фақат демократик қадриятлари муҳитидагина эмас, балки авторитаризм режимида ҳам яшай олади. Лекин, тоталитаризмнинг пайдо бўлиши билан фуқаролик жамияти сиёсий ҳокимият томонидан бутунлай «ютиб» юборилади.

Фуқаролик жамияти тушунчаси тор маънода талқин этилганда, у ҳуқуқий давлатнинг кинчи томони бўлиб, улар бир-бирларисиз яшай олмайди. Фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти ва демократик ҳуқуқий давлат шароитида давлаттасарруфида бўлмаган эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг ўзаро муносабатларидаги плюрализмдан ташкил топади. Бундай шароитларда жамият соҳаларига хусусий манфаатлар ва индивидуализмнинг эркин муносабатлари камраб олинади. Бу каби жамиятнинг шаклланиши, унинг ривожланиши индивидларнинг эркинликка

¹ Қаранг: Энциклики его святейшества Папы римского 1891, 1981, 1991 годов о труде и человеческой жизнедеятельности, нравственности и морали. — М.: Институт праксеологии, 1993.-С.21.

интилиши, уларнинг давлатга тобе бўлган фуқароликдан эркин мулкдор фуқароларга айланиши, ўз шахсий ҳурмат-обрўсинихис қила бориши, хўжалик ва сиёсий масъулликни ўз зиммасига олишга тайёр бўлиши билан боғлиқдир.

Сўнги ярим аср ичида тарихий ривожланиш тажрибалари шуни кўрсатдики, ҳуқуқий давлат унсурлари шаклланмасдан илгари фуқаролик жамиятини барпо этиш учун имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилмайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳуқуқий давлат куриш ислоҳотлари фуқаролик жамияти муҳитидан озикланади, давлат иродаси ҳам жамиятдаги турли туман манфаатлар ва эҳтиёжлар ифодаланишига боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шунингдек, ҳуқуқий давлат шароитидаги эркин рақобатбардошлик натижасидагина ўрта қатлам - мулкдорлар қатламини шаклланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилади¹.

3. Фуқаролик жамиятининг социал структуралари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари

Жамиятни ривожлантириш, ҳуқуқий давлатга асос солиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини фаоллаштириш, бозор иқтисодиётига ўтиш, давлат ҳокимияти органларини тизимини номарказлаштириш натижасида фуқаролик жамияти куриш учун шарт-шароитлар яратилади. Фуқаролик жамияти ривожланиб боргани сайин социал структуралар ҳам такомиллашади, унинг янгидан-янги функциялари пайдо бўлади. Фуқаролик жамияти шароитида социал структураларга тасниф бериш ижтимоий тузилмаси тўғрисидаги билимларни таҳлил этишда унга доир категориялар тўғрисида тасаввурларга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун фуқаролик жамияти классик даражада ривожланган Европа намунасидаги фуқаролик жамияти концепциясининг моҳияти нимада?, деган саволга жавоб беришга зарурат туғилади.

Бу концепцияда фуқаролик жамиятининг муҳим мезони сифатида эркин фуқаролик жамоаларнинг тенг ҳуқуқли, автоном ва фаол хатти-ҳаракат қилаётган индивидларнинг мавжудлиги яққол ажратиб кўрсатилган. Фуқаролик жамияти учун энг муҳим моҳият касб этувчи жиҳатлар – бу алоҳида олинган индивидлар ўз шахсий хоҳишларига бўйсунган ҳолда, «ижтимоий манфатлардан» мустақил ҳолда шахсий эҳтиёжларидан келиб чиқиб шунчаки ўз олдига қўйилган мақсадларга эришишга интилишни эмас, балки ўзининг мавжуд бўлган қонуний манфаатлари ва эҳтиёжларини чиндан ҳам қондириши ҳисобланади.

Бу соҳа, яъни «бюргер» хусусий шахс сифатида ўзини ўзи аниқлаган индивидуаллик ўз хоҳишлари ва шахсий автономлигини қондиришга қаратилган ўз талабларини илгари сурган шахсий манфаатлари ва эҳтиёжларини амалга оширилади. Фуқаролик жамиятида ўзаро таъсир ва боғланишлар шунинг учун ҳам ижтимоий (социал) кенглик дейиладики, улар хусусий индивид сифатида социал актёрлардан ҳам мустақил ажралган ҳолда ҳам фаолият юритиши мумкин.

¹ Қаранг: Основы политической науки. Часть I. Под ред. В.П.Пугачева.-М.: МГУ им. М.В.Ломоносова, 1996. –Б.219-221.

Ғарб намунасидаги фуқаролик жамиятининг структураси қуйидагилардан иборат:

–жамиятнинг асосий бирлиги – сиёсий қарамликдан ҳоли бўлган, ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга қобил бўлган шахс;

–турли туман манфаатларни ифодалаш ва амалга ошириш зарурияти асосида шаклланадиган жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар;

–нодавлат ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва институтлар (хусусий мулк, меҳнат, тадбиркорлик ва ҳоказо);

–давлатдан мустақил бўлган ишлаб чиқарувчилар (хусусий фирмалар ва бошқалар);

–жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари;

–сайловчилар уюшмалари, турли клублар ва тўғараклар;

–муниципал, яъни ўзини ўзи бошқариш органлари;

–таълим ва тарбиянинг нодавлатсоҳаси;

–нодавлат оммавий ахборот воситалари;

–сиёсий партиялар, қонун чиқарувчи ва вакиллик органлари атрофидаги давлат билан фуқаролик жамиятини (боғловчи бўғин» сифатидаги) турли лобби ташкилотлари;

–тадбиркорлар, фермерлар ташкилотлари, касаба, истеъмолчилар уюшмалари, илмий ва маданий ташкилотлар, спорт жамиятлари ва бошқалар.

–оила;

–диний ташкилотлар ва бошқ. (3.1.-расм).

Социал структура ичидаги фуқаролик жамиятининг асоси - давлат ва сиёсий ташкилотларнинг барқарорлигига зарурият сезадиган ўрта сирнф ҳисобланади. «Ўрта синф»нинг вакиллари юқори даражада социал ва иқтисодий мустақилликка эга бўлади. Аристотелдан бошлаб Руссо ва Гегелгача бўлган барча мутафаккирлар хусусий мулкни мустақил фуқаролар яратишдаги ўрнини эътироф этган.

Шунингдек, қатор тадқиқотчилар фуқаролик жамиятини ривожланишиниқуйидаги исбот талаб қилмайдиган жиҳатларини ажратиб кўрсатди:

–фуқаролик жамияти давлатгача ёки давлатдан ташқарида мавжуд бўлмайди;

–айни давлат, қайсики фуқаролик жамияти унинг чегараси ичида мавжуд бўладиган давлат фуқароларнинг фаровонлиги ва уларнинг алоҳида мақсадларига (агар бу мақсадлар қонунга хилоф бўлмаса) мансуб жиҳатларни ҳимоя қилади;

–фуқаролик жамияти давлатдан фуқароларнинг ҳаётини, соғлиғини, хавфсизлигини ва бошқа ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишни талаб қилишга ҳақлидир;

–бир томондан моддий мўл-кўлчиликда яшаётган, иккинчи томондан муҳтожликда турмуш кечираётган ўртасидаги зиддиятларни юмшатувчи ижтимоий дастурларни амалга ошириш мажбурияти давлат зиммасига кланади;

–давлат ўзининг ташқи сиёсати ва мудофаа қудрати билан фуқаролик жамиятини яшашини таъминлайди.

Ҳозирги даврда жамиятшунос олимлар томонидан фуқаролик жамиятини структуралашнинг учта асосий ёндашувини илгари сурди: институтционал, тизимли ва секторли. Уларни ичида институтционал ёндашув кенгроқ тарқалди. Бу

ёндашув асоси сифатида тарихий ривожланиш жараёнида одамларнинг социал хатти-ҳаракатлари ва социал алоқаларини мувофиқлаштириш мақсади зарурияти сифатида пайдо бўлган ижтимоий ҳаёт бирлиги (уюшмаси) сифатида шаклланган «социал институт» тушунчаси қабул қилинган. Бу тавсифга таянган ҳолда, институт сифатида ҳам бир бутун ҳолдаги фуқаролик жамиятини, ҳам уни таркибий қисмларини алоҳида-алоҳида тарзда кўриб чиқиш мумкин. Бунда фуқаролик жамияти бозор муносабатлари асослари, демократик давлат, асосан – давлатдан мустақил равишда яшаш (авваламбор, молиявий) манбалари мавжуд бўлган социал синфлар ва қатламлар мавжудлиги билан тавсифланадиган ижтимоий муносабатларнинг яхлит тизими сифатида намоён бўлади. Бу фуқаролик институтлар бир бутун жамиятга мансуб бўлган, унинг бирон-бир қисми ёки тизим остига тааллуқли бўлмаган, балки унинг ривожланишининг муайян босқичида туриши билан ифодаланадиган институтлардир.¹

Институтционал ёндашувнинг муҳим томони шундаки, у фуқаролик жамиятининг у ёки бу манфаатларни амалга ошираётган алоҳида олинган омиллари ажратиш ва тавсифлаш имконини беради.

Шунингдек, фуқаролик жамиятини структуралашнинг тизимли ёндашуви ҳам ўзининг қатор афзалликларига эгадир. Шунинг учун ҳам турли жамиятга доир адабиётларда кўпинча «структура» тушунчаси «tizim» синонимии сифатида ишлатилади.² Бу каби нуқтаи назардан келиб чиқилса, ҳар бир мамлакатдаги фуқаролик жамияти куйидаги тизимий белгиларга эга бўлади: у бирон-бир социаллик турига мансуб (кенг маънода) бўлиб, бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимларга бўлиниш, муайян даражадаги суверенлик, иерархиялик, барқарорлик, ривожланиб ва ўзгариб бориш, очиклик, турли мослашувлар, органик бирлик (яхлитлик) вадифференциялашиш³ каби сифатларга эга бўлади.

Фуқаролик жамияти ўз ичига қатор остки тизимларни олади: иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий. Бу остки тизимларнинг функцияларидан келиб чиқиб уларнинг ҳар бири доирасида алоҳида-алоҳида равишда шаклланадиган фуқаролик жамиятининг уюшмаларини структуралаш мумкин.

Шунингдек, фуқаролик жамияти структурасини уч секторлик назария асосида ҳам кўриб чиқиш мумкин (3.2.-расм). Унинг муҳим жиҳати - бу фуқаролик жамиятини горизонтал текисликда (уч секторга бўлинган ҳолда), шу билан бирга, уни вертикал, яъни ижтимоий тизимдаги ҳолатини яхлит тарзда таҳлил қилиш мумкинлигидадир. Горизонтал бўлиш деганда фаолиятлари устуворлигидан келиб чиқиб жамиятни учта тенг ҳуқуқли секторларга бўлиш тушунилади. Дастлабки икки сектор давлат ва сиёсий институтлар ва ишбилармон хусусий ташкилотлар ва корхоналар. Ҳозирги даврда учинчи – фойда олишни кўзламайдиган сектор ҳам пайдо бўлди. Бу сектор аҳолининг ўз олдига шахсий даромад олишни қўймайдиган гуруҳлари ва ташкилотларини ўз ичига олади. Учинчи секторга оила билан ҳукумат ва фойда келтирувчи бизнес вакилларидан иборат сектор ўртасида ривожланган

¹ Резник, Ю.М. Формирование институтов гражданского общества (социоинженерный подход) / Ю.М. Резник // Социс. – 1994. – №10. – С. 21 – 30.

² Карташов, В.Н. Гражданское общество как система (социально-правовой аспект) / В.Н. Карташов // Вестник Ярославского государственного университета им. П.Г. Демидова. – 2009. – №1. – С. 37-43.

³ Дифференциация [фр. differentiation < лот. differentia фарқ қилиш, тафовут] - 1) бир бутуннинг турли қисмлар, шакллар ва даражаларга бўлиниши, ажралиши, парчаланиши.

фаоллашув сектори сифатида қаралади. Бу қарашларга мувофиқ вертикал равишда бўлинишда урта даража –фаолиятга оид бўлган фуқаролик фаоллиги (хусусан, фуқаролик жамияти) ванофуқаровий ҳамжамият (жиноийликка тааллуқли бўлган) даражалари мавжудлигини ифодалайди.

Фаолиятга оид даража ўз ичига сиёсий институт сифатида давлат, иқтисодий ва бизнес-структуралар, фойда олишни кўзламайдиган ташкилотлар доирасида амалга ошадиган барча юридик жиҳатдан расмийлашган алоқалар ва муносабатларни олади. Нофуқаролик жамияти – бу барча урта сектордаги норасмий (яширин) ва жиноий фаолиятга мойил гуруҳлардир. Бу даражалар орасига жамият фаолияти соҳасининг ўрта ҳолати сифатида, бир томондан, ҳуқуқий майдон доирасида, иккинчи томондан, давлат томонидан мувофиқлаштирилмайдиган фуқаролик жамияти жойлашади.

Албатта, фуқаролик жамиятининг социал структураларини ўрганишда уччала ёндашувнинг ҳар бирига эҳтиёж сезилади. Фуқаролик жамиятида иштирок этаётган ҳар қандай омил институтлашади, ўзининг устувор мақсадларига боғлиқ ҳолда секторларга бўлинади, ўзига хос муайян муҳитда фаолият юритади. Уларнинг ҳаммасини бир доирага жамланиши остки тизимларга бўлинадиган фуқаролик жамиятини ташкил этади.

Аксарият жамиятшунос олимларнинг фикрича, фуқаролик жамиятининг структуралари қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

–социаллик (социал манфаатлар ва интилишларни артикуляция қилиш, одамлар ва буюмлар ўртасидаги эмас, балки, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва алоқалар;

Сектор Даража	I сектор	II сектор	III сектор
Фаолиятга оид	Давлат	Иқтисодиёт, хусусий бизнес	ННТлар фаолияти
Фуқаролик жамияти	Сиёсий уюшмалар (партиялар, ҳаракатлар)	Иқтисодий уюшмалар (касаба уюшмалари, бизнес-уюшмалар)	Учинчи сектор уюшмалари (ННТ)
Нофуқаролик жамияти	Яширин гуруҳлар	Уюшган жиноятчилик	Тажовузкор сектлар

3.2.-расм Фуқаролик жамияти структурасини уч секторлик тизими

–давлатдан айро бўлган ўзини ўзи бошқариш (автономлик);

–фуқаровийлик (цивилизацияга эришганлик, яъни бутун бир жамият ва бошқаларнинг манфаатларини эътиборга олиш қобилиятига эга бўлиш,, ҳуқуқий доира ичида хатти-ҳаракат қилиш);

–иштирок ва алоқаларнинг ихтиёрийлиги (вертикал алоқалар устидан горизонтал алоқаларнинг устунлиги).

Агар мазкур ёндашувга асосланилса, унда фуқаролик жамиятининг структураларига ихтиёрий ноижорат ташкилотлар (хайрия, ҳуқуқни ҳимоя қилиш,

волонтёр¹ ва бошқ.), ижтимоий қатламлар манфаатларига доир гуруҳлар (касаба уюшмалари, тадбиркорлик, фермерлар, аёллар, ёшлар нодавлат ташкилотлари) ёки бирор мақсадга қаратилган (маданий, спорт) ташкилотлар, шунингдек социал ҳаракатлар (экологик, урушга қарши ва бошқ.) тегишли эканлиги кўзга яққол ташланади.

Фуқаролик жамиятини ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатдики, юқоридаги берилган тавсифларга мувофиқ ва мос келадиган баъзи нодавлат ташкилотлар билан фуқаролик жамияти ўртасидаги чегара, демак улар доирасида ҳаракат қилаётган ташкилотлар ўртасидаги ўхшашлик йўқолиб кетди.

Шундан келиб чиқиб, фаолиятлари фуқаролик жамияти учун ғоятда муҳим бўлган сиёсий партиялар, бизнес-ҳамжамиятлар, оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш кабиларни жамиятдаги ўрнини тавсифлаш мақсадида чегаравий, ёки гибрид² шаклидаги тушунчалар таклиф қилинди. Ана шундай чегаравий соҳага «қуйидаги» манфаатларни ифодаловчи, фуқаролик жамияти тизимида оралик жойни эгалловчи маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тегишлидир.

Фуқаролик жамиятини сиёсатданбутунлай йироқ турадиган муносабатлар ва институтлар тизими сифатида тавсифламаслик лозим. Бу жамиятнинг генезиси³ ва табиати турли туман манфаатларни давлат сиёсатини белгилаш жараёнида жамиятдаги фуқаролар иродаси сифатида ифодаланиши учун иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, оилавий, маданий ва бошқа ижтимоий муносабатларни етарли даражада тизимнинг таркибий қисмларига айлантира олади. Бу тизим доирасида турлича жамоат ташкилотлари, ҳаракатлар, сиёсий партиялар (идора этувчи партиядан ташқарилари), диний ташкилотлар, иқтисодий уюшма ва бирлашмалар, ва ниҳоят, инсоннинг ўзи шахс сифатида ўзининг оилавий, касбий, хизмат кўрсатишга оид ва бошқа турли туман манфаатлари ҳамда эҳтиёжларини кондириш учун ҳаракат қилади.

Янги ижтимоий индивидлар – тенг фуқаролик ҳуқуқларига ва ўзларига хос фуқаролик сифатларига эга бўлган фуқаролар пайдо бўлмасдан туриб фуқаролик жамиятининг яшаши, унинг шаклланишига эришиб бўлмайди. Инсон қачонки юксак ахлоқий фазилатлар, демократик қадриятлар билан уйғунлаштиришга асосланган илғор дунёқараш, шахсий кадр-қиммати, мустақиллиги ва индивидуаллигини бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш билан мувозанатда қадрлаш, қонунлар ва умуминсоний жамият ҳаёти қоидаларига амал қилиш кабиларни ўз ҳаёт тарзига айлантирганидагина фуқаролик даражасига эришади. Фуқаролик жамиятига хос бўлган янги авлодга мансуб бўлган шахс жамоат ташкилотлари ва ижтимоий институтлар билан бўлакча ўзаро муносабатларда бўлади. Етарли даражада ривожланган фуқаролик жамияти янги индивидлар нафақат жамоага қоришиб ва бирикиб кетади, балки ўзининг шахсий индивидуаллигини намоён қила олади, юксак маънавий қарашларга эга бўлади.

¹Волонтёр [фр. volontaire] — ўз хохиши билан бирон-бир жараёнда иштирок этувчи шахс; (баъзи давлатларда, масалан Буюк Британия, Франция, Италия ва бошқ. харбий хизматга ихтиёрий равишда кириш).

²Гибрид [лот. hibridaj] – бир неча уруғларни бирлаштирган ҳолда олинадиган насл; ижтимоий фанларда турли тушунчалар асосида битта тушунчани тавсифлашга нисбатан ҳам ишлатилади.

³Генезис [гр. genesis] – келиб чиқиш, пайдо бўлиш; ривожланаётган ҳодисанинг тузилиш ва шаклланиш жараёни.

Бундай ҳолатга эришиш фақат одамларнинг руҳияти ва дунёқарабини тубдан ўзгартирганида, уларнинг иқтисодий ва социал мақомини янги жамиятга хос тарзда ўзгарганидагина рўй беради.¹

Фуқаролик жамияти тарихий ривожланишнинг тадрижий йўли ҳосиласи сифатида аста-секинлик билан ривожланади. Бу каби жамиятнинг шаклланиши учун муайян шарт-шароитлар бўлишига зарурият туғилади:

-фуқаролик жамияти икки хил йўл билан – давлат ёрдамида (воситасида) ёки мустақил равишда шаклланиши мумкин. Мазкур жамиятнинг давлат ёрдамида шаклланиши – бу жамиятни шакллантиришга доир муайян қонунларни ишлаб чиқилиши, демократик структураларни ривожлантириш, давлат томонидан умум қабул қилинган меъёрларга қатъий амал қилиш. Мустақил равишда шаклланиш– бу ўрта мулкдорлар қатламининг жамиятдаги ҳиссаси устувор аҳамият касб эта бошлаганида, фуқаролар ҳуқуқий маданияти демократик принциплар талаблари даражасига кўтарилганида, эркин фикрлайладиган фуқароларнинг жамиятга таъсири сезиларли даражага кўтарилганида фуқаролик жамияти тадрижий йўл билан шаклланиши мумкин;

-фуқароларнинг кўпчилик қисмини ўз шахсий мулкига эга бўлиши, уни турли шакллар ва ҳуқуқлар доирасида мустақил равишда тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлиши, шунингдек мулкдорлар қатламини мустақил ийжтимоий бирлик сифатида ривожланиши натижасида фуқаролик жамияти шаклланиши учун иқтисодий шарт-шароитлар туғилиши мумкин. Ғарб тадқиқотчиларининг фикрича, хусусий мулкнинг мавжудлиги фуқаролик жамияти шароитида шахснинг эркинлигини таянч (базавий) шарти ҳисобланади;

-фуқаролик жамиятини шаклланиши учун жамиятда ривожланган ва турли туман социал структуралар етилган бўлиши лозим. Бу структуралар жамиятдаги барча фуқаролар ижтимоий қатламлари, гуруҳлари вакилларининг турлича манфаатларини ўзида ифодалайди;

-шахснинг социал, интеллектуал, психологик жиҳатлардан ривожланганлиги, унинг мустақил фаолият юритиш учун ички эркинлиги ва қобилиятини шаклланганлиги.²

Ҳозирги даврдаги гуманитар-ижтимоий фанлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида фуқаролик жамияти мураккаб, кўп даражали алоқалар ва структуралар тизими сифатида талқин этилмоқда. У ўз ичига барча давлат фаолияти доирасидан ташқарида ривожланадиган шахслараро муносабатларни олади.

Биринчи даража. Фуқаролик жамиятидаги шахслараро муносабатларнинг мазкур даражаси – бу индивидларнинг турмуш кечиришни таъминловчи таянч (бирламчи), яъни озиқ-овқат, кийим-бош, уй-жой кабиларга нисбатан пайдо бўладиган эҳтиёжлардир. Бу эҳтиёжлар касбий, истеъмолчилар ва бошқа уюшмалар (масалан, хусусий корхоналар, акционерлик жамиятлари, врачлар, курувчилар, хунармандлар бирлашмалари ва бошқ.) каби ижтимоий институтлар воситасида амалга оширилади;

¹ Головистикова, А.Н. Проблемы теории государства и права: учебник/А.Н. Головистикова, Ю.А. Дмитриев. -М.: Эксмо, 2005. -С.124.

² Гражданское общество в структуре социального государства и как инструмент управления государством //http://studopedia.su/2_35359_grazhdanskoe-obshchestvo-v-strukture-sotsialnogo-gosudarstva.html.

Иккинчи даража. Бунда умрни узайтириш билан боғлиқ бўлган, сihat-саломатлик, болалар тарбияси, маънавий-маданий юксалиш, ахборот, мулоқотлар кабиларга доир эҳтиёжлардан келиб чиқадиган шахслараро муносабатлар. Бу муносабатлар маънавий, этник, диний, оила-ниҳоҳ ва бошқа шакллардаги ўзаро алоқларни ўз ичига олган социомаданий мажмуани ташкил этади. Бу даражадаги эҳтиёжлар оила, таълим, илмий, ижодий, спорт уюшмалари, диний масканлар, маданият муассасалари, оммавий ахборот воситалари каби институтлар воситасида қондирилади.

Учинчи даража. Бунда ижтимоий-сиёсий иштирок эҳтиёжлари назарла тутилади. Мазкур даражада шахслараро муносабатлар ўзи афзал деб билган сиёсий қараш ва қадриятларга эга бўлиш асосидаги индивидуал танлов билан боғлиқдир. Мазкур даража индивида аниқ сиёсий ва ижтимоий нуқтаи назарлар шаклланишини талаб этади. Бу даражадаги эҳтиёжлар сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва бошқа уюшмалар воситасида қондирилади.

Шунингдек, жамиятшунос олимлар фуқаролик жамиятининг учта асосий соҳалардаги структураларини бир-биридан ажратиб, уларни қуйидгаича ифодалайди: иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий.

Иқтисодий соҳада фуқаролик жамиятининг структуриси қуйидагилардир: иқтисодий фаолликнинг индивидуал шакллари; жамоавий хўжаликлар, кооперативлар, хусусий корхоналар ва акционерлик жамиятлари (саноат, савдо, молиявий соҳаларда); тармоқлар бўйича бирлашмалар ва уюшмалар (тадбиркорлар, фермерлар, саноатчилар, банклар, нефтчилар кабилар бирлашмалари). Бу корхона ва ташкилотлар фуқароларнинг ўз ташаббуслари билан тузилади. Улар билан бир қаторда давлатнинг унитар корхоналари ҳам фаолият юритиши мумкин. Рақобатчилик алоқалари ва манфаатларни интергация қилиш масалалари эркин бозор иқтисодиёти қонунлари билан ҳал этилади.

Фуқаролик жамиятининг **ижтимоий-сиёсий соҳаси** ўз ичига қуйидагиларни олади: фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг турли шакллари (мажлислар, намоийишлар ва бошқ.); ижтимоий, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар (касаба уюшмалари, кам таъминланган қатламларларга ёрдам уюштириш жамияти, ногиронлар жамияти, партиялар ва бошқ.); ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат оммавий ахборот воситалари. Уларнинг анъанавий структуравий унсурлари: оила, социал гуруҳлар ва бирликлар. Бу моҳада ижтимоий фикрни шакллантириш ва ифодалаш, умум қабул қилинган меъёрлар ва қадриятларни жорий этиш, социал ихтилофларни келиштириш, социал бирликларни ўзини ўзи ташкиллаштиришни рағбатлантириш, фуқаролар ҳамкорлиги асосида ўзаро ёрдамлар уюштириш.

Фуқаролик жамиятининг **маънавий соҳаси** бевосита одамларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатлардан ривожланиши, уларнинг илмий ва бадиий ижодиёти, маданий ривожланиши билан боғлиқдир. Бу соҳадаги фуқаролик жамиятининг унсури - бу сўз ва виждон эркинлигидир. Уларни амалга ошириш алоҳида олинган шахсларнинг ўз эътиқодларини ҳимоя қилиш, ўз фикрини ошқора айта олиш, ўз шахсий ғоя ва концепцияларини ривожлантириш имкониятларига эга бўлиш, ижодий ташаббускорлик ва ўзини ўзи ривожлантириш учун шарт-шапоитлар яратишни ифодалайди. Бу соҳа ўз ичига мустақил фаолият юритадиган ижодий,

илмий, маданий, маънавий, маърифий ва бошқа уюшмалар, бирлашмалар ва ташкилотларни олади (масалан, ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, уюшмалари, илмий ҳамжамиятлар, маданий ва маърифий ташкилотлар, диний масканлар ва бошқ. (3.3.-расм).

Фуқаролик жамияти структураси ўзида жамиятни социал-табақавий жиҳатдан бўлишни акс эттирса ҳам у аслида жамият (суверен ва мустақил) субъектларининг эркин ўзаро таъсири ҳамда боғланишлари натижаси ўлароқ шаклланади. Фуқаролик жамияти манфаатлар мувозанатига асосланганлигини учун ҳам уни структураларини тавсифлашда асосий аҳамият кишиларни турли бирликларга бирлаштириш ва уларнинг аъзолик табиатини очиб берадиган уюшфункционалтахдлилга қаратилади. Бу хулосалардан яна бир муҳим ҳолат келиб чиқади. Фуқаролик жамиятининг структураси ўзида горизонталлик табиатиникасб этади. Унда давлатдан фарқ қилиб, вертикал алоқалар (бўйсунуш) эмас, балки горизонтал муносабатлар устунлик қилади. Фуқаролик жамиятида эркин ва юридик жиҳатдан тенг ҳуқуқли ҳамкорларнинг ўзаро муносабатлари (рақобат, қарама-қаршилик, ҳамкорлик, бирдамлик) шаклланади. Фуқаролик жамиятининг структуралари ўзини ўзи ташкил этувчи, ўзини ўзи бошқарувчи сифатидадаги тенг ҳуқуқли субъектлар (ҳамкорлар, ўзаро нартнома тузувчилар) ва ихтиёрий ҳамда эркин истак билдиришлар натижасида пайдо бўлади.

Шу тариқа, фуқаролик жамияти фақат тизимли сифат касб этганидагина ўзининг социал ҳаракатчанлигига ва етуқлигига эришади, деб хулоса қилиш мумкин. Бу тизимлилик иерархик эмас, балки мувофиқлаштириш тарзини касб этади. Бунда барча социал бирликлар (манфаатларни ифодалаш асосида ташкил топган гуруҳлар) бир-бирларига бўйсунмайди, балки ўзаро алоқалар асосида фаолият юритади. Фуқаролик жамиятининг бошланғич мезонлари – бу манфаатлар, ҳуқуқ ва шахс эркинлигидир. Эркинлик ва адолат фуқаролик жамияти шароитида одамлар фаолиятини йўлга қўйган ҳолдасоциал омиллик касб этади.

Фуқаролик жамияти давлат томонидан ҳимоя қилинадиган барқарор ҳуқуқий меъёрларсиз яшай олмайди. Фуқароларнинг асосий шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига қуйидагилар киради: ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш; ўзининг қайси миллатга мансублигини ўзи аниқлаш ҳуқуқи; шахсий ва оилавий сирларни сақлаш ҳуқуқи; ҳаёт кечирish ҳуқуқи; виждон эркинлиги ҳуқуқи; фуқароларнинг уй-жойи ва шахсий ҳаёти, дахлсизлиги, ёзишмаларини сир сақланиши; суда ҳимояланиш ҳуқуқи, давлат органлари ва мансабдор шахслар хатти-ҳаракати устидан шикоят қилиш ҳуқуқи; қаерда бўлиш ва яшашни танлаш, эркин равишда бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳуқуқи; қайси тилда сўзлашишни эркин равишда танлаш ҳуқуқи; ахборот олиш ҳуқуқи ва бошқ.



3.3.-расм. Фуқаролик жамиятининг структуралари


Фуқаролик жамияти ва унинг структуралари тавсифининг яна бири – уларнинг функционалик табиатини касб этишидир. Бу фуқаролик жамиятининг амал қилиши нафақат хусусий манфаатларни амалга ошириш учун муайян кенгликларни ташкил этиш, балки жамиятни ўзини ўзи ташкиллаштириши ва ўзини ўзи мувофиқлаштиришининг юқори даражасига эришишдир. Ва ниҳоят, замонавий фуқаролик жамияти кадриятларига ижтимоий ва шахсий манфаатларни ўзаро уйғунликда бириктира олиш ҳам тааллуқлидир. Агар бу каби уйғун бирикувга

эришилмаса, у ҳолда давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида узилишлар содир бўлиши мумкин.¹

4. Ривожланган мамлакатларда жамият социал структураларининг ривожланишида янги тамойиллар.

XXI арафасига келиб ривожланган мамлакатлар жамиятининг социал структураси сифатида социоиктисодий, сиёсий, хулқий ва бошқа белгилари билан ўзаро фарқланадиган гуруҳлар ва қатламлар янада кўпайди. Бу даврга келиб синфлар, страталар, социал қатламлар структураси ва ўзаро алоқалари хусусиятларида жиддий ўзгаришлар рўй берди: ички синфий фарқланиш жараёнлари фаоллашди, социал бирликларнинг ҳаракатчанлиги (мобиллиги) кучайди, янги қатламларро гуруҳлар шаклланди.

Шунингдек, ғарбий мамлакатларда бозор муносабатларини социал бирликлар детерминанти сифатида талқин этадиган концепциялар кенг тарқалди. Айниқса, инглиз жамиятшунос олими А.Гидденс илгари сурган концепцияда бу каби назарий жиҳатлар кенг ёйилди. Бу концепцияга биноан, синфлар моддий ресурсларга эгалик қилиш ва уларни назорат этишдаги тенгсизликлар сабабли пайдо бўлади, синфий мансубликнинг асосий кўрсаткичи индивид ва гуруҳларнинг имкониятларини аниқлаш уларнинг эгаллаган мулки, касбий салоҳияти, билими ва техникавий савияси, шунингдек жисмоний ишчи кучи каби кўрсаткичлар асосида ифодаланди. Унга мувофиқ тарзда ғарб жамиятлари учта синфга бўлиш русумга кирди: юқори, ўрта, пастки.



Расм 3.4. Индустрал жамиятнинг социал структураси

Ана шу таснифлаш асосида олий синфни таҳлил этишга мисол тариқасида АҚШ жамиятини келтириш мумкин: ўтган ўн йилликларда юқори қатламнинг тезлик билан бойиб борганлиги кузатилди. 200 мингдан 400 минггача одамни ташкил этган (АҚШ аҳолисининг 0,1-0,2 %) 10 млн. доллардан кам бўлмаган мулкка эга бўлиб, йилига бир неча млн.

¹ Зарубежные и отечественные теории гражданского общества/<http://superinf.ru>.

доллар даромад олади. Тахминан 200 мингта юқори синф вакиллари 5 дан 10 млн. долларгача, яна 300 мингтаси эса 2 млн.дан 5 млн. долларгача йиллик даромадга эга бўлади.

АҚШда тахминан 1,5 млн.га яқин ННТ фаолият юритади. ННТ жамиятнинг ҳамма соҳаларини ўзига камраб олган бўлиб, улар ташқи сиёсат, сайловлар, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш, аёллар ҳуқуқи, иқтисодий ривожланиш, ёшлар ва қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш каби йўналишларда аҳолининг манфаатлари ва эҳтиёжларини ифода этади ва ҳимоя қилади. Шунингдек, ННТ сиёсат билан боғлиқ бўлмаган, масалан, диний ташкилотлар, касаба уюшмалари, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламлари – қашшоқлар, руҳий касаллар, ёшлар кабиларга ёрдам бериш фаолияти билан шуғулланади. АҚШдаги ННТ фаолияти хусусий шахслар, хусусий сектордаги тижорат компаниялари, хайрия жамғармалари, аъзолик бадаллари ёки федерал ва маҳаллий ҳокимият органлари (грантлар) кабилар томонидан молиялаштирилади.¹

Фуқаролик жамиятига нисбатан американча ёндашув бу соҳадаги энг машҳур ва кенг танилган – Мэриленд штатидаги Балтимор шаҳрига жойлашган Жон Хопкинс университетининг «The Comparative Nonprofit Sector Project» лойиҳасида яққол кўга ташланади. Бу лойиҳадан келиб чиқиб ННТнинг фаолият турлари 12 та йўналиш бўйича белгиланди: 1) маданият ва дам олиш; 2) таълим ва тадқиқот; 3) соғлиқни сақлаш; 4) социал хизматлар; 5) атроф-муҳитни ҳимоя қилиш; 6) локал ҳамжамиятларни ривожлантириш; 7) инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; 8) филантроплар² учун воситачилик қилиш; 9) халқаро; 10) диний; 11) касбий, уюшмалар бизнес ива касаба уюшмалари; 12) бошқа йўналишлар.

Мазкур лойиҳа мезонлари доирасида 35 та мамлакатда (16 та ривожланган, 14 та ривожланаётган, 5 ўтиш даври иқтисодиётини ўз бошидан кечираётган) ННТнинг структураси, ҳажми, улар фаолиятидаги муаммолар ва натижаларга доир тадқиқотлар олиб борилиб, уларнинг яқунлари натижаси ўлароқ қуйидагилар аниқланди: Бу мамлакатларда ЯИМдаги учинчи сектор ҳиссаси 1,3 трл. ёки ЯИМлар йиғиндисини 5,5 % ини ташкил этган. ННТда деярли 40 млн. одам (шундан 20 млн. киши иш ҳақи олиб ишлаган) фаолият юритиб, бу кўрсаткич 35 та мамлакатдаги иқтисодий фаол аҳолининг 4,5 фоизини ташкил этган.³

Ҳозирги даврга келиб юқори синф мураккаб ички структурага эгаллиги билан тавсифланади: у мулк ташкилий шаклларига боғлиқ ҳолда тоифалашган гуруҳлардан иборат эканлиги; кўшимча капитал ўлчами ва соҳаси; касбий фаолиятининг (олий даражали менежерлар, сиёсатчилар, бошқарувчилар) тури; турмуш тарзининг хусусиятлари; сиёсий мақсади ва йўналиши; этник, ҳудудий, демграфик ва бошқа белгилари.

¹ История НКО в США Блог посольства США в Москве <http://embassy-voices.livejournal.com/19048.html>.

² Филантроп [юнон. philanthropes] – филантропия билан шуғулланувчи, хайр-эхсон қилувчи шахс.

³ Санович С. Исследования гражданского общества и НКО в Европе и США (краткий обзор). Материал подготовлен специально для информационно-аналитического портала "Socpolitika.ru"// http://www.socpolitika.ru/rus/ngo/foreign_experience/document4692_print.shtml.

Постиндустриал мамлакатлар юқори синфи социал таркибидаги ўзгаришлар қуйидагилар билан бирга содир бўлмоқда:

-йирик мулкдорларнинг жамиятда тутган ўрни янада мустақкамлашмоқла;

-бир томондан, ёлланма ходим, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш воситалари эгаси сифатида фаолият юритаётган олий даражали ходимлар ва менежерлар ролининг жиддий равишда ўсиб бориши;

-юқори синф вакилларининг катта сиёсатда фаоллигини ўсиб бораётганлиги, уларнинг сиёсий мақсадлар учун молиявий харажатларини ошиб бориши.

Бу синфнинг миқдорини фақат тахминан чамалаб айтиш мумкин: бу кўрсаткич иқтисодий фаол аҳолининг тахминан 3-4 фоизини ташкил этади.

Машҳур тарихчи Арнольд Тойнбининг фикрича, замонавий цивилизация – бу ўрта синф цивилизацияси. Ривожланган мамлакатлар жамияти структурасида ўрта синфнинг ҳиссаси 60-70 фоизни ташкил этади. Турли илмий мактаблар ўрта синфни социал бирлик сифатида ажратиб кўрсатиш учун турли мезонлардан фойдаланади. Кўпинча мақомнинг ўзини ўзи баҳолаши ва даромад мезон сифатида қўлланилади. Ғарб жамиятларининг учдан икки қисми ўрта синфга яқин даромад олади, камбағаллар ва бойлар унчалик кўп эмас, деб ҳисоблашлар кенг тарқалди. Яна аксарият таҳлилчилар ҳозирги ўрта синф ишлаб чиқариш воситаларига майда мулккий эгаллик қилувчилардан иборат деган фикрни билдиради. Бу каби майда ишбилармонлар – “эски ўрта синф” деб аталувчи АҚШ фермерлари ва Буюк Британия савдо-сотик корчалонлари 10-15 фоизни ташкил этади. Ривожланган мамлакатлардаги “янги ўрта синф” ёки “менежерлар ва мутахассислар синфи” деб аталувчи социал бирлик 20-25 фоизни ташкил этиб, уларнинг аксарият қисми олий маълумотли мутахассислар, ақлий меҳнат ходимлари, эркин касблар вакилларидан иборатдир. Агар асосий мезон меҳнатнинг тури сифатида қўлланилса, у ҳолда ўрта синфга “оқ ёкаликлар”, яъни олий маълумотга эга бўлмаган (“пастки ўрта синф”) ходимлар ҳам мансуб бўлади. Шунингдек, ўрта қатламларни бозор муносабатлари ва меҳнат туридан келиб чиқиб аниқлашдан ташқари маданий ва кадриятли йўналганлиги асосида аниқлаш усули ҳам кенг қўлланилади (3.4.-расм ғарбий Европадаги умумий ҳолатни ифрдалайди).

Ўрта қатламлар жамиятнинг фаровон яшаши учун зарур бўлган барча эҳтиёжларни қондиради: ишчи ўринлари, истеъмол моллари, тибий ёрдам, илмий кашфиётлар ва бошқ. Жамиятшунос олимларнинг фикрича, ўрта қатламлар – синфлар-муҳолифлар ўзаро ихтилофларини юмшатувчи омил сифатида ҳам намоён бўлади. Социал-иқтисодий нуқтаи назардан қараганда, ўрта синфга турли касблар меҳнати ичидаги, шаҳар билан қишлоқ турмуш тарларидаги ўзаро зиддиятларни камайтириш тамойили ҳосдир. Оила муносабатларида ўрта синф жамиятнинг аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятлар яратишида, анъанавий оилалар кадриятларини ёювчи омил сифатида намоён бўлади. Сиёсий жиҳатдан ўрта қатламлар анъаналар, меъёрлар, билимларни ташувчи, юксак фуқаролик ва мустақил шахсликни

намойиш қилувчи марказга оид (центрик) ҳаракатларнинг ижтимоий таянчи ҳисобланади.¹

Ривожланган мамлакатлар жамиятлари социал структурасида ўрта қатламнинг асосий ўринни эгаллаши, пастки қатламлар ўртасида онда-сонда ижтимоий-сиёсий тангликнинг ўсишига қарамасдан, жамиятни барқарор равишда яшаши учун кенг имкониятлар яратади. Бу каби тангликлар кўпчиликнинг (ўрта синфнинг) бетараф вазиятда туриши натижаси ўларок юмшатилади. Энг муҳими – бу **ўрта синфнинг фуқаролик жамиятининг таянчи**, демократия ва ўзгаришларнинг сиёсий асоси сифатида намоён бўлишидир. Шу билан бирга, ўрта синф юқорининг таъсири ва пастдан бўладиган босим остида - “икки қаватли парда” ўртасидаги зиддиятли вазиятда тургани учун ҳам турли зиддиятли ижтимоий кескинлар юмшатилади.

Ривожланган мамлакатлар жамиятлари социал структураларидаги сезиларли ўзгаришлардан бири – бу меҳнат қилаётган аҳолининг реал даромадларини ўсиб бориши ҳисобланади. Шу билан бирга, даромадларнинг тақсимланиши тенгсизлик асосида рўй беради. Энг ой 20 фоиз ва энг камбағал қатламлари даромадларининг ўзаро нисбати АҚШда 12:1, Францияда 9:1, Буюк Британияда 8:1, ГФР, Швеция, Нидерландия Қироллигида 5:1, Японияда 4:1каби тенгсизликларни ифодалайди.

Индустриал ривожланган мамлакатлар жамиятлари социал структурасини таҳлили шуни кўрсатадики, бу структура таркибига турли туман гуруҳлар ва қатламлар кириб, улар қатор кўрсаткичлар бўйича бир-бирларидан фарқланади. Ҳозирги даврдаги бу кўрсаткичларни ва синфларнинг ўзаро чегараларини аниқлаш учун социал стратификациянинг ҳар хил мезонларидан фойдаланишга тўғри келади. Улар қуйидагилардир: меҳнатнинг ижтимоий тақсимоти тизимидаги аҳволи, оладиган даромадининг ҳажми ва йўллари, касбий функциясининг хусусиятлари, ҳаёт кечириш услубининг хусусиятлари, маълумотлилиқ даражаси ва бошқалар.

Ривожланган мамлакатлар жамиятларининг социал тоифалашуви қуйидагилар билан тавсифланади: бир неча синфларни белгиларини ўзида ифодалайдиган кўп сонли гуруҳларни пайдо бўлиши; ички синфий табақаланишларни фаоллашуви; структура унсурлари ҳаракатчанлигини ўсиши; моддий ҳаёт даражасининг ошиб бориши. Бу жаранлар кўп жиҳатлардан ривожланган мамлакатларни барқарор ривожланиши ва **фуқаролик жамияти** ғояларини янада чуқурлашуви учун имкониятлар яратади. Ҳозирги даврдаги ривожланган мамлакатларнинг асосий стратегик вазифаси – турли социал гуруҳларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва мувофиқлаштириш йўли билан умум фуқаровий консенсусга эришиш, жамиятни интеграциялашга қаратилган фуқаролик бирдамлигини таъминлашдан иборатдир.²

¹Қаранг: Гражданское общество: понятие, структура, функции / <http://geum.ru/book/133/532.html>.

²Қаранг: Гражданское общество: понятие, структура, функции / <http://geum.ru/book/133/532.html>.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамияти анъанавий жамиятларнинг бир неча минг йиллаб ривожланиб ва такомиллашиб боришининг мантиқий натижаси ва ҳосиласи ўлароқ шаклланди. Бу жамиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида ғарбий Европада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг назарий қарашлардан амалий ҳаётга айланиши, шаклланган ҳуқуқий давлатларнинг янада ривожланиши фуқаролик жамиятини шаклланишини зарурат қилиб қўйганлиги муҳим аҳмият касб этди.

XXI аср бошларига келиб фуқаролик жамияти ғоялари ва бу каби жамият куриш тажрибаси Осиё ва Лотин Америкаси минтақасидаги мамлакатлар учун ҳам янгилик бўлмай қолди. Фуқаролик жамияти ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши учун зарурий шарт-шароит, “маънавий ижтимоий ресурс” сифатида ўзини намоён қила бошлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мамлакатига ҳам 1995 йилда фуқаролик жамияти куриш асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилинди. Мустақилликнинг ўтган 24 йили ичида мамлакатда фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари, социал структуралари, институтлари ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий анъаналар асосида қарор топа бошлади. Ҳозирги даврга келиб мамлакат фуқаролик жамияти куриш ислохотларини янада чуқурлаштириш палласига кирди. Фуқаролик жамияти куриш сари интилиш давом этмоқда.

Назорат саволлари:

1. Жамиятнинг социал структураси деганда нимани тушунасиз?
2. “Жамият”, “ижтимоий” ва “тузилма” тушунчалари қандай таърифланади?
3. Фуқаролик жамияти шароитида социал структураларнинг ўзигажиҳатлари нималардан иборат?
4. Фуқаролик жамияти социал структурасига нималар киради?
5. Фуқаролик жамияти социал структураларининг тизимли ва функционал хусусиятлари нималардан иборат?

Тест саволлари:

1. Қуйидаги фикрлардан қайси бири Абу Наср Форобийга тегишли, деб ҳисоблайсиз?

А. *«Социал структураларнинг яшаш мезони – бу социал табақалар ўртасида, шунингдек уларнинг давлат билан муносабатларда адолат принципига қилишдир».

В. «Социал структураларнинг яшаш мезони – бу социал табақалар ўртасида, шунингдек уларнинг давлат билан муносабатларда келишига ҳаракат қилишдир қилишдир».

С. «Социал структураларнинг яшаш мезони – бу социал табақалар ўртасида, шунингдек уларнинг давлат билан муносабатларда зиддиятларга киришишдир».

Д. Фуқаролик жамияти социал структураларининг тизимли ва функционал хусусиятлари

2. «Структура» (тузилма) деганда нимани тушунасиз?

А. «Структура» (тузилма) тушунчаси умумий маънода жамиятнинг у ёки бу даражадаги барқарорлиги ундаги одамларнинг ўртасидаги ўзаро алоқаларни англатади.

В.* «Структура» (тузилма) тушунчаси умумий маънода бир бутуннинг у ёки бу даражадаги барқарор унсурлари ёки улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни англатади.

С. «Структура» (тузилма) тушунчаси умумий маънода бир бутуннинг бўлиниши унинг ёки бу даражадаги барқарорлиги мазмунини англатади.

Д. «социал структураларнинг яшаш мезони – бу социал табақалар ўртасида, шунингдек уларнинг давлат билан муносабатларда зиддиятларга киришишдир».

3. “Жамиятнинг социал структураси (тузилмаси)” маъносини берувчи фикрни белгиланг:

А. У жамиятнинг (институтларнинг, одамларнинг) ички тузилишини ифодалаб, тартибга солинган социал муносабатлар, социал алоқалар ва уларнинг ўзаро алоқалари йиғиндиси демакдир.

В. У жамиятнинг (шунингдек давлатнинг) ички ва ташқи тузилишини ифодалаб, тартибга солинган социал сийсий институтлар, социал ҳаракатлар ва уларнинг ўзаро алоқалари йиғиндиси демакдир.

С.* У жамиятнинг (бирликнинг, гуруҳларнинг) ички тузилишини ифодалаб, тартибга солинган социал бирликлар, социал институтлар ва уларнинг ўзаро алоқалари йиғиндиси демакдир.

Д. «социал структураларнинг яшаш мезони – бу социал табақалар ўртасида, шунингдек уларнинг давлат билан муносабатларда зиддиятларга киришишдир».

4.Қуйидаги таснифлардан қайси бири фуқаролик жамиятига тегишли?

А. Фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти ва ҳуқуқий давлат шароитида давлаттасарруфида бўлган эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг ўзаро муносабатларидаги плюрализмдан ташкил топади.

В.* Фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти ва ҳуқуқий давлат шароитида давлаттасарруфида бўлмаган эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг ўзаро муносабатларидаги плюрализмдан ташкил топади.

С. Фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти ва ҳуқуқий давлат шароитида давлат билан ҳамкорлик қиладиган эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг ўзаро муносабатларидаги плюрализмдан ташкил топади.

Д. Барча жавоблар тўғри.

5.Қуйидагилардан қайси бири фуқаролик жамияти структурасига киради?

А.* Нодавлат ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва институтлар (хусусий мулк, меҳнат, тадбиркорлик ва ҳоказо);

В. Давлат ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ва институтлари (ижтимоий мулк, меҳнат тақсимооти, савдо-сотик ва ҳоказо);

С. Нодавлат ижтимоий-иқтисодий иқтисодиёт, сиёсий институтлар (ҳуқуқий органлар, турли хил меҳнат шакллари ва ҳоказо);

Д. Барча жавоблар тўғри.

6. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий соҳаси ўз ичига қуйидагилардан қайси бирини олади?

А. Фуқароларнинг шахсий яшаш шакллари (маиший турмуш, дам олиш ва бошқ.); ижтимоий, сиёсий органлар, (мудофаа ташкилотлари, ижтимоий ҳимоя тизими, парламент, депутатлар корпуси, маҳаллий ҳокимият органлари); маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқ.

В. Фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари, давлат олдидаги бурчлари, уларни сиёсий жараёнларда иштирок этиши, фуқароларнинг мол-мулклари.

С.*Фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг турли шакллари (мажлислар, намойишлар ва бошқ.); ижтимоий, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар (касаба уюшмалари, кам таъминланган қатламларларга ёрдам уюштириш жамияти, ногиронлар жамияти, партиялар ва бошқ.); ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат оммавий ахборот воситалари.

Д. Барча жавоблар тўғри.

7. Ривожланган мамлакатлардаги “янги ўрта синф” ёки “менежерлар ва мутахассислар синфи” деб аталувчи социал бирлик неча фоизни ташкил этади?

А.*20-25 фоизни

В. 30-35 фоизни

С. 40-45 фоизни

Д. Барча жавоблар тўғри.

8. ННТнинг фаолият турлари нечта йўналиш бўйича белгиланди:

А.*12 та

В. 15 та

С. 20 та

Д. 30 та.

9. ННТнинг фаолият турлари нималардан иборат?

А. Маданият ва дам олиш; таълим ва тадқиқот; соғлиқни сақлаш; социал хизматлар;

В. Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш; локал ҳамжамиятларни ривожлантириш; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; филантроплар¹ учун воситачилик қилиш;

С. Халқаро; диний; касбий, уюшмалар бизнес ива касаба уюшмалари;

¹ Филантроп [юнон. philanthropes] – филантропия билан шуғулланувчи, хайр-эҳсон қилувчи шахс.

D. Барча жавоблар тўғри.

10. Ғарб намунасидаги фуқаролик жамиятининг структураси нималардан иборат:

A. Жамиятнинг асосий бирлиги – сиёсий қарамликдан ҳоли бўлган, ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга қобил бўлган шахс; турли туман манфаатларни ифодалаш ва амалга ошириш зарурияти асосида шаклландиган жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар; нодавлат ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва институтлар (хусусий мулк, меҳнат, тадбиркорлик ва ҳоказо);

B. Давлатдан мустақил бўлган ишлаб чиқарувчилар (хусусий фирмалар ва бошқалар); жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари; сайловчилар уюшмалари, турли клублар ва тўғараклар; муниципал, яъни ўзини ўзи бошқариш органлари; таълим ва тарбиянинг нодавлатсоҳаси; нодавлат оммавий ахборот воситалари;

C. Сиёсий партиялар, қонун чиқарувчи ва вакиллик органлари атрофидаги давлат билан фуқаролик жамиятини (боғловчи бўғин» сифатидаги) турли лобби ташкилотлари; тадбиркорлар, фермерлар ташкилотлари, касаба, истеъмолчилар уюшмалари, илмий ва маданий ташкилотлар, спорт жамиятлари ва бошқалар; оила; диний ташкилотлар ва бошқ.

D. Барча жавоблар тўғри.

4-МАВЗУ: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Режа:

- 1. Фуқаролик жамиятининг шаклланишида хусусий мулк, ўрта қатламнинг ўрни**
- 2. Фуқаролик жамиятида хусусий мулкчилик ва ижтимоий муносабатлар**
- 3. Ўрта қатлам мулкдорлар қатламининг шаклланиши ва давлат институти**

Таянч сўзлар: Фуқаролик жамияти, иқтисодий омил, ҳуқуқий давлат, хусусий мулк, иқтисодий қадриятлар, умумжамоавий манфаат, ўрта қатлам, мулкчий муносабатлар, иқтисодий элита, бозор муносабатлари, ишчилар, мулкдорлар.

1. Фуқаролик жамиятининг шаклланишида хусусий мулк ва ўрта ижтимоий қатламнинг ўрни.

Бугунги кунда фуқаролик жамиятини ўрганиш нафақат тадқиқотчилар, балки давлат ва нодавлат соҳасидаги амалиётчилар учун ҳам катта қизиқишга сабаб бўлмоқда. Фуқаролик жамиятига нисбатан давлат томонидан берилаётган эътибор унга нисбатан қизиқишни янада орттириб юборди. Фуқаролик жамиятининг тарихидан маълумки, унинг вужудга келишида айнан иқтисодий омилнинг ўрни ниҳоятда юксак бўлган.¹ Давлат ва мулкдорлар қатлами орасида вужудга келган зиддиятли муносабатлар негизида том маънодаги фуқаролик жамиятининг илдизларини кўриш мумкин.

Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятини тўлақонли англаш учун унинг иқтисодий асосларини атрофлича тушуниш талаб этилади. Маълумки турли шаклдаги мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш муносабатлари ҳуқуқий давлатнинг иқтисодий асосини ташкил этади. Ҳуқуқий давлатда мулк моддий бойликларни ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчиларга бевосита тегишли бўлиб, яқка ҳолдаги ишлаб чиқарувчи ўз меҳнати маҳсулининг эгаси сифатида майдонга чиқади. Ишлаб чиқариш муносабатларининг тенглиги, барча соҳаларда ҳуқуқнинг устуворлиги, жамият фаровонлигининг муттасил ошиб бориши давлатнинг ҳуқуқийлигини намоён этади.

Фуқаролик жамиятининг ривож топиши учун бутун жамият учун умумий бўлган қадриятлар шаклланиши талаб этилади. Бундай ҳолатда жамият аъзолари умумжамоага хос қадриятларга таянадилар ва улар

¹ Проблемы теории государства и права / Под ред. В.С. Нерсеянца. – М., 2009.

ўртасида ўзаро ишонч ҳисси шаклланади, натижада жамиятда ягона маънавий асос вужудга келади. Бу борада Президент И.Каримов жамият ҳаётини ҳар томонлама эркинлаштириш борасидаги стратегик вазифалар Ўзбекистонда узокни кўзлаб амалга оширилаётган изчил сиёсат натижаси, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, бозор иқтисодиётини шакллантириш учун барча сиёсий ва ижтимоий кучларни бирлаштириш принципал вазифа эканлигини таъкидлайди.

Бироқ бозор муносабатлари ривож топаётган жамиятларга назар ташланса, уларда турли гуруҳлар, яъни ранг-баранг этник гуруҳлардан тортиб турли профессионал уюшмаларнинг муттасил кўпайиб боришига гувоҳ бўлиш мумкин. Ўз ўзидан маълумки, ҳар бир гуруҳнинг ўз манфаати ва мақсадлари мавжуд. Фуқаролик жамияти шароитида ана шу гуруҳларнинг мақсад ва манфаатлари ўзаро тўқнаш келсада бу жараён жамиятнинг парчаланишига эмас, балки аксинча унинг яхлитлигига хизмат қилади.

Маълумки, иқтисодий тараққиёт учун ҳам фуқаролик жамияти учун ҳам хусусий мулк ва ўрта қатламнинг аҳамияти юксак эканлигини олимлар инкор этишмайди. Бошқача айтганда бу қатламсиз тўлақонли фуқаролик жамияти бўлиши мумкин эмаслиги кўпгина манбаларда келтирилади. Айнан Ўзбекистон шароитида бундай қатламнинг шаклланиши жараёни билан фуқаролик жамиятининг ривожини қиёсий таҳлил этиш талаб этилади.

Маълумки, бизнинг мамлакатимизда ўрта қатламнинг шаклланиши жараёни давом этмоқда. Ўрта қатлам мулкдорларнинг миқдори ошиб бормоқда. Айни вақтда давлат томонидан амалга оширилаётган чоратадбирлар натижасида фуқаролик жамияти ҳам ривожлантирилмоқда. Фуқаролик жамиятининг вужудга келишининг мумтоз таълимотларида ривожлантирилган ғоялар нуқтаи – назаридан бу ерда бир неча диққат талаб жиҳатлар мавжуд. Хўш, классик анъаналарга кўра ўрта қатлам шаклланган ва ривожланган ўрта асрларда давлат билан ўрта синф ўртасида юзага келган қарама-қаршилик натижасида вужудга келган фуқаролик жамияти бугунгишароитда қай тарзда ривож топади? Шу ва шунга ўхшаш саволларга фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларини ўрганиш асносида жавоб бериш мумкин.

Маълумки, эркин бозор муносабатларига асосланган демократик жамиятнинг асосини хусусий мулкдорлар ташкил этади. Гарчи хусусий манфаат индивидларга хос бўлиб, якка ҳолдаги манфаатларни ифода этса-да, айнан ана шу хусусий манфаатларнинг ўзаро ва давлат билан муносабатларида юзага келган ҳодисалар асносида умумий қадриятлар намоён бўлади.

Жамиятнинг асосини ўрта ва майда қатлам вакиллари ташкил этар экан, бу кесим вакилларининг даромад манбаи ва оилалар ҳаётининг асосий воситаси хусусий мулкчиликка асосланган иқтисодий фаолиятдан иборат. Бу саноат, савдо-сотик, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва ҳоказо йўналишлардаги хусусий корхоналар, ижарага бериладиган ер, кўчмас мулк, даромад келтирадиган қимматли қоғозлар, фоиз келтирадиган пул воситалари, ёзувчилар, шоирлар, композиторлар, кашфиётчилар, илмий

тадқиқотчилар ва ҳоказоларга оид интеллектуал мулк асосида амалга ошириладиган фаолиятдан иборат. Бу кесим ўзининг асосий фаолиятдан маҳрум бўлган тақдирда нафақат даромад, балки ҳаётини муҳим манбадан айрилади. Шунинг учун мулк эгалари ўз мулкни ҳимоя этиш учун барча зарурий ташкилий ва ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишади. Ана шу нуқтаи назардан хусусий мулк фуқаролик жамияти вужудга келишининг асосий сабабларидан бири сифатида кўрсатилади. Айнан хусусий мулк асосида ижтимоий муносабатлар жадаллашади, натижада эса жамият ўз-ўзини ташкил этадиган қудратли тизимга айланади.

Маълумки, хусусий мулк шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш билан мамлакатнинг умумиқтисодий тараққиётига хизмат қилади. Буни далиллаш учун ўзбек олими М.Шарифхўжаев қуйидаги омилларни кўрсатиб ўтади:

Биринчидан, хусусий мулк мулкни оқилона бошқаришни рағбатлантиради. Бошқача айтганда мулкдорлар ўз мулкларини асраш ва уни кўпайтириш, даромад олиш учун мунтазам фаолият юритишлари, доимо изланишда бўлишлари талаб этилади. Акс ҳолда, мулкнинг қадрсизланиши ва охир оқибатда мулкдорлар инқирозга юз тутишлари мумкин. Агар мулкка нисбатан эътибор юқори бўлиб, у мунтазам ривожлантирилса даромадни юксалтириш имкони кенгайиб боради.

Агар мулк давлатга дахлдор бўлса ёки унга катта бир гуруҳ биргаликда эгалик қилса, уни тўлақонли асраш имконияти сусая боради. Собиқ тизим даврида давлат мулкига нисбатан ҳўжасизликни бунга мисол келтириш мумкин. Буни ривожланган мамлакатларда давлатга тегишли бўлган уй-жойларнинг аянчли ҳолатидан ҳам гувоҳ бўлиш мумкин.

Иккинчидан, хусусий мулк одамларни ўз моддий имкониятларини ошириш ва ундан самарали фойдаланишга рағбатлантиради. Хусусий мулкни ривожлантиришга бўлган эҳтиёж одамларни ўз малакаларини ошириш, самарали ишлашга ундайди. Айнан шунинг учун иқтисодиётни, хусусан бизнесни бошқарувга ихтисослашган олий ўқув юртлари ривожланган мамлакатларда энг юксак даражадаги таълим даргоҳлари бўлиб, уларда таҳсил олиш улкан миқдордаги молиявий маблағларни талаб этади. Бундай олий даргоҳларни битирган мутахассислар учун ҳамиша иш ўринлари мавжуд ва тажриба ошгани сари маошлар ҳам муттасил кўтарила боради.

Учинчидан, хусусий мулкдорлар ўз ресурсларини бошқаларнинг манфаатига хизмат қилдириш учун ҳаракат қилишади. Зеро, бошқаларга самарали хизмат қиладиган мулк даромад келтиради. Мулкнинг бошқалар учун фойдали эканлиги унинг қадрини ва мулк эгасининг маъқеини оширади. Шу нуқтаи назардан мулкдор томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракат истеъмолчилар томонидан маъқулланса мулкнинг қадри ошади, аксинча бундай хатти-ҳаракат маъқулланмаса, мулкнинг қадрсизланиши рўй беради. Кўриниб турганидек, мулкнинг ҳолати фуқаролик жамиятида ўзига хос мезон вазифасини ҳам ўтамоқда. Аслида ҳар қандай мулкдор гарчи ўз даромадини ошириш учун фаолият юритса-да, фуқаролик жамияти шароитида тадбиркор биринчи инавбатда ўзининг ана шу асл ниятини эмас, балки жамиятга

сифатли хизмат кўрсатишни бирламчи эканлигини намоён этади. Том маънодаги фуқаролик жамиятида даромад топиш нияти иккиламчи аҳамият касб этади. Тадбиркорликнинг фуқаролик жамияти учун муҳим ва зарурий эканлигини мулкдорлар ҳам, давлат ҳам жамият ҳам тенг даражада англаб етиши бу ерда муҳим бўлган жиҳатдир.

Тўртинчидан, хусусий мулк ресурслардан келажак учун оқилона фойдаланиш ва уларни асраш имконини беради. Мулкдорлар нафақат бугунги кун, балки истикболдаги ўзгаришлар ва даромадни ўстиришни назарда тутган ҳолда бугунги кун ва келажакдаги манфаатларни мувофиқлаштиришга ҳаракат қилишади.¹

Демак фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари деганда, жамиятдаги ижтимоий муносабатларда муҳим ўрин тутган хусусий мукчиллика асосланган иқтисодий муносабатлар назарда тутилади. Тарихда айнан хусусий мулк ва мулкдорлар қатлами фуқаролик жамиятининг ривожига ҳисса қўшган. Бугунги кунга қадар айнан аа шу мулкдорлар қатлами нафақат иқтисодиётнинг, балки ижтимоий муносабатларни жадаллаштирувчи муҳим омил бўлибқолмоқда.

2. Фуқаролик жамиятида хусусий мулкчилик ва ижтимоий муносабатлар.

Инсон эркинлиги унинг моддий фаровониги билан узвий боғланган. Очликдан, камбағалликдан азият чекадиган одамни тўлақонли эркин дейиш мушкул. Шахс эркинлиги хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг кафолатланганлиги шароитида тўлиқ намоён бўлади. Бунда хусусий мулк нафақат фуқаролик жамиятини иқтисодий асосини ташкил этади, балки сиёсий, ахлоқий, маданий янгилаанишларга ҳам асос бўлади. Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий онгининг ўсишида хусусий мулкнинг аҳамияти ниҳоятда юксакдир. Зеро хусусий мулк:

- инсоннинг хусусий ҳаёт тарзини белгилаб беради;
- ташаббускорлик ва ишбилармонликни ўзаро боғлайди;
- мулкдорда ўзига ишонч пайдо қилади;
- инсонга меҳнатга ижодий ёндашиш ва ватанга муҳаббатни уйғотади;
- инсонларга ўтроқликни ўргатиб, ижтимоий маданиятни ўстиради;
- оилани жамиятнинг хўжалик “ячейка”си сифатида мустаҳкамлаб, уни мулкий муносабатларга жалб қилади;
- инсонда давлатга нисбатан ҳурмат ҳиссини оширади;
- инсоннинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантирилади;
- инсонда фуқаролик мустақиллик ҳиссини тарбиялайди;
- сиёсий эркинликка бўлган тўғри ёндашувни тарбиялайди.²

¹ Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. “Шарк”, 2003. 51-52 - бетлар.

² Исупов К., Савкин И. Русская философия собственности (XVII-XX вв.). - СПб.: СП “Ганза”, 1993. - 512 бет.

Шундай қилиб хусусий мулк институти шахс эркинлигига ижобий таъсир кўрсатиб, у фуқароларнинг ўзини ўзи англаш ҳиссини шакллантирилади. **Қонунчиликда инсонларнинг ҳуқуқий тенглигининг мустақамланганлиги ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳуқуқ ва эркинликларнинг барчага тенг амал қилиши фуқаролик жамияти етуқлигининг асосий мезонидир.**

Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари ҳақида гап кетар экан, мулкдорларнинг эркинлиги ҳам муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Бир қарашда бу белги жуда соддадек туюлади. Ҳар қандай жамиятда ҳам ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган мулкдорлар мавжуд бўлиб ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган мулкдорлар эркин ҳисобланишади. Бироқ мулкдорларнинг эркинлиги кўпгина даврларда жиддий шубҳа остига олинганлиги ҳам маълум. Фуқаролик жамиятида шахснинг эркин фаолияти барча соҳаларда ўз манфаатларини амалга оширишга хизмат қилади. Аввало, инсонларнинг иқтисодий соҳага тааллуқли бўлган орзу ниятлари рўёбга чиқади. Хусусий мулкдорда эркин ирода яққол намоён бўлади.

Аслида мулкдорларнинг эркинлиги бир қатор муҳим саволларга жавоб беради. Айнан мулкдорларнинг эркинлиги шароитида эркин мулкдорлар уюшмалари ўртасидаги, уюшмалар доирасида мулкдорлар орасидаги алоқалар ҳамда уларнинг сиёсий тузилмалар билан муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади.

Бу ердаги биринчи масала, жамиятда мавжуд мулкдорларнинг миқдори ва улар эгаллик қилаётган мулкнинг қиймати билан боғлиқ. Иккинчидан, фуқаролик жамиятининг субъектига айланиши учун мулкдор нимадан озод бўлиши кераклиги навбатдаги муҳим масаладир. Қадимги мутафаккирлар бу саволга яқдиллик билан ишлаб чиқариш жараёнига давлатнинг, сиёсий ҳокимиятнинг аралашуви ва назоратидан озод бўлишлари кераклигини уқтиришади.¹ Мулкдор ва ишчилар ўртасидаги мураккаб муносабат билан бир қаторда тарихнинг барча босқичларида ишлаб чиқариш воситалари эгалари сиёсий соҳанинг иқтисодиётга таъсирини бартараф этиш ёки ҳеч бўлмаганда уни чеклаш учун курашиб келган. Бу курашда иқтисодиёт ва сиёсатни бир-бирига тенг даражада таъсир кўрсатиши умуман жамият ва унинг барқарор ривожланиши учун энг мақбул йўлдир. Ўтган аср тажрибасининг кўрсатишича, мулкдорларнинг давлат назоратидан чиқиб кетиши иқтисодиётда бошбошдоқликни кучайтириб юборди, натижада эса 30-йиллар ва 70-йилларда иқтисодий инқирозларга олиб келди. Давлатнинг мутлақ устунлик қилиши эса инсониятни бундан ҳам оғир инқирозлар, жумладан Биринчи ва Иккинчи Жаҳон уруши каби бўҳронларга олиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги ривожланган мамлакатларда сиёсат ва иқтисодиёт ўртасидаги муносабатларда мувозанатни сақлашга катта эътибор қаратилмоқда.

¹ Общая и прикладная политология: Учебное пособие. Под общей редакцией В.И. Жукова, Б.И. Краснова. М.: МГСУ; Изд-во "Союз", 1997. 449 - бет.

Россиялик файласуфлардан бири А.Мигранянга фикрича жамиятда иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳанинг талаб даражасида ривожланмаслиги оқибатида янги тизимга ўтиш даврида фақатгина давлат жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларини тубдан янгилашга қодир ягона куч сифатида намоён бўлади. Натижада давлат ва фуқаролик жамият функциялари инверсияси рўй беради. Фуқаролик жамияти бевосита ҳал қилиниши зарур бўлган муаммоаларни мустақил равишда кун тартибига қўйиш ва ҳал қилишга қодир бўлмай қолади ва давлат ўз вазифалари қаторида жамиятнинг вазифаларини ҳам ўз зиммасига ҳам олади. Жамият шу тариқа давлатга гўёки “сингиб” кетади¹.

Давлат томонидан жамиятни қаттиқ назорат остига олиниши собиқ тизим даврида айниқса яққол намоён бўлди. Ишлаб чиқариш воситаларини ўз эгаларидан маҳрум этган шўролар халқ оммасини ишлаб чиқариш воситаларининг эгасига айлантиришга ишонган ҳолда ҳаракат қилдилар. Аммо том маънодаги мулкдорсиз ишлаб чиқариш воситалари такомиллашмаслиги, эркин бозор муносабатлари ва соғлом рақобатсиз ишлаб чиқариш ривожланмай қолишини тарих исботлади. Шўро тизими даврида барча воситаларга давлатнинг монопол тарзда эгалик қилиши бошланди, давлат халқники, демак мулк ҳам умумхалқники эканлиги деган маъхум тушунча ўрнашди. Иқтисодиётда давлат монополияси ишлаб чиқариш воситаларини ўзлаштириш орқали шахсий ва корпоратив ишлаб чиқаришга, бу билан эса мулкчиликка барҳам берди.²

Шунинг учун шўро тизимини бошидан кечирган мамлакатларнинг аксариятида фуқаролик жамияти ривожланишининг асосий муаммоларидан бири – ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилувчи мулкдорлар қатламини тезлик билан шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Замонавий дунёқараш, хорижий етакчи тажрибага эга бўлган мулкдорлар қатламигина ўз мамлакатада ишлаб чиқаришни ривожлантирар экан, янгича миллий анъана ва кўникмаларни шакллантирган ҳолда саноати ривожланган мамлакатларда мулкдорлар қилган ижобий ишларни амалга ошираддилар. Бошқача айтганда, улар амалга оширадиган асосий вазифа давлат билан паритетга эришиш ва иқтисодиётни ривожлантиришдан иборат.

Айни вақтда хусусий мулкнинг мутлақлаштирилиши ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатда ўтиш даврига хос бўлган ҳодиса рўй берса, яъни давлат назоратининг сусайиши кузатилса, жамиятда бир ёқлама табақалашув, ўта бойлардан иборат бир гуруҳ олий табақа ва камбағаллардан иборат улкан халқ массаси шаклланади. Бундай ҳолатда хусусий мулк жамиятни бирлаштиришга қаратилган вазифасини бажара олмай қолади. Оқибатда ижтимоий табақалар ўртасида кескин қутбланиш рўй беради ва жамият бир-биридан холи ҳамда ўзаро қарама-қарши бўлган уч гуруҳга бўлиниб кетади. Гарчи шўровий тизимни бошидан кечирган мамлакатларда ўтиш даврида айнан ана шундай ҳолат кузатилган бўлса-да,

¹ 50/50. Опыт словаря нового мышления. М., Издательство “Прогресс”, 1989. - С. 447–448.

² В.И. Жуков, Б.И. Краснов. Ўша манба. 451- бет.

фуқаролик жамияти тараққиётида хусусий мулкнинг аҳамиятини бутунлай инкор этиш этиш ҳам ярамайди.

Ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги қутблашувнинг олдини олиш вазувозанатни сақлаб туриш давлатчиликнинг табиати ҳамда миллатнинг маънавий-маърифий қиёфасига боғлиқ. Бу ерда ғарб мамлакатларида кузатилган муҳим бир жараёнга эътибор қаратиш лозим. Маълумки, ғарб жамиятида азалдан хусусий мулкчиликка асосланган ижтимоий муносабатлар шаклланган. Ғарб жамиятида тарихдан мулкий муносабатлар, яъни иқтисодий адабиётларда келтирилгани сингари, ишлаб чиқариш воситалари эгалари ва ишчилар ўртасида рўй берадиган ишлаб чиқариш муносабатлари устига қурилган. Эркин бозор муносабатларига асосланганлиги туфайли бундай жамиятларда мулкдорлар ва ишчилар ўртасидаги қутблашув кучая борган. Натижада ўта бойлар ва ўта қашшоқлардан иборат турли ижтимоий қатламли жамиятлар шаклланган. Табақалашувнинг чуқурлашувини олдини олишнинг ҳуқуқий механизмлари мавжуд бўлмаган ва давлат ҳам бундай мураккаб вазифани ўз зиммасига олмаган. Бошқача айтганда, ғарб жамиятларида табақалашув жараёни табиий жараён сифатида қабулланган. Шарқ жамиятларида, айниқса мусулмонлар жамиятларида ҳам гарчи ижтимоий табақалашув мавжуд бўлса-да, кўпгина диний институтлар, жумладан “закот” сингари амалиётлар ижтимоий қатламлар ўртасидаги “жарлик”нинг олдини олишга озми-кўпми хизмат қилган.

Бизнинг жамиятда ижтимоий табақалашувнинг кучайишига қарши давлат томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Халқнинг миллий қадриятлари, бағрикенглиги ҳам ижтимоий заиф қатламларни қўллаб қувватлашга хизмат қилмоқда. Демак, ҳуқуқий давлатчилик ривожлангани сари фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари ўз ўрнини топа боради. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти жадаллашган ўтиш даврида давлат, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида келишувга эҳтиёж кучая боради. Бу мумтоз тадқиқотларда таъкидланган жамоавий шартнома назариясининг замонавий кўринишидир. Бугунги кунда мамлакатимизда рўй бераётган ислохотларга назар ташланса қуйидаги манзара кўзга ташланади. Масалан, давлат бош ислохотчи сифатида майдонга чиқар экан, имкон қадар ўрта мулкдорлар қатламини шакллантиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий заминини яратишга интилмоқда.

- ўрта мулкдорлар қатламининг шаклланиши жамиятда ўзининг яратувчилик салоҳиятига ишонган иқтисодий қатламнинг шаклланишига олиб келади;

- ўрта қатламнинг шаклланиши билан иқтисодий соҳада фаолият юритадиган фуқаролик институтларининг роли кучайиб боради;

- фуқаролик жамияти институтлари билан хусусий мулк эгалари ўртасида манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилади;

- жамиятда мавжуд, мамлакат тараққиёти учун қўллаш мумкин бўлган, аммо қўлланилмай келаётган кўплаб имкониятлар фуқаролик жамиятининг ривожланиши билан ишга солинади.

3. Ўрта мулкдорлар қатламининг шаклланиши ва давлат институти

Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларини яратиш учун давлат олдида бир қатор муҳим масалаларни ҳал этиш вазифаси турибди.

Биринчидан, мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш баробарида қонуний асосда фаолият юритишга қодир бўлган ўрта мулкдорлар қатламини шакллантиришни кучайтириш зарур. Шўро тизимини бошидан кечирган мамлакатларнинг аксариятида, тадбиркорлик фирибгарлик билан ҳамоҳанг тушунилган эди. Аслида бозор муносабатлари ривожланган, айниқса саноатлашган мамлакатларда жамиятга энг кўп фойда келтирувчи, айти вақтда энг дуруст қатлам айнан мулкдорлар қатлами бўлган. Бу шароитда давлат эркин фаолиятга шароит яратиш билан бир вақтда уларни фақат ва фақат қонун доирасида иш юритиш кўникмасини шакллантириш керак.

Иккинчидан, жамиятда эркин бозор муносабатларини ривожлантириш баробарида ижтимоий табақалашувнинг кутблашувига йўл қўймаслик ҳам кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш давлат олдида турган мураккаб масалалардан биридир. Бунга борада Ўзбекистонда давлат томонидан “кучли ижтимоий ҳимоя” тамойили муваффақиятли қўллинилиб келинмоқда.

Учинчидан, давлат ижтимоий муносабатларни тартибга солишга масъул бўлган ягона институт бўлиш билан бир қаторда бош ислоҳотчи сифатида эркин бозор муносабатларини ҳам ривожлантириш вазифасини ҳам адо этиши зарур. Эркин бозор муносабатлари янги шароитдаги иқтисодий фаолиятда турли ноқонуний хатти-ҳаракатларга ҳам йўл очишини назарда тутадиган бўлсак, давлат олдида қанчалик мураккаб вазифа турганлигини англаш мумкин.

Тўртинчидан, мамлакат иқтисодий стратегиясини амалга оширишни ўз зиммасига олиш даражасида қудратли, айти вақтда фуқаролик жамиятининг негизини ташкил этадиган хусусий секторни шакллантириш ҳам давлат олдида турган улкан вазифалардан биридир.

Кўриниб турганидек, фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари ўта мураккаблиги билан турли саволларни юзага келтиради. Бу эса аввало эркин бозор муносабатлари борасида юзага келадиган мунозараларга бориб тақалади. Фуқаролик жамияти нуқтаи назаридан бозор шароитида давлатнинг аҳамияти алоҳида эътибор талаб этади.

Давлат ҳамиша мустақил, қудратли институт бўлиб, кичик тадбиркорлик субъектларидан тортиб йирик корхоналарга қадар бўлган тузилмаларни ташкил этади. Албатта, жамият ва давлатнинг бирламчилиги ҳақида гап кетганда албатта давлатнинг етакчилиги эътироф этилади. Ўтиш даврида фақат давлатгина улкан ислоҳотларга бош бўлган ҳолда жамиятда туб бурилиш ясашга қодир.

Албатта, жамиятда рўй берадиган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ислоҳотларнинг пишиб етишига сабаб бўлиши мумкин. Аммо давлат ҳар қандай ислоҳотни жадаллаштириш ёки аксинча, унга тўсиқ бўлиши мумкин. Ўзбекистон шароитида давлат барча соҳалардаги ислоҳотларга бошчилик

килмоқда. Аммо хусусий секторни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларга қарамасдан мустақил ўрта қатламнинг шаклланиб бўлганлигини эътироф этиш мушкул. Жадаллик билан шаклланиб келаётган ўрта мулкдорлар қатламида уюшмаларга аъзолик маданияти, фуқаролик жамияти институтларига бирлашган ҳолда фаолият юритишга қодир мустақил кучга айланганлигини таъкидлаш қийин.

Баъзи мамлакатларда эркин бозор иқтисоди шаклланиш жараёнида давлатнинг аҳамияти пасайиб хусусий соҳа оммабоп бўла боргани сари, ижтимоий табақаланиш кучайгани ҳолда одамларнинг аксарияти бутунлай хусусий соҳага ўтиб кетиши рўй берганлиги кузатилган. Хусусий соҳанинг ўта ривожланиб кетишини фуқаролик жамияти сифатида талқин этиш ноўрин. Бошқача айтганда, хусусий соҳа қанчалик ривож топмасин, фуқаролик жамияти институтларига бирлашган ҳолда ўз манфаатларини давлат олдида ҳимоя қилиш кўникмаси шаклланмас экан, бундай жамиятни фуқаролик жамияти дейиш мумкин эмас. Бундан ташқари, жамият аъзоларида айнан бозор қонуниятлари негизида янгича моҳиятга эга бўлган умумий кўникмалар шаклланиши мақсадга мувофиқ. Ўз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолият юритаётган фуқаро давлат органлари олдида ўзига хос тарзда сиёсат юритади. Бу маънода фуқаро ўзининг худбин манфаатлари йўлида эмас, балки жамиятда кўпчиликни ташкил этган хусусий мулкдорлар манфаатларининг ифодачиси сифатида майдонга чиқади. Бу ерда фуқаронинг сиёсатчилиги унинг профессионал маънодаги фаолиятдан эмас, балки жамият манфаатларини ифодалашга қаратилган фуқаролик бурчидан келиб чиқади.

Маълумки фуқаролик жамияти кишиларнинг умумий мақсадлари ва вазифалари борасида ўзаро муносабатга киришишлари ва бу муносабатларни тартибга солиш заруратидан вужудга келган ҳодисадир. *У бозор қонуниятлари туфайли ҳам эмас, ҳокимиятнинг буйруғи билан ҳам эмас, балки жамоатчиликнинг ташаббуси асосида, эркин фуқаролардан ташкил топган турли гуруҳ ва бирлашмаларнинг мустақил фаолияти натижаси сифатида пишиб етилган. Кишилар айнан ижтимоий фойдали фаолият юритиш қобилиятига эга бўлганликлари учун ҳам фуқаро деб номланишади.*

Фуқаролик жамияти ривожига сўзсиз бозорнинг ҳам, давлатнинг ҳам аҳамияти юксак бўлса-да, уларни аралаштириб юбориш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро давлат фуқаролик жамиятисиз ҳам мавжуд бўла олади, бироқ фуқаролик жамияти шароитида давлат ўзгача кўриниш ва усулларга эга бўлган институт сифатида намоён бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш керакки, бозор муносабатларига ўтиш билан фуқаролик жамиятини барпо этиш икки хилдаги масала бўлиб, ўз мақсад ва вазифалари нуқтаи назаридан улар бир-бирига айнан мос келмайди. Авторитар бошқарув билан ҳам бозор муносабатларига ўтиш мумкин бўлса, бундай бошқарув усули билан фуқаролик жамиятига ўтиш асло мумкин эмас. Бу икки вазифани бир-бири билан аралаштириш иқтисодий ислохотларни амалга оширишга ҳам, демократлаштириш жараёнига ҳам халақит беради. *Демократик ислохотлар ҳамда фуқаролик*

жамиятини ривожлантиришни эркин бозор муносабатларига ўтиши билан умумлаштириши худбинликка йўғрилган хусусий мулкчилик ҳиссиёти билан фуқаролик ҳиссиётини аралаштиришни англалади. Аслида эса, бу масалада жиддийгина аниқлик талаб этилади. Ҳар бир кишининг хусусий мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи, кўпгина ҳолларда хусусий мулкка эга бўлишгина фуқаролик жамиятини шакллантиришга асос бўлади, дея тушунилади. Аслида эса хусусий мулкка эга бўлмаган, ишчи кучидан иборат аҳоли жамиятнинг аксарият қисмини ташкил этади. Демак, бу борада фақатгина хусусий мулк эмас, балки мулкдор бўлмаганларнинг манфаатларини ифода этувчи фуқаролик жамияти институтларининг мавжудлиги ҳам фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларини ташкил этади. Хусусий ҳаётнинг мутлақлаштирилиши нафақат фуқаролик жамиятига тўсқинлик қилади, балки авторитар характердаги бошқарувга қайтишни тақозо қилаверади.

Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари эркин бозор иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Демократик жамият бошқа эркинликлар баробарида ўз қонуниятлари билан тараққий топадиган ҳўжалик тизимини тақозо этади. Фақат ана шу қонунлар асосидагина муваффақият билан тадбиркорлик фаолиятини юритиш мумкин. Энг муҳими якка ҳолда бозор қонунларига қарши курашиш мушкул. Тадбиркорларнинг турли хил уюшмалари, яъни фуқаролик жамияти институтлари бу масалаларни ҳал этишни осонлаштиради.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, давлат ва бозор тадбиркорлик фаолиятига нисбатан пассив ҳолатда бўлиши ёки унга етакчилик қилиши мумкин. Албатта тадбиркорлик фаолиятига етакчилик қилиш учун гуруҳий ва уюшмавий шароитлар мавжуд бўлиши керак.

Жаҳон тажрибасида парламентар бошқарув билан уйғун ҳолда бозор фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосини муваффақиятли ташкил этиши кузатилган. Акс ҳолда жамият фуқаролик жамияти эмас, балки бойлик орттириш ва яшаб қолиш учун ўзаро аёвсиз рақобатга киришган шахслардан иборат қутбланишган оммага айланиб қолиши мумкин. Ўз ҳолича бозор ҳар қандай турдаги ҳокимият билан уйғунлашиши мумкин. Чунки бозор шароитида фуқаролар эмас, балки моддий маблағларнинг аниқ ҳисоб-китоби ва фойдани кўпайтиришни кўзлаган кишилар ҳаракат қиладилар. Фуқаролик жамияти кадриятлари мавжуд бўлмаган жамиятда бундай фаолият осонгина жиноий бизнес ва “қора” иқтисодиётнинг манбаига айланиши мумкин. Мувофиқлаштирилмаган ёки тартибга солинмайдиган бозор шароитида ижтимоий жиҳатдан тартибсизлик ёки бошбошдоқликка йўл очилиши эҳтимоли мавжуд.

Фуқаролик жамияти мавжуд бўлмаган шароитда бундай бозор давлатнинг қаттиқ назорати билангина тартибга солиниши мумкин. Давлат органларининг коррупцияга аралашиб кетиши эҳтимоли юксаклигини ҳисобга оладиган бўлсак, эркин бозорнинг шаклланиши шароитида кўпгина мансабдорларнинг жиноий тўдалар таъсири остида том маънодаги эркин бозорни шакллантиришга тўсқинлик қилишини кузатиш мумкин.

Кўриниб турганидек, фуқаролик жамияти мавжуд бўлмаган ҳолатда бозорда бешафқат қонунлар ҳукм суриши кузатилади. Коррупция домига тортилган давлат мансабдорлари кўпгина ҳолларда қонунбузарликларга қарши курашга бардош бера олмай қолади. Давлат бундай бошбошдоқликка қарши курашга интилар экан, одатда фуқаролик институтларидан фойдаланмайди ва қайтадан авторитар усул ҳамда қоғозбозликка дучор бўлади. Бу эса бозор муносабатларининг кўпсонли иштирокчиларининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Эркин бозор муносабатларига ўтишда кучли ҳокимиятга таяниш зарурлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Кучли ҳокимиятнинг бозор муносабатларини тартибга солиши турли талқинларга ҳам сабаб бўлади. Зеро, фуқаролик жамиятида эркин бозор, сиёсий эркинликлар ва демократия ҳамда жамиятда юзага келадиган муаммо ва можароларни мустақил судлар воситасида ҳал этиш назарда тутилади. Маълумки, бозорнинг эркинлиги табиий равишда яккаҳокимликка олиб келади ва ўз-ўзини бошқариш қонуниятини бузади. Баъзи мамлакатларда бозорда яккаҳокимликка эришган компаниялар давлат аппарати билан бирлашган ҳолда фуқаролик жамиятига қарши туришган. Натижада бундай мамлакатларда ўтган асрнинг биринчи ярмида социализмга нисбатан “юмшоқроқ” бўлган тоталитар тизимларнинг шаклланиши рўй берган (Италия, Германия). Ўз-ўзини бошқариш қобилияти кучли бўлган жамиятларда эса давлат фуқаролик жамияти тарафига ўтиб, яккаҳоким компанияларга қарши ҳаракат қилган. Ғарбий Европанинг кўпгина мамлакатлари тарихидан маълум бўлишича, эркин бозор муносабатлари шароитида кўзга ташланган бошбошдоқликка барҳам бериш зарурати давлат томонидан англаб етилган. Натижада анъанавий мазмундаги эркин бозор муносабатларига барҳам берилган ва давлат ранг-баранг ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида, бозорни мувофиқлаштириш йўлига ўтган. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, **давлат томонидан тартибга солинадиган бозор муваффақиятга эришиши учун мамлакатда илгаридан эркин бозор муносабатлари мавжуд бўлган бўлиши зарур.** Бошқача айтганда, эркин бозор муносабатлари тажрибасини бошидан ўтказмаган, хусусий мулкка асосланган бозор шароитида эркин рақобатга асосланган тадбиркорлик анъана ва кўникмаларига эга бўлмаган мамлакатларда давлат томонидан бозор тартибга солинадиган бўлса, том маънодаги бозор муносабатларини ривожлантириш мушкул бўлади. Бундай мамлакатларда том маънодаги *иқтисодий элитанинг* шаклланиши эҳтимоли жуда кам бўлиб, *иқтисодий тараққиёт* тўлалигича давлатнинг зиммасида қолиб кетади. Бундай шароитда мамлакат *иқтисодий тараққиётини* ўз елкасига оладиган мулкдорлар жамиятнинг аксариятини ташкил эта олмайди. Унинг ўрнига давлат ҳокимияти томонидан бошқариладиган ўзига хос ярим эркин бозор муносабатлари шаклланади.

Шундай қилиб фуқаролик жамиятининг *иқтисодий асосини хусусий мулкка таянадиган кўп укладли бозор иқтисодиёти* ташкил этади. Шундай экан фуқаролик жамиятини барпо этишга интилган ҳар қандай мамлакатда

ўрта мулкдорлар қатламини шакллантириш жараёнини жадаллаштириш зарур. Зеро, ўтиш даврида давлатнинг зиммасида бўлган кўплаб вазифаларни фуқаролик жамияти ривожланиши билан айнан ўрта қатлам ўз зиммасига олади. Бу эса ихтиёрий ва кўнгилли уюшмалар ёрдамида ривожланадиган, соғлом рақобатга таянадиган бозор қадриятлари устувор бўлган том маънодаги фуқаролик жамиятини ривожлантиришга асос бўлади.

Назорат саоллари:

1. Фуқаролик жамиятининг шаклланишида хусусий мулк қандай аҳамият касб этади?
2. Фуқаролик жамиятининг шаклланишида ўрта қатламнинг ўрни
3. Фуқаролик жамиятида хусусий мулкчилик ўрни қанақа?
4. Фуқаролик жамиятида ижтимоий муносабатлар қандай амалга оширилади?
5. Ўрта қатлам мулкдорлар қатлами қандай шаклланади?

Тест саволлари:

1. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосида қайси омил муҳим ўрин тутади?

- A. хусусий мулкчилик
- B. инсон омили
- C. мулкий муносабатлар
- D. *барчаси тўғри

2. Мулкчилик муносабатлари нима?

- A. * барчаси тўғри
- B. мулкка эгалик қилиш ва фойдаланиш
- C. мулкни ўзлаштириш\
- D. мулкни тасарруф этиш

3. Жамоа манфаати нима?

- A. *кишилар гуруҳи, корхона ва фирмаларга тегишли манфаатлар мажмуи;
- B. жамиятнинг иқтисодий манфаати;
- C. гуруҳ манфаати;
- D. шахс ва оила манфаати.

4. Хусусий мулк инсонга қандай ҳис бахш этади?

- A. муаммоларини енгиб ўтади
- B. * ўзига ишонч ҳиссини уйғотади
- C. ўз билимини синаб кўради
- D. моддий имкониятини кучайтиради

5. Мулкдор ўз имкониятини тўлиқ ишга солиши учун нима зарур?

- A. қонун устуворлиги

- В. эркин бозор муносабатлари
- С. адолатли судлов
- Д. *барчаси тўғри

6. Фуқаролик жамиятида давлатнинг иқтисодиётга таъсири қандай?

- А. умуман аралашмайди;
- В. тўлиқ назорат қилинади;
- С. бошбошдоқликнинг олдини олади;
- Д. *тартибга солишади.

7. Фуқаролик жамияти ривожини учун тадбиркорликнинг самараси қандай кучайтириш мумкин?

- А. *фуқаролик институтларига уюшган ҳолда;
- В. қонун воситасида;
- С. моддий салоҳият билан;
- Д. давлат воситасида.

8. Бозор муносабатларига ўтиш билан фуқаролик жамиятини барпо этиш қандай масала?

- А. *турли хил масала
- В. бир хил масала
- С. бири иккинчисини тақозо этади
- Д. давлатга оид муаммо

9. Тартибга солинмайдиган бозор шароитида қуйидагилардан қайси бири рўй бериши мумкин?

- А. бошбошдоқлик;
- В. ижтимоий тартибсизлик;
- С. иқтисодий инқироз
- Д. * а ва б

10. Бозор муносабатларининг ривожига фуқаролик жамияти қандай таъсир кўрсатади?

- А. коррупцияга қарши курашда кўл келади;
- В. тадбиркорларнинг имкониятларини кенгайтиради;
- С. давлатга кўмак беради;
- Д. *барча жавоблар тўғри

5-МАВЗУ: ФУҚАРОВИЙЛИК, ФУҚАРОВИЙ ОНГ ВА ФУҚАРОВИЙ ФАОЛЛИК

Режа:

1. **Фуқаровийлик, мазмун-моҳияти ва асосий хусусиятлари**
2. **Фуқаровий онг ва унинг намоён бўлиш омиллари**
3. **Фуқаровий фаоллик ва унинг фуқаролик жамиятидаги ўрни**

Таянч сўзлар: Жамият, давлат, фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти институтлари, фуқаровийлик, фуқаровий онг, фаоллик, ижтимоий фаоллик, ҳуқуқий давлат, фуқаровий фаоллик, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий макон, ижтимоий жараёнлар, сиёсий жараёнлар, давлат ва фуқаро муносабатлари.

1. Фуқаровийлик, мазмун-моҳияти ва асосий хусусиятлари

Мазкур мавзунинг асосий мақсади фуқаролик жамияти барпо этишда фуқароларнинг фаоллиги қандай аҳамиятга эга эканлигини ёритишдан иборат. Зеро фуқаролик жамияти фуқаровий онги ва фаоллиги юксак бўлган фуқаролар ёрдамида барпо этилиши мумкин. Фуқаровийлик мамлакатнинг ривожланиш босқичларида, бошқача айтганда ўтиш даврида яққол намоён бўлади. Бугунги кунда ҳам ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни бошидан кечираётган, аниқроғи фуқаролик жамияти барпо этаётган турли мамлакатларда фуқаровийлик муҳим аҳамият касб этмоқда. Фуқаровий фаолликнинг негизини англаш учун аввало фуқаровийликнинг назарий моҳиятини тушуниш талаб этилади.

Манбаларда қайд этилишича ўз ватани тараққиёти учун ҳар қандай йўл билан, жисмоний ёки маънавий меҳнат билан хизмат қилган киши ҳақиқий фуқарога айланади. Бундай қараш бироз фалсафий аҳамиятга эгадек туюлса-да, аслида фуқаролик жамияти барпо этишда айнан фуқаронинг ватан тараққиёти йўлидаги амалий фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаровийлик дастлабки қарашда ҳуқуқшуносликка оид атама сингари туюлади. Аслини олганда бу ҳодисани фалсафий, ҳуқуқий, социологик ва сиёсий моҳияти мавжуд.

Фуқаровийлик бир давлатга мансубликни англаш, давлатга содиқлик ҳамда ватанпарварлик ҳисси сифатида талқин этилиши мумкин. Бунда давлатни, конституцияни, давлат рамзларини ҳурмат қилиш, давлат тузумини ва қонун устуворлигини ҳимоя қилишга тайёрлик назарда тутилади. ***Фуқаровийликни инсонга ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий жиҳатдан лаёқатли эканлигини ҳис этишни таъминловчи жамловчи тушунча сифатида ҳам талқин этиши мумкин.***

В.Дальнинг қайд этишига қараганда, **“фуқаровийлик фуқаролик жамиятини тузиш учун жамиятнинг онги ва билими даражасини ифода этган ҳолатдир”¹**.

Кўриниб турганидек, *фуқаровийлик нафақат инсоннинг ҳуқуқий мақоми, балки унинг билими ва жамиятнинг ҳолатини англаши, ижтимоий меъёрлардан хабардорлиги ва уларга риоя қилишига боғлиқ*. Бу ерда фуқаролар томонидан жамият тараққиёти йўлида амалга ошириладиган бирдамлик, ўзаро ҳамкорлик сингари ихтиёрий фаолият ҳам назарда тутилади. Бундай ҳолатда фуқаровийликда ҳуқуққа нисбатан маънавиятнинг устуворлиги намоён бўлмоқда. Аслида кўпгина анъанавий жамиятларда ҳамиша фуқаровийлик ҳуқуқий мазмунда эмас, балки кўпроқ маънавий ахлоқий кўринишда намоён бўлади.

Шўро даврида фуқаровийлик албатта ватанга садоқат ва ватанпарварлик сифатида талқин этилса-да, кўпроқ мафкуралашган кўринишда намоён бўлган. Кўпгина ҳолларда фуқаровийлик ватанпарварлик билан аралаш ифодаланган. Аслида эса ватанпарварлик фуқаровийликнинг бир кўриниши холос. Фуқаролик жамияти фуқароларнинг оддийгина йиғиндиси бўлмагани сингари фуқаровийлик ҳам индивидуал аҳамиятга эга бўлган ҳодиса эмас. Фуқаровийлик бир мамлакат ҳудудида яшовчи фуқароларнинг ўз ватанларига содиқлиги, қонунларни ҳурмат қилиш, уларга бўйсунуши, шунингдек ватанни ҳимоя қилиш ва умуммиллий аҳамиятга эга бўлган масалаларда фаолликни назарда тутди. Фуқаровийликка нисбатан берилган фикрларни умумлаштирган ҳолда ун қуйидагича таърифлаш мумкин:

Фуқаровийлик бир тарафдан жамиятда шахснинг олий даражада мустақиллигини, иккинчи тарафдан эса кишиларнинг жамият ҳаётидаги иштирокида намоён бўладиган юқори даражадаги бирдамликни назарда тутувчи қарашлар мажмуини ифода этади.

Қуйидагилар фуқаровийликни ифода этувчи муҳим жиҳатлар қаторига киради:

- фуқаронинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тушуниши ва уни амалиётда қўллаш кўникмаси;
- бошқа фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;
- фуқаронинг ўз хатти-ҳаракати учун шахсий жавобгарлиги;
- давлат ва жамият олдида ўзининг ҳуқуқий ва ахлоқий масъулиятини англаш;
- фуқароларнинг тенглиги;
- юксак маънавий-ахлоқий мезонларга асосланган ҳолда ижтимоий воқеликка нисбатан объектив ва танқидий ёндашув;
- ҳокимият билан, бошқа фуқаролар ва жамоат бирлашмалари билан ижобий мулоқот юритиш қобилияти;
- бир мамлакат, жамият ва давлатга, шунингдек унга тегишли ҳуқуқий, маданий ва тил маконига мансубликда ифодаланган фуқаровий ўзликни

¹ Даль В.И. Толковый словарь живого великорусского языка (современное написание слов). Изд. “Цитадель”, г. Москва, 1998 г

англаш ва ҳоказолар.

Фуқаровийликни фаоллик нуқтаи назаридан шартли равишда даражаларга ҳам ажратиш мумкин:

- фуқаро масъулиятли, онгли ва виждонли бўлса у дастлабки поғонада, яъни фуқаровий хусусиятларга эга бўлган шахслар қаторига киритиш мумкин;

- агар фуқарода атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан маълум бир муносабати шаклланган бўлса уни фуқаровий позициясига эга бўлган шахс сифатида эътироф этиш мумкин;

- агар фуқарода ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда бурчи учун амалий ҳаракатни бажариш кўникмаси мавжуд бўлса уни фаол фуқаро сирасига киритиш мумкин.

Фуқаровийликнинг тугал ёки тўқис эканлигини қуйидаги мезонлар воситасида талқин қилиш мумкин:

1. Агар фуқаровий позиция ҳали шаклланмаган, фуқаровий хусусиятлар, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиш истаги тўлиқ намоён бўлмаса фуқаровийликнинг энг қуйи даражаси намоён бўлади.

2. Фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашишга мойил бўлса, у ҳақда ўз билим ва қобилиятини намоён қилишга тайёр бўлса, бунда фуқаровийликнинг ўрта даражаси намоён бўлади.

3. Агар фуқарода фуқаровий хусусиятлар ҳамда фаол фуқаролик позицияси тўлиқ шаклланган, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун амалий ҳаракатга кириш иштиёқи яққол намоён бўладиган бўлса уни юқори даражада фуқаровийлик сифатида талқин этиш мумкин.

Фуқаровийлик жамият аъзоларини сафарбар этиш ва йўналтиришга хизмат қилади. Фуқаровийлик теварак атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фаол муносабатни, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Фуқаровийлик жамият олдида маълум бир мақсаднинг шаклланишига хизмат қилади. Албатта жамиятда фуқаровийликнинг ривожланиши учун тегишли тарбиявий чора-тадбирлар, қулай ижтимоий муҳит муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаровийлик шахснинг сиёсий жиҳатдан комилликка эришиши билан боғлиқ бўлиб, бундай даражага етган киши сиёсий жараёнлар ва ҳодисаларга қизиқиш билан қарайди, рўй бераётган воқеликни таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлади. Айнан ана шундай қобилиятга эга бўлган фуқаро кези келганда ўз ватани тақдири учун амалий ҳаракат қилиш учун зарур бўлган қарорга келиш қобилиятига эга бўлади. Ватанпарварлик руҳига, масъулият, сиёсий маданият ва тараққий топган сиёсий онгга эга бўлган жамият аъзосини фуқаровийликка эга бўлган шахс сифатида эътироф этиш мумкин.

2. Фуқаровий онг ва унинг намоён бўлиш омиллари

Энди бевосита фуқаровий онгнинг мазмун моҳиятига эътибор қаратиш ўринлидир. **Фуқаролик онги демократик қадриятлар, идеаллар, ҳуқуқ ва эркинликлар нуқтаи назаридан шахс, жамият ва давлат ўртасидаги**

муносабатларни англашдан иборат. Албатта ҳар бир давлат ва жамиятда демократик кадриятлар ўзига хос тамойиллир ва меъёрлар асосида қабул қилинади. Фуқаролик онги жамият тараққиётининг шундай босқичидаги руҳий ҳолатини англатадики, бу даврда демократик меъёрлар ва кадриятлар ҳаётнинг асосига айланади.

Фуқаролик онги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий соҳаларда меъёрий, шакллантирувчи, йўналтирувчи, мулоқотга етакловчи сингари ранг баранг вазифаларни бажаради. Бу вазифалар таъсирлашган ҳолда ўзаро кесишадилар ва бир-бирини тўлдиради. Уларнинг кўпчилиги давлат ва унинг институтларига хосдир. Аммо давлат органлари қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, қоида ва талаблардан иборат ҳуқуқий доирада фаолият юритса, фуқаролик онги эркин шаклланади. Фуқаровий онг меъёрлари ижтимоий-сиёсий жараёнлар натижасида шаклланади, уни мувофиқлаштирадиган ёки уни амалга оширадиган махсус тузилмалар бўлмайди. Фуқаролик онгининг вазифалари алоҳида индивид эмас, балки бутун жамият фаолияти билан боғлиқ.

Фуқаролик онги жамият ҳаётида турли шаклларида намоён бўлади. Кишилар шахсий ва ижтимоий кадриятлар борасида ўз қарашлари, тасаввурлари, кадриятлари, интилишлари, меъёрларини турли кўринишларида намоён этишади. Жамият, гуруҳлар, шахснинг ижтимоий манфаатлари намоён бўладиган фуқаровий манфаатлар тизим ҳолига келади. Айнан тизим ҳолида бўлганлиги туфайли фуқаровий манфаатлар ҳар бир шахснинг кадриятларини ҳаётга татбиқ этади, унинг жамиятга, давлатга, бошқа фуқароларга нисбатан муносабатини шакллантиради. Фуқаронинг масъулияти, мақсадлари, вазифаларини белгилашга, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларини шакллантиришга кўмаклашади. Айнан ана шу тарзда шаклланган фуқаровий онг фуқаролик жамиятининг шаклланишига хизмат қилувчи кадриятлар, меъёрлар, ғоя ҳамда тасаввурларни шакллантириш, жамиятни комиллик ва эркинликка етаклашга хизмат қилади.

Фуқаролик жамияти бир неча авлод алмашинувини талаб этадиган жараён бўлгани сингари фуқаровий онг ҳам тарихий давр мобайнида шаклланади. Ҳар бир мамлакатдаги фуқаровий онг шу мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий тизимнинг табиатига мос равишда шаклланади. Шу мамлакатга хос бўлган ижтимоий тизим, алоқалар ва муносабатларни акс эттиради.

Фуқаролик онги табиий ва тадрижий тараққиёт маҳсули бўлиб, уни сунъий жиҳатдан тезлаштириш мумкин эмас. У ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий омиллар негизида тадрижий тарзда шаклланади. Ҳар бир авлод мавжуд демократик кадриятларни ўзлаштиради ва янгиларини яратади. Бу жараёнда фуқаролик онгини белгилаб берувчи меъёрлар ва кадриятларни сақлаш ҳамда узлуксиз такомиллаштириш энг муҳим фаолият ҳисобланади.

Тадрижий тараққиёт натижасида демократик тасаввурлар мустаҳкамланиб, аста секинлик билан фуқаролик тажрибаси тўпланиб боради.

Фуқаролик онги бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Фуқаролик онги ижтимоий тизимнинг ўзгариши билан янгиланадиган кадриятларга мослашиб боради. Бошқа тарафдан фуқаролик онги ижтимоий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи фаол омил ҳисобланади. У фуқароларни фаол ҳаракатга бошловчи тасаввурлар билан боғлиқ бўлганлиги туфайли, жамият ўзлигининг янгиланишига, ижтимоий тараққиётни тезлаштирувчи омилга айланиши мумкин. Фуқаролик онги ижтимоий тараққиётнинг руҳий негизини яратган ҳолда жамиятнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Фуқаролик онги янги ғояларни қабул қилиш даражасида очик характерга эга. Янги ғоялар шу тизимга мос эканлиги ўз исботини топган тақдирда аста секин жамиятнинг моҳиятига сингиб боради.

Маданий янгиланишлар узлускиз тарзда ижтимоий онгга таъсир кўрсатиш даражасида кўп рўй берган тақдирда жамиятда воқеликни ҳис этиш учун янгича усуллар вужудга келади ва бу ўз навбатида фуқаровий онгнинг ўзгаришига олиб келади.

Мамлакатда сиёсатни тубдан ўзгартириш ҳатто мулкка нисбатан муносабатни ҳам бутунлай ўзгартириш мумкин, аммо кишиларнинг асосий қарашлари ва кадриятларини тезлик билан ўзгартириб бўлмайди.

Фуқаролик онги умумий тамойилларгагина асосланмасдан, моҳияти жиҳатидан ўзгариб боради. Албатта жамиятда барқарор бўлган, ҳар қандай сиёсий тизимга хос бўлган тарихий тажриба, анъаналар сингари ўзгармас хусусиятга эга кадриятлар мавжуд бўлиб, улар фуқаровий онгда рўй бериши мумкин бўлган тезкор ўзгаришларни тийиб туради. Янги тарихий тажриба эса айнан ана шундай кадриятлар негизидан вужудга келади ва фуқаролар онгига сингиб боради.

Тушунча сифатида “фуқаролик онги” ҳақида гап кетганда аввало фуқаронинг давлат билан сиёсий-ҳуқуқий муносабатлари назарда тутилиб, кишининг бирор-бир давлатга мансублиги ва шу давлатнинг қонунларига бўйсунуши тушунилади. Кишининг ҳуқуқий мақомида ифодаланган фуқаролик давлат билан фуқаро ўртасида амал қиладиган бир қатор ҳуқуқ ва бурчлар билан мустаҳкамланган.

Турли ижтимоий субъектларнинг ўзаро таъсирлашуви рўй берадиган ва манфаатлари амал қиладиган жамият муносабатларига фуқаровий онг кириб боради ва уларни акс эттиради. Шунингдек, у кишилараро муносабатларга таъсир кўрсатган ҳолда уларга аниқлик, мазмун ва шакл бағишлайди. Кишиларнинг ижтимоий ҳаёт ҳамда давлатга нисбатан, шахс билан давлат ўртасида ҳақиқий ва меъерий муносабатлар тўғрисидаги тасаввурлари фуқаровий онгда мужассамлашган.

Ижтимоий-сиёсий, диний, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа меъёрлар, талаблар, тамойиллир, қоидалар умумий фуқаровий дунёқараш шаклида фуқаровий онгнинг таркибий элементлари сифатида намоён бўлади.

Демократик жамиятнинг барқарорлиги демократик кадриятлар билан бойишни тақозо этади. Бу жараён жамиятдаги фуқароларнинг ижтимоий эркин шароитда яшашга қанчалик тайёр эканликлари, яъни шахсларнинг

фуқаровий етуклиги ва фаоллигига боғлиқ. Ўз навбатида фуқаровий етуклик ва фуқаровий мусъулият жамият аъзоларининг фуқаровий онги даражаси билан белгиланади. Айнан фуқаровий онг жамиятнинг маънавий, интеллектуал ҳамда ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини шакллантиради.

Фуқаровий онг жамиятни бирлаштиришга хизмат қилади, умумий манфаатлар йўлида фуқаролар ўртасида келишув бўлишига хизмат қилади. Жамиятда рўй берадиган турли ижтимоий-маданий омиллар таъсирида фуқаровий онг ўзгариб боради ва фуқаровийлик тўғрисидаги ғоялар тараққиётида ўз аксини топади.

Давлат ва жамият, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларнинг табиати ҳақидаги билимларнинг кенгайиши “фуқаровийлик” тушунчасини қайта қайта тафаккур қилишни тақозо этади. Ижтимоий жараёнлар натижасида сайқалланган фуқаровий маданият ва фуқаровий онг кишиларни иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий жиҳатдан шакллантиради.

3. Фуқаровий фаоллик ва унинг фуқаролик жамиятидаги ўрни

Фуқаровийлик ва фуқаровий онгни ўрганишдан асосий мақсад фуқаролик жамиятини барпо этишда фуқаровий фаолликни ўрганишдан иборат. Зеро фуқаролик жамияти нафақат фуқаровийлик хусусиятларига эга онгли фуқаролар воситасида, балки фаол бўлган фуқаролар билан барпо этилади. Ана шу фаолликни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро улар фуқаролик жамиятини барпо этишнинг умумий ва хусусий қонуниятларини англаш имконини беради.

Фуқаровий фаолликни ижтимоий-сиёсий ва меҳнат фаолиятига ижодий ёндашув сифатида баҳолаш мумкин. Айнан инсоннинг фуқаровий фаоллиги шахснинг тўлақонли ривожланишига, ундаги имкониятларнинг тўлиқ намоён бўлишига хизмат қилади. Фуқаролик позицияси ҳамда фуқаровий фаолликка эга бўлиш жамиятда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисаларни, уларнинг оқибатлари ва мавжуд муаммоларнинг ечимини чуқур англашни тақозо этади.

Ижтимоий фаоллик тушунчаси фуқаролик жамияти тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу ерда жамиятнинг давлат фаолиятдан холи ҳолда жамоавий ташаббуслар билан ривожланиши назарда тутилмоқда. Бу партияларга аъзоликни назарда тутувчи сиёсий фаоллик, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш, турли ижтимоий ташаббуслар ва ижтимоий ҳаракатларни англатади. Шу маънода жамият учун фойдали бўлган турли дастурлар ва жамоат бирлашмаларида иштирок этиш ҳам фуқаровий фаолликка киради.

Аслини олганда жамият аъзоларининг асосий кўпчилиги жамиятда мавжуд қоидалар асосида фаолият юритган ҳолда ижтимоий фаоллик кўрсатишмайди. Бундай пассивликнинг жамоат тартибини сақлаш нуктаи назаридан қайсидир даражада ижобий жиҳатлари ҳам мавжуд бўлса-да, фуқаролик жамиятини қуришда фуқаровий фаоллик жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини эсда тутиш лозим. Зеро пассив фуқаролар ҳеч қачон ўз

хуқуқлари учун курашишмайди. Фуқаровий фаоллик ўз кучига ишониш, мавжуд вазиятни ўзгартиришга қодирлик ҳиссининг яққол намоён бўлиши билан вужудга келади. Кўпгина ҳолларда фуқаровий фаолликнинг бошланғич нуқтаси социологларни қизиқтирган масаладир. Зеро аксарият жамиятларда ижтимоий ўзгаришлар давлат етакчилигида амалга оширилади ва жамият аъзолари кейинчалик бу ўзгаришларга мослашишади.

Кўпинча фуқаровий фаоллик ёшларда кузатилади. Албатта фуқаровий фаолликка таъсир кўрсатувчи омил фақат ёш билан чегараланмайди. Билим даражаси, дунёқараш, тарбия ва ҳатто яшаш манзили ҳам бунга таъсир кўрсатади.

Кўпинча ёшлар фуқаровий фаоллик кўрсатишни исташса-да, сиёсий соҳада бундай фаолият кўрсата олмайдилар. Бошқача айтганда, ёшлар давлат сиёсати мураккаб бўлганлиги туфайли ўз истакларини сиёсатчилар олдида тўғри шакллантиришга қодир бўлмайдилар. Бошқа тарафдан сиёсий соҳа ёшлардан анча узоқ бўлганлиги туфайли ёшлар ўз манфаатларини давлат сиёсати билан мувофиқлаштиришда мураккабликларга дуч келишлари мумкин. Шу туфайли уларнинг баъзилари сиёсий партияларга аъзо бўлишади, аксарияти эса умуман сиёсатга қизиқмай қўядилар.

Бирор-бир соҳадаги муаммоларни бартараф этиш имконияти нодавлат нотижорат ташкилотларида мавжуд бўлганлиги туфайли ёшларнинг аксарияти шундай ташкилотларга аъзо бўлиб киришади. Давлатнинг сиёсий тузилмаларида профессионал фаолиятга кириш фуқаро/ёшлардан маълум иш тажрибаси, билим ва кўникма талаб қилса, жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиб кириш учун иш тажриба талаб этилмайди, балки фақат қизиқишнинг ўзи етарли бўлади.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда фуқаролар ижтимоий жараёнларни бошқариш, мавжуд вазиятни ўзгартириш, ижтимоий муаммоларни бартараф этиш бўйича ўз ташаббусларини илгари суриш зарурлигини англаб етадилар. Бу эса турли кўнгиллилар жамиятларининг тузилишига сабаб бўлади. Инсонда бошқаларга ёрдам бериш, айниқса муаммоли вазиятга тушган ватандошларига, қўшниларига кўмаклашиш ҳисси мавжуд. Айнан бошқаларга ёрдам қўлини чўзган киши нафақат муаммони бартараф этишга ҳисса қўшади, балки у ўзлигини ҳам янада чуқурроқ англай боради. Шунинг учун бўлса керак, кўнгиллилик бутун дунёда кенг тарқалган ҳодисалардан бирига айланган. Бу ҳодиса ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган кишиларни умумбашарий миқёсда бирлаштирадиган жараёнга айланган. Кўнгиллилик турли шаклларда амалга оширилиши, жумладан турли касалликларга қарши курашиш учун хайрия фаолиятдан бошлаб қашшоқлик ёки табиий офатларга қарши курашиш шаклида бўлиши мумкин.

Инсонни ихтиёрий фаолият, яъни кўнгилли ишга чорловчи истакнинг негизида ҳар бир кишига хос бўлган шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлар ётади. Жумладан, бошқаларга наф келтириш, ўзини намоён қилиш ва мулоқот истаги кишини фаолликка етаклайди. Кишида ижтимоий жиҳатдан

эътирофга бўлган эҳтиёж ҳам мавжуд. Профессионал ва ҳаётий тажрибани кўллаш истаги ҳам кишини шундай фаолиятга чорлаши мумкин. Ўз имкониятларини ишга солиш, ўз ғояларини татбиқ этиш истаги ҳам кишини ҳаракатлантирувчи кучга айланиши мумкин. Ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатиш ва иштирок этиш эҳтиёжи ҳам кишини фаолликка етаклайди.

Кўнгилли фаолият инсон учун ўз шахсий эҳтиёжлари билан жамият эҳтиёжларини уйғунлашган ҳолда ҳаётга татбиқ этиш учун ўзига хос имкониятдир. Бу эҳтиёж кишиларнинг ўз ахлоқий бурчларини англаш ҳамда инсоннинг баркамоллигидан далолат беради. Кўнгилли фаолият юрита экан инсон ахлоқий жиҳатдан такомиллашиб боради, мулоқот маданиятини ривожлантиради, ўзаро ҳамкорлик ва биродарлик ҳиссига, инсонпарварлик туйғусига эга бўлади. Кўнгиллилик фаолияти фаол ва ижодий характерга эга бўлиб, инсон ўз салоҳиятини намоён этиш имкониятига эга бўлади. Бу фаолият теварак атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фаол муносабатнинг шаклланишига, сиёсий воқеликка зийрак назар билан қарашга ёрдам беради.

Айнан фуқаровий фаолликнинг ўзи бир неча жиҳатлар билан ажралиб туради;

- фаол фуқаро гуруҳига мансуб кишилар асосан сиёсий ва иқтисодий тизим тўғрисида билим олишга тайёр бўлган кишилардан иборат;

- фаол фуқароларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини фаол амалга ошириш учун билим ва қобилият мавжуд;

- фаол фуқароларда ана шу билимларни жорий қилиш учун кўникмалар мавжуд бўлади¹.

Фуқаролик фаоллиги бугунги кунда давлат учун мисли кўрилмаган кўмакчига айланмоқда. Турли ижтимоий лойиҳаларга бирлашган фуқаролар рўй бераётган, туғилаётган ва мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш, уларнинг ечимини топиш ва ҳукуматга таклиф этиш имкониятига эга. Турли нодавлат тузилмаларидаги етук мутахассислар бозор муносабатлари шароитида кутилмаганда рўй берадиган муаммолар, бозорнинг бетартартиб жараёнларида юзага келадиган муаммоларни бартараф этишга ҳукуматга кўмакчилик қилмоқдалар.

Маълумки бозор муносабатлари шароитида ранг-баранг ижтимоий муаммолар юзага келаверади, аммо уларнинг ечимини ҳукумат ҳамиша ҳам ўз вақтида ҳал этавермайди. Бошқача айтганда бундай муаммоларни ҳукумат ўз вақтида пайқаш имкониятига эга эмас. Шундай муаммолар мавжудки, уларнинг оқибати жамият учун қанчалик мудҳиш бўлмасин, уларнинг мавжудлигини тан олиш ёки уларни бартараф этиш учун аниқ белгиланган институтлар мавжуд бўлмайди. Агар ҳукумат фуқаровий фаолликни юзага чиқишига имконият яратмас экан, ёки турли нодавлат ва жамоат бирлашмаларига ана шундай муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш

¹ Карпова Н.В. Политическая культура в процессе становления гражданского общества// Вестник Московского университета. – Сер. 18 : Социология и политология. – 2006. – №1.

бўйича фаол бўлишга шарт-шароитлар яратмас экан фуқаролик жамиятини барпо этиш муаммолигича қолиб кетаверади.

Фуқаролик жамияти ривож топган мамлакатларда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият юритувчи жамоат бирлашмалари мавжуд бўлиб, улар серкирра фаолият юритадилар. Масалан, жамиятдаги маълумотлилик даражасини ошириш ёки замонавий таълим технологияларини жорий этиш бўйича маълум тадқиқотлар олиб боришади ва натижада парламентга тегишли қонун ўзгартиришлари таклиф этишлари мумкин.

Табиатни асраш ёки экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича, юқумли касалликларни олдини олиш, шаҳар ҳавосининг ифлосланиши, чиқиндилардан тозалаш бўйича жамоат бирлашмалари ҳукуматга қимматли фикрлар билан бир қаторда амалий лойиҳаларни таклиф этадилар.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамияти учун фуқаровийлик, фуқаровий онг ва фуқаровий фаоллик жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Тараққиётни мақсад қилган ҳар қандай жамият учун инсон салоҳиятидан фойдаланиш, инсоннинг ўзлигида, унинг қалбида мавжуд бўлган бирдамлик, сахийлик, бағрикенглик каби фазилатларга мурожаат этишнинг ўзи кифоядир.

Назорат саволлари:

1. Фуқаровийликнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
2. Фуқаровийликнинг асосий хусусиятлари ҳақида нималар дея оласиз?
3. Фуқаровий онг нима?
4. Фуқаровий онгнинг намоён бўлиш омиллари
5. Фуқаровий фаоллик ва унинг фуқаролик жамиятидаги ўрни

Тест саволлари:

1. Қайси жавоб фуқаровийликни аниқроқ ифода этади?

- А. бирор бир давлатга оид бўлиш;
- В. паспортга эга бўлиш;
- С. ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий лаёқатлилик
- Д. *барчаси тўғри

2. Манбаларда қандай фуқаро ҳақиқий фуқаро саналади?

- А. * ўз ватани тараққиётига жисмоний ёки маънавий меҳнати билан ҳисса қўшган шахс
- В. тўлақонли ҳуқуқий ҳужжатларга эга бўлган шахс
- С. жиноят содир этмаган шахс
- Д. бефарқ бўлмаган шахс

3. Шўро даврида фуқаровийликда қайси жиҳат устуворлик қилган?

- A. *шўровий мафкура;
- B. ватанпарварлик;
- C. паспортга эгалик;
- D. қонун доирасида яшаш.

4. Фуқаровийликнинг хусусиятлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A. ўз ҳақ-ҳуқуқларини тушуниш ва амалиётда қўллай билиш;
- B. бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;
- C. масъулиятлилик, тенглик
- D. *барчаси тўғри;

5. Фаол фуқаролик даражаси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A. масъулиятли, онгли ва виждонли
- B. воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабати шаклланган
- C. ўз ҳақ-ҳуқуқларини чуқур тушунади
- D. *ўз ҳуқуқини амалий жиҳатдан ҳимоя қила олади

6. Фаол фуқароликнинг хусусиятлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A. сиёсий ва иқтисодий тизим тўғрисида билим олишга тайёр;
- B. ўз ҳақ-ҳуқуқларини фаол амалга ошириш учун билим ва қобилият мавжуд;
- C. билимларни жорий қилиш учун кўникмалар мавжуд;
- D. *барчаси тўғри.

7. Фуқаролик жамиятида пассив фуқаро қандай намоён бўлади?

- A. *ижтимоий муносабатлар ва жараёнларга бефарқ;
- B. жамоавий ишларда фаоллик кўрсатади;
- C. фақат давлатга ишонади;
- D. имкони даражасида фаолият юритади.

8. Фуқаровий фаоллик дастлаб қандай кўринишда намоён бўлади?

- A. *кўнгиллилар жамиятлари воситасида
- B. сиёсий партиялар орқали
- C. тадбиркорлик орқали
- D. маҳалла фаолияти орқали

9. Фуқаровий фаоллик қандай институтлар орқали намоён бўлади?

- A. фуқаровий ташаббуслар;

- В. сиёсий партиялар;
- С. нодавлат-нотижорат ташкилотлар
- Д. * барчаси тўғри

10. Фуқаровий фаолликка тўсқинлик қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

- А. фуқаролик жамияти шаклланмай қолади;
- В. фуқаролик институтлари фаолияти намоён бўлмайди;
- С. фуқароларда норозилик кайфияти пайдо бўлади;
- Д. *барча жавоблар тўғри

6-МАВЗУ: ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТАЛАБИ

Режа:

- 1. Демократик институтлар ривожиди фуқаролик жамияти талаби.**
- 2. Фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувига иштироки.**
- 3. Жамоат бирлашмалари фуқаролик жамиятининг муҳим шарти.**
- 4. Ўзбекистонда сиёсий партиялар тадрижий ривожиди ва ҳуқуқий асослари.**
- 5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг конституциявий негизлари.**

Таянч сўзлар: Инсон, жамият, давлат, конституция, демократия, фуқаролик жамияти, демократик институтлар, жамоат бирлашмаси, нодавлат ноижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар йиғини, касаба уюшмаси, давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий назорат, ижтимоий шериклик, миллий кадрият, фуқаролик маданияти, фаоллик, иштирок, масъулият, жавобгарлик.

1. Демократик институтлар ривожиди - фуқаролик жамияти талаби.

Демократик тамойилларга амал қилиб, фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилган жамиятда фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришда кенг жалб этиш, фаол иштирокини таъминлаш асосий сиёсий мақсадга айланади. Бу, демократик институтларнинг ривожини характерловчи муҳим мезондир. Шу маънода, **"Демократия, - деб ёзади Президент Ислам Каримов, -- инсон, жамият, давлат деган уч субъект ўзаро бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини бойитиб, керак бўлса, назорат қилиб турадиган тизим демакдир. Бу ҳар қайси инсоннинг жамият билан, жамиятнинг эса давлат билан муносабатини, улар ўртасидаги мувозанатни англатади"**¹.

Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда халқни давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирок этишини таъминлашнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратилишига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда янги демократик жамият асосларига ўтиш, тоталитаризмдан мерос бўлиб қолган давлат ва фуқаро муносабатларига барҳам бериш сиёсатнинг устувор йўналишига айланди. Қисқа даврда мамлакатда "фуқаро - жамият - давлат" тизими қонуний асосга қўйилди. Бу – сиёсий жиҳатдан кенг ва атрофлича таҳлилга эга бўлган жараён. Чунки, унинг моҳияти жамиятда демократик жараёнларни амалга оширишни назарда тутди, энг муҳими, фуқаро манфаати билан давлат ҳокимиятини бошқариш ўзаро мувофиқлаштирилади. Бу жамиятда, инсоннинг барча ҳуқуқлари: хусусан, давлат ишларида қатнашиш; эътиқод эркинлиги; йиғилишлар; уюшмалар эркинлигини амалда таъминлаш сиёсий воқеликка айланади. "Фуқаро" ва

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажиги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир Т.: Ўзбекистон. 2015. Б. 17.

"давлат" муносабатларидаги мавжуд бегоналашиш жараёнларига барҳам берилиб, уларни давлат ҳокимиятини бошқаришга бўлган масъуллиги ҳамда давлатнинг фуқаролар олдидаги жавобгарлиги вужудга келди. Жумладан, бош Қомусимизнинг 32-моддасида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар¹ деб, белгилаб қўйилади. Бундай имконият жамиятда демократик институтларнинг ривожини билан таъминланади.

Демократик институтлар жамият ҳаётида демократик тамойилларни қарор топишга хизмат қиладиган ташкилотлар ва тузилмалар мажмуаси. Тарихий жиҳатдан уларни шартли равишда демократик мазмунга эга бўлган анъанавий, ижтимоий-сиёсий институтлар (давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, ОАВ) ҳамда фақат демократик жамият шароитида фаолият юритадиган махсус институтларга, масалан, инсон ҳуқуқларига амал қилинишини таъминловчи турли нодавлат тузилмаларга ажратиш мумкин².

Демократик институтлар мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Кучли фуқаролик жамиятининг ўзига хос жиҳатлари шундан иборатки, демократик тамойиллар ривожига фуқаролик институтлари фаолиятига кенг ўрин берилади, улар жамиятда жамоатчилик назоратини амалга оширади, давлатнинг эътиборидан четда қолган муаммоларни белгилаш ва бартараф этишда давлат институтлари билан ҳамкорлик қиладди.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Булар жумласига асосий ҳужжатлар сифатида, "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида" (1991 й.), "Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида" (1992 й.), "Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида" (1999 й.), "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" (1999 й.), "Сиёсий партиялар тўғрисида" (1996 й.), "Жамоат фондлари тўғрисида" (2003 й.), "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида" (2004 й.), "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" (1991 й.), "Нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида" (2007 й.), "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида" (1997 й.), "Жамоатчилик назорати тўғрисида", "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида" (2014 й) Ўзбекистон Республикаси қонунларини эътироф этиш мумкин.

2. Фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувига иштироки.

Демократиянинг мезонлари кўп қиррали бўлиб, унда сиёсий эркинлик, фуқаролик ҳуқуқлари, давлат ва жамият қурилишида, бошқарув жараёнларида иштирок этишга интилган, ижтимоий баҳсларга қатнашган, ўз ҳатти-ҳаракатлари, масъуллик фаолияти бўйича сайловчилар олдида ҳисобот

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. 2014. 13 б.

² Маънавият - асосий тушунчалар изоҳли луғати Т.: Ғофур Ғулом наш. 2010. 19 б.

берувчи вакилларни танлашда қатнашган ва инсонлар орасида сабр-тоқат ва муроса лозимлигини тушунган фуқаролар томонидан қадрланган тақдирда у доимо ривожланиб, такомиллашиб боради. Шу жиҳатдан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик жамиятни характерловчи муҳим мезон мавжуддир. Булар "Жамиятда, - деб ёзади Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, - демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар - халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат этилиши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир. Ана шу уч соҳада ҳақиқий силжишлар бўлмас экан, демократия ҳақидаги ҳамма гап сўзлар ё халққа хушомад қилиш, ёки оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади."¹ Республикада жамиятнинг барча жабҳаларида амалга ошаётган ўзгаришларни, ана шу уч мезон бўйича демократик жамият фарқни қиёсий таҳлил этиладиган бўлса, қуйидаги муҳим фарқни англаш қийин эмас.

Қисқа даврда мамлакатда "фуқаро - жамият - давлат" тизими қонуний асосга қўйилди. Бу сиёсий жиҳатдан кенг ва атрофлича таҳлилга эга бўлган жараён. Чунки, унинг моҳияти жамиятда демократик жараёнларни амалга оширишни назарда тутаяди, энг муҳими фуқаро манфаати билан давлат ҳокимиятини бошқариш ўзаро мувофиқлашади. Бу жамиятда, инсоннинг барча ҳуқуқлари: хусусан, давлат ишларида қатнашиш; эътиқод эркинлиги; йиғилишлар; уюшмалар эркинлигини амалда таъминлаш сиёсий воқеяликка айланади. "Фуқаро" ва "давлат" муносабатларидаги мавжуд бегоналашиш жараёнларига барҳам берилиб, уларни давлат ҳокимиятини бошқаришга бўлган маъсуллигини ҳамда давлатнинг фуқаролар олдидаги жавобгарлиги вужудга келди.

Фуқароларнинг давлат ҳокимиятини бошқаришга иштирок этишда "ҳақиқий" ва "ҳақиқий бўлмаган демократияни" бир-биридан фарқлаш зарур. Ҳозирги даврда "демократия" тушунчаси кенг маънода ишлатилади. Демократия давлат ҳокимиятини бошқарув шаклида, кўпчиликнинг идора этиш шакли сифатида; иккинчидан, бошқарувнинг шундай шаклики, унда фуқаролар ўз ҳуқуқларини шахсан эмас, балки ўзларининг вакиллари орқали амалга оширади. Бу вакиллик демократияси шароитида намоён бўлади; учинчидан, бошқарувнинг шундай шаклики, унда конституцион нормалар асосида айрим индивид ёки гуруҳ ҳуқуқлари таъминланади.

Бундан ташқари, "демократия" қанчалик тарихий-сиёсий мазмунга эга бўлмасин, унинг ўзига хос масъулият юки мавжуд. Жамиятни демократиялаштириш ҳар қандай демократияга "яшил йўл" очиб беришни мақсад қилиб қўймайди. Ҳақиқий демократия инсон шахсига энг олий қадрият сифатида қарайди ва уларни ҳокимиятини бошқариш ишларида фаол иштирок этишлари учун зарур бўлган тизимни яратаяди. Унда сайлов тизими асосий ўрин тутаяди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиётни кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997. 191.6

Ўзбекистонда сайлов тизимини ислоҳ этилиб, бир мандатлиликдан кўп мандатли сайлов тизимига ўтилиши фуқароларга сиёсий эркинликларини, ҳуқуқларидан атрофлича фойдаланиш имкониятини берди. Жамият ҳаётини ислоҳ этишга, шаклланган эски тизим ўрнида тамомила янги сиёсий кадриятларни қарор топишга шарт-шароитни вужудга келтирди.

Бу инсонлар онги, тафаккурида жамият сиёсий ҳаётига қарашда янгича ёндошувга, "тоталитар онг ва тафаккурни" барҳам топиб боришига муҳим туртки бўлди. Фуқароларнинг давлат ҳокимиятида иштироки жараён сифатида янгича мазмун билан бойиб бормоқда. Бу жамиятда вужудга келган хилма-хил демократик институтлар билан бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ёндашганда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг вазифалари ўзгараётганлигини кузатамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Янги шароитда давлатнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳоят муҳим вазифаси сиёсий партиялар, нодавлат, ижтимоий структуралар, фуқаролик жамиятининг эндигина пайдо бўлиб келаётган хилма-хил институтлари билан ишлаш ва ҳамкорлик қилишнинг янгидан-янги шакллари излаб топишдан иборатдир".¹

Фуқароларнинг давлат ҳокимиятини бошқаришда иштироки, демократиянинг икки асосий кўриниши орқали, яъни бевосита ва ваколатли тарзда амалга ошириб борилади. Бевосита демократияда барча сайлаш ёки сайланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сайланган ёки тайинланган расмий вакиллар воситачилигисиз жамиятни бошқариш ишларига, қонунлар ишлаб чиқиш, қабул қилишда қатнашишлари мумкин. Бу жараён ташкилий жиҳатдан қараганда реалликни, бугунги воқеяликни аниқ ҳисобга олишни тақозо этади. Бугунги сиёсий воқеяликда уни ҳаётга тадбиқ этиш ўзининг муҳим амалий жиҳатига эга. Давлатнинг бош стратегик вазифаларини ишлаб чиқишда, мамлакат олдида турган энг долзарб вазифаларга нисбатан умумхалқ фикрини, муносабатларини аниқ ифодалаш лозим бўлганда, муурожаат этилади. Халқ ўзининг хоҳиш-иродасини ифодалайди.

Шу нуқтаи-назардан ёндошганда халқнинг давлат ҳокимияти ва жамиятни бошқаришда иштирокининг туб моҳияти, халқ томонидан уни идора этиш бўлиб, олий ҳокимияти халқ кўлига топширилади ва халқ уни бевосита ёки эркин сайловлар орқали амалга оширади. Демократик жамият куриш вазифалари давлат ҳокимияти фаолиятини, мансабдор шахслар билан фуқаро ўртасидаги муносабатларни, уларни бир-бирларига нисбатан масъулиятини боғлаган ҳолда амалга оширишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2 моддасида "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари, мансабдор шахслар, жамият ва фуқаролар олдида маъсулдирлар"² деб ёзиб кўйилган.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёти кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997. 159.б

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2012 й.

Демократик жамиятда фуқароларни давлат ва жамиятни бошқаришда иштироки, бевосита жамият сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий тузулмаларни ислоҳ этиб боришни талаб қилади. Носиёсий институтлар ҳам сиёсий ҳаётга ўзининг амалий таклифлари билан таъсирини ўтказиб боради. Фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқарувда иштирокининг демократик жиҳатлари: а) ҳокимиятнинг халқ томонидан идора этилиши; б) турли ижтимоий гуруҳлар ҳуқуқларининг уйғун ҳолда акс эттирилиши; в) ҳар бир фуқаро ҳуқуқларининг кафолатланганлиги; г) эркин сайлов; д) фуқароларнинг қонун олдида тенглиги; е) одил суд ҳокимияти; ё) сиёсий институтлар, фикрлар ва мафкуралар хилма-хиллиги каби муҳим асосларда яққол намоён бўлади.

Мустақиллик туфайли давлат ва жамият бошқарувининг ҳақиқий демократик табиати тўғрисида аниқ тасаввур, фикр ва мулоҳазалар пайдо бўлиб, фуқаролар ўз эркинликлари, сиёсий ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита амалга ошириш имкониятига эга бўлдилар. Бу ҳуқуқ Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг субъектига айланганлигидан, фуқароларнинг ўз тақдирини ўзи амалда белгилаш шарт-шароитларини таъминламоқда. Натижада, демократия халқ ҳукуматга эмас, аксинча ҳукумат халққа хизмат қилиши кераклиги тўғрисидаги тамойилга асослана бошлади. Демократия шароитида халқ давлатнинг иродасига қараб эмас, аксинча, онгли, фаол фуқароси сифатида иштирок этади. Давлат ва фуқаро ўртасида шундай оқилона муносабат қарор топадики, давлатнинг фуқаро устидан ҳукмронлиги, зўравонлиги, "бўйсундириш" каби тоталитар давлатга хос белгилари барҳам топади. Давлатнинг демократик кучи ҳам унинг фуқарога бўлган муносабати билан белгиланади. Шунда халқнинг давлатга нисбатан садоқати юқори бўлади. Халқни итоаткорлик асосида тутиб туриш ва сиёсат олиб бориш, охир оқибатда фақат демократик жараёнларга ҳамда халқнинг жамият бошқаруви жараёнларидан, фаол меҳнат руҳиятидан сўндирибгина қолмасдан, давлатни тобора заиф бир ҳолатга тушиб боришга сабаб бўлади. Бундай давлат, сиёсий режимнинг дунё ҳамжамияти олдида ҳам нуфузи юқори бўлмайди. Фуқароларга эркинлик, демократияни реал таъминлаб бермаган давлат табиатан маърифий бўла олмайди.

Демократик жамиятда эса фуқаролар ўз эркинлиги ва ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Булар: а) аввало, эркин меҳнат фаолиятини танлаш ва уни амалга ошириш; б) давлат ҳокимиятидан ва мустақил бўлган турли институтларда иштирок этиш; в) ижтимоий ҳаёт соҳаларида эркин фаолият кўрсатиш; г) жамият сиёсий-ижтимоий, маданий ҳаётида содир бўладиган ўзгаришлардан хабардор бўлиш, турли фикр ва қарашларга ўз муносабатларини билдиришда эркин бўлиш билан бирга, муайян маъсулиятини ҳам ўз зиммасига олиш орқали амалга ошириб боради. Ўзбекистон мустақиллик туфайли, фуқароларнинг сўз, мажлислар ва виждон эркинлигини ҳам янгича асосларга қўйди. Бу дахлсиз ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятларини миллий қадриятлар ва анъаналар, республиканинг миллий таркиби хусусиятлари, полиэтник давлат талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошира бошлади. Бу ҳар бир инсонга,

унинг миллати, дини, жинси, ижтимоий мавқеидан қатъий назар, фуқаро сифатида ҳам ҳуқуқларини тенг амалга ошириш учун демократик асослар яратиб берилди. Бу Республикада яшаётган ҳар бир фуқаронинг мамлакат сиёсий-ижтимоий ҳаётида эркин фаолиятини амалда таъминлаб бермоқда.

Фуқароларнинг жамиятдаги бошқарув жараёнларида иштирок этиш даражаси, кўп жиҳатдан уларнинг амалга оширилаётган сиёсий жараёнлар, давлат стратегияси мақсадлари ва унинг асосий йўналишларини қандай даражада аниқ тасаввур этишларига бевосита боғлиқ бўлади. Шунда уларнинг фаолияти давлат ва умуммиллат манфаатлари билан уйғун ҳолда намоён бўлади, ҳар бир фуқаро, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини мамлакат озодлиги, унинг истиқболи билан боғлаган ҳолда уйғун кўради. Шунда фуқаронинг бурчи билан эркинлиги ўзаро уйғунлашади. Улар ўз хоҳишлари асосида бировнинг таъзиқида эмас, балки онгли ҳолда демократик жараёнларда иштирок этади. Фуқароларнинг жамиятни бошқаришда иштирок этиши, кенг тушунча бўлиб, у фақат сайловолди компаниясида қатнашиш ёки маълум мансабга эга бўлиб, ижтимоий фаолиятда бўлишидан кўра кўп қирралидир.


Демократик институтлар фаолият кўрсатаётган ҳозирги шароитда фуқароларнинг жамиятни бошқаришда иштирок этиши турли йўналишларда кенгайиб бормоқда. Булар, а) меҳнат жамоаларида (мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар); б) ноишлаб чиқариш соҳаларида; в) таълим-тарбия масканларида; г) маҳаллаларда; д) маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларига сайланиш ва унинг кенгашлари орқали: е) турли ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар ёки ҳаракатлар; ё) жамиятда мавжуд бошқа турли хил носий институтлар орқали жамиятни бошқариш жараёнларида иштирок этади. Булар билан фуқаролар умумдавлат, вилоят, туман ёки қишлоқ даражасида жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти орқали турли инсонлар, ижтимоий-сиёсий гуруҳлар фаолияти билан боғланадилар. Бошқаришда у ёки бу даражада иштирок этадилар. Бунда улар ўз шахсий ҳуқуқларини бошқа шахслар ҳуқуқ ва эркинликлари билан уйғун ҳолда кўриш имкониятига эга бўладилар, уни англаб етадилар. Шахслар жамиятни бошқаришда иштирок этар экан, ўз ҳуқуқларини бошқа шахслар ҳуқуқларига зид ҳолда эмас, аксинча консенсус ҳолатида бўлиш муҳим эканлигини бу жамиятни бошқаришнинг демократик тамойиллар билан мос тушушини тўла ҳисобга олишга қаратилган сиёсий маданиятга эга бўлиб борадилар. Бу умумдемократик ривожланиш қонунлари билан мос тушади. Фуқароларнинг демократик жараёнларда иштироки бу қотиб қолган, ўзгармайдиган бир ҳолат эмас. У доимо ривожланишга мойил ва барча фуқаролар орасида ўзаро ҳамкорлик, келишув ва ўзаро ихтилоfli ҳолатлар содир бўлганда сабр-қаноатли бўлиб, маърифийликни талаб этади. Шунинг учун ҳам фуқароларнинг жамиятни бошқаришдаги фаолиятлари, унинг демократик жиҳатлари инсоннинг табиати билан, турли хил мойиллик хусусиятларидан ажралмаган ҳолда намоён бўлади.

Жамиятни бошқаришда фуқароларнинг иштироки улардан юқори даражада фуқаролик маданияти бўлишни ҳам тақозо этади. Фуқаролик маданияти қанча юқори бўлса, жамиятда демократик жараёнлар шунча ривож

топиб боради. Шунинг учун ҳуқуқий демократик жамиятни қуришни мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон, фуқароларнинг сиёсий онг ва маданиятини оширишни ҳам устувор вазифа қилиб қўяди. Юқсак маънавиятга, демократик жамият қурилишининг муҳим омили сифатида қарайди. Фуқаролар ўзларида юқсак маданиятни шакллантириб, демократия ишига катта маъсулият билан ёндошиб, ўз эрки ва озодликларига янада маъсулият билан ёндошиш зарурлигини чуқурроқ англаб етмоқдалар.

Мамлакатда амалга оширилган ислохотлар натижасида фуқароларнинг давлат ҳокимиятида иштироки жараён сифатида янги мазмун билан бойиб бормоқда. Бу жамиятда вужудга келган хилма-хил демократик институтлар билан бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, бугунга келиб, жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаётида давлат ҳокимиятидан фуқаролик институтларининг вазифалари кенгайиб бораётганлигини кузатамиз. Агар 1991 йилда республикада 95 та ННТ қайд этилган бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг сони 2585 тага етди. 2013 йилда эса 6 мингдан ошиб кетди¹. Бугунги кунда уларнинг сони 8250дан ошганини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда ННТ ривожланиш динамикаси



3. Жамоат бирлашмалари фуқаролик жамиятининг муҳим шарти. Маълумки, истиқлол йилларида миллий кадриятлар, маданий анъаналарни жаҳоннинг илғор демократик тамойиллари билан бойитган ҳолда давлат-жамият ҳамкорлигига татбиқ этишнинг ўзбек модели тажрибаси яратилди. Бугун кўплаб давлатлар давлат ва жамият муносабатларини тартибга солишнинг энг мақбул йўли сифатида қараётган бу амалиёт давлатимиз асосий қонунлари шаклланишидаёқ эътиборга олинди. Хусусан, бош Қомусимизнинг 56 моддасида “Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади²” деб, унинг ҳуқуқий объекти ўз ифодасини топган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

¹Маҳсумов С., Зоҳидова М. Ислохотларга дахлдорлик ҳисси ошиб бормоқда // “Халқ сўзи”, 2013 йил 15 март.

²Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. 2014. 19 б.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди”¹ каби нормаларнинг мустаҳкамланганлиги мамлакатимизда жамоат бирлашмаларининг шаклланиши ва ривожланиши давлат томонидан тўлақонли таъминланганлиги ҳамда унинг органлари билан тенг ҳуқуқда ҳамкорлик қилишини кўзда тутди.

Юртбошимиз “Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти ривожлантириш” Концепцияси юзасидан қилган маърузасида фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш бир қатор қонунларни қабул қилиш билан боғлиқлигини таъкидлаб ўтди. Унда, жумладан, «Ижтимоий шериклик тўғрисида» қонунда давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари муносабатларида бир қатор ўзгаришлар вужудга келади.

Биринчидан, «Ижтимоий шериклик тўғрисида» Қонун бугун мамлакатда ижро этиш билан боғлиқ, асосан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари зиммасида бўлиб келаётган бир қатор вазифалар ва улар бўйича ваколатларга эгалликда давлат – жамият шерикчилигини ифодалайди. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишда уларни лойиҳалаштириш, ташкиллаштириш, тартибга солиш, бошқариш, назорат қилиш бўйича вазифалар ва ваколатларнинг бир қисми фуқаролик жамияти институтлари зиммасига ўтиши бир томондан давлат ва жамият бошқарувини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширса, иккинчи томондан бу фуқаролик жамиятига ўтиш талабларидан бирининг ҳал этилишини ифодалайди.

Иккинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳозирги вақтда ижтимоий-гуманитар муаммоларни таҳлил этиш ва улар бўйича белгиланган тадбирларни амалга оширишда етакчилик қилиб келади.

Учинчидан, давлат тузилмалари ушбу муносабатларга ўз ваколатларида белгиланган меъёрлардан келиб чиқиб ёндашади, фуқаролик жамияти институтларининг эса ўртадаги масалани ҳал этишда иштирок этиш ваколатлари аниқ эмас. Бу ҳолат эса ўз-ўзидан масаланинг бир томонлама ҳал этилиши ёки сансолорликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Тўртинчидан, фуқаролик жамияти институтларининг ўз-ўзини бошқарув механизмлари ва ҳуқуқий ваколатларининг ўзгариши давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари механизми ва ҳуқуқий ваколатларида ҳам таркибий ўзгаришларини вужудга келтиради.

2010 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан қабул қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” кўптармоқли ННТларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш янги босқичининг бошланиш даври бўлди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: Ўзбекистон. 2014. 20 б.

Концепциянинг қоидаларидан келиб чиқиб, бир қатор қонун ҳужжатлари, шу жумладан 2013 йил 28 декабрда “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, ННТлар экологик назоратнинг асосий субъекти сифатида белгиланди.

2014 йилнинг 5 майида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун, шу йилнинг 25 сентябрда эса “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунга кўра ННТларни ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда иштирок этишга самарали жалб қилишнинг ва давлат томонидан рағбатлантиришнинг шаклларида бири сифатида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари орқали ННТлар фаолиятини молиялаштиришнинг янги механизми яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган ПҚ–2085-сонли “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши ушбу соҳадаги қонунчиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Президент қарорини амалга ошириш мақсадида 2014 йил 10 мартда 57-сонли Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Юқорида қайд этилган қонун ҳужжатларига кўра ННТларни тузиш ва фаолиятини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари янада такомиллаштирилди ва сезиларли даражада соддалаштирилди, хусусан:

1. ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи ставкалари миқдори 5 бараварга, уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимлар миқдори 2,5 бараварга камайтирилди. Бунда ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ва болалар жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи мазкур қарор билан тасдиқланган давлат божи миқдорининг 50 фоизи миқдорида ундирилади;

2. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ННТнинг алоҳида бўлинмалари (ваколатхоналари ва филиаллари)ни, шу жумладан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлганларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун давлат божи ундирилмайди;

3. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати икки ойдан бир ойга камайтирилди;

Тақдим этилган аризаларни оқибатсиз қолдириш тўғрисидаги қарор қабул қилиш институти чиқариб ташланди;

4. Таъсис ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби соддалаштирилиб, ҳужжатларни нотариал тасдиқлаш талаби бекор қилинди, шунингдек, эндиликда таъсис ҳужжатлари аввалгидек уч нусхада эмас, балки фақат икки нусхада ва фақат давлат тилда тақдим этиладиган бўлди;

ННТни қайта рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим қилиш тартиби соддалаштирилди ва ҳ.к.

5. Ҳужжатларни нотариал тасдиқлашни бекор қилиш, ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш муддатининг қисқартирилиши каби ижобий ўзгаришлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381 Қонунида ҳам ўз аксини топди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги қарори билан Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирларрежаси тасдиқланди.

1. Давлат бошқаруви органлари томонидан ННТларнинг миллий қонунчилик ва халқаро шартномаларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши масалаларига муҳим аҳамият берилди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сонли қарорига кўра ҳар чорақда ННТнинг раҳбар органлари томонидан қабул қилинган қарорларини адлия органларига тақдим қилиш амалиёти бекор қилинди.

3. ННТларнинг фаолияти шакл-шубҳасиз турли хил тадбирларни ўтказиш орқали эришиладиган ҳайрия ва ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга йўналтирилган. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, қонунчиликда шунингдек ННТлар томонидан тадбирлар ўтказиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган тегишли ижобий чоралар кўрилди.

4. Хусусан, 2015 йилнинг 4 июнида Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан (рўйхат рақами 2679) Нодавлат нотижорат ташкилотлари тадбирларини келишиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. ННТларнинг тадбирларини келишишнинг ҳуқуқий белгиланиши аввал ҳам мавжуд бўлганлиги сабабли ушбу низом янгилик ҳисобланмайди. Мазкур низомнинг асосий вазифаси ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир хилликни таъминлашдан иборат.

5. ННТлар фаолиятининг эркинлигини кафолатлаш ва тадбирларни ҳеч қандай тўсиқларсиз ўтказилишини таъминлаш мақсадида, низомда қонун ҳужжатлари ва ННТ уставида белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб ўтказилаётган тадбирларга адлия органлари вакилининг ноқонуний аралашувиغا йўл қўйилмаслиги, шунингдек ННТнинг рўйхатдан ўтказувчи органнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи алоҳида белгилаб ўтилган.

ННТлар фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликдаги ижобий ўзгаришларга объектив назар ташланса, мазкур маърузанинг ҳулосаси сифатида шуни қайд этиш мумкинки, уларнинг барчаси:

- **биринчидан**, фуқаролик жамияти институтларининг муҳим давлат қарорларини қабул қилишдаги ўрни ва таъсирини кучайтириш;

- **иккинчидан**, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг фаровонлигини, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланишини юксалтириш;

- **учинчидан**, ННТларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга йўналтирилган комплекс чораларни амалга ошириш, ННТлар ва бошқа фуқаролик институтларини институционал ривожлантириш, уларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга йўналтирилганлигини таъкидлаш мумкин.

4. Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг тадрижий ривож ва ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида кўппартиявийликни шакллантиришга қаратилган ислохотлар жамиятда демократик тараққиётнинг келгусидаги истиқбол ривожини белгилаб беришда катта аҳамият касб этди. Бу борада 1991 йилнинг 15 февралда "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамиятини барпо этиш ғоясининг дастлабки ҳуқуқий пойдевори бўлди. Қонуннинг аҳамияти шундаки, унда жамоат бирлашмаларининг давлатдан мустақил фаолият юритадиган тузилма эканлиги, улар фаолиятига мансабдор шахсларнинг аралashi мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Айнан шу қонунда биринчи бор сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг мамлакат тақдиридаги масъулияти давлат ташкилотларига тенглаштирилди.

Ўзбекистонда Президент сайловлари биринчи бор (1991 йил декабрь) ташкилий уюшқоқлик, сиёсий ҳамжихатликда муқобиллик асосида ўтказилди. Бу сайловларнинг тарихий ва сиёсий аҳамияти шундан иборатки, у миллий заминимизда илк бор демократиянинг асосий талабларидан бири сиёсий ҳокимият лигитимлигини таъминлади. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши биз танлаган демократик йўлнинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Конституциянинг XIII бобида республикада ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш ва бунда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топди. Жумладан, Конституциянинг 60-моддасида "сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар" деб сиёсий партияларнинг ваколатлари белгилаб берилди. Айти пайтда, 57-моддада "Конституциявий тизимни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилувчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти таъқиқланади" деб уларнинг масъулияти ҳамда жавобгарлиги кўрсатилди.

Дастлабки ислохотлар ривож ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши билан 1991 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Халқ демократик партиясига асос солади. Ўзбекистонда айрим мамлакатлардаги "демократия"дан фарқли ўлароқ, ўз фуқароларини янги демократик жамият қуриш йўлига сафарбар

килиши мумкин бўлган сиёсий ташкилот моҳиятан бутунлай бошқа тузилмага айланди.

Бозор иқтисодиёти ва демократик жамият куриш борасидаги ислохотлар, мулкчилик муносабатларининг чуқурлашуви жамиятда бу жараёнлар ифодачиси ва бундай манфаатларни уйғунлаштирувчи ҳаракатга бўлган эҳтиёжни тақозо эта бошлади. Шу тариқа, 1994 йил 24 майда "Ватан тараққиёти" партияси вужудга келиб, у ўз дастурида асосан ишбилармон, тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириб, мамлакатимиз имкониятларини тўла юзага чиқариш ва шу йўл билан Ўзбекистон халқининг фаровон турмушга эришмоғини таъминлаш, эркин бозор муносабатлари асосида мамлакатни жаҳоннинг ривожланган давлатларидан бирига айлантириш каби ғояларни илгари сурди. "Ватан тараққиёти" партияси 2000 йилга келиб ўз мақсади ва вазифалари билан яқин бўлган, 1998 йил 28 декабрда ташкил топган Ўзбекистон Фидокорлар Миллий Демократик партияси билан бирлашди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг ривожланишида ўзига хос воқеа бўлди. Фидокорлар партиясининг вужудга келиши жамиятдаги сиёсий тараққиёт натижаси бўлиб, ислохотчилик ғояларини рўёбга чиқаришда жамиятнинг шижоаткор, тадбиркор ва ёш қатлам кучларини ифодалашга бўлган интилиш сифатида намоён бўлди.

Одамлар ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, янги турмуш тарзи, баъзан унинг мураккаб ижтимоий муносабатлари ватанпарварлик, бағрикенглик, юрт тинчлиги, социал адолат, фикрлар хилма-хиллиги каби масалаларни тобора устувор вазифага айлантирди. Бу ўзгаришлар Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг (1995 йил 17 февралда) ташкил топишига ижтимоий шароит яратади. Партия низомига мувофиқ мустақилликни мустаҳкамлашнинг бош масаласи сифатида инсоннинг озод бўлиши, унинг имкониятларини йўналтириш, фуқароларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини, бурчларини таъминлаш, барча миллатлар ва халқларни, жамоат ташкилотларини бирлаштирадиган етакчи куч – ҳуқуқий демократик давлат ғояларини илгари суриш унинг бош мақсади этиб белгиланди. Шу ғояларга ҳамоҳанг Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси 1995 йилнинг 3 июнида ташкил топиб, дастурий мақсадлари миллатнинг маънавий бирлиги, Ватан – ягона оила, кучли демократик давлат, миллий қадриятлар, илмий-техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интеграция, замон кишиси, миллий истиқбол каби ғоялар партия фаолиятининг мазмун-моҳиятини ташкил этди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, кўппартиявийлик тизимини такомиллаштиришда 1996 йилнинг 29-30 августидан бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг VI сессияси янги бир даврни бошлаб берди, дейиш мумкин. Президент Ислам Каримовнинг "Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари тўғрисида"ги маърузаси жамиятга янгича демократик руҳ бағишлади. Маърузада ҳақиқий демократиянинг зарур ва қонуний белгиси бўлган туб маънодаги

кўппартиявийликни шакллантириш учун жамият сиёсий тизимини янгилашнинг назарий асослари белгилаб берилди.

Мамлакатда бозор иқтисодининг ривожланиши, молиявий инфраструктура тизимининг қарор топиши, ишлаб чиқаришнинг такомиллашуви, хусусий мулкдорлар қатламининг ўсиши натижасида жамиятда янги сиёсий қатлам вужудга келди. Бу қатлам жамият ривожини модернизация қилишга қодир бўлган ишбилармонлар ва тадбиркорлар эди. Улар инновацион ғояларни умумлаштирадиган, ўз мақсадларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштирадиган сиёсий бирлашманинг вужудга келишига замин яратади. Шундай қилиб, 2003 йил 15 ноябрда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Лебирал Демократик партиясига асос солинади.

Собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизими сиёсатининг оқибатида атроф-муҳитга беписанд муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан ваҳшиёна фойдаланиш оқибатида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг генофондига салбий таъсири, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, катта ҳажмдаги саноат ва бошқа тур чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, чўлланиш, ер ва сув ресурсларининг деградацияси, Орол денгизи ҳалокати каби минтақавий ва глобал миқёсда ечилиши зарур бўлган экологик муаммолар ўз ечимини кутиб ётган эди. Айнан шу каби муаммоларни ҳал этишга қаратилган сиёсий куч сифатида 2008 йилнинг 2 августида Ўзбекистон экологик ҳаракати ташкил этилади. Таъкидлаш лозимки, ташкил топган ҳар бир сиёсий ташкилот ва мазкур Ҳаракат давр ва ижтимоий шароит тақозоси ва жамият талаблари асосида вужудга келганлигини кузатамиз. Яъни, унда ўзиб ҳам, ортда қолиб кетмаслик - бу эволюцион йўлнинг шарти.

Мамлакатда кўппартиявийлик тизимининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда сайлов институти ва уни ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар алоҳида ўрин тутди. 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида", 1994 йил 5 майда қабул қилинган "Вилоят, туман, ва шаҳар халқ депутатлари кенгашига сайловлар тўғрисида"ги ва "Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар негизида Олий Мажлисга демократик ва кўппартиявийликка асосланган илк сайловлар 1994 йил 25 декабрда ўтказилиши ўзбек парламентаризми тарихида янги даврни очиб берди.

Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг қарор топиши ва сиёсий партиялар такомиллашувида 1996 йил 25 декабрда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонун катта аҳамиятга эга бўлди. Қонун 17 моддадан иборат бўлиб, унда сиёсий партияларнинг демократик қонунлар асосида фаолият юритишлари учун етакчи ва илғор мамлакатлар мезонлари талабларидаражасидаги ҳуқуқий асослар киритилди. Масалан, қонуннинг 12-моддасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилган. Ушбу қонун сиёсий партияларни тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиши, партияга аъзолик, партия фаолиятининг кафолатлари, унинг уставини рўйхатга олиш, партияларнинг мулкий муносабатларига доир

барча ҳуқуқий мақомларининг мужассамлашгани Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимини қарор топтиришда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг тадрижий ривожини шундан далолат бермоқдаки, мустақиллик йилларида мамлакатда демократик сайловларнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва сайловлар тўғрисидаги қонунлар ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Шу билан бирга, сайлов кампаниялари даври сиёсий партиялар учун сиёсий кенгликлар сифатида фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлари юксалишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Ўзбекистонда ҳокимият бўлиниши тамойилларига амал қилган ҳолда 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси икки палатали парламент тизимига ўтказилди. Бундай ўзгариш тўғрисидаги қарор мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги саҳифани очиб берди. Унинг натижаларига биноан Олий Мажлиснинг VIII сессиясида «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонун қабул қилинди. Бу ҳужжатлар асосида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар Олий Мажлис палаталарининг мақомини, уларни шакллантириш тартибини, ваколатларини, ўзаро ҳамда бошқа ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш механизмларини аниқлаб берди. Амалга оширилган ислохотлар натижасида ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанатнинг ташкил этилиши таъминланди. Қонун чиқарувчи вакилларнинг нафақат масъулияти, балки профессионал даражаси ошди. Худудий манфаатлар ва уларнинг аниқ ҳимоячилари вужудга келди. Ҳокимиятнинг монопол ва маъмурий усулидан ўзаро тенг ҳамкорлик механизмлари яратилди. Ижро ҳокимияти устидан депутат назорати қонунга мувофиқ ўрнатилди. Сенатор ва депутатни чақириб олиш, айти пайтда, унинг мақоми тўғрисида қонунлар қабул қилинди.

2006 йил 9 ноябрда қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун бу йўлда ташланган дастлабки қадамларнинг табора кенгайишига шароит яратди. Унга мувофиқ Халқ депутатлари вилоят, шаҳар кенгашларидаги сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари билан маслаҳатлашиб, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Президент томонидан халқ депутатлари Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Бунда ҳоким фаолиятини назорат қилиш ва қониқарсиз деб топилган ҳолларда вазифасидан озод қилиш бўйича тавсия киритиш ҳуқуқлари берилди. Мазкур концепция конституцион қонуннинг узвий давоми, уни ривожлантирувчи кейинги босқич сифатида такомиллашиб келаётганлигини кузатамиз. Бу ўз ўрнида Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг бевосита иштирокининг ошишига олиб келди.

Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма

мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида давлатимизнинг яқин ва узоқ истиқболига мўлжалланган эволюцион ривожланишнинг мантикий давоми бўлиб, бу янги бир даврни бошлаб берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши демократик ислохотлар йўлидаги ҳаракатларимизнинг изчиллигини яна бир бора тасдиқлайди. Бунда сиёсий партияларнинг ҳокимият учун курашиш ва уларни шакллантириш борасидаги фаолиятлари учун жамиятда реал сиёсий майдоннинг ҳуқуқий асослари яратилади. Айни пайтда, сиёсий партиялар ўз дастурий вазифаларини амалга оширишда партиялараро рақобат муҳитининг янада кучайишига, соғлом сиёсий муҳолифатларнинг вужудга келишига ҳамда демократик ислохотларни янада чуқурлатиришга хизмат қилади.

Мазкур Концепциянинг 5-бўлими фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга бағишланди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда, бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни, эркинлик ва қонунга бўйсуниб бир вақтнинг ўзида амал қилади”¹.

5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари

Маҳалла институти бир неча асрлик қадимий тарихга эга бўлсада, унинг ҳуқуқий асослари яратилган ва жамият бошқарувида ўзига хос ваколатларга эга бўлган даври - мамлакатимизнинг мустақилликка эришган даври ҳисобланади.

Чунки, мустақил Ўзбекистоннинг бош қомуси – Конституциясининг 105-моддасига маҳалла институти ҳақида қоидалар киритилиб, унинг ваколат муддати белгилаб берилди².

Конституцияда белгилаб берилган ушбу қоидалар асосида 1993 йил 2 сентябрда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш тартиблари, ваколат доираси ҳамда фаолияти соҳасидаги муносабатлар тартибга солинди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 173-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: Ўзбекистон. 2014. 60 б.

Бу жараёнда бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ҳам кўплаб ваколатлар ўтказиб борилди. Бу эса амалдаги Қонунни янада такомиллаштириш, фуқаролар йиғинларига берилган ваколатларни амалга ошириш механизмларини қонун билан тартибга солиш заруратини келтириб чиқарди. Шу боис “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун 1999 йил 14 апрелда янги таҳрирда қабул қилинди.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)ни сайлаш жараёни ҳам фуқаролар йиғини фаолиятини самарали ташкил этишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланиб, ушбу жараёни янада тартибли ўтказиш, унинг аниқ меъёрларини жорий қилиш мақсадида 2004 йил 29 апрелда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун билан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг асосий принциплари, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиб қоидалари ҳамда номзодларга қўйиладиган талаблар кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, Концепциянинг 5-йўналишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этаётганлиги қайд этилиб, бу вазифани ҳал қилишда урта асосий масала кўрсатиб берилди. Булар:

I. Аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш.

II. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги функцияларини янада кенгайтириш.

III. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хусусий тадбиркорлик, шу жумладан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш.

Концепция ижроси юзасидан 2013 йил 22 апрелда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунда фуқаролар йиғинларига тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфатларига риоя этилиши ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича қўшимча ваколатлар бериш назарда тутилди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалари янада чуқурлаштирилиб, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни

аниқлаш, фуқароларнинг бандлигига кўмаклашиши ҳақидаги нормалар киритилди.

Мазкур Қонуннинг 18-моддасида фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича 8 та комиссиялар тузилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, тегишли ҳудуддаги муаммоларнинг долзарблигига қараб, фуқаролар йиғини томонидан фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар ҳам тузилиши мумкин.

Ушбу комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш орқали маҳалланing жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 274-сонли қарори билан юқоридаги комиссияларнинг намунавий Низомлари тасдиқлаб берилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда қадимий ва ноёб бошқарув шакли бўлган маҳалла институтини ҳар томонлама ривожлантиришга, унинг ваколатларини янада кенгайтиришга ҳамда қонунчилик тизимида белгилаб берилган ваколатлардан янада самарали фойдаланишга кўмаклашиш борасида олиб борилаётган амалий тадбирлар натижасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Назорат саволлари:

1. Фуқаролик жамияти институтлари тўғрисида нималарни биласиз?
2. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиш жараёни қандай кечмоқда?
3. Мамлакатимизда партиявий тизим қандай ривожланмоқда
4. Мамлакатимизда партиявий тизимнинг ҳуқуқий асоси?
5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

Тест саволлари:

1. Республикамизда нодавлат ноижорат ташкилотларига оид қандай уюшма мавжуд?

- A. ННТ Миллий ассоциацияси.
- B. ННТ Миллий корпорацияси.
- C. ННТ Миллий қўмитаси.
- D. ННТ Миллий иттифоқи.

2. Фуқаролик жамияти шаклланишига нималар асос қилиб олинди?

- A. Адолат тамойилларига изчил риоя қилиш қоидаси.
- B. Турли динларнинг эркин фаолият юритиши.
- C. Хорижий мамлакатлар билан яқин алоқалар.
- D. Инвестицияларни кўпроқ жалб этиш.

3. Фуқароларнинг қасаба уюшмасига аъзобўлиши қайси ҳуқуқ ва эркинликлар гуруҳига киради?

- A. Шахсий.
- B. Сиёсий.
- C. Меҳнат.
- D. Иқтисодий.

5. Фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?

- A. Жамоатчилик фикри асосида бошқариш йўлга қўйилиши.
- B. Қонун асосидаги бошқарувнинг сусайиши.
- C. Давлат назоратининг кучайиши.
- D. Қонун асосидаги бошқарувнинг кучайиши.

6. Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини таъқиқлаб ёки чеклаб қўйишга қайси орган ваколатли ҳисобланади?

- A. Олий Мажлис қарорига мувофиқ.
- B. Суд органлари қарорига мувофиқ.
- C. Прокуратура органлари.
- D. Адлия органлари қарорига кўра.

7. Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар қандай вазифаларни бажарувчи демократик институт сифатида намоён бўлишлари мақсадга мувофиқ?

- A. Халқ билан ҳокимиятни боғловчи бўғин сифатида.
- B. Ўз манфаатларини амалга оширувчи восита сифатида.
- C. Давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи бўғин сифатида.
- D. Маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилувчи восита сифатида.

8. Ижтимоий фикр ва ҳуқуқий маданиятни шакллантирувчи демократик институтлар жумласигақуйидагилардан қайси бири киради?

- A. Оммавий ахборот воситалари.
- B. Давлат.
- C. Телекўрсатувлар.
- D. Фуқаролар йиғини.

9. Фуқаролар сиёсий жараёнларда қандай равишда иштирок этадилар?

- A. Бевосита ва билвосита.
- B. Тўғридан-тўғри.
- C. Яширин равишда.
- D. Муҳолиф сифатида.

10. Ўзбекистонда бугунги кунда қанча ННТ мавжуд?

- A. 8200 дан ортиқ.
- B. 8400 дан ортиқ.
- C. 9000 дан ортиқ.

D. 10000 дан ортиқ.

11. Ўзбекистонда бугунги кунда нечта диний конфессия ва диний ташкилотлар фаолият олиб бормоқда?

A. 16 та диний конфессия ва 2000 дан ортиқ диний ташкилот.

B. 14 та диний конфессия ва 2200 дан ортиқ диний ташкилот.

C. 10 та диний конфессия ва 1700 дан ортиқ диний ташкилот.

D. 9 та диний конфессия ва 1500 дан ортиқ диний ташкилот.

7-МАВЗУ: ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛИ

Режа:

1. Қонун устуворлиги тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Қонун устуворлигини таъминловчи асосий шартлар.
3. Жиноий жазоларни либераллаштириш – қонун устуворлигининг муҳим шарти.
4. Қонун устуворлиги тамойилининг Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишидаги аҳамияти.
5. Қонун устуворлиги инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати

Таянч сўзлар: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун устуворлиги, ҳуқуқ ва эркинликлари, жиноий жазоларни либераллаштириш, ҳуқуқий онг ва маданият, ҳуқуқий давлат, ҳокимият тармоқлари, сайлов, сайлов ҳуқуқи, адолат, суд-ҳуқуқ тизими.

Қонун устуворлиги тушунчаси ва унинг моҳияти

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш – Ўзбекистоннинг пировард мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз... Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини камраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт”¹.

Дарҳақиқат, адолат тушунчаси билан қонун устуворлиги тушунчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганидек, қабул қилинаётган қонунларимиз замирида адолат ётиши даркор. Адолатга асосланган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши адолатнинг тантана қилишига олиб келади.

Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири - жамият аъзоларининг қонун олдида тенглигининг, Конституция ва қонунларнинг тенглигининг таъминланганлигидир. Шунингдек, Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим.

“Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 10-б.

қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади”¹. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси – жамият ҳаётида чинакам қонун устуворлигини таъминлаш - ҳар қандай давлат учун, хусусан ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистон учун ҳам жуда муҳимдир.

Қонун устуворлигининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III боб, 15- ва 16-моддаларида белгилаб қўйилган. Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар” дейилган.

Қонун устуворлиги тушунчасининг моҳияти Президентимиз Ислон Каримовнинг бир қатор асарларида чуқур таҳлил қилинган.

“Қонун устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутди. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонуннинг устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ ва нормаларни бузганлиги учун жавобгар бўлади”², - деб таърифлайди, - И.Каримов.

Қонун устуворлиги - демократик жамият барпо этишнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, адолат мезони ҳисобланади. Чунки, қонун устуворлиги таъминлансагина адолат қарор топади, инсонлар миллати, тили, урф-одати, анъанаси, қадриятлари, диний эътиқоди, жинси, ижтимоий аҳволи қабиладарда тенгликка эришадилар. У мамлакат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида барқарорлик таъминланишининг асоси ҳисобланади. Қонун оёқ ости қилинган мамлакатда талон-торожлик, тенгсизлик, адолатсизлик, зўравонлик ва бошқа бир қатор салбий ҳолатлар юзага келади. Ана шунинг учун ҳам қонун устуворлиги умуминсоний қадрият даражасига кўтарилган. Қонун билан яшашни миллат вакилларининг дунёқарашига айланишига эришиш, миллий ривожланишнинг муҳим йўналишини ташкил қилади.

Аммо у осон иш эмас. Чунки, демократик жамиятга ўтиш жараёнида иқтисодий соҳада вужудга келадиган муаммолар оддий инсонлардан тортиб, то мансабдор шахсларгача қонунни четлаб ўз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳаракатлар қилиш жараёнини вужудга келтиради. Бу салбий жараёнларнинг олдини олмаса жуда нохуш ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2002, 28-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.321.

Қонуннинг устуворлиги ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас тамойилларидан биридир. Қонунга оғишмай итоат этилган жамиятдагина демократия қарор топади ва янада мустаҳкамланади. Қолаверса, барча демократик институтлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари қонун воситаси билан жорий этилади. Қонунда халқнинг иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўзининг ифодасини топади. Қонунга итоаткорлик – бу юксак маданиятлилик, маънавиятлилик, маърифатлилик белгисидир. Қонунга итоаткорликни инсоннинг унга кўр-кўрона бўйсунуши маъносида тушунмаслик лозим. Қонуннинг мақсад ва вазифаларини, маъноси-ю, инсонпарварлик аҳамиятини онгли равишда тушуниб олиш, унга ихтиёрий риоя қилишга ва унинг асосида фаолият юритишга ёрдам беради.

Қонунларга қатъий риоя этилиши жиноятчиликнинг олдини олишнинг, қонун бузилишига йўл қўймасликнинг зарур шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қонуннинг кучи, обрўси, таъсири, амалий аҳамияти ҳаётда унинг ҳалол, ҳақиқий, одилона татбиқ этилишидадир. Агар қонун ижрочилари бурчлари ва масъулиятларига ҳолисона одилона ёндашиб, тўғри йўлдан тоймай Ватан, давлат манфаати ва тақдирини ўзлари учун олий мақсад деб ҳисоблаб қонунларни турмушга адолатли қўлласалар, бундан давлат ва жамият ҳам, халқ ҳам наф кўради.

“Қонун – ижроси билан кучли” – деган иборага урғу берадиган бўлсак, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида қонунларни ижро этишда ҳалоллик ва адолат асосида иш юритиш мутасаддилар учун асосий мақсад, жамият, халқ ва Ватан олдидаги буюк инсоний бурч, юксак масъулият бўлмоғи лозим.

Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жамиятда қонуннинг ҳукмронлигини қарор топтиришни тақозо этади. Чинакам ҳуқуқий давлат барпо этмоқ учун мамлакатда адолатли, инсонпарвар демократик қонунлар тантана қилмоғи лозим. Қонуннинг олийлиги давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас принципларидан биридир. Ижтимоий сиёсий турмушда қонун муқаддас саналиб, унинг юксак нуфузга эга бўлишининг боиси шуки, унда халқнинг иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўзининг ифодасини топади.

Шуниси диққатга сазоворки, мамлакатда бозор муносабатларига ўтишнинг Ўзбекистон Президенти И. Каримов томонидан эълон қилинган беш принципи орасида қонуннинг ҳамма нарсадан устун бўлиши ва қонунга итоаткорлик принципи алоҳида ўрин тутади. “Чинакам демократик жамиятда Президент ҳам, оддий фуқаро ҳам қонунга риоя этади. Бошқа иложи йўқ”¹.

Демократик жамиятда қонун устуворлиги тамойилининг аҳамияти жуда муҳимдир. Чунки Президентмиз И.А. Каримов айтганларидек, «ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, кўзи ҳам, ўзи ҳам, қалқони ҳам - қонундир»².

Демократик жамиятда қонун устуворлиги авваламбор демократияга хос бўлган хусусиятларни амалга оширишни таъминлайди, яъни бошқача қилиб

¹ Каримов И.А. “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг”. –Т.: Ўзбекистон, 1993, 22-б.

² Х. Бобоев, З. Ғофуров, З. Исломов. "Миллий истиклол мафқураси ва таракқиёт". –Т.: Янги аср авлоди, 2001. 115-б.

айтганда, қонун белгилаган ҳар бир нарса мажбурий ёки таъқиқлов характериға эға ва ушбу қоида жамиятда истиқомат қилувчи барча шахсларға тааллуқлидир. Яъни бу ердан шундай тушунча вужудға келади, барча қонун олдида баробардир.

Қонун устуворлигининг аҳамияти ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбор, халқнинг манфаатлари, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар, давлат ишини ташкил этиш ва шунга ўхшаш бошқа масалаларда муҳим аҳамиятға эға.

Қонун устуворлигига эришиш учун авваламбор уларни қабул қилиш жараёнида пухта ва мукамал қилиб, жамиятда келажакда узоқ вақт ўз фойдасини бера оладиган даражада ишлаб чиқиш лозим. Бундан ташқари қонунларни қабул қилиш жараёнида шуни эътиборға олиш лозимки, яъни жамият, халқ ушбу қонунға эҳтиёж сезаяптими ёки йўқми. Айнан шу масала ҳам қабул қилинадиган қонуннинг ҳаётда қай даражада жамиятға наф келтириши келтирмаслигини белгилаб беради.

Қонун устувор бўлган жамиятда норозиликлар ҳам бўлмайди, чунки барча соҳа вакиллари қонун асосида фаолият юритар экан норозилик ва тушунмовчиликнинг ўзи бўлмайди. Қонунларнинг устуворлиги жамиятдаги барча фуқаролар учун шу жумладан, давлат хизматида ишловчи шахслар учун, шунингдек жамиятдаги барча соҳаларға тааллуқли бўлганлиги унинг янада мукамал тус олишиги олиб келади. Қонун устуворлиги ҳақида сўз юритганда унинг устуворлигини таъминловчи давлат органлари ҳақида ҳам унутмаслигимиз лозим. Чунки қонун қабул қилинишининг ўзи бу унинг жамиятда ўз-ўзидан устувор хусусиятға эға дегани эмас, бунинг учун давлат органларининг бу борада хизматлари ва меҳнатлари талаб этилади.

Қолаверса, қонунларға итоат қилишда, унинг ижросини таъминлашға масъул бўлган кишилар ҳар доим оддий фуқароларға “эталон” бўлишлари лозим бўлади. Улар томонидан қонунларнинг бузилишиға қаратилган ҳар бир кичик хатти-ҳаракатлар нафақат умумий тараққиётға, шунингдек фуқароларнинг ҳокимиятға ишончининг барбод бўлишиға олиб келади. Шу маънода ҳам қонун устуворлигини таъминлашда фуқароға қараганда унинг ижроси учун масъул бўлганлар кўпроқ етакчилик қилишлари талаб этилади. Қонунларнинг ҳар қандай шахс, гуруҳ, сиёсий кучлар ёхуд ижтимоий табақалар манфаатларидан устун бўлишини реал таъминлаш орқалигина демократияни ривожлантириш, унинг жамиятда амал қилишиға эришиш мумкин бўлади. Унинг амал қилиши ҳар иккала ҳокимият ва фуқаро манфаатларига мос келади.

2. Қонун устуворлигини таъминловчи асосий шартлар.

Ҳуқуқий демократияға асосланган жамиятда қонун устуворлиги принципини таъминловчи асосий шартлар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, ҳокимиятлар бўлиниши принципининг реал жорий этилганлиги. Бу принципға кўра қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўғинлари ўзларининг Конституцияда ва қонунда белгиланган ваколатлари доирасида фаолият юритадилар.

Конституция ва қонунларга нафақат фуқаролар, уни қўлловчи давлат идоралари ва мансабдор шахслар ҳам, шунингдек, қонунларни яратувчи ҳокимият органи ҳам итоат этишга мажбур. Ҳокимиятларнинг оқилона тақсимланиши давлат тузилмаларининг самарали ишлаши, суистеъмолларнинг бартараф этилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари амалда таъминланиши, умуман, демократия ва қонун устуворлигининг муҳим гаровидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг биринчи бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституция ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир. Президент ўз фармонлари ва ҳуқуқий қарорлари билан Конституциявий тамойилларнинг қонунларда мустаҳкамланган қоидаларининг ҳаётга тўла жорий этилиши учун йўл очади, тегишли ҳуқуқий механизмларни яратади. Президентнинг ўзи қонунларга қатъий амал қилиши билан давлат идоралари ва мутасадди шахслар учун ибрат, намуна кўрсатиб, уларни ҳам Конституция ва қонунларга оғишмай риоя этишга сафарбар этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2002 йилнинг 4 январида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида” фармойиш қабул қилинганлиги жамиятда аҳолининг ҳуқуқий билимдонлиги ва маданиятини ошириш билан бирга Конституциянинг мавқеи ва нуфузини кўтаришга қаратилган сиёсий-ҳуқуқий тадбирдир.

Учинчидан, жорий қонунлар ва барча норматив ҳуқуқий актлар Конституцияга тамомила мос ва унга мувофиқ яратилиши лозим. Бу эса мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот, тараққиёт ва барқарорлик ҳукм суришига олиб келади.

Асосий қонунимизнинг 16-моддаси иккинчи бандида “Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас” деб қатъий қилиб белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ана шу муҳим Конституциявий-ҳуқуқий принциpga риоя этишни таъминлашга интилиб келмоқда.

Конституциянинг устуворлигини таъминлаш учун алоҳида муҳофаза механизми бўлишини тақозо этади. Бундай механизмнинг асосий ва марказий бўғинини – Конституциявий суд ташкил этади. Конституциявий суд ўз вазифаларини бажаришда мустақилдир ва ўз фаолиятида фақат Конституция нормалари ҳамда қоидаларига амал қилади. Унинг зиммасига қонун чиқарувчи, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни назорат қилиш вазифаси юклатилган. Конституцияга содиқлик, мустақиллик, ошқоралик ва судьялар ҳуқуқлари-нинг тенглиги Конституциявий суд фаолиятининг асосий принципларидир.

Тўртинчидан, қонун устуворлигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи воситалардан бири кодекслаштиришдир. Кодекслар ҳуқуқ тармоғининг бош қонуни сифатида Конституция принципларини ривожлантириш йўлида

яратилади ва улар конституция, конституциявий қонунлардан кейинги мақени эгаллайди. Кодекслар ўзининг мантиқий мукамаллиги, пишиқлиги, ички барқарорлиги ҳуқуқий қоидаларга амал қилганлиги туфайли кодекс нормалари ҳаётда ўзининг амалини осон топади.

Бешинчидан, қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий омилларини қуйидагича эътироф этиш мумкин:

- қонун чиқарувчи жараёни муттасил демократлаштириб бориш – инсонпарвар, адолатли халқчил қонунлар яратилишининг гаровидир;

- қонуннинг сифатини мукамаллаштириш, унинг ички механизми пухта, юридик техника нуқтаи назаридан бенуксон бўлишига эришиш;

- қонунчиликни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришда “қонунда таъқиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилади” (фуқаролар учун). “Фақат қонунда мустаҳкамланган нарсаларгагина рухсат берилади” (мансабдор шахслар ва давлат идоралари учун) деган принципга қатъий амал қилинишига эришиш;

- қонунчилик фаолиятининг яқин йиллар ва истиқболга мўлжалланган стратегиясини ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш концепциясини яратиш;

- қонунлар амал қилишининг ижтимоий механизмга эътибор қаратиш. Бу соҳадаги ижтимоий омиллар (таъсир этувчи кучлар, воситалар) ни синчиклаб ўрганиш;

- аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш.

Олтинчидан, қонун ости, идоравий норматив ҳужжатларга ҳаволалар, яъни иловалар (шиор ва декларациялар тарзидаги нормалар) кўп бўлишининг олдини олиш зарур. Бундай иловалар ҳаддан зиёд кўп бўлиши кейинчалик амалиётда қонун четда қолиб, унинг ўрнини идоравий ҳужжат эгаллаб олиши билан қонун устуворлигига зиён етиши хавфини келтириб чиқаради.

Еттинчидан, қонунларнинг барқарор ва устувор бўлишига эришиш. Уларга тез-тез қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, пировард натижада қонуннинг аҳамияти ва нуфузи тушиб кетишига олиб келади.

Саккизинчидан, жинсий тенгқўлликни либераллаштириш қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланадики, биз мавзунини баён қилиш жараёнида бунга алоҳида тўхталамиз.

Тўққизинчидан, Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлашда прокурор назоратининг роли катта. Прокурорлик назорати фаолиятида қўлланиладиган тақдимнома, амрнома, огоҳнома, қарор ва аризаларнинг сифати ва таъсирчанлигининг янада юқори бўлишида 2001 йил 29 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда кўзда тутилган қонунийлик, одиллик, мустақиллик ва ошкоралик принциплари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Бундан мақсад, халқимиз ҳам, прокуратура ходимлари ҳам ушбу тамойилларни аниқ тасаввур этишлари керак. Ҳолбуки, фуқаролар ҳар бир прокуратура ходимидан ушбу тамойилларни рўёбга чиқаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Прокурорлик назорати олиб бораётган прокурорлар эса ўз фаолиятида шу принципларга оғишмай риоя этиши шарт.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш учун комплекс ташкилий ҳуқуқий қафолатлар яратилди. Албатта, конституциявий ҳуқуқий қафолатлар ва юридик механизмларни муттасил такомиллаштириб, уларнинг самарадорлигини ошириб бориш лозим. Шу ўринда Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлашнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий, руҳий қафолатлари ҳам мавжудлигини эсдан чиқармаслик лозим.

3.Жиноий жазоларни либераллаштириш – қонун устуворлигининг муҳим шарти.

Мустақилликка эришгандан кейин Президент Ислоҳ Каримов томонидан инсонпарварлик, адолатпарварлик ғояларига асосланган жиноят, жиноят процессуал қонунларини такомиллаштиришга, жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари Олий Мажлисга киритилди. Уларнинг қабул қилиниши эса мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Айниқса, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида жиноий жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш борасидаги сайъ-ҳаракатлар муҳим ўрин тутди. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш тўғрисида Президентимиз “Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала – бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир”¹ деганда айнан шу ҳаракатларни назарда тутган эди.

Маълумки, 1995 йилгача амал қилган Жиноят Кодексида 33 та жиноятга ўлим жазоси қўлланилар эди. Кейинги Жиноят Кодексида эса уларнинг 13 таси сақланиб қолди, яъни 20 та турдаги жиноятдан ўлим жазоси олиб ташланди. Жумладан, аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ва вояга етмаганларга нисбатан бу жазо қўлланилмайди. Шунингдек, ўлим жазоси авф этиш тартибида йигирма беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкин (ЖК нинг 51-моддаси).


Ана шу устувор вазифадан келиб чиқиб, 1998 йилда Жиноят Кодексидаги 5 та моддадан ўлим жазоси олиб ташланди. 2001 йилда яна тўртта моддага жазо қисқартирилди. 2004 йилда эса бу жазо бор-йўғи иккита, яъни айбни оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учун татбиқ этиладиган бўлди. Булар мамлакатимизнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида халқаро ҳужжатларга зикр этилган мажбуриятларни сўзсиз бажаришга инти-лаётганининг амалдаги исботидир. Ҳозирги кунда 100 га яқин давлатнинг қонунчилигида ўлим жазоси бекор қилинган. Жумладан, Швеция ва Финландия 1972 йилда, Германия 1949 йилда, Франция 1981 йилда, 1990 йиллардан бошлаб Ирландия, Венгрия, Руминия, Чехия, Словакия, Швейцария, Греция, Польша, Молдова,

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.

Италия, Испания давлатлари ўлим жазосидан воз кечган. Бундан ташқари, 30 дан ортиқ давлатнинг қонунчилигида ўлим жазоси мавжуд бўлсада, амалиётда қўлланилмайди.

Ўлим жазосини бекор қилиш ўта мураккаб масала бўлиб ҳисобланишини Президент Ислам Каримов таъкидлаб, “Биринчи навбатда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш лозим, чунки бугунги кунда уларнинг кўпчилиги, ўлим жазосининг бекор қилинишига қарши. Иккинчидан, ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли жазони ўташга ҳукм қилинадиган шахслар учун тегишли жойлар қуриш керак”, деган фикрга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўлим жазосини бекор қилиш масаласини аҳолига тушунтириб бериш ҳам анчагина мураккаб жараён бўлиб, бу ишга ҳуқуқшунослар, мутахассислар, сиёсатшунос, психолог ва бошқа кўпгина мутахассислар жалб қилиниши лозим. Шунингдек, Президентимиз юқорида таъкидлаганидек, ўлим жазоси ўрнига суд томонидан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳбуслар жазоси алоҳида колонияда ўташи лозим бўлганлиги сабабли уларни сақлаш билан боғлиқ жазони ўташ муассасасини қуриб битказиш учун бюджетдан тегишли маблағ ажратилиши ва бинони тайёрлаш ҳам маълум муддат талаб этади. Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбари ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ барча ташкилий-ҳуқуқий жараёнлар 2-3 йил ичида амалга ошириш мумкинлигини билдиради.

Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш босқичлари



Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсон ҳаёти дунёдаги энг олий қадрият ҳисобланади. Зеро, ҳаёт ҳар бир инсонга бир мартаба берилади, шунинг

учун ҳам ундан маҳрум этишга ҳеч ким қодир эмас, деган тушунчани барчанинг онгига сингдириш лозим. Шу боис барча ислоҳотлар ва қонунлар инсон манфаатларига хизмат қилишини назарда тутсак, ўлим жараёнининг жазо тизимидан олиб ташланиши ҳар томонлама адолатлидир.

Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини устувор қадрият сифатида мустаҳкамлаш йўлида қўйилган навбатдаги хайрли қадам бўлди.

2001 йил 29 августда қабул қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун билан жиноятларни таснифлаш, енгиллаштириш маъносида такомиллаштирилди, яраштирув институти жорий этилди. Жиноят кодексига ўлим жазосини назарда тутувчи моддалар сони кескин камайтирилди, мол-мулкни мусодара қилиш жиноий жазо сифатида бекор қилинди ва шу каби инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар қўлланилди.


Юртбошимиз томонидан “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг эълон қилиниши эса бу борадаги ислоҳотларнинг янги босқични бошлаб берди.

Мазкур концепциянинг иккинчиустувор йўналиши суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга бағишланган бўлиб, бу борада ҳам тизимда бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, Одил судловнинг янги тизими шакллантирилди ва судлар ихтисослаштирилди.

Одил судловнинг янги тизими



Судлар фаолиятини ташкилий таъминлашнинг янги тизими



Шулар қаторида Адвокатура институти ҳам ислоҳ этилди. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатаси ташкил этилди. Адвокатларга қўйиладиган квалификация талаблари ва адвокатлик фаолиятига таъсир ўтказишга қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарлик кучайтирилди.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси қонун устуворлиги – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий тамойилларидан бири эканлигининг ёрқин далилидир.

4. Қонун устуворлиги тамойилининг Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишидаги аҳамияти.

Қонун устуворлигини таъминлаш демократик жамиятни шакллантиришнинг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, аввало қонунлар фуқароларнинг бевосита ёки билвосита иштироки билан ишлаб чиқилади, уларнинг хоҳиш ва иродасини ўзида акс эттиради. Аммо кўпгина қабул қилинган қонунлар реал ҳаётга жорий қилинмасдан қоғозда қолиб кетади. Сабаби, **биринчидан**, қонунни қабул қилиш давридаги жамият тараққиёти даражаси билан уни амалга ошириш имконияти ўртасидаги номуносибликнинг мавжудлиги. **Иккинчидан**, қонунларни яратишдаги маҳорат ва салоҳиятнинг (профессионализм) етишмаслигидир. **Учинчидан**, фуқароларнинг ҳам қонунлардан тўла фойдаланишга салоҳияти етарли даражада бўлмаслиги. Аммо, нима бўлганда ҳам қабул қилинган қонунларга амал қилиш ҳаётини зарурият ҳисобланади. Чунки, у нафақат, ҳуқуқлар тизими билан, шунингдек мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаёти билан боғлиқдир. Уларни ўзида ифодалаган қонунларнинг “ишонмаслиги” ёки поймол қилиниши мавжуд экан, жамият ҳаётида ижобий ўзгаришлар содир бўлмайди.

Мамлакат ва фуқаролар манфаатларининг уйғун ҳолатда амалга оширилиши асосий механизми қонунлар олдида оддий фуқародан тортиб энг юқори лавозимни эгаллаб турган амалдорларга баробарлиги, уларнинг қонунларга сўзсиз итоат қилиши ҳисобланади. Бу тамойилни шакллантириш Ўзбекистонда қурилаётган демократик жамиятнинг асосий вазифаси сифатида қаралмоқда.

Қонун устуворлигига хилоф иш қилиш ва унга менсимай қараш, мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг оёқ ости қилиниши, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш қонунларни обрўсизлантиради, давлат ва жамиятнинг маънавий асосларига путур етказди, халқнинг норозилигига, ҳаққоний эътирозларига сабаб бўлади. Айниқса, фуқароларнинг давлат тузилмалари билан муносабатлари жараёнида қонунларга риоя этилиши ёки риоя этилмаслиги фуқаро – давлат муносабатларининг бутун бир тизимдаги ижтимоий адолат қоидаларининг ҳолатини белгилаб беради.

Шу ўринда маҳаллий ҳокимият вакиллари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур деб ўйлаймиз. Зеро, ислохотларни амалга оширишда, жойларда адолат қоидаларини ўрнатишда уларнинг ўрни катта бўлиши зарур. Бунинг ўрнига маҳаллий ҳокимият вакиллари, ҳатто ҳокимлар томонидан инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари, афсуски содир этилмоқда.

Президентимиз иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида “Адолат - қонун устуворлигида деган ҳаётини тамойилга қатъий амал қилиб яшаш ғояси ҳам фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади” – деб кўрсатган эди. Лекин қонунларга итоат қилишда, унинг ижросини таъминлашга масъул бўлган кишилар ҳар доим оддий фуқароларга “эталон” бўлишлари лозим бўлади.

Улар томонидан қонунларнинг бузилишига қаратилган ҳар бир кичик хатти-ҳаракатлар нафақат умумий тараққиётга, шунингдек фуқароларнинг ҳокимиятга ишончининг барбод бўлишига олиб келади. Шу маънода ҳам қонун устуворлигини таъминлашда фуқарога қараганда унинг ижроси учун масъул бўлганлардан кўпроқ етакчилик қилишлари талаб этилади. Қонунларнинг ҳар қандай шахс, гуруҳ, сиёсий кучлар ёки ижтимоий табақалар манфаатларидан устун бўлишини реал таъминлаш орқалигина демократияни ривожлантириш, унинг жамиятда амал қилишига эришиш мумкин бўлади. Унинг амал қилиши ҳар иккала ҳокимият ва фуқаро манфаатларига мос келади.

Хулоса қилиб айтганда, қонун устуворлиги қуйидаги уч ҳолатда ўзининг тўлиқ ифодасини топади.

Биринчидан, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар адолат принципига, инсон ҳуқуқи ва манфаатларидан келиб чиқиб, ижтимоий жиҳатдан асосланган бўлиши керак.

Иккинчидан, барча қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар талаби барча давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан қатъий бажарилиши шарт¹.

Учинчидан, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунларга мос бўлиши шарт.

Демак, демократик жамиятнинг муҳим тамойили бўлган қонун устуворлиги мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти қуришнинг асосидир.

5. Қонун устуворлиги инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати

Истиқлол туфайли мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган кенг қамровли ўзгаришлар юртимизда янги демократик қадриятлар илдиз отганини, инсон ҳуқуқлари ва унинг эркини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятига хос замонавий тузилмалар шакллангани билан характерланади.

Албатта, эркин ва адолатли жамият қуриш учун қонунга таянишимиз ва қонун устуворлигига эришишимиз лозимдир. Чунки ҳар қандай давлатнинг қудратли ва мустаҳкам бўлиши, халқининг тинч ва фаровон ҳаёти амалдаги қонунларнинг устуворлигига боғлиқдир.

Шундай қилиб, **ҳуқуқ** - давлат томонидан белгиланадиган ёки рухсат этиладиган ва унинг кучи билан ҳимоя қилинадиган умуммажбурий ҳуқуқ-атвор қоидалари тизимидир. Ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи регулятор бўлиб, унинг ушбу хусусияти ижтимоий муносабатлар билан бўладиган мунтазам алоқадорлигини таъминлайди.

Эркинлик – инсонга қонун билан рухсат этилган у ёки бу ҳаракатни амалга ошириши ва ҳаёт учун зарур бўлган неъматлардан фойдаланишда ижтимоий тўсиқларнинг бўлмаслиги тушунилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. бет

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — жамият таянчи ва юртимиз тараққиётининг ҳуқуқий кафолати, давлатимиз мустақиллигининг ёрқин рамзи, кўп миллатли халқимиз хоҳиш-иродасининг қонуний ифодаси ҳисобланади. Конституциянинг X боб 43-46 моддалари инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган бўлиб, давлат фуқароларининг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаши, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини тобора такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолиши таъкидланган. Зеро, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борадаги ислохотларнинг самараси кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасига боғлиқ. Одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 23 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ вазирлик зиммасига аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш вазифалари юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 июлдаги қарори асосида тасдиқланган Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш тўғрисидаги низом бу борадаги фаолиятни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлади. Авваламбор одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти шакллантиришда инсонларга ўзларининг ҳуқуқ ва бурчларини, ўзлари яшаб турган жойда ўрнатилган қонунларга асосан уларнинг шахсий ва фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари кафолатлаб қўйилган асосий қонун, яъни конституция ва унинг нормалари таништирилиши керак.

Буни мазкур ҳужжатнинг биринчи моддасидан то охириги моддасигача инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ватан равнақи ҳамда жамият тараққиётига хизмат қилиб келаётган умумбашарий ғоялар сингдирилганида ҳам кўриш мумкин. Асосий қонунимизда буюк неъматлар орасида энг улуғи - “инсон учун” деган ғоя илгари сурилиб, уни улуғлаш, унинг эркин камол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ўз аксини топган. Бошқача айтганда, “фуқаро - жамият - давлат” ўртасидаги изчил ҳамкорликнинг ҳуқуқий ечими асослаб берилган.

Демократик давлатда жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати доимий ҳаракатдаги механизмга ўхшаши лозим. Конституциянинг 19-моддасида “ҳеч ким суд қарорисиз фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳақли

эмас”лиги белгилаб қўйилганки, бу қоида ҳуқуқбузар ким бўлишидан қатъи назар, жавобгарликка тортиш мумкинлигини билдиради. Кафолат тизимида иқтисодий омилга кенг ўрин берилган. Чунки иқтисодий ҳаёт қанчалик фаровон бўлса, ҳуқуқнинг амалдаги кафолат даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади.

Бугунги Асосий қонунимизда эса давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида аниқ белгилаб қўйилган. Президентимиз таъкидлаганидек, “Биз бошлаган ислоҳотларимизнинг пировард мақсади битта - адолатли жамият барпо этиш. Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун”. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги конституциявий кафолатлар тизимини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ислоҳотлар жамиятнинг шу мақсад йўлидаги вазифаларига тўлиқ мос келмоқда, инсон ҳуқуқларини кафолатловчи миллий механизм яратилмоқда. Инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминловчи ва кафолатловчи давлат органлари тизими ташкил этилиб, ихтисослашган нодавлат ташкилотларининг пайдо бўлишига кўмаклашмоқда. Ҳозирги пайтда инсоннинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг кафолатлари тўғрисида қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Инсон ҳуқуқлари ғояси миллий парламентимиз фаолиятида доимий ўрин эгаллаши даркор. Ҳар қандай қонун ишлаб чиқиладиган ва муҳокама этиладиган пайтда инсоннинг асосий ҳуқуқларига қанчалик мос келишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ана шу принципларга оғишмай риоя этилган тақдирдагина чинакам фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Президент И.Каримов: “...Қадимги дунёнинг буюк донишмандлари “Нимаики қонуний бўлса, у – адолатлидир”, деб таъкидлаганлари бежиз эмас. Улар шу тариқа айнан қонун адолат манбаи ва мезони эканини уқтирганлар, десак, ҳар томонлама ўринли бўлади. Ва аксинча, агар қонун бажарилмаса, қонунда бир нарса ёзилиб, ҳаётда ҳаммаси бошқача бўлса, одамларнинг Конституциямиз ва қонунларимизда муҳрлаб қўйилган адолат ва демократия нормаларига нисбатан ҳар қандай ишончи йўқолади. Бундай ҳолат барчамизга аён. Қонун ва қонун устуворлиги бўлмаган жойда аввало унинг ўрнини коррупция деган бало эгаллайди”, - деб таъкидлайди¹.

Шунингдек, Геллап Институти (АҚШ) ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан «қонуний тартибларга итоат қилиш индекси» бўйича «Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки тумандаги маҳаллий полицияга ишонасизми?», «Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки туманда кечаси хавф-

¹ Халқ сўзи. №236 (6419). 2015 йил 6 декабрь.

хатардан кўркмасдан ёлғиз юра оласизми?» ва «Охирги ўн икки ойда сиз ва оила абзоларингизнинг пул ва мол-мулки ўғирланган ҳолат содир бўлганми?» саволлари остида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 2 (ижобий) ўринни эгаллагани таҳсинга сазовордир¹.

Назорат саволлари:

1. Қонун устуворлиги тушунчаси ва унинг моҳияти нима?
2. Қонун устуворлигини таъминловчи асосий шартлар нималардан иборат?
3. Фуқаролик жамияти ривожда қонун устуворлиги қандай аҳамият касб этади?
4. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш йўналиши бўйича қандай ишлар амалга оширилди?
5. Қонун устуворлиги инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати

Тест саволлари:

1. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурига кўра, ҳуқуқий маданиятли инсон – бу...

А. Ҳуқуқий билимга эга бўлган киши; ҳуқуқий билимларни амалиётда татбиқэга оладиган киши; фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси;

В. Ҳуқуқий билимга эга бўлган киши; фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси;

С. Ҳуқуқий билимга эга бўлган киши; фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси;

Д. Ҳуқуқий билимларни амалиётда татбиқэга оладиган киши; фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси;

2. Қонунчилик палатасининг нечта депутати Ўзбекистон экологик харакатидан сайланади?

А. 15 та.

В. 20 та.

С. 25 та.

Д. 30 та.

3. Сайлов ҳуқуқининг демократик тамойиллари ўз ичига нималарни қамраб олади?

А. Умумийлик, тенглик, тўғри-тўғри, яширин.

В. Хусусийлик, тенгсизлик, нотўғри.

С. Адолатли, нотўғри махфийлик.

Д. Ошкора, плюрализм, маъмурий.

¹ Халқ сўзи. №236 (6419). 2015 йил 6 декабрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили?

- A. Сенат
- B. Қонунчилик палатаси
- C. Омбудсман

D. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

5. Ўзбекистонда қурилаётган демократик жамиятнинг ўзига хослиги асосан нимада намоён бўлади?

- A. Қонун устуворлигида
- B. Иқтисодий қонунлари устуворлигида
- C. Сиёсий фикрлар ранг-баранглиги ва эркинлигида
- D. Барча жавоблар тўғри

6. Ўзбекистонда ижроия ҳокимиятини амалга оширувчи асосий ҳокимият тизими қайси орган?

- A. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- B. Олий Мажлис
- C. Суд
- D. Юқори палата

7. Демократиянинг тамойилларини аниқланг?

A. Ҳалқнинг эркин хоҳиш иродаси ва ҳокимият тармоқларининг тақсимланганлиги

B. Фуқароларнинг тенг ҳуқуқли ва инсон ҳуқуқларининг устиворлиги

C. Ҳокимият органларининг сайлаб қўйилиши ва уларининг сайловчиларга буйсуниши ҳамда тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб беришга бурчлилиги,

D. А ва Б жавоблар тўғри

8. Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Олий Мажлис депутатлигига сайланадиган номзодлар қандай сайланади?

A. Эко ҳаракат Марказий Кенгаши қарори билан,

B. Эко ҳаракат Қурилтойи қарори билан,

C. Эко ҳаракат М. К. ва жойлардан сайланган 25 нафар делегат орасидан яширин овоз бериш йўли билан,

D. Олий Мажлиси Қўйи палатаси қарори билан.

9. Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланган қонун қанча вақт ичида Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланади?

- A. 2 ой ичида,
- B. 30 кун ичида,
- C. 14 кун ичида,
- D. 45 кун ичида.

10. Ўзбекистонда Ҳокимиятни бўлиниш принципи асосида ҳокимиятни қандай шакллантирилган ва у Конституциянинг нечанчи моддасида кўрсатилган?

- A. Қонун чиқарувчи, Ижро этувчи ва Суд ҳокимиятларига бўлинган. (11-модда)
- B. Ижро этувчи ва Бош Вазир. (30-модда)
- C. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Суд ҳокимияти. (21-модда)
- D. Вилоят ва туман ҳокимликларига. (53-модда)

8-МАВЗУ: САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ЭРКИНЛИГИ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Режа:

- 1. Эркин сайловлар фуқаролик жамиятининг асосий белгиси.**
- 2. Халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон қонунчилиги.**
- 3. Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг ривожланиши.**
- 4. Эркин сайловларни ўтказишда оммавий ахборот воситаларининг роли**

Таянч сўзлар: эркин сайловлар, сайлов ҳуқуқи, сайлов принциплари, тенг сайлов ҳуқуқи, тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи; яширин овоз бериш ҳуқуқи, сайлов олди ташвиқоти, сайлов комиссиялари, овоз бериш

1. Эркин сайловлар фуқаролик жамиятининг асосий белгиси

Фуқароларнинг сайловларда ва бошқа сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши фуқаролик жамиятининг муҳим мезонларидан биридир. «Сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий меъёрларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир»¹. Демократик сайловлар орқали демократик мезонлар амалга татбиқ этилади, халқнинг ишончли вакили ҳокимият тепасига келади, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади, орзу-умидлари рўёбга чиқади.

Сайлов халқ ҳокимиятчилигининг тимсоли бўлиб, энг аввало ўзида жамият аъзоларининг, қолаверса сайловчи – фуқаро манфаатини ифода этади. Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари амалга оширилаётган ислохотларда сайловларнинг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлининг ҳозирги босқичида давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини эркин, қонуний ва адолатли сайловлар асосида шакллантирилиши демократик жараёнлар ва янгиланишларнинг ижтимоий ҳаётда олий қадрият сифатида ифода этилаётганлигининг ёрқин намунаси дир².

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Т.: «Ўзбекистон», 2010. –Б. 35.

² Парламент сайлови: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба: илмий-амалий қўлланма // М.Абдусаломов ва бошқалар; Масъул муҳаррир проф. Ш.Х.Файзиев; –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузиридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти нашриёти, 2009. 26-бет.

Эркин сайловларни ўтказиш жараёнида қонунийлик, тенглик каби бир қатор умумий ҳуқуқий тамойилларга оғишмасдан амал қилиниши уларни муваффақиятли амалга оширишга ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилади. Президентимиз И.А.Каримовнинг эътирофича, «демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов – демократия дегани. Демократия – бу сайлов дегани». Дарҳақиқат, сайловсиз демократияни, демократиясиз сайловни тасаввур қилиш қийин. Демократия сайлов асосида, эркин фикр муштараклигида, сиёсий плюрализм мавжудлигида намоён бўлади.

Сайловлар кишилик жамиятининг бир неча асрлик тарихий ривожланиш маҳсули бўлиб, давлат ва жамиятнинг такомиллашган моделларини шакллантириш мақсадида пайдо бўлган институтдир. Ҳозирги даврга келиб, дунёнинг аксарият мамлакатларида давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш органларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган демократик сайловлар сиёсий тизимининг ажралмас таркибий қисмига айланиб бўлди. Турли мамлакатлардаги ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражасини уларда ўтказиладиган сайловларга, сайловлардаги аҳолининг иштирокига, сайловларнинг савиясига кўра белгиланади¹. Бундан ташқари мамлакатдаги тинчлик, барқарорлик ҳукм суриши ва шахс, жамият, давлат хавфсизлигининг таъминланиши демократик сайлов тамойилларининг қай даражада рўёбга чиқишига ҳам бевосита боғлиқдир.

Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши, эркин ҳамда чинакамига ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳукумат қонунийлигининг асоси эканлиги ва ҳар бир шахснинг ўз давлатини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқи кўпгина халқаро ҳужжатларда алоҳида таъкидланган. Фуқароларнинг бевосита сайлов жараёнида, ўзлари эркин сайлайдиган вакиллари орқали мамлакатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқининг амалга оширилиши учун яратилган имкониятга қараб, у ёки бу давлат қай даражада демократик тамойиллар асосида яшаётганлигига баҳо бериш мумкин.

Ўзбекистон халқи демократик тараққиёти ҳуқуқий давлат қуриш орқали фуқаролик жамиятини барпо қилишни кўзлайди. Бу хусусда, Ўзбекистон Республикаси Президенти шундай деган эди: “Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда, бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниб бир вақтнинг ўзида амал қилади”². Бунинг учун, энг аввало, кишиларнинг сиёсий фаоллигини юксак даражага кўтаришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий жиҳатдан

¹ Жўраев Қ.А. Сайлов тизимини эркинлаштириш – демократик тараққиёт омили. Адолат. 2011 йил 6 май № 20 (825)

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. -Т.: Ўзбекистон. 1997. 173-бет.

етуклиги унинг давлат ҳаётида фаол иштирок этиши билан белгиланиши шубҳасиз.

Демократиянинг ушбу энг муҳим тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, ҳуқуқий асос яратиб берилиши лозим. Ўзбекистонда буларнинг барчаси яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида сайловларга доир умумэтироф этилган демократик халқаро тамойил ва қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Умумхалқ сайловлари орқали давлат ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. Демократик давлатларда сайловлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги шундаки, улар мамлакат парламенти қандай сиёсий кучлардан ташкил топишини аниқлаб беради. Сайловлар мамлакат аҳолисининг кайфияти ва кимни афзал билишини намоён этувчи кўрсаткич сифатида ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, «илк бор икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистоннинг янги тарихида алоҳида, ғоят муҳим ўрин эгаллади»¹. Зеро, демократиянинг энг таъсирчан механизми ҳам сайловлардир. Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Аслида ҳам, сайлов – демократия дегани, демократия – бу сайлов, демакдир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида давлатимиз раҳбари уқтирганидек, депутат деган юксак ишончга сазовор ҳар қайси инсон аввало ўзи учун овоз берган одамлар ҳақида ўйлаши ҳам демократиянинг яна бир белги-аломати ҳисобланади².

Президентимиз эътироф этганидек, «Фуқароларимиз сайловларга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим, жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига, демакки, ҳар бир сайловчи тақдирига таъсир кўрсатадиган сиёсий воқеа сифатида ёндашдилар»³.

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга қаратилган изчил ислохотлар ўтказиб келинмоқда. Бу ислохотлар давлат ва жамият ҳаётининг

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. – Б.30.

² Саидов А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов тизими. - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 44 б.

³ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. – Б.33.

барча жабҳаларини қамраб олган. Хусусан, давлат қурилиши ва бошқаруви, халқ ҳокимиятчилигини таъминлаш, давлат ҳокимияти органлари фаолиятида демократик принципларни мустаҳкамлаш соҳасида муайян ютуқларни қўлга киритдик. Бироқ, ҳали олдимизда конституциявий тузумни янада мустаҳкамлаш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш, демократия ва ижтимоий адолатни ўрнатиш каби, шунингдек мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллигига асосланган сиёсий институтларни янада ривожлантириш орқали инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдек улкан вазифалар турибди.

Президентимиз И. А. Каримов бу борада қилинган ишларни сарҳисоб қилиб, “мамлакатимизни 1991-2000 йиллар давомида ислоҳ қилиш ва янгилаш борасида қўлга киритилган натижалар миллий давлатчиликни шакллантириш ва республикамизни барқарор ривожлантиришда мустаҳкам замин бўлди. Тарихан қисқа вақт ичида совет давридаги эски маъмурий-бўйруқбозлик тизимига барҳам берилиб, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилгани, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилиб, иқтисодий эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилгани”ни алоҳида таъкидлади¹.

Зотан, ўзининг ташкил этилиши, тузилиши жиҳатидан ва фаолиятида халқнинг иродасига таянган, барча умумэтироф этилган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига таъминлашга интилган давлат деганда том маънодаги демократик давлат тушинилади. Бунда, демократик давлат фуқароларнинг эркинлиги ва ҳурфикрлилигига асосланган фуқаролик жамияти демократиясининг муҳим ажралмас қисмидир. Мазкур давлатнинг легитимлилиги асосини эса халқ суверенитети ташкил этади. Ўз навбатида, халқ суверенитетининг амалда намоён бўлишининг асосини сайловлар орқали ташкил этилган давлат ҳокимияти ифода этади.

Ҳар қандай давлатнинг демократик давлат, деб эълон қилишнинг ўзи кифоя эмас, муҳими, унинг ташкил этилиши ва фаолиятини тегишли ҳуқуқий институтлар, ҳуқуқий кафолатлар билан таъминлашдан иборатдир. Бундай, конституциявий-ҳуқуқий институтларнинг негизини сайлов ҳуқуқи институти ташкил этади.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда, юқорида кўрсатилган мақсадларга эришишда сайловлар бир вақтнинг ўзида иккита йирик вазифани ечишга хизмат қилади: Биринчидан, сайловлар демократияни амалга оширишнинг бевосита шакли бўлиб, фуқароларни уюшган ҳолда ўзлари яшаб турган давлат ва жамиятни бошқариш жараёнларига сафарбар этади. Ҳақиқатдан ҳам “халқ ҳокимиятининг бевосита олий ифодасини эркин сайловлар ташкил этади”². Бунда фуқаролар ҳар қандай жараённинг иштирокчиси бўлганидек, сайлов жараёнида иштирок этиб ўзига сиёсий тажриба орттирадилар. Улар,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 29.

² Қаранг: Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. – М.: ИНФРА, 2000. – С. 107.

авваламбор, ўзларининг сиёсий онгини чархлаб, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширади ва бу жараёнда иштирок этишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириб борадилар. Шунингдек, фуқаролар уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик билан, ўз ҳаракатларини келишув асосида намоён қилишларида сиёсий тажриба ва кўникмаларини орттириб борадилар.

Демократик давлатнинг муҳим белгиларидан бирини вакиллик демократияси ташкил этади. Вакиллик демократияси фуқароларнинг манфаатларини бирлаштириб, қонунлар ва қарорлар қабул қилишга мутлоқ ҳуқуқ берилган сайланадиган муассасалар орқали халқ ҳокимиятини амалга оширишидир. Бундан келиб чиқадики, том маънодаги вакиллик демократиясининг амалга оширилиши сайлов жараёнининг демократик тамойилларга амал қилишлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқдир. Бундан хулоса қилиш мумкинки, демократия ва сайловлар бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалардир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай таъкидлайди: “Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов – демократия дегани. Демократия – бу сайлов дегани”¹. Мазкур ғояларнинг мазмун-моҳияти негизида сайловларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантиришга алоқадорлик даражаси ётади. Давлат ҳокимияти органлари иккита услубда шакллантирилади: сайловлар йўли билан ва тайинлаш йўли билан. Ўзбекистонда ижро ҳокимияти ва суд органларининг олий мансабларига тайинлашлар сайланадиган органлар томонидан амалга оширилиб келинмоқда.

Шундай қилиб, сайловлар давлат ҳокимияти органларининг бутун тузилмасига олий бошланғич легитимликни беради”². Ўзбекистонда бевосита сайловлар йўли билан Олий Мажлиснинг битта палатаси – Қонунчилик палатаси ва давлат бошлиғи – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайланадилар. Сайланиш йўли билан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳам шакллантирилади. Шу тариқа сайланадиган давлат ҳокимияти вакиллик органлари ваколатига давлат ва жамият ҳаётидаги энг муҳим масалаларни ҳал этиш киритилган. Бу барча даражадаги сайловларнинг ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Сайловлар, референдум каби, халқ иродасини тўғридан-тўғри намоён этилишининг қонунлаштирилган шаклидир. Сайловлар орқали фуқаролар давлат ҳокимияти органларининг шаклланишида иштирок этадилар ва бу билан давлат бошқарувидаги ўзининг конституциявий ҳуқуқини амалга оширадилар.

Фуқаролик жамияти билан сайловларнинг алоқадорлиги асосан шу билан белгиланадики, фуқаролик жамияти, фуқароларнинг фикрлари ва

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон. 2005. – Б. 165.

² Конституциявий ҳуқуқда легитимлик деб (лотинчадан *legitimus* – қонуний) давлат ҳокимияти органининг ёки олий мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини қонуний деб топилиши уларни конституцияга ва халқни қонуний билдирилган иродасига аниқ мос келиши тушунилади.

манфаатларининг хилма-хиллигига асосланган ҳолда, ташкил этилади, давлат органлари фуқароларнинг иштироки билан адолатли сайловлар асосида ташкил этилмайдиган бўлса, фуқароларнинг ихтиёрий равишда қонунга итоат этишини таъминлашга, ўткир ижтимоий қарама-қаршиликлардан қочиб-қутилишга имконият бўлмайди, Демократик сайловлар – ҳокимият масаласининг куч билан ҳал этилишини тамоман инкор этади. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов, “Демократия шароитларида эса давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаи-мадора билан бартараф этиш воситасига айланади”¹ деб таъкидлайдилар.

Сайловлар бевосита жамиятнинг сиёсий тизимини акс эттиради ва ўз томонидан унга таъсир кўрсатади. Уларнинг ташкил этилиши ва овоз беришнинг яқунларини аниқлаш тартибига тегишли барча жараёнлар сиёсий партиялар билан яқиндан боғлиқдир. Республикаимиз Президенти таъкидлаганидек: “Айнан сайлов пайтида партиялар ўзининг асосий ва устувор фикр-қарашларини, ҳаётни қандай яхшилаш, ислохотларни қандай амалга ошириш, Ўзбекистон деб аталмиш мустақил давлатнинг эртанги ҳаётини қандай барпо этиш борасидаги ғояларини илгари суради”². Сайловлар фуқароларга ҳокимият учун курашаётган сиёсий партияларнинг дастурларини ҳақиқий мазмун-моҳиятини англашга имконият беради. Фақатгина сайловлар орқали халқнинг кўпчилигининг иродаси аниқланади, унинг асосида эса демократик ҳокимият яратилади.

2. Халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон қонунчилиги

Мамлакатимиз ҳозирги замон сайлов ҳуқуқи халқ ҳокимиятини яққол намоён қиладиган муҳим конституциявий институтдир. Ўзбекистон сайлов қонунчилиги эркин демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро сайлов андозалари мажмуини ташкил этувчи халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига тўла мос келади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Муқаддимасида таъкидланганидек, юртимизда «халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги»³ тан олинади.

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фуқаронинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари мавзуси нуфузли халқаро ташкилотлар жиддий шуғулланадиган масалага айланди. Ҳозирги пайтда дунёда инсоннинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, эркин демократик адолатли сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасига доир 20 дан зиёд халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд⁴.

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 20.

² Каримов И.А. Парламент – жамият ҳаётининг кўзгуси // Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Тўплам. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б. 13.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2003. – Б.3.

⁴ Саидов А.Х. Международное право и избирательное законодательство – Т.: ТГЮИ, 2004. – С. 19-33.

Сайлов ҳуқуқи соҳасига тааллуқли принциплар ва андозалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қанча халқаро универсал ҳужжатларида, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг (1948 йил) 21-моддасида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг (1966 йил) 25-моддасида, Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида халқаро конвенциянинг 5-моддасида, Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида БМТ декларациясининг (1963 йил) 6-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган¹.

Давлат ҳокимияти вакиллик органига сайлов масалаларига ўзида 145 давлат парламентларини бирлаштирган ва, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам аъзо ҳисобланувчи Парламентлараро иттифоқ айниқса катта эътибор қаратади. 1994 йили Парламентлараро иттифоқ Кенгаши «Эркин ва адолатли сайлов принциплари тўғрисидаги декларация»ни қабул қилди². Ушбу Декларация барча мамлакатлар ҳукуматлари ва парламентларини мазкур ҳужжатда белгиланган сайлов ҳуқуқи соҳасига доир халқаро принциплар ва нормаларга амал қилишга даъват этади.

Минтақавий халқаро ташкилотлар ҳам ўзларининг Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоялаш тўғрисидаги Европа конвенцияси (1950 йил), Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси (1969 йил), Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка хартияси (1986 йил) каби халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари тимсолида халқаро сайлов андозаларига жиддий аҳамият қаратади. Хусусан, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) демократик сайловлар соҳасидаги асосий андозалари Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжатида (1990) ўз аксини топган. ЕХХТнинг сайлов принципларини қўйидаги еттита сўз – универсаллик, тенглик, эркинлик, адолатлилик, яшринлилик, очиқлик ва ҳисобдорлик - тимсолида тўла ифодалаш мумкин. Бу - ҳар бир овоз эътиборга олиниши ва фуқаро давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришга кўмаклашиши мумкин эканлигининг ўзига хос далолатидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасига кўра, “Ҳар бир инсон ўзи яшаётган давлатнинг бошқарувида бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Халқ иродаси ҳокимиятнинг асоси бўлмоғи лозим; бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим”. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган яна бир ҳужжат, яъни “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг 25-моддасига мувофиқ ҳар бир фуқаро камситишларсиз ҳамда асоссиз чекловларсиз: бевосита ва эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш;

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномала/Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: «Адолат», 2004. –Б. 34;45;86-87.

² Декларация о принципах свободных и справедливых выборов//В кн.: Саидов А.Х. Межпарламентские организации мира: Справочник, - М.: Международные отношения, 2004. – С. 295-300.

умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловларда овоз бериш ва сайланиш; ўз мамлакатида умумий шартларда давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эга бўлиши жоизлиги таъкидланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш ҳақида”ги ҳамда “Аёлларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш ҳақида”ги халқаро конвенцияларга кўра, аёллар ҳеч қандай камситишларсиз эркаклар билан тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар. Ирқий ёки миллий мансублиги, терисининг ранги, этник келиб чиқишига қараб фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш таъқиқланиши белгилаб қўйилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1952 йил 20 декабрда қабул қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси 1997 йил 30 августда қўшилган «Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг 1-моддасида хотин-қизлар ҳеч бир камситишларсиз эркаклар билан тенг шароитларда барча сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар деб белгиланган. Мазкур ҳужжатнинг 2-моддасида эса хотин-қизлар ҳеч бир камситишларсиз эркаклар билан тенг шароитларда сайлаб қўйиладиган муассасаларга миллий қонунчиликда белгиланган тартибда сайланиши мумкин. Шу билан бирга, 1979 йил 18 декабрдаги «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенциянинг (Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 6 майда қўшилган) 7-моддасига мувофиқ, иштирокчи давлатлар мамлакатнинг сиёсий ва жамоат ҳаётида хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш юзасидан барча тегишли чораларни кўришлари, жумладан, аёлларга эркаклар билан тенг шарт-шароитлар асосида куйидаги ҳуқуқларни таъминлашлари лозим: а) барча сайловлар ва оммавий референдумларда овоз бериш ва оммавий сайланадиган органларга сайланиш; б) давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек, давлат бошқарувининг барча бўғинларида давлат вазифаларини амалга ошириш.

Парламентлараро Иттифоқ Кенгаши томонидан қабул қилинган “Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида”ги Декларациянинг 1-моддасида ҳар қандай давлатда ҳокимият халқнинг умумий, тенг ва яширин овоз бериш асосида мунтазам вақт оралиғида ўтказиб туриладиган ҳақиқий, эркин ва адолатли сайловларда билдирадиган хоҳиш-иродасидан келиб чиқади, деб белгиланган.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжатида демократик сайлов принциплари кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар универсаллик, тенглик, эркинлик, адолатлилик, яширинлилик, очиқлик ва ҳисобдорлик кабиларда ифодасини топган.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг давлат ва ҳукумат раҳбарларининг 1990 йил 19-21 ноябрдаги Кенгашида қабул қилинган “Янги Европа учун Париж Хартияси”да ушбу ташкилотга аъзо давлатлар

раҳбарлари зиммасига ўз давлатларини ягона бошқарув тизими сифатида куриш, жипслаштириш ва мустаҳкамлаш мажбуриятларида демократик бошқарув эркин ва адолатли сайловлар пайтида мунтазам равишда ифодаланган халқ хоҳиш иродасига асосланиш, вакиллик ва фикрлар хилма-хиллиги хусусиятига эга бўлган демократик сайловларга ҳисобот беришга давлат ҳокимиятиларининг қонунларга риоя этиш мажбуриятларини таъминланиши таъкидланган.

2002 йил 7 октябрда Кишинев шаҳрида қабул қилинган “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иштирок этувчи давлатларда демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари стандартлари тўғрисидаги Конвенцияси”да демократик сайловлар халқ ҳокимияти ва иродасининг бевосита олий ифодасининг бири, сайланадиган давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари халқ (миллий) вакиллигининг, сайланадиган мансабдор шахсларнинг асоси ҳисобланади. Сайловларни халқаро кузатиш, сайлов жараёни иштирокчиларининг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш кафолатлари демократик сайловларнинг стандартлари ҳисобланиши эътироф этилади.

2002 йил 7 октябрда қабул қилинган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг «Демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқ ва эркинликлари стандартлари тўғрисида»ги Конвенциянинг 1-моддаси 2-бандида, сайловчиларнинг эркин хоҳиш-ирода билдиришини таъминловчи, умумий, тенг сайлов ҳуқуқи билан яширин овоз бериш асосидаги сайловларнинг мунтазамлиги, мажбурийлиги, одилоналиги, чинакамлиги ва эркинлиги тамойилларини таъминлаш.

Ўзбекистоннинг ҳозирги сайлов қонунчилигида асосий халқаро сайлов андозаларининг барчаси имплементация қилинган. Аввало, Конституциямизда ва миллий сайлов қонунчилигимизда, хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда (янги таҳрири) сайлов халқ ўз ҳокимияти ва хоҳиш-иродасини тўғридан-тўғри рўёбга чиқаришининг олий ифодаси, давлат ҳокимияти органларини демократик тарзда ташкил этишнинг негизи экани қайд этилади¹.

Фуқаронинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш (фаол сайлов ҳуқуқи) ва сайланиш (пассив сайлов ҳуқуқи) ҳуқуқлари Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамланган, уни амалга ошириш тартиб-қоидалари сайлов қонунчилигида аниқ белгилаб қўйилган. Бунда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари, сайловлар тартиби, шу билан бирга, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларининг чекланиши билан боғлиқ масалаларнинг қонунчилик асосида тартибга солиниши инсоннинг умум эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг қонуний кафолатларини чегаралаб қўймайди. Шунингдек, бу борадаги миллий қонунларни амалга оширишда ҳеч қандай камситишлар кўзда тутилмаслиги эътиборга олинган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2003, №9-10, 136-модда.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигида умумий сайлов ҳуқуқи принципи мустаҳкамланган. Ҳар бир фуқаро сайлов кунига қадар ёки сайлов кунда Конституцияда ва сайлов тўғрисидаги қонунларда белгиланган муайян ёшга тўлиши билан давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга ҳисобланади («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддаси)¹. Умумий сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ мавқеи, ирқӣй ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусияти каби ҳолатлардан қатъи назар, ҳеч қандай камситишларсиз рўёбга чиқарилади. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Тенг сайлов ҳуқуқи принципи «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида мустаҳкамланган². Ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга ва бошқа фуқаролар билан тенгма-тенг тарзда ўзининг ана шу овозга эгалик ҳуқуқини амалга ошира олади. Бир мандатли сайлов округлари бўйича овоз беришда ушбу округлар тенглик асосида ташкил этилиши таъминланади. Бир мандатли сайлов округларининг сайловчилар сонига қараб тузилиши тенгликка амал қилишнинг ўзига хос мезонидир. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида қайд этилганидек, «қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун бир юз йигирмата ҳудудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади». Шу модданинг давомида белгиланишича, «Сайлов округлари, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади»³. Ҳар бир сайловчи ўзининг эркин овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланиш мақсадида сайлов участкасига, шунингдек, овоз бериш хонасига тенг асосларда ва ҳеч қандай тўсиқларсиз кириш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир фуқаро сайловда ўз номзодини кўрсатиш имкониятидан фойдаланишда ҳам тенг ҳуқуқларга эга.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигида тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи ҳам ўз аксини топган. Фуқаролар сайловда номзод учун бевосита, яъни тўғридан-тўғри овоз берадилар. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида белгиланганидек, «қонунчилик палатаси депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар»⁴. Ўзбекистон қонунчилигидаги яширин овоз бериш принципи сайловчиларнинг хоҳиш-иродасининг қандай тарзда бўлмасин назорат қилинишини истисно этиш, эркин сайлов учун тенг шарт-шароит таъминлаш каби мақсадларни кўзда тутди. Сайловлар яширин овоз бериш процедурасидан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

Ўзбекистонда фуқароларнинг сайловда иштирок этиши эркин ва ихтиёрийдир. Ҳеч ким уларнинг муайян номзод учун «тарафдор» ёки «қарши» овоз беришга мажбур этиш ҳуқуқига эга эмас. Ҳеч ким фуқарога уни сайловда иштирок этишга ёхуд иштирок этмасликка мажбурлаш мақсадида таъсир ўтказишга, шунингдек, ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин ифода этиши учун мажбурлашга ҳақли эмас. «Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларининг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди» («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси)¹. Бюллетенни белгилаш пайтида овоз бериш хонасида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигида сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралиги принципига алоҳида ўрин берилган. қонунчилик палатаси сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадilar («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси)². Сайловларни белгилаш, тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоялаш билан боғлиқ қарорлар сайлов тўғрисидаги қонунларда кўзда тутилган тартибда ва муддатларда расмий эълон қилинади ва кўпчиликнинг эътиборига ҳавола этилади. Ушбу принципга амал қилиниши сайлов жараёнларини миллий ва халқаро доираларда кузатишни йўлга қўйиш учун ҳам тегишли шарт-шароит яратади.

3. Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг ривожланиши

Республикамиз мустақилликни қўлга киритиши муносабати билан сайлов ҳуқуқини ривожлантиришнинг янги даври бошланди. Сайлов қонунчилиги ҳозирги кунда такомиллашув жараёнини бошдан кечирмоқда, унинг мукамал бўлиши учун етакчи демократик мамлакатларнинг тажрибасидан ижобий жиҳатлари олинмоқда. Ҳар қандай қонун учун энг асосий нарса уни амалиётга тадбиқ этиш механизмидир. Шунинг учун қабул қилинаётган қонунларнинг мазмуни билан бирга амалга киритиш механизмларини ҳам мукамал даражада такомиллаштиришимиз лозим. Бунда миллий давлатчилигимиз тарихий хусусиятлари ва сайловларни ўтказишда илгари тўпланган ижобий тажрибага суяниш, йўл қўйилган нуқсонларни такрорламаслик, илғор жаҳон тажрибаси ҳамда демократия тамойиллари устиворлигига эришиш ғоятмаъсулиятли вазифадир.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши миллий сайлов тизимимизни яратилишига асос солди. Жумладан, унинг 7-моддасида “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”, “Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади” дейилган муҳим конституциявий қоидаларнинг белгиланиши конституциявий тузумнинг асосий принциплари сифатида мустаҳкамланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқи Конституциянинг 32-моддасида алоҳида мустаҳкамланган. Унга кўра, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади”. Сайлов ҳуқуқига оид яна бир – 60-моддасида “Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар”, деб белгиланган. Шунингдек, Конституциянинг 77-моддасида Ўзбекистонда сайловлар кўппартиялик асосида ўтиши кўзда тутилган¹.

Энг асосийси, Конституцияда сайлов тизими принципларига бағишланган махсус бобнинг мавжудлиги Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилигини шакллантиришда муҳим қадам бўлди. Унинг XXIII боби “Сайлов тизими” деб номланиб, 117-моддада “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади” дейилган муҳим конституциявий тамойиллар ўз аксини топди.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда сайловларнинг мустаҳкам ўрнини белгилаш мақсадида Конституцияга алоҳида “Сайлов тизими” деб номланувчи XXIII бобни киритилиши, *бир томондан* сайлов тизимининг асосий принципларининг конституциявий мустаҳкамланиши сайлов ҳуқуқи бўйича умумий тан олинган халқаро андозаларга риоя қилинишини кафолатласа, иккинчи томондан, мазкур конституциявий қоидалар сайлов қонунчилигини яратишда пойдевор вазифасини ўтади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ андозалари ва талаблар, илғор хорижий юридик тажриба ва миллий-тарихий анъаналар ҳамда конституциявий принциплар асосида миллий сайлов қонунчилиги тизими яратилди. Унинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг махсус XXIII бобида, шунингдек алоҳида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги (1991 йил 18 ноябрь), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (1993 йил 28 декабрь), “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги (1994 йил 5 май), “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (1994 йил 5 май), “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012. – 40 Б.

(1998 йил 30 апрель) қонунларда ўз аксини топди. Миллий сайлов қонунчилиги ва амалиёти Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг узвий таркибий қисми бўлиб, маъмурий-буйруқбозликка асосланган тоталитар тузумдан демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш сари қўйилган қадамдир.

Сайлов тизими ҳуқуқий асосларининг яратилиши, ривожланишини ва сайлов амалиётини бизнинг фикримизча қуйидаги асосий босқичларга ажратиш мумкин:

Биринчи босқич (1991-1995 йй.) – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, бир палатали Олий Мажлисни кўппартиявийлик асосида шакллантириш даврини ўз ичига олади.

Бу даврда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги (1991 йил 18 ноябрь), Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил 8 декабрь), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги¹ (1993 йил 28 декабрь), “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги (1994 йил 5 май), “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (1994 йил 5 май) қонунларнинг қабул қилиниши умумэътироф этилган таомойиллар асосида кўппартияли, муқобил сайловларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосини яратди.

Бу босқичда 1994 йил 5 майда муҳим ҳужжат – “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлиги фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларнинг ўз хоҳиш-истакларини эркин ифодалаш механизмини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб берди.

Янги сайлов қонунчилиги амалиётда 1994 йилда кўппартиялилик асосида ўтказилган парламент сайловларида синаб кўрилди. Унинг натижасида биринчи қақриқ Олий Мажлис учта сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари, ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатилган номзодлар асосида сайланган депутатлардан шаклланди. Шу асосда, конституциявий-ҳуқуқий механизмлар орқали ягона партиянинг “еткачилик роли”га асосланувчи “шўро” сиёсий тизимидан демократик шаклланган, кўппартиявийликка таянадиган миллий парламент вужудга келди.

Иккинчи босқич (1995-2000 йй.) – миллий сайлов қонунчилигининг биринчи босқичда ўтказилган парламент сайловларида тўпланган амалий тажрибага мувофиқ сайлов тизимининг демократик асосларини мустаҳкамлаш ва қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Жумладан, бу босқичда сайловларни ташкил этиш ва натижаларини аниқлашда ҳолислик ҳамда эҳтиросларга йўл қўймасликни таъминлашга қодир мустақил орган – Марказий сайлов комиссияси тузиш талабидан келиб

¹Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида”ги конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1994. – № 10. – 250-модда.

чиқиб, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги (1998 йил 30 апрель) қонун қабул қилинди ва мамлакатимиз тарихида илк бор демократик йўл билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилди. Бундан ташқари, депутатликка мустақил номзодларни илгари суришни кучайтириш, Ўзбекистонда кўппартиявийлик ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигини кучайтиришга кенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида сайлов қонунчилигидан “беш фоизлик тўсиқ” ҳақидаги қоида чиқариб ташланди ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларини бевосита номзод кўрсатиш ҳуқуқлари мустаҳкамланди. Шунингдек, 1999 йил 19 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар ҳамда халқ депутатлари, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисидаги қонунларга бир қатор жиддий тўлдиришлар ва ўзгартиришлар киритилди.

Сайлов жараёнини муҳим субъектлари саналган сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунни 1996 йилнинг декабрида қабул қилиниши 1999 йилда ўтказилган парламент сайловларига янги ҳуқуқий замин яратди¹. Сиёсий партияларда Олий Мажлисида ўз сиёсатини уюшган ҳолда ўтказиш учун парламент фракцияларини ташкил этишнинг қонуний кафолатлари вужудга келди. Энг муҳими, сиёсий партиялар сайлов тартиб-қоидаларига риоя қилинишини назорат этиш бўйича ваколатлари кенгайди ва номзод кўрсатган сиёсий партия ҳар бир сайлов участкаларига ўз кузатувчиларини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлди.

1999 йилда ўтказилган парламент сайловларида фуқаролар иккинчи маротаба бир нечта номзод орасидан ўзларига маъқулларини сайлашди, уларнинг ҳар бирига тегишли баҳо беришди. Бу сайловларда рақобат янада кучли, сайловчиларнинг номзодларга талаблари эса янада юқори бўлди.

Учинчи босқич (2000-2009 йй.) – фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлиб, иқтисодий-демократик барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишда муҳим роль ўйнаган давр бўлди. Бу давр бевосита икки палатали Олий Мажлис тизимига ўтиш билан боғлиқ сайлов қонунчилиги тадрижий тараққиёти учинчи босқичнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2000 йил 25 майда бўлиб ўтган Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг иккинчи сессиясидаги “Ўзгариш ва янгиланиш – ҳаёт талаби” маърузаларида: “... ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам ўзгаришлар бўлиши табиий. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман”² деб, илгари сурган мазкур ғоялари бу даврда қабул қилинган қонун ижодкорлик фаолияти

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 2. – 36-модда.

² Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 483.

дастурида марказий бўғин бўлди¹. Бунда асосий эътибор қуйи палата – қонунчилик палатасини шакллантиришнинг бош принципи асосан партиявий вакиллик принципи бўлди. Бу сиёсий партия вакилларининг ўз ижтимоий-сиёсий қарашларини ва сайловлар манфаатларини ифодалаш учун кенг имкониятлар яратди. Парламентнинг юқори палатаси – Сенат тенг ҳуқуқли ҳудудий вакиллик органи сифатидаги ваколатлари ҳамда у поғонали сайловлар асосида шаклланиши конституциявий қонунда мустаҳкамлаб қўйилди².

Давлат бошқарувини демократлаштириш ва янгилаш ҳамда эркинлаштириш шароитида Президент ваколати муддатини ўзгартирилиши ва унинг айрим ваколатларини Сенат ва Бош вазирга ўтказилиши, икки палатали парламент барпо этилиши ўз-ўзидан сайлов тўғрисидаги қонунларнинг ўзгаришига олиб келди. Шу боис 2003 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар³ ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисидаги қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди. Шундай қилиб, икки палатали парламентга сайловлар учун зарур норматив-ҳуқуқий база амалда яратилди. Унда сайлов ҳуқуқининг халқаро стандартлари ва сайлов тизимларини ривожлантириш тажрибаси, шунингдек мамлакатда парламентаризм тараққиётининг миллий хусусиятлари эътиборга олинди. Масалан, 2004 йилги сайловларга қадар сайлов қонунчилигига жорий этилган энг муҳим янгиликлар қаторида – маҳаллий Кенгашларнинг депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи бекор қилинганлиги, сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатганида хотин-қизлар учун квота белгилангани, шунингдек сайловолди ташвиқотини олиб боришда партиялар фаолиятини молиялаштириш масаласининг ҳал этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. 2004 йил 30 апрелда “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун эса партияларга сайловолди курашини фаол ва сайловчилар учун қизиқарли тарзда ўтказишларига қўшимча имкон яратди⁴.

Бундан ташқари, 2008 йил 19 ноябрда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун сайлов жараёнининг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантирди. Ушбу қонунга мувофиқ, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага оширилди. Бунда 135 та ўринни сиёсий

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “2002 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси референдуми яқунлари бўйича қонунчилик фаолиятини асосий йўналишлари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2002. – № 4–5. – 61-модда.

²Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2002. – № 12. – 213-модда.

³Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуни янги таҳрири // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2003. – № 9–10. – 132-модда.

⁴Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2004. – № 5. – 86-модда.

партиялардан кўппартиявийлик асосида бир мандатли округларда сайланадиган депутатлар эгаллайди. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан эса Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати мазкур ҳаракатнинг олий органи (Конференцияси) томонидан Марказий сайлов комиссияси белгилайдиган муддатларда сайланадиган бўлди. Шунингдек, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган реал жараёнларда сиёсий партияларнинг роли кучайиб бораётганлиги инобатга олиниб сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институти бекор қилинди. Шунингдек, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга оширилди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссиялари фаолиятининг ошқоралигини янада кучайтиришни таъминлашга йўналтирилган бир қатор янги тартиб-қоидалар жорий этилмоқда.

Учинчи босқич (2010дан ҳ.д.) –мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш қилиш давридир. Ушбу давр Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрдаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг эълон қилиниши билан бошланди. Ушбу Концепцияда илгари сурилган таклиф ва тавсиялар асосида қонунчилик ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилган «Сайлов эркинлигини янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2012 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2012 йил 5 декабрда Сенат томонидан маъқулланди ҳамда 2012 йил 19 декабрда Президент томонидан имзоланган ҳолда 2012 йил 20 декабрда матбуотда эълон қилинди¹.

Мазкур янги қонуннинг қабул қилинишини Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилигини такомиллаштирилишининг янги босқичи сифатида эътироф этиш мумкин. Келгусида ушбу Қонуннинг амалга муваффақиятли татбиқ этилиши натижасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи эркинлиги янадатаъминланишига эришилади.

Юқорида қайд қонунларда сайлов тизими ва унинг мазмун-моҳияти, сайлов тизимининг асосий тамойиллари, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, сайловларни ташкил этиш, ўтказиш, овоз бериш натижаларини аниқлаш, фуқароларнинг сайловлардаги иштироки, сайлов ҳуқуқининг кафолатлари, сайловларни молиялаштириш ва шу каби ўта муҳим масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш мезонлари белгиланди.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 51-сон, 574-модда.

Янги қонун орқали «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига 4 тадан, жами 8 та янги қўшимча прим моддалар ва 16 та турли мазмундаги қўшимчалар киритилди.

Сайлов қонунчилигига киритилган янги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат.

Биринчи. «Сайловолди ташвиқоти» тушунчасини акс эттирган қуйидаги янги дефинитив меъёр сайлов қонунчилигида мустаҳкамланди: «сайловолди ташвиқоти – сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият».

Ушбу қонуннинг қонунчиликка киритилиши биринчидан, сайловолди ташвиқотининг мазмун-моҳиятидан аҳолини хабардор этса, иккинчидан, сайловолди ташвиқотининг ўзига хослиги, объекти ва субъекти, амалга ошириш тартиби ҳақида ҳам аниқ маълумот беради.

Сайловолди ташвиқоти номзодлар ва сиёсий партиялар учун ўз имкониятларини намоён қилиш йўлидаги ўзига хос муҳим сиёсий жараён ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигининг асосий вазифаси сиёсий курашнинг адолатли, холисона, очиқ ва ошқора олиб борилиши учун барча номзодларга тенг имконият ва кафолатларни яратиш орқали сиёсий плюрализм, яъни фикрлар эркинлиги ва хилма-хиллиги асосидаги соғлом рақобатни таъминлашдан иборатдир. Шундан келиб чиққан ҳолда сайловолди ташвиқоти тушунчасининг аниқ таърифини ишлаб чиқиши ва уни қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиши мазкур жараёндаги турли баҳсли масалаларнинг олдини олиш ва тушунмовчиликларни бартараф этиш ҳамда сайловларни демократик андозаларга мос ҳолда амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасига эътибор қаратсак, Испания, Канада, Мексика каби мамлакатлар қонунчилигида сайловолди ташвиқотига аниқ таъриф берилган. АҚШ¹, Япония², Франция³, Польша⁴, Белоруссия⁵ ва Хиндистон⁶ каби мамлакатлар сайлов қонунчилигида ҳам сайловолди ташвиқотининг бошланиши ва яқунланиши билан боғлиқ қоидалар мавжуд бўлса-да, айнан сайловолди ташвиқотининг ягона таърифи мавжуд эмас.

Иккинчидан, янги қонунга асосан, сайловолди ташвиқотини амалга ошириш муддатлари ўзгарди. Аввал бу жараён фақатгина сайлов куни амалга оширилиши тақиқланган бўлса, янги ўзгартиришларга мувофиқ овоз бериш

¹Свод законов США. Титул 2. Глава 14, раздел 434, пункт «f3».

²ст.129, 135 Закона «О выборах публичных должностных лиц».

³ст.L164 Избирательного кодекса Франции (ст. L49, L49-1. (Внесена Законом № 2011-412 от 14 апреля 2011 г. ст. 4, 5.)

⁴ст.85. «Б» Закона «О выборах».

⁵ст.45 Избирательного кодекса Республики Беларусь.

⁶ст.39 «А» Акта «О народном представительстве».

қунига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотини амалга ошириш мумкин эмаслиги қонунда акс эттирилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш, бошқача айтганда, уларнинг ким учун ва қандай сиёсий дастур учун овоз бериш масаласида онгли равишда аниқ бир қарорга келиши учун кўшимча вақт берилишига имкон яратиш, ҳамда овоз бериш арафасида турли суиистеъмолик ҳолатлари ва қонун бузилишларининг олдини олиш имконини беради. Мазкур ўзгартишнинг киритилиши участка сайлов комиссияларининг сайловларга тайёр бўлиши учун ҳамда сайловларни қонунга мос ҳолда ўтказишлари учун шароит яратади.

Ушбу масалага оид хорижий тажрибага эътибор қаратсак, Япония ва Белоруссия қонунчилигига кўра, «сайловолди ташвиқотини амалга ошириш сайлов куни тақиқланади»¹. Канадада «сайловолди ташвиқоти овоз беришга икки кун қолганда яқунланади»². Ҳиндистон сайлов қонунчилигида ҳам шунга ўхшаш қоида ни учратиш мумкин, унга асосан, «сайловолди ташвиқоти овоз бериш кунига 48 соат вақт қолганда тўхтатилади»³. Россия Федерацияси ва Молдова мамлакатлари қонунчилигига асосан, «сайловолди ташвиқоти овоз бериш кунидан бир кун олдин ва овоз бериш куни тақиқланади»⁴. Франция, Польша ва Озарбайжон давлатлари қонунчилигида «овоз беришга бир сутка вақт қолганда сайловолди ташвиқотини амалга ошириш тақиқланади» деган қоидалар мавжуд. Умуман ривожланган мамлакатлар тажрибасида кенг қўлланиладиган овоз бериш кунидан олдинги «сукунат» вақтини қонунда аниқ акс эттирилиши сайловларнинг холис ва адолатли ўтишига хизмат қилади.

Учинчидан, сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари аниқ ифодалаш учун «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга янги 27¹-модда, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунга янги 25¹-модда киритилди.

Бу моддаларда **сайловолди ташвиқотини амалга оширишнинг турлари сифатида,** сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш; депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш; **сайловолди ташвиқотини амалга оширишнинг шакллари сифатида,** сайловолди ташвиқоти омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш орқали; **сайловолди ташвиқотини амалга оширишнинг**

¹ст.45 Избирательного кодекса Республики Беларусь.

²ст. 318 Закона «Об избрании в палату общин».

³ст.39 «А» Акта «О народном представительстве».

⁴ст. 2 Федерального Закона РФ «Об основных гарантиях избирательных прав и права на участие в референдуме граждан Российской Федерации».

усуллари сифатида, сайловолди ташвиқоти оммавий ахборот воситалари, шунингдек телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали; босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш ва орқали; сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилиши кўрсатилган. Шунингдек, мазкур моддаларда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усуллари ҳам фойдаланиши мумкинлиги ҳам қайд этилган.

Сайлов жараёнининг муҳим босқичи ҳисобланган сайловолди ташвиқоти давомида номзодларнинг қандай усул ва воситалардан фойдаланишларини аниқ белгилаш, сайловолди ташвиқоти давомида нималар мумкин-у, қандай ҳаракат мумкин эмаслиги ҳуқуқий меъёрлар асосида аниқлаштирилиши, биринчидан, турли бахсли ҳаракатларни олдини олишга, иккинчидан, сайловларнинг адолатли ўтишига хизмат қилади. Қолаверса, сайлов жараёнларига оид миллий қонунчилигимизни янада демократлаштиришга хисса қўшади.

Тўртинчидан, янги қонунга асосан, сайлов қонунчилигига сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш тартибини белгилайдиган 27²-модда ва 25²-моддалар киритилди. Унга мувофиқ, сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин. Сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг ва бир хил бўлиши керак. Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек депутатликка номзодларнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади. Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Бешинчидан, сайловолди ташвиқотини босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш орқали олиб боришни тартибга солиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга янги 27³-модда, «Халқ депутатлари

вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунга янги 25³-модда, шунингдек, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг ҳуқуқий асоси сифатида янги 27⁴ ва 25⁴-моддалар ҳам қўшимча сифатида киритилди.

Мазкур янги ҳуқуқий механизмларнинг жорий этилиши авваламбор, партиялараро рақобатнинг кучайиши, сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётгани билан изоҳланади. Бу каби янги қоидалар сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини амалга ошириш жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Сайловолди ташвиқотини босма, кўрғазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш орқали олиб бориш ёки сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартибининг қонунчиликда аниқ белгиланиши бу жараёндага ҳар бир ҳаракатни қонун асосида амалга оширилишига, сайловларнинг адолатли ўтишига хизмат қилади.

Олтинчидан, янги қонунга асосан «қамокда сақлаш жойларида» сақланаётганлар ҳам овоз бериш жараёнларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 8, 32, 33, 38-моддаларига ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 8, 29, 30, 35-моддаларига «қамокда сақлаш жойларида» сақланаётганларнинг овоз бериш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи қўшимчалар киритилди.

Бу аввало, миллий қонунчилигимизни сайловларга оид халқаро андозаларга янада мувофиқлаштирилишини намоён этса, иккинчидан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида изчилислоҳотлар амалга оширилаётганини кўрсатади. Чунки, айбсизлик презумпциясига асосан, шахс суд ҳукми билан айбдор деб топилмагунга қадар, айбсиз ҳисобланади. Айби исботланмаган, қамокда сақлаш жойларида сақланаётган шахслар ҳам овоз бериш ҳуқуқига эга. Қонунчиликка киритилган юқоридаги қўшимчалар ушбу ҳуқуқни таъминлашга, шунингдек, инсонпарварлик тамойилларини амалга татбиқ этишга хизмат қилади.

Еттинчидан, миллий сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддаси ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддасига муддатидан олдин овоз бериш тартиби, муддати ва асосларини аниқлаштирувчи қўшимчалар киритилди.

Аввал сайлов қонунчилигида муддатидан олдин овоз бериш тартиби белгиланган бўлсада, унда муддатидан олдин овоз бериш ҳақида сайловчиларни хабардор қилиш, сайловчининг нима сабабдан овоз бериш куни сайловда қатнашмаслиги асосларини тақдим этиши, қайси жойда овоз бериши, қанча вақт давомида овоз бериши, муддатидан олдин овоз беришни кимлар ташкил этиши билан боғлиқ масалалар тўлиқ кўрсатилмаган.

Шунингдек, бу вақтда участка сайлов комиссияларнинг қанча аъзоси ҳозир бўлиши лозимлиги етарли даражада аниқлаштирилмаган. Сайлов амалиётидан маълумки, овоз бериш кунидан олдин участка сайлов комиссияси аъзоларининг муайян таркиби йиғилиши ҳам мураккаб жараён.

Қонунчиликка муддатидан олдин овоз беришнинг аниқ тартибини белгилаш билан боғлиқ киритилган қўшимчалар, сайлов жараёнларида участка сайлов комиссиялари дуч келадиган кўплаб муаммоларнинг ижобий ҳал этилишини, турли шаклдаги асоссиз эътирозларнинг олди олинишини таъминлайди.

Саккизинчи, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 65-моддаси ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 45-моддаси қуйидаги қоида билан тўлдирилди: «Овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди».

Мазкур қоида сайловчилар ҳуқуқларининг янада таъсирчан ҳимоя қилиниши, муайян номзодга ғаразли муносабатда бўлиш, бу борада сайлов қонунчилиги бузилишининг олдини олиш имконини беради. Сайлов жараёнига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишнинг турли усуллари мавжуд. Улардан бири айнан жамоатчилик фикрини ўрганиб, сўровлар натижаларини эълон қилиш, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш ҳисобланади.

Бу жараён баъзан сайлов ва унинг натижаларидан кенг жамоатчиликни хабардор қилишга хизмат қилса-да, айрим ҳолатларда ундан сайловчиларнинг фикрини чалғитиш, уларни мустақил позиция танлашларига имкон бермаслик мақсадида фойдаланиш ҳоллари ҳам учрайди. Натижада ўзига хос салбий оқибатлар: абсентеизм ёки бошқача ишончсизлик юзага келиши мумкин. Бундай салбий ҳолатларни олдини олиш учун қонунга юқоридагича қўшимчалар киритилди.

Тўққизинчи, янги қонунга асосан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддасида ўз аксини топган кузатувчиларнинг ҳуқуқлари белгиланган меъёрлар қуйидаги қўшимча билан тўлдирилмоқда: «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Ўзбекистон экологик ҳаракатининг конференциясида ҳозир бўлиш».

Бу қўшимча орқали мамлакатимизда 2008 йилда ташкил этилган ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўзининг 15 нафар депутатлик ўрнига эга бўлган Ўзбекистон экологик ҳаракати сайловларини ҳам очик, ошқора тарзда ўтаётганлигини кенг жамоатчиликка, хусусан халқаро кузатувчиларга билдириш, уларни Ўзбекистон экологик ҳаракатининг конференциясида иштирок этишига шароит яратиш каби мақсадлар мужассам.

Албатта, сайлов жараёнларини халқаро меъёрларга мослигини кўрсатадиган муҳим мезон бу – унда кузатувчиларнинг иштирок этиши ҳисобланади. Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этишини ҳуқуқий таъминланиши мазкур танловнинг янада адолатли бўлишига хизмат қилади. Мамлакатимиздаги сайлов қонунчилигига асосан барча сайлов жараёнларида кузатувчиларнинг иштирок этиши учун ҳуқуқий асос яратилган, ўтказилаётган сайловларда бир қатор хорижий мамлакатларнинг экспертлари иштирок этиб, сайловларни ижобий баҳолашмоқда. Мазкур меъёрнинг қонунчиликка киритилиши бу борадаги кичик бўшлиқни тўлдирди ва сайловларни янада адолатли ўтишига хизмат қилади.

Амалга оширилаётган бу каби ислохотларнинг барчаси миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашувини, икки палатали парламент сайловларининг қонун талаблари ва умумэтироф этилган халқаро тамойил ва меъёрларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукамал қонунчилик базасининг шаклланишига олиб келди. Ушбу қонунларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди. Мамлакат Президенти лавозимига, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларни эса – сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги тамойилиал қоида мустаҳкамланди. Депутатликка номзодларнинг давлат ҳокимияти ижро органлари томонидан кўрсатилиш амалиёти бекор қилинди ва бу мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлидаги тамойилиал қадам бўлди¹.

Сайлов қонунчилигимизга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган, энг ривожланган демократик давлатлар тажрибасида ҳам камдан-кам учрайдиган мутлақ ваколатларнинг Марказий сайлов комиссиясига берилишини кўзда тутадиган ўзгартишларнинг киритилиши ўта муҳим аҳамиятга молик улкан воқеа бўлди. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, сайлов кампанияси жараёнига давлат ва ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмалари томонидан аралашишга қаратилган ҳар қандай уриниш қонун билан тақиқланиши ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

4.Эркин сайловларни ўтказишда оммавий ахборот воситаларининг роли

Сўз ва фикр эркинлиги ҳамма фуқароларга тегишли. Айни чоғда, сайлов жараёнлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил этадиган бўлсак, ҳам миллий, ҳам халқаро амалий таж-рибага мувофиқ, ана шу муҳим ижтимоий-сиёсий

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Т.: «Ўзбекистон», 2010. –Б. 35-36.

воқеага тайёргарлик, уни ўтказиш даврида аҳолининг уч қатлами сўз ва фикр эркинлиги ҳуқуқига эга бўлиши айниқса жиддий аҳамият касб этади. Булар:

1) умумий аҳолининг муайян қисми ҳисобланувчи сайловчилар;

2) оммавий ахборот воситалари;

3) сайланадиган ўринлар учун курашаётган ёки овоз бериш натижаларига таъсир кўрсатадиган сиёсий кучлар.

Сайловчиларнинг бу борадаги эркинликлари таъминланиши, шак-шубаҳасиз, уларнинг тўла ва аниқ ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи нечоғли ижобат этилишида намоён бўлади. Сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг бундай эркинликлари эса ўз қарашларини эркин, ҳеч қандай сохталаштиришларсиз баён эта олиш, шунингдек, бу фикрлар сайловчиларга тушунарли бўладиган даражада етарли вақтга эга бўлиш лаёқатига боғлиқдир.

Демократик сайловларни эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Негаки, улар фуқароларнинг сиёсий партиялар фаолияти, уларнинг сайловолди дастурлари, депутатликка кўрсатаётган номзодлари, сайлов жараёнининг барча босқичлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаши лозим. Шундай қилиб, оммавий ахборот воситалари демократик сайловларни очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик асосида ўтказишда муҳим восита бўлиб, фуқаролик жамиятининг сайловда фаол иштирок этишига жиддий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик кўриш жараёни ва сайлов қандай ўтаётганини ёритиб бориши мустаҳкамланган. Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда оммавий ахборот воситалари тенг шарт-шароит ва имкониятлар принципига амал қилган ҳолда, депутатликка номзодларга, сиёсий партиялар вакилларига ўз эфир вақти ва нашр майдонини қонунда белгиланган тартибда тақдим этади. Бундан ташқари, улар фуқаролик жамияти институтларидан бири сифатида сайлов жараёнида жамоатчилик назорати вазифасини бажаради.

Сайлов жараёнининг барча босқичлари очиқлиги, ошкоралигини таъминлаш, жамоатчиликни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида ОАВ орқали ўз вақтида холис хабардор қилиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан 2014 ва 2015 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил қилинди. Ушбу марказ Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясининг асосий босқичларига бағишлаб ўтказадиган брифинглар, матбуот анжуманларини ташкил этади, мамлакатимиз ва чет эл ОАВ вакилларини мазкур муҳим демократик жараён билан боғлиқ зарур ахборот материаллари билан таъминлайди. Журналистларни Марказий сайлов комиссиясининг www.elections.uz сайтида эълон қилинган аккредитациядан ўтказиш тартибига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясига хорижий ва миллий ОАВ вакиллари билан қайтма алоқалар ўрнатилди.

Оммавий ахборот воситалари эркин демократик сайловларни ўтказишнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Эркин ва адолатли сайловларнинг мазмун-моҳияти фақат мақбул муҳитда ўз овозини беришдан иборат эмас,

балки сайлов жараёнларида барча сайловчиларга сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар, рўйхатга олинган депутатликка номзодларнинг сайловолди дастури, шунингдек, сайлов жараёнининг моҳияти ҳақида тўлиқ ахборот олиш шарт-шароитлари таъминланиши лозим. Бунинг натижасида сайловчилар тўлиқ ва етарли ахборот асосида ўзлари онгли равишда муносиб номзодни танлаб овоз бериш имконига эга бўлади.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясини ёритиб бориш, сайловларнинг адолатли ҳамда қонуний ўтишига билвосита кўмаклашиш имконияти ҳуқуқий кафолатланган. Бинобарин, ушбу кафолатлар оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимиз сайлов тўғрисидаги қонунларида назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлари, мақсад ва вазифалари, бурч ҳамда масъулияти билан ўзаро уйғунлик касб этади.

Мамлакатимиздаги барча оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини кенг ёритишлари улар фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Эркин ва адолатли сайловлар нафақат муайян муҳитда фуқароларнинг ўз овозларини бериш имконияти таъминланганлиги, балки уларнинг тегишли номзодлар ва умуман бутун сайлов жараёни тўғрисидаги ахборотларга доир ҳуқуқларни кафолатлаш билан ҳам амалга оширилади. Зеро, ҳар бир сайловчи ўзининг муайян номзодга бўлган овозини ушбу номзод ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлган тақдирдагина ишончли ва асосли бериши мумкин. Шу жиҳатдан олганда, демократик сайловларни эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Сайловлар жараёнида оммавий ахборот воситалари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланганлигини, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор бўлишини ҳам муайян даражада таъминлайди.

Оммавий ахборот воситалари давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайлови жараёнида сайловчиларни хабардор қилишда холис ва ҳаққоний бўлишлари, номзодлар ва партияларнинг тенглиги тамойилини бузмасликлари керак. Айнан ушбу ҳолат оммавий ахборот воситаларининг мазкур жараёнда амалга оширадиган фаолиятининг хусусияти ҳисобланади.

Сайловда иштирок этадиган барча номзодлар, сиёсий партиялар, қонунларга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўз ташвиқотини олиб бориши учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишлари, радиоэшиттириш, телекўрсатувларда сайловолди дастурлари билан чиқишлари учун тенг ва адолатли шарт-шароит яратилади. Ташвиқот фаолиятини юритишда оммавий ахборот эркинлиги суиистеъмол қилинишига, шу жумладан, давлатнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қиладиган, уруш, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этадиган, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг

конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситишга қаратилган даъватларга йўл қўйилмайди.

Амалдаги қонунчилик талабларига кўра, Марказий сайлов комиссияси қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмоқда. Матбуот марказининг асосий вазифаларидан бири мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича тегишли расмий маълумотлар, зарур материаллар билан таъминлашдир. Бу ерда ОАВ вакиллари профессионал фаолияти учун барча зарур шарт-шароит мавжуд, интернет ҳамда алоқа воситаларидан фойдаланиш имкониятлари яратилган.

Бугун жамият ҳаётининг барча жабҳаларига ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернет фаол татбиқ қилинмоқда. Айни шу нуқтаи назардан, сайловчиларнинг катта қисми интернетдан кенг фойдаланадиган ёшлар ҳисобланади. Шу боис сайлов жараёнига оид барча ахборотлар Марказий сайлов комиссиясининг расмий сайти (www.elections.uz)га жойлаштирилиб, доимий равишда янгилаб борилмоқда. Марказий сайлов комиссияси сайти орқали фуқаролардан келиб тушаётган сайловга тайёргарликнинг бориши ва қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида сўровларга ҳам ўз вақтида жавоб қайтарилмоқда.

Назорат саволлари:

1. Фуқаролик жамиятининг фаолият кўрсатишида сайлов қандай вазифаларни бажаради?
2. Ўзбекистон қонунчилигида сайлов ҳуқуқининг қандай принциплари белгиланган?
3. Ўзбекистонда қандай сайлов тизимига амал қилинади?
4. Мамлакатимизда партиявий тизим қандай ривожланмоқда ва унинг ҳуқуқий асоси?
5. Сайлов комиссиялари тизими қандай ташкил топган?

Тест саволлари

1. Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг камида неча фоизини аёллар ташкил этиши лозим?

- A. 15 %
- B. 20%
- C. *30%
- D. 50%

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатнинг неча нафар аъзоси тайинланади?

- A. 10 нафар
- B. *16 нафар
- C. 20 нафар

D. 25 нафар

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг қанча қисмини Экологик ҳаракат вакиллари ташкил этади?

- A. 10 нафари
- B. *15 нафари
- C. 20 нафари
- D. 25 нафари

4. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ги қонуни янги тахрирда қачон қабул қилинган?

- A. *2003 й 29 август
- B. 2002 й 12 декабр
- C. 2003 й 24 апрель.
- D. 2008 й 25 декабр

5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб ким сайланиши мумкин?

- A. Ўзбекистон ҳудудида 15 йил давомида доимий яшайдиган, 25 ёшдан кам бўлмаган шахс
- B. *Ўзбекистон ҳудудида сайловдан олдин камида 10 йил яшаган, давлат тилини яхши билган, 35 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси
- C. Ўзбекистон ҳудудида туғилган, сайловдан олдин камида 15 йил Ўзбекистон ҳудудида яшаган, 35 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси
- D. 35 ёшга тўлган ҳар қандай олий маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқароси

6. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 2003 йил 24 апрелда киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга асосан мамлакатимиз сайлов тизимида қандай конституциявий ўзгариш рўй берди?

- A. Пропорционал сайлов тизимига ўтилди
- B. Сайлов ҳуқуқининг янги субъекти – Экологик ҳаракат фаолияти конституциявий мустақамланди
- C. Ташаббускор гуруҳлардан сайланадиган мустақил номзодлар институти бекор қилинди
- D. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Маҳаллий вакиллик органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларини ўтказишнинг аниқ муддати белгиланди.

7. Ўзбекистон Республикасида сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича доимий орган

- A. Конституциявий суд

- B. *Марказий сайлов комиссияси
- C. Олий Мажлис
- D. Вазирлар Маҳкамаси

8. Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун рухсат беришга зарур бўладиган сайловчилар имзосининг миқдори қанча?

- A. 30 минг
- B. *40 минг
- C. 45 минг
- D. 50 минг

9. Кимлар депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар?

A. содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар

B. * сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар

C. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

D. Барча жавлар тўғри

10. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар ким томонидан кўрсатилиши мумкин?

- A. Ташаббуқор гуруҳлар
- B. *сиёсий партиялар
- C. давлат ҳокимияти ижро органлари
- D. Барча жавоблар тўғри

9-МАВЗУ. ЖАҲОН ТАЖРИБАСИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ

Режа:

- 1. Ривожланган Ғарб давлатларида фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши**
- 2. Ғарб мамлакатларида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорлик сиёсати**
- 3. Ривожланган Шарқ мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётини модернизациялашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни**

Таянч сўзлар: ижтимоий шериклик, фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти институтлари.

1. Ривожланган Ғарб давлатларида фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши

Фуқаролик жамияти бир вақтнинг ўзида муайян ғоя ва мафкура, аниқ асосга эга бўлган воқеликни қамраб олмасида унинг амалий характери билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Чунки бундай ўз-ўзини институтчионал бошқарув шакли бир томондан, шахсий эркинлик, ўзаро муносабатнинг тури ва предметини эркин танлашга имкон берувчи ижтимоий муносабатларнинг аниқ соҳаси ва қизқишларни субъектив қондириш усули сифатида талқин қилинса, бошқа томондан, юзага келган аниқ воқеа-ҳодисага ўзига хос “кучли ва мустақил шахс” нуқтаи назаридан ёндошиш имконини берувчи ижтимоий тизим сифатида ривожланиб боради. Масалан, АҚШда фуқаролик жамиятининг дастлабки расмий институтлари диний уюшмалар, мактаблар ва турар жойи бўйича ҳавфсизлик ва тартибни таъминловчи ижтимоий гуруҳлар сифатида фаолият олиб борган. Ғарбий Европада эса бундан фарқли равишда фуқаролик жамияти институтлари иқтисодий соҳада ўз-ўзини намоён қилиб, бу янги ва эски типдаги, олдинги уюшмалар ва корпоратив бирлашмалар асосида ташкил топган мустақил бозор ташкилотлари сифатида фаолият юритган. Германияда фуқаролик жамияти институтларининг ўзига хос фаолияти гильдияда ўз аксини топиб, ўз вақтида ҳунарманд ва савдогарларнинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш ва шаҳарларни бошқаришга ўзига хос таъсир ўтказишнинг дастлабки шакли сифатида қарор топган. Ўз навбатида Европанинг Флоренция, Падуя ва бошқа шаҳарлари ўзини гильдия-шаҳар(townsmen) сифатида шакллантирган¹.

Ҳозирги даврда ривожланган Ғарб давлатларида фаолият олиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари демократик сиёсий фаолликни назарда

¹ Ашин Г.К., Кравченко С.А., Лозаннский Э.Д. Социология политики. Сравнительный анализ российских и американских политических реалий: Учеб. пособие для высших учебных заведений. - М.: Экзамен, 2001. -С. 608.

тутган ҳолда давлат устидан назоратни амалга оширади. Бунда сиёсий партиялар таъсири ва ўз-ўзини бошқариш институтлари фаоллиги тобора ортиб бораверади. Яъни шахс эркинлиги олий кадрият сифатида баҳоланади. Масалан, АҚШ, Буюкбритания, Австралияда мазкур принцип сабаб давлатнинг фуқаролик жамияти ҳаётига аралашувига йўл қўйилмайди.

Кучли давлат анъанаси Шарқ давлатлари каби кўпгина Ғарб мамлакатларига ҳам хос, айниқса Германия давлат бошқарув тизимида бу ҳолатга бевосита гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яъни Германия ижтимоий-сиёсий ҳаётида давлатнинг роли жамият ҳаётини барқарорлаштиришдаги аҳамияти кучли ҳисобланади. Шу боисдан ҳам давлат тузилишига алоҳида эътибор қаратилади. Бунда миллий бирдамлик ғояси устувор аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам шахсий эркинлик давлат қудратига боғлаб талқин этилади. Унга кўра давлат кучли бўлсагина, шахс қизиқишлари ва эркинлигини ҳимоя қила олади. Яъни, давлат тартиби ғояси, миллий бирдамлик шахс эркинлигидан ҳам устун қўйилади. Бундай ҳокимият бошқарув тизими Германиядан ташқари Франция ва Японияга мамлакатларига хосдир. Шунингдек, Германияда фуқаролик жамияти соҳасида ва унинг фаоллигини оширишда фуқарога нодавлат секторни ривожлантиришнинг муҳим мақсадли объекти сифатида эътибор қаратилади. Германияда муҳим сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг ҳал этилишида ҳамда инсоннинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишида фуқаролик жамияти институтлари муҳим рол ўйнайди. Бунда давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг таъминланиши фуқаролик жамияти институтларининг муҳим вазифаси деб қаралади. Давлат тизимлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилишида ноҳукумат ташкилотларининг ролини кучайтириш давлатнинг жамият билан самарали ўзаро алоқада бўлиши механизмларини мустаҳкамлайди¹.

Германияда фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида эркин ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш кўп қиррали ва мураккаб жараён сифатида баҳоланади. Шунинг учун ҳам мазкур жараёнлар ахборот эркинлигига оид ҳуқуқий механизмлар асосида тартибга солинади. Чунки бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ходимларининг замонавий ахборот бозори шароитида жамият олдидаги масъулияти ҳамда жавобгарлигини янада чуқур англашига хизмат қилувчи зарур механизмларни ишлаб чиқиш муҳимдир. Шунинг учун ҳам 2003 йилнинг майида Германияда оила, кекса фуқаролар, аёллар ва ёшлар ишлари бўйича кўмитанинг кичик бўлими (Фуқаролик фаоллиги бўйича кичик кўмита) ташкил этилган. Унинг вазифасига Германиянинг фуқаролик жамиятини тадқиқ этиш тавсияларини бажаришга кўмаклашиш ҳамда ўз йўналишидаги қонун лойиҳалари ва ташаббусларини муҳокама қилиш киради.

¹ Курбатов В.И. Современная западная социология: Аналитический обзор концепций: Учеб. пособие. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2001. – 416с.

Шунингдек бу мамлакатда аҳолининг давлат, тижорат ва жамоат ташкилотларига бўлган ишончи “учинчи сектор”ни ривожлантиришнинг муҳим мезонлари ҳисобланади. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги «биринчи» ва «учинчи» секторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни институционаллаштириш ҳар икки томон учун фойдали ҳисобланади. Бундай ҳамкорлик сиёсатини белгилаб берадиган ҳужжатлар давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг муайян босқичи учунгина фойдали бўлади. Уларда давлат ҳокимиятининг фуқаролик жамияти ролига нисбатан янгича нуқтаи-назари акс этади ва учинчи сектор ташкилотлари билан самарали ўзаро ҳамкорлик асослари яратилади¹.

Германияда “учинчи сектор” фуқаролик жамияти, фаол фуқаролик ва бирдамлик ҳисси – яқин яқингача фақат сиёсатшуносларни қизиқтирган тушунчалар эндиликда барча ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари томонидан муҳокама қилинмоқда. Бунинг сири нимада? Нима сабабдан бугун унинг аҳамияти бунчалик ошган? Биринчидан “учинчи сектор” – фуқаролик жамиятининг ташкилий инфратузилмаси – узоқ йиллар давомида ривожланувчи иқтисоднинг муҳим тармоғига айланди. Масалан, биргина Германиянинг ўзида 1990 йилдан 1995 йилгача у 30% ўсди. Бундан маълум бўладики, учинчи сектор меҳнат бозори учун алоҳида аҳамият касб этади. 90 йил ўрталарига келиб Германия аҳолисининг тахминан 2,1 млн. (иш билан банларнинг 5%) ноижорат секторда бўлган. Бошқа мамлакатларга нисбатан Германиянинг “учинчи сектори” ўзининг иқтисодий аҳамиятига кўра “ўртача” ҳисобланади. Унчалик катта бўлмаган бошқа Ғарб мамлакатлари - Нидерландия, Ирландия, Бельгия – бу жиҳат бўйича 10% гача чиққан холос. Сабаби давлат ва “учинчи сектор” ўртасида бевосита ва узлуксиз ҳамкорлик бу мамлакатларда Германия даражасида ривожлантирилмаган. Германияда давлат ва “учинчи сектор” ўртасидаги субсидарлик тамойилининг қўлланилиши беғараз ёрдам билан чегараланади.

Иқтисодий жиҳатдан Германияда “учинчи сектор” давлат молиявий ресурсларига боғлиқ. Беғараз фондлар ва уларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши “учинчи сектор”нинг давлатга боғлиқлигини оширади. Ва бу жиҳат айниқса бошқа давлатлар билан солиштирилганда яққол намоён бўлади. Катта молиявий ёрдам олишда ифодаланувчи сиёсий партиялар ва давлатга яқинлик “учинчи сектор” элементларини фуқаролик жамиятидан ташқарида бўлишига ва квазидавлат секторига киришига олиб келади. Бироқ “учинчи сектор” “эзгу ишлар ҳомийлигидан” иборат эмас. Ташкилотларда ўтган вақт учун тўланмайдиган пул миқдори тўлиқ бандликдаги миллионлаб одамларга тўланадиган пулга тенг бўлган. Жамоатчилик асосидаги фаолиятнинг манбаи бўлган бирдамлик ҳисси фуқаролик жамияти мавжудлигининг муҳим асоси ҳисобланади. Охири тадқиқотлар кўрсатишича, Германияда 14 ёшдан катта бўлганларнинг 34% жамоатчилик

¹ Сморунов Л.В. Современная сравнительная политология. Учебник. - М.: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 2002. - 472с.

асосида (“учинчи сектор” ташкилотларида - 80%) фаолият олиб бориб, бунга ҳафтасига ўртача 5 соат вақтини сарфлайди.

Охириги уч ўн йилликда Германияда фондлар сони тобора ошиб бормоқда. Уларнинг фаолияти қонуний асос билан мустаҳкамланади. Улар орасида янги турдаги фуқаролик ёки шаҳар фондлари бўлиб, бунда ташкилотлар ва алоҳида жисмоний шахслар ҳамкорлик асосида маҳаллий миқёсда у ёки бу муаммони бартараф қилиш йўлида бирлашади. Германиянинг янги ерларида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. 1990 й. Шарқий Германияда ҳақиқий “портлаш” бўлган, бунда 80.000 то 100.000гача жамиятлар ташкил топган. Германияда тузилган ташкилотлар ўзига хос жиҳати ижтимоий-сиёсий жиҳатдан марказий соҳалар – атроф-муҳитни сақлаш ва халқаро фаолият жаҳҳасидаги динамикаси билан боғлиқ. “Учинси сектор” ташкилотлари аъзоларининг тобора ошиб бориши унинг одамлар ҳаётига кириб борганлигидан далолат беради. Қолаверса, “учинчи сектор” кўп жиҳатдан жамиятнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш ва инновацияларга нисбий лаёқатидан далолат беради. Яъни бу фаолиятдаги янгилик асосан ҳукумат фаоллик кўрсатмаган соҳаларда юзага келади. Шу нуқтаи назардан бу ҳодисани ижобий баҳолаш мумкин. АҚШда кузатилаётган "Bowling alone" – ижтимоий фаоллик ҳалокати феномени Германия жамиятига хос эмас.

Қизиқишларни ифодалаш функцияси бунда қандай амал қилади? деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин. Энг янги жараёнлар шуни кўрсатадики, “мавзу адвокат”лари деб номланувчи атроф-муҳитни сақлаш ва халқаро фаолият ташкилотларига пулни сарфлаш ва уларда жамоатчилик асосида иштирок этиш модага айланыпти. “Мавзу адвокатлари” га ўхшашларнинг мавжудлигини, “учинчи сектор”нинг давлат функцияларига таъсир қилиши ёки давлатнинг амал қилиш чегарасини кўрсатишга қодирми? Германия мисолида биз бунинг қарама-қарши, аммо умуман олганда ижобий натижаларини кўраемиз. Айнан янги ва ўзига мустаҳкам ишончи бўлган, давлат оталиғидан ташқарида вужудга келган ташкилотлар ўзига хос фуқаролик жамиятидан далолат беради. “Учинчи сектор” ва сиёсатнинг бошқа соҳаларини оладиган бўлсак, фуқаролик жамияти устуворликлари, прусс-протестант этатизм ва католик патернализмни ўзида мужассам этган Германия анъанасига зиддир. Мазкур этатистик-патерналистик анъана субсидарлик концепциясида ўз ифодасини топади. Субсидар ҳисобланган ва шу билан бирга марказий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга муносиб бўлган ташкилотлар аввало ҳуқуқий чегаралар билан белгиланади, бу ўз навбатида унчалик катта бўлмаган ташкилотлар имкониятларини чегаралайди. Бунда фуқаролик жамиятининг эмас балки давлат ва коммуналар қизиқишлари ҳимоя қилинади.

2. Ғарб мамлакатларида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорлик сиёсати

Ғарб мамлакатларида ҳамкорлик сиёсати асосида нотижорат секторининг жамиятни ривожлантиришга ҳиссаси эътироф этилади ундан сўнг эса томонларнинг умумий режалари ҳамда давлат ва жамоат

бирлашмалари томонидан ҳамкорлик принципларини амалий механизмлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш бўйича аниқ чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Шунинг учун ҳам бундай ҳамкорлик сиёсати одатда икки томоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ва музокаралари натижаси мустаҳкамланиб борилади. Улар турли шаклларда намоён бўлади: икки томонлама расмий битимлар масалан, Буюк Британия давлати ва фуқаролик жамияти ўртасида тузилган шартномалар, ҳукумат томонидан давлат дастурлари сифатида қабул қилинадиган «де-факто» битимлари (Хорватия ҳамкорлик дастури) ёки Парламент (Эстония фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси) ёхуд томонларнинг мажбуриятлари ифода этилган бир томонлама баёнотлар (Венгриянинг фуқаролик жамиятига нисбатан давлат стратегияси) шаклида қабул қилиниши мумкин.

Буюк Британия давлати ва фуқаролик жамияти ўртасида тузилган шартномалар ва баёнотлар учинчи сектор учун ҳам, давлат секторининг ўзи учун ҳам жуда муҳим саналади. Чунки улар, биринчидан, фуқаролик жамияти ташкилотларига ўз фаолиятларининг жиддий қўллаб-қувватланишини, демак жамият манфаатлари йўлида фаолият соҳаларини кенгайтириш имконини берса, иккинчидан, давлат ўз сиёсатига фуқаролик жамияти билан мулоқот қилиш ва шерикликни қўшиб, бундай шериклик ёрдамида ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришига имкон беради. Бундай муваффақиятли ҳамкорлик сиёсатининг асосий омили – ўзаро манфаатларга риоя этиш кафолатлари, «бошқа томоннинг мақсад ва вазифаларига» ҳурмат ва ишончга асосланади. Бироқ давлатнинг нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида музокаралар олиб бориш ва сиёсий ҳужжат қабул қилишида машқур ташкилотларнинг ташаббускор бўлиши табиий ва эҳтимоллик даражаси ҳам юқори ҳисобланади, лекин Хорватия ва Венгрия мисоллари ушбу масалада давлат ҳокимияти ҳам манфаатдор бўлиб, ўзи мазқур жараён ташаббускори бўлиши ва уни муваффақиятли якунига етказиши ҳам кўзда тутилган.

Шу маънода ҳамкорлик тўғрисида сиёсий ҳужжат қабул қилинишининг ўзи етарли эмас. Шунинг учун мазқур шартноманинг 15-моддасида уни «яқунлаш эмас, балки илк нуқта» деб аталади. Шартнома эса «жараён» деб номланади. Бу билан агар келишилган матн қабул қилишга муваффақ бўлинмаса ҳам музокаралар жараёнидан ҳар икки томон ютишига алоҳида эътибор қаратилади. Бундай соғлом муносабатлар тез-тез ўтказиладиган учрашувлар, конструктив мунозаралар, фаол ҳамкорлик, шунингдек ўзаро ён босишлар ва бир-бирини тушунишга интилишлар асосида шаклланади. Шундай бўлса-да, нотижорат сектор учун ҳам, ҳукумат учун қонун кучига эга деб ҳисобланган ва мажбуриятлар ижросининг аниқ муддатлари кўрсатилган ҳужжатнинг қабул қилиниши энг мақбул вариант бўларди. Бироқ ҳатто учрашувлар, муҳокамалар, музокаралар жараёнининг ўзи – агар унинг натижасида давлат тузилмалари билан ўзаро англашувни яхшилаш асосида бўлса ҳам – улардан кутилганидан кўпроқ манфаат келиши ҳам мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Буюк Британияда муайян тоифага тааллуқли бўлган ҳамкорликнинг институционал шаклларида ташқари таснифлаш осон бўлмаган алоҳида функцияларга эга институционал шакллар ҳам мавжуд. Бундай ихтисослаштирилган тузилмаларга мисол сифатида, Буюк Британиянинг Хайрия ишлари бўйича комиссиясини ҳам келтиришимиз мумкин. Бизга маълумки, мазкур хайрия ишлари бўйича комиссия қонун асосида Англия ва Уэльсдаги хайрия ташкилотларининг мувофиқлаштирувчи ва рўйхатга олувчи органи сифатида таъсис этилган. Ўз набатида бундай хайрия ташкилотлари Буюк Британия ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Лекин уларга қўйиладиган қонуний талабларга риоя этилишини таъминлаш учун фаолиятларини тартибга солиш талаб этилади. Бу ташкилотлар сидқидилдан ва қонун доирасида иш кўриши, шахсий манфаатни эмас, балки ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлашлари, мустақил бўлишлари, васийлик кенгашларининг аъзолари ташқаридан бирор ноқонуний таъсирсиз қарорлар қабул қилишлари, хайрия ташкилотларининг ўзлари томонидан бошқарувдаги ҳамма жиддий ҳолатлар ёки қасддан қилинадиган ҳуқуқбузарликларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши талаб этилади. Комиссия ўз фаолиятини хайрия ишлари тўғрисидаги қонунчилик ижро этилишини таъминлаган, хайрия ташкилотлари самарали ҳуқуқий, бухгалтерия ва бошқарув тизимлари доирасида яхшироқ фаолият кўрсатиш имкониятларини берган ҳолда амалга оширади. Бунда комиссия жамиятда, иқтисодиёт ва қонунчиликда рўй бераётган воқеаларни кузатиб боради, самарали бошқарувни ва жамиятга ҳисоб беришни таъминлашга кўмаклашади. У қонунчилик ва амалиёт масалалари бўйича ахборотни тарқатади ва маслаҳатлашувлар ўтказади, хайрия ташкилотларини рўйхатга олиш жараёнига кўмаклашади, қонун бузилиши ҳолатлари бўйича ўз текширишларини олиб боради, бошқа мувофиқлаштирувчилар (прокуратура, полиция) билан ҳамкорлик қилади, шунингдек хайрия ташкилоти мулки сақланиши учун унинг фаолиятига аралашиши ҳам мумкин. Хайрия ишлари бўйича комиссия ҳар йили Парламент ва Ички ишлар вазирига ҳисоб беради, ўзининг йиллик ҳисоботларини эълон қилади. Шу билан бирга, комиссия бутун жамият манфаатлари йўлида фаолият олиб борадиган мустақил орган ҳисобланади¹.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сиёсий ҳужжатни муҳокама қилишнинг марказлаштирилган тартиби уни қабул қилишга олиб келиши шарт эмас, лекин ушбу жараёндаги кўп сонли ошқора мунозаралар жамоатчиликнинг сиёсий қарорлар қабул қилишда иштирок этишига мисол бўла олади. Масалан, Буюк Британия амалиёти битимларни амалга ошириш ва унга риоя этиш йўлида икки томон учун ҳам тўсиқлардан бири – ижтимоий сектор томонидан битимлар тўғрисида етарлича хабардорликнинг йўқлиги ёки тушунмовчилик мавжудлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам ҳужжат матнини тайёрлашга экспертларни жалб этиш ҳамда уни муҳокама этиш ва

¹ Schmitter Ph. Civil society East and West// Consolidation the Third Wave Democracies: Themes and Perspectives/ Ed. by L.Diamond et al. Baltimore and London: The Johns Hopkins U.P., - 1997. – P.239-262.

келишишда жамоатчиликнинг кенг иштирок этишини кўзда тутди. Бундан ташқари, Ғарбий Европада «секторни англаш», яъни жуда кўп нотижорат ва ноҳукумат ташкилотларни ягона сектор сифатида (масалан, жамоатчилик ёки учинчи сектор каби) тасаввур этиш – янги ҳодиса бўлиб, кўпгина мамлакатларда ҳали қарор топмаган. Ҳамкорлик институтлари уларга эҳтиёж бўлган айрим соҳаларда (одатда, ижтимоий хизмат кўрсатиш, экология ёки халқаро ёрдам соҳаларида) ривожланган. Шунга қарамасдан айрим соҳаларда шаклланган баъзи принциплар ва амалиёт умумэтироф этилиш даражасигача кўтарилган ҳамда бутун нодавлат нотижорат ташкилотлари секторига ва умуман ҳатто фуқаролик жамиятига тарқалган. Ана шундай универсал принципларга, масалан субсидиарлик принципи, ахборотдан фойдаланиш ва манфаатдор гуруҳлар билан маслаҳатлашув (ижтимоий мулоқот) киради.

Франция ва Германияда жойларда ижтимоий шериклик лойиҳаларини режалаштириш, мувофиқлаштириш, амалга ошириш ва молиялаштириш учун масъулиятнинг катта қисми ҳудудий, округ ва муниципал таълим (ўзини ўзи бошқариш органлари) зиммасига юклатилган. Бироқ, Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Франция, АҚШ ва қатор бошқа ривожланган мамлакатларда давлат органларининг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги алоҳида базавий қонунларда тартибга солинмаган. Шу нуқтаи-назардан қараганда, аксарият Европа мамлакатларидаги ижтимоий шериклик институти ижтимоий-меҳнат соҳасида иқтисодий манфаатлар келишуви ва ижтимоий-меҳнат низоларни тартибга солиш бўйича давлатнинг воситачилик роли билан ишга ёлланувчи ва иш берувчи ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлар тизими сифатида шаклланган¹.

XX аср охири – XXI аср бошида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Европанинг қатор мамлакатлари ноҳукумат сектори билан ҳамкорликка оид ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича тегишли чоратadbирларни амалга оширди. Бу эса давлат ва ноҳукумат секторининг ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ривожланишга оид долзарб масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатлари ва ресурсларини бирлаштиришга кенг имконият яратиб берди. Оқибатда эса фуқароларнинг сиёсий ҳаётдаги иштирокини фаоллаштириш, давлатни аҳолига айрим хизматларни кўрсатиш юкидан қисман озод қила оладиган ҳамкорликнинг механизмларини яратишга эришилди. Европада давлат институтларининг ННТлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишнинг муҳимлиги бир қатор халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Масалан, БМТнинг 1968 йилдаги Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши резолюцияси (1297), «Европада давлат бошқаруви масалалари бўйича оқ китоб» (25 июль, 2001 йил), «Европада ноҳукумат ташкилотлар мавқеининг асосий принциплари» (16 апрель, 2003 йил) ва бошқа шу каби халқаро ҳужжатларда ННТларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги ролига алоҳида аҳамият қаратилади, мулоқот ва

¹ Helmut K. Anheier, Stefan Toepler, International Encyclopedia of Civil Society, Springer-Verlag New York Inc., New York 2010.

маслаҳатлашув орқали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйилиши ҳамда муайян давлат кўмаги шакллари тақдим этиш механизмларини жорий этилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Ривожланган Ғарб давлатларида фаолият олиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари замонавий фуқаролик жамияти моделини яратиш, унинг давлат бошқарувидаги самарали иштирокини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бундай замонавий модел асосида жамият ва давлат бошқарувида фуқаролик институтларининг ўрни ҳамда аҳамиятини мустаҳкамлаш, жамоатчилик тузилмалари ва давлат органларининг ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш мумкин. Шу билан бирга, давлатнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлиги очиклик ва шаффофлик тамойилларига ҳамда фуқаролик жабҳасида юз бераётган жараёнларнинг чуқур тизимли таҳлил қилиб боришга кенг имкон беради. Масалан, Францияда давлат ноҳукумат ташкилотларини ҳукумат сиёсатини шакллантиришга фаол жалб қилади, вазирлик ва идоралар ҳузурида ташкил этилган кенгашлар фаолиятнинг бошқа шакл ва усуллари орқали фуқаролик институтлари билан ҳамкорликни самарали йўлга қўяди. Шунинг билан бир қаторда Францияда фуқаролик жамияти институтлари тараққиётини мониторинг қилиш усулларини мунтазам равишда янгилаб борилиши, жамоат бирлашмаларининг мамлакат ҳаётида тобора ортиб бораётган ўрни масалаларини ўрганиш ҳамда уларнинг давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини таҳлил қилиш учун қулай имкониятни яратиб бермоқда. Бунда Европада истиқболни белгилаш ва хавфсизлик институти ҳамда Франция ва Европа Иттифоқининг фуқаролик жамияти тараққиёти масалалари билан шуғулланувчи бошқа таҳлилий марказларининг самарали фаолияти эътиборга моликдир¹.

АҚШда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги долзарб масалаларни ечишда давлат органлари ва ННТларнинг ўзаро ҳамкорлик фаолиятини такомиллаштириш шакл-тамомойиллари ва йўналишларига жиддий эътибор қаратилади. Шу билан бирга бу мамлакатда давлат ҳокимияти органлари фаолияти, улар томонидан қонунчилик актларининг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бориш механизми ва тажрибаси ҳам ўзига хос равишда такомиллаштирилган². Шунингдек, АҚШдаги давлат ва фуқаролик жамиятининг ўзаро ижтимоий ҳамкорлиги ташкилий-ҳуқуқий механизмларининг такомиллашуви давлат ривожланишининг долзарб масалалари ечимиданафақат аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширади, балки давлат органлари учун умумдавлат миқёсидаги долзарб масалаларни ечиш имкониятларига шароит яратади. Бундай жиддий стратегик масалаларни ишлаб чиқишда Халқаро муносабатлар Миллий демократик институти, Джон Хопкинс Университети қошидаги фуқаролик жамиятини ўрганиш Маркази, Нотижорат ҳуқуқлар Халқаро маркази ва

¹ Чилкот Рональд Х. Теории сравнительной политологии. В поисках парадигмы /Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, Издательство «Весь Мир», 2001. -560с.

² O'Connell, Brian. Civil Society: The Underpinnings of American Democracy. Medford, Mass: Tufts University Press, 1999.

бошқа шу каби илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда нодавлат ташкилотларининг ўрни катта ҳисобланади. АҚШда ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш тизими анча ривожланган.

3.Ривожланган Шарқ мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётини модернизациялашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни

Японияда фуқаролик жамиятини аниқ белгиларини намоён этувчи қарашлар асосан XIX асрнинг охиридан бошлаб илгари сурилган. Японияда фуқаролик жамияти институтлари фаолияти асосан 1960 йилдан бошлаб ривожланган бўлсада айнан 2006 йилдан бошлаб ривожланган Ғарб давлатларидан фарқ қиладиган ўзига хос фуқаролик жамияти моделини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Японияда ривожлантирилаётган фуқаролик жамияти “онгли ва масъулиятли фаолият юритиш” тамойилига асосланган. Шунингдек, “давлат-иқтисод (бозор)-фуқаролик жамияти” модели устувор аҳамият касб этади. Японияда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ННТлар орасида ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишга қаратилган турли дастур ва лойиҳаларни эълон қилишни кўзда тутувчи танловларни ўтказиш ҳуқуқига эга.

Ҳозирги даврда Японияда фуқаролик жамияти институтлари асосан куйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ижтимоий сармояларни шакллантириш ва кўпайтириш;
2. Аҳолига нисбатан қўлланилаётган ижтимоий хизматларни кенгайтиришни қўллаб қувватлаш;
3. Жамиятдаги турли мақсадли фаолият билан шуғулланаётган муайян гуруҳларни қўллаб қувватлаш ва меҳнат уюшмалари фаолиятини кенгайтириш;
4. Японияда ҳудудий ассоциациялар фаолиятини кучайтириш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга эришиш;
5. Японияда мавжуд сиёсий тизим ва партиялар фаолиятини такомиллаштириш;
6. Давлат ва бозор муносабатларидан мустақил бўлган истеъмолчилар жамиятини ривожлантиришга эришиш;
7. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва мавжуд демографик муаммоларни оқилона ҳал этиш;
8. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва экологик муаммоларни тадқиқ этувчи муассасалар фаолиятини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Япониядан фарқли равишда Хитойда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ретроспектив хусусиятлари ва сиёсий ислохотлар тадрижи бу ҳудуда яшовчи инсонларни фуқаролик маданиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Бу ерда энг муҳим нарса шуки Хитойда фуқаролик жамияти тизимида "бозор" ва "ижтимоий" соҳани ўзаро алоқадорликда босқичма-босқич ривожланиши алоҳида аҳамият касб этади. Хитойда давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш

асосан 1949 йилдан бошлаб асосий босқични босиб ўтган бўлсада, аввало фуқаролик жамияти институтларининг дастлабки тузилмалари фаолияти асосида Хитой маъмурий тизимини мустақамлашга эътибор қаратилган. 1989 йилдан бошлаб Хитойда фуқаролик жамияти институтлари фаолияти кенг миқёсда ташкил этилган.

Хитойда фуқаролик жамиятининг ривожланишида бир қанча тўсиқлар мавжуд, улардан бири – хитой маданиятида фуқаролик жамияти анъаналарининг олдин мавжуд бўлмаганлиги. Бунинг ечими, калити Хитой “халқ жамияти”ни “фуқаролик” жамиятига – “халқ”ни “фуқаро”га алмаштириш керак. Хитойнинг сиёсий жиҳатдан ривожланиши фуқароларда фуқаровий онг ва фуқаролик маданиятини тарбиялаш, сиёсий тизимни ислоҳ қилиш ва демократияни ривожлантириш билан характерланади. Хитой социологларининг фуқаролик жамияти тушунчасига муносабати ҳам ўзига хосдир. Чунки бу мамлакатда фуқаролик жамияти нодавлат ва давлатдан ташқари ташкилотлар сифатида жамоавий ўз-ўзини бошқариш асосни ташкил қилади. Уларнинг фикрича, фуқаролик жамияти – аста-секин қудратли давлатнинг бозор ва ижтимоий муносабатлар соҳасидан четлаштирилиши, фуқаролик жамиятининг муҳим компонентларидан бири фуқаровий-ижтимоий ташкилотлар каби шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқдир. Хитойда фуқаролик жамияти шаклланиши тарихи – буюк ва қудратли давлатнинг иқтисод ва ижтимоий муносабатлар соҳасидан четлашиши, фуқаролик жамиятининг яна бир муҳим компоненти, фуқаровий-ижтимоий ташкилотларнинг пайдо бўлиши ва ривожини билан боғлиқ. Шу сабабли, бугунги хитой олимлари Хитойда сиёсат ва маъмурий бошқарувда янги тенденцияларни шаҳар ва қишлоқ жойларига тадбиқ қилиш орқали фуқаролик жамиятини ривожлантириш мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқдалар¹.

Хитойда мавжуд бўлган барча шаҳар ва микрорайонларни жамоат ташкилотлари сайи ҳаракатлари билан ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам бу ташкилотларнинг демократик ўз-ўзини бошқариш асосларининг яратишдаги ўрни бекиёс ҳисобланади. Охириги ўн йилликларда Хитой сиёсий бошқарувида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусий сектор ва нодавлат ташкилотларнинг хитойликлар ҳаётида тобора аҳамияти ошиб бораётганлиги сабабли давлат сиёсий бошқарув соҳасида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Хусусан, партия ва ҳукумат раҳбарларининг демократик асосда сайланиши тартиби ХХР ҳудудларида самарали давлат бошқарувини амалга оширишга кўмаклашмоқда. Ўз навбатида Хитой давлати бошқарувида қайта алоқа тамойилини амалга оширишга ҳаракат қилинмоқда. Бунда алоҳида эътибор ҳар нима бўлган ҳам давлатнинг умумий сиёсий барқарорлигига эришишга қаратилмоқда².

Узоқ Шарқда конфуцичилик анаъаналарини сақлаб қолган ва миллий кадариятлар тизимига қатъий амал қиладиган давлат Жанубий Корея

¹ Қаранг: Мавлонов Ж. Гражданское общество: от концепта к концепциям и парадигмам (социально-философский анализ): монография / Ж.Мавлонов. – Ташкент: Истиқлол нури, 2014. – 224 с.

² Литвинов О.В. Китайский путь к демократии. - М.: Научная книга, 2004. – 369 с.

ҳисобланади. Бу давлатда фуқаролик жамияти жамоавийлик тамойилига асосланган ҳолда ривожлантириб борилмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий-сиёсий барқаорликни таъминлашга хизмат қилиши билан бир қаторда давлат ва жамият муносабатларини модернизация қилишда муҳим ўринни эгаллайди. Жанубий Кореяда фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида либерал демократик тамойилларни анаънавий жамият бошқаруви меъёрлари билан уйғун ҳолда тадбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунинг билан бир қаторда бу мамлакатда ривожланаётган фуқаролик жамияти институтлари “хукумат-фуқаро-хукук” моделидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритади.

Инсоният тарихида катта ҳудудларни эгаллаган ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда кичик давлатлар ҳам мавжуд. Сингапур айнан шундай шаҳар-давлат ҳисобланади. Сингапур қишлоқ хўжалиги ёки бирор табиий ресурсларига эга эмас, аммо сувни ҳам импорт қилишга мажбур бўлган Сингапур ўз маҳсулотларини Россиядан уч баробар кўп миқдорда экспорт қилади. Сиёсатшунос Н. Гарделе бу ҳақида шундай ёзади: «Эҳтимол бутун ер юзида Сингапурчалик тартиблилик, юқори технологиялар, бой ўртача синф, маданият ва толерантлик билан XXI асрга қадам қўйишга тайёр шаҳар-давлат бўлмаса керак. Ҳали 1965 йилда ҳам Сингапур иқтисодий кўрсаткичлари билан Чили, Аргентина ва Мексика билан бир даражада турган эди, эндиликда эса бу мамлакатда ишлаб чиқариши аҳоли жон бошига юқоридаги мамлакатлардан 5 баробар кўп. Ички ялпи маҳсулоти — 136 миллиард долларни ташкил этади. Даромади бўйича аҳоли жон бошига 45 минг доллардан зиёдни ташкил қилаётган бу мамлакат жаҳонда етакчилик қилмоқда. Халқаро илмий тадқиқот марказлари томонидан ўтказилган сўровлар натижасида Сингапурда коррупция ва жиноятчилик кўрсаткичи жаҳонда энг қуйи даражада эканлиги аниқланган. Сингапур республикаси – қирқ йиллик миллий суверенитетидан кейин ривожланаётган эмас, “ривожланган мамлакат” мақомини олган Жанубий-Шарқий Осиёдаги ягона мамлакатлардан бири ҳисобланади¹.

Ҳозирги даврда Сингапур – юқори фаровонликдаги ҳаёт тарзига эга йирик ишлаб чиқариш марказидир. Бу ерда сиёсий жараён уч кетма-кет босқич бўйича ривожланиб борган. Биринчи босқичда авторитар режим жорий этилган бўлса, иккинчи босқичда эса иқтисодий ривожланишга урғу берилган, шунингдек жиддий сиёсий масалалар айна шу босқичда ҳал этилган. Учинчи босқичда 14 – ишлаб чиқариш модернизацияси амалга оширилган ва сиёсий тизим янада такомиллаштирилган.

Сиёсий жараёнинг асосий иштирокчиси сифатида давлат, фуқаролик жамияти, сиёсий партия ва жамоат ташкилотларининг самарали ҳамкорлиги бу давлатда яхши йўлга қўйилган. Сингапур давлатида ижро ҳокимияти қонун чиқарувчи ҳокимият устидан назорат ўрнатган. Чунки айнан давлат вазирликлар орқали муҳим стратегик қарорларни қабул қилиш ва бошқа

¹ Қаранг: Погадаев В.А. Малайский мир (Бруней, Индонезия, Малайзия, Сингапур). Лингвострановедческий словарь. – М.: Восточная книга, 2012. - 798с.

ижтимоий-иқтисодий соҳалар устидан назоратни амалга ошириш ва монополия ҳуқуқларидан фойдаланади. Ҳукумат ва жамият билан воситачи сифатида айнан сиёсий партиялар фаолият олиб боради. Сингапурда Европа намунаси асосида кўп партиявийлик ва халқ ҳаракати устунлик қилади. Сингапурда барча партиялар конституцион-ҳуқуқий расмийлаштирилган ва қонуний мақомга эга бўлиб сиёсий жараён ва демократиянинг ажралмас атрибути ҳисобланади¹.

Сингапур давлатининг кейинги ривож жамиятни демократлаштириш билан боғлиқ. Охириги йилларда бу ерда демократияни такомиллаштириш давлат стратегияси аниқлаб олинди. Булар қуйидаги ислохотларни амалга оширишда ўзига хос ўринни эгаллайди:

- жамиятнинг ижтимоий яхлитлигини мустаҳкамлаш;
- ягона сингапур миллатини шакллантириш;
- иқтисодий тараққиёт, таълим тизимини модернизациялаш;
- коррупция билан кураш.

Мазкур йўналишлар демократик жамият қуришнинг асосий шарти ҳисобланади. Давлат билан бирга сиёсий тузилма ташқарисида шаклланувчи фуқаролик жамияти бу давлатда катта ўрин тутди. Сингапур ҳукумати демократик, бироқ ўта марказлашган ва қатъий бошқарилувчи давлат доирасида халқ мандатини сайловлар орқали қўлга киритиб борган. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт эса демократик қадриятларнинг шаклланишига асос бўлган, ҳукумат тепасига янги сиёсий етакчилар авлодининг келиши бу давлатда ўзига хос фуқаролик жамиятини ривожлантиришга шароит яратиб бериши мумкин².

Сингапурда самарадор давлат бошқаруви ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда қуйидаги ислохотларга алоҳида эътибор қаратилган: Биринчидан, ҳукмрон партия ҳануз йирик сиёсий партиялигича қолмоқда. Чунки у турли соҳаларда давлат бошқарувидаги ноёб тажрибасига эга. Иккинчидан, иқтисодида бозор тамойиллар амал қилади, бироқ давлат асосий халқ хўжалиги тармоқларини бошқаради ва назорат қилади. Учинчидан, бошқарув органларининг, давлат муассасаларига энг муносиб кадрларни тўғри танлаши ва тақсимлаши самарали натижаларни бермоқда. Тўртинчидан, пухта ўйланган таълим тизими ижтимоий мобилликнинг муҳим омили сифатида хизмат қилиб қабул қилинган қарорларнинг юқори профессионаллик даражасини таъминланган. Бешинчидан, миллийлик масаласининг ҳал этилган ва этник дискриминация йўқ, этник тенг ҳуқуқлилик жамият барқарорлигининг муҳим шарти сифатида қарор топган. Олтинчидан, маънавий-ахлоқий асос сифатида, мамлакат сиёсатига ўз таъсирини ўтказувчи – инсоний муносабат, муомала, тартиб-интизом ва ўзарокелишувга катта эътибор қаратилган. Еттинчидан, Сингапурнинг иқтисодий ривож ва бошқа ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши омма сиёсий ҳаётини фаолаштирган ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш, замонавий

¹ Қаранг: Ли Куан Ю. Сингапурская история: из третьего мира в первый. М.: 2005.

² Toponymics: A Study of Singapore's Street Names. — Singapore: Eastern Universities Press, 2004.

парламентаризмни ривожланишига асос бўлган. Сиёсий барқарорлик ўз навбатида самарали иқтисодий тараққиётни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган¹.

Давлат иқтисодиёт соҳаларини кенг миқёсда қамраб олган бўлсада бу мамлакат жаҳон ҳамжамиятидан узиб қўйилмаган. У бошқа мамлакатлар ва умуман халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Бу мамлакат мана бир неча ўн йиллардан бери ўз йўлидан бориш ва бу йўлдан қайтмаслик тамойилига қаттиқ амал қилади. Бу йўлнинг мазмун-моҳияти – жамиятнинг конкрет-тарихий шароитини, миллий, диний, маданий хусусиятларини ҳисобга олиш; иқтисодий тараққиётга анъанавий ахлоқий ва маданий кадриятлар билан уйғунликда эришишдан иборат.

Сингапур ижтимоий-иқтисодий тараққиётдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, яқин орада унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида бирор бир жиддий ўзгариш юз бериши амри маҳол. Чунки ҳукумат тузилмаларидаги ўзгаришлар аста-секин, шаклланиб бўлган ва бундай ўзгаришлар сиёсий тизимга даҳл қилмаган ҳолда амалга оширилган. Ҳукумат раҳбарларининг ҳукумат тузилмаларидаги ўзгаришларни кўпчилик аҳолининг ҳурмат ва эътирофига сазовор бўлган анъанавий сиёсий институларни сақлаб қолиш билан биргаликда амалга ошириши, мавжуд ҳукумат фаолиятига бўлган ишончни мустаҳкамланишига сабаб бўлмоқда.

Назорат саволлари

1. Фарб мамлакатларида фуқаролик жамияти институтларининг пайдо бўлишидаги объектив ва субъектив омиллар
2. АҚШда фуқаролик жамияти институтларининг ўзига хос фаолияти
3. Германияда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро муносабати
4. Франция, АҚШ ва қатор бошқа ривожланган мамлакатларда давлат органларининг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги
5. Хитойда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлик сиёсати

Тест саволлари

1. АҚШда фуқаролик жамиятининг дастлабки расмий институтлари сифатида қайси муассасалар фаолият юритган?
 - А. Гильдиялар ва корпоратив бирлашмалар.
 - В. янги ва эски типдаги уюшмалар ва корпоратив бирлашмалар
 - С. Ҳунарманд ва савдогарларнинг ўз-ўзини химоя қилиш ва шаҳарларни бошқариш институтлари
 - Д. Диний уюшмалар, мактаблар ва турар жойи бўйича ҳавфсизлик ва тартибни таъминловчи ижтимоий гуруҳлар

¹ B. Desker and M. N. M. Osman. S Rajaratnam on Singapore: from ideas to reality. — Singapore: World Scientific Publishing, 2006.

2. Германияда фуқаролик жамияти институтларининг дастлабки фаолияти қандай шаклда амалга ошган?

- A. Давлат билан ўзаро алоқадорликда фаолият юритувчи тизим сифатида
- B. Жамият билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатувчи тизим сифатида
- C. Диний уюшмалар, мактаблар ва турар жойи бўйича ҳавфсизлик ва тартибни таъминловчи ижтимоий гуруҳлар сифатида
- D. Гильдияда ўз аксини топган хунарманд ва савдогарларнинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш ва шаҳарларни бошқаришга ўз таъсирини ўтказишнинг дастлабки шакли сифатида

3. Ривожланган Ғарб давлатларида фаолият олиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари демократик сиёсий фаолликни назарда тутган ҳолда давлат устидан назоратни амалга оширади. Бунда сиёсий партиялар таъсири ва ўз-ўзини бошқариш институтлари фаоллиги тобора ортиб бораверади. Бу жараёндаги асосий принцип номини кўрсатиб ўтинг?

- A. Жамият манфаатларини устуворлиги
- B. Инсон манфаатларининг муҳимлиги
- C. Демократик қадриятларнинг устунлиги
- D. Шахс эркинлиги олий қадрият эканлиги

4. АҚШ, Буюкбритания, Австралияда қайси принцип сабаб давлатнинг фуқаролик жамияти ҳаётига аралашувига йўл қўйилмайди.

- A. Жамият манфаатларини устуворлиги
- B. Инсон манфаатларининг муҳимлиги
- C. Демократик қадриятларнинг устунлиги
- D. Шахс эркинлиги олий қадрият эканлиги

5. Германия ижтимоий-сиёсий ҳаётида давлатнинг роли қандай баҳоланади?

- A. Миллий бирдамлик ғоясини мустаҳкамлашга хизмат қилади
- B. Шахсий эркинлик давлат қудратига боғлаб талқин этилади
- C. Давлат кучли бўлсагина, шахс қизиқишлари ва эркинлигини ҳимоя қила олади
- D. Давлатнинг жамият ҳаётини барқарорлаштиришдаги аҳамияти кучли ҳисобланади.

6. Германияда давлат тузилишига алоҳида эътибор қаратилади. Бунда қайси ғоя устувор аҳамият касб этади?

- A. Шахс эркинлиги
- B. Инсон мафаатлари устуворлиги
- C. Демократик қадриятларнинг устунлиги
- D. Миллий бирдамлик ғояси

7. Давлат тартиби ғояси, миллий бирдамлик шахс эркинлигидан устун қўйиладиган мамлакатлар тўғри келтирилган қаторни топинг?.

- A. Англия, Франция ва Германия
- B. АҚШ, Франция ва Япония
- C. Франция, Италия ва Норвегия

D. Германия, Франция ва Япония

8. Номи қуйида келтирилган қайси мамлакатда фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида эркин ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш кўп қиррали ва мураккаб жараён сифатида баҳоланади?

A. Англия

B. АҚШ

C. Франция

D. Германия

9. Европада давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида тузилган шартномаларга қайси ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар киради?

A. БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши резолюцияси, Европада давлат бошқаруви масалалари бўйича оқ китоб, Европада ноҳукумат ташкилотлар мавқеининг асосий принциплари ва бошқа шу каби ҳалқаро ҳужжатлар

B. ННТларнинг давлат ва жамият ишларини бошқариш ҳақидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

C. Бундай ҳужжатлар ягона тизимга келтирилмаган

D. Хорватия ҳамкорлик дастури, Эстония фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Венгриянинг фуқаролик жамиятига нисбатан давлат стратегияси

10. Хитойлик социологларнинг фикрича, фуқаролик жамияти бу?

A. Фуқаролик жамияти нодавлат ва давлатдан ташқари ташкилотлар

B. Ижтимоий тармоқлар, фуқаролар ва нодавлат ташкилотлари

C. Фуқаровий-ижтимоий ташкилотлар

D. Фуқаролик жамияти бу аста-секин қудратли давлатнинг бозор ва ижтимоий муносабатлар соҳасидан четлаштирилиши, фуқаролик жамиятининг муҳим компонентларидан бири фуқаровий-ижтимоий ташкилотларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи тизим.

10-МАВЗУ: ИЖТИМОЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

РЕЖА:

- 1. Ижтимоий инновация иборасининг мазмун-моҳияти**
- 2. Ижтимоий инновациялар фуқаролик жамияти ривожланишининг омили сифатида**
- 3. Виртуал борлиқ технологик инновацияларнинг ғоявий асоси**
- 4. Фуқаролик жамияти ривожланишига ахборот-коммуникацион технологияларнинг таъсири**

Таянч сўзлар: ғоя, инновация, ижтимоий инновация, ўзбек модели фуқаролик жамияти институтлари, фуқаролик жамияти, урбанизация, интеллектуал салоҳият, экологик муаммо, ақлли шаҳар, энергетика, логистика, каршеринг, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, виртуал борлиқ, технологик инновация, ахборот-коммуникацион технология, электрон ҳукумат, интернет, оқинава хартияси, ахборотлашган жамият, электрон имзо, электрон тижорат.

1. Ижтимоий инновация иборасининг мазмун-моҳияти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мустақкам иқтисодий асосга эга бўлган, демократик кадриятлар қарор топган, маънавий-маърифий юксакликка эришган ва бошқарувнинг демократик услублари шаклаанган давлат жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган жамоатчилик фикри, ташаббуси ва давлат идоралари устидан назорати устувор аҳамият касб этадиган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг роли муттасил ошиб бораётганлиги, жамиятда ижтимоий инновацияларнинг роли ва аҳамиятини ошириб бормоқда.

Ижтимоий инновациялар – бу жамиятнинг ҳар қандай эҳтиёжларини кондиришга қаратилган янги стратегия, концепция, ғоя ва ташкилотлар мажмуасини ўз ичига қамраб олиб, жамиятда ижтимоий ўзгаришларга олиб келади.

Ижтимоий инновациялар хусусидаги қарашлар XX асрнинг 60 йилларида Питер Друкер ва Майкл Янг сингари олимларнинг қарашларида муҳокама қилина бошланди. 70 йилларга келиб эса ушбу термин француз олимларининг илмий-иждодий ишларида ҳам ишлатила бошланган. Шундай бўлсада ижтимоий инновация хусусидаги қарашлар ва унинг концепциялари ушбу олимларнинг илмий ишларидан бирмунча олдин тадқиқ этила бошлаган. Жумладан, Бенжамин Франклин кундалик муаммоларни ҳал қилишда ёрдам берадиган кичик ижтимоий ташкилотларнинг ўрни муҳим эканлигини таъкидлаб ўтган бўлса, касаба уюшмаларининг асосчиси ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган янгиликларни рағбатлантириш

тарафдори Роберт Овен, Карл Маркс, Макс Вебер ва бошқа шу каби ижтимоий соҳа вакиллари ижтимоий янгиликлар жамият тарраққиётининг муҳим омили эканлигини таъкидлаб ўтганлар.

XX асрнинг ижтимоий янгиликлар асри бўлганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, инсонлар ишлаш шароитларининг такомиллашиши, жамият олдида турган муаммоларга янгидан-янги ечим топиш имкониятларининг кенгайиши ижтимоий инновацияларнинг бутун дунё бўйлаб тақсимланишига туртки бўлди.

Ижтимоий инновациялар, ижтимоий тадқиқот ташкилотларида, компаниялар ёки ҳар томонлама мустақил ташкилотларда барқарор жамият сари биргаликда фаолият юритиш шиори остида ривожланиб келмоқда.

Ижтимоий инновация ғояси ривожланган давлатларнинг ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди. Уларда давлат ҳамда хусусий сектор ҳамкорликда ижтимоий масъулият, ижтимоий тадбиркорлик каби йўналишларни ривожлантириб келмоқда.

Аксарият давлатларининг мақсади ижтимоий инновацияга эга бўлган шахсларни ёки ижтимоий тадбиркор ва ихтирочиларни аниқлаш йўлидан бормасдан уларни янада қўллаб қувватлаш орқали давлатнинг хайрия сиёсатини бирмунча қисқартиришга қаратилган. Ваҳоланки бу ҳолат давлатларнинг ижтимоий йўналтирилган сиёсатини маълум бир қисмини ижтимоий фаол аҳоли қатламига ёки фуқаролик жамияти институтларига ўтказилиши билан белгиланмоқда.

Шундай қилиб, ижтимоий инновацияларнинг маълум бир халқ менталитетига мос равишда ривожланиб бориши ҳамда унинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишига сабаб бўлади.

Ижтимоий инновациялар пайдо бўлиши ёки қўлланилишига, ижтимоий соҳадаги айрим жараёнлар сабаб бўлади, жумладан:

- мавжуд ижтимоий муаммоларни жадаллашиши, ушбу муаммо ечимини янгича усулда ҳал қилишни тақозо этади; ушбу жараёнларга мисол тариқасида мамлакатимиз мустақилликка эришганда юртимизда ўта қалтис ижтимоий вазият вужудга келган эди. Аҳолининг ўсиш суръатлари ўртача собиқ иттифоқ кўрсаткичдан уч баробар юқори эди. Бунинг устига, меҳнат ресурслари аҳолининг ўртача ўсиш кўрсаткичидан икки баробар тез ўсаётганди. Охир-оқибатда ишсизлик даражаси ортиб, аҳоли даромадлари кескин тушиб бормоқда эди.¹Бу жараён ўзига хос янгича ижтимоий сиёсатни амалга оширишни ўша давр талаби даражасига олиб чиққан эди.

- ижтимоий соҳани ривожлантириш учун ресурсларнинг етишмаслиги, бу соҳада янада самаралироқ воситалардан фойдаланишга олиб келади; Бундай ҳолатда ижтимоий муносабатларни янада такомиллаштиришда нафақат табиий ресурслар балуки инсон омили, етарлича маблағ билан таъминланиш ҳолати, вақтнинг чегараланганлиги ва масофа ҳамда транспорт омилларининг етишмаслиги сабаб бўлади.

¹Тараққиётнинг “Ўзбек модели” // Халқ сўзи. – 2013. - 26 июль.

- ижтимоий соҳада кўрсатилаётган хизматлар сифатига бўлган талабнинг ошиб бориши, ёки халқаро меъёрларга мослаштириш. Ижтимоий соҳадаги хизмат кўрсатиш талабларининг ошиб бориши инновацион характерга эга бўлган хизмат соҳаларига бўлган эҳтиёжларни ошириб боради

Бугунги кунда ижтимоий инновацияларга бўлган талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ижтимоий инновациялар қуйидагича таснифланади:

Биринчидан: ижтимоий инновациялар ижтимоий омилларнинг қамрови бўйича: комплекс ва маҳаллий ижтимоий инновацияларга бўлинади. Бу йўналишда ижтимоий омиллар ҳудудларидаги кўламидан елиб чиқиб белгиланади. Мисол учун қайсидир вилоятда учраётган ижтимоий муаммо бутун Республикага тегишли бўмаслиги мумкин ёки бутун Республикада шу муаммо мавжуд бўлиши мумкин.

Иккинчидан: жамият ҳаётининг соҳалари бўйича: сиёсий, иқтисодий, маданий маънавий ва ижтимоий соҳаларда инновацияларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Учинчидан: амалга ошириш даври бўйича инновациялар стратегик ҳамда тактик усулда бажарилади.

Тўртинчидан: ташкилотда ижтимоий йўналишни шакллантириш бўйича, ходимларнинг меҳнат шароитлари, маданий савияси ҳамда корхонадаги мавжуд ижтимоий инфратузилма орқали амалга оширилади.

Бешинчидан: амалга ошириш ҳолати бўйича, ички ҳамда ташқи ижтимоий муаммоларни бартараф этишга қаратилган ижтимоий инновациялар.

Олтинчидан: амалга ошириш шакли бўйича, моддий, ташкилий ва маданий ижтимоий инновациялар.

Еттинчидан: ишлатилиш кўлами бўйича, алоҳида объектга қаратилган бир марталик ижтимоий инновациялар ва бир қанча объектга қаратилган кенг тарқалган ижтимоий инновациялар.

Саккизинчидан: мақсади бўйича, фаолият тамойилини янгилашга қаратилган инновациялар ва янги маҳсулот фаолиятини ташкил этишга қаратилган инновацияларга бўлинади.

Ижтимоий инновацияларнинг юқоридаги структура бўйича таснифланиши ўз навбатида уларнинг қўлланиш соҳаларини ҳам алоҳида намоён этади. Шундай экан, ижтимоий инновациялар қўйидаги ижтимоий соҳаларда қўлланилади. Биринчидан: аҳолининг яшаш шароити, бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган соҳаларда; иккинчидан: соғлиқни сақлаш тизими соҳасида; учинчидан: таълим соҳасида; тўртинчидан: аҳоли маданий савиясини оширишга қаратилган соҳаларда; бешинчидан: аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган соҳаларда; олтинчидан: аҳолини турар жой билан таъминлашга қаратилган соҳаларда; еттинчидан: жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида; саккизинчидан: атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида; тўққизинчидан: алоқа хизматлари соҳасида; ўнинчидан: кам таъминланган оилалар, қариялар, ҳимояга муҳтож болалар ва ногиронларни қўллаб қувватлаш соҳаларида қўлланади.




“Ҳозирги вақтда демократик сиёсий тизимнинг энг муҳим субъекти бўлмиш давлатчиликни ислоҳ қилишда янги вазифалар кўндаланг турибди. Бу, авваламбор, ҳозирги босқичда сиёсий институтларнинг ва нодавлат ижтимоий уюшмаларнинг хилма-хиллиги ҳамда уларнинг роли мустақамланиши, шунингдек, аҳолининг сиёсий фаоллиги ошиши асосида жамият ҳаётини янада демократлаш вазифалари муҳим ва долзарб бўлиб қолганлиги билан изоҳланади”¹. Ўзбекистонда улкан ўзгаришлар – ҳуқуқий

¹Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 141-бет

демократик давлат ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган эркин ва адолатли фуқаролик жамияти ривожланиш босқичи кечмоқда. Жамият ҳаётининг демократлашуви шароитида демократик тартибот, барқарор ривожланиш муаммоларига эътибор ошиши табиий. Зеро бу жараён сиёсатдан тортиб маънавиятгача, иш ҳақидан тортиб давлат бошқарувигача бўлган соҳаларнинг барчасида туб ўзгаришларни, замонга мос янгиликлар қилишни талаб этади. Бу талаблар бажариш мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб келмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда 1990 йилда давлат бюджети ҳаражатларининг атиги 31% ижтимоий соҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган. 1992 йилда маданий-ижтимоий тадбирлар учун давлат бюджетининг 35,43% сарфланган, бу рақам 1993 йилда 37,79%, 1994 йилда 43,03%, 1995 йилда 45,29%ни, 2008 йилда эса 50%дан ошиқни ташкил этган. 2015 йилда давлат бюджетидан ижтимоий соҳага қарийб 60% маблағлар йўналтирилмоқда. Унинг 34 фоизи таълим, 15 фоизи соғлиқни сақлаш соҳасига қаратилганлиги диққатга сазовордир. Ушбу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, ривожланишнинг “ўзбек моделига” кўра ушбу соҳада ҳам давлат бошислоҳотчи бўлиб ижтимоий соҳани ҳар томонлама ривожлантириб бормоқда.




Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ривожланган ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқимиз ҳаётининг барча соҳаларини модернизациялашнинг ҳозирги даврида “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилига таяниб олиб борилаётган барча соҳалардаги ислоҳотлар халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилмоқда. Бунда албатта ижтимоий янгиланишлар ва ижтимоий инновациялар муҳим аҳамият касб этаётганлигини инобатга олиш лозим.

2. Ижтимоий инновациялар фуқаролик жамияти ривожланишининг омили сифатида

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши давлатчилигимиз тарихида асрлар давомида шарқона демократия ва миллий анъаналари, ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг миллий ўзига хос ва мос моделининг интеграциявий стратегияси сифатида миллий – тарихий тараққиётнинг инсонпарвар ва сивилизациявий йўналишини ўзида акс эттиради.

Ҳозирги пайтда, демократик тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор варапти. Фуқаролик жамияти ўзининг шаклланиши учун, аввало, қулай обектив ва субъектив шарт – шароитлар яратилишини талаб қилади. Биринчидан, унинг халқаро андозалар даражасидаги ҳуқуқий асослари бўлиши лозим. Иккинчидан, жаморатчиликнинг давлат ва жамият башқаруви ишига аралашувини таъминлаш керак. Бунда албатта ижтимоий инновацияларнинг ўрни муҳим эканлигини қайд этиб ўтиш лозим. Ижтимоий инновацияларнинг иқтисодий ривожланишни таъминлашда, аҳолини яшаш шароитларини янада яхшилашда роли ва аҳамияти жуда муҳим ҳисобланади.

Жумладан, Frost & Sullivan тадқиқот маркази ва Hitachi Europe Ltd. компанияси ҳамкорликда ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, 2020 йилга келиб дунё аҳолисининг 56 фоизи шаҳарларда истиқомат қилиши аниқланган. Шаҳарлар аҳолисининг кўпайиб бориши ҳамда ҳудудининг кенгайиши жараёнида келиб чиқадиган муаммоларни бартараф этишда ижтимоий инновациялар муҳим рол ўйнайди. Тадқиқот давомида, шаҳарларнинг ривожланиб бориши инсониятни бир қатор ижтимоий муаммоларни кенгайишига олиб келиши аниқланди. Ушбу муаммоларни ечиш учун ижтимоий инновациялар кўлланилиши мумкин бўлган 5 та устувор жараёнлар белгилаб олинди. Хусусан:



• *Урбанизация.* Тадқиқот натижаларига кўра 2025 йилга келиб дунёда 35 та улкан мегаполислар, ҳамда йирик иқтисодий марказлар ташкил топади.

Натижада шаҳар ташқарисидаги ҳудудлар йирик ҳудудий бирликларга бирлашади. Ушбу ҳолат табиий ресурслар тақсимотида номувофиқликларни келтириб чиқаради, аҳоли орасида эса табақаланишни кучайтириб юборади. Бунда аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда янада такомиллаштирилган ижтимоий инновацион ғояларга бўлган талабни оширади.

- *Интеллектуал салоҳиятнинг ўсиши, экологик муаммоларнинг ечими сифатида.* Экологик тоза маҳсулот ва хизматлар инсоният ҳаёт тарзини янада яхшилашга кўмак беради. Интеллектуал рақамли технологиялар ривожланишининг самарали ва энг муҳим омилларидан бирига айланади. Экологик инновациялар ёрдамида замонавий йирик “ақлли шаҳарлар” қурила бошланади, натижада энергия истеъмоли камайиб, инсон ҳаёт тарзининг турли жабҳаларини яхшилашга эришилади. 2025 йилга келиб 26 та “ақлли шаҳарлар” яратилиши кўзда тутилган.

- *Энергетика.* Урбанизация ва энергетик хавфсизликни таъминлаш, шу соҳани янада ривожланишини тақозо қилади. Электр энергиясига бўлган эҳтиёж кун сайин ошиши, ҳамда табиатни муҳофаза қилиш масалалари долзарблиги, электр энергиясини самарали ишлатиш бўйича инновацион ечимлар катализатори бўлиб хизмат қилади. Натижада, ақлли электр станциялари ташкил топади, ҳамда улар экологик жихатдан безарар, ишончли энергиядан фойдаланиш имкониятини беради.

- *Логистика.* Урбанизация ва замонавий алоқа воситалари шаҳарлардаги ҳаракат ва логистика жараёнларига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида 2020 йилга келиб 1 миллионда ортиқ автомобиллар турар жойлари автомат бошқарув тизимига ўтқазилади. Шаҳар аҳолиси “каршеринг” хизматларидан (битта автомобил воситасидан бир неча кишининг фойдаланишига шароит яратиб бервучи тизим) фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, 2020 йилгача тез юрар поездларга мўлжалланган 70 минг километрдан ортиқ темир йўл линиялари фойдаланишга топширилади.

- *Соғлиқни сақлаш.* 2020 йилга келиб касалликларни ўз вақтида диагностика қилиб аниқлаш ва уларнинг профилактикаси, даволаш учун сарфланадиган харажатларни қарийб 20% камайишига олиб келади. Замоноввий интеллектуал дори воситалари, виртуал касалхоналар ва электрон ҳужжатлар соғлиқни сақлаш тизимини батамом ўзгартиради.

Яна шунини айтиб ўтиш жоизки, турли ижтимоий инновацион ғояларни ҳаётга тадбиқ этишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, жамиятдаги бор имкониятлардан янада самарали фойдаланиб, давлат томонидан таклиф этиладиган бир қатор ижтимоий кўмак турларини тўлдиришга имкон яратади. Чунки инновацион ғояларни тадбиқ қилиш жамоат ташкилотлари томонидан тезкор ва самарали амалга оширилади, натижада янги иш ўринлари очиш, меҳнат бозорининг профессионаллик ва ижтимоий соҳанинг самарадорлик даражасини ошириш имконини беради. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ижтимоий инновациялар ғоясини илмий жихатдан тадқиқ этиб унинг очилмаган жихатларини илмий асослаш орқали, давлатнинг ижтимоий йўналтирилган сиёсатини олиб бориш ижтимоий

соҳадаги янгиланишларга бўлган замон талабининг қондирилишига олиб келади.

2008 йилда Латвияда тижорат банки, таълим тизимининг муассасалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан “Бажарилмайдиган ишни ўзи йўқ” лойиҳаси амалга ошириш бошланди. Ушбу лойиҳанинг мақсадлари – мактаблардаги таълим даражасини яхшилаш, ўқувчиларда ўқишга бўлган қизиқишни ошириш, ўқитувчилик касбининг обрўсини янада кўтариш ва иқтидорли битирувчиларни ўқитувчи бўлишига кўмаклашиш, уларда етакчилик сифатларини ривожлантириш. Лойиҳа доирасида битирувчилар 2 йиллик ўқув курсларига қатнашадилар ўқувлар жараёнида иштирокчиларга ўқитувчилик ойлик маошларидан ташқари стипендиялар ҳам берилади. Лойиҳа битирувчилари ўқувлар тугаганидан сўнг, тарғибот учун бошқа мактабларга юборилади, ва улар ушбу лойиҳани мактабдаги бошқа ёш ўқитувчилар орасида оммалаштиришади.

Фуқаролик жамияти институтларининг инновацион фаолияти аввламбор, 21 аср технологиялари ва ижтимоий ривожланиш жараёнларида, мустақил яшаб ўз фаолиятини олиб борадиган шахсни шакллантиришга қаратилган бўлади. Бу борада давлат ва фуқаролик институтлари орасидаги ҳамкорлик кўйидаги ҳолатларда самарали бўлиши мумкин:

- давлат томонидан ижтимоий сиёсатни олиб бориш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги бир қатор ваколатларни ижтимоий жараёнларнинг фаол аъзолари, яъни фуқаролик жамияти институтлари зиммасига юклаб бориш;

- ижтимоий инновацияларни ҳаётга тадбиқ этаётган фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун, давлат томонидан бир қатор имтиёзлар (молиявий ёрдам, солиқ имтиёзлари, ахборот билан таъминлаш ва бошқалар) ажратиш;

- ижтимоий инновацион ташаббусга эга бўлган фуқароларга, ўз ғояларини давлат ижтимоий сиёсатининг бир йўналиши сифатида амалга ошириш имкониятини яратиш (экспертлар ва жамоатчилик кенгашлари тузиш, давлат бошқарув органлари фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолаш, жамоатчилик эшитувлари, ҳукумат эътиборини мавжуд ижтимоий муаммоларга қаратиш);

- ижтимоий сиёсатни амалга оширишда мавжуд давлат ва фуқаролик жамияти институтлари орасидаги ўзаро ижтимоий ҳамкорликнинг шаклларини кўллаб қувватлаш, ҳамда уларни янада такомиллаштириш;

- ижтимоий барқарорликни ҳамда миллий хавфсизликни таъминлаш учун, аҳолининг турли қатламлари билан ишлашнинг инновацион шакллари, ва фуқаролик жамияти институтларининг салоҳиятидан самарали фойдаланиш.

Бу борада, ижтимоий инновациялар – ижтимоий вазифаларни ечиш йўлида фуқаролик жамияти ҳамда секторлараро шерикликни таъминлай оладиган энг истиқболли воситалардан хисобланади. Жамият ва давлат ўртасидаги алоқанинг янги бир кўринишини ташкил қилган ҳолда, ижтимоий инновациялар жамиятга сезиларли фойда келтиради.

Юртбошимиз И. Каримов "Миллий давлатчиликни шакллантириш, демократик ислохотларни амалга ошириш, иқтисодийни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказиш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий муаммоларга алоҳида эътибор бериш зарур"¹лигини таъкидлаганликларини эслаш лозим.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Республикадаги аҳолининг социал аҳволи, уларни социал таъминоти ва ижтимоий ҳимоя қилиш мутлақо қониқарсиз эди.

Соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган, мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилган², Республикада 1700 та мактаб вайрон ҳолда, қурилаётган мактаблар сони эса аҳолининг кўпайиш суръатини аранг қондирарди. Соғлиқни сақлаш ишлари бўйича мамлакат энг охириги поғоналардан бирида эди.³

Ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида амалга оширилган муҳим ишлардан бири ҳақида. 1989 йил 17 августда Ислом Каримов бошчилигида республика ҳукуматининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида аҳолига томорқа ва шахсий участкалар ажратиш масаласи муҳокама қилинади ва «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида» қарор қабул қилинади. Ушбу тарихий ҳужжатда қишлоқда яшовчи ҳар бир оилага ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди.

Ўша пайтда аҳолининг 60 фоиздан ортиғи истоқомат қилаётган қишлоқларда ижтимоий-иқтисодий шароит жуда оғир эканлигини назарда тутиш зарур. Президентимиз томонидан ушбу вазият ҳисобга олинган ҳолда, уй-жой қуриш ва деҳқончилик билан шуғулланиш учун 2,5 миллион оилага 700 минг гектар суғориладиган ер ажратиб берилгани улкан тарихий воқеа бўлди.

Бу энг оғир ўтиш даврида жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш баробарида, қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси тушиб кетишининг олдини олди.⁴

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу мураккаб масалага ана шундай оқилона ёндашув туфайли Ўзбекистон бўйича минг-минглаб одамлар

¹Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1997. — 211 б.

² Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: "Ўзбекистон", 2011. — 6 б.

³ Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: "Ўзбекистон", 2011. —138–139 бетлар.

⁴Тараққиётнинг "Ўзбек модели" // Халқ сўзи. — 2013. - 26 июль.

уй-жойли, ишли бўлди, бозорларда маҳсулот кўпайиб, нарх-наво арзонлашди, энг муҳими, ижтимоий кескинликнинг олдини олишга эришилди.

Бир сўз билан айтганда миллий моделimizнинг ўзига хос, кучли жиҳатларидан бири тараққиётнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат юритилганлиги, аҳолининг кам таъминланган қатлами ижтимоий ҳимоя қилинганлиги бўлди.

3. Виртуал борлиқ технологик инновацияларнинг ғоявий асоси

Фуқаролик жамияти шаклланиш ва тараққиёти жарёни кечаётган ҳозирги шароитдаинсонлар ўртасида амал қиладиган ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, диний ва мафкуравий муносабатларни яхшилаш ва мустаҳкамлаш учун халқимиз маънавиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шахс ва жамият муносабатларининг ахлоқий, ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш инсон ва шахсни шакллантириш, фуқаролик жамияти асосларини яратишга боғлиқдир. Шахс ва жамият муносабатлари асосида ўзаро ҳамкорлик, турли халқ ва миллатлар ўртасида ҳурмат ва дўстлик ипларини мустаҳкамлашни ҳозирги замон фани ютуқларисиз (Компютер технологияси, интернет, ижтимоий тармоқлар, мобил иловалар орқали алоқалар ўрнатиш ва бошқалар) тасаввур қилиш кийин. Зеро, ҳозирги замон фани турли технологик воситалар орқали илм фан соҳасида, дунё халқларининг турмуш тарзи ва ҳаёти ҳақида тараққиётнинг ижтимоий - иқтисодий, маънавий ва сиёсий жараёнлари, халқаро ахволлари хусусида тез ва осон ахборот олиш имкониятига муваффақ бўлмоқда. Шахс ва жамият муносабатлари юқорида қайд қилинган жиҳатлари билан чегараланмасдан, жамият тараққиётини таъминлашга ва жамиятни бошқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда айниқса компьютер технологияларининг ижтимоий аҳамияти ва ўрни ортиб бормоқда. Фанда виртуал борлиқ атамасининг пайдо бўлиши инсонларнинг виртуал ижтимоийлашувига замин яратди.

Технология тарихида биринчи марта XX аср 60-йилларининг ўрталарида пайдо бўлган компьютерлар ёрдамида фойдаланувчи бошқара оладиган модель дунёлар яратиш мумкин, деган ғоя ётади. Илмий давраларда технологиялар онгда ўзгариш ясайдиган келажакнинг қиёфаси хусусида қизгин баҳсга сабаб бўлмоқда. Аммо виртуал борлиқ тизимларини ишлаб чиқиш ва кибер майдонни яратиш инқилобий - ижтимоий натижага олиб келади, деган фикрни виртуал борлиқ технологиясининг илк яратувчилари ҳам, кибор-постмодернизм назариячилари ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Инсон қўлида дунёни билишнинг қудратли қуроли, унинг ёрдамчиси, ижодий фаолият учун шарт-шароит яратиш воситаси бўлиб хизмат қилувчи ахборот технологияси айни вақтда дунёни билишнинг анъанавий вербал усулини аудиовизуал билиш усули билан алмаштирмоқда, одамларда сунъий оламга кириш иллюзиясини вужудга келтирмоқдаки, улар бу сунъий борлиқни амалда мавжуд борлиқ деб қабул қилмоқдалар. Бу борлиқ «виртуал

борлик» деб номланади. Виртуал негизга эга бўлган бу борлик одатдаги физик борлик билан бир қаторда объектив тарзда мавжуддир.

«Виртуал борлик» атамаси 1970 йилларнинг охирида Массачусет технология институтидан Жерон Ленъер томонидан ўйлаб топилган. У 1984 йилда дунёда биринчи виртуал борлик фирмасини ташкил этди. Бу атама компьютерда яратиладиган муҳитда инсоннинг мавжудлиги ғоясини ифода этади. Виртуал (лотинча *Virtualis* – мумкин бўлган) – нарсалар ва ҳодисаларнинг замон ва маконда моддий мавжудлигига қарама-қарши ўлароқ, объектив нарсалар ёки субъектив образлар мавжудлигининг номоддий тури. «Виртуал борлик» атамаси америкалик кинематографчилар томонидан муомалага киритилган. Улар муайян сабабларга кўра табиий йўл билан амалга ошириб бўлмайдиган хаёлий имкониятларни белгили-график шаклда сунъий амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги кинолентани шу ном билан чиқарганлар.

Виртуал борлик–инсон реал борликда ҳаракат қилаётгани иллюзиясини компьютерда яратиш имконини берувчи интерфаол технология. Бунда объектив борликни табиий сезги органлари ёрдамида идрок этиш ўрнини махсус интерфейс, компьютер графикаси ва овоз воситасида сунъий яратилган компьютер ахбороти эгаллайди. Виртуал борлик амалда йўқ нарса, уни кўл билан тутиш, унинг таъми ва ҳидини ҳис қилиш мумкин эмас. Шунга қарамай, у мавжуд ва инсон бу хаёлий оламга кириб, уни нафақат кузатади ва бошдан кечиради, балки унга таъсир кўрсатиш имкониятига ҳам эга бўлади, ушбу оламда мустақил ҳаракат қилади, уни ўзгартира олади. Виртуал олам – инсон борлигининг ўзига хос шакли ва одамлар маънавий алоқасининг алоҳида маданий шаклидир.

Аммо виртуал борлик реал физик борликдек лаззат бахш эта олмайди, чунки бу борлик таъсирида вужудга келувчи ҳис-туйғулар кўп жиҳатдан унинг ўзи билан эмас, балки уни биз қандай идрок этишимиз билан белгиланади. Биз виртуал денгизда чўмилишимиз мумкин, аммо бунда пайдо бўлувчи ҳис-туйғуларимиз бу денгизни биз қандай идрок этишимизга боғлиқ бўлади.

Виртуал борликни одамлар яратади. Шу боис виртуал борликда мавжуд барча нарсаларнинг манбаи инсон онгидир. Бинобарин, виртуал борлик онг, онг ости соҳаси ва фантазия чиғириғидан ўтувчи физик борликдан шаклланади. Виртуал борлик объектив тарзда, яъни инсон миясида эмас, балки компьютерда мавжуд бўлади. Айни вақтда, у инсон онгининг маҳсулидир. Инсон томонидан яратилганидан кейин у инсон онгидан қатъи назар яшашда давом этади, бу онгга ҳар хил таъсир кўрсатади, мазкур онгнинг мазмунига – билимлар, эмоциялар, кайфият ҳамда онгнинг бошқа унсурларига қараб, ҳар хил идрок этилади.

Бугунги кунда виртуал борлик инсон маданий фаолиятининг турли соҳаларида қўлланилмоқда. Виртуал борликдан энг аввало у вужудга келган соҳада, фанда–физикада суюқлик ва газлар динамикасини моделлаштиришда, кимёда кимёвий реакциялар моделини тузишда, геология ва география фанларида фойдаланилмоқда.

Муҳандислик соҳасида, айниқса, хавфли шароитларда: очик космосда, денгиз ва океанларнинг чуқур жойларида, ядро муҳандислигида роботларни масофадан туриб бошқаришда виртуал борлиқ кенг қўлланилмоқда. Муҳандислик дизайнини автоматлаштириш жараёнида виртуал борлиқ технологияси айниқса қўл келмоқда. Компьютер дизайни ва унинг ажралмас ҳамроҳи – компьютер ишлаб чиқариши ракеталар ва самолётлар, автомобиллар катта бинолар конструкцияларини синовдан ўтказишда ягона жараёнга бирлаштирилди.

Виртуал борлиқ технологиясидан ҳарбийлар ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Масалан, АҚШ армиясида ҳарбий хизматчиларда мерганлик кўникмаларини шакллантиришда имитаторлардан, жанг шароитида тез ва тўғри қарорлар қабул қилиш кўникмасини шакллантириш учун эса ҳарбий докторлардан фойдаланилади. Жуда қимматга тушадиган ва атроф муҳитга катта зарар етказадиган ҳарбий машқлар имитация қилинмоқда. Танк қисмларида танкдан ўқ узишни ҳамда танк жангида аскарлар ва офицерларнинг шахсий иштирокини имитация қилувчи ҳарбий ўйинлардан фойдаланилмоқда. Лойиҳалаштирилган, лекин ҳали ясалмаган курол-аслаҳа турлари синовдан ўтказилмоқда. Ҳарбийлар олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш учун ҳам компьютер имитациясидан фойдаланмоқдалар.

Таълим соҳасида машқ тренажёрларини яратишда виртуал борлиқ технологиясидан фойдаланилмоқда. Яқинда виртуал кутубхоналар ва музейлар ташкил этилмоқда. Масалан, виртуал кутубхоналарда фойдаланувчи компьютер ёрдамида китоб жавонларининг визуал тасвири бўйлаб ҳаракатланиши, керакли адабиётларни топиши ва олиб кўздан кечириши, зарур ҳолда эса улардан нусха кўчириши мумкин.

Шунингдек, бугунги кунда виртуал борлиқнинг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда жамият ҳаётининг тараққиётида бир қатор технологик инновациялардан фойдаланиб келинмоқда.

Шундай қилиб, виртуал борлиқ назарий изланишлардан оммавий ахборот воситалари ва телекоммуникациялар ажралмас қисми бўлган ҳозирги замон маданиятининг технологик ижтимоийлашувининг муҳим таркибий қисмига айланди.

Янги ахборот-коммуникация технологияларига интилиш бизга ривожланган жамиятларда тобора катта роль ўйнаётган янги тажрибанинг чексиз имкониятларини қўлга киритиш имконини беради, деган умид билан боғлиқдир. Виртуал борлиқ тизимлари бу тажрибадан ва инсоннинг «янги ўзига хослиги»дан фойдаланиш имконини амалда таъминлайди.

4. Фуқаролик жамияти ривожланишига ахборот-коммуникацион технологияларнинг таъсири

Ахборотлашган жамиятда давлатнинг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари ахборот алмашинувиасосида йўлга қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов: “Ҳукуматнинг аҳоли биланалоқаси

канчалик мустаҳкам экани, улар ўртасида мулоқотнинг мавжуд ёқийўқлиги ҳам гоёт муҳим аҳамият касб этади. Энг ёмони, ҳукумат ва фуқаролар ўртасида бир-бирини тушунмаслик ҳолатининг пайдо бўлишидир. Бундай вазият маъсулиятни зиммасига олган ҳокимият билан уни сайлаганхалқ ўртасида вужудга келмаслиги керак”¹, - эканлигини таъкидлаган эди. Бундан кўриниб турибдики, ҳукумат билан фуқаролар ўртасидаги мулоқотнинг аҳамияти фуқаролик жамияти шароитида ўта муҳимдир. Фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири ҳокимият ва фуқаролар ўртасида мулоқотмеханизмларини янада ривожлантириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни (АКТ) фаолжорий этишни талаб этади. Бошқарувининг бундай усули эса электронҳукумат (e-government – э-ҳокимият) тушунчасини англатади.

Замонавий технологик инновациялар, хусусан, Интернетнинг ривожланиши ижтимоий-сиёсий ҳаётда нафақат ташқи ўзгаришларга, балки кўпчилик эски дунёқарашларнинг емирилишига, шахслар ва гуруҳлар, фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро алоқалар усуллариининг бутунлай янгича тус олишига сабаб бўлди. Ахборотлашган жамият концепцияси асосчиси Д. Белл бундай жамиятдасиёсий қарорлар марказий ўринда туришини эътироф этган эди²: Бугунгикунга келиб ахборот-коммуникацион технологиялар жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи асосий кучга айланиб, у ҳар бир фуқарога қабул қилинаётган қарорлар, жамиятда содир бўлаётган воқеа – ҳодисаларга нисбатан ўз фикрини ифодалаш, муносабатини эркин билдириш имкониятини берди.

Содда қилиб айтганда, Интернет тармоқлари орқали яъни ижтимоий тармоқлар мобил мессенжерлар, орқали ахборот тарқатиш ҳамда уни қабул қилиш имконияти кенгайди. Асосий жамиятда учрайдиган ҳар бир соҳа бўйича мазкур тармоқларда гуруҳлар шаклланиб мавжуд ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларни юксалтириш имконияти кенгайди.

Шунингдек, давлат бошқаруви самарадорлиги ва ҳисобдорлигини ошириш, унинг фуқаролар билан алоқаларини сорддалаштиришда ахборот ва коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш имконияти ошди. Ҳокимиятда бундай воситаларнинг қўлланиши “электрон ҳукумат” деб номланиб, бундай ҳукуматнинг яратилиши бир қатор ижобий ишларни амалга оширишни кўрсатади. Жумладан³:


1 Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар ҳисоблашар эди. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – Б. 11.

2 Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. – М.: «Academia», 1999. – С. 123-124.

³Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза, Ўзбекистон – 2005. 24.12.2005. http://www.undp/uz/nhdr.uz._2005.pdf.

Ҳукуматнинг қарор қабул қилишда ошқоралигини ва ҳисобдорлигини, ҳамда шу орқали коррупция хавфини пасайтиришни

Ахборот олиш эркинлигини оширишни (қонунлар ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик ва бошқа ахборотлар)



Бироқ шунинг унутмаслик керакки, ахборот технологияларини жорий қилишнинг ўзи давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга ангавмайди. Ахборот коммуникация технологияларини қўллаш давлат бошқарув органлари фаолиятининг яхшиланишига хизмат қилмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам, давлат муассасалари раҳбарлари компьютерлар билан таъминлаш, локал ҳисоблаш тармоқларини ўрнатиш ва компьютерларни интернетга улашқандай қилиб ходимлар ва бутун ташкилот ишининг самарадорлигини ошириши мумкинлигини олдиндан тасаввур қила олишлари лозим.

АКТни жорий этиш давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш жараёнига хизмат қилиши учун у давлат бошқарувини ислоҳ этишга қаратилган янада кенгроқ ўзгаришларнинг бир қисми бўлиши зарур. Бу ўзгаришлар давлат органлари фаолиятида шаффофликни ошириш, қабул қилинган қарорлар учун жавобгарликни кучайтириш, фуқароларни қарор қабул қилиш жараёнига кенгроқ жалб қилиш чора-тадбирларини ўз ичига олади. Буларсиз, компьютер ва бошқа техника воситаларини сотиб олиш ҳамда ишчиларни улардан фойдаланишга ўргатиш сарф-харажатлари уларишида ҳеч қандай сезиларли ўзгаришларга олиб келмаслиги мумкин.

Давлат бошқаруви жараёнларига ва ўз навбатида жамиятга кўрсатилаётган давлат хизмати сифатини ошириш омилларидан бири АКТни жорий этишдир. Бошқарувда АКТни жорий этиш орқали:

– давлат бошқаруви минтақавий ва маҳаллий органлари, жамоат ташкилотлари фаолияти ҳақида ахборот танқислиги;

– давлат бошқаруви тизимининг марказий, вилоят, туман, шаҳарорганлари ўртасида тўғридан-тўғри ва акс ахборот ва бошқарувалоқаларининг тезлиги пастлиги;

– бошқарув органлари ва фуқаролар ўртасида ахборот тақдим қилиш тизими ва ахборот каналларининг йўқлиги каби муаммоларни ҳал этиш мумкин.

АКТни давлат бошқаруви тизимига жорий қилиш зарурлиги бугун ҳечкимда шубҳа туғдирмайди. АКТни давлат бошқаруви соҳаларига жорий қилишнинг самарадорлиги ва фойдасини қуйидаги жиҳатларда кўриб чиқиш мумкин:

– биринчидан, давлат хизматчилари фаолиятининг техник даражаси бўйича. Бу меҳнат унумдорлигининг ошиши ва иш жараёни чиқимларининг пасайишига, шунингдек, улар фаолиятининг ташкилий маданиятнинг яхшиланишига сабаб бўлади.

– иккинчидан, тахлилий ишлар технологияларини, демак, бошқарув қарорларини тайёрлаш, қабул қилишни тубдан такомиллаштириш бўйича. Бунда АКТ ахборотларни тезда йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тақдим этиш, шунингдек, иш жараёни сифатини бошқариш: иш жараёнида режалаштириш, мониторинг варакурслар (ишчи кучи, молия ва бошқалар) сифатини назорат қилиш имкониятини беради.

– учинчидан, ўзаро ахборот алмашиш асносида қийин комплекс муаммолар юзасидан тез ва сифатли қарор қабул қилиш имконини берувчи муассасалар алоқа даражасини оширувчи механизм сифатида. Марказий ҳокимият органларига стратегик алоқалар яратиш имконини беради: турли ҳокимлик, вазирлик ва муассасалар ҳукумат ахборот базалари билан боғланади. Ўзаро ахборот алмашиш механизмнинг яратилиши турли органлар бир хил ахборот йиғишининг олдини олади, бу эса сарфланаётган вақтни, инсон меҳнати ва молиявий ресурсларни тежашга олиб келади;

– тўртинчидан, марказдан туриб ваколат ва ресурсларни тақсимлашда жойларда бевосита фаолият юритаётган ижрочиларга тўғридан-тўғри чиқиш воситаси сифатида, яъни бошқарувда ортиқча тузилмаларни қисқартириш имконини беради.

Электрон ҳукумат жорий этишнинг самараси бошқарув унумдорлигини ошириш, давлат харажатларини камайтириш, қарорлар қабул қилиш жараёни устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали коррупцияга қарши кураш кабиларда намоён бўлади. Мазкур афзалликлар ривожланган давлатларни АКТ давлат бошқаруви органлари фаолиятининг барча соҳаларига ёйиш бўйича кенг кўламли тадбирларни амалга оширишга, яъни электрон ҳукуматни яратишга ундади.

Бугунги кунда дунё мамлакатларида электрон ҳукуматни (e-government¹ – э-правительство – э-ҳукумат) жорий этиш орқали давлатбошқарувида самарадорликка эришиш, фуқаролик жамияти ва давлатўртасида мулоқот механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатлар жадаллашмоқда. Электрон ҳукуматни яратишда Швеция, Норвегия, АҚШ, Буюк Британия, Корея Республикаси, Сингапур, шунингдек, иқтисодий ўтиш палласида турган давлатлар орасида энг яхши натижага Эстонияда эришилган². Бу давлатлар тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, электрон ҳукуматни жорий қилиш бу – давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, улар фаолиятида ошқоралик нитаъминлаш, фуқароларнинг ҳокимият органларига муурожаат қила олиши, шунингдек, давлат ҳокимияти органлари фаолияти мониторингини амалга ошириш йўлларидан биридир.

Хусусан, э-ҳокимиятни ташкил этиш ва бу соҳада ҳуқуқий базани яратиш бўйича 2000 йилларда халқаро даражада фаол амалий ҳаракатлар бошланди. Дастлаб, 2000 йил Окинавада “Катта саккизлик” давлат раҳбарлари саммитида «Глобал ахборотлашган жамият Окинава хартияси» қабул қилинди³. Унда самарали оммавий бошқарувни ташкил этиш, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро алоқаларни яхши йўлга қўйишда замонавий АКТ муҳим омил эканлиги таъкидланди.

2003 йилда Женевада Окинава хартиясининг давоми сифатида ахборотлашган жамият принциплари Декларацияси қабул қилинди. Унга кўра электрон ҳукуматга – АКТлар тизимини жорий этиш орқали омма билан интерактив мулоқот ўрнатиш имкониятини берувчи давлат бошқарувини янги кўриниши деб таъриф берилди.

Бундан ташқари, 2003 йилда БМТнинг давлат бошқарувида э-ҳукуматни жорий этилганлик даражасини мониторинг қилиб борувчи (The United Nations E-Government Readiness Knowledge Base) UNKB дастурийишлаб чиқилиб, ушбу тадбир ҳозирги кунда ташкилотга аъзо 192 мамлакатда амалга оширилиб келмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур Дастур талаблари амалга оширилмоқда. Дастурга кўра э-ҳукуматни жорий этилганлик даражаси ҳокимият веб саҳифалари, телекоммуникацион инфратузилма ва бу ресурслардан фуқароларнинг эркин фойдалана олиш имкониятига қараб баҳоланади. Шунингдек, бу дастурда э-ҳукумат тизимини эндигина барпо этаётган давлатларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳам назарда тутилган. Маълумотларга кўра, ҳозирда э-ҳукумат тизими амалда жорий этилган аксарият давлатларда фуқаролар онлайн режимда даромад солиқларини тўлашлари, шахсий ҳужжатларни, автомобилларни, никоҳ ва бола туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни, қурилиш учун рухсат берувчи ва бошқа шу турдаги ҳужжатларни

¹Изоҳ. Government – инг. тилидан таржима қилинганда: 1) давлат ҳокимияти органлари тизими; 2) ижроа ҳокимияти. Pocket Oxford Russian Dictionary. – New York: Oxford University Press, 2000.

²E-Government Readiness Index 2008. 20.02.2009. <http://www.unpan.org/egovernment8.asp>.

³Окинавская хартия глобального информационного общества. 22.07.2001 [http://www.ifap.ru /ofdocs/okinhar.htm](http://www.ifap.ru/ofdocs/okinhar.htm).

расмийлаштиришлари мумкин. Шунингдек, дунёнинг исталган нуқтасидан туриб ўзлари учун зарур барчабошқа ижтимоий маълумотларни интернет саҳифалари орқали саноклидақиқаларда олиш ёки ваколатли давлат органига тўғридан-тўғри мурожаатқилиш имкониятларига эга¹.

Ўзбекистон Республикасида ҳам электрон ҳукуматни янада такомиллаштириш мақсадида “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, электрон рақамли имзо шахсий имзога тенглаштирилди ва у билан бир хил ҳуқуқий кучга эга бўлди. “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонун эса электронҳужжатнинг ҳуқуқий кучга эга эканини белгилаб берди. “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солишимкониятини яратди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлда «Ахбороткоммуникациятехнологияларини янада ривожлантиришга оид кўшимчачора-тадбирлар тўғрисида» Қарори эълон қилинди ва унга мувофиқ 2010 йилгача маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш дастуришлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этилди. Шунингдек, 2015 йилнинг 9-декабрида Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” ги Қонунининг қабул қилиниши мазкур соҳада амалга оширилаётган ишларнинг амалий аҳамиятини янада оширилди.

Давлат бошқаруви тизимида ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш имкониятларининг таҳлили ва бу борада халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, технологияларнинг ушбу тури бошқарувда жорий этилиши муносабати билан айрим ижтимоий хавф-хатарлар келиб чиқмоқда. Бу борада хавф-хатарлар қуйидаги омилларда намоён бўлиши мумкин:

- ахборот тармоқлари орқали махфий маълумотларнинг чиқибкетиши;
- давлат органлари ахборот тизимлари фаолияти барқарорлигига компьютер вируслари орқали шикаст етказиш эҳтимоли;
- давлат бошқарув органлари ахборот тизимидаги мавжуд маълумотлардан террористик гуруҳларнинг фойдаланиши оқибатида етказилиши мумкин бўлган зарар кўламининг ортиш эҳтимоли.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлат бошқарувида АКТни қўллаш хавф-хатарлардан кўра кўпроқ фойда келтириши аниқ. Келиб чиқиши мумкин бўлган хавфларни эса маълум чора-тадбирлар ёрдамида олдини олиш ёки камайтириш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, давлат бошқарувида АКТни қўллаш жамиятни бошқариш, фуқароларга ижтимоий давлатхизматларини кўрсатиш самарадорлигини янги босқичга олиб чиқади.

¹Павлов И., Шибалова Ю. Информационная открытость Интернет-представительств федеральных органов исполнительной власти // Политическая наука, 2007, № 4. – С. 226-227.

Давлат бошқарувида қўлланадиган технологик инновациялар давлат хамдафуқаролик жамияти манфаатлари йўлида мақсад ва вазифаларини энг кулай, самарали амалга оширишда кетма-кет қўллаш учун мўлжалланган фаолиятнинг усул, восита, чора-тадбирлари йиғиндисини ўзида акс эттиради. Улардан тўғри ва мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланиш бошқарувдасамарадорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бўлиши мумкин. Бугунги кунда тобора ривожланиб, мураккаб тус олиб бораётган сиёсий жараёнларни самарали бошқаришда замонавий технологик инновацияларнинг роли ортиб бормоқда.

Назорат саволлари?

1. Ижтимоий инновация деганда нимани тушунасиш?
2. Ижтимоий инновацияларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш босқичлари қандай кечмоқда?
3. Мамлакатимизда ижтимоий соҳани қўллаб қувватлашда қандай амалий ишлар амалга оширилмоқда?
4. Виртуал борлик атамасини тушунтириб беринг?
5. Электрон ҳукумат яратишда давлатлар қандай ижобий тажрибаси мавжуд?

Тест саволлари:

1. Ижтимоий инновациялар – бу?

- A. жамиятнинг ҳар қандай эҳтиёжларини қондиришга қаратилган янги стратегия
- B. концепция, ғоя ва ташкилотлар мажмуаси
- C. жамиятда ижтимоий ўзгаришларга олиб борувчи восита
- D. Барча жавоблар тўғри

2. Ижтимоий инновация тўғрисидаги қарашлар илк бор қайси олимлар қарашларида учрайди?

- A. Питер Друкер
- B. Майкл Янг
- C. Роберт Овен, Карл Маркс
- D. A ва B

3. Кундалик муаммоларни ҳал қилишда ёрдам берадиган кичик ижтимоий ташкилотларнинг ўрни муҳим деган ғояни ким илгари суради?

- A. Роберт Овен
- B. Майкл Янг
- C. Макс Вебер
- D. Бенжамин Франклин

4. Ўзбекистонда ижтимоий соҳаларни молиялаштириш 1990 йилга нисбатан 2015 йил неча фоизни ташкил этди?

- A. 26%
- B. 27%
- C. 28%
- D. 29%

5. Тадқиқотларга 2020 йилга келиб дунё аҳолисининг неча фоизи шаҳарларда яшайди?

- A. 50%
- B. 52%
- C. 54%
- D. 56%

6. Ижтимоий инновациялар қўлланилиши нечта устувор жараёнлар мавжуд?

- A. 5 та
- B. 4 та
- C. 3 та
- D. 2 та

7. Виртуал – бу?

- A. мумкин бўлган
- B. янгилик
- C. ўзгариш
- D. нисбий

8. Биринчи виртуал борлиқ фирмаси қачон ташкил топган?

- A. 1970 йил
- B. 1974 йил
- C. 1980 йил
- D. 1984 йил

9. Ахборотлашган жамият концепцияси асосчиси...

- A. Д. Белл
- B. Бил Гейтс
- C. Д. Юнг
- D. К. Поппер

10. Электрон ҳукумат қуриш бўйича иқтисодий ётиш палласида турган давлатлар орасида энг яхши натижага эришган давлат?

- A. Норвегия
- B. Литва
- C. Эстония
- D. Латвия

11 -МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ НАЗАРИЯСИ ВА УНИНГ МАЗМУН- МОҲИЯТИ

Режа:

- 1. Фуқаролик жамияти қуришга доир институционал ўзгаришлар.**
- 2.«Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал тамойил ва унинг моҳияти.**
- 3.Фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлатнинг бош ислохотчилик ўрни.**
- 4.Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш истиқболлари.**

Таянч сўзлар: демократия, фуқаро, фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти институтлари, номарказлаштириш, давлат, ўзини ўзи бошқариш, оммавий ахборот воситалари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, ҳаракатлар, ҳуқуқий давлат, давлат ҳокимияти, институтлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, инсон ҳуқуқлари, табақа (қатлам), эркинлаштириш, ҳуқуқ.

1. Фуқаролик жамияти қуришга доир институционал ўзгаришлар

Ўзбекистон собиқ иттифоқ даврида ҳам миллий, ҳам яқка ҳоким мафкура зулми остида яшади. Коммунистик мафкура ўз табиатига биноан тоталитар руҳдаги мафкура бўлиб, у асосан ҳаётнинг барча жабҳаларини эгаллашга, ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаётини ҳам бутунлай назорат қилишга даъвогар эди. Тоталитар мафкура ўз табиати ва характеридан келиб чиқиб «буюк келажак» учун ўтмишни ҳам, бошқа ҳар қандай мафкураларни ҳам инкор этган эди.

Коммунизм ғояси нафақат ўтмишдаги қадриятларни йўқ қилишга, балки ўзига хос янги қадриятлар жорий қилишга даъват этди. Коммунизм ғоясига асосланган коммунистик партия зўрлик билан, куч ишлатиш воситасида, мажбурлаш йўли билан тоталитар жамиятни қуришга ҳам эришди.

Собиқ иттифоқ даврида жамиятнинг барча соҳасидаги ҳокимият бутунлай партияга тегишли бўлиб, коммунистик партия билан давлат аппарати бир-бири билан чирмашиб ва қўшилиб кетган эди. Шунингдек, жамиятни давлатлаштириш даражаси ҳам ўзининг энг юксак чўққисига чиқиб, давлатдан мустақил бўлган ижтимоий ҳаёт ва жамиятнинг демократик институтлари бутунлай йўқ қилинди: коммунистик партиядан бошқа барча партиялар тор-мор қилинди, барча жамоат ташкилотлари ва нодавлат бирликлар ҳукмрон партияга бўйсундирилди. Ҳуқуқ ва қонунларнинг жамиятдаги ўрни пасайиб, коммунистик партия қонун билан чекланмаган ва қонунга бўйсунмаган чексиз ваколатларга эга бўлди. Партия аппарати

иктисодиётнинг барча соҳаларини монополия қилиб олган ҳолда маъмурий-буйруқбозлик усулида раҳбарлик қила бошлади.

Шунингдек, коммунистик партия барча жамият институтларини ҳам бутунлай монополия қилиб олган эди. Ана шундай шароитларда бутун бир улкан сиёсий тизимни сақлаш зўрлик ва куч ишлатишсиз амалга ошириш қийин эди. Коммунистик партия шахс ҳаёти, оила, дин, санъат, фан, маданий анъаналар каби ижтимоий ҳаёт соҳаларини ҳам ўз назорати остига олиб, бу соҳалардаги кадрият ва меъёрларни белгилаб беришга ҳам даъвогарлик қила бошлади.

Жамият аъзоларининг эркин фикрлаш, меҳнат қилиш ва ўз шахсини интеллектуал ва маънавий жиҳатлардан юксалтириш, яратувчилик ижодий қобилиятини такомиллаштириш каби сифатларини ривожлантириш имкониятлари тоталитар режим томонидан сиқиб қўйилганлиги учун ҳам собиқ шўро жамияти ўзини ўзи ривожлантириш ва янгилаш имкониятларидан деярли маҳрум бўлган эди. Шунинг учун ҳам бу жамият тез ўзгараётган дунёга нисбатан мослаша олмади. Коммунистик партия ва давлатнинг ишлаб чиқариш ва моддий-маънавий бойликларни тақсимлашдаги ўрнининг беқиёслиги, уларнинг хусусий мулкчилик ва бозор рақобатчилигини таъқиқлаш сиёсати, шунингдек, ортиқча ижтимоийдифференциацияга йўл қўймаслиги оқибатларида жамият ва давлат ривожланишидаги барча мақсадлар мажбурлаш воситаларида амалга оширила бошланди. Бошқача айтганда, бошқарув ноиктисодий усулларда, яъни иктисодиётнинг ривожланиш қонуниятларини ҳеч бир ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилди. Шунинг учун ҳам жамиятда демократия унсурларининг шунчаки бир яшаши учун бирон-бир имконият ҳам йўқ эди.

Давлат ҳокимиятининг барча жабҳаси фақат коммунистик партияга тегишли эди. Бу ҳолатни таниқли сиёсатшунос Ханна Арендт ўзининг «Тоталитаризм вируси» номли асарига кўйидагича ифодалади: «Партия доимо жамиятнинг тизилмалашуви билан боғлиқ бўлиб, унинг маълум қатламлари манфаатларини ифода этди. Оломон учун тизилмавийликнинг этишмаслиги янги типдаги партияга бўлган заруриятни шакллантирди. Бутун бир жамият манфаатларини ифода этишга даъвогарлик қилаётган партия фуқаролик жамиятини оломон гуруҳларга айлантди, партиянинг ўзи эса партиявий-бюрократик давлат тизимига ўсиб ўтди»¹.

Мамлакатда яккахоким партия ва мафкуранинг тазйиқи оқибатларида шахснинг эркин фикрлаши, ўз атрофидаги воқеликни эркин ва ҳалол таҳлил этиши, ўз ташаббускорлиги ва ижодий қобилиятини тўлиқ намоён қилиши, шунингдек, ўзи хоҳлаган тарзда ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этиши учун ҳеч бир шарт-шароитлар қолмаган эди. Шунинг учун ҳам жамият аъзолари ўртасида ижтимоий фаолсизлик ва боқимандалик кайфиятлари мислсиз тарзда кучайди.

¹ Арендт Х. Вирус тоталитаризма.// Изучая прошлое во имя будущего (круглый стол).-Политические исследования, № 6, 1991. -Б.165-166.

Таниқли олим А.А.Кара-Мурза собиқ совет давридаги партиянинг хукмрон мавқеини қуйидагича ифодалайди: «Партияга унинг сафидан чиқариш имконияти мавжуд бўлганлиги учун ҳам қабул қиладилар. Мамлакатдаги барча лавозимларга партия аъзолари бошқалардан истеъдодли, аъло, адолатли бўлганликлари учун эмас, балки улар нисбатан кўпроқ итоатгўй бўлганликлари учун қўйиладилар - уларни салгина итоатсизликлари учун ҳеч бир судсиз қатл этиш ёки қамокқа тикиш мумкин. Партия ва ҳокимиятнинг кучи партиявий «таъсир»нинг (шундай аталган) ҳамма ерда мавжуд бўлганлигидадир. Партиядан ҳайдалган одам бепоён мамлакатнинг бирон-бир бурчагида ҳам тазйиқдан паноҳ топиш учун жой топа олмас эди»¹.

Партия ва совет давлатининг бараварлаштириш сиёсати кишилардаги шахсий ташаббус, ижодий фикрлаш, сиёсий ёки ишлаб чиқаришдаги муаммоларни мустақил тарзда ечиш каби қобилиятларини ривожланишига имкон бермади.

Собиқ коммунистик партия «қардош республикалар» компартияларига нисбатан ҳам империячилик ва тоталитар усуллар воситасидаги бошқарувни қўллади. Масалан, иттифоқ республикалари компартияларининг низомий-хуқуқий мақоми РСФСР вилоятлари ва ўлкалари партия ташкилотлари билан бир хилда белгиланган эди. Лекин, амалда Россиядаги шаҳар ва вилоятлар партия ташкилотларининг сиёсий мақоми даражаси республикалар компартияларидан юқори эди. Масалан, Москва ва Ленинград шаҳарлари партия ташкилотларининг иерархия даражаси КПСС Марказий Кўмитаси билан республикалар компартиялари ўртасидаги поғонада белгиланган эди (мазкур партия ташкилотларининг биринчи котиблари КПСС марказий кўмитаси сиёсий бюроси аъзоси этиб тайинланарди).

Республикалар компартиялари ўртасида ҳам ўзаро тенглик йўқ эди. Бунда ҳам уларнинг раҳбарларини славян халқларининг вакили эканлиги ёки бош котибга қанчалар яқинлигига эътибор берилар эди: XX асрнинг 60-90-йилларда Украина, Белорусия ва Қозоғистон компартиялари марказий кўмитаси биринчи котиблари партия марказий кўмитаси сиёсий бюроси аъзоси ёки унга номзод бўлиши қоидага кирди (кейинги даврларда Ўзбекистон компартияси марказий кўмитаси биринчи котибининг сиёсий бюро аъзолигига номзод сифатида кириши ҳам одат тусини олди). Лекин қолган республикалар компартиялари раҳбарлари олий элита - сиёсий бюро - таркибига киритилмас, уларга фақат марказий кўмита аъзоси бўлишдек қуйироқ партиявий поғонадан жой ажратилар эди.

КПСС иттифоқдош республикалар компартияларини мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситасига айлантирган эди. СССР конституциясининг 6-моддасида КПССнинг «совет жамиятининг ядроси ва уни йўналтириб турувчи» куч эканлиги қонунлаштирилганлигига эътибор берилса, партиянинг тоталитар жамиятни зўрлик ва зулм воситасида бир

¹ Кара-Мурза А.А. Тоталитаризм - феномен XX в.? //Тоталитаризм как исторический феномен.-М., 1989.-Б.23.

маромда ишлашинитаъминлашга қаратилган асосий сиёсий ҳокимият эканлиги яққол кўринади.

Иттифоқдош республикаларни марказ томонидан итоатда ушлаб туришнинг яна бир шакли, бу - республикалар марказий, вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилоти кўмиталари иккинчи котибларининг асосан рус ва славян миллати вакилларидан қўйилишидир. Иккинчи котиблар туман, шаҳар, вилоят ва республикадаги халқ хўжалигининг барча тармоқларига раҳбар кадрларни танлаб қўйиш ёки уларни лавозимларидан бўшатиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига бош мутасадди эдилар. Шунингдек, иккинчи котиблар партиянинг барча кадрлар ва ташкилий ишлари - партияга қабул қилиш ёки ундан чиқариш, партия раҳбар органларининг мажлислари, бюро пленумлари, конференциялари, курултойларини, шунингдек, партия органлари сайловларини ўтказишни амалга ошириш фаолиятига бошчилик қилар, шу билан бирга, бу соҳаларни ўзининг қаттиқ назорати остига олган эдилар.

КПСС қанчалик келажакда «фаровон ҳаёт» қуриш каби ҳаёлий жозибадорақидалар билан ўз шаклини қанчалик безамасин, унинг асосий мақсади тоталитар жамиятни, шунингдек, амалда рус бўлмаган халқларни марказнинг мустамлакачилик сиёсати остида зўрлик билан ушлаб туришни таъминлаб турувчи мукамал империячиликни амалга ошириш эди. Файласуф Н.А. Бердяев 1940 йилда шундай деб ёзган эди: «Совет Россиясига бўлган муносабатларимда бирон-бир муҳим ўзгаришлар бўлмади. Мен Совет ҳокимиятини бирдан-бир рус миллий ҳокимияти, деб ҳисобладим. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. У фақат Россиянинг халқаро муносабатлардаги вакилидир»¹.

КПССнинг биргина Ўзбекистонга нисбатан муносабати, шунингдек, бу ерда олиб борган сиёсатини ўрганиш шуни кўрсатадики, собиқ партиянинг империячилик сиёсати рус подшоларининг мустамлака ўлкаларда олиб борган сиёсатига нисбатан ҳам ўта аянчли ва ўта даҳшатли тарзда амалга оширилган.

Коммунистик партия томонидан Ўзбекистон улкан мамлакатнинг пахта хомашёсини етказиб берувчи базасига айлантирилди. Етиштирилган пахта ҳосилига марказ эгалик қила бошлади. Республиканинг хомашё ўлкасига айлантирилиши унинг аграр минтақа бўлишини тақозо этди. Оқибатда республика иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида бошқа иттифоқдош республикалардан бир неча марта орқада қолиб кетди. Марказнинг кўзга кўринмас, ниқобланган мустамлакачилик сиёсати партия фаолиятининг барча соҳаларида сезилар эди.

Деярли барча экин майдонларини пахтага мослаштириш, муттасил бир хил экин экилишидан чарчаган далаларга тобора кўпроқ кимёвий ва захарли ўғитлар солиш мисли кўрилмаган даражада авж олди. Бунинг натижасида ҳаво, сув, озиқ-овқат, мева ва полиз маҳсулотларининг зарарланиши инсон саломатлигига хавф солиб, кўплаб янгидан-янги касалликларни келтириб

¹ Бердяев Н.А. Самопознание. (Опыт философской автобиографии). -М.:Книга, 1991.-Б.340.

чиқарди. Болалар ўлими ниҳоятда кўпайди. Сувдан истиқболсиз, ўринсиз фойдаланиш Орол фожасини келтириб чиқарди.

Турғунлик даврида ҳам ана шу эски сиёсат маданийроқ ва пухта ниқобланган равишда давом этди. Иттифоқнинг Европа қисмида тўхтовсиз равишда кучайиб бораётган хомашёга бўлган талабни қондириш мақсадида Ўзбекистонда пахта етиштиришнинг энг охириги имкониятлари ҳам ишга солинди. Натижада экологик ҳолат янада ёмонлашди, пахтакор меҳнати жуда оғирлашди. Халқнинг турмуш кечериш даражаси қийинлашиб, иқтисодий-ижтимоий муаммолар янада кескинлашди.

Қайта қуриш даврида қисман берилган демократик эркинликлар, ошкоралик, халқни ўзини ўзи бошқариш кафолатлари халқ аҳволини тубдан яхшилаётган бўлди. Чунки, бошқариш, ишлаб чиқариш ва мулкчиликнинг эски усуллари бекор қилиниб, янгиси барпо қилинмаганлиги, иттифоқдош республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар бузилганлиги, марказнинг яна яккахоқимлик қилиш сиёсатидан қайтмаганлиги, ўзаро ички сиёсий курашлар, РСФСР билан иттифоқ ва унинг тузилмалари ўртасидаги ҳокимият учун ўзаро курашлар ва унинг иқтисодий оқибатлари халқнинг моддий аҳволини кескин ёмонлаштирди. Халқ истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги кучайиб борди. Нарх-наво ҳам тўхтовсиз ошиб борди.

1989 йилда Президент Ислам Каримов республика раҳбари бўлган даврда мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ана шундай оғир сиёсий, иқтисодий вазият ва бўҳронлар мавжуд эди. Бир томондан, марказнинг иттифоқни сақлаб қолиш умидидаги тазйиқлари, иккинчи томондан, ўзини муҳолифатчи деб атаган турли гуруҳ ва оқимлар бошлиқларининг хуружлари республика ҳукуматини барқарор сиёсат олиб боришини хавф остига қўйди. Ана шу даврдаги вазиятда, марказ билан республика ўртасидаги кучлар нисбатидан келиб чиқиб, Ислам Каримов миллий мустақиллик учун дастлаб Ўзбекистон компартиясини КПССдан мустақил бўлиши учун курашдан бошлади. Чунки, ўша даврдаги марказда барча сиёсий ҳокимиятни ўзига монополия қилиб олган КПССдан бошқа қудратли куч йўқ эди. КПСС Ўзбекистонни миллий мустақил давлат бўлишига асосий тўсиқ бўлмоқда эди. Ўша даврда «КПССдан мустақил бўлиш», деган сўз миллий мустақилликка эришиш ва мустақил давлат бўлиш маъносини берар эди.

Ана шундай қийинчиликлар даврида марказдаги олий ҳокимият - КПСС раҳбарларидан бир гуруҳнинг 1991 йил 19-21 август кунлари давлат тўнтариши қилишга уринишлари ва унинг оқибатлари шуни кўрсатдики, энди Ўзбекистон марказнингвассали бўлиб қола олмайди. Марказда ғалаба қилган сиёсий кучларнинг баъзи бир ҳаракатлари, иттифоқнинг бошқариш тизимларини бошқа республикалар билан ҳеч бир келишмай туриб ишғол қилишга уринишлар, КПСС олий раҳбарияти бир қисмининг давлат тўнтаришида иштирок этиши, КПСС фаолиятини расман тўхтатиб қўйилиши

каби воқеалар Ўзбекистонни иттифоқ таркибида ривожланишини шубҳа остига қўйган эди¹.

Ана шундай қийин, таҳликали ва мураккаб шароитларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги эълон қилинди, шу билан бирга, Президент Ислам Каримов Ўзбекистон компартиясини тугатиш йўлини тутди. Албатта, Президент И.А.Каримовнинг бундай қарорга келишининг мантиқий сабаблари бор эди: партия етмиш йилдан ортиқроқ Ўзбекистонни истибдодда ушлаб турди; ана шу даврда тоталитар жамият қуриш ғояси ва мафкураси ҳам партия томонидан ишлаб чиқилди, бундай жамият қуриш амалиёти ҳам партия томонидан ҳаётга татбиқ этилди; партия доимий ва мунтазам равишда ўзбек халқининг мустақиллигига, миллий, маънавий, маданий меросига, миллий тарихи ва анъаналарига қарши кескин сиёсат ўтказиб келди; партия қандайдир «тенглик» жамиятини тарғибот-ташвиқот қилгани билан амалда ва яширин равишда марказнинг Ўзбекистонга нисбатан империячилик сиёсатини ўтказиб келди; партия ўз табиати ва ғоясидан келиб чиқиб ҳар қандай демократик қадриятлар ва фуқаролик жамияти шаклланишига қарши тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатиб келди; партия жаҳонда коммунистик жамият қуриш мақсадидан келиб чиқиб, ҳеч қачон Ўзбекистонни миллий мустақил давлат бўлишига йўл бермаслиги аниқ эди; Президент Ислам Каримов мақсад қилиб қўйган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ғояси партия ғоясига бутунлай тўғри келмасди; коммунистик партиянинг манфаатлари ҳам бутунлай миллий манфаатларга қарама-қарши руҳда эди.

Умуман, XX асрнинг 90-йиллари бошидаги Ўзбекистон учун «коммунистик партиядан ҳалос бўлиш», деган сўз миллий мустақилликка эришишнинг асосий шарти бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам 1991 йилнинг 14 сентябрида Ўзбекистон Компартиясининг XXIII съезди чақирилиб, унда республика партия ташкилотини тугатиш масаласи ҳал этилди.

Лекин бу жараёнлар ҳам силлиқ кечгани йўқ. Бу пайтда ҳали кўплаб раҳбарлар, партия аъзоларининг аксарият қисмида эски жамиятнинг кучли таъсири сезилиб турмоқда эди. Улар миллий мустақиллик ғоясини англашга етилмаган, янги демократик жамият қуришни эса ўз тасаввурларида “капитализмга - энг ёмон тузумга қайтиш”, деб тушунар ва талқин этар эдилар.

Умуман, Миллий мустақилликнинг дастлабки даврида собиқ тоталитар жамият қолдирган мерос мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини ўзига қамраб олган эди. Мамлакатда, ҳаттоки, фуқаролик жамиятининг унсурлари ҳам ҳали шаклланмаганлиги, бу соҳада тажрибаларнинг етишмаслиги, демократик қадриятлар халқ менталитетига сингмаганлиги, янги жамиятнинг иқтисодий асослари шаклланмаганлиги каби юзлаб долзарб муаммолар ўз ечимини кутмоқда эди.

¹ Қаранг: Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар.-Т.: Шарқ, 1998. -Б. 110-111.

1990 йил 24 мартда Ўзбекистон Олий Кенгаши И.А.Каримовни республиканинг биринчи Президенти этиб сайлаши - миллий мустақиллик сари бошланган ҳаракатнинг илк ғалабаси эди. Чунки, бундай сиёсий институтнинг киритилиши марказ ва иттифоқдаги бошқа республикалар учун кутилмаган янгилик эди.

Мустақиллик учун ҳаракат янада кенг кўламда давом этди. Олий Кенгаш 1990 йил 21 июлда Мустақиллик Декларациясини қабул қилди. Мазкур Декларация республика давлат ва миллий мустақиллиги ўрнатилиши жараёни учун муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, 1991 йил август ойида республикада маҳаллий давлат органларида ҳокимлик лавозимларини таъсис этилиши, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда миллий руҳиятга яқин бошқарув тизимларини тузилиши каби воқеликларнинг рўй бериши Ўзбекистон раҳбариятининг миллий истиқлол сари ҳеч бир иккиланишсиз, дадил ҳаракат қилаётганлигининг самараси эди. Ўша даврдаги кучли ижтимоий сиёсат юритиш оқибатда аҳолининг ижтимоий барқарорлигини таъминлаш йўли ҳам фақат Ўзбекистон учун хос эди.

Ўзбекистон ҳали иттифоқ таркибида бўла туриб, бошқа республикалар раҳбарлари ўз мамлакатларини конфедератив иттифоққа киришига кўз тутиб турган бир пайтда Президент И.А.Каримов 1991 йил 31 августда Олий Кенгаш сессияси минбаридан Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилди. Шу кун Олий Кенгаш «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёноти»ни эълон қилди.

Ўзбекистонда Миллий мустақиллик учун ҳаракат бир томондан коммунистик тоталитар тузум асоратларидан ҳалос бўлиш, покланиш жараёнлари билан уйғун равишда кечган бўлса, иккинчи томондан, жаҳондаги илғор мамлакатлар тажрибаси асосидаги маҳаллий халқ менталитетидан келиб чиқиб жамиятни демократлаштириш билан ҳамоҳанг борди. Миллий мустақиллик арафасидаёқ кўппартиявийлик тизимини жорий этиш, давлат ва ҳукуматдан айрим жамоат бирлашмалари тузулмаларини эркин фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга интилиш республика раҳбариятининг XX асрнинг 90-йиллари бошидаги стратегик сиёсий ислохотларининг бош мақсадларидан бири эди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмига келиб ҳам МДХ мамлакатларида, хусусан Россияда коммунистлар ва бошқа «сўл» кучларнинг парламент ҳамда давлат ҳокимиятининг бошқа тузилмаларида кучли сиёсий таъсир кучига эга бўлишининг сабаблари кўп жиҳатлардан сўл кучларга нисбатан ўта қутбланиш сиёсат юритилганлиги, қолаверса, жамиятнинг ҳали эски мафкура таъсирида бўлган миллионлаб фуқароларининг янги ҳукумат органлари ва демократлар томонидан кучли мафкуравий тазйиққа учраганлиги оқибати эди.

Ўзбекистонда Миллий мустақиллик арафасида жамият сиёсий соҳасидаги ўзгаришлар мамлакатнинг конституциявий тизимида туб ислохотлар қилишга зарурият сезмоқда эди. Янги жамият ва давлат қуриш ислохотларини амалга оширишнинг муҳим кафолати - ижтимоий-сиёсий

барқарорликка эришиш, бу жараёнларда турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар ҳамжиҳатлигини таъминлаш учун демократик кадриятлар асосидаги ҳуқуқий асосларни шакллантириш масалалари мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Собик иттифоқ давридан мерос бўлиб қолган ҳуқуқий асослар мамлакатдаги янги интилишлар ва ислоҳотлар жараёнларини янада чуқурлаштириш, келажак стратегик мақсадларни белгилашга тўсиқ бўлаётган эди.

Умуман, миллий мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон жамиятининг барча соҳаларида чуқур институционал ўзгаришлар амалга оширилди: эски яккапартиявий давлатга барҳам берилиб, демократик тамойиллар асосидаги миллий давлат шаклланди; жамиятда кўппартиявийлик тизими шаклланди; партия ва давлатдан холи бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар тизими шаклланди; ўзини ўзи бошқариш органлари партиядан ва давлатдан ажратилди; коммунистик мафкура ўрнига мафкуралар плюрализмига ўрин берилди; миллий кадриятлар ва миллий маънавият мамлакат халқининг асосий дунёқарашига айланиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилди; барча қонунларни демократик тамойиллар асосида қабул қилиш тажрибаси шаклланди. Натижада мамлакатда фуқаролик жамиятининг шаклланиши учун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий шарт-шароитлар яратилди.

2. «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал тамойил ва унинг моҳияти

Ўтган асрнинг 80-йиллари охири - 90-йиллар бошида тоталитар тузумдан эндигина халос бўлган, ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонда янги жамият ва давлатни бунёд этиш ислоҳотларининг жаҳон тажрибасининг қандай йўлидан бориши ҳали аниқ ва равшан эмас эди. Лекин, мамлакат ривожининг бош йўли танланди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Президент И.А.Каримов қуйидаги мақсадни илгари сурди: «Республикада собитқадамлик билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш - бош вазифадир... Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишиникафолатлашикерак»¹.

Мустақиллик даврида фуқаролик жамияти қуриш стратегиясини шаклланида Президент И.А.Каримов томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал тамойил муҳим аҳамият касб этди. Бу тамойилнинг асосий мазмун-моҳияти, йўналишлари, умуминсоний ва миллий жиҳатлари унинг маърузалари ва асарларида мужассамлашди.

Халқимиз тарихи, дунёқараши, маънавияти, миллий манфаатлари ва миллий анъаналарини чуқур англаган мамлакат Президенти И.А.Каримов

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва таракқиёт йўли. // Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.І-Т.: Ўзбекистон, 1996.-Б.44-45.

Мустақил Ўзбекистон халқининг манфаатлари ва орзу истакларидан келиб чиқиб фуқаролик жамияти ва демократик принципларни ўзида мужассам этган сиёсий тизимни ташкил этишга қодир бўлган Конституция қабул қилишга бошчилик қилди. Муҳими, Конституцияда фуқаролик жамияти қуришнинг асосий принцип ва қоидалари ривожланган мамлакатларга хос бўлган талаблар асосида ифодаланди. Шу тариқа, мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг сиёсий ва ҳуқуқий қафолатлари янги Конституция ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топди. Унинг натижаси ўлароқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир ҳуқуқий асослар яратилди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш ислоҳотлари энг мураккаб ва машаққатли синовлардан ўтди. Чунки, мамлакатда эскидан мерос бўлиб қолган давлатчилик анъаналари ва тоталитар жамият асоратлари ҳали сақланмоқда эди. Шунингдек, халқнинг ҳам ҳали янги жамият қуриш ва уни ташкил этишга доир тажрибаси кам, руҳияти ва сиёсий маданияти эса фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурлардан анча узоқ эди. Ана шундай шароитда Президент И.А.Каримов томонидан фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат ва бозор муносабатларига ўтиш даврининг назарий асосларини ишлаб чиқилди. Албатта, улар мамлакат тарихий ривожланиш анъаналари, демократик принциплар ва халқ дунёқараши, қолаверса, мамлакат миллий манфаатларини ўзида ифода этар эди.

XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, Ўзбекистон ҳали ўз давлат мустақиллигини эълон қилмаган бир пайтда фуқаролик жамиятини қуриш билан боғлиқ ўзгаришлар рўй бера бошлаган эди. Республика раҳбариятининг жамиятда кўппартиявийлик тизимини жорий этиш, давлат ва ҳукуматдан мустақил бўлган жамоат бирлашмалари тузулмаларини эркин фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга бўлган интилиши кучайган эди.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришнинг асосий қафолати, яъни уларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадларида 1991 йилнинг 15 февralида Ўзбекистон Олий Кенгаши «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Мазкур қонун республикада фаолият юритиб келаётган жамоат бирлашмалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга, уларни собиқ яккаҳоким мафкурадан покланишига, шунингдек, жамоат бирлашмалари тизилмаларини давлат ва ҳукумат тизимидан ажратишга ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берди. Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида биринчи марта мазкур қонунда жамоат бирлашмаларининг мақсадлари халқро ва демократик мезонлар асосида таърифлаб берилди: «Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳуқуқий ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини,

давлат ва жамоат ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш...»¹ мақсадларида тузилади.

Мамлакат тарихида илк бор фуқаролик жамияти институтлари -жамоат бирлашмаларининг мустақиллиги, уларнинг давлат ва ҳукуматдан алоҳида фаолият юритувчи ҳуқуқий субъект эканлиги тан олинди. Бу ҳолат фуқаролик жамиятига хос белгилардан бири эди. Қонунда давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралashiш, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Бу даврдаги муҳим воқеликлардан бири - Президент И.А.Каримов томонидан Ўзбекистонда ўтиш даври учун давлат қурилиши, бозор иқтисодиётини шакллантириш, фуқаролик жамияти қуриш, умуман, жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш жараёнларини бешта асосий принцип асосида амалга оширишнинг “Ўзбек модели” концепциясининг ишлаб чиқилиши бўлди. Бу бешта асосий принципларнинг моҳияти қуйидагича ифодаланди:

«биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш зарур;

иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпарастлар (ретроградлар) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт;

учинчидан, қонун, қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади;

бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги «инқилобий сакрашлар»сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бу қоидалар ўз истиклол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади»².

Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти барпо этиш ҳам миллий, ҳам ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасида обдан синалган демократик кадриятлар асосида амалга оширишга муҳим аҳамият берилди.

¹Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни.//Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. 4-сон. -Т.: Адолат, 1993.-Б.155.

² Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.//Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т.1.-Тошкент:Ўзбекистон, 1996. –Б.300-301.

Чунки, демократик кадриятлар нафақат халқаро тажриба ва синовлардан ўтганлиги учун, балки ўзбек халқининг миллий манфаатларига мос келганлиги учун ҳам ислохотлар жараёнларига татбиқ этила бошланди. Мамлакатда фуқаролик жамияти учун муҳим бўлган демократик кадриятларни Президент И.А.Каримов куйидагича баҳолаган эди: «Маълумки, демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бор. Инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради»¹.

Шу билан бирга, Президент И.А.Каримовнинг қарашича, фуқаролик жамияти назарияси ва амалиёти ҳар бир мамлакат миллий кадриятлари, халқнинг миллий менталитети ва миллий анъаналари ўзида ифодаланиши зарур. Бу шунинг учун ҳам зарурки, фуқаролик жамияти барпо этишда ҳар бир халқ ўз миллий манфаатларини ифода этилишини ҳам англаши лозим. Бу каби ҳолатга эга бўлиш учун миллийлик янги жамият мазмуни ва шакли шамоийли билан уйғунлашиши лозим. Ўзбекистон эса бошқа мамлакатларга нисбатан адолатли ва халқчил жамият барпо этишга доир миллий мерос ва кадриятларга бойлиги билан ажралиб туради.

Шунингдек, мамлакатда янги жамият қуриш ислохотлари инқилобий йўлни ҳам қабул қилмайди. Чунки, бу йўл ўзининг вайронагарчилиги, миллионлаб аҳолини ижтимоий аҳволини пасайиб кетиши, жамиятни қутбланишган томонларга бўлиниб кетиши каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам давлат томонидан фуқаролик жамиятининг Ўзбекистон мамлакати учун ўзига хос куйидаги жиҳатини илгари сурилди: «Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланиган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят ноҳуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни Ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди...»². Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир назарий қарашлари ривожланган мамлакатларда амалга оширилган демократик тамойиллар асосидаги тажрибаларга ҳамоҳанг тарзда ривожланди. У фуқаролик жамиятининг асосини ўзини ўзи бошқариш органларини ўзига муносиб ваколатлар билан таъминлашда, деб билди.

Шунингдек, Президент И.А.Каримов Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг яшашини таъминлайдиган асосий шарт-шароитлардан бири, бу

¹Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. //Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.-Т.:Ўзбекистон, 1996.-Б.8.

² Ўша жойда.-Б.9.

- давлат ҳокимияти ваколатларини чегаралаш, фуқаролик жамияти институтларига жамиятда ўзини ўзи бошқариш учун қанчалик зарур бўлса, шунчалик етарли ваколатлар бериш эканлиги масаласини илгари сурди. Президент фуқаролик жамиятининг яшаш қобилияти фуқароларнинг сиёсий жараёнларда нечоғлик иштирок этишлари билан узвий боғлиқ эканлигини ҳам чуқур англаб етган эди.

Президент И.А.Каримов давлат ваколатларини жамият институтларига бериш асосида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадида қуйидаги вазифани қўйди: «Аммо ҳақиқий миллий раванга биз фақат давлат ҳокимияти вазифаларини қатъий ва мукамал белгилаб ва шу билан бирга чекланиб қўйилган фуқаролик жамияти шароитидагина эришмоғимиз мумкин. Бундай жамиятда давлатнинг бош вазифаси тараққиёт стратегиясини аниқ белгилаш ва уни ҳаётга жорий этиш учун қаттиқ назорат олиб боришдан иборат бўлади... Ана шундай давлат ва жамиятни қуриш, ҳақиқий демократик кадриятларни вужудга келтириш - бизнинг бош концепциямиз ва миллий раванқимиз асосидир»¹.

Мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этишга доир назарий қарашлари унинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ўз тақомилига етганини кузатиш мумкин. Бу асарда фуқаролик жамиятининг энг асосий институтлари Ўзбекистон мамлақати шарт-шароитлари, миллий менталитетини ҳисобга олган ҳолда талқин этилади. Шунингдек, бу асарда янги жамият қуриш муаммолари «шахс-жамият-давлат» ўзаро уйғунлиги асосида таҳлил этилади. Муҳими, давлатнинг шахс ва жамият манфаатлари асосида фаолият юритадиган сиёсий институт эканлиги, бу институтнинг доимо жамиятни ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлардан фаровон бўлиши ҳамда барқарорлиги учун масъуллигини ошириб бориш зарурлиги асосланади.

Шунингдек, асарда фуқаролик жамиятини инсон эркинлиги ва ҳуқуқларининг энг асосий ҳимоячиси эканлигига ҳам муҳим эътибор берилади. Асардаги қуйидаги фикрлар фуқаролик жамиятининг янги қирраларини очиқ беради: «Биз учун фуқаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қуйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниб бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт»².

Шу билан бирга, Президент И.А.Каримов фуқаролик жамиятининг давлат органлари, фуқароларнинг мансабдор шахслар устидан назорат

¹ Ўша жойда.-Б.12.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998.-Б.151.

ўрнатишлари, уларнинг фуқаролар олдидаги масъулиятини ошириш масалаларига муҳим эътибор қаратди. Айниқса, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, уларнинг давлат органлари фаолиятдан хабардорлиги, шунингдек фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги кенг иштироки фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан бири эканлиги, каби қоидалар илгари сурилди. Албатта, бу назарий қарашлардаги илмий талқинлар нафақат жамиятнинг, балки давлатнинг кучли ва самарали фаолият кўрсата олиш қобилиятини ошириш билан уйғунликда амалга ошириладигани, ундаги асосий ғоялар инсонни эркинлигини таъминлаш мақсадларида унинг ўзини фаол ва омилкор бўлишга ундайди: «Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиши, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлашига ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидаги ўз масъулиятларини ҳис қиладилар. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарур»¹.

Президент И.А.Каримов фуқаролик жамиятининг шаклланишини фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирокини амалга ошириш билан узвий равишда боғлайди. Айниқса, янги жамият халқ томонидан демократик кадриятларни ўз сиёсий маданиятига сингдириб боришига ҳамоҳанг тарзда ривожланиб боришини эътироф этгани ҳолда куйидаги фикрларни билдиради: «Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар - халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир»².

Шунингдек, Президент И.А.Каримов фуқаролик жамиятини ривожланишида ва унинг барқарорлигини таъминлашда муҳолифатнинг ўрни масаласига ҳам катта эътибор беради. Маълумки, демократик мамлакатларда муҳолифат ўз жамиятлари ва давлатларининг бошқарув усуллари демократлаштиришда, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий муҳолифат жамиятда плюралистик фикрлаш ва дунёқарашни шакллантиради. Турли хил сиёсий усуллар, ёндашувлар ва қарашлар асосида келажакни яратиш учун интилиш жамият аъзоларининг тобора кўпроқ манфаатлари ва сиёсий иродаларини қамраб боради. Натижада, жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий барқарорлигини таъминлаш онгли равишда изга тушади. Шунингдек, муҳолифатнинг бўлиши давлат ва ҳукуматни шакллантириш жараёнларида фуқароларнинг устидан кимлар бошқаришини танлаш

¹ Ўша жойда.-Б.151-152.

² Ўша жойда.-Б.156-157.

хуқуқига эга бўлишини таъминлайди, уларнинг сиёсий иродаси ва истак-хоҳиши тобора кенгроқ ошқора намоён бўлиб боради. Ғарб мамлакатларидаги муҳолифатнинг яратувчилик ўрнидан келиб чиқиб, Президент И.А.Каримов куйидаги фикрларни билдиради: «Жамиятда барқарорликни сақлаш зарурлиги ҳақида гапирар эканмиз, сиёсий институт сифатида муҳолифат масаласини тилга олмаслик мумкин эмас. Бундай институтнинг мавжуд бўлиши демократик жамият учун шарт бўлган ва нормал ҳолдир. Айни маҳалда шуниси ҳам муҳимки, у ташкилий жиҳатдан расмийлашган, тегишли юридик мақомга эга бўлиши, конституция ва қонун нормаларини ҳурмат қилиши, ўз ҳаракатлари билан мамлакатдаги давлат ва ижтимоий тузумнинг қатъий, барқарор ҳолати учун масъул бўлиши, давлат қурилишининг муқобил лойиҳаларига эга бўлиши лозим»¹.

Умуман олганда, Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили илғор демократик қадриятлар билан адолатли жамият қуришга доир миллий қадриятлар ва анъаналарни уйғунлаштириш асосида ривожланиб борди.

Президент Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш ислохотларини янада чуқурлаштириш, унга мутаносиб равишда ҳуқуқий давлат қуриш мақсадларидан келиб чиқиб жамиятнинг сиёсий соҳасини эркинлаштириш (либераллаштириш) концепциясини ишлаб чиқди ва унинг куйидаги йўналишлари белгилаб берди:

мамлакат сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;

мамлакат сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш;

нодавлат нотижорат тузилмалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамлар онгида демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

Президент И.А.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясида ўз маърузасида фуқаролик жамияти қуришнинг янги босқичи ва тамойилларини илгари сурди: «Бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим ва долзарб вазифау ҳам бўлса, «Кучли давлатдан - кучли жамиятга ўтиш» деган шиорни амалда рўёбга чиқаришдир. Бу мақсадга эришиш учун, биринчидан, давлатимизнинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколатларини босқичма-босқич қуйи тизимга, шу жумладан, ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига ўтказиш талаб қилинади. Булар қаторида биз, биринчи навбатда, ўзини ҳар томонлама оқлаган маҳалла тузилмасини кўзда тутамиз. Иккинчидан - жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, аввало

¹Ўша жойда.-Б.153.

фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаоллигини оширишга кўмак ва ёрдам кўрсатиш даркор»¹.

Дарҳақиқат, «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилидан келиб чиқиб иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясида қабул қилинган «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий Қонун келгусида қабул қилиниши зарур бўлган ўзгаришлар жараёнини ўзида мужассам этадиган янги қонунларнинг қабул қилиниши учун принципиал қоидаларни белгилаб бериши кўзда тутган эди.

Мамлакатда фуқаролик жамиятига хос бўлган демократик сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг демократик тамойилларини ривожлантириш масалалари Президент И.А.Каримовнинг биринчи ва иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг сессияларидаги (1995-2004 йиллар), шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2005, 28 январь) маърузалари «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал сиёсий дастурнинг асосини ташкил этди.

2002 йилнинг 29-30 августида бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессияси мамлакатда фуқаролик жамияти қуришни авж олдиришда муҳим аҳамият касб этди. Сессиядаги мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари»га доир маърузаси адолатли демократик жамият қуришнинг концептуал назарий асосларини янада бойитди. Президентнинг қуйидаги фикри мамлакатда фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий йўналишларини белгилаб берди: «Ҳаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўткази боришни тақозо этади. Бунинг учун, авваламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим... Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли - марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришни таъминлашдир»².

Мамлакатда «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилидан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти қуриш мақсадларида давлат ҳокимиятининг аксарият ваколатларини маҳаллий ҳокимият органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига бериш жараёнлари бошланди. Марказий давлат ҳокимияти тасарруфида эса асосан, фақат конституцион тузумни,

¹Каримов И.А. Янгилаштириш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди.//Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10.-Т.: Ўзбекистон, 2002.-Б.325.

²Каримов И.А.Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.//Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли.Т.11.-Т.:Ўзбекистон, 2003.-Б.27-29.

мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартибот ва муҳофаа қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, самарали ташқи сиёсат олиб бориш каби ваколатларни қолдириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва хўжалик масалалари, пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экология масалалари, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари марказий давлат миқёсида ҳал этилиши, давлатнинг бошқа барча вазифалари эса маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларига бериш учун ҳуқуқий асослар ва сиёсий шарт-шароитлар яратишга доир ислоҳотлар чуқурлашиб бормоқда. Шу билан бирга, давлат органлари фаолиятини назорат қилиш ваколатлари ҳам асосан ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларига ўтказиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2005 йил 28 январь) «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасида мамлакат жамиятини демократлаштириш ва янгилаш концепциясининг, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислоҳ этиш бўйича асосий вазифаларнинг дастурий концептуал йўналишлари белгилаб берилди. Мазкур маърузада мамлакатни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари», деган тамойилга асосланган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг барча йўналишларида амалга оширилиши лозим бўлган мақсад ва вазифалар аниқ ва равшан ифода этилди. Мамлакатда марказий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини номарказлаштириш асосида кучли жамиятнинг шаклланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадларида «ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш»¹ вазифаси белгиланди. Шу билан бирга, «ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш»² муҳим вазифалар сирасига киритилди.

Президент И.А.Каримов ўзининг мазкур қўшма мажлисидаги маърузасида фуқаролик жамияти институтларини яна ривожлантириш масалаларини илгари сураб экан, бу билан «аҳолининг турли ижтимоий ва

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.//Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.Т.13.-Т.: Ўзбекистон, 2005.-Б.181.

² Ўша жойда.-Б.181.

социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор» беришга даъват этди. Шу билан бирга, «одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс»¹эканлигинияна бир бор таъкидлаб ўтди.

Президент И.А.Каримов томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал дастурни амалга ошириш янги босқичга кирди. Бу босқичда мамлакат Йўлбошчисининг назарий қарашларини ҳаётга татбиқ этиш даврига ўтилди. Ривожланган мамлакатларда фуқароларга эркинлик бағишлаган, шахснинг эркин камол топиши учун барча шарт-шароитларни яратган, жамиятнинг ҳамма жабҳаларини демократлаштиришга қобил бўлган фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди.

Мамлакатда икки палатали парламент ислоҳотлари билан узвий боғлиқликда нодавлат нодавлат ташкилотларни ижтимоий қатламлар, гуруҳлар манфаатлари ҳамда иродаларини ифодаловчи ташкилотлар даражасига кўтариш, жамиятдаги турли туман ижтимоий қатламларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш, жамиятни доимий барқарор бўлишига замин яратиш, шунингдек фуқароларнинг жамият ва давлат органларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш учун кенг шарт-шароитлар ва ижтимоий-сиёсий кенгликлар яратилди. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг давлат ва қонунлар томонидан кафолатланиши ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун имкониятлар яратди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон жамияти сиёсий тизимида икки палатали парламент ислоҳотларининг бошланиши ҳам давлат ҳокимияти тизими ва жамият институтларини ҳар томонлама модернизациялаштириш ва ислоҳ этиш учун шарт-шароитлар ва имкониятларни янада кенгайтди. Авваламбор, парламент ислоҳотлари натижасида жамиятдаги ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг манфаатлари ва иродаларини ифодаловчи янги институтлар - парламентнинг Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг шаклланиши натижасида бу турли-туман манфаатларни қонунлар ва сиёсий қарорларда ифодалана олиш имкониятлари яратилди. Албатта, бу ўзгаришлар фуқаролик жамиятига хос бўлган кадриятлардан бири - фуқаролар истаклари ва манфаатларини фуқаролик институтлари воситасида давлат иродаси ҳамда давлат вазифаси даражасига кўтариш амалиётига эришилди. Шунингдек, фуқаролик жамиятига хос бўлган қонунлар қабул қилишнинг ўзига хос имкониятлари яратилди.

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.//Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.Т.13.-Т.: Ўзбекистон, 2005.-Б.181-182.

Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзлари халқнинг, бутун бир мамлакатнинг дастур аъмолига айланди: «Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустақкам пойдеворини шакллантиришдан иборатдир»¹.

Шуниси диққатга сазоворки, Миллий мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги давлат ва жамият қуриш масаласида ривожланган мамлакатларнинг илғор тарихий тажрибасини чуқур ўрганиш натижасида фуқаролик жамиятини барпо этишдаги «Ўзбек модели»нинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Унинг назарий қарашлари «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал тамойилда ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш амалиётида ўз ифодасини топиб бормоқда. Бу соҳани ривожлантириш мақсадларида қонунчиликни ислох этиш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга имконият яратадиган ҳуқуқий асослар яратишга муҳим аҳамият берилди.

3. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлатнинг бош ислохотчилик ўрни

Ўзбекистон давлати ва халқи мамлакатда ҳуқуқий давлат қуриш йўлини танлади. Чунки, дунёнинг ривожланган давлатларида шаклланган ҳуқуқий давлат шароитидагина фуқаролик жамиятини шаклланиши учун имкониятлар яратилади, жамиятда доимий барқарорлик ва халқ фаровонлиги таъминланади. Умуман, ҳуқуқий давлат тарих тажрибаси ва имтиҳонидан муваффақиятли ўтди. Шунингдек, ҳуқуқий давлат халққа нисбатан кучли ижтимоий сиёсат юритиши билан ҳам ажралиб туради.

Фуқаролик жамияти қуришда давлатнинг бош ислохотчилик ўрни деганда, бу биринчидан, мамлакатда ҳуқуқий давлат қуриш демакдир. Чунки, фақат ҳуқуқий давлат шароитидагина фуқаролик жамияти қуриш учун шарт-шароитлар яратилади. Ўз ўрнида, ҳуқуқий давлат ҳам ўз шаклланиш жараёнида фуқаролик жамияти сари ривожланиш натижаларидан озиқланади. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти – бу бир медалнинг икки томонидир: бу икки томон бир бутунликни ташкил этади. Иккинчидан, давлатнинг бош ислохотчилиги – бу давлат томонидан фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва яшаши учун ҳуқуқий асосларнинг яратиб берилишидир. Учинчидан, фуқаролик жамияти институтларини шаклланиб, бўй чўзиши учун давлат томонидан уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатлардан муҳофаза қилиш демакдир; Тўртинчидан, давлатнинг бош ислохотчилиги – бу фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун давлат томонидан ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминланишидир. Чунки, фуқаролик жамияти фақат ва фақат ижтимоий барқарор муҳитдагина шаклланади ёки ривожланади; Бешинчидан, давлатнинг бош ислохотчилиги –

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз.// Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.Т.8.-Т.:Ўзбекистон, 2000.-Б.331.

бу давлат томонидан фуқаролик жамиятининг иқтисодий таянчи - ўрта синфни шакллантириш сиёсатини олиб боришдир. Чунки, фуқаролик жамияти ғояси, уни шакллантириш ўрта синф ташаббуси билан бошланган эди. Қолаверса, ўрта синф жамиятда кўпайиб боришига мутаносиб равишда фуқаролик жамиятининг институтлари ривожланиб боради.

Албатта, Ўзбекистонда давлатнинг бош ислохотчилиги натижаси ўлароқ нафақат фуқаролик жамияти, балки ҳуқуқий давлат ҳам шаклланади. Ҳуқуқий давлат унсурлари пайдо бўлиши билан фуқаролик жамияти тузилмалари шакллана бошлайди. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини яхши идрок этиш учун “ҳуқуқий давлат” тушунчасини билишга эҳтиёж туғилади.

Ривожланган мамлакатларда ҳуқуқий давлатнинг пайдо бўлиши фуқаролик жамияти тушунчаларини талқин этишга ҳам кучли таъсир этди. Жумладан, фуқаролик жамияти тушунчасиникенг ва тор маъноларда ишлатиш русумга кирди. Кенг маънодаги фуқаролик жамияти - давлат ва унинг тизилмалари томонидан жамиятни эгаллаб олмаган қисми, бошқача айтганда, давлатнинг кўлиетмаган қисмидир. Бу каби жамият давлатга нисбатан автоном, бевосита унга қарам бўлмаган қатлам сифатида ривожланади. Шунингдек, фуқаролик жамияти кенг маънода нафақат демократик қадриятлари муҳитидагина эмас, балки авторитаризм режимида ҳам яшай олади. Лекин, тоталитаризмнинг пайдо бўлиши билан фуқаролик жамияти сиёсий ҳокимият томонидан бутунлай «ютиб» юборилади.

Фуқаролик жамияти тушунчаси тор маънода талқин этилганда, у ҳуқуқий давлатнинг кинчи томони бўлиб, улар бир-бирларисиз яшай олмайди. Фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти ва демократик ҳуқуқий давлат шароитида давлат тасарруфида бўлмаган эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг ўзаро муносабатларидаги плюрализмдан ташкил топади. Бундай шароитларда жамият соҳаларига хусусий манфаатлар ва индивидуализмнинг эркин муносабатлари қамраб олинади. Бу каби жамиятнинг шаклланиши, унинг ривожланиши индивидларнинг эркинликка интилиши, уларнинг давлатга тобе бўлган фуқароликдан эркин мулкдор фуқароларга айланиши, ўз шахсий ҳурмат-обрўсини ҳис қила бориши, хўжалик ва сиёсий масъулликни ўз зиммасига олишга тайёр бўлиши билан боғлиқдир.

Кейинги ўн йилликлардаги тарихий ривожланиш тажрибалари шуни кўрсатдики, ҳуқуқий давлат унсурлари шаклланмасдан илгари фуқаролик жамиятини барпо этиш учун имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилмайди. Сиёсий тизимда ҳуқуқий давлат қуришга эҳтиёжлар пайдо бўлиши билан бир вақтнинг ўзида фуқаролик жамияти қуришга кучли табиий эҳтиёжлар сезилади. Чунки, ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнлари фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш билан уйғун ҳолда кечмас экан, бу соҳадаги ислохотлар ҳам ўз ўрнида депсиниб туравериши, ҳаттоки, орқага қараб кетиши халқаро тажрибаларда бир неча марта ўзини кўрсатган. Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳуқуқий давлат қуриш ислохотлари фуқаролик жамияти муҳитидан озикланади, давлат иродаси ҳам жамиятдаги турли туман

манфаатлар ва эҳтиёжлар ифодаланишига боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам жаҳондаги фуқаролик жамиятлари ҳуқуқий давлатнинг ривожланишига ҳамоҳанг тарзда етуклик сари такомиллашмоқдалар.

Ривожланган мамлакатларда турли шакллардаги ҳуқуқий давлатларнинг пайдобўлиши, уларнинг ўз ваколатларини амалга ошириш усулларива ривожланиш тажрибалари умумлаштирилганда, бу кабидавлат куйидаги белгиларга эга эканлиги кўзга ташланади:

фуқаролик жамиятининг давлатдан эркин ва мустақил эканлиги;
шахс эркинлиги ва ҳуқуқларининг амалда таъминланганлиги;
давлат ваколатларини конституциявий жиҳатлардан чекланиши,
давлатнинг фақат қонунлар доирасидагина фаолият юритиши;

фуқароларда шахсий фаровонликка эришиш учун ўз масъулликларини ҳис қила олиш қобилятининг шаклланганлиги;

фуқароларнинг қонунлар олдида ҳуқуқий тенглиги, шунингдек қонунларга нисбатан инсон ҳуқуқларининг устувор эканлиги;

ҳуқуқнинг умумийлиги – ҳуқуқнинг жамиятдаги барча фуқаролар, давлатҳокимияти, мансабдорлар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқаларга нисбатантенг тарзда амал қилиши;

ҳалқсуверенитети, шунингдек, давлатсуверенитетинингконституциявий ва ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлашганлиги;

ҳалқнинг амалда ҳокимият манбаиэканлиги;

қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларининг аниқ бўлинганлиги, уларнинг ҳалқ фаровонлиги йўлида ҳамкорлик вабирлик асосида фаолият юрита олиш қобилятининг шаклланганлиги;

шахс эркинлиги, унинг фақат бошқа шахслар эркинлиги ва ҳуқуқларига зид келган тақдирдагина чеклашларга йўл қўйиш мумкинлиги.

Шунингдек, ҳуқуқий давлат шароитидаги эркин рақобатбардошлик натижасидагина ўрта қатлам - мулкдорлар қатламини шаклланиши учун қулай шарт-шароитларяратилади.

Ҳуқуқий давлатларнинг ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, фақат шахсларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш билан умумийфаровонликка эришиббўлмайди. Чунки, жамиятдаги ҳаммашахсларда ҳам мулкдор бўлиш, ташаббускорлик кўрсатиш қобиляти бўлавермайди. Шу туфайли ҳам ижтимоий тенгсизлик сақланиб қолаверади. Шунинг учун ҳам ҳаётда ижтимоий давлат назариясива амалиёти («умумий фаровонлик давлати») шаклланишига зарурат туғилди.

Ўзбекистонда ҳам Миллий мустақилликнинг илк даврдан бошлаб ижтимоий ҳуқуқий давлат қуриш асосий стратегик мақсад даражасига кўтарилди. Президент И.А.Каримов ўтган асрнинг 90-йиллари бошидаёқ куйидаги вазифаларни белгилаган эди: «Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти Ўзбекистоннинг давлат суверенитетининг иқтисодий асоси сифатида олинган, у республика ижтимоий тараққиётининг ҳозирги

босқичига ҳамда ўзига хос шароитларига энг кўп даражада мувофик келади»¹.

Мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий - ижтимоий ислохотларнинг босқичма-босқич ривожланиб боришининг асосий сабабларидан бири ҳам кучли ижтимоий сиёсатни қўллашга муҳим аҳамият берилганлигидир. Шу туфайли ҳам жамиятда ижтимоий барқарорлик таъминланиб, давлатнинг ислохотларни изчилликбилан ўтказиши учун шарт-шароитлар туғилди. Кейинги даврларда МДХ давлатлари раҳбарларининг кўпчилиги Ўзбекистоннинг бу соҳадаги тажрибасидан кенг фойдалана бошлади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади ҳам ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдир. Ҳозирги даврда бундай давлатва жамият барпо этишнинг конституцион ва қонуний асослари яратилди. Демократик типдаги миллий давлатчилик шаклланди. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимиятини шакллантиришга доир конституциявий асослар ва унга доир барча қонунлар ижтимоий ҳуқуқий давлат қуриш мақсадлари асосида яратилди. Чунки, давлат қуришнинг умумий йўлини аниқламай туриб, унинг қуйи органлари ва жамиятни ислох қилиш мумкин эмас эди. Маҳаллий ҳокимият тизимини жорий этишда ҳам стратегик мақсаднинг ҳуқуқий давлат қуриш эканлигидан келиб чиқилди, миллий меросимиздаги ҳуқуқий давлатга хос бўлган баъзи унсурлар тикланди.

Ўзбекистонда Миллий мустақиллик даврига келиб миллий анъаналар ҳамда демократик кадриятларга асосланган янги типдаги давлат ҳокимиятини шакллантириш имкониятлари туғилди. Янги ўзбек миллий давлатчилиги соҳасидаги ислохотлар Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг беш тамойили асосида амалга оширилди. Давлат ҳокимиятини янгидан шакллантириш учун, аввало, етук ва ривожланган давлатлардаги сиёсий тизимнинг тузилиши ва амал қилиш принципларини шаклланиш тажрибаси ва тарихий миллий анъаналар асос қилиб олинди.

Миллий мустақилликнинг дастлабки даврида шаклланган янги давлатчиликни Президент И.А.Каримов шундай ифодалаб берган эди: «Конституцияга мувофик, давлат ҳокимияти органларининг аввалги тоталитар тузумдан мутлақо фарқ қиладиган, ҳокимиятларнинг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши принципага асосланган тизими яратилди. Уларнинг ҳар бири фаолиятида ҳуқуқий асосда авторитаризм ва тоталитаризмнинг хуружларини истисно этадиган чинакам демократик меъёрлар ва йўл-йўриқлар қарор топтирилди. Ташкил этилган ижро этувчи ҳокимият органлари олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Улар режалаш-тақсимлаш вазифаларидан ҳоли бўлиб, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ролини бажармоқда»².

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. - Т.: Ўзбекистон, 1994. - Б.31-32.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б.138-139.

Шунингдек, Ўзбекистондаги ислохотларнинг «Ўзбек модели»га хос давлатнинг бош ислохотчилик фаолияти асосида амалга оширилган туб ўзгаришларнинг пировард мақсади асосан ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришга қаратилди. Давлат ҳокимияти органларининг турли йўналишларда амалга оширилган ислохотларни чуқурлаштириш жараёнлари натижаси ўлароқ ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг конституциявий ва ҳуқуқий асослари яратилди.

Мамлакатда бозор муносабатларига ўтишнинг қийин жараёнлари, айниқса, мулк муносабатларининг вужудга келиши, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, хўжалик юритишнинг янги усуллари шаклланиши билан бутунлай янги типдаги давлат ҳокимияти органларига эҳтиёж сезилган эди.

Кўришиб турибдики, Ўзбекистон давлати миллий мустақилликнинг дастлабки даврдан бошлаб мамлакатда ижтимоий ҳуқуқий давлатга хос бўлган давлат ҳокимияти органларини шакллантириш йўлини тутди. Лекин, шу билан бирга, демократик ислохотлар жараёнларида авлод-аждодларимиз мерос қолдирган давлатчилик анъаналари, демократик кадриятлар унсурларини замонавий демократик тамойиллар билан уйғунлаштирилиб боришга аҳамият берилди. Шу мақсадда давлат қурилишида соф миллий характерга эга бўлган, шу билан бирга, демократик кадриятлар билан уйғунлашиш натижасида янги мазмун касб этган ҳокимият органларини шакллантириш ислохотлари амалга оширилди.

Умуман, жаҳондаги демократик давлатлар тарихий тажрибаси ва конституцион тузуми амалиётини эътиборга олган ҳолда, шунингдек, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлат ҳокимиятига доир қонунларга биноан марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маҳаллий бошқарув ва бошқа барча масалаларни аҳолининг манфаатларини эътиборга олган ҳолда қонунлар, шунингдек, тегишли моддий ва молиявий ресурслар асосида бевосита ёки билвосита ҳал қилиш мақсадларидан келиб чиқиб ташкил этилди.

Ўзбекистонда туб ўзгаришлар жараёнларидаги давлатнинг бош ислохотчилик ўрни асосан фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёнларида намоён бўлди. Президент И.А.Каримов ташаббуси билан Миллий мустақиллик арафасидаёқ кўппартиявийлик тизимини жорий этиш, давлат ва ҳукуматдан холи бўлган жамоат бирлашмалари тузилмаларини эркин фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадларида Миллий мустақиллик арафасида Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунини (1991 йил 15 февраль) қабул қилган эди.

Мустақил Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шаклланишида 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муҳим аҳамият касб этди. Конституциянинг ғоялари, мақсадлари, руҳи, унинг ҳар бир қоидаси «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», бир неча асрлар мобайнида илғор ва етакчи мамлакатларда шаклланган демократик кадриятлар, миллий

давлатчилик, шунингдек, бир неча минг йиллардан буён авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган миллий ва шарқона давлатни адолатли идора этиш ҳамда халқ билан бамаслаҳат сиёсат олиб бориш анъаналарини ҳам ўзида мужассамлаштирди.

Мамлакат тарихида биринчи марта Конституциянинг 2-моддасида куйидаги халқ суверенитетига хос тамойил эълон қилинди: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар»¹.

Конституциянинг мазкур моддасида илк бор фуқаролик жамияти амал қилиши мумкин ҳуқуқий асос мужассамлашди. Мазкур ҳуқуқий қонун Конституциянинг 7-моддаси куйидаги талқинларда янада ривожлантирди: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширалади»². Албатта, Конституциянинг бу моддаси «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 21-моддасига «Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим»³, деган демократик тамойилнинг Ўзбекистонда ҳар томонлама рўёбга чиқиши учун шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиб берди. Шунингдек, Конституциянинг 9-моддасида давлат ҳокимияти сиёсатининг халқ манфаатлари, истаклари асосида амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси ифодаланди: «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) кўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади»⁴.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳар қандай давлатда ҳам рўй беравермайди. Бу жамиятнинг шаклланиши учун фақат ҳуқуқий давлатгина ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб бериш мумкин. Ҳуқуқий давлат амал қилишининг энг асосий шarti эса давлат ҳокимиятининг учга бўлиниш принципини ҳаётда амалга оширишдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддаси мамлакат сиёсий тизимида унинг амал қилиши мақсадларида мазкур принципни куйидаги мазмунда ифодалаб берди: «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади»⁵. Албатта, мазкур модда мамлакат парламенти - қонун чиқарувчи ҳокимиятида фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини мукамал тарзда ишлаб чиқиш имкониятларини яратиб берди.

Фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти институтлари билан мувозанат сақлаши, жамият институтларини давлат органларидан

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.:Ўзбекистон, 2012.-Б.4.

² Ўша жойда. -Б.4.

³ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. -Т., 1998.-Б.30.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.:Ўзбекистон, 2012.-Б.5.

⁵ Ўша жойда. -Б.5.

мустақил фаолият кўрсатишида жамият ва давлатни ривожлантириш омилларидан энг асосийси, бу - сиёсий плюрализмдир. Жамиятда плюрализмнинг етишмаслиги оқибатида фуқаролик жамияти институтларини давлат тизими «ютиб» юборишини тарих ўз вақтида исботлаб берган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси сиёсий плюрализмни давлат ва жамиятнинг яшаш принципи сифатида эътироф этилиши фуқаролик жамияти институтларини ривожланишига ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб берди. Хусусан, Конституциянинг 12-моддаси қуйидагича талқин қилинади: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас»¹.

Шунингдек, Конституциянинг 13-моддасида фуқаролик жамиятининг яшаши учун муҳим бўлган шарт-шароитлардан яна бири - инсон эркинлиги ва ҳуқуқини таъминлашга қобил бўлган демократик принципларни давлат ҳокимияти ва жамият ҳаётини ташкил этишнинг асоси ва олий қадрият сифатида эътироф этилди: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади»².

Шунингдек, Конституциянинг 29-моддасидаги «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга...»³, 32-моддасидаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўз-ўзини бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади»⁴, 43-моддасидаги «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди»⁵ каби демократик принципларни ифодаланиши - фуқаролик жамияти қуришнинг конституциявий ҳуқуқий асосларини ташкил этди.

Конституциянинг етти моддадан иборат «Жамоат бирлашмалари боби» республикада фуқаролик жамияти институтларини қарор топтириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий жиҳатдан зарур шарт-шароитлар яратиб берди. Унда «жамоат бирлашмаси», «касаба уюшмалари» «сиёсий партиялар» каби тушунчаларга ҳуқуқий аниқликлар киритилиб, улар эндиликда демократик талқинлар асосида таърифлана бошланди. Айниқса, Конституциянинг 58-моддасидаги «Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат

¹ Ўша жойда.-Б.5.

² Ўша жойда.-Б.5.

³ Ўша жойда.-Б.8.

⁴ Ўша жойда.-Б.8.

⁵ Ўша жойда.-Б.10.

органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди»¹, каби демократик принципларнинг Асосий қонунда ифодаланиши мустақил республика давлати ва халқининг инсоният ҳаётида бир неча асрлик тажриба ва синовлардан ўтган фуқаролик жамияти сариинтилаётганлигини англатар эди.

Мамлакатда халқ манфаатлари ва сиёсий иродаларини эркин билдириш ва уларни эркин ифода этиш учун ҳуқуқий асослар ва эркин сиёсий муҳит яратилиши билан ҳамоҳанг тарзда сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат жамоат бирлашмалари ҳам тузила бошланди. Собиқ иттифоқ тузуми даврида фаолият кўрсатган нодавлат жамоат бирлашмаларини демократик ҳуқуқий асослар ва талаблар асосида қайтадан ташкил этиш жараёнлари авж олди. Шунингдек, давлат органлари мамлакатда фуқаролик жамиятининг институтлари фаолиятини молиявий ва ижтимоий жиҳатлардан кафолатлашга ҳам муҳим аҳамият берди. Сиёсий партиялар, “Маънавият ва маърифат” маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда уларнинг барча қуйи ташкилотларини давлат бюджети томонидан молиялаштиришга доир ҳуқуқий асослари қабул қилинди ва ҳаётга жорий этилди.

Республикада Миллий мустақиллик асосларини яратишга доир ислоҳотлар жаҳондаги илғор ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва ўзбек халқи менталитетига хос бўлган анъаналарни уйғунлаштириш асосида кеча бошлади. Мамлакатда давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида янги жамият қуришнинг миллий ва демократик қадриятларга доир ҳуқуқий асосларининг яратиш соҳасидаги фаолияти муҳим стратегик мақсадга - фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон собиқ иттифоқ даврида ҳам миллий, ҳам яққаҳоқим мафкура зулми остида яшади. Тоталитар тузум Ўзбекистонда бир неча минг йиллар мобайнида ривожланиб келган миллий қадриятлар ва миллий маданий меросни бутунлай инкор этиб келди. Социализм даврида фуқаролик жамиятининг оддий бир унсурлари ҳам шаклланмади. Жамиятни партия ва давлат ўз ичига «ютиб» юборган эди. Тоталитар тузумдан қолган мутелик руҳияти мустақиллик даврида ҳам доимо ўзини намоён қилиб келди.

Миллий мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шаклланишининг ҳуқуқий асосларини яратишга киришилди. Собиқ иттифоқ даврида партия теварагида фаолият юритган жамоат бирлашмалари, ижодий уюшмалар, турли жамғармалар мафкуравий мазмунлардан халос этилди, уларнинг аксарият қисми қайтадан ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон учун бутунлай янги бўлган кўп

¹ Ўша жойда. -Б.12.

партиявийлик тизимининг ҳамда турли ижтимоий-сиёсий ва миллий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг шаклланиш даври бошланди.

Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётга татбиқ этиш олимларининг шу соҳадаги назарий қарашларини ўтиш даврига доир назариялар билан бойитди, кучли жамият қуришда миллий кадриятлардан кенг ва унумли фойдаланиш йўлининг тўғрилигини исботлаб берди. «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили, авваламбор, бир неча асрлар мобайнида шаклланган демократик принциплар, машҳур олимлар томонидан яратилган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш таълимотларига асосланган бўлса, иккинчидан, улар ўзбек халқининг миллий мероси, миллат авлод-аждодлари қолдирган анъаналар, мамлакатда бир неча минг йилликлар давомида шаклланган адолатли ва фозил жамият қуришга доир миллий ўзликдан озиқланди.

XX асрнинг 90-йиллари охирида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг пойдеворини шакллантиришнинг ўзига хос йўли - «Ўзбек модели»нинг муҳим хусусиятларидан бири - фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларида давлатнинг бош ислохотчилик фаолиятини ҳаётда қўллашдан иборат бўлди. Натижада мамлакатда демократик ислохотлар учун сув ва ҳаводай зарур бўлган ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланди.

Муҳими, давлат ҳокимияти томонидан жамият ислоҳ этилди, фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Шу билан бирга, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш органлари учун давлат томонидан бинолар, коммуникация воситалари ажратилиши, имтиёзли солиқ сиёсати каби ижтимоий қўллаб-қувватлашлар натижасида фуқаролик жамиятининг тизилмалари ва унсурлари шаклланди.

Фуқаро эркинлиги ва ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя этишга доир халқаро демократик кадриятлар миллий анъаналар билан уйғунлашган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва қонунларида ифодаланиши фуқаролар сиёсий маданиятини ошишига ва уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол бўлишларига ҳар томонлама имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиб берди. Айниқса, фуқароларнинг нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида кенг иштирок этишини таъминлашга муҳим аҳамият берилди.

4. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш истиқболлари

Мамлакатда XXI аср бошларига келиб «Кучли давлатдан - кучли жамият сари» концептуал сиёсий дастурни амалга ошириш мақсадларидан келиб чиқиб, марказий давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларга босқичма-босқич бериб бориш асосида жамият қурилишини эркинлаштириш жараёнлари бошланди.

Президент И.А.Каримов томониданишлаб чиқилган **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**нинг бешинчи йўналишини **“Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш”** деб номланишининг ўзи бу соҳада амалга ошириладиган вазифаларни давлатнинг энг асосий стратегик аҳамиятга молик мақсад эканлигини англатади.

Концепциядаги асосий вазифалардан бири – бу фуқаролик жамияти институтларини давлат бошқаруви ва жамиятдаги нуфузи ва мақомини ошириш, уларнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошира олиш даражасига кўтаришдан иборат эканлиги очиқ-ойдин эътироф этилди. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш жараёни жамоатчилик ва фуқаролик назорати институтларини жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш билан узвий боғлиқ ҳолда кечиши кўзда тутилмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини фуқаролик жамияти институтлари сифатида тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил фаолият юритиши, уларни фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида Ўзбекистон Республикасининг **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”**ги, **“Жамоат фондлари тўғрисида”**ги, **“Ҳомийлик тўғрисида”**ги қонунлари, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори ва яна бошқа ҳуқуқий асосларнинг шакллантирилганлиги натижасида нодавлат нотижорат ташкилотлар ўзларида фуқаролик жамияти институтларига хос белгиларни ифода эта бошладилар..

Лекин, шу билан бирга, Концепцияда мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ва демократлаштириш, жаҳон ҳамжамиятига янада чуқурроқ интеграциялашув мақсадлари, фуқаролар иродасининг муҳим давлат қарорларида ифодаланиши, аҳолининг ислохотларда ва ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини фаолаштириш мақсадида яна қатор қонунлар қабул қилишга зарурат сезилаётганлиги асослаб берилди. Жумладан, бу соҳада маълум ривожланишга эришиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш, давлат органлари билан фуқаролар ўзаро муносабатларида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида **“Ижтимоий шериклик тўғрисида”**ги Қонунни қабул қилиниши ҳозирги давр кун тартибига қўйилди. Айниқса, бу қонуннинг “аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар”ни ўз ичига олишига муҳим эътибор қаратилди.

Шунингдек, Концепцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини фуқаролик жамияти интитути сифатида янада ривожлантириш, маҳаллалар фаолиятини аҳоли манфаатларини кенгроқ ифодалашни,

уларни фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, уларнинг иш кўламини янада кэнгайтириш, бу органларни давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларини яқинлаштириш мақсадида **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига** тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишнинг мақсадга мувофиқ эканлиги белгилаб берилди. Мазкур қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш асосан маҳаллаларни “...аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, уларнинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазибаларини янада кэнгайтиришга жиддий эътибор қаратиш”, деб белгиланди.

Шунингдек, Концепцияда маҳалла фуқаролар йиғинларини аҳолининг манфаатлари ва эҳтиёжларини ифода эта оладиган, уларни ўз фаолиятида ҳимоялашга қодир бўлган жиҳатларини оширишга муҳим эътибор берилди. Айниқса, Концепцияга мувофиқ **Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонунига** ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни таклиф этилиши, бунда йиғин раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлашда уларга юксак талаблар -“оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутиш”га¹ эътибор қаратиш белгиланди. Дарҳақиқат, ҳозирги даврга келиб нафақат фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини фаолиятини ошириш, балки, улар иш фаолияти устидан маҳалла аҳлининг назорати, фуқаролар йиғинига сайланган органларнинг тегишли ҳудудда яшаётган аҳоли манфаатлари ва эҳтиёжларини қай даражада эътиборга олиб иш олиб бораётганлиги таъминлаш механизмини яратишга зарурият сезилаётган эди. Мазкур қонунни такомиллаштиришда фуқаролар йиғинининг сайланадиган органларини ҳозирги давр талаблари даражасида фаолият юритиши маҳалла аҳли масъуллиги асосида кечиши бу институтни фуқаролик жамиятига хос бўлган жиҳатларини бойитиши шубҳасиз бир ҳолдир.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни амал қилиш шароитида жамият институтларини давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар ва фуқаролар манфаатлари гўёки давлат манфаатлари сифатида намоён бўла бошлайди. Қолаверса, жамоатчилик назорати давлат органлари фаолиятини жамият манфаатлари асосида кеча бошлашини таъминлашга таъсир этади. Муҳими, бу жараёнда фуқароларнинг ўзлари ҳам давлат бошқарувида иштирок этгани сайин ижтимоийлашиб борадилар. Ижтимоийлашув эса сиёсий маданиятнинг асосий компонентларидан биридир.

¹Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б.46.

Шунинг учун ҳам Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган **“Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш**” таклифи илгари сурилди. Мазкур “қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро етмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур”лиги¹ белгиланди.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим жиҳати - бу инсонга, унинг эркинлиги ва ҳуқуқларини таъминлашга қаратилганлиги, бу жараёнда эса давлатнинг асосий масъул сиёсий институт эканлиги муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам Концепцияда “инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга”² эканлиги кўрсатиб ўтилди. Унга мувофиқ равишда мазкур “дастур энг аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак”лигига муҳим эътибор қаратилди.

Албатта, фуқаролик жамиятининг ривожланганлик даражаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини нечоғлиқ намоён бўлиши ва уларни ҳар томонлама ҳимояланганлиги билан ўлчанишига эътибор берадиган бўлсак, мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим унсурларидан бирини такомилга етказишдан иборат эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Шу билан бирга, Концепцияда **“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** жамият ва давлат қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш”ни³ илгари сурилиши фуқаролик жамияти институтларини ўз конституциявий ва қонуний ваколатларини мустақил институт сифатида амалга оширишлари учун кенг имкониятлар ва ижтимоий кенгликлар яратиши шубҳасиз бир ҳолдир. Албатта, кодексга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасини тўлиқ равишда амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратиб беради. Энг муҳими, нодавлат нотижорат ташкилотлари учун энг зарур бўлган уларнинг қонунлар доирасида эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асослар шаклланади.

¹Ўша жойда.-Б.46.

²Ўша жойда.-Б.46.

³ Қаранг:Ўша жойда. –Б.46-47.

Ҳозирги даврга келиб дунёдаги ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар учун глобал хавф-хатарлар ва таҳдидлар (террорчилик, экстремизм, ер шарига иқлимни ўғариши кабли) қаторига экологик таҳдидлар ҳам кўшилди. Қолаверса, экологик шарт-шароитлар инсон соғлигига, табиатнинг ўз қонуниятлари асосида яшашига ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда “яшиллар” ҳаракатлари ва партиялари бежиз ташкил топмади. Жумладан, мамлакатимизда ҳам экологияни ҳимоялашга доир ташкилотлар тузилди, парламент қуйи палатасида бу ҳаракатлар манфаатларини таъминлашга қобил бўлган депутатлар гуруҳи шаклланди. Концепцияга мувофиқ равишда “атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган “**Экологик назорат тўғрисида**”¹ги Қонунни ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш”¹ нафақат экологик жараёнларни яхшилайти, балки бу соҳада аҳоли фаоллигини оширишга, экологик маданиятни шакллантиришга кучли таъсир этади.

Ҳозирги даврга келиб Концепцияда илгари сурилган қонунларнинг аксрияти парламент томонидан қабул қилиниб, улар мамлакатда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш омили сифатида намоён бўлмоқда. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Концепцияда илгари сурилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, шу асосда фуқаролик жамиятини ривожлантириш қонунчилигини ривожланган мамлакатлар даражасига етказиш натижасида фуқаролик жамияти институтлари умум эътироф этилган халқаро меъёрлар талаблари асосида фаолият юрита бошлайди, бу жараёнга узвий боғлиқ ҳолдамамлакатда инсон тараққиётини амалга ошириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилади. Зеро, ҳозирги даврга келиб инсон манфаатларини амалга ошириш инсон тараққиётининг асосий қафолати экан, бу жараён тўлиқ равишда фақат биз кураётган фуқаролик жамияти шароитидагина амалга ошиши мумкин. Шунинг учун ҳаммашхур мутафаккир Георг Гегель “инсоннинг бош манфаати – бу унинг ўз эркинлигини ҳаётда амалга ошириши”дир, деганида инсоннинг бу олий кадриятни амалга ошира олиши учун барча шарт-шароитлар фуқаролик жамияти заминида яратилишини башорат қилган эди. Инсоният орзу қилган бу жамият ҳозирги даврда Ўзбекистон мамлакатаида ҳам реал воқеликка айланмоқда.

Назорат саволлари:

1. Фуқаролик жамияти қуришда давлатнинг бош ислоҳотчилик ўрни нималарда намоён бўлди?
2. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг қандай ҳуқуқий асослари яратилди?
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси бобида жамоат бирлашмаларига доир принциплар ифодаланган?
4. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг миллий жиҳатлари нималарда намоён бўлади?

¹ Қаранг: Ўша жойда. –Б.47.

5. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий таянчи деб қандай синфга айтилади?

Тест саволлари:

1. Фуқаролик жамиятининг асоси – бу...

- A. *Юксак маданиятга эришган, тўлақонли ҳуқуққа эга бўлган, онгли ва эркин фаолият юритувчи шахслар.
- B. Мустақил фаолият юритувчи инсонлар гуруҳи
- C. Ялпи давлат томонидан бошқариладиган жамият фуқаролари
- D. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий таянчи

2. “Жамият” бу...

- A. мураккаб ижтимоий организм.
- B. ижтимоий муносабатлар мажмуи, йиғиндиси.
- C. *ҳамма жавоблар тўғри
- D. фуқаролик жамиятининг иқтисодий таянчи

3.Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг куйидаги институтлари шаклланиб бормоқда:

- A. Жамоатчилик фикрини ўрганиш институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
- B. Оила ҳамда унинг манфаатларини акс эттирувчи махсус ташкилотлар, миллий-маданий марказлар;
- C. * а ва б жавоблар туғри
- D. Ҳамма жавоблар тўғри

4.Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб борган сари давлатнинг қайси вазифалари нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтиб боради?

- A. давлат органларини бошқариш;
- B. * ўзини ўзи бошқариш, давлат органларини назорат қилиш;
- C. давлат органлари раҳбарларини шакллантириш.
- D. Ҳамма жавоблар тўғри

5.Фуқаролик жамиятининг умумий ғоялари ва асосий тамойилларидан бири...

- A. * инсон ва фуқаронинг табиий ҳуқуқларини сўзсиз тан олиш ҳамда ҳимоя қилиш, иқтисодий эркинлик, турли мулк шакллари, бозор муносабатлари
- B. сайловларни режали амалга ошириш, иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилиши, фикрлар хилма-хиллиги

- C. ҳокимият буғимларида туб сиёсий ислохотлар олиб боришни мавжуд эмаслиги
- D. Ҳамма жавоблар тўғри

6.Фуқаролик жамиятининг умумий ғоялари ва асосий тамойиллари қайсилар.

- A. * ҳокимиятнинг эркинлиги, қонун ва одил судлов олдида шахснинг зарурий ҳуқуқий ҳимояси, сиёсий плюрализм, муҳолифатнинг мавжудлиги, сўз ва матбуот эркинлиги
- B. сайловларни режали амалга ошириш, иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилиши, фикрлар хилма-хиллиги
- C. Ўхшаш сиёсий қарашларга эга бўлган кишилар ўртасида вужудга келган ички ўзаро ҳаракат;
- D. Ҳамма жавоблар тўғри

7.Демократия деганда нимани тушунасиз?

- A. ”халқ оммасининг сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши,
- B. кўпчиликнинг иродасига бўйсуниб, турли хил бошқарув масалаларини жамоатчиликасосида ҳал этиш, халқ оммасининг
- C. хоҳиш эътибори асосида ҳокимият юритиш”;
- D. ”сиёсий институтлар устуворлигини таъминлаш, халқ оммасининг давлатбошқарувидаги ўрнининг юксаклиги, барча раҳбар лавозимларининг бевосита халқ томонидан сайланиши”;
- E. *жамятни давлатдан устуворлиги, ҳокимиятларни тақсимланиши, сиёсий плюрализм, муҳолифат легаллиги, ҳокимиятнинг кўпчилик иродасига мувофиқлиги, озчилик фикрини ҳурмат қилиш, ҳокимиятнинг халқ олдидаги масъуллиги, мажбурлашга нисбатан ишонтиришнинг устуворлиги”.

8.Қайси ғоя жамиятдаги турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар сиёсий куч ва ҳаракатларнинг мақсадларини уйғунлаштира олади?

- A. * юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати;
- B. хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик;
- C. халқ фаровонлиги.
- D. Ҳамма жавоблар тўғри

9.Мамлакатимиз Президенти Концепцияда таъкидланганидек, очик демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасидаги узоқ ва мураккаб йўлда дуч келишимиз мумкин бўлган қандай хавф бор?

- A. Эски тузумтузумни кўмсаш, уни орзу қилиш хавфи.
- B. *Эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқелиқдан узилиб қолиш хавфи.
- C. Ислохотларга қарши ислохотлар ўтказишга уриниш хавфи.

D. Ҳамма жавоблар тўғри

10. Президентимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолиятига оид қандай таклиф киритилди?

А. * Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритиш таклифи киритилмоқда.

В. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида оммавий ахборот воситаларининг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритиш таклифи киритилмоқда.

С. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида ваколатли вакилнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритиш таклифи киритилмоқда.

12-МАВЗУ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ “ЎЗБЕК МОДЕЛИ” ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ- МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Режа:

1. Тараққиётнинг “ўзбек модели” яратилишининг сиёсий-ижтимоий асослари ва концептуал заминлари.

2. Тараққиётнинг “ўзбек модели” ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш асоси

3. Тараққиётнинг “ўзбек модели”да фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари

Таянч сўзлар: Тараққиёт моделлари, тараққиётнинг “ўзбек модели”, демократия, фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти ва тараққиётнинг “ўзбек модели”, беш тамойил, ислохотларнинг концептуал асослари, янги жамиятни барпо этиш, жамиятни янгилаш ва модернизация қилиш, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили, конституциявий ислохотлар.

1. Тараққиётнинг “ўзбек модели” яратилишининг сиёсий-ижтимоий асослари ва концептуал заминлари

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, тараққиётнинг беқиёс катта имкониятлари очилди. Миллий мустақиллик туфайли халқимиз сиёсий мутелик, қарамлик асоратидан қутилди. Давлат суверенитети натижасида жамиятимизни ислоҳ этиш ва замонавий сиёсий тараққиёт жараёнларини амалга ошириш учун мустақкам замин ва сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳамда ҳуқуқий асосларни босқичма-босқич барпо қилиш учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. Ўзбекистон истиқлол туфайли ўз тараққиётининг тамомила янги бўлган тарихий даврига қадам қўйди. Мана шу даврнинг энг муҳим хусусиятларидан бири шунда эдики, эндиликда халқимиз ўзининг туб манфаатлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ривожланиш стратегиясини белгилаб олиш ва уни мустақил амалга оширишдек тарихий аҳамиятга эга бўлган шарт-шароитларга эришди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азму қарор қилдик”¹.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2007. –Б. 5.

Маълумки, ўз истиқлолига эришган ҳар қандай жамият олдида тараққиётнинг концептуал заминларини яратиб олишдек муҳим ва шу мамлакат истиқболи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган вазифалар кўндаланг бўлиб туради. Миллий ривожланиш эҳтиёжларини ўзида тўлиқ акс эттирган сиёсий тараққиёт моделини шакллантира олган мамлакатгина изчил ва самарали ривожланиш йўлидан бора олишини жаҳон тажрибаси бот-бот исботлаб турибди. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, хулоса қилинганда, таъкидлаш жоизки, мустақил мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданок давлатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан жамиятимиз тараққиётининг стратегик заминлари илмий жиҳатдан ҳар томонлама чуқур асослаб берилди.

Юртбошимиз томонидан халқимизнинг миллий-маънавий негизлари ҳамда умуминсоний прогрессив кадриятларга таянилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли энг замонавий концептуал асослар замида баён қилиб берилди ва бу билан мамлакатимиз мустақил тараққиётнинг том маънодаги янги ва самарали имкониятлари очилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Ички ва ташқи сиёсатнинг йўналишлари, уларнинг мантиқи тўлалигича пировард мақсад – чинакам мустақил Ўзбекистонни барпо этиш мақсади билан белгиланади. Республикада собитқадамлик билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш – бош вазифадир. Меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила – шу жамиятнинг асосини ташкил этади”¹.

Юртимизда амалга ошириб келинаётган изчил ислохотлар билан ҳамоҳанг равишда жамиятимиз ривожланиши тўғрисидаги илмий назарий қарашлар ва хулосалар ҳам муттасил равишда такомиллашиб, ривожланиб келмоқда. Бу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” жамиятимиз тараққиётининг янги стратегик дастури бўлиб хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур концепция жамият ривожланиши тўғрисидаги энг замонавий ва мукамал илмий ғоялар сирасига киради.

Юртимиз сиёсий тараққиёти, унинг концептуал таъминоти мустаҳкам бўлганлиги туфайли изчил равишда рўй бермоқда. Халқаро глобаллашувнинг турли салбий таъсирларига нисбатан жамиятимизнинг барқарор иммунитетни кафолатли равишда таъминланиб бормоқда.

Мамлакатимиз истиқлоли туфайли Президент И.А.Каримов ташаббуси билан амалга ошириб келинаётган замонавий мустақил демократик тараққиёт билан боғлиқ янги илмий қарашлар, концептуал хулосалар моҳиятини англаш, ўрганиш муҳим долзарб аҳамиятга эгадир.

Давлат суверенитетига эришиш натижасида мамлакатимиз ўз соcio-маданий заминларига таянган ҳолда, ривожланиш имкониятларига бевосита

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б. 15.

эга бўлди. Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар қандай ёш мустақил давлат олдида ўз истиқлолини рўёбга чиқариш учун мамлакатнинг аниқ шарт-шароитлари, эҳтиёжлари, мақсадларини қамраб олувчи самарали сиёсий тараққиёт моделини белгилаб олиш вазифаси туради. Ушбу масаланинг юқори даражада ҳал этилиши мамлакатнинг изчил тараққиёти учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир мамлакат конкрет амалиётдан келиб чиққан ҳолда, ривожланиш ғоясини қабул қилиниши яъни, тараққиётнинг концептуал асосларини аниқ белгиланиши бу ўринда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг асарлари, нутқ ва маърузларида мустақил мамлакатимиз сиёсий тараққиётининг ниҳоятда ўзига хос, давр талабларини ҳар томонлама ҳисобга олган, халқимизнинг асрий орзу-умидларини ўзида мужассам этган илмий-назарий жиҳатлари ечиб берилди.

Президентимизхулоса қилганидек, “Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, жумладан диний эътиқоди, руҳияти ва хулқ-атвор нормалари шуни тақазо этади. Дунёда ижтимоий тараққиёт йўлининг турли вариантлари мавжуд. Туркия, Жанубий Корея, Швеция моделлари ва бошқалар бунга мисолдир. Бир қанча мусулмон мамлакатлари ва янги индустриал мамлакатларнинг тажрибаси ҳам шуни кўрсатади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Оврўпо мамлакатлари ва Япония халқ хўжалигини қайта тиклаш ҳам бунинг амалий намунаси дир.

Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади. Гап бирон-бир моделни, ҳатто у ижобий натижалар берган тақдирда ҳам, кўр-кўрона кўчириб олиш тўғрисида бораётгани йўқ. Аниқ-равшан воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, ўша мамлакатнинг ўзига хос шароитидагина ижобий натижа беради.

Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда, ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позицияси дир”¹.

Маълумки, сиёсий тараққиёт ходисасининг моҳияти, асослари, формаларини ўрганиш, тадқиқ қилиш масаласи инсоният тарихида доимо муҳим ўринни эгаллаб келган. Бугунги кунда ҳам мазкур феномен жамият ҳаётини яхшилаш, барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, одамларнинг эркин ва фаровон кун кечиришга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш омили ва инсониятнинг умргузаронлик қилиши учун янада самаралироқ тизимларни яратишнинг йўли сифатида аҳамиятини сақлаб турибди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б. 9-10.

Шу боис ҳам сиёсий тараққиётга сабаб бўлувчи асослар, омиллар ҳақидаги назарий қарашлар ҳам шу пайтга қадар эволюцион тарзда ривожланиб келмоқда.

Ижтимоий фанларда сиёсий тараққиётнинг турлари ҳақида фикр юритилганда даставвал уни икки катта турга ажратиш устуворлик қилади. Бу ўринда гап тараққиётнинг эволюцион ва инқилобий усуллари ҳақида бормоқда.

Сиёсий тараққиётнинг эволюцион тури ўз ичига сиёсий тараққиётнинг бир қанча шакллари қамраб олади ва ижобий моҳиятга эгадир.

Тараққиётнинг инқилобий тури кўп ҳолларда салбий оқибатларга олиб келиши ҳамда у туфайли жамиятда кучли сиёсий инқирозлар, регресс ҳолатлари рўй беришини тажрибалар исботлаган.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида жаҳоннинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда, айти пайтда, жамиятимизнинг миллий негизларига таяниб сиёсий тараққиётнинг эволюцион йўли танлаб олинди ва бундай сиёсий тараққиёт заминини замонавий демократия ғоялари ташкил этди.

Мазкур ғоя асосида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг ўзига хос илмий ва амалий асослари шакллантирилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу – мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу - инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак”¹.

Мана шундай улуғвор мақсадларни кўзлаб сиёсий тараққиётни амалга ошириш жараёнида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган муҳим қоидага етакчи ўрин ажратилди. Яъни, тараққиёт масаласида Ўзбекистон “изчил тадрижий усулларни танлади: “шок терапиясидан”дан воз кечди. “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг” тамойили жамиятни янгилашнинг асосий принципларидан бирига айланди.

Маълумки, “шок терапияси”дан фойдаланишга бўлган уринишлар ниҳоятда оғир ижтимоий оқибатларга олиб келганлиги ҳеч кимга сир эмас. Юртимизда И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиёт стратегияси жамиятимизни янгилаш ва ривожлантиришнинг туб манфаатларини ўзида чуқур акс эттириб, барқарор тараққиёт жараёнлари изчиллигини тўлиқ таъминланишига асос бўлди.

Мамлакатимиз истиқлоли жамиятимиз тараққиётининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларини ўзида тўлиқ мужассам этган ҳамда замонавий ривожланишнинг барча принципларини

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б. 15-16.

этиборга олган тараққиёт моделини яратилишини объектив зарурат қилиб қўйди. Шу билан бир қаторда, ёш мустақил мамлакатимиз олдида ислохотларнинг дастлабки босқичидаёқ белгилаб олинган бир қатор вазифалар тараққиётнинг ўзига хос миллий моделини яратишни янада долзарб қилиб қўйган эди. Маълумки, ушбу вазифалар қуйидаги муҳим жиҳатларни ўз ичига қамраб олди:

Ижтимоий-сиёсий соҳада: маъмурий-буйруқбозлик, авторитар тузум механизми ва тузилмаларидан қутилиш ҳамда давлат қурилишининг демократик, ҳуқуқий тамойил ва меъёрларига ўтиш, фуқаролик жамиятига ўтишнинг пойдеворини қуриш.

Ижтимоий-иқтисодий соҳада: инсоннинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашувидан, режали-тақсимотчилик тизимидан кечиш ва кўп укладли иқтисодиётга ҳамда бозор муносабатларига ўтиш.

Маънавият соҳасида: ақидабозлик ва ўта сиёсатлаштирилган мафкура хукмронлигидан қутулиш, миллий маънавиятни шакллантириш.

Халқаро муносабатлар соҳасида: бутун дунё тараққиётидан ажралиб қолишдан, ўзни четга олишдан ва унга қарши туришдан воз кечиш, жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка йўл очиш.

Ислохотларнинг мазкур асосий йўналишлари орқали республикада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг мураккаблиги ва улкан миқёсларини тасаввур қилиш мумкин. Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини ўз халқи тарихи ва унинг онги-руҳиятидан, аниқ шароитларидан келиб чиқиб танлади.

Бу моделнинг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислохотларнинг беш тамойилида таърифлаб берилди. Мамлакатимиз аҳолиси ўз давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигини бутун жаҳон жамоатчилиги билан тантанали равишда нишонлаётган бугунги кунда, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу йўл тажриба синовидан ўтди. Тарихан қисқа, аммо зафарли натижаларга бой бўлган тараққиётимиз, танланган моделнинг тўғрилигини исботлади.

Маълумки, тараққиётнинг “ўзбек модели”нинг моҳияти асосий ғоялари энг дастлаб Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” номли фундаментал асарида кўрсатиб ўтилган эди. Кейинчалик мазкур тараққиёт модели ҳақидаги ғоялар Президентимизнинг бошқа асарларида янада ривожлантирилди ва такомиллаштириб келинмоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” номли асарларида тараққиётнинг “ўзбек модели”нинг асосий мазмунини, ўзагини белгилаб берувчи тамойиллар янада чуқурроқ асослаб берилди.

Жумладан, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Бешта асосий қоида Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислох қилиш дастурининг ўзагидир. Уларнинг моҳияти қуйидагича:

“биринчидан, иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг

маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш зарур;

иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпарастлар (ретроградлар) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт;

учинчидан, қонун, қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади;

бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги “инқилобий сакрашлар” сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бу қоидалар ўз истиқлол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Ҳозир бу қоидаларнинг амалга оширилиши республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини жорий этиш йўлидан изчил ҳаракат қилишни таъминлайди”¹.

Президентимиз томонидан асослаб берилган маъруза тамойиллар тимсолида ўз концептуал заминларига кўра, Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодий-ижтимоий соҳаларни жумладан, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш борасидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Жумладан, тамойилларни моҳияти ҳақида фикр юритилганда қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш жоиздир:

Иқтисодиётнинг мафкуравий мақсадларга бўйсундурилмаслиги ва сиёсатдан устунлиги тамойили. Бунда иқтисодиётни мафкурадан холи этиш – демократик ва бозор ўзгаришларининг асоси қилиб қўйилди. Биринчи навбатда, иқтисодий негизни барпо этиш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш янги жамият қуришнинг энг муҳим шарти эканлиги уқтирилди. Иқтисодиёт мафкуравий таъкидларсиз, ўзига хос ички қонунларга мувофиқ равишда ривожланиши лозим.

Давлатнинг бош ислоҳотчилиги тамойили. Давлат- иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислоҳотчиси дир. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ҳозирги бозор - давлат томонидан тартибга солиб турадиган бозор дир. Давлат иқтисодий фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, ўзига хос “бозор шарт-шароитлари” вужудга келтиради ватасдиқлайди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. -Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 300-301.

Бозориктисодиётигаўтишдавридадавлатиктисодийэркинликларнингкафолати бўлади.Ижтимоиймуаммоларни ҳал қилади.Давлат бозор институтларини яратиш уқуқ қулай шароит туғдиради. Вужудгакелаётганишбилармонликтузилмалариқарортопиши варивожланишигақўмаклашиш- давлатнинг бурчидир.

Жамият ҳаётидақонун устуворлиги тамойили.Ўзбекистонда иқтисодийислохотларниҳуқуқий таъминлашҳам зарур. Ижтимоий йўналтирилганмаданий—маърифийбозор хўжалигини тегишлиравишдаҳуқуқийжиҳатдантаъминламасдантуриб,бундай хўжаликнишакллантиришнитасаввурқилиббўлмайди.

Ижтимоиййўналтирилганқонунчилик асосинияратиш — буфақатўтишдаврнингмажбурийшартигина бўлибқолмай,балкиҳуқуқийдавлатни барпоэтишнингўзигахосхусусияти ҳамдир.Қонунларҳаётий, амалиётбилан ўзаробоғлиқ бўлиши ва унданкелибчиқмоғи керак.Қонуннинг устуворлиги — ҳуқуқийдавлатнингасосийпринципидир, қонун олдидахаммабаравардир.

Кучли ижтимоий сиёсат — иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли кафолати. Кучли ижтимоий сиёсат принциплари қуйидагилардан иборат:

- аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнатбозоринитақомиллаштириш (2001 йил 13 февралда Ўзбекистон Президентининг “Меҳнат тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Бу Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги негизида ташкил топди);

- даромад сиёсатиниюрғизиш, пул даромадлари;
- ижтимоий таъминотва ижтимоийкафолатлар, кам таъминланганларни ижтимоий қўллаб қувватлаш;
- аҳолигаижтимоийхизматларни кўрсатиш;
- халқнинг моддийтурмуш шароитинияхшилаш;
- ҳар кимнингмеҳнатига ва ҳар кимнинг қобилиятига яраша принципни таъминлаш;

Бозор иқтисодиётига ўтишнингбосқичма-босқич тадрижийўли. Бу “шок терапияси” йўлидан тубданфарқ қилиб, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишни тақазо этади. Яъни, иқтисодиётда, сиёсатда ижтимоий соҳада, маънавиятда ва бошқа соҳаларда ислохотлар бирданига амалгаоширилмасдан босқичма-босқич ўтишниқўзда тутуди.¹

Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов томонидан асослаб берилган таракқиётнинг “ўзбек модели” ва унинг асосий тамойиллари мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва пировардида фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда кучли ижтимоий ҳимоя тамойилларига асосланган эркин бозор муносабатларини барпо этишда дастуруламал бўлиб хизмат қилди. Ушбу модел ислохотларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигини кафолатли таъминлашнинг етакчи устуни бўлиб келмоқда.

¹ Қаранг: Алиев Б., Йўлдошев О., Қаҳҳорова М. Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти.Т.: Иқтисодиёт, 2011 й. Б. 32-33.

Тараққиётнинг “Ўзбек модели” заминида мамлакатимизда кенг қамровли сиёсий ислохотлар амалга оширилди. Бунда қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратилди:

Биринчидан, сиёсий ислохотларни амалга оширишда миллий давлатчилик асослари босқичма-босқич равишда барпо қилина бошланди.

Иккинчидан, бу жараёнда жамиятимиз демократик тараққиёти манфаатларига тўлиқ мос келувчи сиёсий институтларни шакллантириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш масалаларига асосий эътибор қаратилди.

Учинчидан, аввалги тоталитар тузумга хизмат қилган ва умрини тугатиб бўлган давлат тузилмаларидан тўлиқ воз кечилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Шу боис қуйидагилар энг асосий вазифамиз бўлиб қолди:

Биринчидан. Эски маъмурий – буйруқбозлик тизимини, унга мувофиқ бўлган ҳокимият ва бошқарув органларини тугатиш.

Иккинчидан. Янги давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий, конституциявий асосларини яратиш. Конституция ва қонунларда ижтимоий муносабатларнинг янги тизимини, ҳам марказдаги, ҳам жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг янги тизимини мустаҳкамлаб қўйиш.

Янги ўзбек давлатчилигининг қарор топиш жараёни ҳам ташқи, ҳам ички мураккаб шароитларда рўй берди.

Ички сиёсатимизда биз бир-бирига боғлиқ икки вазифани ҳал қилишимиз лозим эди. Бу – янги давлатчиликни барпо этиш ҳамда кенг кўламли сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш вазифаси эди”¹.

Мамлакатимиз тараққиётининг “Ўзбек модели”нинг энг бош ғояси халқимиз учун муносиб бўлган эркин, фаровон ҳаётни барпо қилишдан иборатдир. Бу борада замонавий демократия принципларини миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб, жамиятда қарор топтириш вазифаси устувор қилиб белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, жамиятимизда демократия ва фуқаролик жамияти ғоясини ижтимоийлашуви ва қарор топишида “Ўзбек модели”нинг барча концептуал ғояларидан изчиллик билан фойдаланиб келинмоқда ва шу боис ҳам улкан самараларга эришилмоқда. Зеро, жамиятда демократияни жорий қилишнинг ягона рецепти мавжуд эмас, ҳар бир мустақил давлат демократик тараққиёт йўлига ўтишда биринчи навбатда ўзининг социо-маданий асосларига, миллий тараққиёт моделига таяниши лозим бўлади. Фақат шундай ҳолатдагина мамлакатнинг демократик тараққиёти кутилган ижобий натижаларни беради.

Юртбошимиз И.А.Каримов раҳнамолигида жамиятимизда демократик ислохотларни амалга оширишда тадрижий тараққиёт услубларига асосланилди. Унга кўра, демократия ғояси ва унинг институтлари жамиятимиз бағрида босқичма-босқич эволюцион тарзда ривожлантира бошланди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б. 152-153.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Демократия атамасининг қандай шарҳланиши эмас, балки унинг қанчалик реаллиги, ҳақиқийлиги, яшашга қобиллиги муҳимдир”¹.

Тараққиётнинг “ўзбек модели” ғоясига кўра, юртимизда янги жамиятни барпо этиш учун амалга ошириладиган барча ислоҳотлар заминига инсон омили қўйилди. Яъни “ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки, инсон манфаатлари, унинг, эрки ва фаровонлиги учун”, деган ғоя барча янгиланишларнинг асосий ўзаги этиб белгиланди. Шу муносабат билан қурилаётган янги мустақил давлат ва жамиятнинг асосий бунёдкори ҳам, истеъмолчиси ҳам мана шу юртнинг эркин халқи деган принцип мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг марказида турувчи омилдир.

Мазкур асос заминидан билан тараққиётнинг “ўзбек модели”ни амалга оширишнинг етакчи шартларидан бири сифатида маънавий кадриятлар ва миллий ўзликни англашни тиклаш ва ривожлантириш вазифалари белгилаб олинди. Таъкидлаш жоизки, жамият тараққиётига нисбатан бундай ёндашув ниҳоятда ноёб ваянгича ёндашувдир. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг янгилик сари ривожланишида авваламбор инсон омили, ундаги ижобий ўзгаришлар туради.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди”¹.

Халқимизнинг маънавий сарчашмаларига мурожаат қилиш, бой тарихий – маънавий меросдан янги жамият, янги ҳаётни барпо қилишда фойдаланиш ғоясининг юксак самарадорлигини мамлакатимиз тараққиёти натижалари яққол намоён қилиб турибди.

Тараққиётнинг “ўзбек модели”нинг улкан аҳамияти тўғрисида тўхталиб, Президентимиз И.А.Каримов шундай таъкидлаган эди: “Биз ислоҳотларни инқилобий усулда, яъни “шок терапияси” йўли билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечиб, тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олганимиз туфайли халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда”¹.

Тараққиётнинг “ўзбек модели” мамлакатимизда янги фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳар томонлама мукамал ва самарали бўлган усули сифатида жамиятимиз тараққиётининг бугунги кундаги долзарб вазифаларини муваффақиятли амалга оширилишида ҳам мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов хулоса қилганидек: “Ўзбекистоннинг бешта устувор йўналиш – тамойилдан иборат бўлган, дунёда тараққиётнинг

² Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б. 180.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б. 137.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б. 4.

“Ўзбек модели” деб тан олинган ривожланиш йўли ҳар томонлама тўғри йўл эканини ўтган 24 йиллик истиқлол тарихимиз исботлади. Биз катта йўлга чиқиб олдик ва унинг амалий натижаларидан барчамиз ҳар куни баҳраманд бўлмоқдамиз. Шунинг учун ишончим комил: юртимизда ҳеч ким эски даврга қайтишни хоҳламайди...

Биз эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш учун эртанги кунимиз ёруғ келажагимиз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган юксак марраларга етиш йўлида чуқур ўйланган тараққиёт стратегиямизнинг устувор йўналишларини амалга оширмоғимиз зарур”¹.

Юртбошимиз раҳномолигида яратилган ва мамлакатимизда янги жамиятни барпо этишнинг “Ўзбек модели” мустақил юртимизнинг барча соҳаларида изчил тараққий қилишининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий замини бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу тамойил жамиятимизнинг истиқболдаги ривожини учун ҳам қафолатли манба ва фундаментал асосдир.

2. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш асоси

Мамлакатимиз мустақил тараққиёт стратегиясининг бош ғояси бу - халқимиз учун муносиб бўлган эркин, фаровон ҳаётни барпо қилиш ва уни мутассил ривожлантириб боришдан иборатдир. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари И.А.Каримов раҳномолигида юртимизда демократик, фуқаролик жамиятини барпо қилиш мақсадлари белгилаб олинди.

Зеро, жаҳон тажрибалари ҳам исботлаб турганидек, айнан фуқаролик жамияти шароитида инсон ҳаётини ташкил этиш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг энг самарали ва мақбул бўлган имкониятлари вужудга келади. Фуқаролик жамияти инсоният жамиятини ташкил этишнинг энг замонавий ва такомиллашган усули сифатида барча томонидан эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишида кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсунуш бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт”¹.

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 134.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. –Т.: Ўзбекитсон, 1997. – Б. 173.

Бу ўринда таъкидлаш жоизки, тараққиётнинг “ўзбек модели” доирасида мамлакатимизда замонавий ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун зарур бўлган барча асослар мавжуддир. Мазкур модел таркибида мужассам бўлган тамойиллар мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий заминларини вужудга келтириш учун кучли имкониятларга эгадир.

Зеро, ушбу тамойиллар ва унга асосланувчи концептуал ғояларда фуқаролик жамиятининг моҳияти, вазифалари, шаклланиш қонуниятлари, ҳалқимиз дунёқараши ва эҳтиёжларидан келиб чиқувчи барча жиҳатлар ўз аксини топгандир. Жумладан, “ўзбек модели” фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари, институционал заминлари ва энг муҳими демократик ғояларини амалга ошириш учун зарур бўлган мустаҳкам асосларни ўзида мужассамлаштиргандир. Хусусан, юртбошимиз томонидан асослаб берилган “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси ушбу тамойилнинг етакчи ўзагини ташкил этади.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларининг стратегик йўналишларини белгиланишида тараққиётнинг “ўзбек модели” моҳиятидан келиб чиқувчи барча тамойиллар етакчи асос вазифасини ўтамоқда. Хусусан, ушбу жараёнларда давлатнинг бош ислохотчилик ролини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимдир. Мустақил давлатимиз томонидан авваламбор мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ғоявий ва ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборатдир”¹.

Мамлакатимиз сиёсий тараққиёт йўлининг ўзаги сифатида демократияни танлаб олиниши фуқаролик жамиятини шакллантириш учун зарур бўлган барча фундаментал асосларни барпо қилиш имкониятларини очиб берди. Зеро, демократия ғояси ўз тараққиётининг етакчи йўналиши сифатида фуқаролик жамияти асосларини шакллантириб борилишини тақазо этади.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, демократия, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти мазмун-моҳияти, шаклланиш қонуниятларини ташкил қилувчи энг етакчи манбалар ҳисобланади. Юртимизда миллий тараққиёт модели асосида ҳуқуқий демократик давлатнинг институционал заминлари:

- давлат ҳокимиятининг тармоқларга бўлиниши принципига асосланиши;

- демократик Конституциянинг қабул қилиниши ва қонун устуворлиги тамойилини рўёбга чиқарувчи механизмларни яратилиши;

- эркин демократик сайлов тизимини қафолатланиши;

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-ж. –Т.: Ўзбекистон, 2000. -Б. 331.

- давлат ва жамият бошқарувини амалга оширишда кўппартиявийлик тизимининг яратилиши;

- жамоат бирлашмалари ва нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйилиши;

- фуқаролар ўз-ўзини бошқариш институтларини ривожлантирилиши;

- фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатлари ва эҳтиёжларини таъминлашнинг самарали заминларини вужудга келтирилиши, фуқаролик жамиятини шакллантириш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда барпо этилди.

Буларнинг натижасида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шаклланиши учун энг асосий куч ва манба бўлиб хизмат қиладиган замонавий ҳуқуқий демократик давлат асослари ривожлантирилди.

Маълумки, ҳуқуқий давлат демократия тамойиллари асосида шакллантирилади. Айни вақтда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва унинг моҳиятини ташкил қилувчи барча жиҳатларини жамиятда қарор топиши учун етакчи замин бўлиб хизмат қилади. Яъни фуқаролик жамиятини шаклланиши босқичларида демократлашув жараёнлари, ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши ҳал қилувчи ўрин тутди. Демократлашув жараёнлари фуқаролик жамияти моҳиятини ташкил қилувчи шахс эркинлиги, тенглиги, озодлиги, тинчлиги, фаровонлиги, дахлсизлиги каби буюк неъматларни рўёбга чиқарса, ҳуқуқий давлат – фуқароларнинг ана шу неъматлардан кафолатли фойдаланишнинг ҳуқуқий заминларини таъминлаб беради.

Зеро, ҳуқуқий давлат ўз моҳиятига кўра ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, қонуннинг устуворлиги, қонун олдида барчанинг тенглигини кафолатлайди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ тан олиниши ва ҳурмат қилинишини таъминлаб беради, фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданияти, шахс билан давлат ўртасидаги ўзаро демократик ҳамкорлик принципларига таянади, ҳуқуқ ва тартибнинг барқарорлигини кафолатлайди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Ҳеч кимга сир эмас, фақатгина ҳуқуқий давлат шароитида демократик тартибга эришилади ва шундай тартиб сақланади, демократик институтлар ва кадрлар ҳаётга татбиқ этилади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, энг асосийси, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси амалда таъминланади”¹.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шаклланишига хизмат қилувчи ҳуқуқий давлат асосларини яратиш жараёнида давлатимизнинг бош қомуси – Конституциямиз улкан аҳамиятга эга бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Конституциямиз концепцияси ва ҳуқуқий нормаларида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун зарур бўлган барча юридик қоидалар мужассамлашгандир. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 15-моддасида таъкидланганидек: “Ўзбекистон

¹ Каримов И.А. Асосий вазирамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат // Халқ сўзи, 2015 йил 6 декабрь, №236 (6419).

Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”¹.

Мазкур Конституция нормалари бугунги кунда, демократиянинг етакчи моҳияти бўлган – халқ ҳокимиятчилигининг амалга оширилиши ва ҳокимият тармоқлари ўртасидаги демократик мувозанатни мустаҳкамланиши учун манба бўлиб хизмат қилмоқда. Шу муносабат билан мамлакатимиз Конституцияси концептуал заминларини эволюцион тарзда жамиятимиз таракқиёти манфаатларидан келиб чиқиб, такомиллаштириб борилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини янада чуқурлашувига етакчи ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантирилишида таракқиётнинг “Ўзбек модели”нинг муҳим тамойили бўлган ислоҳотларни эволюцион тарзда амалга ошириш масаласига етакчи аҳамият қаратиб келинмоқда. Зеро, фуқаролик жамиятини жамиятда қарор топиши фақатгина тадрижий йўл билан таъминланиши мумкиндир.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабаларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий кадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар.

Демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, шошма-шошарлик, турли инқилобий тўнтаришлар йўли қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқда”².

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга оширишда даставвал сиёсий институционал ва ҳуқуқий заминларини вужудга келтиришга алоҳида катта аҳамият қаратилди. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш учун, даставвал вакиллик демократиясининг таянч устун бўлган профессионал парламент шакллантирилди, 1992 йил 8 декабрда демократик моҳиятга эга бўлган Ўзбекистоннинг янги Конституцияси қабул қилинди, аҳоли кенг қатламлари манфаатларини акс эттириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кўппартиявийлик тизими шакллантирилди, демократик таракқиёт жараёнларининг иқтисодий ва ижтимоий ўзагини ташкил этувчи эркин бозор муносабатларининг ҳуқуқий ва институционал асослари вужудга келтирилди. Буларнинг натижасида жамиятимизда демократик ислоҳотларни рўй бериши учун сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий шарт-шароитлар базаси яратилди, демократик ислоҳотларнинг ривожланиши учун истиқболли имкониятлар вужудга келтирилди. Демократияга ўтиш даврининг дастлабки

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2014. - Б. 7.

² Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. - Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 126-127.

босқичида амалга оширилган сиёсий, ташкилий чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда демократик жараёнларнинг барқарорлиги таъминланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг асосий босқичлари тўғрисида тўхталиб, давлатимиз раҳбари И.А.Каримов шундай хулоса қилган эди: “Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич - 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди.

2001 йилдан 2010 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – мамлакатимизни фаол демократик янгиланиш, ислох этиш ва модернизация қилиш даври ғоят муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон иқтисодиётини ислох этиш, либераллаштириш ва модернизация этиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган, узоқ истиқболга мўлжалланган сиёсатнинг амалга оширилиши ва шу йўлларнинг барчасини ўзаро боғлайдиган ҳал қилувчи асос, ўзак-буғин бўлиб хизмат қилди”¹.

Мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари ўзининг сифат жиҳатдан янги босқичига қадам кўйди.

Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги кунда биз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти куришга қаратилган олис ва оғир йўлнинг фақат бир қисминигина босиб ўтдик, холос. Унинг ҳал қилувчи қисми ҳали олдинда. Яъни бу йўлда ўз ечимини кутиб турган вазифаларимиз камайгани йўқ, аксинча замон талаби билан уларнинг кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бормоқда. Албатта, барчамиз бу ҳақиқатни яхши тушунамиз ва бу йўлда яна қанчадан-қанча кутилмаган қийинчиликлар, турли синовлар бўлиши мумкинлигини ҳам ўзимизга тасаввур қиламиз.

Бу борада ҳаётнинг ана шундай талаб ва мезонларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва ўтган давр мобайнида изчил жорий этиб келинаётган, амалда ўзини оқлаган, “ўзбек модели” деб ном олган тараққиёт йўлимиз ва Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ўрта ва узоқ истиқболда биз учун келажак Стратегияси бўлиб хизмат қилмоқда, аниқ йўлни кўрсатмоқда”¹.

Мамлакатимиздаянги жамиятни барпо қилишнинг “ўзбек модели” ўзининг тубмоҳиятига кўра юртимизда кучли фуқаролик жамиятини шаклланиши учун зарур бўлган барча концептуал асосларга эга бўлган сиёсий, ҳуқуқийманбабўлганлиги туфайли унинг заминларида амалга оширилаётган

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. - Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 125-126.

¹ Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2015 йил 13 январь. №7 (6190)

барча ислохотларнинг юксак самараларга эришуви кучли даражада кафолатлангандир.

3. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” да фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари

Мамлакатимизда тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари барча жабҳаларда изчиллик билан босқичма-босқич равишда ривожланиб келмоқда. Жумладан, истиқлол йилларида юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маънавий асослари ўзаро мутаносиб равишда ривожлантирилди. Бугунги кунда ушбу жараёнлар янги сифат босқичи шароитида давом этмоқда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш вазифаларини амалга ошириш жараёнида миллий тараққиёт модели хусусан, давлатнинг бош ислохотчилиги заминига таянган ҳолда, фуқаролик жамиятига хос бўлган барча хусусиятларга бирдек эътибор қаратилди. Жумладан, фуқаролик жамиятининг Конституциявий асос-белгиси, сиёсий асос-белгиси, иқтисодий асос-белгиси, маънавий асос-белгиси каби жиҳатларини ривожлантириш, ислохотлар жараёнининг муҳим стратегик йўналишини ташкил қилди.

Мамлакатимиз Конституциясида муҳрлаб қўйилган ҳуқуқий нормалар фуқаролик жамиятининг фундаментал асосларини нафақат қарор топиши балки, изчил ривожланиши учун кенг истиқболларни очиб берди. Конституциямиз ўз моҳиятига кўра, фуқаролик жамиятини қарор топтириш қоидаларини ўз бағрига қамраб олган етакчи ҳуқуқий ҳужжат бўлганлиги учун унинг асосида фуқаролик жамияти шаклланишига хизмат қилувчи қонунлар базаси яратилди. Конституциямиз заминида қабул қилинган қонунлар юртимизда фуқаролик жамияти асосларини кафолатли равишда шаклланишига хизмат қила бошлади. Бу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу қонунчилик базаси асосида фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тизими ва фаолиятининг Конституциявий асослари мустаҳкамланди.

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида улкан аҳамиятга эга бўлди. Фуқаролик жамиятининг социал асосларини ривожланиши учун шароитларни яратиб берди ва мазкур қонунга 2013 йилда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар натижасида ушбу қонуннинг нормаларида фуқаролик жамиятини муҳим асоси бўлган фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини янги сифат босқичига кўтарилиши учун янада кенг қамровли асослар яратилди. Шу муносабат билан 2004 йилда қабул қилинган “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонун ҳам 2013 йилда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар натижасида фуқаролик жамиятининг таянчи бўлган маҳалланинг ташкилий – ҳуқуқий асосларини мустаҳкамланишига

замин бўлди. Шу жумладан, тараққиётнинг “ўзбек модели” тамойилларига тўлиқ асосланган ҳолда фуқаролик жамияти амал қилиши ва ривожланишининг муҳим омиллари бўлган жамоат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратишга ҳам катта аҳамият берилди. Жумладан, 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат - нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни, 2003 йилда “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Қонуни, 2007 йилда “Ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни шунингдек, “Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунларининг қабул қилиниши мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шаклланиш жараёнларига улкан куч бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг 2008 йилда қабул қилинган “Нодавлат-нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори юртимизда фуқаролик жамияти институционал заминларини тез суръатларда ривожлантирувчи манба бўлди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятига хос бўлган демократик сиёсий тизимни изчил ривожлантириш ва унинг доирасида фуқаролик жамияти ривожланиши учун зарур бўлган сиёсий асосларни мустаҳкамлашга бош стратегик мақсад сифатида ёндашилди. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессияси (1999 йил апрель), иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида (2000 йил январь) қилинган маърузаларида фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг назарий заминлари ҳар томонлама асосланди ва истиқболдаги тараққиёт йўналишлари кўрсатиб берилди.

2000 йил 22 январь куни иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз” номли маърузасида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий асослари белгилаб берилди. Унинг моҳиятини жамиятнинг барча соҳаларини эркинлаштириш – либераллаштириш ташкил этади. Зеро, фуқаролик жамияти ўз мазмунига кўра фуқаро эркинлигининг юксак босқичини англатади.

И.А.Каримов маърузасида таъкидланганидек, “Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат.

Бу, лўнда қилиб айтганда, ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда, уларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришиш.

Мамлакатимизда миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланадиган, фаровон турмуш тарзи таъминланадиган демократик ривожланиш йўлини изчил давом эттириш демакдир.

Шу билан бирга, биз халқимизнинг асрий олийжаноб анъаналарига, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий қадриятларимизга доимо содиқ қолишимиз демакдир”¹.

Президентимизнинг ушбу маърузасида фуқаролик жамиятини шаклланиши учун мустақкам замин бўлиб хизмат қилувчи етита устувор стратегик вазифалар асослаб берилди. Булар:

- биринчидан, сиёсий соҳани эркинлаштириш;
- иккинчидан, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасини эркинлаштириш;
- учинчидан, иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш;
- тўртинчидан, маънавият соҳасини эркинлаштириш;
- бешинчидан, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш;
- олтинчидан, ташқи сиёсат фаолият соҳаси асосларини мустақкамлаш;
- еттинчидан, хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларини такомиллаштириш.

Бу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатда фуқаролик жамиятига хос бўлган демократик сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг демократик тамойилларини ривожлантириш масалалари Президент И.А.Каримовнинг биринчи ва иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг сессияларидаги (1995-2004 йиллар), шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2005 йил 28 январь) маърузалари “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концептуал сиёсий дастурининг асосини ташкил этди¹.

2010 йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий ривожининг том маънодаги, янги сифат босқичидаги стратегик тараққиёт йўналишларини асослаб берилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган мазкур Концепция юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳозирги даврдаги дастурул амали бўлиб хизмат қила бошлади.

Концепцияда 50 зиёд қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда 27 та қонун, ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётимизга татбиқ этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов хулоса қилганидек, “Шулар каторидан 2011 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар қиритиш

¹ Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -Б. 5.

¹ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. -Т.: Ўзбекистон, 2010. -Б. 78.

тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонун давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ғоят муҳим қадам бўлди»¹.

Президентимиз томонидан асослаб берилган Концепция асосида мамлакатимизда Парламент ислохотларини янада ривожлантириш жараёнларини амалга оширилганлиги фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг эволюцион босқичлари тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, мамлакатимиз парламентини ислоҳ қилиш орқали замонавийлаштириш вакиллик демократиясини амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилувчи қоидаларнинг Конституциявий асосларини белгиланиши фуқаролик жамиятининг муҳим ўзаги бўлган фуқаролар демократик ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини мислмиз равишда кенгайтиришга сабаб бўлди. Бу жараёнларни жумладан, Конституциямизнинг 98-моддасига киритилган муҳим демократик ўзгартиш ва қўшимчаларда кузатишимиз мумкин. Унинг асосида асосий қонунимизнинг мазкур моддасига икки муҳим сиёсий – ҳуқуқий институт жорий этилди. Яъни Бош қомусимизда белгиланганидек, “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.....Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонинг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади»¹.

Мамлакатимиз Парламентининг Конституциявий асосларига киритилган янгиликлар ўз моҳиятига кўра фуқаролик жамиятини шакллантириш манфаатлари устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг миллий модели заминида фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларини яратиш борасида ҳам изчил равишда улкан самараларга эришиб келинмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ўз вақтида, бизнинг тақдиримиз ҳал бўлаётган ўта оғир ва хатарли бир замонда, турли хомхаёллардан воз кечиб, бизга кўрсатилган тазйиқ ва зўравонликларга қарамасдан, бугунги кунда дунёда тараққиётнинг “ўзбек модели” деб тан олинган, демократик давлат, эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, халқимизнинг ҳаёт даражасини муносиб босқичга кўтариш бўйича чуқур

¹ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш-бизнинг бош мақсадимиздир. -Т.: Ўзбекистон, 2012. Б. 8.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2014. - Б. 52-53.

ўйланган ривожланиш йўлимизни қатъий белгилаб олганимиз, ҳеч шубҳасиз, том маънода тарихий ютуғимиз бўлди”¹.

Иқтисодий ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишда мамлакатимизни ислоҳ этишнинг устувор принципларидан бири бўлган иқтисодиётни мафкурадан ҳоли этиш унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, шу билан биргаликда ўтказилаётган ислоҳотларни босқичма-босқич ҳамда кучли ижтимоий ҳимоя воситаларини қўллаш қоидалари изчиллик билан қўлланди. Шу билан бир қаторда, Президентимиз раҳнамолигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда иқтисодиётни янада либераллаштириш ва унинг демократик-ҳуқуқий базасини босқичма-босқич кенгайтириб бориш принципларига етакчи аҳамият қаратилди.

Мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизация қилиш жараёнларининг ривожлантирилишида жамиятимиз тараққиёти учун дастуруламал бўлиб хизмат қилаётган Президентимиз Концепцияси ғоялари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Концепциянинг олтинчи стратегик йўналиши мамлакатимизда Демократик бозор ислоҳотларни ва иқтисодиётни янада чуқурлаштиришга бевосита бағишлангандир. Ушбу стратегик Дастур қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, юртимиз иқтисодиётини айниқса хусусий тадбиркорликни, кичик бизнесни янада ривожлантириш бўйича ҳуқуқий базани ривожлантириш вазибалари қўйилди. Президентимиз таъкидлаганидек, “Биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончлик қафолатлар тизимини яратишимиз зарур”¹.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар натижасида иқтисодиётни замонавий технологиялар билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан мутассил янгилаб бориш, таркибий ўзгаришларни сифатли даражада амалга ошириш натижаларига олиб келди.

Буларнинг натижасида Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов хулоса қилганидек, “Айнан туб таркибий ўзгаришлар, юқори технологияларга асосланган янги ва замонавий корхоналарни барпо этиш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини кенг миқёсда янгилаш ва модернизация қилиш борасида пухта ўйланган стратегия туфайли мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида саноатнинг улуши 1991 йилдаги 14 фоиздан бугунги кунда қарийиб 25 фоизга ўсди. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқаришнинг улуши 34 фоиздан 17 фоизга камайди. Лекин бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари камайди, дегани эмас. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажми ошиб бормоқда.

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. - Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 42.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б. 48.

Юқорида таъкидланганидек, юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1991 йилга нисбатан 5 карра ўсди”¹.

Маълумки, 2015 йил 16 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур мажлисда “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устувор вазифамиздир” мавзусида Президентимиз И.А.Каримов томонидан маъруза қилинди.

Жумладан, Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Ўтган йил яқунларини сарҳисоб қилар эканмиз, биринчи навбатда, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришганимизни таъкидлаш жоиз. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийиб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди. Инфляция даражаси йил яқунлари бўйича 6,1 фоизни ташкил этди.”¹.

Биз танлаб олган тараққиёт йўлининг улкан самараларини эътироф қилар экан, дунёнинг нуфузли экспорт институтларидан бири бўлган Gallup World институти аҳолининг бахтиёрлик, ҳушқайфиятлар Индекси (Positive Experience Index) бўйича ўтказган тадқиқотларга кўра Ўзбекистон жаҳоннинг 138 та мамлакати орасида 29-ўринни эгаллаган. Республикамиз МДҲ мамлакатлари орасида ушбу индекс бўйича биринчи ўринда турибди. Қиёслаш учун келтириб ўтиш жоизки, мазкур индекс бўйича Франция 34-ўринда, Финляндия 36-ўринда, Италия 45-ўринда турибди².


Ўзбекистоннинг XXI асрга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ғояларини ўзида мужассам этган Президент Концепцияси мустақил замонавий демократик фуқаролик жамияти барпо қилишининг етакчи модели сифатида юртимиз равнақига ҳизмат қилиб борар экан, бу ўз навбатида мамлакатимиз истиқболи порлоқ эканлигидан далолат беради.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш - бош мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2015. –Б. 16-17.

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устувор вазифамиздир. -Т.: Ўзбекистон, 2015. Б.5-6.

² Ягонасан, муқаддас ватаним, севги ва садоқатим, сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним. –Т.: Маънавият, 2014. –Б. 8.

1-Илова



2-Илова

Тараққиётнинг “ўзбек модели”нинг фуқаролик жамияти маънавий асосларини мустаҳкамлашдаги роли

Давлатнинг бош ислохотчилиги асосида

Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англаш жараёнлари ривожлантирилади

Халқимиз тарихий хотирасини тиклаш ва ривожлантириш жараёнлари амалга оширилади

Халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифалари амалга оширилади

Виждон эркинлиги кафолатли таъминланади

Одамлар онгида мустақиллик ғояси ва маънавий ахлоқий қадриятлар ривожлантирилади

Маърифат ва таълим тарбия юксалтирилади

3-Илова

Тараққиётнинг “ўзбек модели” концептуал заминларининг ривожланиши ва фуқаролик жамияти асосларини янада мустаҳкамланиши замида эришиладиган муҳим натижалар



Давлат ҳокимияти ва бошқарувини эркинлаштирилиши ва либераллаштирилиши




Фуқаролик жамияти ривожини учун сиёсий, ижтимоий имкониятлар кўламини, хусусан, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти учун мақбул шароитлар ва имкониятлар янада кенгайтирилади



Демократик ислохотларни чуқурлаштирилиши, ҳуқуқий давлатни янада мустаҳкамланиши



Фуқаролик жамиятининг ривожланиши учун зарур бўлган демократик эркинлаштириш жараёнлари ва унинг ҳуқуқий кафолатларини таъминловчи асослар замонавийлаштирилади



Иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни амалга оширилиши, модернизация ва диверсификация жараёнларини чуқурлаштирилиши



Фуқаролик жамиятининг ижтимоий заминлари мустаҳкамланади, ижтимоий барқарорлик ва фуқаролар ўртасидаги тотувлик кучаяди.

Назорат саволлар:

1. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг концептуал асосларини таърифлаб беринг.
2. Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида демократик фуқаролик жамиятини ривожлантириш вазифаларини қўйилишининг сиёсий-ижтимоий, маънавий асосларини таърифланг.
3. “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” ғоясининг сиёсий, ижтимоий, маънавий аҳамиятини таърифлаб беринг.
4. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”га таянган ҳолда амалга оширилаётган ислохотлар заминида фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида эришилган натижалар хусусида маълумот беринг.
5. “Ўзбек модели ” жамият ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт соҳаларида қандай намоён бўлмоқда?

Тест саволлари:

1. Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрь куни қайси соҳаларни янада чуқурлаштириш энг муҳим устувор вазифалар сифатида белгилаб берилди?
 - A. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш.
 - B. Ахборот соҳаси эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш
 - C. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётини либераллаштиришни янада чуқурлаштириш
 - D. *барча жавоблар тўғри
2. Президентимиз И.А.Каримов томонидан белгилаб берилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий тамойилларининг 1-чиси нима?
 - A. *Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги.
 - B. Давлат беш ислоҳоти.
 - C. Қонун устиворлиги.
 - D. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.
3. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” маъно-мазмунини нечта тамойил ташкил этади?
 - A. 7
 - B. 6
 - C. *5
 - D. 4

4. Ўзбекистоннинг тадрижий ривожланиш йўлини танлаганлиги қандай ижобий оқибатларга олиб келди?

- A. Иқтисодий жараёнлар тезлашувига.
- B. Ислохотларни секинлашувига.
- C. Ислохотларнинг инқилобий усулига.
- D. *Иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолди.

5. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг бош устувор йўналиши - бу...

- A. Мустақиллик.
- B. *Инсон омили.
- C. Суд - ҳуқуқ тизими ислоҳоти.
- D. Бозор муносабатларини чуқурлаштириш.

6. Ҳар қандай мустақил давлат мамлакат демократик тараққиётини...

- A. Ривожланган демократик давлат ривожланиш сирларини ўрганишдан бошлайди.
- B. Умуминсоний демократия тараққиёти асосида бошлайди.
- C. *Ўзининг тараққиёт йўлини қонуниятларини аниқлаб олишдан бошлайди.
- D. Миллий демократик тамойиллар асосида бошлайди.

7. Демократиянинг универсал, барча халқлар ва элатлар учун баробар модели бўлиши мумкинми?

- A. Бўлиши мумкин, чунки демократия умуминсоний қадриятлар.
- B. *Демократиянинг универсал модели бўлиши мумкин эмас, чунки бу унинг табиатига зиддир.
- C. Баъзи тарихий тараққиёт босқичларида бўлиши мумкин.
- D. Баъзи бир давлатларда бўлиши мумкин.

8. Ўзбекистонда ўз-ўзини бошқаришнинг анъанавий шакли қайси?

- A. *Маҳалла.
- B. Касаба уюшмалари.
- C. Сиёсий партиялар.
- D. Жамоат бирлашмалари.

9. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қайси қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш таклифи киритилмоқда?

- A. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қоунун
- B. “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонун, “Ўзбекистон Республикасида

жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун ва “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун

С. “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва сиёсий партиялар тўғрисида”ги

Д. * а ва б

10. Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалалар сони қанчани ташкил этади?

А. 5 мингдан ортиқ

В. *10 мингдан ортиқ

С. 15 мингдан ортиқ

Д. 20 мингдан ортиқ

13-МАВЗУ: МАМЛАКАТНИ ЯНГИЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ШАРТИ

Режа:

1. Модернизация тушунчасининг моҳияти, назарий - умумметодологик асослари ва фуқаролик жамияти ривождаги аҳамияти.

2. Сиёсий модернизация мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг етакчи манбаи сифатида.

3. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш - фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва мамлакатни модернизация қилиш омили

Таянч сўзлар: Модернизация, сиёсий модернизация, фуқаролик жамияти, жамият сиёсий тизими, сиёсий партия, “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг” тамойили, Концепция, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, ҳокимият тармоқлари, “бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш” тамойили, парламент назорати, конституциявий ислохотлар.

1. Модернизация тушунчасининг моҳияти, назарий - умумметодологик асослари ва фуқаролик жамияти ривождаги аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси ўз истиқлолига эришгач жамият сиёсий-ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларини янгилаш ва замонавийлаштириш учун кенг имкониятларга эга бўлди. Мазкур заминларга таянилган ҳолда мамлакатимизда изчиллик билан демократик ислохотларни ва унга монанд равишда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштириш чора-тадбирлари амалга ошириб келинмоқда. Зеро, давр талабларидан келиб чиқиб янгиланиш ва модернизация жараёнларини собит қадамлик билан давом эттирган жамиятгина барқарор таракқиётга эриша олади.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов хулоса қилганидек: “Бугун, ҳамма бўлмаса ҳам, лекин кўпчилик одамлар яхши англайдик, фақат замон билан тенг қадам ташлаётган, тез ўзгараётган дунёнинг қатъий шарт ва талабларига жавоб беришга интилаётган мамлакатнинг келажаги ёруғ бўлиши мумкин”¹.

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. –Б. 35.

Дунёда рўй бераётган тенденциялар шундан далолат берадики айнан ўз жамиятида янгиланишлар ва модернизация жараёнларини эволюцион тарзда амалга ошира олган мамлакатларда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва фан-технология соҳаларида интенсив тараққиёт рўй берган. Бу ўринда таъкидлаш жоизки модернизация жараёнларининг назарий асосларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳам айнан дунё мамлакатлари олдида турган устувор муаммоларни ҳал этиш, замон эҳтиёжларидан келиб чиқиб янгилаш мақсадлари заминида рўй берди.

Таъкидлаш жоизки, этимологик жиҳатдан модернизация атамаси ўрта асрлардаги латинча, modo (ҳозирнинг ўзида, ҳозирги вақтда, эндиликда каби маъноларни англатади), сўзига бориб тақалади. Кейинчалик ундан modern, modernizer сўзлари келиб чиқди. Modern (французча moderne) янги, замонавий деган маъноларни англатади. Ушбу сўздан келиб чиққан modernize (французча - moderniser) сўзи такомиллаштириш, янгилаш, замонавий талаблардан келиб чиқиб ўзгартириш деган маъноларни англатади. XX аср ўрталарига келиб “цивилизациялашган жамият” маъносини англатувчи modernity тушунчаси шаклланди.

Модернизация ҳақидаги дастлабки концептуал ғоялар жумладан, XX асрнинг 50-60 йилларига келиб анча муфассал даражада шаклланганлиги манбалардан маълумдир. Уларга кўра модернизация ҳақидаги назариялар ўз тараққиётида дастлаб, 1950-1960, 1960-1970, 1980-1990 йиллардан иборат уч муҳим босқични босиб ўтгандир.

XIX ва XX аср бошларида фаолият юритган ғарб олимларидан М.Вебер, Ф.Теннис, Э.Дюркгейм кабиларнинг ғоялари модернизация назариясининг ривожланиши учун муҳим туртки бўлиб хизмат қилди. Сиёсий модернизация ҳақидаги қарашлар ривожда Г.Алмонд ва Д.Пауэллнинг 1966 йилда нашр этилган “Қиёсий политология, Тараққиёт концепцияси нуқтаи назаридан ёндашув” асари, Д.Аптернинг 1965 йилда нашр этилган “Модернизация сиёсати” номли асари, С.Липседнинг 1960 йилда нашр этилган “Сиёсий одам”, Л.Пайнинг 1966-йилда нашр бўлган “Сиёсий тараққиёт аспекти, таҳлилий тадқиқот” номли асари, Д.Растоунинг 1967 йилда нашр этилган “Миллатлар дунёси” номли асари, Ш.Эйзенштадтнинг 1966 йилда нашр этилган “Модернизациялашув: норозилик ва ўзгаришлар” номли асари, С.Хантингтоннинг 1968-йилда нашр бўлган “Ўзгараётган жамиятлардаги сиёсий тартибот” номли асарида билдирилган ғоялар муҳим роль ўйнади.

Маълумки, “Модернизация назариялари ривожининг дастлабки босқичида универсиализмга асосланган методологик ёндашувлар устуворлик қилган эди. Унга кўра дунёдаги барча халқларнинг тараққиёти бир хил йўналишда рўй беради, универсал босқичларни босиб ўтади ва бунда бири-бирига ўхшаш, мантиқан яқин бўлган қонуниятлар амал қилади деб ҳисобланди. Ушбу қарашларга биноан модернизация жамият ижтимоий-сиёсий ҳаёти қуйидаги ўзгаришларни ўз бошидан кечиради:

- Оддий социал структурадан мураккаб тизимга ўтилади;
- Ижтимоий интеграциялашув иқтисодий моҳият касб этади;
- Этатизмдан бозор муносабатларига ўтиш рўй беради;

- Инсон табиатнинг бир бўлаги эканлиги ҳолатидан ижодкор – кашфиётчи ҳолатига ўтади;

- Одамлар онгида плюралистик қарашлар рўй беради;

- Тоталитаризм ва афторитаризмдан демократияга ўтиш рўй беради;¹ Модернизация ҳодисасининг йирик назариётчиларидан бири Ш.Эйзенштадт модернизация ҳодисасининг ўзига хос хусусиятини таърифлар экан “Модернизация бу анъанавий аграр жамиятдан замонавий индустриал ва ундан кейин постиндустриал жамиятга ўтишдир” деб таъкидлаган эди².

Ш.Эйзенштадт ҳамда Д.Ростоу каби олимлар ўз ғояларида ижтимоий-иқтисодий модернизация турларининг қуйидаги жиҳатларини қайд этиб ўтган эдилар.

- Индустриаллашув давригача бўлган модернизациялашув;

- Дастлабки индустриаллашув давридаги модернизациялашув;

- Кейинги даврлардаги индустриаллашувга хос модернизация;

- Постиндустриаллашув давридаги модернизация.

Таъкидлаб ўтиш жоизки модернизация парадигмаси доирасида дунё олимлари томонидан турли хил назарий методологик моделлар ҳам таклиф қилингандир. Жумладан, “У.Ростоу, А.Органский, Д.Лернер, С.Блек каби мутахасислар томонидан модернизация жараёнларининг мазмунини изоҳлаш учун “линеар (ягона йўналишдаги модел” ғояси илгари сурилади. Унга кўра модернизацияга нисбатан орқага қайтмас ва прогрессив ҳодиса сифатида ёндашилади. Мазкур модел моҳиятига асосан модернизация инсон онги ва хулқ-атворининг барча жиҳатларида ўзгаришларга сабаб бўлади.

Ғарб олими М.Левий томонидан партциал (қисман) модернизациялашув модели таклиф қилинди. Унга кўра модернизация “нисбатан модернизация бўлмаган” жамиятдан, “нисбатан модернизация бўлган” жамиятга узоқ давр давомида ўтишдан иборатдир.

П.Штомп, Р.Робертсон, У.Бек, К.Мюллер, В.Цапф, А.Турен, С.Хантингтон каби олимлар модернизациянинг кўп йўналишли моделни асослаб бердилар. Мазкур модел муаллифлари модернизация жараёнларини фақатгина Ғарбга хос бўлган институтларга ва қадриятларга интилиш деб тушунмаслик керак, аксинча модернизациянинг ҳар бир жамиятга хос бўлган ўзига хос йўналишлари ҳам мавжуд бўлиши мумкиндир деган қарашларни илгари сурдилар³.

Модернизация ҳодисаси таркибида сиёсий модернизация (инглизча modernization) алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Сиёсий модернизация ўз моҳиятига кўра жамиятда замонавий сиёсий институтлар ва сиёсийамалиётни шунингдек, замонавий сиёсий тизимни шаклланиши ва ривожланишини англатади.

Сиёсий модернизация жамият сиёсий тизимининг замон талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиқувчи вазиятга нисбатан лаёқатини юксалиши ва

¹ Мухаев Р.Т. Политология. -М.: Проспект, 2011, -С. 492.

² Eisenstadt S.N. Modernization: Protest and Change. -Englewood Cliffs. – N.Y., 1966. -P.1.

³ <http://studlib.com/content/view/153/7/>

давр муддаосига мослашувини ҳам англатади. Айни пайтда сиёсий модернизация давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни замонавийлаштириш, демократик асосларини кучайтириш ва фуқаролик жамияти ривожини учун мақбул сиёсий механизмларни вужудга келтириш мақсадларини ўз ичига қамраб олади.

Таъкидлаш жоизки Ғарб олимларидан Г.Алмонд, С.Верба, Л.Пай, С.Хантингтон, Д.Дариндорф, Р.Даль кабилар сиёсий модернизация назариясининг йирик вакиллари ҳисобланадилар.

Сиёсий модернизациянинг XX аср иккинчи ярмига келиб шаклланган консерватив ва либерал йўналишлари, улар ўртасидаги айрим фарқларга қарамадан, сиёсий модернизация замирида сиёсий барқарорлик ва жамиятнинг изчил демократлашув ҳолати ётишини эътироф қилиб ўтганлар.

Жумладан, С.Хантингтон сиёсий модернизация жамият сиёсий институтларининг, жамиятдаги ижтимоий тафаккурнинг демократлашувидан иборатдир деб ҳисоблайди. Унинг хулосаларига кўра “мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларида, масалан, ижтимоий, иқтисодий, фан, маданият, таълим йўналишларида бўладиган модернизация жараёнлари ҳам охир оқибатда жамият демократлашувига олиб келади”¹.

С.Хантингтон сиёсий модернизация жараёнида, сиёсий барқарорлик вазиятининг ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлишини эътироф қилиб ўтади. Унинг фикрича, “сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш жамиятда иқтисодий тараққиёт суръатига, даромадларнинг адолатли тақсимланишига сиёсий имкониятлар захирасининг мавжудлигига, сиёсий партиялар фаолияти самарадорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади”².

Р.Даль, Г.Алмонд каби олимлар сиёсий модернизация моҳиятини очиқ демократик сиёсий тизимнинг шаклланишидан иборат жараён сифатида талқин қилганлар ва бу жараёнда аҳоли сиёсий иштирокининг фаоллигининг юксалиши сиёсий модернизациянинг тараққиёт асосини ташкил қилади, деб ҳисоблаганлар.

Р.Даль томонидан илгари сурилган сиёсий модернизация концепциясига кўра “сиёсий модернизация жараёнларида демократиянинг ўзига хос формаси бўлган полиархия – кенг халқ оммасини сиёсий иштирокини юқори даражада таъминлай олувчи сиёсий тизим етакчи ўрин тутади”³.

Сиёсий модернизациянинг либерал йўналиши вакиллари жамият демократлашувининг чуқурлашиб бориши ҳодисасини модернизациянинг устувор асоси деб ҳисоблар эканлар бу ўринда ушбу жараённинг қуйидаги универсал таркибий қисмларини баён қилиб ўтганлар:

- дифференциялашган сиёсий тизимнинг ташкил этилиши;
- замонавий суверен давлатни ташкил этилиши;
- қонунчиликни ва қонун устуворлигини амалга оширишда давлатнинг ролини оширилиши;

¹ Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. (Philosophy). Пер. с англ. –М.: АСТ, 2011. –С. 576-577.

² Хантингтон С. Будущее демократического процесса: от экспансии к консолидации // МЭиМО, 1995. № 6. - С. 90.

³ Даль Р. О демократии. – М.: Аспект-Пресс, 2000. –С. 163.

- жамият сиёсий ҳаётида фуқаролар сиёсий иштироки ва фаоллигини юксалтирилиши;

- сиёсий модернизацияга хизмат қилувчи сиёсий элита вакиллари фаолиятининг кучайтирилиши.

“Мутахасис олимлар сиёсий модернизациянинг куйидаги турларини ажратиб кўрсатганлар:

- эндоген тури (унга кўра сиёсий модернизация мутлақо жамиятнинг ўз сиёсий-ижтимоий амалиётидан келиб чиқиб ўтказилади);

- эндоген – экзоген тури (унга кўра сиёсий модернизация жамиятнинг ўз асослари ҳамда бошқа мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади);

- экзоген тури (унга кўра сиёсий модернизация жамиятнинг ўз сиёсий-ижтимоий асосларига эмас балки бошқаларнинг тажрибасига таянган ҳолда ўтказилиши мумкин)”¹.

Модернизация назаряси ва амалиёти ҳақидаги ғоялар ва қарашлардан моҳиятидан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва мамлакатлар ҳаётидан чуқур ўрин эгаллаши учун сиёсий модернизация ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Зеро, айнан модернизация жараёнлари туфайли фуқаролик жамияти асослари, институтларини мутаносиб равишда вужудга келтириш учун реал имкониятлар яратилади.

2. Сиёсий модернизация мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг етакчи манбаи сифатида

Мамлакатимизнинг сиёсий тараққиёт стратегиясида демократик мезонлар асосида изчиллик билан модернизация жараёнларини амалга ошириб бориш муҳим ўрин эгаллайди. Демократик фуқаролик жамиятини босқичма-босқич шакллантиришдан иборат улўғвор мақсадлар юртимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларини модернизация қилишнинг етакчи мақсади ҳисобланади.

Жамиятимизда янгиланишлар ва модернизация жараёнларининг концептуал асослари Давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг асарларида ҳар томонлама чуқур асослаб берилди. Уларда мамлакатимизни изчил модернизация қилишнинг манбалари, ёндашувлари мақсадлари ва вазифалари чуқур илмий заминларда белгилаб берилгандир.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир.

Мамлакатимизни ривожлантириш стратегияси ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, “бошқариладиган иқтисод” ёки

¹ Ильин М.В. Идеальная модель политической модернизации и пределы ее применимости. –М.: 2000. –С. 146.

“бошқариладиган демократия” деб аталмиш моделлар бизга мутлақо тўғри келмайди.

Албатта, биз, аввалгидек, давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда “Ўзбек модели”нинг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз”¹.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёнлари ўз моҳиятига кўра тамомила юртимизда халқимиз учун озод ва обод эркин ва фаровон ҳаётни яратишнинг кафолатли йўналиши бўлган, замонавий фуқаролик жамиятини қарор топтиришга қаратилди. Барча турдаги ислоҳотлар мазмунан янгиланиш ва замонавийлаштириш сиёсатининг манфаатларига мослаштирилди.

Бу ўринда таъкидлаш жоизки, ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва янгилаш модернизация жараёнларининг асосий ўзагини ташкил этди.

Сиёсий модернизация жараёнларининг дастлабки биринчи босқичида мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини замонавий демократия талаблари асосида ислоҳ қилиш ва унинг самарали ишлашини янада кучайтириш борасидаги муҳим сиёсий ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Ушбу жараёнлар доирасида жамиятимизда демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш учун институционал асосларни такомиллаштириш, ташкил топган сиёсий тузилмалар фаолиятини шунга мос мазмун моҳият билан тўлдириш масалаларига етакчи аҳамият қаратилди. Эски маъмурий буйруқбозлик тизимига барҳам берилди. Ҳокимиятларнинг тақсимланиши асосида миллий давлатчилик негизи қурилди. Бунда давлат модернизация жараёнларининг бош ташаббускори ролини бажариб келди.

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан 2005 йилнинг январь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузада мамлакатимизда модернизация жараёнларини амалга оширишнинг энг муҳим стратегик йўналишлари ҳар томонлама мукамал даражада кўрсатиб берилди.

Хусусан, мазкур маърузада жамиятимизда сиёсий модернизацияни ташкил қилиш, шу асосда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг сиёсий, институционал, ҳуқуқий асосларини янгилаш ва ҳаётга жорий қилишнинг назарий ҳамда амалий асослари батафсил равишда баён қилиб берилди. Ушбу ғоялар Президентимиз томонидан асосланган бешта стратегик йўналишда ўзининг ифодасини топди.

Жумладан, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятининг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат.

Шу борада:

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. –Б. 34.

Президент ваколатларининг бир қисмини Парламентнинг юқори палатаси – Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш, профессионал, доимий асосда ишлайдиган куйи – Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш;

иккинчидан, Бош вазир ва умуман, мамлакат ҳукуматининг ролини ва шу билан бирга, маъсулиятини кучайтириш;

учинчидан, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирларни амалга ошириш.

Биз олдимизга қўйган мақсадни соддагина ифодаламоқчи бўлсак – ҳар қандай ҳокимият, у қонунчилик ёки ижро ва суд ҳокимияти бўладими – буларнинг барчаси куйидаги талабларга жавоб бериши шарт. Яъни, ҳар қайсиси ўз вазифасини англаши, ўз маъсулиятини ҳис қилиши, ўз юкини кўтариши ва таъбир жоиз бўлса, ўз аравасини мустақил равишда тортиши даркор”¹.

Президентимиз томонидан илгари сурилган мазкур улғувор ғоялар асосида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг етакчи сиёсий асоси бўлган қонунчилик ҳокимияти парламентининг ҳуқуқий-институционал асослари ва фаолият тартибини янада либераллаштириш жараёнлари собитқадамлик билан амалга оширила бошланди.

Маълумки, мамлакатимизда парламент ислоҳотларининг дастлабки босқичлари уч даврни ўз ичига олади. Биринчи давр: 1991-1994 йиллар, иккинчи давр: 1995-2004 йиллар ва учинчи давр: 2005 йилдан ҳозирги пайтгача бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу даврлар давомида амалга оширилган парламент ислоҳотлари юртимизда рўй бераётган сиёсий модернизация жараёнларининг етакчи йўналишини ташкил қилди.

Биринчи давр бўлган 1991-1994 йиллар давомида Олий Кенгаш давлат бошқарувининг мутлақо янги органларини ташкил этишнинг, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган адолатли демократик жамият куришнинг ҳуқуқий негизи бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди. Парламент ёш давлатнинг суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунларни қабул қилди.

Иккинчи давр бўлган 1995-2004 йиллар давомида Олий кенгаш ўрнига Ўзбекистон Республикасининг бир палатали парламенти – Олий мажлис шакллантирилди, Биринчи чақириқ (1995-1999 йиллар) Олий Мажлис таркибида Ўзбекистон Халқ-демократик партиядан кўрсатилган 69 нафар,

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. –Б 36-37.

“Адолат” социал-демократик партиясидан 47, “Ватан тараққиёти” партиясидан 14 ва “Миллий тикланиш” демократик партиясидан кўрсатилган 7 нафар депутат бўлиб, депутатларнинг қолган қисмини ҳокимият вакиллик органларидан кўрсатилган шахслар ташкил этди.

Учинчи даврда: Миллий парламентаризм ривож топишининг учинчи даври Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидан бошланиб, бунда янги икки палатали Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари амалда ўз ишларига киришдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг давлатимиз бошлиғи томонидан олға сурилган устувор йўналишлари ҳамда аниқ мақсадли вазифалари асосида ишлаб чиқилган – 2005-2009 йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастурини қабул қилди.

Икки палатали парламент ташкил этилгач, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият ўз тараққиётида янги поғонага кўтарилди. Энг асосийси, гарчи қонунчилик жараёни анча мураккаблашган бўлса-да, қабул қилинган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайди. Қонун лойиҳаларини партияларнинг фракцияларида олдиндан кўриб чиқиш, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда уларнинг фикрларини албатта эшитиш амалиёти шаклланди¹.

Бу давр мобайнида демократик парламентаризм маданиятини бундан буён ҳам ривожлантириш учун шароитлар яратилди, профессионал депутатлар, парламентда хизмат қилувчи юксак малакали ходимлар етишиб чиқди, қонун ижодкорлиги депутатлар ишининг бош йўналишига айланди².

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёнларида Президентимиз томонидан асослаб берилган давлат қурилиши ва бошқарувини эркинлаштириш ғояси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ушбу ғоя заминида амалга оширилган сиёсий-ижтимоий ислохотлар натижасида демократия ва фуқаролик жамияти институтлари ривожининг фундаментал асослари мустаҳкамланиб борди. Хусусан, фуқаролик жамиятини шаклланишининг муҳим кафолати ва манбаи бўлган, бошқарув тизимида демократик давлатлар тажрибаси саналган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида барқарор мувозанат, бир-бирининг фаолияти устидан назорат қилиш ва ўзаро чегаралаб туришни таъминловчи механизмлар шакллантирилди. Ушбу механизмлар мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб борилди. Мазкур жараёнлар доирасида парламент ислохотларини чуқурлаштиришга етакчи эътибор қаратилди. Таъкидлаш жоизки, айнан мана шу йўналишдаги ислохотлар мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий модернизациянинг етакчи моҳиятини ташкил қилди.

¹ Назаров Қ. Жумаев Р. Жўраев С. ва бошқалар. Ўзбекистонда сиёсий ислохотлар жараёни. –Т.: Академия, 2011. –Б. 74-79.

² Назиров М. Ўзбекистонда парламент институти шаклланиши ва ривожланишининг тарихий босқичлари – муҳим сиёсий жараён сифатида // Шарқ машъали. -2015. -№2. –Б. 10-11.

Шу боис ҳам, Ўзбекистонда икки палатали парламентни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш сиёсатининг мантиқий давоми ва демократик тараққиётнинг янги босқичи сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Нима учун парламент ислохотлари мамлакатимизда сиёсий ислохотларнинг асосий бўғинига айланди? Биринчидан, парламентнинг қонунчилик вазифаси шахс, жамият ва давлат фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш имконини беради. Иккинчидан, парламент давлат ҳокимияти институтлари тизимида сайлаб қўйиладиган асосий вакиллик органи саналади. Бу эса унинг фуқаролар учун очиқ ва демократик табиатини белгилаб беради. Учинчидан, парламент ўзининг таъсири, ваколатлари нуктаи назаридан ҳокимият шохобчалари орасида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда демократик фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган модернизациялашув жараёнларининг назарий ва амалий асослари ривожда Давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг 2007 йил 30 август куни бўлиб ўтган, Ўзбекистон мустақиллигининг ўн олти йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган ғоялар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Маърузада, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг муҳим босқичлари, унда эришилган натижалар чуқур таҳлил этилиб, келгусида амалга ошириладиган тараққиёт ва янгилашни стратегиясининг заминлари кўрсатиб берилди.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Бугун 16 йил мобайнида бошимиздан кечирган кунлар, ҳафталар, ойларни ана шу нуктаи назардан баҳолаш эканмиз, қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври, том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди.

2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – фаол демократик янгилашнилар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнаган давр бўлди.”¹

Мамлакатимизнинг ўн олти йиллик мустақил тараққиёт давомида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда эришилган натижалар асосида демократик ва ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини энг замонавий талаблар асосида ривожлантиришнинг асослари бунёд этилди. Жамиятимизда сиёсий модернизация жараёнларини амалга оширишнинг янги босқичини бошланиши учун зарур бўлган заминлар тайёрланди.

¹ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2008. –Б. 5.

Эришилган ушбу натижалар асосида сиёсий модернизация бўйича аввал бошланган ишларни изчил давом эттириш жумладан, давлат қурилиши ва бошқарувини либераллаштириш ва замонавийлаштиришнинг етакчи йўналиши бўлган парламент ислохотларини энг замонавий демократик мезонларга таянган ҳолда ривожлантириш имкониятлари очилди.

Бундай улкан самаралар туфайли Республикамизда амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёнлари доирасидаги парламент ислохотларининг 2010 йиллардан кейинги даврида мамлакатни модернизациялаш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифалари устуворлик қилди.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 2010 йилнинг 27 январида янги сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” номли маърузасида қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятини демократик такомиллаштириш ва ривожлантириш вазифалари, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтиришнинг долзарб масалалари бўйича янги ғоялар асослаб берилди. Жумладан, қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолиятини янада юксалтириш, депутатлик сўрови ва парламент назорати институтларини янада ривожлантириш партия нашрларини жонлантириш, парламентнинг мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги маъсулятини ошириш масалаларига шунингдек, юртимизда амалда бўлган сиёсий партияларнинг парламент ҳаётида ва энг муҳими жамиятимизда амалга оширилаётган янгиланишлар ва модернизация жараёнларидаги ролини янада ошириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Барчамизга яхши маълумки, биз ўз вақтида шу борада муҳим қарорлар, хусусан, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонунни қабул қилган эдик.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг сайловларда қатнашиб, ўзининг нималарга қодир эканини исботлашга, амалда бу партияларни Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган чуқур ўзгаришларнинг ҳал қилувчи кучига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, жорий этилганидан ҳам хабардорсиз.

Бўлиб ўтган сайловлардан биз чиқаришимиз керак бўлган яна бир ўта муҳим хулоса шундан иборатки, бу сайловлар ўз вақтида қабул қилинган ана шу қарорларнинг нақадар тўғри ва самарали эканини кўрсатди”¹.

Мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини изчил ривожлантириш ҳамда унинг фуқаролик жамиятини юксалтиришга хизмат қилувчи таъсирини кучайтирилишида сиёсий партияларининг мамлакатимиз

¹ Каримов И.А. Жаҳон инкирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-ж. –Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б. 124-125.

сиёсий тизимидаги ролини оширилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Зеро, сиёсий партиялар ўз моҳиятига кўра фуқаролик жамиятининг етакчи институтларидан бири ҳисобланади. Сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг сиёсий тизим билан ўзаро алоқаларининг доимийлигини таъминлайди. Шу боис ҳам Республикамизда давлат қурилиши ва бошқарувини эркинлаштириш ва либераллаштириш вазифалари тизимида замонавий кўппартиявийлик тизимини вужудга келтириш ҳамда ривожлантиришга катта эътибор қаратилди.

Маълумки, Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг қарор топишида 1996 йил 25 декабрда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонун муҳим ўрин тутди. Қонун 17 та моддадан иборат бўлиб, унда сиёсий партияларнинг демократик қоидалар асосида фаолият юритишлари учун ривожланган мамлакатлар мезонлари талабларига хос бўлган ҳуқуқий асослар яратилди: Қонуннинг 5-моддасига биноан, “давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради”¹.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси, “Адолат” социал-демократик партияси ва Халқ демократик партияси каби сиёсий партиялар жамиятимиз сиёсий тизимида муҳим роль ўйнагани ҳолда янгиланишлар жараёнида катта ҳисса қўшиб, фуқаролик жамиятини шакллантирилишининг бош омиллари бўлиб хизмат қилмоқдалар. Жамиятимиз сиёсий соҳасини эркинлаштирилишида, сиёсий модернизация жараёнларини фаол амалга оширилишида Республикамизда мустаҳкам қарор топган кўппартиявийлик тизими катта муҳим ўринни эгалламоқда.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида рўй бераётган сиёсий модернизация жараёнлари изчиллик билан тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосига таянган ҳолда фуқаролик жамиятининг барқарор заминларини шакллантирилишига хизмат қилмоқда.

3. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш - фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва мамлакатни модернизация қилиш омили

Мамлакатимиз конституцияси негизида ўзининг ифодасини топган қоидаларга ҳамда жамиятимизнинг ислох этишининг “Ўзбек модели” асосларига таянган ҳолда юртимизда замонавий демократия мезонлари ва тамойилларига ҳамоҳанг равишда фуқаролик жамияти босқичма-босқич равишда шакллантириб келинмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, № 2 (1250). 1997. –Б. 12.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали натижалари туфайли XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигига келиб, жамиятимиз ўз тараққиётининг том маънодаги янги сифат босқичига қадам қўйди. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда эришилган улкан ижобий натижалар мамлакатимизни тараққий эттиришнинг, модернизация жараёнларини кучайтиришнинг янги стратегик асосларини яратилиши учун замин бўлиб хизмат қилди.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг 2010 йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида жамиятимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг янги стратегик йўналишларини белгилаб берган Концепция асослаб берилди.

Президентимизнинг мамлакатимиз тараққиётининг эндиликдаги кенг истиқболларини очиб бериш учун дастурул амал бўлиб хизмат қилувчи Концепцияси, жамиятимизда амалга оширилаётган сиёсий янгиланишлар ва модернизация жараёнларининг янги, янада юқорироқ бўлган босқичи бошланганлигининг амалдаги ифодаси бўлди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: “Биз ҳаммамиз шуни аниқ англаб олишимиз зарурки, сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширили лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради”¹.

Президент концепциясида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини кучли даражада ривожлантириш асносида демократик янгилаш ва модернизация жараёнларини янада юксалтиришга хизмат қилувчи стратегик йўналишлар асослаб берилди. Булар, Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётини либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби муҳим ва ҳал этувчи устувор йўналишлардир.

Президентимиз томонидан илгари сурилган концепция асосида авваламбор давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида эришилган улкан натижалар замида мамлакатимизда демократлаштириш жараёнларини кучайтириш унинг институционал асосларини замонавийлаштириш, ҳамда фуқаролик жамияти заминларини

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. -Б. 15.

мустаҳкамлашга хизмат қилувчи конституциявий-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва замонавийлаштириш масалаларига етакчи эътибор қаратилди. Шунингдек, мамлакатимизда барпо қилинаётган демократия ва фуқаролик жамиятининг назарий ва ғоявий асослари ҳам ҳар томонлама бойитила бошланди. Бу ўринда авваламбор мамлакатимиз Асосий қонуни – Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг жамиятимизни янгилаш ва модернизация қилиш борасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини алоҳида эътироф қилиб ўтиш жоиздир.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепциянинг ғояларига биноан Конституциямизнинг мамлакатимиз давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва уни бошқариш билан боғлиқ юридик хусусиятлари ҳамда тамойиллари энг замонавий демократик тараққиёт манфаатларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштирилди. Вакиллик демократиясининг етакчи устуни бўлган қонун чиқарувчи ҳокимиятининг фаолияти тимсолида, халқнинг давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги ҳақидаги конституциявий демократик қонун янада юқори даражада амал қилиши учун, Конституциямиз бағрида янги ҳуқуқий-сиёсий асослар белгилаб қўйилди. Хусусан, Конституциямизнинг XVIII, XIX, XX бобларига ва жумладан 32, 78, 93, 96, 98, 103 ва 117 моддаларига қўшимчаларнинг киритилиши мамлакатимиз Асосий Қонунининг ҳуқуқий нормаларини ворисийлик асосида янги демократик қоидалари билан тўлдирилишини таъминлади.

Концепция асосида шу пайтга қадар 27 та қонун ҳамда тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги (2010 йил 22 декабрь), “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги (2012 йил 26 апрель), “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (2012 йил 24 сентябрь), “Кредит бюрolari фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида”ги (2012 йил 4 октябрь), “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги (2012 йил 20 декабрь), “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги (2012 йил 25 декабрь), “Гаров реестри тўғрисида”ги (2013 йил 23 октябрь), “Экологик назорат тўғрисида”ги (2013 йил 27 декабрь), “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги (2014 йил 5 май), “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги (2014 йил 28 август), “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги (2015 йил 25 август) янги қонунлар қабул қилинди.

Шу билан бир қаторда, Концепция заминида бир қатор қонун ҳужжатларига демократик моҳиятга эга бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, 2012 йил 18 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг, 2012 йил 19 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларнинг қатор боб ва моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, жамиятимиздаги ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш

ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги (2011 йил 26 апрель), “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги (2012 йил 2 май), “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги (2012 йил 24 декабрь), “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги (2013 йил 22 апрель), “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги (2013 йил 22 апрель), “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги (2014 йил 6 май) қонунлар қабул қилинди.

Концепция заминида мамлакатимиз Конституцияси ва унинг ҳуқуқий нормаларида мамлакатимиз демократик тараққиёти учун ва фуқаролик жамияти асосларини ривожланиши учун зарур бўлган янги қоидалар ўз аксини топди. Жамиятимизни модернизация қилишнинг замонавий демократик-ҳуқуқий пойдевори изчил мустаҳкамланди. Жумладан, таъкидлаб ўтиш жоизки, Конституциямизнинг 98-моддаси юридик моддаларга жамиятимизда давлат бошқарувини ташкил қилиниши ва амалга оширилишининг ҳозирги замон учун энг самарали бўлган янги қоидалар киритилди. Булар, “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловида энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордадаги энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан қўллаб-қувватланган тақдирда Бош Вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқини жорий қилиниши билан боғлиқ муҳим қоидалардир”¹.

Конституциямиз мазмунига бундай қоиданинг киритилиши натижасида жамиятимиз сиёсий тизими амал қилишининг демократик тамойиллари ва асослари янада мустаҳкамланди яъни, Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг демократик ваколатлари ва имкониятлари янада оширилди. Бу билан унинг ижро этувчи ҳокимият билан демократик балансини янада мутаносиброқ даражага кўтарилиши учун заминлар яратилди.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов шу муносабат билан таъкидлаганидек: “Конституция ва унинг асосида яратилган қонунчилик базаси, шунингдек, 2010 йилда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, 2011 ва 2014 йилларда Бош қомусимизга киритилган тузатишлар жамиятимизни ислоҳ этиш, демократлаштириш ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014. –Б. 52-53.

либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича пухта ўйланган, узок муддатга мўлжалланган, дунёда тараққиётнинг “ўзбек модели” деб тан олинган дастур асосини ташкил этди. Айни шу модель замонавий, жадал ва барқарор ривожланиб бораётган давлатнинг шаклланишида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди”¹.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар ва модернизация жараёнларининг ҳозирги босқичида фуқаролик жамиятининг мустаҳкам заминларини барпо қилишга қаратилган ислохотлар кенг кўламли равишда ривожлантириб борилар экан, бу ўринда жамият миқёсида демократиянинг институционал ва социал заминларини энг янги концептуал ёндашувлар асосида ривожлантириш вазифаларига ҳал қилувчи аҳамият қаратиб келинмоқда.

Ушбу вазифаларни амалга ошириб борилиши ўз навбатида инсон, унинг унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириб боришга, яъни демократик янгиланиш, либераллашув жараёнларининг ижтимоий ўзагини мустаҳкамлашга йўғрилган туб ислохотларни реал равишда амалга ошишида асос бўлиб хизмат қилади.

Мана шундай ҳолатда яъни бир томондан демократия институтлари самарадорлиги ва имкониятларини кенгайтириб, замонавийлаштириб борилиши иккинчи томондан эса демократик жараёнларнинг социал заминларини мустаҳкамлаб борилишини АҚШлик олим Р.Даль “Демократиянинг реалистик варианты”² деб атаган эди.

Бу ўринда асосий гап демократиянинг жамият миқёсида тўлиқ қарор топганлигини билдирувчи асослар: демократия институционаллашуви ва демократиянинг социал даражада амал қила бошлашлиги масаласи устида бормоқда. Демократияга нисбатан қўйилаётган бундай мезонлар давр талабларининг маҳсулидир. Зероки, замонавий тенденциялар демократия ўлчамларини янги даражаларда кенгайтирилишини талаб этмоқда. Бундай ҳолат айниқса демократиянинг барча етакчи институтлари, устунларини замонавийлаштирилишини объектив равишда тақозо қилади.

Шу жиҳатдан келиб чиқилганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичида етакчи эътибор, демократия институтларини, замонавий демократия нормалари, қоидаларини жамиятимизнинг барча жабҳаларида чуқур қарор топтириш, унинг социал даражада консолидациялашувига эришиш манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб модернизация қилишга қаратилаётганини изчил замонавий демократик сиёсатининг намунаси, деб ҳисоблаш мумкин.

Жамиятимизда ушбу жараёнларни бевосита амалга ошириши натижасида бунунги кунга келиб, демократик янгиланишлар борасида мислсиз катта натижаларга эришилди. Айни пайтда ана шу натижалар

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. // Халқ сўзи, 2015. 6-декабрь, № 236 (6419)

² Қаранг: Полис, № 2 2004, -Б 79.

асосида демократик кадриятларнинг институционал заминларини ривожлантириш учун сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий имкониятлар базаси шакллантирилди. Замонавий демократиянинг мазмун ва моҳияти талабларига жавоб бера оладиган сиёсий ҳамда социал муносабатлар тамойиллари ҳаётимизда тобора чуқурроқ ўрин олиб бормоқда.

Мамлакатимизни янгилаш ва замонавийлаштириш жараёнларининг ҳозирги босқичида демократия институтларини такомиллаштириш вазифаларига эътибор берилар экан, бунда демократиянинг асосий ва ҳал қилувчи устуни бўлган, демократиянинг моҳиятини белгилаб берадиган халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш принципларини янада кенгроқ рўёбга чиқариш масалаларига биринчи даражали аҳамият қаратилмоқда.

Ватанимизда сиёсий модернизация жараёнларининг ҳозирги босқичида Давлатимиз раҳбари томонидан асослаб берилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”нинг назарий асосларига таянган ҳолда демократия ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва қарор топтиришнинг замонавий тамойилларини кенг кўламли равишда жорий қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан демократлашув ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳодисаси узлуксиз ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлиги тўғрисидаги ғоявий асосга таянилган ҳолда ислохотларни ривожлантириб бориш, жамиятимизни янгилаш ва замонавийлаштириш стратегиясида устуворлик қилмоқда.

Президентимиз хулоса қилганидек: “Биз шуни яхши англашимиз керакки, демократия ҳеч қачон бир хил шакл ёки мазмунда бўлмайди. Демократия дегани – бу ҳамиша ўзгариб турадиган ҳаёт тарзи, жамият тизимининг ривожини билан узвий боғлиқ.

Демократия – инсон, жамият, давлат деган уч субъект ўзаро бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини бойитиб, керак бўлса, назорат қилиб турадиган тизим демакдир. Бу ҳар қайси инсоннинг жамият билан, жамиятнинг эса давлат билан муносабатини, улар ўртасидаги мувозанатни англатади”¹.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур ғоялари асосида демократия ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро моҳиятан боғлиқлик ҳолати асосланиб, жамиятимизда демократлашув жараёнлари хусусиятларини замонавийлаштириш орқали фуқаролик жамияти тузилмаларининг кенгайиб, ривожланиб бориши учун зарур бўлган демократик механизмларни янада юқорида поғонада шакллантириш масалаларига устувор вазифалар сифатида қаралмоқда. Айни пайтнинг ўзида демократия ғоясининг муҳим жиҳатларидан бири бўлган ҳуқуқий давлатни жамиятимизда фуқаролик жамиятининг ижтимоий-ҳуқуқий заминларини таъминловчи муҳим омил сифатидаги ролини ва аҳамиятини янада ошириш чоралари кўрилмоқда.

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. –Б. 103.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, демократик ислоҳотларни кучли ривожлантириш асосида ҳуқуқий давлатчилик тамойилларини ва институционал асосларини изчил мустаҳкамлаш ва фуқаролик жамиятини қарор топтиришга йўналтирилган тараққиёт стратегиясининг концептуал, норматив асослари ҳам замонавийлаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Ҳеч кимга сир эмас, фақатгина ҳуқуқий давлат шароитида демократик тартибга эришилади ва шундай тартиб сақланади, демократик институтлар ва кадриятлар ҳаётга татбиқ этилади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, энг асосийси, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси амалда таъминланади”¹.

Мазкур концептуал ғоялар асосида бугунги кунда мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий модернизация жараёнлари ўз таркибига қуйидаги муҳим жиҳатларни қамраб олмоқда:

Биринчидан, қонун ижодкорлиги фаолиятини янада ривожлантириш орқали, Конституциямиз нормаларига таянган ҳолда демократик ислоҳотларни ва фуқаролик жамиятини қарор топтириш эҳтиёжлари ва аниқ мақсадларидан келиб чиқиб, янги қонун ва қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиб бориш ишларини янада ривожлантириш;

Иккинчидан, қонунларни ҳаётга жорий қилишнинг янада самаралироқ механизмларини вужудга келтириш;

Учинчидан, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим омили ва воситаси сифатида жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимини ривожлантириш ва шакллантириш.

Мазкур ғояларни босқичма-босқич ва изчиллик билан жамиятимиз ҳаётига тадбиқ этиб борилаётганлиги боис ҳозирги вақтга келиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар ўз таркибига моҳиятан давримизнинг энг замонавий мезонларига мос келувчи янги асосларини қамраб олмоқда. Бунинг заминида юртимиз мустақил демократик тараққиётининг устувор йўналиши ва мақсади бўлган фуқаролик жамиятини чуқур қарор топтириш учун ҳуқуқий-ижтимоий заминлар кучли даражада мустаҳкамланди, Конституциявий-ҳуқуқий асослари ривожлантирилди.

Шу муносабат билан Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги, қонунлар ва бошқа кўплаб қонунчилик ҳужжатлари фуқаролик жамиятини юксалтиришда, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишда фуқаролик институтлари, оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаб берди”².

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. //Халқ сўзи, 2015 йил 6 декабрь, №236 (6419)

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. // Халқ сўзи, 2015 йил 6 декабрь, №236 (6419)

Мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган янгиланишлар ва модернизация жараёнларининг муҳим таркибий қисми бевосита ислоҳотларнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш ва замонавийлаштиришга қаратилгандир. Зеро, бозор муносабатларига асосланган демократик иқтисодиёт фуқаролик жамиятини ижтимоий пойдеворини шакллантиришнинг ҳал қилувчи бўғинидир. Айнан ривожланган иқтисодиёт фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини юксак даражада таъминлашга хизмат қилиш орқали фуқаролик жамиятининг фундаментал элементи бўлган ижтимоий барқарорликни таъминлаш учун манбаа бўлиб хизмат қилади.

Юртимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги замон босқичининг устувор стратегик йўналишларининг туб моҳиятида замонавий модернизацияни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг барча муҳим хусусиятлари қамраб олинган.

Мамлакатимиз иқтисодиётини техник ва технологик жиҳатдан янгिलाш заминида юксак ривожланган мамлакатлар эришган юқори сифат даражаларидан мутлақо қолишмайдиган самарали таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва унинг заминида мамлакатимиз аҳолисининг ҳаёт даражасини муттасил ошириб бориш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун зарур бўлган иқтисодий фаровонлик ва эркинликни таъминлаш – мамлакатимизни модернизация қилишнинг муҳим иқтисодий йўналиши сифатида белгиланди.

Республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилнинг 16 январь куни мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурини энг муҳим устувор йўналишларига бағишлаб ўтказилган мажлисида Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан килинган маърузада мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларини изчил равишда ривожлантиришнинг олти муҳим устувор йўналиши белгилаб берилди.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бюжед ташкилотлари ходимларининг иш ҳаққи, пенсия ва стипендиялар ҳажми ўтган йили 23,2 фоизга ошди. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 10,2 фоизга кўпайди.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир”¹.

Маълумки, Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2015 йилда ва ундан кейинги йилларда мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг янги стратегик йўналишлари вазифаларидан келиб

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. –Т.: Ўзбекистон, 2015. –Б. 17.

чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат Дастури тақдим этилди. Унга кўра еттига муҳим стратегик-иқтисодий вазифалар белгиланди. Жумладан, Ҳаракат дастурида таъкидланганидек, “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш доирасида жами қиймати 38 миллиард долларга тенг бўлган 870 та йирик инвестиция лойиҳаси рўйхати шакллантирилди. Ушбу лойиҳаларга биноан 415 та янги корхона барпо этиш ҳамда 455 та ишлаб турган корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш назарда тутилмоқда.

Дастурнинг принципиал тарзда ажралиб турадиган жиҳати шундаки, экспортга мўлжалланган ички ва ташқи бозорларда рақобатдош бўлган маҳсулот турларини аниқлаш ва юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини жадал ривожлантиришга асосий эътибор қаратилган”¹.

Бу ўринда алоҳида эътироф этиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий йўналишдаги ислохотлар ўз моҳиятига кўра мамлакатимиз аҳолисининг барча қатламлари манфаатларини кўзлайди. Бунинг самараси ўлароқ аҳолининг моддий аҳволи бўйича кескин табақаланишга йўл қўйилмайди. Маълумки, бундай ҳолат фуқаролик жамияти ижтимоий асосларининг барқарорлигини таъминловчи муҳим манбадир. Бугунги кунга келиб мамлакатимизда энг кўп даромад оладиган аҳоли билан, энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ ниҳоятда қисқариб 7,8 баробарга тушганлиги жамиятимиз аъзоларининг фаровонлик даражаси ортиб, социал ҳимоя воситалари ривожланиб бораётганидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида фуқаролик жамияти асосларини ривожлантиришнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастури // Халқ сўзи, 2015 йил 27 январь.

1-Илова

Тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида сиёсий модернизация жараёнларини амалга оширишнинг ҳозирги босқичдаги етакчи хусусиятлари

Жамиятимизни ислоҳ этиш, демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш

Ҳуқуқий давлатнинг институционал асосларини таркибий тузулмаларини ривожлантириш

Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият эканлиги таъминидан келиб чиққан ҳолда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш ва замонавийлаштириш

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришни изчил амалга ошириш учун янги демократик қонунларни қабул қилиб бориш

Иқтисодиёт соҳасида сифат жиҳатдан туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш учун имкониятлар ва шарт-шайроитларни янада кенгайтириш

2-Илова



Назорат саволлари:

1. Модернизациятушунчасининг етакчи моҳиятини аниқланг.
2. Сиёсий модернизациянинг ўзига хос хусусиятларини ифодаланг.
3. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қандай устувор вазифаларини ўз ичига олади.
4. Концепциянинг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўналишида қандай ислохотлар кўзда тутилган.
5. “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунга изоҳ беринг.

Тест саволлари:

1. Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг назарий асослари Президентимиз И.А.Каримовнинг қайси асарида ишлаб чиқилган?

- A. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”.
- B. *“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”.
- C. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”.
- D. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”.

2. 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши натижасида конституциямизнинг қайси моддаларига тузатишлар киритилди?

- A. 89-моддасига.
- B. 93 - модданинг 15 – бандига.
- C. 102 - модданинг 2 – қисмига.
- D. *Барча жавоблар тўғри.

3. Концепция нима?

- A. Иқтисодий қараш.
- B. Иқтисодий назария.
- C. *Назарий модел.
- D. Амалий тажриба.

4. Бошқарув соҳаси ва вазифаларининг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш нимага олиб келади, деб ўйлайсиз?

- A. Марказий ҳокимиятнинг заифлашувига.
- B. Бу нотўғри сиёсат бўларди.
- C. Маълум маънода сиёсий тарқоқликка.
- D. *Бошқарув соҳасининг аксилмарказлашувига.

5. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” нечта устувор вазифани ўз ичига олади?

- A. 4
- B. 5
- C. *6
- D. 7

6. Бугунги кунда Концепция заминда Конституциямизнинг қайси моддаларига демократик моҳиятга эга бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди?

- A. 32, 76, 78, 80, 92, 96, 98, 103.
- B. 32, 78, 79, 80, 93, 96, 98, 107.
- C. *32, 78, 80, 93, 96, 98, 103, 117.
- D. 32, 78, 79, 80, 93, 98, 103, 107.

7. Концепцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига Вазирлар Маҳкамасига тааллуқли қандай мазмундаги ўзгаришлар киритилди?

- A. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқини бериш.
- B. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуминини билдириш ҳуқуқини бериш.
- C. Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларининг бир қисмини Сенатга ўтказиш.
- D. Юқоридагиларнинг ҳаммаси тўғри.

8. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган ўзгартиришларнинг мазмун-моҳиятига қуйидагилардан қайси бири тааллуқли эмас?

- A. Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодаладиган янги тартиб ўрнатилмоқда.
- B. Олий Мажлисга Бош Вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилмоқда.
- C. Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи президент ваколатлари доирасидан чиқарилмоқда.
- D. *Президентнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланмоқда.

9. Мамлакатимизни ислох этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берадиган конституциявий ўзгаришларни кўрсатинг.

- A. Сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош Вазир номзодининг парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши.
- B. *Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг жорий этилиши.
- C. Президент ваколатлари доирасидан ижро этувчи ҳокимият бошлиғи вазифасини чиқарилиши.
- D. Юқоридаги барча жавоблар тўғри.

10. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига қайси ваколатни кўшилди?

- A. *мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш.
- B. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади.
- C. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш.
- D. Марказий сайлов комиссияси Раисини лавозимига сайлаш.

14-МАВЗУ: ЮРТ ТИНЧЛИГИ, ВАТАН РАВНАҚИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ– ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Режа:

- 1. Фуқаролик жамиятини барпо этишда миллий мафқураининг ўрни.**
- 2. Фуқаролик жамияти билан юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги.**
- 3. Юрт тинчлиги фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омили.**
- 4. Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги аҳамияти.**

Таянч сўзлар: миллий мафқура, ғоя, тинчлик, юрт тинчлиги, тараққиёт, ватан равнақи, халқ фаровонлиги, концепция, иқтисодий мустақиллик, профицит.

Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” деб номланган маърузасида одамларнинг ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси – одамларнинг ўзгараётганлиги, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини, онгу тафакқурини ва эртанги кунга ишончини ошириб боришнинг шарти эканлиги уқтирилди¹.

Ўзбекистон халқи буюк ислохот кўламини, салмоғини кўрди. 1991-2010 йилларда аҳоли турмуши масаласида қандай натижаларга эришилаётгани, мамлакат қандай ўзгариб бораётгани, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланаётганини англаб етди. Жаҳонда Ўзбекистон деган давлатнинг тобора ошаётган нуфузи, обрўси ва ҳурматига ўзининг фуқаро сифатидаги дахлдорлигини ҳис қила бошлади. Фуқаролик жамияти кадриятларига ҳаваси, иштиёқи янада ортди.

Ҳар бир жамият сиёсий ҳаётида содир бўлган жиддий бурилиш унинг ахлоқида, маънавияти, диди, қарашларида ҳам параллел содир бўлиши керак. Бу параллелликка эришса бўлади. Бироқ бу кўп, қатъий, тезкор маърифий ишларни талаб қилади. Бир кишини энг замонавий мода бўйича ясантириш учун 5 дақиқа кифоя. Бироқ уни замонавий, демократик тафаккурга эга

¹“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

килиш учун, қатъий маърифатчилик бўлмаса, 5 кун ҳам, 5 ой ҳам, 5 йил ҳам камлик қилади.

Ўзгарган тафаккур бу – ўзгартирилган тафаккур дегани. Демократик тафаккур – аниқ ва изчил шарт-шароит натижаси ўлароқ, шу даражага кўтарилган тафаккур. Энди ўзимизга саволларни бериб кўрайлик:

Тафаккурни ўзгартирмай туриб бозор иқтисодиёти, демократик жамиятни қуриб бўладими?

Тинчликсиз, фаровонликка эришмасдан туриб ҳам тараққий этиш мумкинми? Юрти нотинч, халқи қашшоқ, Ватани қолоқ жамиятни фуқаролик жамияти дейиш мумкинми? Йўқ, албатта.

Бу ҳақда Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида «Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-хунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига халақит берувчи султон бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади,»¹ деб ёзади. У шу фикр орқали фуқаролик жамиятининг моҳиятини очиб беради. Демак, бундан фуқаролик жамиятининг асосий белгилари қаторида юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги каби тамойиллар ҳам мавжуд эканлиги маълум бўлади.

Форобий яна шу фикрни давом эттириб, фуқаролик жамиятини барпо этишда тинчлик ва фаровонликни таъминлаш масаласига урғу беради: “Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олийжаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташки душмандан муҳофаза қиладилар»².

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай жамият барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш учун ўз олдига қандай стратегик режа ва дастурларни кўймасин, ҳар қандай юксак орзу-интилишларни амалга оширишга киришмасин, агар тинчлик ва осойишталик бўлмаса, барча ҳаракатлари бефойда ва самарасиз бўлаверади. Чунки барқарор тараққиёт ва мустаҳкам жамиятнинг ўзига хос шarti – бу тинчлик-осойишталикдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, **“инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан қафолатлаб беришдан иборат. Бу ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шartiдир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам биринчи галда ана шу мезон билан ўлчанади”**¹.

¹ Абу Носир Форобий.. Фозил одамлар шаҳри. Т, 1993, 190 бет.

² Ўша асар, 190 бет.

¹Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. – 73-бет.

Тинчлик – инсоннинг ҳаётини эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омилидир. Ўзбек халқи тинчликни ўз орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари рўёбга чиқишининг шартини деб билади.

Президент Ислам Каримов тинчликнинг ҳозирги ва келажак ҳаётимиз учун аҳамиятини куйидагича таърифлайди: **“Биз – Шарқ фарзандларимиз. Шарқ мамлакатларининг қаерига борманг, одамлар бир-бири билан учрашганда, авваламбор, “Ассалому алайкум” дейишади. Ушбу калом арабчадан олинган бўлиб, “Сизга тинчлик ёр бўлсин” деган маънони англатади. “Салом”, яъни “тинчлик” сўзи Қуръони Каримда 40 марта учрайди. Бу муқаддас китобнинг оятларидан бирида шундай дейилади: “Меҳрибон Парвардигор томонидан одамларга олқиш маъносига “тинчлик” сўзи айтилурур”.**

Инсоният тарихига назар ташласак, бир-бирига қарама-қарши бўлган тинчлик ва уруш ғоялари ўзаро курашиб келганини кўрамиз. Ер юзиде яшовчи кишилардан “Сен она Ватанингни хонавайрон қиладиган, авлодларинг ҳаётига зомин бўладиган, чексиз ғам-андуҳ келтирадиган урушни хоҳлайсанми”, деб сўралса, ҳар бир соғлом фикрли инсон, миллати, дини, ирки, иқтисодий аҳволи, сиёсий мавқеи, ёши жинсидан қатъи назар, “йўқ” деб жавоб бериши аниқ. Бироқ, инсоният тарихида, кейинги беш минг йилда тахминан 15 мингдан ортиқроқ катта-кичик урушлар бўлган экан. Ҳолбуки, башарият фақат тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган тақдирдагина ўз олий мақсадларига эришади, моддий ва маънавий юксакликка кўтарилади.

Юрт тинчлиги энг азиз неъмат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги асосий мезон эканига бутун жаҳон амин бўлмоқда. 2001 йил 11 сентябрда АҚШдаги террорчилик ҳаракати, 2010-2015 йилларда Яқин Шарқ мамлакатларида, 2013-2015 йилларда Украинада рўй берган инқилоблар ва қон тўкилишлар бу борада жаҳонда кўплаб муаммолар борлигини яна бир бор кўрсатди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан оқ юрт тинчлигини сақлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ўзбекистон дунёда биринчи бўлиб Марказий Осиёни ядро қуролидан холимайдонга айлантириш, халқаро террорчиликка қарши кураш марказини тузиш ва бошқа тинчликсевар тақлифлар билан чиқди. Чунки ислохотларнинг натижалари айнан шу ғояни амалга оширишга бевосита боғлиқ эди. Шунинг учун ҳаммиллий истиқлол мафқурасида юрт тинчлигини таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Юрт тинчлиги – Ватан озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бировга қарам бўлган халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳаммустақиллик ва тинчликни асрашимиз, мамлакатимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз лозим. Юксак маънавият, маданият, миллатнинг ғоявий ва мафқуравий етуклиги – юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим шартидир. Халқимиз учун азал-азалдан муқаддас бўлган бу ғоя жамиятдаги турлича

фикр ва қарашга эга бўлган барча куч ва ҳаракатларни бирлаштиришга, шу орқали миллий ҳамжихатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Президентимиз: **“Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз – бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир. Одамларимиз тафаккурида бу қадриятнинг беқиёс аҳамиятини англаб етиш туйғуси тобора юксалиб бормоқда”**, деб бежиз таъкидламаган.

Мамлакатимиздаги ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик юрт тинчилигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу эса мамлакатимиздаги ички барқарор вазият, хорижий мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, давлат ва жамият бошқарувини демократиялаштириш, сиёсий партиялар манфаатидаги умумийликдан иборат бўлиб, давлатнинг бош ислохотчилик вазифасини изчил бажариши учун имконият яратмоқда.

Тинчлик - жозибали сўз. Унинг қадрини тинчилигини йўқотганлар яхшироқ билади. Тинчлик орзунинг эмас, балки мустаҳкам ҳимоянинг натижаси. Тинчлик бу – ҳар куни 24 соат давом этадиган аниқ, оғир иш. У ҳар бир худуд, оила, қолаверса, ҳар бир инсоннинг қалбидаги ҳаловат ва хотиржамликка боғлиқ. Аслида тинчликни бузадиган катта сабаблар у ёки бу инсон қалбидаги нотинчликдан бошланади.

Президентимиз шу сабабли бу масала аҳамиятини янада юқори кўтариб **“Тинчлик учун курашмоқ керак!”** деган талабни қўйдилар. Бу **“Ўз уйингни ўзинг асра!”** тарзида ҳар бир инсоннинг виждон иши даражасига кўтарилди. Токи ҳар бир фуқаро ҳар куни ўзининг оиласи, маҳалласи, Ватанининг тинчилигига дахлдорлигини эслаб қўйсин. Огоҳ бўлсин. Шу тариқа ушбу шиор ҳар бир ўзбекистонликнинг миллий бурчига айланди.

Бугунги кунда халқаро терроризм, диний экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолмоқда. ХХI асрда ушбу иллатга қарши жаҳон ҳамжамиятининг мурасасиз курашини Ўзбекистон тўлиқ қўллаб-қувватламоқда. Мамлакатимизда ана шу мақсад йўлида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, минтақа хавфсизлиги ўша худуддаги давлатларнинг хавфсизлиги демакдир. Давлатимиз раҳбари бу соҳани устувор вазифа сифатида эътироф этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигининг асоси минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик, деб кўрсатиб ўтган. Маълумки, хавфсизликни таъминлаш ҳамкорлик орқали амалга оширилади. Ҳамкорлик эса, энг аввало, минтақа ва дунёнинг илғор давлатлари, халқаро ва нодавлат ташкилотлар ўртасида интеграция жараёнларини ривожлантириш, барқарорликни таъминлаш ҳисобига олиб борилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон бир қатор халқаро ташкилотлар – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ), Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ) билан тенг ҳуқуқли аъзо сифатида, Европа Иттифоқи, НАТО билан эса махсус битимлар

асосида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Зеро, мазкур ташкилотлар доирасидаги алоқалар минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилгандир.

Бугунги дунёнинг турли минтақаларида нотинчликлар фонида Ўзбекистон тинчлик, осойишталик диёри бўлиб турибди. Хўш, нима учун?

Чунки истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб Республикамизнинг ташқи сиёсатига тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари сифатида эса қуйидагилар белгиланди:	мафкуравий қарашларидан қатъий назар, барча давлатлар билан ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
	давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш;
	давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш;
	бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
	низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
	куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;
	инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш;
	ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ва нормаларининг устуворлиги;
	тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;
	давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, давлат миллий манфаатларининг устунлиги;
ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик.	

Ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий тамойиллари Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида ҳамда 2012 йил 10 сентябрда кучга кирган мамлакатнинг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясида ифода этилган. Улар муҳим ташқи сиёсий қарорларни қабул қилишда асос сифатида хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг бош тамойили – мамлакат суверенитетини ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборатдир. Мамлакатимиз ташқи сиёсатининг тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида ҳамда 2012 йил 10 сентябрда кучга кирган мамлакатнинг ташқи сиёсий фаолияти концепциясининг асосий мазмуни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва миллий қонунчилигига, “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”га, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принципларига, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави ва бошқа тегишли халқаро ҳужжатларга асосланади. Мазкур ҳужжат “Умумий қоидалар” ва қуйидаги 4 та бобдан иборат: “Ҳозирги замон халқаро муносабатлар тизимида юз бераётган ўзгаришларни Ўзбекистон манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолаш”; “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий мақсади, принциплари ва вазифалари”; “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари”; “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш механизмлари”.

Концепцияда хавфсизликка раҳна солаётган анъанавий ва ноанъанавий таҳдидлар турининг кенгайиб бораётгани, Ўзбекистон чегаралари яқинида кескинлик ва танглик ўчоқларининг сақланиб қолаётгани, дунёнинг бизга яқин бўлган муҳим минтақаларида янги қуролли можаролар ва қирғинбарот низоларга олиб келувчи турли салбий вазиятларнинг кўпайиб бориш хавфи мавжудлиги баён этилган.

Ҳужжатда Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаларида юз бераётган кескин ўзгаришлар ҳам эътибордан четда қолмаган. Ўзбекистон бу минтақалардаги давлатлар билан анъанавий тарихий-маданий алоқалар ҳамда дунёнинг бу қисмида рўй бераётган турли ўзгаришларнинг келгусидаги хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни давом эттириши таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати мамлакатнинг барқарор ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини таъминлаш ҳамда жаҳон ҳамжамияти давлатлари билан олиб бораётган икки ва кўп томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, “Ўзбек моделига” асосланган эркин демократик давлат қуриш жараёнларини изчил давом эттириш учун мустаҳкам замин яратади.

Турли минтақаларда таҳликали вазиятлар юз бераётган бир пайтда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни муваффақиятли давом эттираётган Ўзбекистонда мустақилликни янада мустаҳкамлаш учун ташқи сиёсат ва хавфсизлик борасида амалга оширилган барча ишлар халқимиз манфаати ва ривожига қаратилган. Зеро, истиқлолимизни асраб-авайлаш нақадар муҳим эканлиги, минтақадаги барқарорлик ўта катта меҳнат эвазига сақлаб турилганлигини англаш ялпи миллий хавфсизлигимизни сақлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади¹.

¹Ягонасан муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним! Т.: “Маънавият”, 2013.

АҚШда фаолият кўрсатаётган, катта обрўга эга бўлган, Гэллап институти деб ном олган ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан «Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси» деган мавзуда 2015 йилда ўтказилган ва эълон қилинган тадқиқот материаллари билан танишиш айти мурдао бўлур эди.

Ушбу нуфузли ташкилот шу йўналиш бўйича ўз хулосасини чиқариш учун жаҳон миқёсида 141 та мамлакатда сўров ўтказиб, катта ёшдаги 142 минг шахсинг фикрини ўрганган. Сўровномада 3 та савол ўртага қўйилган.

Биринчи савол «Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки тумандаги маҳаллий полицияга ишонасизми?» деган мазмунда берилган.

Иккинчи савол: «Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки туманда кечаси хавф-хатардан қўрқмасдан ёлғиз юра оласизми?».

Ва учинчидан, «Охирги ўн икки ойда сиз ва оила аъзоларингизнинг пул ва мол-мулки ўғирланган ҳолат содир бўлганми?» деган савол берилган.

Айти мана шундай саволлар орқали, авваламбор, сўров ўтказилган мамлакатда яшаётган ҳар қайси одамнинг кайфиятига, унинг ўзини эркин ҳис этишига қонунда белгиланган тартибларга амал қилиш қандай таъсир кўрсатаётганини аниқлаш кўзда тутилган.

Бизнинг мамлакатимиз, Ўзбекистонимиз, бу сўровнома натижаларига кўра, дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллаганини алоҳида мамнуният билан таъкидлаш лозим. Бизнинг бундай ўта муҳим масала, яъни юртимизда тинч ва осуда ҳаётни асраш ва ҳимоя қилиш бўйича мана шундай юксак даражага кўтарилганимиз, бу соҳада олиб бораётган ишларимиз халқаро миқёсда кенг эътироф этилгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизга ғурур ва ифтихор етказди.

Ислом Каримов

Демак, ҳар биримиз ўз уйимизда, кўча кўйда, ҳар куни “Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат” билан курашишга шай турмоғимиз, тинчлик учун курашмоғимиз керак бўлади.

Ватан – инсон энг кўп ўйлайдиган, сўйлайдиган, куйлайдиган мавзу. Энгюксак жасоратлар сабаби ҳам – Ватан. Жаҳон урушлари ўртага Ватан масаласи қўйилганда бошланган. Ватан деб ҳатто жондан кечадилар.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов Ватан меҳри билан безалган жўшқин шиорларни ўртага ташладилар. Улар Ватанга чексиз муҳаббат садоқат бонги бўлиб янграмоқда:

Нега Ватан – Она дерлар?

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат!

Ватан саждагоҳ каби муқаддас.

Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати!

Ватан туйғуси ҳар нарсадан устун!

Ватаним менга нима берди, деб эмас, мен Ватанимга нима бера олдим, деб яшаш керак!

Элни Ватан манфаати бирлаштиради.

Ободлик кўнгилдан бошланади.

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Шу азиз Ватан барчамизники!

Биздан озод ва обод Ватан қолсин!

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!

Аён бўлдики, Президент Ислон Каримов Янги Ўзбекистонни яратиш учун, ўзбек халқида янги Ватан туйғусини уйғотиб, фуқароларни Буюк келажак – мустақкам демократик фуқаролик жамиятини куришга тайёрлаган экан. Президент даъватлари касби, миллати, дини, ёши, жинси, лавозимидан катъий назар Ватан равнақи масаласида бир жону бир тан қилди.

Бу даъватлар илк китоблари давлат маблағи ҳисобидан чоп этилаётган иқтидорли ёшларнинг, жами ёш авлоднинг дилида, тилида, ишида, ижодида акс садо бермоқда. Она Ўзбекистон ҳар биримиздан мана шундай садоқатли меҳрни кутишга ҳақли. Шундай эмасми?!

Худди шундай. Чунки ҳар қайси фуқаро ўз мамлакатининг халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин олиши, бугунги кунда тараққий топган тинч ва бадавлат яшаётган давлатлар қаторига кўтарилишидан манфаатдор бўлиши шубҳасиз. Ватан равнақи эса аввало унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида ҳар бир юртдошимизни зиммасидаги юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади.

Ватан равнақи – миллий истиқлол мафкурасининг Ислон Каримов томонидан асослаб берилган ғояларидан бири. Президентимиз Ватан равнақи ғоясини илгари сураб экан, унинг мазмунини ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир деб таърифлайди. Зеро, у миллий истиқлолнинг олий мақсади - Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг эл-юрт камоли билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайди.

Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Бу эса ватанпарварлик туйғусида намоён бўлади.

Ватан равнақи ғоясини амалга ошириш бевосита жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ривожланишига боғлиқ. Бунда, **биринчидан**, ҳозирги ижтимоий бар-қарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, жамиятни бошқаришда оммавий ташкилотларнинг (хусусан, маҳалланинг) мавқеини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари ниҳоятда муҳим. **Иккинчидан**, ҳаётда демократик тамойилларнинг устуворлиги, муқобил партиялар, жамиятнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг ислохотчилик функцияси, аҳоли сиёсий онги ва маданиятини ошириш катта аҳамиятга эга. **Учинчидан**, бозор муносабатларига хос муқобил мулкчиликнинг шаклланиши, иқтисодиётнинг таркибий тизимидаги ўзгаришлар, кичик ва ўрта бизнес, ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ташки иқтисодий алоқаларни кучайтириш бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. **Тўртинчидан**, тарихий меросимизнинг тикланиши, аҳоли интеллектуал салоҳиятини ошириш, фан ва илмий муассасалар, санъат ва адабиётни

ривожлантириш, комил инсонни тарбиялаш бўйича миллий таълим дастурининг қабул қилиниши ва изчил амалга оширилиши, халқаро маданий алоқаларни кучайтириш ҳам Ватан равнақига хизмат қилади. **Бешинчидан**, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш соҳасидаги тажрибалар, давлатимизнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиши – Ватан равнақини ва шу орқали Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини таъминлайдиган шарт-шароитлардир.

Ватан равнақи ғояси ҳар бир инсоннинг тақдирида ўз ифодасини топади, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш учун, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш учун ҳаммага бирдек масъулият ва мажбурият юклайди. Уни англаш эса инсон камолотининг муҳим мезонидир. Бу ғоя **“ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади”**¹.

Ватан равнақи ғояси шу ватаннинг ҳар бир фуқароси ташаббускор, ишбилармон, тадбиркор бўлиб, шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғун яшашига боғлиқ.

Бугун тараққиётнинг “ўзбек модели” ўзини тўла оқлади. Жамиятимизда тадбиркорлик, эркин иқтисодий фаолият кенг ривожланиб, давлатимизнинг иқтисодий қудрати тобора ортиб бормоқда. Халқимизнинг маънавияти бойиб, илм-зиё салоҳияти юксалаётгани Ватан равнақининг асоси бўлмоқда. Ҳар бир йилга берилаётган ном ва у асосида ишлаб чиқиладиган давлат дастурлари деб номлангани Ватан равнақи тантанасини тасдиқлаб турибди.

Мустақиллигимизнинг ўн биринчи ойида – 1992 йил 2 июль. XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида Президентимиз: “Мулкчиликнинг барча шакллари эрк берилади, шахсий ташаббус ва ишбилармонликка кенг йўл очилади...”² деган ғояни илгари сурган эдилар.

Ғоялар одатда келаси замон майлида кўтарилади. “Эрк берилади”, “йўл очилади” ва ҳоказо. Келаси замон феълларидан “а” ҳарфини ўчириб кўйсангиз, “Эрк берилди”, “йўл очилди” бўлиб, келаси замон ҳозирги замонга айланади. Мустақилликни биз билан бир вақтда қўлга киритган кўплаб республикаларда натижа бошқача бўлди. “А” ҳарфи ўчмади. Аксинча у “ма”га айланди: “эрк берилмади”, “йўл очилмади”.

Бунинг оқибатида совет турмушининг хароб манзаралари асл ҳолича, “оригинал”да сақланиб қолмоқда. «Аргументы и факты» ҳафталигининг ёзишича, айрим собиқ совет республикаларининг шаҳар, район, қишлоқларида “мустақилликнинг 20 йилида битта ҳам(!) ижтимоий объект қурилмади. Баъзи мактаб, касалхона, кинотеатрлар сирти косметик бўялган, холос. Кўчаларни тўлдириб “Москвич-412”лар юрибди. Майдонларда Ленин “Тўғри йўлдан бораяпсиз, ўртоқлар!” деб турибди”(АиФ. №11 2011).

1

²Каримов И.А. Истиклол йўли: муаммо ва режалар. XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ. –Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992. -32 б. 20-б.

Ватан равнақ топиши, обод бўлиши учун аввало у озод бўлиши шарт экан. Ватан тарихини яхши биласиз. Юртимиз юз йилдан ортиқ вақт “пахта экиладиган ҳудуд” мақомида келди. Шўро даврида ҳам Ўзбекистон бор эди. Бироқ, обод эмас эди. Бу масалани ўзга жойларда “кўриб чиқишарди”. Масалан, “Советобод районидаги бошланғич мактабнинг девори шўрлаб, шиферлари синган. 10 йилдан буён тоmidан чакка ўтиб ётибди. Бу - бешинчи аризамиз. Илтимос, ёрдам беринг”, деб ёзиларди. Москвага. Бир йилдан сўнг “Советобод район Карл Маркс номидаги мактабга 10та кичик шифер ажратиш келаси беш йиллик дастурига киритиш масаласи кўриб чиқилади”, деган жавоб келиши мумкин эди. Чунки қарорни биз эмас, ўзгалар қабул қилар эди.

Ўзбекистон қачон шунчалар машҳур, шунчалар обод бўлган? XX асрнинг 90-йилларигача олам аҳли Самарқандни, Бухорони, Хивани яхши биларди. Бироқ, Ўзбекистонни билмас эди. Самарқанду Бухоро, Хивани аждодлар, Ўзбекистонни – 1991 йил ўз тақдирини ўз қўлларига олган озод авлод машҳур қилди.

Тошкент, Нукус, Қўқон, Бухоро, Андижон, Самарқанд, Қаршини, ҳар туманларимизда ярқираган намунавий тураржойларни кўринг. Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳру қишлоғи шундай гўзал, обод бўлмоқда.

Агар ёвуз кучлар бизни яратувчилик меҳнатидан чалғитмаганида, эришган марраларимиз бундан-да юксак бўлар эди. Ана шундай қийин шароитда ҳам кўзларимиз гувоҳ – бунёдкор Ўзбекистон халқи давлат раҳбари билан бир жону бир тан бўлиб, ўзининг нималарга қодир эканлигини дунёга кўрсатди. Масалан:

Илгари Ўзбекистон жаҳон пахта бозорига киришга интилган ёш мамлакат эди. Бугун эса... пахта бозори Ўзбекистонга келди. “Пойтахтимизда 2010 йилнинг 13 октябрь куни VI Халқаро ўзбекистон пахта ярмаркаси бошланди”. (Тошкент оқшоми, 2010.14.10).

Жаҳон давлатлари жаҳон молиявий инқирозидан инграётган “2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,3 фоизни ташкил этди” (“Халқ сўзи”. 2010. 20.10).

2010 йилнинг олти ойида мамлакатимизда экспорт ҳажмининг ўсиши 14,3 фоизни ташкил этди (“Халқ сўзи”. 2010.05.08).

Ватанимиз равнақи юксак ривожланган давлатларнинг Ўзбекистонга бўлган эътирофида, эҳтиромида яққол кўринмоқда. Ўзбекистон Президентининг расмий ташрифлари натижалари чет элларнинг сиёсий, эксперт-таҳлил ва ишбилармон доиралари томонидан катта қизиқиш ва диққат билан кузатиб борилмоқда.

Келинг, ана шундай ташрифлардан бири ҳақида **холис хорижий экспертлар сўзласин:**

“Ислон Каримовнинг Ҳиндистонга ташрифи Осиё тарихидаги муҳим воқеадир” (Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси, профессор С.Саксена (Буюк Британия)).

“Президент Ислон Каримовнинг Япония, Хитой ва ниҳоят, Ҳиндистонга қилган ташрифлари халқаро ҳамкорликни самарали ривожлантиришнинг

якқолмисолидир”(Capgemini consulting консалтинг компаниясининг янги бозорлар бўйича эксперти Б.Нисканена(Франция). (Uzbekistan Today, 2011.26.05.)

•Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида ташкил этилган мамлакатимиз автосаноати иқтисодиётимиз салоҳияти рамзларидан бирига айланди. “Ўзэкспомарказ”даянги **Chevrolet Spark** автомобили кенг жамоатчиликка намойиш қилинди”.(“Тошкент оқшоми”2010.26.08).

•Ўзбек автомобиллари жаҳон бозорларини эгалламоқда. Сотувлар “Nexia” энг сеvimли автомобиллардан бири эканлигини кўрсатаётир. Ўзбек автомобиллари бугун жаҳоннинг 10 дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Россиянинг “Автостат” аналитик марказидан расмий хабар: “Nexia” Россияда сотиладиган хорижий автомашиналар орасида биринчи ўринга чиқиб олди. Россияда 2010 йилнинг сентябрида биргина “Nexia”нинг сотилиши 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 126 фоизга ошган. Ўзбек “Nexia”си “Renault Logan”, “Ford Focus” автомобилларидан ўзиб кетди... (“XIX аср”, 2010.16.09).

•2010 йил 24-август. “**Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон**” темир йўлининг ишга туширилганига уч йил тўлди. Бу қурилиш халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин намунаси. Ҳисор тоғ тизмаси узра 1800 метр баландликдан ўтган, умумий узунлиги 223 километрни ташкил этувчи бу темир йўл Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятидаги шу пайтгача пўлат излар етиб бормаган худудларни пойтахтимиз, шунингдек, юртимизниг бошқа шаҳарлари ва қўшни мамлакатлар билан боғлаш имконини беради.(“Халқ сўзи”,2010.24.08).

•Кичик ютуқлар катта ютуқларни пайдо қилади. Ўзбекистон равнаки унинг туман, шаҳар, қишлоқ, маҳаллалари равнақининг йиғиндиси. Шаҳарларни қўйинг, тоғдаги қишлоқларимиз – экспортерларга айланмоқда: “**Янгиқўрғон тумани**.“Ян текстиль” МЧЖда янги маҳсулот – ватинли сочик матосини ишлаб чиқаради. Жамоа хорижга 89 минг долларлик маҳсулот экспорт қилган. Бу кўрсаткич 2010 йил охиригача 300 минг АҚШ долларига етказилган. 55 кишилиқ жамоа 2010 йилнинг 9 ойида ички бозорга 1 млрд сўмликка яқин маҳсулот чиқарган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 30 фоиз кўп.(“Халқ сўзи”. 2010.21.09.).

•“2010 йилнинг биринчи ярмида республикаимиз **тўқимачилиқ саноати** корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 148,2 фоизни ташкил этди. Маҳсулот рақобатдошлигини таъминлаш мақсадида иқтисодиётни таркибий туб ўзгартиришни чуқурлаштириш сиёсати туфайли соҳада шундай юқори кўрсаткичга эришилди”.(“Халқ сўзи”. 2010 йил 12 август).

•Ўзбек **санъати, либос дизайни** бутун жаҳонга ўз сўзини айтаётир. Пойтахтимизда бешинчи бор “Art Week Style.uz - 2010” санъат ва мода ҳафталиги бўлиб ўтди. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган мазкур нуфузли тадбирда юртимиз

маданияти ва миллий анъаналаримиз жаҳон миқёсида яна бир бор кенг намоёниш этилди. (“Халқ сўзи”. 2010.15.10).

Пойтахтимизда “Theatre UZ-2010” биринчи халқаро театр фестивали бўлиб ўтди. (“Ватанпарвар”. 2010.15.10).

• Ўзбекистонликлар энди ТУ 154 самолётларида эмас, дунёнинг энг зўр самолётларида учмоқдалар. Мисол учун, Тошкентдан учган зиёратчиларни бағрига олган А320 самолети 40(!) дақиқада Бухорои шарифга қўнаётир.

• Собиқ иттифоқ ҳудудида мароқ билан кўрилаётган ҳозирги телевидение энди бизни қониқтирмайди. Ўзбекистон 2015 йилга келиб жаҳоннинг энг ривожланган давлатларидаги - **рақамли ва кенг форматли телевидениега** тўлиқ ўтади.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг марказида ёшлар масаласи белгилаб олинган. Бинобарин, уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирокини, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва бақамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида 2014 йилнинг 6 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2124 Қарори чиқди. Бу Қарор мамлакатимизда ёшлар сиёсати бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг изчил давоми сифатида келгусида бажаришимиз лозим бўлган ишларимизни белгилаб берувчи дастур бўлди.

Ҳаммамизга маълумки, бугун Ўзбекистон ёшлари билим, заковатлари, интилишлари, меҳнат шижоатлари билан бутун дунёни ҳайратга сола бошладилар. Жумладан, Тошкент шаҳрида ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида юртимиз ўқувчилари биринчи ўринни эгаллади. Шахмат бўйича **8 яшар Нодирбек Абдусатторов** жаҳон чемпиони унвонига эришди. **5 яшар – жажжи ўғлонимиз Исломбек Синдоров** Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди! Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида яна бир моҳир спортчимиз – Руслан Нурудинов спортнинг энг мураккаб тури бўлган оғир атлетика бўйича кескин беллашувларда ғолибликни қўлга киритди. Бу паҳлавон йигит “Ўзбекистон ифтихори” деган юксак унвон билан тақдирланди.

Бундай мисолларни ўнлаб, юзлаб келтириш мумкин. Ҳаммасининг замирида давлат раҳбарининг ёшларга қартаётган эътиборидир. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йил 18 январдаги Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар етиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” маърузасида таъкидланганидек, 2013 йилда таълим-тарбия соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш,

мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилди.

Сиз булардан ҳам кўп, яхшироқ мисолларни биласиз. Шундай эмасми?

Ватан равнақи – Президентимиз асарлари, нутқлари, суҳбатларидаги фикрлардан униб чиққан, қувват олган бунёдкор ғоя. У ёшларимизни юртимиз равнақига дахлдорликка чорламоқда.

Табиат жамоа бўлиб яшашга содиқ. У баъзида дахлдорликдан инсонларга ибрат беради: Асалари уясига яқин бориб турган одамнинг холи нима бўлишини яхши биламиз. 100 000 асалари ўз уясининг дахлсизлиги учун ҳимояга отилади. Ўйлаб ўтирмасдан, ўзини фидо қилиб, унга ёпишади. Талайди.

Фараз қилинг, бегоналар асалари уясини бузиб, асалдан ҳоҳлаганича олаверса-ю, асаларилар лоқайд, четдан қараб турса нима бўлади? Табиатда асалари зоти ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетарди. Мафкуравий ғанимларимиз бизнинг лоқайд асалариларга ўхшашимизни истайди. Демак, Ватан мустақил бўлса ҳам, фарзандлари лоқайд бўлса, бундай миллатнинг келажаги бўлмас экан.

Шундай экан, мухтарам Президентимизнинг ҳаётга катта умидлар билан кириб келаётган ёшларга қарата айтган ушбу дахлдорликка даъватларини ҳарбиртаълим муассасаларида, энг гавжум жамоат жойларига зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйиш лозим:

Эй болам, сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуруний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлиқ адо этишингга боғлиқ”.

Бир сўз билан айтганда, бу икки тушунча – Ватан равнақи ва фаровонлик масаласи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканини тушуниш қийин эмас.

Ана шундай мантиқий хулосадан келиб чиққан ҳолда, халқ фаровонлиги деган эзгу тушунчани ҳам миллий ғоямизнинг негизини ташкил этадиган тамойиллар қаторига қўйишимиз табиийдир.

Нега деганда, бу дунёда ҳар бир одам тўқ ва бадавлат ҳаёт кечирриш, эл-юрт учун муносиб фарзанд тарбиялаш, уларга билим бериш, уйли-жойли қилиш, уларнинг бахту камолини кўриш орзуси билан яшайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг пировард мақсади – одамларимизнинг ана шундай орзу-умидларини рўёбга чиқариш, халқимизга ҳар томонлама муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборат экани ҳақида такроран гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Бу мақсадга эришиш учун юртимизда барча асослар – табиий бойликлар, унумдор ер, катта иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу диёрда ана шу фаровон ҳаётни ўз кучи, ўз

ақл-заковати билан барпо этишга қодир бўлган меҳнатсевар ва истеъдодди халқ яшайди.

Халқ фаровонлиги –миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири. Халқ фаровонлиги ҳарбир шахс ва оила фаровонлиги билан боғлиқдир. Бунда инсоннинг шахсий манфаатлари жамият манфаатлари билан уйғунлашиб кетади ва ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги бутун жамият фаровонлигидир, деган тамойил амалга ошади.

Бу ҳақиқатни англаб етиш учун аҳоли барча қатламларининг олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини ҳис қилиши ва бунда фаоллик кўрсатиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса кишиларнинг дунёқарашини, меҳнатга, ҳаётга, ўзига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш керак. Фаровон турмуш асоси эркинлик, тадбиркорлик ва ташаббускорликдир.

Ўзбекистоннинг ҳарбир фуқароси миллати, динидан қатъи назар, шахс сифатида ўз қобилиятини, истеъдодини намойиш этиш ва ўз ҳаётини фаровон қилиш имкониятига эга. Халқимизда мулкка, ерга эгалик ҳиссини тарбиялаш, ўз кучига, иродасига ишонч руҳини камол топтириш, хўжалик юритишнинг замонавий усулларига ўтиш давр талаби эканлигини англаб етиш бу борадаги устувор ва ҳал қилувчи вазифаларга киради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олий мақсади - халқимизга муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларидаги қатор муаммолар ҳал қилинмоқда.

Иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш, мулкчиликнинг муқобил шакллари таркиб топтириш ва мулкка эгалик ҳиссини тарбиялаш, эркин рақобат, тадбиркорлик, ташаббускорлик муҳитини вужудга келтириш халқ фаровонлигини таъминлашнинг асосий шартларидандир.

Мамлакатимизнинг бой табиий ресурслари, фуқароларимизнинг интеллектуал салоҳияти, энг асосийси, келажакка бўлган умид-ишончи, сиёсий барқарорликнинг мавжудлиги халқ фаровонлигини таъминлаш заминидир.

Фаровонлик ҳар бир одамнинг, халқнинг ўз олдига қўйган қатъий азму қароридан бошланади. Биров берган нарса бировни фаровон қилмаган. Шунинг учун Ўзбекистон халқини фаровон қилишни аввало энг муҳим нуқтада – одамларнинг ният, ғояларида уйғотиш, уларни бирлаштириш, сафарбар қилиш керак эди. Шундай бўлди. Халқ фаровонлиги миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бирига айланди. Ўтган йиллардавомидамухтарам Президентимиз раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини ошириш учун машаққатли кураш йиллари бўлди.

Фаровонлик, ўзини ўзи тўқ ва бадавлат қилиш нималигини, тарбияли, билимли фарзандлар бахти қандай бўлишини кўраяпмиз, эшитаяпмиз. Фарзандларимизнинг ютуқлари билан бир-бирларимизни қутлаяпмиз.

Йигирма йил олдин биз мулксизлар жамиятида яшар эдик. Мулкдорлар фақат чет элларда бўларди. Бугун ўзимиз ёки қўшниларимиз мулкдор. Фаровон оилалар, маҳаллар сони кундан кунга оша бораётир. Шукронаси бор одамлар тўй-томошаларда, маънавий-маърифий тадбирларда бунинг ўнлаб

тасдиқларини айтиб юрибдилар. Бу кунларга етишмоқ осон бўлмаганини ҳам.

Этнолог олимларнинг фикрича, деҳқончилик дастлаб Ер шарининг тахминан 20-45 параллеллари оралиғида пайдо бўлган ва узоқ давр давомида ўзлаштирилиб, такомиллашиб келган. Ўзбекистон – дунёгадеҳқончилик маданиятини берган ҳудудлардан бири бўлган. Маккажўхори жаҳонга Америкадан, буғдой – МарказийОсиёдан тарқалган. Бизнинг буғдойимиз ўзининг ҳосилдорлиги, таркибида протеиннинг кўплиги билан юқори турган. Шўролар халқларнинг ғаллачилик маданияти, тажрибасини ҳам қатағон қилди. Энг катта империя – СССР ношудлигидан ўзини ўзи ғалла билан таъминлай олмасди.

«... Собик СССР Канада ва Америкадан ҳар йили 40-50 миллион тонна ғалла сотиб оларди. Шунинг ҳисобидан Ўзбекистонга ҳам улуш берарди. Иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин биз йиллик эҳтиёжимизга етарлиб миллион тонна ғаллани қаёқдан олиб келишни, қаёқдан валюта топишни ўйлаб роса сарсон-саргардон бўлдик.

Бугун очик айтаверсак ҳам бўлади: 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узилиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, нақ очарчилик остонасида турар эдик»¹.

Тадбирли, азми шижоатли кишилари кўп миллатлар ҳар томонлама бой, қудратли бўлиб келган. Шўролар эса бунинг тескарисини қилишди. Тадбиркор, ташаббускор ва шу боис мулкдорларнинг мулкани талаб, ўзларини сургун, қатл қилди. Камбағалликда ҳаммани тенг қилди.

Совет кинолари, китоб, спектакларидаги салбий образлар – мулкдорлар эди. Мулкдор боболаримизнинг ўз ҳисобларидан мадрасалар, кўприклар қурдиргани, ариқлар қаздириб сув келтирганлари, камбағалларнинг тўйларини қилиб берганликларини гапириш, ёзиш, ҳатто эшитиш ҳам жазоланди. Турғунлик ва иқтисодий танглик янада ошди. Оммавий камбағалликнинг асосий сабабларини совет ҳокимияти олиб келди.

Ўзбекистон халқи иккинчи даражали одамлар тоифасига киритилган эди. Шу сабабли бошқа республикалардан ҳам камбағал, яъни қашшоқ эди. **“... Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражаси энг паст бўлиб қолди. Маълумотларга қараганда, 1990 йилда республика аҳолисининг 70 фоизга яқинининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст эди. Айни маҳалда Россия ва Украинада аҳолининг 30 фоизга яқинигина шундай аҳволда кун кечирганди...”²(Ислом Каримов. 1993 йил. Август.)**

Халқ фарвонлиги учун кураш энг муҳим, бирламчи масала – нондан бошланди, деса бўлар. Чунки совет давридаги нон учун сахарлаб, узундан узоқ навбатда туриш, нонни карточка билан олиш, чекловлардан халқимиз дил зада бўлиб қолган эди. Шу сабабли

¹Ислом Каримов. Истиклол йўли: муаммолар ва режалар./Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б. 3-бет.

²Ислом Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. /Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б. 284-бет.

Дунёдаги санокли давлатлар қаторида Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиёт қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсди.

Кейинги 11 йилда, жумладан, жорий 2015 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари барқарор равишда 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда, макроиқтисодий кўрсаткичлар мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг барқарор равишда профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг ўсиши таъминланмоқда. Давлатнинг ташқи қарзи эса ялпи ички маҳсулотга нисбатан 18,5 фоиздан ошмаяпти.

Ислом Каримов

фарвонликнинг биринчи шартларидан бири сифатида ғалла мустақиллигига эришиш керак эди. Бу эса тез, самарали ва қатъий чоралар кўришни талаб қиларди.

Бу ҳақда Президентимиз 1995 йилда шундай дедилар: “... Авваламбор, "пахта, пахта" деявериб, ғалла етиштиришдан бутунлай чиқиб кетдик. Унинг технологиясини ҳам унутиб қўйдик. ... Қисқа қилиб айтганда, ғаллачилик бизда ўғай соҳа бўлиб қолган.

Яна такрорлаб айтаман, республика бўйича ўртача 40 центнердан Ғалла олиш, бу - кўлимиздан келадиган вазифа. Ахир, қачонгача олтинимиз, пахтаимиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз. Токи, ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча”.

Аниқ ҳисоб-китоблар, тинимсиз саъйи ҳаракатлар ўз самарасини берди. Мустақил, ёш Ўзбекистон давлати ўз халқини очарчиликдан асраб қолди. Бир неча кунлик ғалласи қолган давлат тезда ўзини ўнглаб олди. Ғалла мустақиллигига эришди. Бугун у ғаллани – экспортқилмоқда. Бу ҳам халқимиз фаровонлигидаги ўзгаришлар шиддатини кўрсатмайдими? Ким эдигу, ким бўлди, деган саволга юзлаб муносиб, ғурурлижавобларимиз рўйхатига шу маррани ҳам киритса бўлар?

2010 йил 20 сентябрь. Нью Йорк. Жаҳон аҳли Президент Ислом Каримовнинг БМТ Бош ассамблеясининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқини тинглади. Инсоният орзу қилаётган фаровонлик марраларига Ўзбекистон қанчалик яқинлигини билди.

БМТ тавсияларига кўра фаровонлик бу –“Инсоннинг тараққиёт индекси”. Унга меҳнат шароитлари, билим олиш имкониятлари, саводхонлик, саломатлик, жон бошига даромад, умр узоклиги ҳам киради. Ижтимоий ҳимоя, ичимлик сув, табиий газ таъминоти ҳам муҳим. Келинг, ўзимизга ана шу умуминсоний, қайсар индекслар орқалиқарайлик:

- Фаровонлик иш ҳақиға боғлиқ: ўзбекистонликларнинг иш ҳақи 19 йилда ўртача 18 баравар ошди.

- Фаровонлик халқнинг ижтимоий ҳимоясига боғлиқ: Ўзбекистон хар йили давлат бюджетининг 60 фоизини ижтимоий соҳага йўналтирмоқда.

- Фаровонлик ҳар биримиз ичаётган тоза ичимлик суви таъминотига боғлиқ. Дунёнинг кўп давлатлари бу борада биз эришган марраларни орзу қилаётир. Чунки **Ўзбекистонликларнинг 82,5 фоизида бу муаммо йўқ.**

- Дунёда аҳолисининг табиий газ билан таъминланган қисми 50 фоизга ҳам етмайдиган давлатлар кўп. **Ўзбекистон халқининг 83,5 фоизи бу неъматдан баҳраманд.**

- Фаровонлик оналар ва болалар саломатлиги, ҳаёти ҳимоя қилинган жойда бўлади. **Ўзбекистонда оналар ўлими 2 баравардан кўпроққа, болалар ўлими эса 3 бараварга камайди.**

- Бир киши умрингизни 6 йилга узайтурса, уни нима деб дуо қилардингиз? Ўтган **20 йилда ўзбекистонликларнинг ўртача умри 67 ёшдан 73 ёшга узайди. Аёллар – мунис оналаримизнинг умри 75 ёшдан ошди. Оналари ҳаёт юртдошларимизга ҳавасимиз келади.**

- Хотин-қизлар эркаклар билан тенг, эмин-эркин меҳнат қилса, оилалар фаровонлиги икки ҳисса ошади. **Ўзбекистонда иш билан банд аҳолининг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади.**

- Қаерда фаровонлик бўлса, одамлар илгари ўзлари қилган ишларни бировларга пул бериб қилдиради. Бу эса хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиради. Ўзбекистонда сўнгги ўн йилда аҳолига кўрсатилган **пуллик хизматлар ҳажми киши бошига қарийиб 20 баробар ошди¹.** Беихтиёр бир афоризмни сал ўзгартириб, “Фаровонлик бор бўлса, у - намоён бўлади. Фаровонлик намоён бўлса, у – бор”, дегингиз келади.

Мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан бошлаб Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш, кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш энг муҳим устувор йўналишлардан бирига айланди. Биз ўз мустақиллигимизни “фақат ўз кучимиз, ўз салоҳиятимизга таяниб иш кўришимиз керак”, “ўзимиз ҳаракат қилмасак четдан келиб биров бизга ёрдам бермайди”² деган қатъийлик билан собитқадам тарзда қарор топтирдик ҳамда босқичма-босқич мустаҳкамлаб бордик.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг иқтисодий ислохотлар, ижтимоий масалалар ва мақсадли йўналишларни ҳал қилиш вазифа қилиб белгиланди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўз нутқида “Мустақил Ўзбекистон давлатнинг сиёсати инсонийлик ва эзгулик тамойилларига асосланади”³ деган дастурий ғояни бутун дунёга баён қилди ва мана, йигирма уч йилдирки давлатимиз мазкур принципга оғишмасдан, қатъий амал қилиб келмоқда.

Мамлакатимизнинг ҳозирги ютуқларига тўлақонли баҳо бериш ва унинг мазмун-моҳиятини келажак авлодга рўй-рост тушунтириб бериш учун

¹И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 2011 йил 21 январь. Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 46 б. 13-бет.

²Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – Б.13.

³ Ўша ерда – Б.25.


албатта, республикамизнинг мустақилликкача бўлган собиқ Иттифок давридаги ҳолатини таҳлил этиш жуда муҳимдир.

1-жадвал

Ўзбекистоннинг собиқ Иттифокдаги ўртача даражага нисбатан ҳолати (1990 йил, аҳоли жон бошига)¹

Ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш	12 ўрин
Миллий даромад ишлаб чиқариш	2 ҳисса паст
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	40 %
Саноатдаги меҳнат унумдорлиги	40 %
Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги	50 %
Гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухум истеъмоли	50 %
Ойига 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиганларнинг улуши (45 % аҳоли)	2 ҳисса кўп

Келтирилган 1-жадвалдан кўринадики, собиқ Иттифок республикалари орасида Ўзбекистон энг сўнгги ўринларни эгаллагани халқимизнинг турмуш тарзи нақадар аянчли аҳволидан дарак беради.



1-расм. Собиқ Иттифок республикаларида истеъмол товарларини олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича савдо баланси сальдоси (1990 й., млн. руб.)

¹ Ўша ерда

Ўзбекистоннинг мустақилликдан олдинги иқтисодий ҳолати

Ўзбекистон собиқ Иттифоқда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича охириги ўринларни эгаллаган;	иқтисодиётнинг бир томонлама қарамликка маҳкум этилган хом ашё йўналиши;	экспорт таркибида хом ашёнинг улуши 70%дан ортиқ бўлган;	аҳоли 3 дан 2 қисмининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжлари бошқа республикалардан етказиб берилган;	болалар ўлими бўйича дунёда юқори ўринларни эгаллаган.
---	--	--	---	--

Ўзбекистон Республикаси Президенти истиқлолнинг дастлабки кунларида “ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз – бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик илллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир”¹ деб айтган сўзларида қанчалик чуқур ҳаётий маъно борлигини бугунги вазият исботлаб турибди.

Мамлакатимиз Президенти И. Каримов томонидан бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари белгилаб берилар экан инқилобий йўл билан эмас, балки тадрижий йўл билан аҳолини заиф қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш орқали амалга оширилгани диққатга сазовор. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакат иқтисодиётида олиб борилган кенг камровли ислохотларнинг асосий йўналиши бозор иқтисодиётини шакллантириш ҳамда ривожлантириш деб белгилаб олинди. Ушбу жараёнларнинг негизида бозор муносабатларига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш принципи асос қилиниб, давлатнинг бош ислохотчи сифатида фаол иштироки таъминланди. Бунда даставвал мулкчиликка бўлган муносабат ўзгарди, хусусий мулкчиликка кенг эътибор қаратилди. Хусусий мулк мулкнинг бошқа шакллари қаторида тўла эътироф этилиб, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланди. Бозор муносабатларини шакллантириш, тадбиркорлик ва ташқи иқтисодий фаолиятни жадаллаштириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий механизмлари яратилди. Бозор инфраструктурасининг дастлабки куртаклари – биржалар, тижорат банклари, суғурта ва лизинг компаниялари, савдо уйлари каби қатор ташкилотлар ташкил этилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнларига нафақат савдо, маҳаллий саноат ва маиший хизмат тармоқлари, балки амалда

¹Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – Б.27

барча халқ хўжалик тармоқларининг корхоналари киритилиши белгилаб олинди. Натижада иқтисодиётнинг аксарият тармоқларида корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ўзгариб, яъни давлат корхоналари акциядорлик, ижара, жамоа корхоналарга айлантирилибгина қолмай, балки мулкдорларнинг янги, "учинчи" қатлами вужудга келтирилди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар амалга оширилди. Дастлаб, 300 дан ортиқ совхоз давлат тасарруфидан чиқарилиб, аксарият қисми жамоа ва кооператив хўжаликларига айлантирилди. Қолганлари ижарачиларга берилди ёки мулкчиликнинг бошқа турларига айланди. Қишлоқ хўжалигида 12,5 мингдан ортиқ деҳқон-фермер хўжаликлари тузилиб, уларга 112 минг гектар ер бириктириб берилди. 1993 йил охирига бориб давлат тасарруфидан чиққан қишлоқ корхоналарининг сони 700 тадан ошиши режалаштирилган эди¹.

Ислохотларнинг дастлабки даврида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бўйича ислохотлар изчил амалга оширилиб, аҳоли турмуш шароитининг кескин пасайиб кетишининг олдини олиш, иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳамда мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган қатъий чора-тадбирлар амалга оширилди. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда 1993 йил ўзгаришларга бой давр бўлди, десак асло муболаға бўлмайди. Республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари ва шакллари тўғри белгилаш, бозор муносабатларини аста-секин шакллантириш туфайли Ўзбекистонда ўтган йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлар пасайиши деярли тўхтади, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда эса муайян даражада ўсишга эришди.

Кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш, мулкчилик шакллари хилма-хиллигини таъминлаш бўйича тизимли ислохотлар олиб борилди. Республикада 54 мингга яқин корхона давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Мазкур жараёнда ислохот бошланган тармоқлардаги иншоотларнинг қарийб 80 %ини ташкил этди. Уй-жойларни хусусийлаштириш амалда ниҳоясига етди, савдо, маҳаллий саноат, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида "кичик хусусийлаштириш" амалга оширилди. Саноат, қурилиш мажмуи, транспорт, деҳқончилик-саноат мажмуининг гўшт-сут, озиқ-овқат, пахта тозалаш тармоқларидаги йирик корхоналарни акциялаштириш жадал олиб борилди.

Танлаб олинган стратегик мақсаддан келиб чиқиб, бозор муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш механизмини босқичма-босқич жорий этиш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг пасайишига барҳам берилди. Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида, иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий негизи барпо этилди. Ишлаб чиқариш суръати ва аҳоли турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига йўл

¹ Каримов И.А. «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик» Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида 1993 йил 6 майда сўзланган нутқ.

қўйилмади, тўлов ҳолати яхшиланиб, ишлаб чиқаришнинг устувор тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилди. Шу даврда мулк тўғрисидаги, корхоналар, ишбилармонлик, ташқи иқтисодий фаолият, банклар ва банк фаолияти, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хўжалик жамиятлари ва бирлашмалари тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинди. Бунда иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асос ва механизмини шакллантиришни таъминловчи Президент Фармонлари ва Ҳукумат қарорлари чиқди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш, унинг миқёсини кенгайтириш ишлари босқичма-босқич жорий қилинди. Фонд биржалари, қимматбаҳо қоғозларни ҳисобга оладиган ва сақлайдиган миллий депозитарий барпо этилди. Ўрта ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларини очик турдаги жамиятларга айлантириш амалга оширилди.

Бундан ташқари миллий валютанинг жорий қилиниши банк-молия тизимининг ривожланишида муҳим қадам бўлди. Республика валюта биржаси ташкил этилиб, бу биржада ўтказилаётган савдо натижасига қараб пулнинг расмий алмашув қиймати белгилана бошланди. Бунинг натижаси ўлароқ, иқтисодиётда барқарорлик ва маълум даражадаги иқтисодий ўсиш аломатлари кўзга ташланди. Нефть ва газ конденсати қазиб олиш бир неча маротабага кўпайди, олтин, дон, енгил саноат, озуқа саноати ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш анча ошди. Бунда етакчи асосий тармоқларнинг барқарор ривожланиб бориши ҳисобига республиканинг ёкилғи-энергетика мустақиллигини таъминловчи, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва аҳоли эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ишлаб чиқаришларнинг салмоғи эса сезиларли ортди.

Амалга оширилган ислохотларни Президентимиз И.Каримов иқтисодиётимизда эришилган дастлабки натижалар сифатида қуйидагича изоҳлади:

Биринчидан, макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширилибпухта ишлаб чиқилган пул-кредит, бюджет ва акциэмиссия сиёсатини қўллаб, нарх ўсиш суръатларини пасайтиришга, валютаамизни мустаҳкамлаш муаммоларини ечишгакиришилди;

Иккинчидан, саноатни, умуман ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланиши оқибатида ишсизликни чегаралашга, меҳнат ресурсларининг банд бўлишига, уларнинг даромади ва бюджет даромадини барқарорлаштиришга олиб келди.

Учинчидан, давлатимиз иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишини назарда тутиб, халқимизнинг эҳтиёжини қондирадиган ғалла, дон, гўшт, сут маҳсулотларини четдан олиб келишни кескин камайтирилди. Нефть ва нефть маҳсулотларини қўшни давлатлардан олиб келишни камайтириш сари ҳал қилувчи қадам қўйилди.

Тўртинчидан, хорижий сармояларни мамлакатимизга жалб этиш учун кенг имкониятлар ва муҳим шарт-шароитларни яратилди¹.

1995 йил жамият ҳаётининг барча соҳаларида иқтисодий ислоҳ қилишда туб бурилиш йили бўлди. Бу йилдаги сарҳисоблар ишлаб чиқилган стратегия, иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари нақадар тўғри эканлигини тасдиқлади ва кейинги йилларда ҳам ўз самараларини бера бошлади. Бунинг натижасида Ўзбекистон иқтисодиётида ялпи ички маҳсулотнинг пасайиш суръатлари амалда тўхтатилди. Хусусан, 1995 йилда биринчи марта асосий тармоқлар, жумладан, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1994 йилга нисбатан ўсиш суръатига эришилиб, 100,2 %ни ташкил этди.

Асосий тармоқларидан ёқилғи-энергетика соҳасида натижалар 100,7 %, машинасозликда 124,6 %га чиқди. "Ўзавтосаноат" уюшмасининг йиллик кўрсаткичлари 250 %, "Ўзмашсаноат" уюшмасида 134,3 %, кимё саноатида 113,0 %, мебелсозлик саноатида 111,5 %га кўтарилди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1,5 % ўсди. 1995 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 1994 йилга нисбатан 2,3 % кўпроқ етиштирилди. Дехқончиликдаги ўсиш эса 5,6 % бўлди.

Мустақилликнинг беш йиллик тарихида биринчи марта барча манбалар ҳисобидан иқтисодга қўйилган сармоя - капитал маблағлар ўсиши 102 %ни ташкил қилди.

Олиб борилаётган самарали ислоҳотлар учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилиб, ўз навбатида, бу иқтисодий барқарорликка, унинг узлуксиз олға силжишига эришилди. Иқтисодиёт ва молия тизими барқарорлаштирилиб инфляция даражаси ўтган йилга нисбатан 3,7 марта қисқарди. Республика валюта биржасида сотилган эркин муомаладаги валюта ҳажми 1,3 миллиард доллардан ошди, бу 1994 йилдагидан 11 марта кўп демакдир.

Барча соҳа ва тармоқларда кучли ва манзилли ижтимоий сиёсат юритилиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг бутунлай янги тартиблари жорий этилиши ўтган даврда нафақат одамлар турмуш даражаси, балки уларнинг даромадлари ўсишига ҳам олиб келди. Аҳолининг реал даромадлари, инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ҳам, 1995 йили ундан олдинги йилга нисбатан тахминан 40 % ортди. Йил давомида ишчиларнинг ўртача иш ҳақи миқдори 3,7 марта, пенсиялар миқдори 3,6, стипендиялар миқдори эса 5,1 марта ортгани алоҳида аҳамият касб этади.

Эътиборли жиҳати, 1995 йилда иқтисодиётимизда давлатга қаршли бўлмаган секторнинг ривожига юксак суръатлар билан ўсди. Миллий даромаднинг 67 %и, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 97 %и, пудрат ишларининг 62 %и, товар айланмасининг 91 %и хусусий секторда яратилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчиликни мустаҳкамлаш, бозор

¹И.А. Каримов "Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари." Ўзбекистон Республикаси олий мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 1995 йил 23 февраль

инфратузилмасини шакллантиришга қаратилди, хусусан, 1997 йилдан бошлаб республикада тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес субъектлари учун барча солиқлар ўрнига ягона солиқ тўлашни назарда тутувчи соддалаштирилган тартиб жорий этилди.

2000-2008 йилларда макроиқтисодий барқарорлаштириш ва мунтазам иқтисодий ўсишга эришилганлик туфайли аҳоли турмуш даражаси тобора ўсиб, турмуш шароити янада яхшиланиб борди. Ишчи-ходимларнинг реал иш ҳақлари 2000-2003 йилларда ўртача 11-12 %га ўсган бўлса, 2007 йилда эса 27%га ўсди. Ҳар 3 йилда иш ҳақини 2-2,5 баробар ошириш бўйича қўйилган стратегик вазифага мувофиқ, 2007 йилда иш ҳақи миқдори 1,5 баробар, 2008 йилда эса 1,4 баробарга кўпайтирилди. 2008 йилда ўртача ойлик иш ҳақи, хўжалик субъектлари ва бюджет соҳаларини ҳисобга олганда, 300 АҚШ доллари миқдорига етди.

Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш Ўзбекистоннинг 2010-2011 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишига айланди.

Инқирозга қарши дастур қуйидаги йўналишларда амалга оширилди.

Биринчидан — корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш орқали.

Иккинчидан — жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун кўшимча омиллар яратилди.

Учинчидан — қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлилигини оширишга кенг эътибор қаратилди.

Тўртинчидан — электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини мамлакатда кенг жорий этилди.

Бешинчидан — жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда доир кенг кўламли маҳаллийлаштириш Дастури қабул қилинди.

Мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг “Ўзбек модели” жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзини амалда оқлаб, нақадар тўғри ва пухта эканини исботлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов: “Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга

оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди”, – деб таъкидлади.

Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш, бошланган таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, қишлоқларимиз қиёфасини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгартириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини, ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишга қаратилган ишларни изчил амалга ошириш вазифалари қўйилди ва булар тизимли равишда амалга оширилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Мазкур дастурда иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини янада оширишда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналари учун кенг қўлламли рағбатлантириш тизими назарда тутилиб, улар учун 2012 йилнинг 1 январигача қатор солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Шунингдек гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар бўшаган маблағларини ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкаси 50 %га қисқартирилди, тайёр ноозиқ-овқат товарларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарфойда ва мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналарягона солиқ тўловидан озод қилинди.

Жаҳон бозорида мамлакатимиз экспорт қиладиган айрим маҳсулотларга талаб нисбатан пасайган шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этди. Шу нуктаи назардан ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳалар ҳажмини 3-4 баробар кўпайтириш белгилаб олинди. Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда банк тизимини рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификациялаш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш каби мураккаб жараёнларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, пухта

Бугун биз Ўзбекистонимизда барпо этилаётган энг замонавий, улкан ва ноёб саноат объектлари билан ҳар томонлама фахрланишга ҳақлимиз. Айниқса, Сурғил кони негизида қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси каби объектларнинг фойдаланишга топширилаётгани, «Женерал моторс» компанияси билан ҳамкорликда автомобиль двигателлари ишлаб чиқарилаётгани, «МАН» компанияси иштирокида Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва автобуслар ишлаб чиқарадиган янги комплекс ташкил этилгани, шунингдек, Япониянинг «Исузу» компанияси билан биргаликда автобуслар ишлаб чиқарилаётгани, «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» масъулияти чекланган жамияти базасида «Дамас» ва «Орландо» энгил автомобиллари ишлаб чиқариш ўзлаштирилганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Ислон Каримов

ишлаб қабул қилиниши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этишда алоҳида эътибор қаратилди.

Бунинг натижасида Республикаимизда амалга оширилаётган чоратадбирлар натижасида иқтисодиётда юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносибликка эришилди. Бизнинг мустақилликка эришишдан олдинги ва ҳозирги турмушимизни қиёслаган диёнатли рус олимлари ҳам холис фикрларини айтишмоқда. Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза академияси ректори Евгений Кожокин: “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти биртомонлама ривожланган, хомашё етиштиришга йўналтирилган, ҳалокатли пахта яккаҳоқимлиги авжига чиққан, қолоқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси, жон бошига истеъмол даражаси паст бўлган республикадан янги ва улкан марраларни қўлга киритаётган, ҳар томонлама обод бўлиб бораётган мамлакатга айланди, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади”¹.

Ҳа. Советлар 74 йилда биз сўнгги 4 йилда ижтимоий соҳада қилган ишларни қила олмаган. Масалан, шаҳар билан қишлоқ тафовутини ҳал қила олишмади. (Аслида бунини иштасармиди?) Собиқ СССР республикаларида бу муаммо ҳали кун тартибига қўйилган эмас. Газеталарининг “Пойтахтда – XXIаср, 100 км юрсанг – XVIIIаср”, деб ёзаётгани одамнинг раҳмини келтиради.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон тобора шаҳарлашиб бораётир. Кўзларингизга ишонсангиз, қаранг: барча туманларимиздаги коллежлар, гузарлар, ҚВП, янги лойиҳадаги турар жойларни, оқилона инфраструктура, асфальт, темир йўлларни, яратилаётган қулайликларни кўрасиз.

Чекка қишлоқларда замонавий “маркет”лар, Интернет хоналари кўпаймоқда. Қишлоқларда тадбиркорлар савдо ва ҳордиқ масканлари курмоқдалар. Кечқурунлари катта экранларда миллий эстрада кўшиқларини, спорт мусобақаларини кўриб, болалари билан музқаймоқ еб, салқинлаб,

¹Мингйиллик режалари 88-бет.

яйраб дам олаётган ҳамқишлоқларни кўрасиз. Бу янгилик-яхшиликларни кўриб, ҳам ҳайрон қоласиз, ҳам қувонасиз.

Жаҳон молиявий инқирози ҳали тугамаган, йўғон – ингичка бўлиб, ингичка – узилаётган, энг ривожланган давлатлар ҳам инқироздан инграган пайтларда бу фаровонликнинг кадр-қимматини халқимиз юракдан ҳис қилмоқда. Чунки халқимиз: Буюк Британиянинг “Lloyds Banking Group” банки мавжуд иш ўринлари сонини 4500 тага қисқартиришини маълум қилганидан (“Халқ сўзи” газетаси, 2010.15.10); Францияда мамлакат касаба уюшмалари томонидан уюштирилган норозилик акцияларида 3 миллионгача киши иштирок этганидан; АҚШда сўнгги тўрт йилда 300дан кўпроқ молия ташкилотлари банкротга учраганидан (“Samarqand” газетаси. 2011.07.01); Мобил алоқа воситалари ишлаб чиқарувчи “Nokia” компанияси 1800 нафар ходимини ишдан озод қилишга жазм қилганидан (Халқ сўзи, 2010.23.10.) хабардор.

Назорат саволлари:

1. Фуқаролик жамиятини барпо этишда миллий ғоянинг ўрнини қандай баҳолаш мумкин?
2. Фуқаролик жамияти билан миллий ғоянинг асосий тушунчалари ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
3. Юрт тинчлиги ғоясининг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ва ролини изоҳлаб ўтинг?
4. Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги ғоясининг эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги аҳамиятини қандай изоҳлаш мумкин?
5. Мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш, унинг миқёсини кенгайтириш ишларини босқичма-босқич жорий қилиш қачон жорий қилина бошлади.

Тест саволлари:

1. **Ўзгарган тафаккур бу**
А. Ўзгартирилган тафаккур.
В. Демократик тафаккур.
С. Стихяли тафаккур.
D. Эркин тафаккур.

2. ...ҳар қандай жамият барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш учун ўз олдига қандай стратегик режа ва дастурларни қўямасин, ҳар қандай юксак орзу-интилишларни амалга оширишга киришмасин

А. агар тинчлик ва осойишталик бўлмаса, барча ҳаракатлари бефойда ва самарасиз бўлаверади.

В. агар эркинлик бўлмаса, демократик тараққиётга эришиб бўлмайди.

С. агар миллий хавфсизлик таъминланмаса, барқарор жамият тараққиётга эришиб бўлмайди

D. Барча жавоблар тўғри

3. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаида таъкидланганидек, “инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу”?

A. Тинч яшаш ҳуқуқидир.

B. Демократиянинг инсонпарварлигидир.

C. Тинчлик ва барқарорликни таъминлашдир.

D. Озод ва эркин яшашдир.

4. Бугунги дунёнинг турли минтақаларида нотинчликлар фониди Ўзбекистон тинчлик, осойишталик диёри бўлиб турибди. Хўш, нима учун?

A. Чунки истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб Республикамининг ташқи сиёсатиға тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди.

B. Чунки Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг бош тамойили – мамлакат суверенитетини ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборатдир.

C. Чунки мамлакатимиз ташқи сиёсатининг тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

D. Чунки ҳозирги замон халқаро муносабатлар тизимида юз бераётган ўзгаришларни Ўзбекистон манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолаш устувордир.

5. Ватан равнақи ғоясини амалға ошириш қўйида келтирилган қандай омилларға боғлиқ?

A. Ҳозирги ижтимоий бар-қарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, жамиятни бошқаришда оммавий ташкилотларнинг (хусусан, маҳалланинг) мавқеини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари ниҳоятда муҳим.

B. Ҳаётда демократик тамойилларнинг устуворлиги, муқобил партиялар, жамиятнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг ислохотчилик функцияси, аҳоли сиёсий онги ва маданиятини ошириш катта аҳамиятға эға.

C. Бозор муносабатларига хос муқобил мулкчиликнинг шаклланиши, иқтисодиётнинг таркибий тизимидаги ўзгаришлар, кичик ва ўрта бизнес, ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кучайтириш бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

D. Тарихий меросимизнинг тикланиши, аҳоли интеллектуал салоҳиятини ошириш, фан ва илмий муассасалар, санъат ва адабиётни ривожлантириш, комил инсонни тарбиялаш бўйича миллий таълим дастурининг қабул қилиниши ва изчил амалға оширилиши, халқаро маданий алоқаларни кучайтириш ҳам Ватан равнақиға хизмат қилади.

6. БМТ тавсияларига қўра фаровонлик бу

- A. Инсоннинг тараққиёт индекси.
- B. Тинчлик ва барқарорлик шarti.
- C. Хавфсизлик ва барқарорлик кафолати
- D. Барча жавоблар тўғри

7. Танлаб олинган стратегик мақсаддан келиб чиқиб, бозор муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш механизмини босқичма-босқич жорий этиш, иқтисодий эркинлаштириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида...

A. макроиқтисодий кўрсаткичларнинг пасайишига барҳам берилди. Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида, иқтисодий бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий негизи барпо этилди.

B. Ишлаб чиқариш суръати ва аҳоли турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига йўл қўйилмади, тўлов ҳолати яхшиланиб, ишлаб чиқаришнинг устувор тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилди.

C. Мулк тўғрисидаги, корхоналар, ишбилармонлик, ташқи иқтисодий фаолият, банклар ва банк фаолияти, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хўжалик жамиятлари ва бирлашмалари тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинди. Бунда иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асос ва механизмини шакллантиришни таъминловчи Президент Фармонлари ва Ҳукумат қарорлари чиқилди.

- D. Барча жавоблар тўғри

8. Амалга оширилган ислохотларни Президентимиз И.А.Каримов иқтисодий эришилган дастлабки натижалар сифатида қуйидагича изоҳлади:

A. макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширилиб пухта ишлаб чиқилган пул-кредит, бюджет ва аксиэмиссия сиёсатини қўллаб, нарх ўсиш суръатларини пасайтиришга, валютамуносабатларини мустақамлаш муаммоларини ечишга киришилди;

B. саноатни, умуман ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланиши оқибатида ишсизликни чегаралашга, меҳнат ресурсларининг банд бўлишига, уларнинг даромади ва бюджет даромадини барқарорлаштиришга олиб келди.

C. давлатимиз иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишини назарда тутиб, халқимизнинг эҳтиёжини қондирадиган ғалла, дон, гўшт, сут маҳсулотларини четдан олиб келишни кескин камайтирилди. Нефть ва нефть маҳсулотларини қўшни давлатлардан олиб келишни камайтириш сари ҳал қилувчи қадам қўйилди. Хорижий сармояларни мамлакатимизга жалб этиш учун кенг имкониятлар ва муҳим шарт-шароитларни яратилди.

- D. Барча жавоблар тўғри.

9. Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш Ўзбекистоннинг 2010-2011 йилларда ижтимоий-иқтисодий

ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишига айланди. Бунда инқирозга қарши дастур қуйида кўрсатилган қайси йўналишларда амалга оширилди.

А. Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш орқали. Жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратилди.

В. Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлилигини оширишга кенг эътибор қаратилди. Электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини мамлакатда кенг жорий этилди.

С. Жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда доир кенг қўламли маҳаллийлаштириш Дастури қабул қилинди. Мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг “Ўзбек модели” жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзини амалда оқлаб, нақадар тўғри ва пухта эканини исботлади.

Д. Барча жавоблар тўғри.

10. Миллий истиқлол ғояси кимнинг манфаатларини ифодалайди?

- А. Сиёсий партияларни
- В. Ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг
- С. Бутун ҳалқимизнинг
- Д. Маҳаллийчилик

15-МАВЗУ: ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ВА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АЪЗОЛАРИНИНГ МУҲИМ ФАЗИЛАТИ

Режа:

- 1. Юксак маънавият ва дахлдорлик ҳисси, фуқаролик жамияти қуришнинг ўзаро боғлиқлиги, тушунчаси, мазмун-моҳияти**
- 2. Маънавият ва дахлдорлик ҳисси фуқаролик жамияти ривожининг муҳим омили**
- 3. Миллий ғоя ва дахлдорлик ҳисси фуқаролик жамияти ривожланишининг муҳим шарти**
- 4. Маънавий таҳдидларнинг олдини олишда дахлдорлик ҳисси – фуқаролик жамияти аъзоларининг муҳим фазилати**

Таянч сўзлар: “Маънавият”, “юксак маънавият”, фуқаролик жамияти, дахлдорлик ҳисси, маънавий тикланиш ва юксалиш, маънавиятни шакллантирувчи мезонлар, глобаллашув, маънавий таҳдидлар, фуқаролик жамиятини ривожланишида инсон омили, фуқаролик жамияти негизлари, миллий маънавий мерос ва қадриятлар, демократик умуминсоний принциплар.

1. Маънавият ва дахлдорлик ҳисси фуқаролик жамияти ривожининг муҳим омили

Фуқаролик жамиятини қуриш унинг маънавий негизлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечади. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлади. Мустақиллик туфайли жамиятимиз маънавий негизларига алоҳида эътибор қаратилди. Собиқ совет давлатининг маънавиятга нисбатан писандсизлик билан қараш сиёсатиға барҳам берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари маънавият ва фуқаролик жамиятини ўзаро боғлиқлигини тушунишда муҳим аҳамиятга эга. “Ўтган давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ана шундай иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўхна қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият қуриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим¹”.

¹И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 6-7 б.

“Маънавият” тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифлари мавжуд. Ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этганбу тушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиққан ҳолдатурлича таъриф ва тавсифлар бериши табиий. Шунинг учун ҳам бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотларда бир-биридан фарқ қиладиган фикр-мулоҳазаларни учратганда бундан таажжубланмасдан, уларни ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳада тарзи ифодаси сифатида қабул қилиш ўринлидир. Президентимиз И.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида маънавиятга қуйидагича таъриф беради: “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир¹”. Дахлдорлик ҳисси эса фуқароларнинг туғилган жойи, она Ватани, мустақилликни англаш, уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш, уни янада ривожлантиришга чорлайдиган, шарт-шароит, омиллар мажмуидир.

Мен, ўзбекистонлик, Ўзбекистон фуқароси деб билган ҳар бир киши шу туйғу билан яшаши, интилиши, фаолиятда бўлиши зарур.

Дахлдорлик ҳисси:

- 1) Инсонга атрофдаги одамларга нисбатан дахлдорлик;
- 2) Оилага дахлдорлик;
- 3) Махаллага дахлдорлик;
- 4) Миллатга дахлдорлик;
- 5) Мамлакатга, Ватанга дахлдорликни ҳис этиш билан боғлиқ

ҳолатлардир.

Инсоннинг маънавий оламининг юксалиши ва дахлдорлик ҳисси фуқаролик жамияти қуриш вазифаларини амалга ошириш билан узвий боғлиқ. Фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштироки уларнинг ички дунёси ва иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қилишда ёрқин намоён бўлади. Инсоннинг жамият ҳаётига муносабати, қонунларни ҳурмат қилиши, адолат тамойилларига амал қилиши, инсонни қадрлаши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб билиши, ҳалол ва пок яшаши уларнинг юксак маънавий дунёси ва дахлдорлик ҳиссининг амалий ифодаси эканлигини ҳисобга олиш лозим. Фуқаролик жамияти қурилиши шу маънода инсоннинг юксак маънавий ҳамда дахлдорлик ҳисси фазилатлари билан узвий боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Фуқаролик жамияти – ижтимоий макондир. У фуқароларнинг давлат ва жамият муносабатларида аниқ намоён бўлади. Фуқаролик жамияти – фуқароларнинг тегишли фуқаролик жамияти институтлари орқали давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши таъминланган жамиятдир. У тегишли қонунлар билан тартибга солинади ва амалга оширилади. Фуқаролик жамияти шу маънода демократик жамият

¹ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 19 б.

қуришнинг муҳим шартидир. Жамиятнинг маънавияти ва дахлдорлик ҳиссиқанча юксалиб борса, фуқаролик жамиятини ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш имкониятлари шунча ошиб боради. “Юксак маънавият” тушунчаси жамиятнинг маънавий тараққиёт даражасини белгилайдиган ўзига хос мезони ҳисобланади. У жамиятдаги ҳар бир инсоннинг руҳий олами, ички дунёси, имон-эътиқоди ва қарашларининг мезони сифатида жамият ҳаётининг ўзига хос фазилатларини намоён этади. Юксак маънавият жамиятнинг миллий маънавий мероси ва қадриятлари ҳамда илм-фан ривожи, демократик жамият қуриш тажрибаси, ютуқлари билан узвий боғлиқ бўлади.

Фуқаролик жамияти қурилиши маънавиятни англаш ва дахлдорлик ҳисси, уни шакллантирувчи мезонлар билан боғлиқ. Фуқаролик жамияти қурилиши ҳар бир халқнинг миллий-маънавий мероси ва қадриятлари билан боғлиқ ўзига хос миллий хусусиятларга таянади ҳамда дунё халқларининг эришган ютуқларини ҳисобга олади. Маънавият инсоннинг қон-қони, суяк-суягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аجدодлар ўғити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб сингиб боради. Айниқса, табиатга, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнатқилиш, дунёнинг тенгсизнеъмат ва гўзалликларидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озик беради, уни янада кучайтиради.

Жаҳон халқлари тажрибаси, уларнинг босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўллари, бу борадаги сабоқ ва хулосалар шундан далолат берадики, қаерда давлат ва жамият тараққий топса, халқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши, ўз олдига эзгу ва буюк мақсадлар қўйиб яшашни учунетарли шарт-шароитлар яратилган бўлса, ўша ерда эркин фикрлаш муҳити ва шу асосда маънавий юксалиш ва дахлдорлик ҳиссини англаш учун янги имкониятлар туғилади.

Умуман олганда, инсоният тарихи маънавият –инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр оқибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди. Ер зиди қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. Шунинг учун ҳам ўзлигини, инсоний қадр-қимматини англаб етган ҳар қандай одам бу ҳақда ўйламасдан яшашини тасаввур қилиш қийин. Миллий маънавиятни юксалтириш асосий вазифа ҳисобланади. Бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг фуқаролик жамиятида қандай ўрин тутишини яхши англаб олиш мақсадга мувофиқ. Президентимиз И.Каримов ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини таъкидлаб, бу борада **маънавий мерос, маданий бойликлар,**

кўхна тарихий ёдгорликлар¹ энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди.

2. Маънавият ва дахлдорлик ҳисси фуқаролик жамияти ривожининг муҳим омили

Маънавият ва дахлдорлик ҳиссинсон ва жамият ҳаётида, унинг янгилашиш ҳамда демократик фуқаролик жамияти мақсад ва вазифаларини амалга оширишда муҳим омил ҳисобланади. Мустақиллик Ўзбекистон жамияти янгилашишида янги даврни бошлаб берди. Жамият ривожланишини бир томонлама тушунишяъни моддий омилни мутлоқлаштиришга барҳам берилди. Жамият ҳаётида “маънавий ва моддий ҳаёт” уйғунлиги (И.Каримов) нуқтаи назардан ёндошиш ўзига хос қонуниятдир. Бу моддий эҳтиёжларининсоннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйишларга барҳам берди.

Жамият ривожидида маънавий ва моддий омилларнинг ўзаро боғлиқлигига асосланади. Бу фуқаролик жамиятининг ижтимоий, иқтисодий асосларини, бозор иқтисоди қонунларини тўғри тушунишга имконият беради. Чунки ҳамма нарса давлат мулки бўлган эски тузумда хусусий мулкка эга бўлиш, тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланиш бизга бегона бўлган тушунчалар сифатида баҳоланган эди. Бугунги кунда эса хусусий мулк тушунчасига нисбатан муносабат қандай ўзгариб, ҳаётимиздан қанчалар чуқур жой олиб бормоқда.

Маънавият инсонни улғайиш ва куч қувват манбаидир. Бу инсоннинг руҳий покланиш ва қалбан улғайиши билан боғлиқ. Ҳаётда ҳар хил одамлар учрайди. Уларнинг маънан ҳалол, пок яшайдиган одамларга ҳамда аксинча маънан заиф, ҳалол ва пок яшамайдиган одамлар ҳам мавжуд. Аммо маънавиятни барқарорлиги ҳам ана шундай ҳалол-пок ниятли инсонларнинг борлиги туфайлидир. Фуқаролик жамиятини қуриш ва ривожлантириш эзгу мақсад. Уфуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштироки билан узвий боғлиқ. Фуқаролик жамияти ана шундай одамларнинг юксак маънавияти, дахлдорлик ҳиссига, олий мақсадларига таянади.

Бундай одамлар ўзларининг эзгу ғоя ва амаллари билан фуқаролик жамияти институтларида фаол иштирок этади. Бу институтлар: 1) ННТ, 2) жамоат бирлашмалари; 3) турли хил жамғармалар; 4) маҳалла; 5) оила; 6) ОАВ; 7) турли хил ижтимоий ҳаракатлар ва б. Фуқаролик жамияти институтлари манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашади, унга хизмат қилади. Бу билан боғлиқ турли хил қонунларнинг ижросини таъминлайди.

Бунга юксак маънавият, таълим-тарбия ва чуқур дахлдорлик ҳисси орқали эришиш мумкин. Илм-фан, адабиёт, санъат, халқимизнинг бой маънавий мероси, кадриятларини ўрганиш ва хурматқилишорқали фуқаролик жамияти миллий-маънавий ва умуминсоний негизларининг ўзаро муштарак ҳолда ривожланишини таъминлаш мумкин. Бу юксак

¹ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 29-30 б.

маънавият ва дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда оиланинг ўрни бекиёсдир. Оила эса фуқаролик жамиятининг муҳим бўғинидир.

Шу билан бирга, дахлдорлик ҳиссини оширишга таъсир кўрсатадиган омиллар:

- 1) Юксак маънавият;
- 2) Маънавий салоҳият;
- 3) Илм-фанга муҳаббат;
- 4) Касб-ҳунарни севиш;
- 5) Ҳозирги замон ахборот технологиялар ютуқларини билиш;
- 6) Миллий ўзликни англаш;
- 7) Миллий-маънавий меросни ҳурмат қилиш, унга ишонч ва эътиқод;
- 8) Умуминсоний демократик қадриятларни эътироф этиш, унга муносабат;
- 9) Қонунни ҳурмат қилиш ва унга амал қилиш¹ туйғуси;
- 10) Миллий ғояга бўлган ишонч ва эътиқодни мустаҳкам бўлиши дахлдорлик ҳислатини оширувчи омиллардир.

Мустақиллик йилларида “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси амалга оширилди. Кучли фуқаролик жамияти: 1) инсон манфаатларининг устуворлигига; 2) инсонларнинг юксак маънавиятига; 3) қонун устуворлигига; 4) давлатнинг бош ислоҳотчилик ролига; 5) сиёсий плюрализмга; 6) мафкуравий плюрализмга; 7) фикрлар хилма-хиллигига; 8) демократик сайлов принципларига ва бошқаларга асосланади. Бу фуқаролардан юксак масъулият, дахлдорлик ҳисси, демократик онг ва тафаккур талаб этади.

Маънавият доимий ва узлуксиз равишда иш олиб боришни тақозо этади. Бунда инсон қалбига йўл топа олиш унинг муҳим талаби ва мезонидир. Бунда таълим-тарбия, матбуот, телевидение, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатининг инсон онги ва қалбига таъсири мавжуд. Улар фуқароларда юксак маънавий туйғуларни ҳамда дахлдорлик ҳиссини шакллантиради ва ривожлантиришга хизмат қилади. Уларни фуқаролик жамиятини қуриш мақсадларига чорлайди, бирлаштиради ва сафарбар этади. Президент И.А.Каримовнинг “Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасидабоқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак²” каби фикрлари фикримизнинг яна бир бор тасдиқлайди.

Шунинг учун ҳам юксак маънавиятли одам жасоратли бўлади. Энг буюк жасорат – маънавий жасоратдир (И.Каримов). Юксак маънавиятли инсонни энгиб бўлмайди, у энгилмас кучга эга. Инсоннинг буюк жасорати

¹Қаранг: И.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Кнституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқи. Халқ сўзи. 8 декабрь 2015 йил.

²И.Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 139-140 б.

она юртимиз бахту икболи, буюк келажаги йўлида хизмат қилиши энг олий саодат¹ деб билади.

Жамиятда қонунийлик, қонун устуворлигини тўлиқ таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири – бу одамларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни шу руҳда камол топтириш, фуқароларнинг қонунни пухта билиши, юксак ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлишидан иборат.

Демократик ривожланган, тараққий топган давлатлар қаторига кўтарилиш муҳим мақсадлардан биридир. Яъни, демократия йўлига кириш аввало аҳолининг онгу савиясини ўзгартиришни, тоталитар, зўравонлик тизимидан мерос бўлиб қолган қолдиқлар ва қолиплардан воз кечишни сўзда эмас, кундалик ҳаётда таъминлашни талаб қилади. Бу эса албатта бир кунлик осон иш эмас – бунга вақт керак, янги ҳаётни ўз юртида қурмоқчи бўлган ҳар қайси инсон шунга астойдил интилиши зарур. Аввалобумақсадунинг онгутафаккуридамуштаҳкамўринтопиши зарур.

3. Миллий ғоя ва дахлдорлик ҳисси фуқаролик жамияти ривожланишининг муҳим шarti

Миллий ғоя ва дахлдорлик ҳисси фуқаролик жамияти ривожини билан узвий боғлиқ. Миллий ғоянинг асосий ғоялари, бош мақсади фуқаролик жамияти ривожланишида ўзининг аниқ ифодасини топади. Миллий ғоя жамият мафқураси сифатида Ўзбекистон жамияти ҳаёти билан боғлиқ. У ўзининг миллий ва умуминсоний негизлари билан умумбашарий маъно ва мазмун касб этади.

“Миллий ғоя – аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадлари йиғиндисидир²”. Шундай экан, миллий ғоя ва дахлдорлик ҳисси билан фуқаролик жамияти ривожини мақсадлари ўзаро муштарак. Миллий ғоя Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожига хизмат қилади. Фуқароларни ана шу мақсад атрофида ўзаро ҳамжиҳат бўлиб, жамият ҳаётида фаол иштирок этишга сафарбар этади.

Миллий ғоя жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий ҳаётида ўзининг ифодасини топади ҳамда муайян ўзгаришларни, мақсадларни амалга оширишга муҳим омил сифатида таъсир кўрсатади. Бу, биринчидан, миллий ғоя Ўзбекистоннинг асосий мақсадларини ифода этади. У фуқароларни фуқаролик жамияти ривожини вазифаларини амалга оширишга ундовчи, дахлдорлик ҳиссини ривожлантирувчи маънавий омил бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, “миллий ғоя” тушунчаси маъно-мазмуни билан фуқаролик жамияти ривожланиши мақсадларини ўзида иода этади. У билан муштаракдир.

¹Қаранг: И.Каримов. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015, 4-б.

²И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 29-30 б.

Учинчидан, “фуқаролик жамияти” тушунчаси кенгмаъно ва мазмунга эга бўлиб, турли мамлакатларда турдича талқин эти келинган. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланиши мақсадлари умуминсоний тамойилларга ҳамда миллий-маданий меросимизга таянган ҳолда амалга оширилиши миллий ғояда ўзинингифодасини топган.

Тўртинчидан, мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлади. Айни пайтда дунёда эътироф этилган демократик тамойилларга таянган ҳолда фуқаролик жамияти ривожини вазибаларини амалга оширади.

Фуқаролик жамияти ривожланишидаги умуминсоний кадриятларни эътироф этиш ҳам, миллий-маънавий кадриятларга таяниш ҳам ҳарбир халқнинг, мамлакатнинг миллий ғояси орқали амалга ошади. Шу маънода, инсонлар, халқлар ва жамиятларнинг мақсадлари миллий ғоя сифатида муҳим аҳамият касбэтади. Чунки жамият ғоясиз яшай олмайди. Ғоя халқнинг орзулари, унинг ривожланиш мақсадини кўрсатиб туради.

Фуқаролик жамияти миллий ғоянинг миллий ва умуминсоний негизларга таянишида чуқур фалсафий маъно бор. Бу бир томондан, халқимизнинг миллий руҳияти, хоҳиш-иродаси, тарихий-маънавий кадриятлари, анъаналарига таяниб, уни янада бойитиб боришини англатади; иккинчидан, умумбашарий кадриятларни эътироф этади ва ундан озиқланишини билдиради. Бу фуқаролик жамияти ривожланишининг, эркин демократик жамиятнинг устувор мақсадларини ҳар бир ватандошимиз томонидан аниқ идрок этилишида, фуқаролик жамиятининг миллий ғоявий негизларини ҳамда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий асосларини нималардан иборат эканлигини кўрсатиб беради.

Миллий ғоянинг мақсади мамлакатимизда яшайдиганбарча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъий назар, муносиб ҳаёт шароитига эга бўлиш, кафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Шунинг учун ҳам миллий ғоянинг бош ғояси “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” мақсади фуқаролик жамияти ривожини билан ўзаро муштарак. Унда Ўзбекистон ҳар бир фуқаросининг мақсад ва манфаатлари мужассамлашган. Бунинг фуқаролар томонидан аниқ идрок этиб олинишиуларни мамлакатолдида турган фуқаролик жамияти ривожимақсадларигаўналтиришдасафарбарэтувчилик қувватига эга.

Бунда ўзига хос қуйидаги қонуният мужассамлашади: миллий ғоя кенг жамоатчиликнинг ишонч ва эътиқодига айланиб, улар ўзларининг амалий фаолиятларида унга таяниб, яшаш кўникмаларига қанча мустаҳкам боғланган бўлсалар, мамлакат шунчалик кучли, фуқаролик жамиятинингмаънавий асоси эса мустаҳкам бўлади. Чунки шунда миллий ғоянинг: фуқаролик жамияти, эркин, демократик жамият қуриш мақсадларига ишонтира олганлик даражаси ва дахлдорлик ҳиссиюқори эканлигини билдиради;бу ишонч асосида жамоатчиликда мамлакат олдида турган умумий мақсад йўлида шунча мустаҳкам бирлашган бўлади; Фуқароларнинг уюшганлик ҳолати қанча юқори бўлса, уларнинг

фуқаролик жамияти ривожини билан боғлиқ мақсадларни амалга оширишда ўзларининг ички салоҳиятларини сафарбар этиш, уни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга йўналтиришга хоҳиш-иштиги шунча юқори бўлади.

Фуқаролик жамияти давлат ва жамият қурилишида фуқароларнинг фаол иштироки, фуқаролик институтлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик бирлашмаларининг жамият олдида турган мақсадларни амалга оширишида фаоллиги ва масъулиятли иштироки билан ўзвий боғлиқ ва устуворлик касб этади. Демак фуқаролик институтларининг ривожланиши фуқаролар фаоллиги, сиёсий онг ва маданият юқори бўлган ҳолда, яъни уларнинг жамиятнинг бугунги ва эртанги қуни учун қайғуриши, мамлакат миқёсида амалга борадиган бор жойда у кўпроқ илдиз отиб боради, айрим салбий қусурларимизнинг ҳам барҳам топиб боришига ундайди. Фуқароларнинг ўзаро жипслиги, уларнинг инсоний ўзлигини амалга оширишга ҳам боғлиқ. Ана шу фаолият орқали ҳар бир кишининг Ватан раънақини ўйлаш, унга ўз хиссасини қўшиш, мустақилликни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш маънавияти намоён бўлади.

4. Маънавий таҳдидларнинг олдини олишда дахлдорлик ҳисси – фуқаролик жамияти аъзоларининг муҳим фазилати

Мамлакатимизда демократик жамият, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш маънавий ҳаётдаги муҳим ўзгаришлар ва янгиликлар билан боғлиқ ҳолда кечади. Бунга глобаллашув даври ҳам ўзининг бевосита ва билвосита таъсирини кўрсатмоқда. Маълумки глобаллашув сўзи “global” сўздан олинган бўлиб, ер шари маъносини билдиради. Глобал ўзгаришлар, объектив жараёни, у ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига ўзининг таъсирини ўтказмоқда.

У ижобий ва салбий жиҳатларига эга. Маълумки, инсонлар маънавий ҳаёт шароити, имкониятларини янада ошириш билан бирга, айни пайтда маънавиятга таҳдид солувчи айрим салбий оқибатларга ҳам олиб келмоқда. Бу глобал ютуқлардан қандай мақсадда ва ким томонидан қандай мақсадда фойдаланиши билан бевосита боғлиқ. Дахлдорлик ҳисси фуқароликни амалга ошириш, фуқаролик масъулияти, инсонларни инсон сифатида қадрлаш, унинг ҳаётига, шаъни, кадр-қимматини, дахлсизлигини ҳурмат қилиш туйғулари билан мужассам ҳолда амалда намоён бўлишини ҳисобга олсак, дахлдорлик ҳиссига салбий таъсир этувчи омиллар қаторига қуйидагиларни қўшиш мумкин:

Ўзбўларчилик; оммавий маданият; бепарволик; лоқайдлик; сотқинлик; худбинлик; маҳаллийчилик; уруғ-аймоғчилик; коррупция; қонунни ҳурмат қилмаслик; ватансизлик.

Ана шундай глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони амалга оширишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янги маъно-мазмундаги ҳужалик,

ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шакллашини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этади.

Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак — бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас.

Шу маънода, глобаллашув — бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир¹.

Глобал ўзгаришлардан маънавий ҳаётда носоғлом мақсадларда фойдаланишга уриниш, маънавий таҳдидларга, ахборот хуружларини ортишига, “оммавий маданият” ва мафкуравий курашларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Дунёда айрим халқларнинг маданиятидан, миллий ўзлигидан бегоналштириш орқали уларнинг келажагидан маҳрум этишга уринилмоқда. Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий кадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади².

Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин.

Бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади³.

Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва инфорацион хуружларни назарда тутиш лозим⁴.

Ахборот хуружлари миллий маънавиятимиз негизларига қарши қаратилганлиги билан характерлидир. Ёлғон ва сохта ахборотларни тарқатиш орқали фуқаролар онгиниманипуляция қилиш йўли билан уларни миллий маънавий мероси ва кадриятларига нисбатан қарашларини ўзгартиришга ҳаракат қилиб, мамлакатни ичидан заифлаштиришга ва беқарорлик келтириб чиқаришга уринишлар бўлаётганлигини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари мафкура соҳосида ҳам курашлар давом этмоқда. Турли хил ғоя ва қарашлар ўртасида кураш ҳамон сақланиб қолмоқда. Бунда “ғояга қарши ғоя, фикрга

¹И.Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 110 б.

²И.Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 11 б.

³И.Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 12 б.

⁴И.Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 13-14 б.

қарши фикр билан, жаҳолатга қарши маърифат билан” жавоб бериш орқали ёвуз ва тажавузкор ғояларнинг олдини олиш мумкин. Ёшларда бунинг учун мустақил фикр ва қарашларни шакллантиришга алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга. Чунки фикри бор бўлса, у фикр билан фикрни, ғоя билан ғояни фарқига бора олади. Мафкуравий курашларнинг кучайиши ёт ва зарарли ғояларнинг кириб келиши фуқаролик жамияти мақсадларига ва негизларига тўғри келмайди. Ёт ва зарарли ғоялар миллий-маънавий қадриятларга ҳам уумэтироф этилган демократик қадриятларга ҳам зид. У фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, инсонни олий қадрият сифатида эътироф этиш мақсадларига мутлақо зид. Бу фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши каби мақсадларни амалга ошириш бундай ёвуз ғояларни олдини олишни тақозо этади. Ҳозирги дунёда “оммавий маданият” кўринишидаги турли хил зарарли ғоялар ва ахлоқсизлик кўринишларини ахлоқ деб ҳисоблашга бўлган уринишлар умумэтироф этилган ахлоқий нормаларга, хулқ-атвор принципларига зидлиги билан ҳамфуқаролик жамияти мақсадларига, озод ва эркин шахс маънавиятига тўғри келмайди. Глобаллашув давридаги бундай сохта ва бир томонлама мафкуравий хуружлар ва ахборот кўринишларини тарқатишга уриниш маънавиятимизга таҳдид эканлигини ҳисобга олиш лозим. Бундай зарарли ғояларга нисбатан бепарқ қараб бўлмайди. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади”¹.

Глобаллашув даврида маънавий таҳдидларнинг олдини олиш мамлакатимизда белгиланган фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадаларига тўғри келади. Бунда фуқароларнинг юксак маънавиятини шакллантириш орқали уларнинг миллий-маънавий қадриятларига, тарихий меросимизга, демократик қадриятларга бўлган ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлаш орқали зарарли ғояларнинг олдини олиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юксак маънавият ва дахлдорлик ҳисси маънавиятни инсон ва жамият ҳаётида, фуқаролик жамияти қурилиши мақсад ва вазифаларини тушунишда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Юксак маънавият ва фуқаролик жамиятининг ўзаро боғлиқлигини қуйидаги йўналишлар орқали кўриш мумкин:

1) Маънавият инсонга хос хусусият, маънавиятни тушуниш учун инсонни билиш зарур;

2) Инсоннинг маънавият даражаси унинг дахлдорлик ҳиссини белгилайди. Инсоннинг маънавияти ҳамда дахлдорлик ҳисси қанча юқори бўлса, унинг фуқаролик жамияти масъулиятини, мақсад ва вазифаларини тушуниши ҳамда иштироки шунча юқори бўлади;

¹ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 116 б

3) Инсон маънавиятли ва дахлдорлик ҳисси юқори бўлса, миллий-маънавий мерос ва қадриятларни ҳурмат қилади, унга содиқ бўлади. Бу фуқаролик жамияти учун муҳим негиздир;

4) Инсоннинг қонунларни ҳурмат қилиши, амал қилиб, унинг ижросини таъминлаши ҳам юксак маънавиятиҳамда дахлдорлик ҳиссимезонидир;

5) Миллий ғоя мақсадлари билан фуқаролик жамияти мақсадлари муштарак;

6) Юксак маънавиятли шахс озод ва эркин шахс маънавиятидир. Озод ва эркин шахс эса фуқаролик жамиятининг фаол иштирокчидир, бунёдкордир;

7) Маънавий таҳдидлар – инсоннинг ўзлигига, маънавиятига таҳдиддир. Шунинг учун ҳам инсонни унинг ҳар қандай кўринишидан ҳимоя қилиш фуқаролик жамияти ривожланишининг устувор мақсадларига тўғри келади. Дахлдорлик ҳиссининг юқори бўлиши инсонларга хос муҳим фазилатдир.

Назорат саволлари:

1. Юксак маънавият тушунчаси, маъно – мазмуни.
2. Юксак маънавиятнинг фуқаролик жамияти билан боғлиқлиги.
3. Юксак маънавият ва фуқароларнинг дахлдорлик ҳисси.
4. Дахлдорлик ҳиссига таъсир кўрсатувчи маънавий омиллар.
5. Дахлдорлик ҳиссини англаш – фазилат эканлиги.

Тест саволлари:

1. Маънавият нима?

- A. Инсонни руҳан поқлайдиган, қалбини уйғотадиган куч
- B. Одамнинг ички дунёси
- C. Одамнинг иродасини бақувват, иймон эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч
- D. *Барча жавоблар тўғри

2. Инсоннинг маънавий даражасининг энг юқори даражасини аниқланг

- A. *Юксак маънавиятчилик
- B. Ўртача маънавият
- C. Қуйи маънавият
- D. Паст маънавият

3. Дахлдорлик ҳиссини белгиловчи омиллар тўғри берилган қаторни топинг.

- A. Инсонга атрофдаги одамларга, оилага, маҳаллага дахлдорлик;
- B. Миллатга дахлдорлик; оилага, қонунларга дахлдорлик;
- C. Инсонга, ишига, ўзлигига дахлдорлик;
- D. *барча жавоблар тўғри.

4. Юксак маънавиятнинг кучи нимада?

- A. *Енгилмас куч эканлигида
- B. Миллий мерос билан боғлиқлигида
- C. Виждонни уйғоқлигида
- D. Иймонни бутунлигида

5. Юксак маънавият ва фуқаролик жамиятининг боғлиқлиги нимада?

- A. Инсон фуқаролик жамиятининг муҳим омили
- B. Инсоннинг маънавий даражаси фуқаролик жамиятига таъсир кўрсатади
- C. Юксак маънавиятли инсон жамият олдида турган мақсадларга бефарқ эмас

D. *барча жавоблар тўғри

6. Фуқаролик жамияти ривожини нимага таянади?

- A. Инсон маънавиятига;
- B. Миллий маънавий мерос ва қадриятларга;
- C. Умуминсоний демократик принципларга
- D. *барча жавоблар тўғри

7. Фуқаролик жамияти ривожини маънавий ва моддий ҳаёт муносабати қандай бўлиши зарур?

- A. Моддий ҳаёт устун;
- B. Маънавий ҳаёт устун;
- C. *маънавий ва моддий ҳаёт уйғун
- D. Барча жавоблар тўғри

8. Фуқаролик жамияти нима?

- A. *фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштироки
- B. Маҳалла
- C. ННТ
- D. Оила

9. Маънавиятга таҳдид фуқаролик жамиятига ҳам таҳдид эканлиги нимада?

- A. Инсонни ўзлигидан бегоналаштиради
- B. Инсонни жамият ҳаётига нисбатан лоқайдликка, бефарқликка ундайди;
- C. Инсонни руҳан заифлаштиради
- D. *барча жавоблар тўғри

10. Дахлдорлик ҳиссига салбий таъсир этувчи омилларни аниқланг.

- A. Ўзбўларчилик; оммавий маданият; бепарволик; ватансизлик;
- B. лоқайдлик; сотқинлик; худбинлик; маҳаллийчилик;
- C. уруғ-аймоғчилик; коррупция; қонунни ҳурмат қилмаслик;
- D. *барча жавоблар тўғри

16 МАВЗУ: ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИ ВА ЎРНИ

Режа:

- 1. Ўзбекистонда кўппартиявийликнинг ривожланиши**
- 2. Сиёсий партиялар ҳуқуқий мақоми ва вазифалари**
- 3. Демократик институтлар таснифи**

Таянч сўзлар: кўппартиявийлик, сиёсий партия, демократик институтлар, парламентдаги кўпчилик, демократик кучлар блоки, парламентдаги муҳолифат.

1. Ўзбекистонда кўппартиявийликнинг ривожланиши

Кўппартиявийлик замонавий демократик жамиятлар сиёсий ҳаётини ташкил қилишнинг асосий конституциявий тамойилларидан бири ҳисобланади. Айнан кўппартиявийлик туфайли демократиянинг сиёсий плюрализм, қонун устуворлиги, имкониятлар тенглиги каби асоскор тамойилларини ўзида мужассам этган сиёсий партиялар ва уларнинг вакиллари ўртасида доимий мулоқот таъминланади.

Мамлакат сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришда, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсоннинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариши учун тегишли шарт-шароит яратишда, одамларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини ривожлантириш ва амалда намоён қилишда, жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини ривожлантириш ва амалда намоён қилишда, жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантиришда кўппартиявийлик тизими муҳим роль ўйнайди.

Кўппартиявийлик тизимини янада мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобатни ривожлантириш учун партия ўз электоратига эга бўлмоғи, **“давлат ва жамият қурилишининг асосий масалалари, мамлакатда юритилаётган ички ва ташқи сиёсат бўйича аниқ-равшан позицияси билан, сайловда мазкур партия учун овоз берадиган одамлар манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга қодирлиги билан сайловчилар ўртасида обрў”**¹ қозонмоғи энг муҳим шартлардан ҳисобланади.

¹И.А.Каримов. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Т., “Ўзбекистан”, 2013

Шунингдек, мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, **“ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш”**¹ изчил амалга оширилаётган демократик янгиланишларнинг муҳим омили ҳисобланади.

“Партия” сўзи латинча “part” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “иш”, “қисм” деган маъноларни англатади. Сиёсий партия — аҳолининг, синфнинг, ижтимоий қатлам ёки қатламларнинг бир қисми. Илмий нуқтаи назардан

Сиёсий партия жамоат бирлашмаси шаклида ташкил этилувчи ва фаолият юритувчи фуқаролик жамиятининг ўзига хос институти бўлиб, у муҳим ижтимоий-сиёсий ва вакиллик вазифаларини амалга оширади.

сиёсий партиялар учун берилган қуйидаги таърифни асос сифатида қабул қилиш мумкин: **сиёсий партия**– фуқароларнинг энг фаол, муштарак мафкура асосида боғланган, давлат ҳокимиятини қўлга киритиш, уни сақлаб қолиш ва амалга оширишга интилувчи қисми, ихтиёрий иттифоқи. Сиёсий партиялар жамоат

бирлашмаси шаклида ташкил этилувчи ва фаолият юритувчи фуқаролик жамиятининг ўзига хос институти бўлиб, у муҳим ижтимоий-сиёсий ва вакиллик вазифаларини амалга оширади.

Замонавий сиёсатшуносликда сиёсий партиянинг ўзига хослигини ифодаловчи қуйидаги бир қатор жиҳатлари ажратиб кўрсатилади:

- ҳар қандай партия аҳоли гуруҳлари ва аниқ ижтимоий қатламнинг манфаат ва интилишларини ифода этувчи *мафкура эгаси ва унинг тарғиботчиси* ҳисобланади;

- сиёсий партия – кишиларнинг *тартибли ва давомли бирлашувини таъминловчи* республика, вилоят, туман ва шаҳар даражасида фаолият юритувчи ташкилотдир;

- *сиёсий партиянинг мақсади* – ўзининг электорати манфаатларини ифодаловчи дастурий мақсадларини илгари суриш имкониятига эга бўлиш учун давлат ҳокимияти вакиллик органларида кўпчилик ўринни эгаллаш ҳисобланади;

- ҳар бир сиёсий партия ўзининг хайрихоҳлари сафини кенгайтиришга ҳаракат қилади, яъни сайловлар даврида имкон қадар кўпроқ сайловчиларни ўз томонига оғдириш бўйича иш олиб борса, сайловлар оралиғида эса партияга тарафдорларни жалб қилиш ҳамда уларнинг таркибидан партия

¹И.А.Каримов. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилidir. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Т., “Ўзбекистан”, 2013

аъзолари ва фаолларини танлаш ҳамда тайёрлаш чора-тадбирларини амалга оширади¹.

2. Сиёсий партиялар ҳуқуқий мақоми ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида **сиёсий партияларнинг мақоми**, уларнинг фуқаролик жамияти ҳаётидаги роли ва ўрнини белгилаб берувчи қуйидаги энг муҳим меъёрларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи²;

- фуқароларнинг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи³;

- демократик принциплар асосида сиёсий партияларни ташкил этиш ва фаолият юритиш кафолати⁴;

- сиёсий партияларнинг турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалаши ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этиши⁵;

- партия фаолиятидаги чекловлар: конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти таъқиқланади⁶;

- сиёсий партиялар сайловларда иштирок этиши ва сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини шакллантиришда кўмаклашади.

Кўпгина бошқа демократик мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам сиёсий партиялар депутатликка номзодларни илгари сурувчи, сайлов якунлари бўйича парламентда ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларида ўз вакилларига эга бўлувчи ҳамда уларга партиянинг доимий электорати манфаатларини ифода этиш ва дастурий устуворликларини амалга ошириш учун амалий имкониятлар яратувчи асосий институт ҳисобланади.

Шундай экан, фуқаролик жамияти институти ҳисобланувчи сиёсий партия, биринчи навбатда, *вакиллик демократиясининг муҳим бўғини* бўлиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- сайловларда фуқароларнинг онгли ва фаол иштирокини таъминлаш;

¹Қаранг: Lapalombara J., Weiner M. Origin and Development Political Parties / J.Lapolambara, M.Weiner (eds.) PoliticalPartiesandPoliticalDevelopment.Princeton; N.Y., 1966.P. 33-40.

²Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 32-модда, 1-қисм.

³Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 34-модда, 1-қисм.

⁴Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 56- ва 58-моддалар.

⁵Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 60-модда.

⁶Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 57-модда.

- турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этишда давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида воситачилик қилиш;

- ўз электоратининг тегишли манфаатларини ҳимоя қилувчи концепция, лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқиш ва илгури суриш.

Мазкур вазифаларни амалга оширишлари учун партияларга қонунчиликда қуйидаги ҳуқуқлар белгиланган:

- ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;

- сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;

- қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;

- партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

- Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифок (блок) тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш¹.

Партия ўз низоми асосидаги фаолиятида ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш жараёнида қуйидаги ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳам бажаради:

- фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш, уларда масъулиятли фуқаролик ахлоқини шакллантиришга кўмаклашади;

- партия ўзининг тадбирлари, ижтимоий лойиҳалари орқали (хусусан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда), шунингдек, юқори билим ва савияга эга бўлган фуқароларни партия ишига жалб қилиш орқали фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишига кўмаклашади;

- партия доимий электоратини ўйлантираётган долзарб иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни аниқлаш, уларни самарали ҳал қилишга йўналтирилган лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда сайлаб қўйиладиган ҳокимият органларида ўзининг вакиллиги орқали уларни илгари суради.

Сиёсий партиянинг моҳияти партиянинг ижтимоий таркиби ва ижтимоий негизи; партия раҳбариятининг таркиби, манфаатлари ва мақсадлари; ташкилотнинг дастурий қоидалари; унинг сиёсий хатти-ҳаракатларининг объектив йўналтирилганлиги каби хусусиятларга чамбарчас боғлиқдир. Сиёсий партия моҳиятининг энг муҳим кўрсаткичи унинг охири-оқибатда кимнинг ва қандай кучларнинг манфаатлари ҳамда қарашларини ифода этиши, ҳимоя қилиши ва ўз кундалик фаолиятида амалга оширишидир.

¹«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 12-модда.

Сиёсий партиянинг жамиятдаги функциялари ҳаётдаги масалани ўрганиш унинг сиёсий тараққиётдаги ўрни ва ролини тушуниб етиш, мақсадларини яхшироқ тасаввур этишга ёрдам беради. Жамият сиёсий тизимида сиёсий партиялар қуйидага асосий функцияларни бажарадилар:

- сиёсий мақсадни белгилаш. Мафқурани ва дастурларни ишлаб чиқарар экан, партиялар стратегияни белгилашга, фуқароларни муқобил ва бошқа хатти-ҳаракатларнинг ҳам мумкинлигига ишонтиришга интиладилар;

- ижтимоий манфаатларни ифода этиш ва саралаш. Манфаатларни гуруҳлар ҳам ифода этишлари мумкин, лекин фақат партияларгина уларни марказий давлат органларининг қарорларига таъсир кўрсатадиган шаклда бир бутун қилиб бирлаштира оладилар;

- фуқароларни сафарбар қилиш ва ижтимоийлаштириш. Партиялар ўз фаолиятининг узоқ муддатли ижтимоий ва ғоявий-психологик асосини яратадилар, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда тегишли ижтимоий фикрни шакллантирадилар;

- ҳукмрон элитани шакллантириш. Ҳокимиятнинг маҳаллий органларини, ҳукуматнинг аввал яширин, сўнгра эса реал таркибини шакллантирадилар; ҳокимиятнинг ваколатли органлари билан жамият ўртасида алоқаларни таъминлайдилар; бошқа сиёсий институтлар билан бирга давлат бошқаруви ва ижтимоий бошқарув механизмини шакллантирадилар, ҳукумат тузилмалари ва механизмларининг барқарорлигини таъминлайдилар;

- сиёсий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш. Сиёсий партиялар фаолиятининг асосий йўналишлари орасида дастурий қоидаларни, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий стратегияни ишлаб чиқишни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим бўлади. Ҳозирги замон стратегиясини ишлаб чиқишга малакали кадрлар жалб этилади.

Партияларнинг фуқароларни ижтимоийлаштириш борасидаги фаолияти уларнинг пировард мақсадлари ва уларга ваколат берган ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари билан боғлиқ. Ҳукмрон партиялар улар ҳимоя қилаётган кадриятларнинг ижобий қабул қилинишини, улар тутаётган йўлнинг кенг ижтимоий қўллаб-қувватланишини таъминлайдиган ижтимоийлашувни амалга оширишга интиладилар.

Ҳар бир партия учун тегишли ижтимоий бирлашмаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати жуда муҳимдир. Ушбу функциянинг мазмунини мазкур манфаатларни ифодалашнинг сиёсий воситаларини таъминлаш, уларни мақсадлар ва идеаллар шаклида баён қилиш ҳамда сиёсатнинг бошқа субъектлари билан ўзаро таъсир жараёнида ҳимоя қилиш ташкил этади. Манфаатларни ифода этиш ваколати функцияси турли қатламлар ва гуруҳларнинг ўзига хос манфаатларини мувофиқлаштириш асосида ижтимоий бирликларнинг умумий манфаатларини жамлаш йўли билан ҳамда давлат органларини эгаллаш ва улар устидан назорат ўрнатиш ёки сиёсий қарорлар қабул қилиш ва амалда ҳукмронлик қилиш жараёнида ушбу органларга тазйиқ ўтказишнинг турли шакллари воситасида амалга оширилади.

Партия сиёсий тизимнинг ва умуман, жамият ривожланишининг мақсадлари ва сиёсий мезонларини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Бу функциянинг бажарилиш ҳажми ва самарадорлиги партиядинг сиёсий тизимдаги мавқеига боғлиқ бўлади. Бу борада энг катта имкониятларга ҳукмрон партиялар эгадирлар. Улар бутун ижтимоий тизимнинг ҳаракат йўналишини белгиловчи сиёсатни ишлаб чиқадилар ва шакллантирадилар. Партиянинг сиёсий йўлни ишлаб чиқишда иштирок этиш даражаси, бу функциянинг амалга оширилиш ҳажми ва самарадорлиги партиядинг мавжуд сиёсий тизимдаги мавқеини белгиловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Партиянинг ташкилотчилик функцияси муайян кадрлар сиёсатида, яъни партиядинг ўзида, бошқа давлат ва жамоат ташкилотларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдан иборат фаолиятда ўз ифодасини топади. Ўзининг сиёсий кадрлари орқали партия давлат аппаратида ва бошқа ташкилотларда ўз сиёсатини ўтказди, сиёсий тизимнинг бошқа институтларига ўз таъсирини ёяди.

Партия сафларининг бирлиги ва ҳамжиҳатлигини таъминлаш, партия аъзолари ва тарафдорларини ўзаро яқинлаштирувчи қадриятлар ва меъёрларни ишлаб чиқиш, раҳбарликни амалга ошириш ва партия фаолиятини бошқаришга қаратилган партия ички фаолияти жуда муҳимдир.

Сиёсий партиялар фаолиятининг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- тегишли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини аниқлаш, баён қилиш ва асослаш, уларни фаоллаштириш ва интеграциялаш;
- сиёсий доктриналар ва дастурлар яратиш;
- давлатда ҳокимият учун курашга ва давлатнинг фаолият дастурларини яратишда, давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этиш;
- умуман, жамиятни ёхуд унинг бир қисмини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, ижтимоий фикрни шакллантириш;
- давлат аппарати, касаба уюшмалари, жамоат ташкилотлари учун кадрлар тайёрлаш ва уларни юқори мансабларга кўтариш;
- партия ичидага ташкилий фаолият.

3. Демократик институтлар таснифи

Демократик институтлар – бу, давлат ва жамиятда демократик тузумни шакллантирувчи демократик тамойилларни амалга оширишнинг ташкилий шакллари ҳисобланади. Умумий демократик институтларга юқори давлат органларининг сайланиши, сайловчилар ёки депутатлар олдида сайлаб қўйиладиган органларнинг масъулияти ва ҳисобдорлиги, ваколат муддати тугаганида сайлаб қўйиладиган давлат вакиллик органлари таркибининг алмашилиб туриши кабиларни киритиш мумкин.

Демократик институтларнинг шакллари



Ҳар бир мамлакат демократик институтларни, хусусан парламентаризм ва кўппартиявийликни шакллантиришда ўз йўлига эга. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистон танлаб олган йўлнинг ўзига хослиги собиқ совет тоталитар, яккапартиявийлик тизимининг узоқ вақт ҳукмронлик қилганлиги билан изоҳланади. Мустақилликнинг илк йилларидаёқ яккапартиявий диктатга барҳам берилди ва кўппартиявий сиёсий тизимни шакллантириш мақсад қилиб олинди. Якка партия ҳукмронлиги бартараф этилгандан сўнг жамиятимизда сиёсий плюрализмнинг вужудга келиши, сиёсий партияларнинг шаклланиши билан боғлиқ жараёнлар шиддат билан бошланиб кетди. Бироқ бу йўл бирданига ёки дабдурустдан, бирор-бир хорижий мамлакат андозасини қабул қилиш эвазига эмас, балки аста-секинлик билан, босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб олинди.

1992 йил 8 декабрда Республика Конституцияси қабул қилингандан сўнг, сиёсий партияларнинг шаклланиши учун муҳим ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Қисқа фурсат ичида мамлакатимизда ҳуқуқий асосда, парламентда фаолият кўрсатувчи партияларнинг шаклланиш жараёни содир бўлди.

Мустақиллик йилларида республикада сиёсий институтларнинг мафкураларнинг, фикрларнинг хилма-хиллигига асосланган ва фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда кенг иштирок этишини таъминлайдиган янги демократик сиёсий тизимнинг негизлари вужудга келди. Демократик жамиятнинг муҳим омилларидан бири бўлган кўппартиявийлик туфайли мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари вужудга келиб, улар ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг объектив жараёнига айландилар.

Республикада кўппартиявийликнинг шаклланиш жараёнини ҳар бири муайян воқеа билан ажралиб турадиган қуйидаги бешта босқичга бўлиш мумкин:

1) 1991-1994 йй.: якка партиявийликнинг тугатилиши ва кўппартиявийликнинг шаклланиши учун зарур бўлган шарт-шароитларининг яратилиши;

2) 1995-1999 йй.: кўппартиявийликнинг қонунчилик асослари яратилиши ва янги партияларнинг ташкил топиши. “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги (26.11.1996 й.), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги (14.04.1999 й.) Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилиниши;

3) 2000-2004 йй.: сиёсий тажриба тўплаш ва молиявий мустақилликни таъминлаш, доимий электоратни белгилаб олиш. “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги (14.12.2000й.), “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги (30.08.2001 й.), “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги (04.04.2002), янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (29.08.2003 й.) Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилиниши,

4) 2005-2006 йй.: сиёсий партиялар парламент назоратининг кучайиши, конструктив муҳолифатнинг шаклланиши;

5) 2007 йилда то ҳозирги кунга қадар: сиёсий партиялар фаолияти “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциявий қонуни асосида (11.04.2007 й.) янада жадаллашуви, сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлардаги иштироки, партиялараро рақобатнинг кучайиши.

Сиёсий партиялар сайловларда иштирок этиб, тегишли органларга ўз вакилларини ўтказиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятида иштирок этади. Шу билан бирга сиёсий партиялар замонавий жамият тизимининг муҳим қисми бўлиб, улар давлатнинг сиёсий йўналишини белгилашда иштирок этади, ҳукуматнинг вакиллик ва ижро этувчи муассасаларини шакллантиради. Ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида кўппартиявийликнинг ривожланишига, мустақил, фаол аҳолининг кенг қатлами томонидан қўллаб-қувватланадиган сиёсий партиялар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг шаклланиши учун шарт-шароитлар яратилишига катта аҳамият берилди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаб, сиёсий партиялар демократик тамойиллар асосида фаолият юритишлари учун имкониятлар яратди. Дарҳақиқат, 2-моддасида сиёсий партиялар фракцияси сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмаси эканлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган

сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши, ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир нечта сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкинлиги каби қоидалар ўз аксини топди.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятини эркинлаштиришга доир ислохотлар натижасида уларнинг жамиятдаги ўрни анча юксалиб бормоқда. Сиёсий партияларнинг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатишларини таъминлаш мақсадида уларнинг қонунчилик асослари янада ривожлантирилди. Икки палатали парламентни шакллантириш ислохотларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда сиёсий партиялар Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий вакиллик органлари депутатлари номзодларини танлаш ва кўрсатиш, сайлов кампанияларини ўтказишда асосий сиёсий институт функциясини бажаришга ўтдилар.

Ҳар қандай давлатда вакиллик демократияси шаклланишини сиёсий партияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг ролини оширишга катта аҳамият бериб келинмоқда. Улар фаолиятининг қонуний асослари мустаҳкамланиб, ваколатлари кенгайтирилмоқда. Натижада сиёсий партияларнинг ислохотлар ижтимоий самарасини янада оширишда масъулияти кучайиб, ҳозирда хорижий мамлакатлар олимлари, халқаро экспертлар Ўзбекистонда парламент фаолиятини такомиллаштириш ўзига хос янги босқичга кўтарилганини эътироф этмоқда.

2002 йил 4 апрелдаги “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Конституциявий қонун асосида профессионал тарзда фаолият юритувчи Қонунчилик палатаси ва ҳудудлар манфаатларини ифодаловчи Сенатдан таркиб топган икки палатали парламент ташкил этилди. Шу орқали демократик ислохотларни изчиллик билан амалга оширишда сифатли қонунлар қабул қилиш имконияти кенгайди, қонун ижодкорлиги ва уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича барқарор механизм шаклланди.

Парламент ҳокимиятининг амалий ролини кучайтиришда кўппартиявийлик тизимининг ривожланишига, сиёсий партиялар фаоллигининг кескин ошишига, улар ўртасида рақобат асосидаги кураш кучайишига шароит яратиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларимизда мамлакатимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланиши белгилаб қўйилган, сиёсий партияларнинг кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритиши кафолатланган. Энг муҳими, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари ўртасидаги ўзаро мутаносиблик ҳамда манфаатлар мувозанатини таъминлашда сиёсий партиялар иштирокининг қонуний асослари мустаҳкамланди.

Юртимизда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти босқичма-босқич кучайтирилиб, унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб борилди. 2004 йилдан амал қила бошлаган “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонун бу борада ниҳоятда муҳим қадамлардан бири бўлди. 2007 йилда қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун эса сиёсий партиялар фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун партиялараро, хусусан, фракциялараро рақобатнинг ҳуқуқий механизмларини янада ривожлантирди. Унга кўра, қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасида кўриб чиқишнинг барча босқичларида сиёсий партиялар фракциялари иштирокининг процессуал механизми мустаҳкамланди. Эндиликда қонун лойиҳаси бўйича масъул қўмита фракцияларнинг қонун лойиҳасига доир фикрлари ва таклифларисиз қонун лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини чиқариш ҳуқуқига эга эмас. Сиёсий партиялар фракцияларининг қонун лойиҳасига доир фикрлари ва таклифлари инобатга олинади, шунингдек, Қонунчилик палатаси мажлисларида лойиҳаларни кўриб чиқиш жараёнида маърузачи барча ўқишларда фракцияларнинг фикрлари ва таклифларини депутатларга етказди. Мазкур меъёрларнинг белгиланиши қонун ижодкорлиги жараёнида фракциялар ўртасида рақобат муҳитининг амалда кучайишига хизмат қилади.

Партиялар ўртасидаги сайловолди кураши парламентнинг кундалик фаолиятида ҳам давом этиши, ғоя ва дастурлар беллашувининг доимий тус олиши партиялар ўз олдига кўйган мақсад-муддаоларига эришишини тامينлашга хизмат қилади. Шунинг билан бирга сиёсий партиялар мамлакатда амалга оширилаётган, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар жараёнининг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган, узоқ истиқболга мўлжалланган ўз дастурига эга бўлиши, айни пайтда, уни замон билан ҳамнафас такомиллаштириб бориши талаб этилади.

Шунингдек, дастурий мақсад ва вазифалари доирасида қонунлар ижроси самарадорлигини кузатиш, ўз электорати муаммоларини, ҳуқуқий тартибга солиниши лозим бўлган ижтимоий муносабатларнинг доирасини ўрганиб бориш асосида сиёсий партиянинг тизимлашган ғоялар базасини тўлдириб бориши ҳаётий аҳамиятга эгадир. Бунда, албатта, электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усуллари, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, партиялараро баҳс-мунозараларни оммавий ахборот воситалари орқали ҳам фаол олиб бориш муҳим ўрин тутади.

Ҳозирга пайтда республикада тўртта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Булар Ўзбекистон халқ демократик партияси (ХДП), “Адолат” социал-демократик партияси (АСДП), “Миллий тикланиш” демократик

партияси (МТДП), Ўзбекистон тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП)дир.

Ўзбекистон халқ демократик партияси. 1991 йил 1 ноябрда ташкил қилинган. ХДПнинг II съезди 1994 йил 1 ноябрда бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Олий Мажлиси ва халқ депутатларининг маҳаллий Советларига сайловлар ўтказилиши билан боғлиқ равишда Низомда белгиланган муддатдан илгари чақирилди. Унда Партия сайловолди дастурининг масалалари, парламент депутатларига номзодлар кўрсатилиши, унинг Низомига ўзгартиришлар киритилиши кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий кўллаб-қувватлашга ва ҳимояга муҳтож фуқаролари манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Энг аввало, булар иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ижтимоий кўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезадиган ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган одамлардир. Булар – педагоглар, врачлар, бошқа ижтимоий соҳаларнинг ходимлари ва мутахассислари, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, пенсионерлар ҳамда имкониятлари чекланган кишилар.

Шуни айтиш жоизки, бугунги кунга келиб ХДП сафларида 400 мингдан ортиқ (2015 й.) аъзолар бор. Партия аъзоларининг ярмидан кўпини хизматчилар, 40 фоиздан ортиғини аёллар, аъзоларнинг 50 фоизини ёшлар ташкил қилади. Зиёлилар, хизматчилар ва талабалар аъзоларнинг 50 фоиздан кўпини, 40 фоизини моддий ишлаб чиқаришда бандлар, 10 фоизини нафақадагилар ва уй бекалари ташкил қилади. Партиядаги ишни 60 дан ортиқ миллат вакиллари — ўзбеклар, қорақалпоқлар, қozoқлар, тожиклар, руслар, украинлар, татарлар, уйғурлар, туркманлар, қирғизлар, корейслар ва хоказолар юритадилар.

Партиянинг матбуот органлари ўзбек ва рус тилида чоп этиладиган газеталар “Ўзбекистон овози” ва “Голдос Узбекистана” газеталаридир.

1995 йил февралда ташкил қилинган **“Адолат” социал-демократик партияси** таркибида фан-техника зиёлилари, муҳандис ва олимлар, давлат муассасалари ишчилари етарли даражада кенг ифодаланган.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат:

- кучли ижтимоий-ҳуқуқий давлат барпо этиш;
- адолатли фуқаролик жамиятини яратиш;
- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ривожланишига таъсир қилиш;
- жамиятда ижтимоий адолат тамойилларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳозирда ўз тараққиётининг янги сифат босқичида турибди. Бу партия сафларининг минтақалардаги сонининг ортиши ва ташкилий мустаҳкамлашувида намоён бўлмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон “Адолат” СДП сафларида салкам 120 мингга яқин аъзони (2015 й.) бирлаштириб, Ўзбекистоннинг 188 аҳоли ҳудудида 3000 дан ортиқ

бошланғич ташкилотга эга. Ўз навбатида, бу партия ижтимоий базасининг кенгаётганлигидан далолат беради.

“Адолат”СДП, аввалдан ўзининг тутган ўрнини, социал-демократизмнинг умумжаҳон мафкуравий оқими билан солиштиради. “Адолат” ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газетаси партиянинг бош матбуот органидир.

1995 йил май ойида **“Миллий тикланиш” демократик партияси** ташкил қилинди, унинг асосий мақсади — миллий ўз-ўзини англашни ривожлантириш жараёнларини фаоллаштириш, аҳолини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳоказо. “Миллий тикланиш”ДП ўз дастурида консерватив жиҳатларга таяниб, ўзини фуқароларнинг миллий рух, дунёқараш, миллий англаш ва ватанпарварликка асосланган нуктаи назарлари ва манфатларини бирлаштирувчи, сиёсий ташкилот, деб таърифлайди.

Партиянинг ўз олдига қўйган мақсади:

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларида миллий ўзликни англашнинг ўсиши, миллий ғурур, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини шакллантириш ҳамда мустақамлаш учун қулай шароитлар яратиш;

– ўз сафида юрт ватанпарларини бирлаштириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини Ўзбекистон манфаатлари ҳамда унинг халқаро обрў-эътиборини ошириш йўлида сафарбар этиш;

– ёшларни ўз Ватанини ҳурмат қилиш, севиш ва у билан фахрланиш, ҳар қандай шароитда миллий мустақиллини, халқнинг қадриятлари, анъана ва урф-одатларини асраш ва ҳимоя қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, унинг маънавий эҳтиёжлари ва қизиқишларини чеклашга бўлган уринишларга қарши курашишга таъсирчан ҳисса қўшиш.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси халқимизни комил миллат мақомига олиб чиқишни ўзининг муқаддас мақсади деб ҳисоблайди. Миллий уйғониш, тикланиш ва юксалиш орқали Ўзбекистон халқи ер юзидаги ҳеч бир халқдан кам бўлмагани ва кам бўлмаслигини кўрсатишга интилади. Бугунги кунда “Миллий тикланиш” ДП унинг ўз атрофига жипслаштирган сафдошларининг сони 190 000 га яқин (2015 й.).

1995 йил июн ойидан партия “Миллий тикланиш” газетасига эга. Ушбу газетанинг турли бўлимлари миллий ва умумбашарий бойликларни тиклашга, ёшларни тарбиялашга, миллий тикланиш ғояларини тарғибот қилишга қаратилган.

Мамлакатимиздаги энг ёш сиёсий партия – **Ўзбекистон ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати - Либерал-демократик партияси** (ЎзЛиДеП) ҳисобланади. У 2003 йил 15 ноябрда ташкил топган. Кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар, фермерлар, моддий ва интеллектуал мулк эгалари ҳамда ўрта синфни ташкил этувчи бошқа табақалар ушбу партиянинг электоратини ташкил этади. ЎзЛиДеП мамлакатимизда либерал-демократик йўналишдаги илк сиёсий партия ҳисобланади.

ЎзЛиДеПнинг ўз олдига қўйган мақсадлари:

– биринчидан. Сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар очиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳадан асослаб бериш, жамиятнинг ушбу табақаси манфаатларини ҳимоялаш баробарида унинг эртанги кунини таъминлаш;

– иккинчидан. Партиянинг куч ва имкониятларини бошқа сиёсий партия ва ҳаракатлар билан ҳамкорликда мамлакатнинг миллий манфаатлари ва тараққиётининг стратегик истиқболларига жавоб берадиган бозор иқтисодиётига асосланган демократик, ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик институтларининг ривожига кенг йўл очиб бериш ва демократик кадриятларни халқимиз, аввало, ёшлар онги ва ҳаётига сингдиришга қаратилган ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

– учинчидан. Партиянинг давлат бошқаруви, жамиятда шаклланаётган қарашларга таъсир ўтказиш, сиёсий ва иқтисодий ислохоталарни амалга оширишдаги иштирокини таъминлаш. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, Ўзбекистоннинг халқаро обрўини ошириш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, миллатлараро ва фуқаролараро аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашиш, Ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, ўз элим, ўз юртим, жон Ўзбекистоним, дея ғурурланиб яшаш руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса кўшиш, ҳар қандай шароитда мустақиллик йўлимиз, кадриятларимиз, миллий ва диний анъаналаримиз, урф-одатларимизни кадрлаш, шу билан бирга, бошқа миллат ва элатлар кадриятларини камситишга йўл қўймаслик, бундай хуружларга қарши изчил кураш олиб бориш;

– тўртинчидан. Ўзи учун сиёсий платформа деб танлаб олган либерал-демократик ғоя ва мақсадларни ўз фаолияти орқали кенг омма онгига сингдириш, бу борада сафини кенгайтиришга йқналтирилган ҳар томонлама чуқур ўйланган партия сиёсатини тарғиб қилиш ишларини амалга ошириш.

Бугунги кунда ЎзЛиДеПнинг 270 000 дан ортиқ аъзоси (2015 й.) бор. Ушбу партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси энг кўп сонли бўлиб, 2014 йилги парламент сайловларидан сўнг 52 нафар депутатдан иборат.

Партиянинг матбуот органи “XXI аср” газетаси ҳисобланади.

Кўриб турибмизки, Ўзбекистонда партиявий тизим тадрижийлик асосида, бир маромда ўз такомилга етиб бормоқда. Масалан, 1994 йилга Парламент сайловларида ҳокимият органлари ва аҳолининг ташаббускор гуруҳларидан 167 нафар депутат сайланган бўлса, 1999 йилги Парламент сайловларида уларнинг сони 125 тагача қисқарди. 2004 йилги Парламент сайловларида сайланган депутатларнинг 90 фоизидан кўпроғи сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлардир. 2009 йилги сайловлардан бошлаб эса Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан 15 нафарлик квота асосида сайланадиган депутатлардан ташқари қолган барча депутатлар партиявий мансублик асосида сайлана бошладилар. Бу эса сиёсий ҳаётда сиёсий

партияларнинг вазни ва нуфузи тобора ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Президент Ислом Каримов 2010 йилнинг 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги дастурий аҳамиятга эга маърузасида ўтган даврдаги босиб ўтган йўлимизни чуқур ва атрофлича таҳлил этиб, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқувчи ривожланиш концепциясини белгилаб берди. Айниқса, Юртбошимизнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўналишида илгари сурган қонунчилик ташаббуслари ва шу асосда амалга оширилган ишлар ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда мутлақо янги давр бошланаётганидан далолатдир. Булар доирасида сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва қарорлар қабул қилишдаги ролини оширишга қаратилган ташаббуслар кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Албатта, ҳозирги тезкор ҳаёт динамикаси, юртимизда олиб борилаётган туб ва изчил ислохотлар, тараққиётнинг яна бир янги даврига қадам ташлаш Конституциямизга баъзи ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этаётганди.

Бу жараён Асосий Қонунимизнинг айрим жиҳатларини реал турмуш тарзига мослаштириш ва юзага келиши кутилаётган янгича муносабатларни тартибга солишга тайёрлаш ҳамда аниқлаштиришдан иборат эди.

Шу боисдан Концепцияда белгилаб берилган қонунчилик ташаббуслари асосида тайёрланган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонун 2011 йилда қабул қилинди.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида Конституция янада мукамаллаштирилиб, унинг барқарорлиги ва ҳаётийлиги таъминланди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиб бориш тўғрисидаги меъёр энг демократик тамойиллардан келиб чиққанини эътироф этиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартишларга асосан, Бош вазир лавозимида номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг демократик тамойилларини ифодаладиган янги ҳуқуқий тартиб ўрнатилди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилди.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган юқоридаги ўзгартиш ва қўшимчалар, энг аввало, парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, сиёсий партияларнинг жамият

хаётидаги ролини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялардан ҳам ана шу тамойилларни ҳаётга жорий этиш ишларига тайёр бўлишлари, сиёсий етукликка интилишлари талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, мазкур ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатларига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий тизимни либераллаштириш, сиёсий фикр, тафаккур, ёндашув хилма-хиллигини таъминлаш, партиялараро соғлом рақобатни ривожлантиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Бу борада мамлакатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрда тақдим этилган Концепцияга мувофиқ фақат 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги, сайлов қонунчилиги янада такомиллаштирилганлиги ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига ва бошқа қонун ҳужжатларига сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришни кўзда тутувчи бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлигини қайд этишнинг ўзи kifоя.

Буларнинг барчаси давлат сиёсий тузилмасида вакиллик ҳокимиятининг роли ва аҳамиятини янада кучайтириш ҳамда ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш, улар фаолияти устидан парламент ва депутатлик назоратини амалга ошириш борасида сиёсий партиялар ролини тубдан ошириш учун мустаҳкам қонунчилик асосларини яратди. Энг муҳими, ҳам Қонунчилик палатаси, ҳам Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доирасида демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган сиёсий, партиялараро рақобатни янада кучайтириш учун қўшимча шароит ва имкониятлар яратилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш йўлида ҳокимият бўлинишининг конституциявий тамойилини амалга оширишда кўппартиявийлик тизимини янада ривожлантириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, улар ўртасида рақобатли курашни кучайтириш масалалари ғоят муҳим ўрин эгаллайди. Давлатимиз раҳбари бир неча бора таъкидлаганидек, вакиллик ҳокимият органларига айнан шу кураш орқали ҳар бир партия ўз олдига қўяётган мақсадларга эришади. Бу рақобат қанчалик кучли ва муросасиз бўлса, муайян ижтимоий кучлар ва қатламлар манфаатларини илгари сурувчи ҳар бир

партия ғоялари, дастурий вазифалари шунчалик муваффақиятли амалга оширилишини кафолатлайди. Шубҳасиз, буларнинг барчаси қабул қилинаётган қонунлар сифатини ошириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш, қонун устуворлигини таъминлаш, вакиллик ҳокимият органларининг мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга таъсирини кучайтиришга кўмаклашади.

Назорат саволлари:

1. Сиёсий партия тушунчаси. Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар. Ўзбекистон Республикасида кўппартиявийликнинг вужудга келиши.
2. Тадбиркорларлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг электорати, дастурий мақсад ва вазифалари.
3. Ўзбекистон халқ демократик партиясининг электорати, дастурий мақсад ва вазифалари.
4. “Адолат” социал-демократик партиясининг электорати, дастурий мақсад ва вазифалари.
5. “Миллий тикланиш” демократик партиясининг электорати, дастурий мақсад ва вазифалари.

Тест саволлари:

1. **Партия тизимлари шаклланишига қайси омиллар энг кўп таъсир кўрсатади?**
 - A. жамият ижтимоий таркиби, табиати; мамлакат қонунчилиги; социологик-маданий анъаналар;
 - B. ҳокимият тизими; ҳокимиятлар бўлиниши;
 - C. манфаат гуруҳлари; норасмий ташкилотлар; босим гуруҳлари.
 - D. Барча жавоблар тўғри
2. **Миқдор кўрсаткичларига кўра қандай партиявий тизимлар ажратиб кўрсатилади?**
 - A. бир, икки, кўп партиявий тизимлар;
 - B. мажоритар, етакчи, миноритар партиявий тизимлар;
 - C. рақобатли ва рақобатсиз партиявий тизимлар;
 - D. Барча жавоблар тўғри
3. **“Партиявий тизим” деганда нима тушунилади?**
 - A. партиялар ўртасидаги алоқаларни ташкил этиш шакллари;
 - B. мамлакатлардаги барча партиялар бирлиги;
 - C. партияларнинг ўзаро ҳамда давлат ва бошқа сиёсий институтлар билан барқароралоқалари.
 - D. Барча жавоблар тўғри
4. **Қайси партиявий тизимлар учун партиявий иттифоқларнинг ё мутлако йўқлиги, ёки унинг декларатив табиатлилиги хос?**
 - A. бир партиявий;
 - B. икки партиявий;

- C. куп партиявий;
- D. Барча жавоблар тўғри

5. Сайловдаги ғалаба партияларга нима беради?

- A. жамиятни ўз дастури асосида бошқариш, қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш;
- B. ўз дастурини амалга ошириш, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир этиш;
- C. хукмрон элитани шакллантириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат этиш.
- D. Барча жавоблар тўғри

6. Сиёсий партияларнинг турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий продасини ифодалаши ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нечинчи моддасида белгиланган?

- A. 62-моддасида;
- B. 60-моддасида;
- C. 61-моддасида.
- D. 65-моддасида;

7. Республикада кўппартиявийликнинг шаклланиш жараёни ҳар бири муайян воқеа билан ажралиб турадиган нечта босқичга бўлинади?

- A. 3;
- B. 4;
- C. 5.
- D. 6;

8. Республикада кўппартиявийлик шаклланиш жараёнининг 1995-1999 йй. Қамраб олувчи босқичида қандай ишлар амалга оширилган?

- A. якка партиявийликнинг тугатилиши ва кўппартиявийликнинг шаклланиши учун зарур бўлган шарт-шароитларининг яратилиши;
- B. кўппартиявийликнинг қонунчилик асослари яратилиши ва янги партияларнинг ташкил топиши.
- C. сиёсий тажриба тўплаш ва молиявий мустақилликни таъминлаш, доимий электоратни белгилаб олиш.
- D. Барча жавоблар тўғри

9. Сиёсий партиялар парламент назоратининг кучайиши, конструктив муҳолифатнинг шаклланиши нечанчи йилларга тўғри келади?

- A. 2005-2006 йй.
- B. 2000-2004 йй.
- C. 2007-2010 йй.
- D. 2010-2011 йй.

10. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан ...

- A. Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиб бориш белгиланди.
- B. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши белгиланди.
- C. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилди.
- D. Барча жавоблар тўғри

17-МАВЗУ:ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ

Режа

1.Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва уларнинг фуқаролик жамиятидаги ўрни.

2.Ўзбекистонда ННТнинг ҳуқуқий асосларини демократлаштириш жараёни.

3.Ўзбекистонда ННТнинг фуқаролик жамияти институти сифатида ривожланиши.

Таянч сўзлар: фуқаро, фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти институтлари, номарказлаштириш, ўзини ўзи бошқариш, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ҳаракатлар, учинчи сектор, яшиллар, манфаатлар гуруҳлари, жамғармалар, ҳуқуқий давлат, давлат ҳокимияти, институтлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, инсон манфаатлари, артикуляция, интеграция, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий табақа (қатлам), эркинлаштириш.

1. Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва уларнинг фуқаролик жамиятидаги ўрни

Фуқаролик жамиятининг асосий институти бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) дастлаб жамиятни ўзини ўзи бошқариши асосида, яъни фуқаролик жамиятининг мустақил ижтимоий бирлик сифатида яшашини таъминлаш эҳтиёжлари ва манфаатлари асосида пайдо бўлди. XX асрга келиб нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамиятининг муҳим ва асосий институтларидан бирига айланди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун, аввало, манфаатлар, шунингдек, ижтимоий ва сиёсий манфаатлар тушунчаларига аниқлик киритишга эҳтиёж сезилади. Маълумки, манфаатлар - индивидлар ва гуруҳларнинг ижтимоий хатти-ҳаракатларини белгиловчи сабаблардир. Ўз вақтида Томас Гоббс «ҳокимиятга интилиш, инсон хулқини ҳаракатга келтирувчи кучларнинг ўзаро душманлиги - шахсий манфаатларнинг мантикий натижасидир»¹, деб кўрсатган эди.

Гегель эса: «инсон ўз эркинлигини ҳаётга татбиқ қилиши лозим, бу унинг бош манфаатини ташкил қилади, унинг фаолияти шундан ташкил топади... Манфаат, “interest mea”², мен фақат ҳаракатдаман, менинг ҳаракат қилиш ва

¹ Қаранг: Фромм Э. Бегство от свободы: Пер. с англ. -М.: Прогресс, 1989. –Б.16-17.

²“Interest mea” - «мен учун муҳим», (лот.). Қаранг:Гегель Г.В.В.Философия права. - М.: Мысль, 1990.-Б.499.

манфаатли бўлишимнинг субъектив иродаси шунга тенги, мен ҳаракат қилаётганимда мен иштирок этишим лозим»¹, - деб кўрсатган эди.

Маълумки, ривожланган мамлакатларда ҳукумат алоҳида олинган фуқароларга нисбатан улар аъзо бўлган ижтимоий гуруҳлар воситасида таъсир кўрсатади. Ижтимоий гуруҳларни бирлашишга, ҳаракат қилишга ундовчи куч, бу уларнинг манфаатларидир. Манфаатлар алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари сифатида шаклланган бўлса-да, бу гуруҳларнинг аъзолари фақат мазкур бир гуруҳнинг эмас, балки бир вақтнинг ўзида бошқа ижтимоий гуруҳларнинг ҳам аъзоси бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг маълум бир ижтимоий гуруҳга мансублигидан келиб чиқиб нодавлат нотижорат ташкилотларга уюшиши натижасида манфаатлар уйғунлашуви рўй беради. Қайси индивиднинг қандай ижтимоий аҳамиятли гуруҳга аъзолиги, унинг манфаатларининг қай бири устувор ва барқарор аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, у ўзининг муҳимроқ бўлган ижтимоий гуруҳ аъзолигига кўпроқ эътибор беради. Ана шундай аҳамиятли гуруҳлар таъсири ижтимоий тузулмалар иродасини ифодалайди.

Институтлашган ижтимоий гуруҳлар шаклини олган манфаатлар гуруҳлари турли мамлакатларда уларнинг тарихий тажриба ва анъаналаридан келиб чиқиб турлича номларда аталади. Масалан, АҚШда манфаатлар гуруҳлари фуқаролик институтлари, волонтерлар ташкилотлари, умумий манфаатлар гуруҳлари, босим ўтказиш гуруҳлари, деб аталса, Ғарбда нодавлат нотижорат ташкилотлари, хайрия ташкилотлари, жамғармалар каби номлар билан аталади. Шунингдек, АҚШ ва Ғарб социологиясида эса бу ташкилотлар «манфаатлар гуруҳлари» номи билан кенг тарқалди. Ўзбекистонда эса мустақилликнинг илк давридан бошлаб бу ташкилотлар жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ижтимоий ташкилотлар, жамғармалар, уюшмалар каби номлар билан кенг оммалашди.

Ривожланган мамлакатларда ишчилар, деҳқонлар, фермерлар, ишбилармонлар, турли касбларга доир уюшмалар, хотин-қизлар, ёшлар, фахрийлар, диний бирлашмалар каби юз минглаб жамоат ташкилотлари бўлиб, улар ўзларига аъзо бўлган индивидларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қондиришнинг ўзига хос зарурий фаолият кўрсатиш майдонига айланган. Ижтимоий фанларнинг сўнгги натижаларига мувофиқ, манфаатлар гуруҳлари, бу - унга аъзо бўлган кишиларнинг манфаатларини бошқа гуруҳлар ва сиёсий институтларнинг ўзаро муносабатларида, шунингдек, ўз гуруҳи ичида ифода қилиш учун тузилган ихтиёрий ташкилотлардир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар жамиятда мавжуд бўлган барча манфаатларни қамраб олиб, уларни ифодалагандагина, улар ўз мақсадларини самарали бажарадилар. Жамиятда турлича, жумладан, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий, миллий, мафкуравий, маданий, экологик, ҳудудий, минтақавий, диний ҳамда яна ўнлаб айрим соҳаларга доир манфаатлар мавжуддир. Манфаатлар гуруҳлари ана шу манфаатларнинг ифодачиси сифатида пайдо бўлади ва фаолият юритади. Манфаатларнинг гуруҳлар воситасида ифода

¹ Гегель Г.В.В. Философия права. -М.: Мысль, 1990. -Б.418.

этилиши сиёсий қарорлар қабул қилиш учун ёрдам беришдан ташқари, улар давлат ва ҳукумат органлари учун зарур бўлган ахборотлар ва бошқа маълумотларни етказиб бериб туриши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар индивидларнинг ихтиёрий бирлашмаларидир. Улар сиёсий партиялардан фарқ қилиб, ҳокимиятни эгаллаш, лавозимларга номзодлар кўрсатиш билан шуғулланмайдилар. Лекин, улар ҳукумат ва бошқа сиёсий ташкилотларга таъсир қилиш учун ҳаракат қиладилар. Бу соҳадаги фаолият сиёсий ташкилотлар воситасисиз бўлиши лозим. Манфаатлар гуруҳларининг ҳаракат усуллари давлат органларини ишонтириш, маслаҳат бериш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, сиёсий арбобларга ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжларини етказиш, ўз манфаатларини қондириш учун ташкилий тадбирлар ўтказиш билан чегараланади¹.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг функциялари турли-тумандир. Бироқ, уларнинг асосий функцияларидан бири - турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар манфаатларини артикуляция² қилишдир. Манфаатлар гуруҳлари индивидлардаги турли йўналишдаги қарашлар ва фикрларни бир тизимга келтиради, бирон бир ташкилотнинг бир қолипга солинган манфаатлар тизими асосида ташкилотнинг ҳаракат дастурининг шаклланишига ёрдам беради. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар кўплаб айрим манфаатларни агрегация қилиш (мунозаралар ва муҳокамалар ёрдамида турли манфаатларни уйғунлаштириш ва улар ўртасида маълум бир муносабатлар тизимини ўрнатиш) фаолиятини ҳам олиб боради. Бу жараёнда энг асосий ва муҳим аҳамият касб этадиган, гуруҳ аъзоларининг кенг қатламлари қарашларини ифода эта оладиган манфаатлар танлаб олинади ва уларни амалда қондиришнинг зарурий чора-тадбирлари кўрилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан маълум бир ижтимоий гуруҳнинг турли манфаатлари бир тизимга солиниб, уларнинг кенг жамоатчиликнинг хоҳиш-иродаси сифатида давлат ва ҳукумат органларига етказилиши - сиёсий қарорлар қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Қолаверса, бунда кўплаб манфаатлар гуруҳлари ва ижтимоий қатламлар ўртасида ўзаро келишув ва мувофиқлашув рўй беради.

Манфаатлар гуруҳларининг яна бир функцияси – манфаатларни интеграция қилишдир (бир бутунликка бирлаштиришдир). Бу - айрим ижтимоий гуруҳлар ташқарисида ўз аъзолари манфаатлари асосида фаолият кўрсатаётган турли ижтимоий гуруҳлар билан бошқа бир гуруҳ манфаатларини яқинлаштириш демакдир. Ана шу жараёнда турли гуруҳлар ўртасида битимлар тузилиб, ижтимоий келишувлар ва муросасозликлар мустаҳкамланиб боради³.

Фуқаролик жамиятининг илк шаклланиш даври нодавлат ташкилотларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Сиёсий тизимда демократик кадриятлар кенг ўринга эга бўлиб боргани сари муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишда

¹Қаранг: Орнстейн Н. Демократик жамиятда қонун чиқарувчи ҳокимият ўрни. - Озодлик рисоласи. -Вена:АҚШ информация агентлиги,1994.-Б.8-9.

²Артикуляция (лот.) - кишиларнинг бир-бирига ўхшаш манфаатларини гуруҳ ёки ижтимоий қатлам миқёсида бирлаштириш.

³Қаранг: Хейвуд Э. Политология. Учебник. Пер. с англ. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. –С.344-355

«учинчи сектор» деб аталувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар муҳим ўрин тута бошлади. Ҳозирги даврда «учинчи сектор» тушунчаси дунёдаги барча мамлакатларда хайрия мақсадларида ташаббус кўрсатаётган ва кенг фаолият юритаётган нодавлат ташкилотларга (ННТ) нисбатан қўлланиши кенг тус олди (биринчи сектор - давлат, иккинчи сектор - тижорат сектори ёки шахсий сектор дейилади).

2. Ўзбекистонда ННТнинг ҳуқуқий асосларини демократлаштириш жараёни

Ҳозирги даврда фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий давлат қуриш вазибалари нодавлат нотижорат ташкилотларни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Фуқаролик жамияти шароитларида фуқароларнинг турли туман ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги, уларнинг ихтиёрий равишда жамият бошқарувида иштирок этиши жараёнлари асосан нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Давлат билан жамиятнинг бир-бирларидан бегоналашмаслиги ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ривожланиши билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасидаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар»¹ каби фуқароларнинг жамият институтларида иштирок этишини таъминлаб берадиган ҳуқуқий асосларнинг эътироф этилиши республикада жамият тараққиёти инсоният ҳаётининг бир неча асрлар мобайнидаги тажрибалари ва синовларидан муваффақиятли ўтган эркинлик жамияти - фуқаролик жамияти сари интилаётганлигини англатади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва сиёсий партиялар фаолияти 1991 й. 14 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни (1997 й. апрелда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган), Ўзбекистон Республикасининг «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни (1992 й. июль), Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни (1996 й. декабрь), Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонуни (1998 й. май), Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонуни (1999 й. апрель), Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни (1999 йил апрель) каби қонунлар воситасида мувофиқлашади.

Ўзбекистонда нодавлат ташкилотларга доир қонунчилик ривожланган мамлакатлар тажрибаси, халқаро ҳуқуқий меъёрлар ва миллий анъаналар асосида шакллантирилган бўлиб, у ўзида демократик принциплар ва қадриятларни мужассамлаштиради. Мамлакатда давлат бош ислоҳотчи сифатида нодавлат ташкилотларнинг қонунчилик асосларини ҳар томонлама ривожлантиришга

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2012.-Б.9..

муҳим аҳамият бермоқда. Парламентда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга доир юзлаб қонунлар ва бошқа ҳуқуқий меъёрлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг ичида Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни (1999 йил 14 апрель) нодавлат нотижорат ташкилотларнинг серқирра фаолиятини ҳар томонлама мувофиқлаштириш ва ҳуқуқий жиҳатлардан таъминлашга қаратилди.

Қонуннинг 1-моддасида нодавлат нотижорат ташкилоти тузишнинг умумий мақсади ижтимоий фойдали манфаатларнинг қондирилиши эканлиги эътироф этилиб, бу билан нодавлат ташкилоти ўз фаолиятида халқчиллик принципига амал қилиши шарт эканлиги белгилаб қўйилди¹.

Мазкур Қонуннинг 2-моддасида «Нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси»нинг таърифи демократик кадриятлар асосида талқин қилинади: «Нодавлат нотижорат ташкилоти - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик кадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади»².

Ушбу қонунда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан давлатнинг ҳамкорлиги шундай ўз ифодасини топганки, давлат органи, яъни парламент қонун қабул қилади, бу қонунга биноан «учинчи сектор» аъзолари ва жамият манфаатлари учун хизмат қилади. Қонунда қайд этилган ижтимоий фойдали мақсад тушунчаси нодавлат ташкилотлар фаолиятини аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтиради. Давлат органларининг муҳим функцияларидан бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш эканлигини эътиборга олсак, бу соҳада давлат органлари билан нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги учун ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги намоён бўлади.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунга биноан нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақсадлари қуйидаги йўналишлардаги фаолиятлар бўйича амалга оширилади:

-биринчидан, кенг маънодаги маданий мақсадларга эришиш кўзлаб тузилган. Бунда маориф, илм-фан, маданият соҳаларида фаолият олиб борилади;

-иккинчидан, мамлакат аҳолисининг сиҳат-саломатлигини таъминлашни кўзлаб фаолият юритиш (спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланувчи, турли хил хасталикларнинг олдини олиш ва уларни даволашнинг илғор тажриба ҳам усуллари тарғиб этувчи ташкилотлар);

-учинчидан, турлича фаолият йўналишидаги ҳуқуқни муҳофазаловчи ташкилотлар (масалан, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш жамияти);

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни // «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳлар.-Т.: Адолат, 2001.-Б.15.

² Ўша жойда.-Б.14.

-тўртинчидан, фуқароларнинг маънавий ва бошқа хилдаги номоддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ташкилотлар (носиёсий уюшмалар, ижтимоий жамғармалар ва бошқалар);

-бешинчидан, хайр-эҳсон ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар¹.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги ушбу Қонуннинг 4-моддасида қуйидагича таърифланади: «Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин.

Қонуннинг мазкур 4-моддаси нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабати асосларини белгилаб беради. Давлат, бир томондан, қонуний асосда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлайди, иккинчи томондан, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш масъулиятини ўз зиммасига олади.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари амалга ошишини кафолатловчи шарт-шароитлар яратади, барча давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг зиммасига қонун талабларини сўзсиз ижро этиш вазифасини юклайди, зарур ҳолатларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳар хил тажовузлардан ҳимоялайди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя этилишини мавжуд барча ҳуқуқий усуллар билан муҳофазалашга ҳақлидир.

Шунингдек, қонуннинг 4-моддасига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг молиявий манбаини шакллантириш, ички тизилма ва асосий фаолият йўналишларини ўз ихтиёри билан ўзи белгилаш масалаларида тўла мустақилдир².

Шу билан бирга, ривожланган мамлакатлар ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва миллий қонунчиликдан келиб чиқиб давлат қуйидаги йўналишларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини назорат этиш ҳуқуқига эгадир:

-нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида амалга ошиш лозимлиги давлат томонидан назорат этилади (Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ)³;

-нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олган давлат органи мазкур ташкилотлар фаолиятлари йўналишлари улар низоми доирасида бўлишини назорат этади (Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ)⁴;

-нодавлат нотижорат ташкилотлари анжуманлари ва тадбирларида давлат органлари вакили иштирок этиши мумкин; -нодавлат нотижорат ташкилотлари

¹ Ўша жойда.-Б.16.

² Ўша жойда.-Б.22-23.

³ Ўша жойда.-Б.129-130.

⁴ Ўша жойда.-Б.90.

статистика ва солиқ органларига ўз вақтида ҳамда тегишли тарзда ҳисобот беришларини назорат қилади (Қонуннинг 33-моддасига мувофиқ)¹.

-нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўз навбатида, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ишига аралашмайди², яъни, улар давлат органларининг иши устидан назорат ўрнатиш, ҳисобот талаб этиш, молиявий назорат ўрнатишга ҳақли эмас.

Лекин, бизнингча, ҳозирги ижтимоий-сиёсий ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, бу қоидага ўзгартишлар киритишга эҳтиёж сезилмоқда. Чунки, бу қоида нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишни қийинлаштирмоқда. Шунинг учун ҳам бу қоида «нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўз навбатида, жамоатчилик назоратини амалга оширишдан бошқа мақсадларда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ишига аралашмайди», деган тахрирда берилса, бу соҳадаги муаммоларга барҳам берилиши мумкин.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси давлат органлари билан нодавлат ташкилотлар ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатлардан мувофиқлаштиради. Бу модда шундай талқин этилади:

«Нодавлат нотижорат ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

-ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

-давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш»³.

Шунингдек, нодавлат ташкилотлар тизимини янада мустаҳкамлаш, мазкур ташкилотларнинг жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини ифода этиш мақсадларида 2003 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат жамғармалари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Унинг 3-моддасига биноан жамоат жамғармаси деб, юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкый бадаллар асосида тузилган, ўзининг аъзоларига эга бўлмаган, хайрия, ижтимоий, маданий, таълим ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзда тутган нодавлат нотижорат ташкилотига айтилади. Шунингдек, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда ҳам маҳаллий жамоат жамғармалар тузиш мумкин⁴.

Мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг фуқаролик жамияти институти даражасида бўлишининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш мақсадларида 2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунда нодавлат ташкилотларни қўллаб-


¹ Ўша жойда.-Б.126.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2012.-Б12.

³Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни// «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳлар.-Т.: Адолат, 2001.-Б.28-29.

⁴Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат жамғармалари тўғрисида»ги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, № 9-10 (1329-1330).2003.-Б.89-90.

қувватлаш ва уларнинг эркин ҳамда мустақил фаолиятларининг мавжуд қонунчилик ва давлат органлари томонидан қаролатланиши асосий мақсад қилиб олинди.



16.1-расм. Ўзбекистонда ННТларнинг ўсиш суратлари

Мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий асослари мустақиллик йилларида узлуксиз равишда ривожланиб борди. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятига хос бўлган демократик сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожлантириш масалалари, унинг демократик тамойиллари Президент И.А.Каримовнинг биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг VI (1996 йил август) ва XIV сессиялари (1999 йил апрель), иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг I (2000 йил январь), VIII (2002 йил апрель) ва IX (2002 йил август) сессияларидаги маърузаларида назарий ва концептуал жиҳатлардан ҳар томонлама асослаб берилди.

3.Ўзбекистонда ННТнинг фуқаролик жамияти институти сифатида ривожланиши

Мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлар мустақиллигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг фуқаролик жамиятининг муҳим институтига айланишини таъминлаш мақсадида давлатнинг «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал сиёсий дастури қабул қилинди ва у мамлакатда жамиятни ривожлантиришнинг асосий тамойилига айланди. Жамият сиёсий тизимини янада эркинлаштириш масалалари мазкур сиёсий дастур қабул қилинганидан кейин янада долзарб аҳамият касб эта бошлади.

Мамлакатда фуқаролик жамиятининг асоси бўлган демократик институтларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига доир ислохотлар

хам тобора чуқурлашиб бормоқда. 2005 йилга келиб республикада 402 та республика аҳамиятига молик нодавлат жамоат бирлашмалари фаолият кўрсата бошлади. Улардан 81 таси халқаро ташкилотлардан иборат эди. Нодавлат ташкилотларнинг 48 таси жамғарма, 78 таси жамият, 4 таси сиёсий партия, 42 таси федерация, 16 таси қасаба уюшмалари, 2 таси ҳаракат, 20 таси марказ, 48 таси ассоциация, 20 таси уюшма, 5 таси кўмита, яна 37 таси турли номларда расмий рўйхатдан ўтганлар. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда давлат рўйхатига олинган 1957 та, шунингдек, ҳисоб рўйхатига олинган 2911 та, ҳаммаси бўлиб 4868 та маҳаллий аҳамиятга эга бўлган жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатди¹.

Ўзбекистонда ННТ ўз фаолиятларини ҳудудий мансублигига боғлиқ ҳолда қуйидаги даражаларга бўлинади:

-**умуммамлакат** аҳамиятига эга бўлган ННН. Улар ўзларининг тузилмавий қуйи ташкилотларига (маҳаллий ташкилотлари, филиаллари, бўлимлари, ваколатхоналари ва бошқ.) эга бўлиб, бутун мамлакат миқёсида фаолият юритади;

-**минтақавий ННТ**. Уларга Қорақалпоғистон республикси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудларида фаолият юритадиган ННТ киради;

-**маҳаллий ННТ**. Уларга туманлар, шаҳарлар, шаҳарча ва бошқа кичик ҳудудларда фаолият юритувчи ННТ киради.

Ўзбекистондаги ННТни халқаро ташкилотлар экспертлари қуйидагича таснифлайди:

1. Аҳолининг йирик қатламлари ижтимоий манфаатлари учун хизмат қиладиган умуммиллий тузилмалар («Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Қамолот» ЁИХ, Хотин-қизлар кўмитаси, Ногиронлар жамияти, «Нуроний» жамғармаси ва бошқ.).

2. Экология, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳалига ихтисослашган миллий-халқаро жамғармалар («Экосан», «Ибн Сино», «Соғлом авлод», Оролни қутқариш, Амир Темур ва бошқ. халқаро жамғармалар).

3. Қасбий ва маънавий манфаатлар бўйича тузилган ижтимоий ташкилотлар (Республика «Маънавият тарғибот» маркази, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва бошқ.).

4. Умум миллий ҳайрия жамиятлари ва жамғармалари (Болалар жамғармаси, «Меҳр нури» жамғармаси ва бошқ.).

5. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ноҳуқумат ташкилотлари (Ўзбекистон судлар уюшмаси, Адвокатлар палатаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва бошқ.).

6. Ижодий зиёлиларнинг миллий жамоат ташкилотлари (Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар уюшмаси, Композиторлар уюшмаси, Архитекторлар уюшмаси, Кинематографистлар уюшмаси ва бошқ.)

¹Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жорий архиви. Давлат рўйхатидан ва ҳисоб рўйхатидан ўтган ҳамда фаолият кўрсатаётган нодавлат ношижорат ташкилотлар умумий жаъвали (2005 й. 12 майдаги ҳолати). –Б.2-3.

7. Миллий-маданий марказлар (улар Ўзбекистонда яшаётган миллий жамоалар (озчилик) вакилларини миллий ва этник белгиларига қараб бирлаштиради, хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамиятлари ва бошқ.).

8. Ижтимоий аҳамиятли қатламлар ва ижодий манфаатлар бўйича бирлашмалар (Ветеран жангчилар бирлашмаси, Автомото хаваскорларининг кўнгилли жамияти, Ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти, Туристлар клуби, Хаваскор кўшиқчилар клуби ва бошқ.).

Бундан ташқари, ННТлар қаторига турли шаклларга мансуб бўлган ташкилотларни киритиш мумкин:

- Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар;
- Касаба уюшмалари;
- Диний ташкилотлар;
- Турли спорт федерациялари ва уюшмалари¹.

Мамлакатимизда 1991 йили жамоат бирлашмаларининг сони 200 тани ташкил этган бўлса, 2000 йилда уларнинг сони 2300 тага, 2010 йилда – 5100 тага етди. Бугунги кунда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 8 минг 100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Бу дегани 2010 йилга нисбатан 1,6 марта кўп демакдир².

Мамлакатдаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг 39 фоизи ҳукумат ва унинг қуйи органлари ташаббуси билан тузилди. Мавжуд нодавлат нотижорат ташкилотларининг 16,1 фоизини спорт, 10,4 фоизини ёшлар, 10 фоизини ҳуқуқий ва демократик институтларни мустақамлаш, 9 фоизини сиёсий партия ташкилотлари, 8,4 фоизини ногирон ва имконияти чекланганлар ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилиш, 6,4 фоизини маданият-маърифат ва тарих йўналиши, 6,3 фоизини касаба уюшмалари, 5 фоизини хотин-қизлар, 4,4 фоизини фавқулодда вазиятлар, 4,2 фоизини фахрийлар, 3,8 фоизини соғлиқни сақлаш, 3,4 фоизини тадбиркорлар ва фермерлар ҳамда қолган 12,6 фоизини бошқа соҳалар ташкил этади³.

Мамлакатда миллий мустақилликнинг дастлабки даврларида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил топди. Ўтган давр ичида «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси, Халқаро Амир Темур жамғармаси, Халқаро Имом Бухорий жамғармаси, «Олтин мерос» жамғармаси, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Халқ бирлиги» ҳаракати, Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, Миллий матбуот маркази, Байналмилал маданий марказ, республика «Истеъдод» жамғармаси каби нодавлат ташкилотлар тузилди. Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси эса демократик принциплар асосида

¹ Формирование нового видения роли и места ННО в процессах политической и экономической модернизации в Узбекистане.-Т.:ЦЭИ;БМТ Ривожланиш дастури, 2010.-Б.54-55.

² Ўзбекистон Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форуми материаллари, (21-22 декабрь 2014 й.). –Т., 2015.-Б.3-4.

³ Мелиев Х.Фуқаролик жамияти: уни қўллаб-қувватлашнинг миллий модели. <http://huquqburch.uz/uz/view/2007>.

бутунлай қайтадан ташкил этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон «Тадбиркор аёл», Ўзбекистон Болалар жамғармаси, «Аёл ва саломатлик», «Меҳр», «Аёллар ресурс маркази», «Аёл ва жамият» институти каби хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишга қаратилган ва улар манфаатларини ифодалайдиган нодавлат ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Кейинги ўн йилликларга келиб Ўзбекистон ижтимоий ҳаёти учун бутунлай янги бўлган нодавлат ташкилотлар тузила бошланди. XXI асрда технологик жараёнларнинг кўпайиши, автомобиль ҳаракатларини кескин ошиши, пластик маҳсулотларнинг маиший турмушга кириб келиши натижасида экологик хавф кучайди. Ана шу хавф оқибатларига қарши кураш мақсадида мамлакатдаги экологияга оид ташкилотлар ташаббуси билан 2008 йил 2 августда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташкил этилди. Бу ҳаракат фуқаролик жамияти институти сифатида фаолият юрита бошлади. Унинг асосий шиори - “Атроф муҳит озодлиги – саломатлик гарови” аҳоли ўртасида тезлик билан ёйилиб кетди. Бу ҳаракатнинг фаол ҳаракати билан аҳоли ўртасида экологик маданиятни шакллантиришга оид турли тадбирларни амалга ошириш анъанага айлан бошлади.

Ўзбекистон экологик ҳаракати фаолларининг она табиатни асраш, инсон саломатлигини ҳимоя қилиш, шаҳарларда дарахтлар ва турли ўсимликларни кўпайтиришга доир фаолияти ўз самарасини бера бошлади. Шунингдек, экоҳаракатнинг «Соғлом муҳит - инсон саломатлиги» ғояси ҳам ўз атрофига аҳолининг турли ижтимоий қатламларини бирлаштира бошлади. Экоҳаракат кўйидаги дастурий вазифаларни илгари сурди:

Экоҳаракатнинг асосий эътибори атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг умумий вазифаси бўлиб қолишига йўналтирилади.

Ушбу мақсадларда Экоҳаракат ўз саъй-ҳаракатларини:

-ўз иштирокчилари ва ташкилотларида, ҳамкорларида минтақавий, миллий ва маҳаллий экологик ҳамда аҳоли саломатлиги муҳофазаси яхлит дастурларини ишлаб чиқиш ва бажаришдаги амалий иштирокларини фаоллаштиришга қаратилган саъй ҳаракатларни шакллантириш;

-Экоҳаракат иштирокчилари ва ҳамкорларининг давлат органлари ва жамоат тузилмалари томонидан мавжуд экологик муаммоларини ҳал этиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси борасидаги масъулиятини кучайтиришга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириш;

-жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг муайян экологик муаммоларни ҳал этишдаги ҳамкорликлари самарадорлигини ошириш ва ривожлантиришга йўналтиради.

Хусусан Экоҳаракат:

-фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқини ҳимоялашга ҳамда табиатдан фойдаланиш соҳасида иқтисодий механизмларни жорий этишга қаратилган экологик хавфсизликни комплекс тарзда таъминлаш бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва уларни амалга оширишга;

-мамлакатда экологик ҳуқуқбузарликлар ва табиатга бошқача тарзда зарар етказганлик учун корхона ва ташкилотларнинг, мансабдор шахслар ва алоҳида фуқароларнинг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган чора тadbирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга;

-экологик ҳуқуқбузарликлар ва табиатга зарарли бўлган бошқа таъсирлар оқибатларини бартараф этиш, шу жумладан трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган ҳолатларда ҳам, улар томонидан атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига етказилган зарарни қоплашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга интилади¹.

Ўзбекистон экологик ҳаракатнинг парламентда ўзининг вакиллари бўлиши тарихий зарурат сифатида пайдо бўлди. Парламентда табиатни асраш ва экологияни яхшилашга қонунчиликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 150 та депутатдан 15 таси Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан сайланишига доир ҳуқуқий асос яратилди. Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 15 депутатдан иборат фракцияси фаолият юритиши қонуний тарзда расмийлашди. 2009 йил ва 2014 йил декабрда Экоҳаракат конференциясида сайланган мазкур депутатлар гуруҳи атроф муҳит муҳофазасига оид кўплаб қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва уларни қабул қилишда бевосита иштирок этиб келмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат. Ўзбекистонда Юртимизда фуқаролик жамияти институти сифатида шаклланган ва тобора ривожланиб бораётган турли миллатларнинг миллий-маданий марказлари турли миллатлар вакиллари маданияти, тили ва маънавий дунёсини ривожлантиришга хизмат қила бошлади. Миллий-маданий марказлар мамлакатда ўзаро тенглик асосида яшаётган 130 та турли миллат ва элатларнинг манфаатларини ифодалаш, ўзлари мансуб бўлган маданият, ўз миллий кадриятлари ва урф-одатларини йўқолиб кетмасдан яшаши учун кўмак бериб келмоқда. Президент И.А.Каримов мазкур миллий-маданий марказлар фаолиятини баҳолар экан, қуйидаги фикрни билдиради: “Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Республика байналмилал маданият маркази ўз фаолияти давомида мамлакатимизда миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган янги ғоя ва ташаббуслар пайдо бўлаётган ҳақиқий дўстлик уйига айланди”².

Ҳозирги даврда мамлакатда 27 та миллат вакиллари томонидан тузилган 150 га яқин миллий-маданий марказ (МММ) фаолият олиб бормоқда. Улардан 14 таси республика аҳамиятига молик ташкилот мақомига эгадир. Уларнинг 31 таси корейс, 23 таси рус, 10 таси тожик, 9 таси қозок, 9 таси татар миллатига мансуб фаоллар томонидан ташкил этилган. Шунингдек, мамлакатда 8 та озарбайжон, 7 та туркман, 6 та украин ва қирғиз, 5 та турк ва Европа яҳудийлар миллатига мансуб бўлган миллий-маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек,

¹ Қаранг: Ўзбекистон экологик ҳаракати дастури.-Т.:Chinor ENK, 2009.-Б.3-4.

² Каримов И.А. Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига // Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2007.-Б126.

немис, поляк ва арман, уйғур, араб, болгар, бошқирд, грек, грузин ва бошқа миллат вакиллари ҳам ўзларининг миллий-маданий ташкилотлари таркибида турли маданий тадбирлар ва анжуманлар воситасида фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларини фуқаролик жамияти институти сифатида ривожлантиришда 2005 йилнинг 10 июнида «Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси»нинг ташкил топиши муҳим аҳамият касб этди. Унинг асосий мақсадлари сифатида қўйидаги фаолият йўналишлари белгиланди:

-ихтиёрий равишда аъзо бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, демократик кадриятларни мустаҳкамлашдаги иштирокини, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётдаги фаоллигини, ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрнини янада кенгайтириш;

-давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан мувозанатда ўзаро ва икки томонлама манфаатли музокаралар орқали жамиятнинг турли ижтимоий қатламлари манфаатларини ифода

этишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш¹.

Ҳозирги даврга келиб «Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси»га 400 дан ортиқ турли республика миқёсидаги ва вилоятларда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар аъзо бўлиб кирдилар.


Мамлакатда мустақил, барқарор, аҳолининг турли қатламлари қўллаб-қувватлайдиган фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришга, ижтимоий аҳамиятли муаммоларни ҳал этишдаги, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва иш фаоллигини оширишдаги ролини кучайтириш мақсадларида 2005 йил 26 июлда «Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди» ташкил топди. Унинг асосий вазифалари сифатида қўйидагилар белгиланди:

-зарур моддий воситалар ва молиявий маблағларни йиғиш, жумладан фуқаролик жамияти институтларининг, энг аввало, аҳоли қўллаб-қувватлайдиган, мустақил республика фуқароларининг у ёки бу манфаатларини қондириш ва ҳимоя қилиш бўйича уларнинг олдида турган вазифаларни мустақил ҳал этувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланишини рағбатлантириш учун мўлжалланган маҳаллий, чет эл, халқаро ташкилотлар ва молиявий институтларнинг грантларини жалб этиш;

-энг муҳим гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ижтимоий аҳамиятли муаммоларни ҳал этишдаги фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, фуқаролик жамиятининг институтларини ривожлантиришга қаратилган нодавлат нотижорат ташкилотлар лойиҳалари ва дастурларини молиялаш².

¹ Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциациясининг устави.-Т., 2005.-Б.3-4.

² Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди устави.-Т.,2005. –Б.3-4.




Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунига кўра ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти давлат томонидан субсидия, грант, ижтимоий буюртмалар бериш шаклида қўллаб-қувватланмоқда. 2008 йилдан ҳозирга қадар Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси кўмагида ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари ассоциациялари ва бирлашмаларининг 600 га яқин ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа, дастур, устав вазифалари амалга оширилди¹. Фаолияти давомида ишлаб топилган барча маблағларни ННТ ўзларининг дастурларини кенгайтириш ва молиялаштиришга йўналтиради. Албатта, ўз ўрнида, ННТ ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларни жамиятни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш каби фаолияти билан фуқаролик жамиятини ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Шунингдек, Ўзбекистонда БМТнинг Ривожланиш Дастурлари асосида ўнлаб хорижий нодавлат ташкилотлар ўз ваколатхоналари ва бошқа вакиллик идораларини ташкил этди. Жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ваколатхонаси, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ваколатхонаси, Халқаро ривожланиш бўйича АҚШ агентлиги ваколатхонаси, «Британия Кенгаши» («British Council»), Конрад Аденуэр жамғармасининг Марказий Осиё ва Қозоғистон мамлакатлари бўйича ваколатхонаси, Фридрих Эберт жамғармаси ваколатхонаси, Халқаро таълим бўйича Америка Кенгаши («ACCELS»), Марказий Осиёга беғараз ёрдам ташкилоти («SAFE»), Германия Агроакция

¹Сиддиков Д. Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда парламентнинг роли.//[http://www.Dustlik bayrogi.uz/uz/news/info/economy/3398/](http://www.Dustlikbayrogi.uz/uz/news/info/economy/3398/).

ташкilotи, ЮНЕСКО ваколатхонаси, «Глобал Инволмент» номли таълимга доир ташкilot, Осиё маданияти ва ривожланиш институти, АҚШнинг «Меҳр-мурувват корпуси» ва экологияга оид «КОФУТИС» ташкilotи, фуқаролик жамияти қуришга кўмаклашувчи «Кросслинк Девелопмент Интернэшнл» халқаро ташкilotи, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Буюк Британиянинг «Ривожланиш учун ҳамкорлик» ташкilotи, АҚШнинг Халқаро тадқиқотлар ва ўзаро алмашишлар кенгаши (IREX), Евроосиё жамғармаси, Германиянинг «Гёте институти», Франциянинг «Альянс Франсе» ташкilotи, Халқаро ҳамкорлик бўйича Корейс агентлиги, Ривожланиш ва ҳамкорлик бўйича Туркия агентлиги, Халқаро ҳамкорлик бўйича Япония агентлиги, каби юздан ортиқ хорижий мамлакатлар нодавлат ташкilotлари ваколатхоналари ва филиаллари турли соҳаларида кенг фаолият юритмоқда¹. Ҳозирги даврда мамлакатда 50 га яқин хорижий мамлакатлар ННТ ва уларнинг ваколахоналари фаолият олиб бормоқда.



Мамлакатда ХХІ аср бошларида «Кучли давлатдан - кучли жамият сари» концептуал сиёсий дастурни амалга ошириш мақсадларидан келиб чиқиб, марказий давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкilotларга босқичма-босқич бериб бориш асосида жамият қурилишини эркинлаштириш жараёнлари бошланди. Бу соҳада қуйидаги йўналишларда ислоҳотлар босқичма-босқич равишда амалга оширилмоқда:

-биринчидан, жамият аъзоларининг онги, иродаси, маданияти, маънавияти ва билими юксак даражада бўлишига эришиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятига алоҳида эътибор бериш;

¹ Қаранг: Профили организаций оказывающих содействие Республике Узбекистан. Сборник.-Т.,2004.-Б.10-46.

-иккинчидан, жамият аъзоларининг манфаатлари уйғунлашуви жараёнларини шакллантириш, жамият манфаатларининг шахсий манфаатлар билан муштараклигига эришиш;

-учинчидан, жамиятнинг такомиллашуви ва янгиланиши учун кучли ва реал сиёсий, иқтисодий, маданий имкониятларни шакллантириш;

-тўртинчидан, жамият аъзолари ва тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик асосида жамиятнинг умумий манфаатларини уйғунлаштириш;

-бешинчидан, жамиятдаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар таъсирини кучайтириш, уларга онгли равишда бўйсунуш амалиётини вужудга келтириш;

-олтинчидан, сиёсий ҳокимиятнинг ўз вазифаларини тўлиқ бажаришига кенгроқ ва қулайроқ имкониятлар яратиш, сиёсий ҳокимиятга нисбатан жамият аъзолари ишончини кучайтириш, унинг аҳоли томонидан кенг ва фаол қўллаб-қувватланишига эришиш каби йўналишларни ўз ичига олади.

Ҳозирги ислохотларни янада чуқурлаштириш даврида «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётга татбиқ этиш жараёнларидаги муаммолардан бири, бу - турли ижтимоий қатламлар шаклланишининг секин кечиши натижасида уларнинг турли манфаатлари нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида ифодаланиши қийин кечмоқда. Чунки, «учинчи сектор» ташкилотлари у ёки бу ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини ифодалай олиш қобилиятига эга бўлгандагина фуқаролар улар фаолиятида иштирок этишга мойил бўладилар. Акс ҳолда эса фуқаролар нодавлат нотижорат ташкилотларига бефарқлик билан қарайдилар.

Мамлакатдаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг аксарият қисми ҳали ўзлари таянадиган ижтимоий қатламларни аниқлаштириб олмаганликлари ёки ўзларини бирон-бир ижтимоий қатлам манфаатларини ифодаловчи ташкилот даражасига етказа олмаганликлари учун ҳам улар фаолиятига фуқароларни жалб этиш муаммолари ўз ечимини топганича йўқ. Айниқса, ҳали ҳам аксарият жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотларнинг раҳбарлари ва фаолларининг эски бюрократик номенклатура тизимида орттирган руҳияти ва иш услубларидаги тажрибалари, худди давлат органларига хос раҳбарлик каби фаолияти ҳамон сақланиб қолаётганлиги ачинарли ҳолдир. Уларнинг баъзилари эса ҳали ҳам давлат ҳокимияти органларини ўзларининг бевосита раҳбарларинанзоратчилари деб билмоқдалар.

Мамлакатдаги касаба уюшмаларини фуқаролик жамияти институти сифатида демократлаштиришдаги муҳим вазифалардан бири – бу халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, меҳнат жамоаларидаги бошланғич касаба уюшмаларининг ташкилий ва ижтимоий ҳимояга тааллуқли фаолиятини юксалтириш, ижтимоий шерикчиликда ҳам уларнинг ҳал қилувчилик ролини кўтариш, уларни мустақил ташкилот сифатидаги мақомини таъминлаш, шунингдек, тармоқлар касаба уюшмалари атрофига жипслаштириш фуқаролик жамиятини ривожлантиришга муҳим эътибор беришдир.

Мамлакатда фуқаролик жамияти қуришдаги яна бир муҳим муаммолардан бири, бу - фуқаролар сиёсий маданияти ва ҳуқуқий маданиятлари демократик асосларда шаклланишига эришишдир. Шунингдек, фуқароларнинг

ижтимоийлашув жараёнларини амалга оширишда нодавлат ташкилотларнинг ўрнини ошириш ҳам ҳозирги даврнинг долзарб вазифаларидан биридир.

«Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамият сари» тамойилини ижтимоий-сиёсий ҳаётга қўллаш воситасида сиёсий ҳокимият органларининг маҳаллий тизимини мустаҳкамлаш, уларга марказий ҳокимият ваколатларини бир қисмини бериб бориш асносида номарказлаштириш ислоҳотларини ўтказиш, ижроия ҳокимият тизимларини вакиллик органлари ва нодавлат ташкилотлар томонидан кучли назорат этиш механизми ва ҳуқуқий асосларини яратишга доир ислоҳотларни амалга ошириш фуқаролик жамияти қуришнинг шарт-шароитларини яратиш йўлидаги илк қадамлардир.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлатнинг бош ислоҳотчилик фаолияти натижасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг демократик тамойиллар асосидаги ҳуқуқий асослари шаклланди. Қисқа давр ичида мамлакатда фуқаролик жамияти қуришнинг пойдевори - конституциявий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Ислоҳотлар натижасида мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлар тизими шаклланди. Муҳими, «учинчи сектор» билан давлат ҳамкорлиги натижасида мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мустақил фаолият юритиши, давлат ва жамият ишларини бошқариши учун кенг имкониятлар яратилди.

XXI аср бошларига келиб Ўзбекистон давлати ва халқи илғор ривожланган мамлакатларда фуқароларга эркинлик бағишлаган, шахснинг эркин камол топиши учун барча шарт-шароитларни яратган, жамиятнинг ҳамма жабҳаларини демократиялаштиришга қобил бўлган, ўзида халқчил миллий мерос ва анъаналарни ифодалаган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислоҳотларнинг янги босқичини чуқурлаштиришга киришди.

Назорат саволлари

1. Нодавлат нотижорат ташкилотлар инсонларнинг қандай манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади?
2. Нодавлат нотижорат ташкилотлари деганда нимани тушунасиз?
3. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг қандай турлари мавжуд?
4. ННТ жамиятда қандай функцияларни бажаради?
5. Ўзбекистонда ННТнинг ривожланиш суратлари қандай кечмоқда?

Тест саволлари:

1. Тўғри жавобни белгиланг:
 - A. *Манфаат - индивидлар ва гуруҳларнинг ижтимоий хатти-ҳаракатларини белгиловчи сабаблардир;
 - B. Манфаат - инсон истагини қондиришнинг бош омилдир;
 - C. Манфаат - инсон ҳаётини ташкил этиш омилдир.
 - D. Барча жавоблар тўғри
2. Фуқаролик жамиятини шаклланишида муҳим роль уйнайдиган «учинчи сектор»га қайси ташкилотлар киради.
 - A. *нодавлат ташкилотлари

- В.** давлат ташкилотлари
- С.** тижорат ва хусусий корхоналар
- Д.** Барча жавоблар тўғри

3. Давлат органлари нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланиши учун:

- А.** *фуқаролик жамиятига хос қонунлар ва имтиёзли солиқ сиёсати билан қўллаб-қувватлайди;
- В.** етарли даражада фаолият кўрсатишлари учун маблағлар билан таъминлаб туради, молиялаштиради;
- С.** уларни ишчан ва фаол кадрлар билан таъминлаб туради, уларни яхши ишлашларини доимо назорат этиб боради.
- Д.** Барча жавоблар тўғри

4. Нодавлат нотижорат ташкилотлар давлат ва унинг органлари учун:

- А.** давлат ва ҳукумат қарорларини бажаришга ёрдамлашади, давлат режаларини бажаришга кўмаклашади, қонунлар бажарилишини назорат қилади;
- В.** фуқароларни қонунларни бажаришларини назорат қилади, уларни давлат вазифаларини бажаришлари учун сафарбар этади;
- С.** *ижтимоий гуруҳлар ва табақалар манфаатларини бир тизимга солиб, давлат органларига етказиб туради.
- Д.** Барча жавоблар тўғри

5. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг асосий функциялари:

- А.** *жамоат ишларини бошқариш, ўз аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;
- В.** маҳаллий давлат ҳокимияти ишида фаол иштирок этиш, фуқароларни бошқариш ва уларни ижтимоийлаштириш;
- С.** ўз етакчиларини раҳбарлик лавозимларига ўтишига эришиш, жамиятни бошқаришда устуворлик қилиш.
- Д.** Барча жавоблар тўғри

6. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни (1999 йил 14 апрель) қайси моддасида «Нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси»нинг таърифи берилган?

- А.** 4-моддасида
- В.** 3-моддасида
- С.** *2-моддасида
- Д.** Барча жавоблар тўғри

7. “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун қачон қабул қилинган?

- А.** 1992 йил 30 июн;
- В.** 1994 йил 12 январь;

С. *1991 йил 15 феврал.

Д. 1995 йил 20 март.

8. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг асосий фаолият юритиш принциплари:
- А. ижтимоий гуруҳларни бирлаштириш, озчиликнинг кўпчилик иродасига бўйсунishi;
 - В. фуқаролар иродаларини ифода этиш, уларнинг манфаатларини ифода этиш соҳасида фаолият юритиш;
 - С. *аъзоликнинг ихтиёрийлиги, ташаббускорлик, ўзини ўзи бошқариш, бошқарув органларининг сайланишлиги.
 - Д. Барча жавоблар тўғри
9. Жамоат ташкилотлари фаолиятини тўхтатиши мумкин бўлган органлар:
- А. *суд қарори билан;
 - В. давлат органлари қарори билан;
 - С. парламент қарори билан.
 - Д. Барча жавоблар тўғри
10. Нодавлат нотижорат ташкилотлар деганда нимани тушунаси?
- А. ”нодавлат нотижорат ташкилоти турли хил ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этиб, у ўз фаолиятида фойда олишни эмас, балки, ўзига аъзо бўлган кишиларнинг маданий, маънавий, ижтимоий манфаатларини қондиради”;
 - В. ”нодавлат нотижорат ташкилоти - давлатга қарашли бўлмаган жамоат бирлашмаси бўлиб, унинг асосий мақсади фойда олиш эмас, балки турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида демократияни ривожлантирувчи омиллардан биридир”;
 - С. *”нодавлат нотижорат ташкилоти - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз катнашчилари аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир”.
 - Д. Барча жавоблар тўғри

18-МАВЗУ: АХБОРОТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АХБОРОТ ВА СЎЗЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.

Режа:

- 1. Инсоният тарихида ахборот эҳтиёжи.**
- 2. Фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ахборот соҳасини ислох қилиш, сўз ва ахборот эркинлиги.**
- 3. Фуқаролик жамияти бошқарув механизмлари такомиллашувида замонавий ахборот технологияларининг роли**

Таянч сўзлар: Ахборот, оммавий ахборот воситалари, ахборот соҳасини либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти, нодавлат оммавий ахборот воситалари, Интернет, “Электрон ҳукумат”.

1. Инсоният тарихида ахборот эҳтиёжи.

Ҳар қандай жамиятда ахборот ҳамиша мамлакат тараққиётининг кўзгуси, кишиларнинг онги, дунёқараши, сиёсий савияси шаклланишининг асосий воситаларидан биридир. Шунинг учун ҳам, ахборотга бўлган ҳаётий эҳтиёж, уни қондиришга хизмат қилувчи омилларни шакллантириш кишилик тараққиётининг ҳар бир босқичида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келган.

Инсоният тарихида ахборот тўплаш ва тарқатишнинг дастлабки оғзаки (воизлар, жарчилар, чопарлар ва бошқалар) ва ёзма (попируслардаги, эълон тахталари ва ҳакозолардаги) намуналари номунтазам бўлсада, қадим замонлардан яхши маълум. Ўша даврлардаёқ тўлақонли ахборот ва хабарга талаб ҳамда эҳтиёж турли манбаларда ўз аксини топган. Зардуштийлик тарихининг манбаларида айтилишича, Зардушт худонинг пайғоми (хабари)ни одамларга етказиш орқали босқинчилик ва вайронликлар олдини олиш, ҳалол меҳнат қилиб, тинч-тотув яшаш, адолат ва ҳақиқатга сажда қилиш кераклигини ўргатган. 30 асрлар олдин битилиб, бизларга етиб келган “Авесто”дан ҳар қандай хабар, янгилик ўзининг такомиллиги, ҳақиқийлиги, тўлиқлиги билан баҳоланиши, унинг ёрдамида инсоният яхшилик ва эзгуликка қараб интилиши тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Оммавий ахборотнинг асосий маъносини англатувчи маълумот йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш ҳамда тезкор хабарлар ёзиб жамиятни огоҳ этиш билан машғул кишилар Амир Темур даврида ҳам бўлганлиги маълум. Бу ҳақда Соҳибқироннинг «Қиссаи Темур»да: «Амр этдимким, ҳар сарҳад ва вилоят, лашкар ва мамлакатга бир ахборнавис (хабарлар ёзувчи, яъни мухбир) тайин этгайларким, сипоҳ ва ҳоким ва раъият ва бегона лашкар ва мол ва манолнинг мудохил ва махориж ва бегона одамлар ва карвоннинг кирмак ва чиқмоғи ва ҳамсоя подшоҳлар мамлакатининг ахбори ва аларнинг аъмоли ва афъоли ва узоқ баладалардин даргоҳимға юз кўйғон уламо ва фозил одамларнинг ишлар ва сўзларин ростлиғ ва дурустлиғ била ёзиб

даргоҳға йиборгайлар»¹, деган фикри бунинг далилидир. Демак, бўлаётган ходиса-воқеалар ҳақида хабар тўплаш ва давлатни бошқаришда улардан фойдаланиш Соҳибқирон учун ҳам муҳим омил бўлган.

Аллома Алишер Навоий ҳам ўз ижоди ва фаолияти давомида холис ва рост ахборот масаласига алоҳида эътибор қаратган. Унинг “Ҳайратул аброр” достонидаги ёлғон хабар берувчининг аҳволи:

Ҳар киши ёлғонни деса, лек кам
Бўлғай эди кош бу давронда ҳам.²

Ёки “Фарҳод ва Ширин” достонида хабарнинг ижтимоий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган мутафаккир аждодимизнинг:

Эурсен шоҳ - агар огоҳсен-сен,
Агар огоҳсен - сен, шоҳсен сен,³


деган мисрлари ҳар қандай янгилик, хабар ҳақиқийлиги, холислиги, тўлиқлиги ва тезкорлиги билан баҳоланганлиги, унинг ёрдамида халқ иродаси йўналтирилиб турилганидан далолат беради. У мазкур мисрасида агар киши ахборотни биринчи бўлиб эгалласа, жамият тизгинини эгаллаши, айнан хабар сабаб барча ҳалокат ва фалокатларнинг олдини олиши ҳақидаги пандлари бугунги хабар, ахборот бошқараётган дунёмиз ҳақидаги башоратдек кўринади.

Асрлар ошсада ахборотга бўлган талаблар деярли ўзгарган эмас. Аксинча, жамият ҳаётида унинг аҳамияти борган сари ошиб борган ва бугунги кунга келиб мамлакатимиз ривожланиши стратегиясини шакллантириш ва уни бевосита амалга оширишда тобора катта роль ўйнамоқда. Бу эса уларнинг фуқаролик жамиятига хос асосий омиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради.

¹Амир Темур Кўрагон. Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Т.: ДИТАФ, 2001. – Б. 285.

²Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. 6-жилд. – Т.: Ф. Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 179.

³ Ўша ерда. - Б. 178.



Мустақиллик йилларида эркин оммавий ахборот воситалари фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар шаклланди. ОАВнинг фуқаролик жамияти институти сифатида ривожлантириш йўлидаги ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Дикқатга сазовор муҳим томони шундаки, эркин ОАВни ривожлантирмай туриб, фуқаролик жамияти қуриш ва инсон эркинлиги, ҳуқуқларини таъминлаш мумкин эмаслигини жамоатчилик англаб етди.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш масаласи алоҳида ўрин эгаллашини назарда тутиб Президент И.Каримов шундай дейди: «Жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги энг муҳим устувор йўналиш – бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиклигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилишдир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади».¹

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ахборот соҳасини либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашда ҳам янги босқични бошлаб берди. Ўтган йиллар давомида ушбу соҳада кенг қамровли ислоҳотлар, кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу борада ахборот воситалари

¹ Каримов И. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 19.

фаолиятига оид мукамал ҳуқуқий база яратилганлигини ва у инсонлар учун ахборот олиш соҳасида эркинлик ва ҳуқуқларини таъминлашда муҳим роль ўйнаётганлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Аввало, мамлакатимизда ахборот соҳасида олиб борилаётган сиёсат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва қонунларга мувофиқ фаолият юритиши¹ ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигига, ҳамда ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга² эканлиги ҳақидаги меъёрларни изчиллик билан ва тўлалигича таъминланиши асосида амалга оширилишини қайд этиш зарур.

Шу маънода Президентимиз И.А.Каримов оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамиятидаги ролига алоҳида тўхталиб: “Очиқ ва кучли фуқаролик жамиятини бугунги кунда эркин оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тизимсиз тасаввур этиб бўлмайди... уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишни таъминлайдиган зарур меъёрий-ҳуқуқий база, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар яратилгани ҳам бу соҳадаги катта ишларимиздан бўлди”,³ деб таъкидлагани бежиз эмас. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг таҳлили бу соҳага оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш изчил ва тизимли тарзда амалга ошириб борилганлигини кўрсатмоқда. Ўтган йилларда мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий макон ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида босма нашрлар сони кўпайди, хусусий газета ва телестудиялар тизими юзага келди.

2. Фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ахборот соҳасини ислох қилиш, сўз ва ахборот эркинлиги.


Ахборот эркинлигини таъминлайдиган конституциявий меъёрлар оммавий ахборот воситалари фаолиятини ва умуман ахборот соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонунларда ҳам такомиллаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, демократик жараёнлар анча чуқурлашган, бунга мос матбуотга эга бўлган ривожланган мамлакатларда сўз ва фикр эркинлиги аста-секин ўз оқими билан кириб келган. Жамиятни тубдан ислох қилиш, асрлар мобайнида шаклланиб қолган тушунчаларни синдириш, ҳур фикрлиликни турмуш тарзига айлантириш мақсадида ана шундай қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистон учун катта сиёсий, маданий, қолаверса, ҳуқуқий воқеа бўлди. Айни пайтда у ахборот соҳасини жаҳон андозаларига мослаштириш, фуқароларни эркин фикрлашга ўргатиш ва шу асосда жамиятни соғлом фикрлар асосида қайтадан куриш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини кўрсатади.


¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б. 13.

² Ўша ерда. – Б. 8.

³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – Б. 36.



Мустақиллик йилларида ОАВ га оид қабул қилинган
Қонунларда:



Мустақиллик даврида мамлакатимиздаги ОАВ ларининг қиёфаси, тизимдаги таркибий ўзгариш ва янгиланишлар қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

1. ОАВнинг сони ва сифати кескин ортиб бормоқда. 1991 йилда ОАВ умумий сони 395 та бўлган бўлса¹, 1994 йилда Республикада 475 та ОАВ, улардан 384 та газета, 66та журнал, 19 та телестудия, 3 та кабель телевиденияси, 2 та радиостудия ва битта агентлик фаолият кўрсатган². бугунга келиб, 1,4 мингтага яқин оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинганлигини айтиш зарур. Улардан 709 газета, 289 журнал, 95 ТВ и радио. Босма нашрлар, теле- и радиоканаллар билан бир вақтда публицистик фаолиятни веб-сайтлар ҳам олиб бормоқдалар.³

2. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда даврий босма нашрларнинг интернет версиялари, интернет журналистика вужудга келди ва у жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Сўнгги беш йил ичида уларнинг сони 2 баробардан ортди. 1 январь 2015 йил ҳолатига кўра, интернет оммавий ахборот воситалари 304 тани ташкил этади.⁴

3. Сўнгги ўн йил ичида мустақил босма ОАВ ларининг сони 2,5 марта, мустақил электрон ОАВларнинг сони эса 7 баробар ошди.⁵ Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи

¹Қаранг: Важный этап реформирования информационной сферы // Народное слово. – 2013. – 20 ноября.

² ОАВ: ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда // Халқ сўзи. – 2010. – 20 август.

³Қаранг: Цифры и комментарии // Народное слово. – 2014. – 5 февраля.

⁴“Фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги ошмоқда”. 24.04. 2015 // Инт.: <http://uza.uz>

⁵Қаранг: Важный этап реформирования информационной сферы // Народное слово. – 2013. – 20 ноября.

нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади.¹ Бу эса эркин ахборот бозори, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган мустақил нашрлар сони кўпайиб, рақобат муҳити шаклланганлидан далолат беради.

4. Республикамизда истиқомат қилаётган кўп миллатли муштарийларнинг талаб ва истаклари инобатга олинган ҳолда босма оммавий ахборот воситалари 12 та тилда² нашр этилмоқда, телевидение ва радиода ҳам бу амалиёт қўлланилмоқда, эшиттириш ва кўрсатувлар қардош халқлар тилларидан ташқари рус, инглиз тилларида ҳам эфирга узатилиб, веб-сайтлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида фаолият юритади;

5. Бугун республикамиздаги оммавий ахборот воситалари сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, таълим-тарбия, хотин-қизлар, ижтимоий-маърифий, иқтисодий-ижтимоий, спорт, маънавий-маърифий ва шу каби бошқа кўплаб соҳалар бўйича чиқарилмоқда.

6. Давлат ва жамоат ташкилотлари оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда нодавлат оммавий ахборот воситалари ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча ташкилотлар тизими яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат ноtijорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистларни тайёрлаш халқаро маркази шулар жумласидандир.

7. Халқаро ҳамжамиятни мамлакатимиз ҳаёти, ислохотларни амалга ошириш борасида қўлга киритилган ютуқлар тўғрисида хабардор қилиш, аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кучайтириш мақсадида ҳозирги кунда интернет тармоғида деярли барча давлат органларининг веб-сайтлари жойлаштирилган. Давлат органлари веб-сайтларидан ташқари бошқа веб-сайтларнинг сони ҳам ошиб бораётганлигини алоҳида қайд этиш зарур. Хусусан, “Uz” домен зонасидаги веб-сайтларнинг сони 2002 йилдаги 587дан³ 2010 йил февраль ойида миллий интернет маконида 10 мингта веб-сайт рўйхатга олинган, 2015 йил июнь ойи ҳолатига кўра эса, уларнинг сони 21,86 мингтага етди.⁴

8. Соҳага замонавий технологиялар изчил жорий этилиши натижасида тизимга рақамли, мобиль ва интернет телевидение каби мутлақо янги

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И. Каримов. – Т: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 30.

²Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма /А.Жалилов ва бошқ. – Тошкент, 2015. - Б.187.

³ Миллий домен интернет фестивали бошланди // Халқ сўзи. – 2013. – 15 август.

⁴Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2015 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи.

медиатузилмалар кириб келмоқда. Глобал тармоқда 200 га яқин нашрларнинг электрон версиялари мавжуд.¹

Шунингдек, ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Наманган, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари компьютерлаштириш марказларига "uz" доменини рўйхатга олиш мақоми берилди. Бу эса "uz" доменини ҳудудларнинг ўзида рўйхатга олиш ва уларнинг сонини янада оширишга хизмат қилади.²

Веб-сайтларнинг сони ошиб бораётганлиги нафақат фуқароларимизнинг, балки бошқа мамлакатларда ҳам Республикамизда ўзказилаётган ислоҳотлар ҳақида тўла маълумотга эга бўлиш учун имкониятлар яратмоқда.

Бу мисоллар мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини либераллаштиришга оид сиёсат тизимли асосда, босқичма-босқич ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Айни чоғда, мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар охир оқибатда оммавий ахборот воситалари ишида янги йўналишларнинг пайдо бўлиши ва соҳага оид қонунчилик базасини такомиллаштиришга олиб келди.

Мамлакатимизда яратилган қонунчилик базаси ва амалга оширилаётган ишлар халқаро-ҳуқуқий меъёрларга тўла мос келишини алоҳида қайд этиш керак. Хусусан, ОАВ фаолиятига оид қонунларнинг таҳлили уларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 19-моддасидаги “ҳар ким давлат чегараларидан қатъий назар ҳар қандай ахборотни олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги” ҳамда бошқа халқаро ҳужжатда “ўзаро тенглик ва турли маданиятларни ҳурмат қилиш асосида барча давлатлар ўртасида икки ва кўп томонли ахборот алмашиш муҳим”лиги тўғрисидаги меъёрларга ҳамоҳанг эканлигини намоён қилмоқда.³

Мамлакат раҳбари жамиятимиз ривожидида оммавий ахборот воситаларининг роли ҳақида тўхталиб: “Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустақамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларининг янада эркинлаштириш,... олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиклиги ва ошкорлигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятнинг изчил шаклланишига мадад бериши даркор”⁴ деб таъкидлаган.

Шу маънода Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да ахборот соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги қонунчилик ташаббуслари ушбу соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган тадрижий ислоҳотларнинг узвий давоми бўлди.

¹Замонавий медиатехнологиялар ва тараққиёт // Халқ сўзи. – 2013. – 9 апрель.

²Ўзбекистон матбуоти миллий форуми // Халқ сўзи. – 2013. – 20 ноябрь.

³Борсиева З.Х. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва уни Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш жараёни. – Т: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б.34.

⁴Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 31.

Унда Юртбошимиз ахборот соҳасини тараққий топтириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашни мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб берган.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш саналади. Шу нуқтаи назардан Концепцияда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш таклиф этилди. 2014 йилнинг 6 майида қабул қилинган бу қонуннинг ҳаётга жорий этилиши давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб боришнинг ҳуқуқий механизмларинияратиб, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашга хизмат қилади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида жамоатчилик фикрининг роли тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Фуқароларнинг ахборот воситалари орқали сиёсий қарорларни қабул қилинишга таъсири ва кенг иштироки натижасида дастурларни амалга ошириш жараёнида ОАВга мурожаатлар ошиб боради. Бу эса оммавий ахборот воситалари ёрдамида фуқаролар ва давлат бошқаруви органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янада яқинлашуви, ривожини учун имконият яратади.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши фуқароларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида холис, тезкор ва тўла-тўқис хабардор қилишга, фуқароларнинг давлат ва жамият қурилиши жараёнларида фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилиб, бу органлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда барча зарур шароитларни яратиб беради.

Президент И.Каримов томонидан “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ҳақидаги таклифи ҳам бу муаммонинг ечими жамият тараққиёти учун нечоғлик долзарб эканини тасдиқлайди¹.

Бир сўз билан айтганда, қонуннинг қабул қилиниши натижасида, ахборот воситалари билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш орқали медиамаконни тезкор ва мукамал ахборот билан тўлдириш ҳамда ушбу маълумотлардан фуқароларнинг эркин фойдалана олишлари учун кенг имкониятлар яратилади.

XXI асрда тараққиётнинг ахборот босқичига қадам қўйган жаҳон ҳамжамияти ҳар соҳани модернизациялаш ва ахборотлаштириш йўлидан бормоқда. Ахборот-коммуникация технологияларнинг инқилобий таъсири давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари, иқтисодий ва ижтимоий соҳа, илм-фан ва таълим, маданият ва одамларнинг турмуш тарзида кузатилмоқда. Компьютер технологиялари инсонларга ўз

¹ Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табриги // Инт.www.press-service.uz. – 2011. – 27 июнь.

салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради, фаровонлик даражасини ошириш, демократия, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадларига эришишига ёрдам беради.

Республикамиз ҳам мазкур жараёнлардан четда қолаётгани йўқ ва глобал ахборот жамиятини шакллантиришда фаол иштирок этмоқда. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да¹ ахборот соҳасига оид белгиланган вазифалар ҳам Ўзбекистонга жаҳон ахборот маконида ўзининг муносиб ўрнини топишига ёрдам бермоқда.

Айни чоғда, ахборот технологиялари, оммавий ахборот воситалари ва электрон коммуникациянинг ривожланиши ҳозирги замон жамияти бошдан кечираётган глобал ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Жамиятнинг асосий институтлари ҳисобланган ҳокимиятлар, соғлиқни сақлаш, оила ва никоҳ, маданият, таълим ва фан кабилар жиддий трансформацияга юз тутмоқда.

Ахборот технологиялари асосида давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг шакли ва мазмуни тубдан ўзгармоқда, давлат бошқарувининг инновацион тизими – электрон ҳукуматлар, электрон давлатлар ташкил топмоқда, демократик бошқарувнинг тартиб-таомиллари (электрон демократия, тўғридан-тўғри фойдаланиш ёки танишиш демократияси) такомиллашиб бормоқда.

Ахборот жамиятида ижтимоий институтлар жиддий ўзгариб борар экан, юз бераётган ўзгаришларни ўрганиш ва мушоҳада қилишга бўлган эҳтиёж ҳам шунга яраша ортиб боради.

Ҳозирги замон жамияти ахборот маконининг ўзгариши қадриятларнинг янги тизими, билиш ва амалиётнинг энг янги устуворликлари шаклланишига олиб келади. Бундай қадриятлар ва устуворликлар ўз навбатида инсоннинг жамиятдаги ҳулқ-атвориغا, сиёсий ва иқтисодий тизимни ривожлантиришга, деярли барча ижтимоий институтлар фаолият кўрсатишига жиддий таъсир ўтказади.

Айни бир вақтда сиёсат, иқтисодиёт ва маданият ахборотдан муайян гуруҳлар манфаатларида фойдаланилиши ёки ахборотни онгли равишда бузиш билан боғлиқ турли хавф ва таҳдидларга дучор бўлади. Бундай муаммолар электрон коммуникациялар ҳукмронлиги шароитларида ривожланиш истиқболларини қайта мушоҳада қилишнинг долзарблигини кучайтиради, шунингдек янги турдаги ахборот макони имкониятларига тегишли баҳо бериш ва унинг ижобий салоҳиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга тақозо қилади.

Шундай қилиб, ахборот билан таъминланган жамият маданияти ҳокимиятнинг янги турини – илмий билимга асосланган ҳокимиятни шакллантиради. Бундай ҳокимият ахборот билан таъминланган жамиятнинг муҳим, ажралмас хусусияти бўлиб, уни сиёсий, иқтисодий, маданий ва

¹Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И. Каримов. – Т: “Ўзбекистон”, 2010. – Б.34.

ижтимоий-техник жиҳатдан ривожлантириш йўналишлари ва параметрларини кўрсатиб беради.

Мазкур вазифаларни, шунингдек ўзгаришлар боришининг бутун жараёнига жиддий таъсир қилувчи муаммоларни ҳал этиш учун давлат томонидан ахборот сиёсати амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда ривожланаётган мамлакатларда ахборот миллий ресурс бўлиб, уни сақлаш, ривожлантириш ва ундан оқилона фойдаланиш давлат аҳамиятига молик вазифа эканлиги тўла-тўқис англаб етилган. Шундай қилиб, ҳозирги босқичда жамият ахборот соҳасини ривожлантиришга қаратилган ва нафақат телекоммуникация воситаларини, балки ахборотнинг (ишчанликка қаратилган, томошабоп, илмий-таълим янгиликларидан хабардор қилиш ва шу каби) турларини яратиш, сақлаш, улар устида ишлаш ва уларни тарқатиш билан боғлиқ ишлаб чиқаришлар ҳамда муносабатларнинг бутун жамламасини қамраб оладиган солувчи давлат сиёсати шаклланиб бормоқда.

Шундай қилиб, жаҳон ҳамжамиятида илғор мавқеларни эгаллашга интилаётган давлат самарали миллий ахборот сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши ҳамда бундай сиёсатга нисбатан ахборотлашган демократик ва фуқаролик жамиятга ўтишни таъминлашга давлат бошқарувининг устувор вазифаси сифатида қараши керак.

Ўзгарган ахборот муҳитида давлат ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги янги конфигурация – рақамли ҳамиштирокчилик конфигурацияси тусини касб этмоқда. Бу ҳол ҳокимият тузилмалари билан фуқаролар мулоқотининг ҳозирда амалда бўлган, анъанавий тус олган шакллари модернизация қилиш имкониятини, шунингдек ҳокимиятлар ўзаро муносабатларининг сифат жиҳатидан янги тури – электрон ҳукумат ва электрон демократияпайдо бўлиши имкониятини ҳам беради. Бундай ўзаро муносабатларнинг қарор топиши давлат бошқаруви кадриятларини тубдан қайта кўриб чиқишни, ҳокимият органлари фаолиятини фуқаровий ва илмий экспертизаси самарали бошқарув қарорлари қабул қилинишига кўмаклашадиган очик демократик жамият мўлжалида фаолият олиб боришни англатади. Ҳозирги замон сиёсий ҳокимияти жамият тараққиётининг аввалги тарихий даврларида мавжуд бўлмаган янги ресурсга – шахс ва жамиятга мафкуравий таъсир кўрсатадиган ахборот-коммуникация ресурсига эга бўлмоқда.

АХБОРОТ СОҶАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ:

Жамият демократик механизмлардан фойдаланишга тайёр бўлиши, фуқаролар эса, ўз билимлари, ўз вақтлари ва саъй-харакатларини бошқарув жараёнида иштирок этишга сарфлашга тайёр бўлиши,

Сиёсий тизим механизмлари катта ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ўз вақтида пайқashi ва ақс эттириши ҳамда мазкур манфаатлар бўйича омма ўртасида ўзаро келишувни таъминлаши,

Ҳокимият жамиятнинг тобора мураккаблашиб бораётган, “ахборот асри” шароитларида сифат жиҳатидан янги жиҳатлар касб этаётган талаб-эҳтиёжларига муносабат билдиришга қодир бўлиши,


Сиёсат тўғрисидаги ахборотларнинг ортиб бораётган миқдори сифат жиҳатидан сиёсий ҳаётда иштирок этишга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришига ўтиши вақтида демократия доимий ва тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш механизмларига, мулоқотнинг самарали каналларига, жамоатчилик назоратига ва “икки томонлама алоқа”га эга бўлиши,

Қонун лойиҳалари, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида қабул қилинадиган қарорлар, дастурлар фуқароларнинг умумий муҳокамасига қўйилиши, амал қилиб турган қонунлар ва уларни татбиқ этиш самарадорлигига баҳо бериши,

Электрон технологиялар орқали давлат механизмини жамият учун тушунарли ва ундан фойдаланиш осон бўлиши каби мақсадларини кўзлайди.

“Электрон ҳукумат” тизими жорий этилиши натижасида ҳозирги кунда биз давлат бошқарувининг мутлақо янги механизмлари шаклланишига гувоҳ бўлиб турибмиз.

2015 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” ги қонуни қабул қилинди.¹ Бу эса ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи, давлат органлари билан қулай ва самарали муносабатларни ўрнатувчи “электрон ҳукумат” тизими изчил татбиқ этиш учун имконият яратди.



Электрон демократия ҳозирги кунда ўз ривожининг бошланғич палласида турибди, унинг салоҳияти жуда катта ва бутун дунёда кенг муҳокама қилинмоқда, электрон демократияни маданиятнинг янги феномени сифатида назарий жиҳатдан мушоҳада қилиш эса, борган сари долзарб аҳамият касб этмоқда. Рақамли ҳукумат, киберсиёсат, электрон овоз бериш, рақамли демократия, компьютер воситасидаги сиёсий коммуникация қарор топиши имкониятининг ўзиёқ ахборот жамияти шароитларида сиёсий, иқтисодий ва маданий механизмлар шаклланишининг тубдан ўзгаришидан далолат беради. Инсоният маданият жиҳатдан туб бурилишга яқинлашмоқда. Бунда фуқароларнинг демократик тартиб-таомиллардан фойдаланиш борасида кенг имкониятларга эга бўлиши, қарорлар қабул қилинишида

¹ Ахборот соҳасини ислоҳ қилишнинг муҳим босқичи // Халқ сўзи. - 2015 йил. - 17 декабрь.

фуқаролар иштирок этишининг кенгайиши туфайли ҳокимият янада сифатли, шаффоф ва пировард натижада янада самарали бўлади.

Давлат ўз хизматларини электрон воситалар орқали тақдим этиш йўли билан ўз саъй-ҳаракатларини оддий фуқаролар ҳаёти сифатини яхшилашга қаратаётганидан далолат берадиган мисоллар кўп.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда бу соҳада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2003 йилнинг сентябрь ойида республикада электрон ҳукуматнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган Ҳукумат портали ишлаб чиқилди ва www.gov.uz манзили билан интернет тармоғида жойлаштирилди.

Бугун давлат органлари томонидан ўз фаолиятига ахборот тизими ҳамда ресурсларини жорий қилиш бўйича жадал олиб борилган ишлар натижасида 320 дан ортиқ давлат ахборот ресурслари ва 465 дан зиёд давлат ахборот тизими фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан, 2013 йилда жорий этилган Ягона интерактив давлат хизматлари портали mu.gov.uz орқали аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилувчи 250 турдан ортиқ давлат хизматлари электрон шаклда кўрсатилаётир. Ўтган давр мобайнида улардан 380 мингдан зиёд аҳоли масофадан туриб фойдаланган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама этишда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш мақсадида махсус портал фаолияти йўлга қўйилди. Унда айни пайтга келиб, фойдаланувчилар томонидан 73 та давлат органининг 237 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича 350 дан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилган. Бу эса қабул қилинаётган ҳужжатларнинг сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.¹

Бугунги кунда давлат интерактив хизматлари сони 1088 тага етди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 438 тага кўпдир. Мамлакатда интерактив давлат хизматларини ривожлантириш бўйича кўрилган чоралар натижасида солиқ (soliq.uz) ва статистик ҳисоботлар (stat.uz)ни электрон шаклда топшираётган тадбиркорлик субъектлари улуши 100 фоизга етди.

2015 йилнинг 6 январидан mu.gov.uz да «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таъсирини баҳолаш тизими» йўлга қўйилди. У орқали қонун ҳужжатларини интернет орқали муҳокама қилиш мумкин. Ҳозиргача Ягона порталда 131 та қонун ҳужжати муҳокамага қўйилган бўлиб, шулардан 19 таси муҳокама жараёнида, 104 тасининг муҳокамаси якунига етган, 8 та ҳужжат лойиҳаси тасдиқланган. Қонун ҳужжатлари лойиҳасини баҳолаш жараёнида 282 фикр қолдирилган бўлиб, уларнинг 81 тасига жавоб берилган².

Ахборот билан бу каби эркин танишиш ҳамда ундан фойдаланиш табиий равишда фуқароларда сиёсат ва бошқарувда мунтазам иштирок этиш учун кенг имконият яратади. Бу ўринда электрон ҳукуматга нисбатан муаммоларнинг нафақат навбатдаги амалий ечими, амал қилиб турган

¹«Электрон ҳукумат» тизимининг ҳуқуқий асоси // Халқ сўзи. - 2015. - 2 декабрь.

² Ягона портал: фуқаролар учун катта қулайликлар яратилмоқда // Ўзбекистон овози. – 2015. - 7-июль.

тузилмалар ва ижтимоий муносабатларни модернизация қилиш, балки давлатни бошқаришнинг янги усули сифатида ҳам қаралади.

Шу муносабат билан бир қатор мамлакатларда ҳозирги замон ахборот коммуникациялари шароитларига мос келадиган қонунчилик базаси ва маъмурий тартибга солиш қоидалари (интеллектуал мулк, шахсга доир маълумотлар, шахсий ҳаётнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситалари) ни янада такомиллаштиришнинг ҳуқуқий, сиёсий, ташкилий ва институционал чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу борада ҳокимиятнинг жамоатчилик билан тўғридан-тўғри мулоқотини рағбатлантиришга қаратилган шарт-шароитлар яратилади, ҳокимиятнинг ўзи бундай мулоқотнинг ташаббускори бўлади. Бугунги кунда давлат ҳокимияти органларининг тузилмасида жамоатчилик билан алоқалар бўйича ихтисослаштирилган бўлинмалар мавжудлиги шу билан изоҳланади.

Сиёсий мулоқотда электрон технологиялардан фойдаланиш бундай мулоқот иштирокчиларидан юксак даражадаги ахборот маданиятига ҳамда биргаликда интерфаол ҳаракат қилиш маданиятига эга бўлишни талаб қилади. Айни чоғда, таълим кадри ошади, ахборот меҳнатига, “жамият-ҳокимият” интерфаол мулоқотининг янги шарт-шароитларига энг кўп даражада тайёр бўлган профессионал таҳлилчиларга бўлган қизиқиш кучаяди. Электрон демократиянинг қарор топиши шахс медиамданияти ошишини тақозо этади, фуқароларнинг ахборот маконида таклиф этилаётган медианомаларни танқидий таҳлил этиш ва уларга холис баҳо бериш, ахборот плюрализмининг, тўғридан-тўғри фойдаланиш демократияси амал қилишининг ижтимоий-маданий ва сиёсий қонуниятларининг хос хусусиятларини тушуниш борасидаги қобилиятини ривожлантиришни назарда тутаяди.

Бу борада Давлатимиз раҳбарининг “Электрон ҳукумат” тизимини, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштириш, Ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларини интеграция қиладиган миллий тизимни яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим”¹ деган фикрини алоҳида қайд этиш зарур.

3. Фуқаролик жамияти бошқарув механизмлари такомиллашувида замонавий ахборот технологияларининг роли

Шиддат билан кечаётган ҳодиса–воқеалар оқимида катта ҳажмдаги ахборотнинг мазмунини англаш, уни тўғри талқин этиб хулосалар чиқариш ниҳоятда муҳимдир. Бу эса ахборотни танлаш, саралаш, уни тўғри идрок

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз –кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2013. – 19 январь.

этиш маданиятини шакллантиришкаби инсоннинг бевосита дунёқараши, салоҳияти, тажрибаси билан боғлиқ хусусиятларни камол топтириш масалаларининг долзарблигини оширади.

Шу муносабат билан глобал тармоқдан фойдаланувчилар аудиториясининг кўпчилиги ёшлар эканлигини, уларнинг онгини ва дунёқарашини ёт мазмундаги ғоялар билан захарлашга қаратилган маълумотлар Интернет контентнинг катта қисмини ташкил этишини қайд этиш зарур. Турли ижтимоий тармоқлар, форумлар, танишув сайтларининг фаолият юритиши ёшларни ўзига тезда жалб қилмоқда. Ҳозирги кунда турли тилларда сўзлашаётган ёшлар учун Интернет тармоғи кенг имкониятлар яратмоқда. Айниқса, мобил Интернетдан фойдаланувчилар аудиториясининг ортиб бориши турли мазмундаги ахборотларни очиқ олиш имкониятини янада оширмоқда.

Бунинг натижасида, ҳозирда дунёдаги ахборот инқилоби шароитида вужудга келаётган глобал тармоқ жамиятлари мутасадди ва мутахассисларни жиддий ташвишга солапти. Бу турдаги жамиятлар ўзларини «киберинтернационал NET», «Интернет болалари», «Интернет фуқаролари (netizens)» деб номлашмоқда. Чет элларда улар Интернет орқали ёшларни бирлаштириб, давлатнинг расмий хабарларига қарши чикувчи халқаро киберуюшма сифатида сиёсий майдонга чикмоқда. Албатта, бундай жамиятларнинг фаоллиги ошиб борар экан, жаҳонда кечаётган жараёнларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши аниқ.

Жаҳон телекоммуникация тармоқлари ва оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилаётган хилма хил таҳдидлар турли мамлакатларда ташвиш уйғотмоқда. Улар ўз маданияти, анъаналари ва маънавий қадриятларини ёт ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш учун махсус чоралар кўришга мажбур бўлмоқдалар. Бу борада жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида аҳолини ва аввало, ёшларни Интернетнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётганини қайд этиш зарур. Мисол тариқасида халқаро амалиётда “Кибер жиноятлар тўғрисида” Конвенция¹, “Вояга етмаганлар учун хавфсиз Интернет ва онлайн ресурсларни жорий қилиш тўғрисида” Европа Игтифоқи Парламенти Ассамблеясининг тавсиялари², “Бола ҳуқуқлари тўғрисида” БМТ Конвенцияси³ мавжуд.

Мамлакатимизда ҳам бу соҳада тизимли равишда ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг

¹ Европейская Конвенция по киберпреступлениям от 23 ноября 2001 г. // Инт.: http://www.eos.ru/eos_delopr/eos_law/detail.php?ID=32003&SECTION_ID=671

² Продвижение Интернет и онлайн-ресурсов, безопасных для несовершеннолетних. Рекомендация Парламентской Ассамблеи Совета Европы 1882 (2009) // Инт.: http://www.coe.int/T/r/Parliamentary_Assembly/%5bRussian_documents%5d/%5b2009%5d/%5bSepOct2009%5d/Rec1882_rus.asp

³ Конвенция о правах ребенка (Принята резолюцией 44/25 Генеральной Ассамблеи от 20 ноября 1989 года) // Инт.: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml

жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига¹ мувофиқ таълим ва ёшлар бўйича яратилаётган ахборот ресурслари ягона “ZiyoNET” миллий таълим тармоғига бирлаштирилди. Бу тармоқнинг ташкил этилиши ахборот хуружларига қарши туришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари ва уларнинг худудлардаги филиаллари, барча зиё масканлари «ZiyoNET» миллий таълим тармоғи ҳамда юқори тезлик билан ишлайдиган интернетга уланганлиги бу борада амалга оширилган ишларнинг кўлаמידан далолат беради.² Портал Узнет сегментида илғор позициялардан бирини эгаллайди ва ундан фойдаланувчиларнинг сони тобора ортиб бораётгани фикримизнинг далилидир³.

Айни чоғда Интернетнинг миллий сегментида фаолиятини юритаётган Kun.uz (сайтга кунлик ташриф кўрсаткичлари 100 мингдан ортган)⁴ ва Daryo.uz (ҳар куни 90.000 киши ташриф буюради)⁵ каби интернет нашрларда Hi-Tech, маданият, илм-фан, ҳордиқ, спорт, бизнес, давлат бошқаруви органлари каби йўналишларда веб-сайтлар жойлаштирилгани, янги хизмат турлари жорий этилаётгани ҳам ундан фойдаланувчилар, айнан ёшлар сафи кенгайишига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга миллий қонунчилигимизда ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялаш механизмлари мавжуд. Мисол учун, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги,⁶ “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги,⁷ “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги⁸ қонунларда ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ман этилиши белгилаб қўйилган.

Шу асосда, ёшларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгроқ руёбга чиқариш, уларни ахборот хуружларидан ҳимоялашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш борасида зарур чоралар кўрилмоқда. Жумладан, бугунги кунда “Болаларни уларнинг соғлиғи ва маънавий-ахлоқий ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. У

¹ “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ-191-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 40-сон, 305-модда; 2013 й., 45-сон, 584-модда.

² Ахборот-кутубхона фаолияти ва қонунчилик // Халқ сўзи. – 2013. – 2 ноябрь.

³ Қаранг: На защите интересов молодежи // Правда Востока. - 2015 года. - 7 июля.

⁴ <https://kun.uz/info/view/alias/about>

⁵ <http://daryo.uz/biz-haqimizda/>

⁶ “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрирда) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси, 2007 й., №1, 4-модда.

⁷ “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 2-сон, 80-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда.

⁸ “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда, 2009 й., 52-сон, 554-модда.

болаларнинг руҳиятига зарар етказадиган, жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, оммавий ахборот манбаларида зўравонлик, ахлоқсизлик ҳамда шафқатсизликни тарғиб қилишга йўл қўймасликка қаратилган амалий-ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни назарда тутати.¹

Хуллас, юқорида зикр этилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқароликжамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда ОАВ ларнинг барпо этилаётган фуқаролик жамияти тамойилларини қарор топтиришнинг муҳим омилларидан бирига айлантиради.

Назорат саволлари

1. Ахборот тушунчасининг мазмуни. Ахборотнинг предмети ва асосий шакллари.
2. Оммавий ахборот воситалари ва оммавий коммуникация каналлари.
3. Ахборот соҳасида давлат бошқаруви жараёнини жорий этишнинг элементи ва субъекти.
4. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда оммавий коммуникациядан фойдаланишнинг аҳамияти
5. Давлат ахборот сиёсатининг вазифалари ва функциялари.

Тест саволлари

1. Ахборот соҳасида шахс учун қандай ҳуқуқий кафолатлар бўлиши керак?
 - А. Фуқароларнинг ахборот олиш имкониятлари
 - В. Шахсий ҳаётга аралашмаслик
 - С. Оилавий сирни кафолатлаш
 - Д. Хат ёзишмаларини ҳимоялаш
 - Е. Барча жавоблар тўғри
2. Ахборот билан ишлаш қандай жараёнларни камраб олади?
 - А. Ахборотни қабул қилиш
 - В. Ахборотни сақлаш
 - С. Ахборотни қайта ишлаш
 - Д. Ахборотни тарқатиш
 - Е. Барча жавоблар тўғри
3. Ахборот курул сифатида ўз таъсири ўтказиш учун кимга энг аввало имконият яратиб

¹ Қўмиталарда қонун лойиҳалари муҳокамаси бўлиб ўтмоқда // Халқ сўзи. – 2015. - 4 Март.

беради?

- A. Ахборот технологиялари кучли ривожланган давлатлар учун
- B. Ахборот технологиялари ривожланмаган давлатлар учун
- C. Миллий маданиятига ишонадиган халқ учун
- D. Миллий маданиятига унча ҳам ишонмайдиган халқ учун
- E. Барча жавоблар нотўғри

4. Ўзбекистоннинг дунё ахборот макони билан муносабатлари қандай бўлмоғи лозим?

- A. Ўзбекистон ўз миллий ғоясини умуминсоний кадриятларга нисбатан устун қўйиши керак
- B. Ўзбекистон ўз миллий ғоясини умуминсоний кадриятларга нисбатан паст қўйиши керак
- C. Ўзбекистоннинг дунё ахборот макони билан муносабатлари йўқ, чунки Ўзбекистон бу маконга ҳали кирмаган
- D. Ўзбекистон дунё ахборот маконига энди кирди, шунга мувофиқ у ўз манфаатларини айта олиши, тарқатиши ва ҳимоя қилиши зарур
- E. Барча жавоблар нотўғри

5. Бугунги кунда Ўзбекистон фуқароларига ахборот таъсири қандай ахборот воситалари орқали амалга оширилади?

- A. Матбуот, телевидение, Интернет
- B. Телевидение, радио, Интернет
- C. Газета, журналлар, радио, телевидение
- D. Интернет, телевидение
- E. Барча жавоблар нотўғри

6. Ахборот воситалари ичида инсон руҳиятига энг кучли таъсир кўрсатаётгани қайси бири?

- A. Интернет
- B. Радио
- C. Телевидение
- D. Газета ва журналлар
- E. Фото

7.2014 йил 1 январь холатига кура Ўзбекистонда нечта ОАВ рўйхатга олинган ва уларнинг таркиби қандай?

A. 1372 та ОАВ руйхатга олинган булиб, улардан 1016 таси босма оммавий ахборот воситалари (709 та газеталар, 289 та журналлар, 14 та ахборотномалар, 4 та ахборот агентликлари), 95 таси электрон оммавий ахборот воситалари (63 та телевидениялар, 32 та радио) ва 261 та ахборот веб-сайтларидир;

B. 1472 та ОАВ руйхатга олинган булиб, улардан 1116 таси босма оммавий ахборот воситалари (809 та газеталар, 289 та журналлар, 14 та

ахборотномалар, 4 та ахборот агентликлари), 95 таси электрон оммавий ахборот воситалари (63 та телевидениялар, 32 та радио) ва 261 та ахборот веб-сайтларидир;

С. 1572 та ОАВ руйхатга олинган булиб, улардан 1216 таси босма оммавий ахборот воситалари (909 та газеталар, 289 та журналлар, 14 та ахборотномалар, 4 та ахборот агентликлари), 95 таси электрон оммавий ахборот воситалари (63 та телевидениялар, 32 та радио) ва 261 та ахборот веб-сайтларидир;

Д. 1472 та ОАВ руйхатга олинган булиб, улардан 1316 таси босма оммавий ахборот воситалари (1009 та газеталар, 289 та журналлар, 14 та ахборотномалар, 4 та ахборот агентликлари), 95 таси электрон оммавий ахборот воситалари (63 та телевидениялар, 32 та радио) ва 261 та ахборот веб-сайтларидир;

9. Мамлакатимиздаги мавжуд телерадиоканаллар ва веб-сайтларнинг неча % нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади?

- A. 62%
- B. 72%
- C. 82%
- D. 92%

10. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг нечта тилида фаолият олиб боради?

- A. 11 та
- B. 12 та
- C. 13 та
- D. 14 та

19-МАВЗУ: ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ

Режа:

- 1. Фуқаролик жамияти тизимида маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни.**
- 2. Маҳаллий ҳокимият ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабатлари.**
- 3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш.**
- 4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини ривожланишининг концептуал асослари.**

Таянч сўзлар: ўзини ўзи бошқариш, фуқаролар йиғини, маҳалла, маҳаллий ҳокимият, ҳоким, депутат, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, номарказлаштириш.

1. Фуқаролик жамияти тизимида ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла)нинг ўрни беқиёсдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “...ўзини ўзи бошқариш органлари - бизнинг келажагимиз. Фуқаролик жамиятини қурмоқчи эканмиз, унинг асосларини ташкил этувчи пойдевор мана шу органлар бўлади. Биз бугун ана шу асосларни қуришни бошладик”¹. Кўпчилик мамлакатлардан фарқли ўлароқ, маҳалла институти юртимизда минг йиллар давомида синалган ва чуқур илдиз отган, аҳолини бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланиб келмоқда. Айниқса, унинг ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва кадриятларини сақлаб қолиш, уларни жипслаштириш кафолати сифатида майдонга чиқаётганлигини яққол кўриб турибмиз.

Ўзбекистонда фуқаролар ўзини ўзи бошқарувини амалга оширишда маҳалла ўрناق бўлади. Маҳалла ўзбекларнинг тарихан шаклланган жамият тараққиётини юксалтириш учун ягона мақсад билан яшаб, фаолият кўрсатиш маконига айланган. У ўзбек халқининг турмуш тарзи, руҳияти, ижтимоий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи, миллий анъаналарини, урф-одатларини, ахлоқий-маънавий кадриятларини авлоддан-авлодга етказувчи муқаддас маскан бўлиб келган. Маҳалла инсонларнинг миллати, ёши, жинси, дини, ирқи, тили, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар уларни эзгулик йўлида жипслаштирувчи ва бирлаштирувчи катта ва муқаддас оила ҳисобланади.

¹Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулдирмиз. Т. 9. Т.: “Ўзбекистон”. Б. 317-318.

Маҳалла шарқона анъаналар, урф-одатлар ва маросимларни жамоада амалга ошириб, авлоддан-авлодга етказиб келмоқда. Маҳалла фаоллари анъанавий, оилавий тўйлар, байрамлар, мотам маросимларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширишда бош-қош бўлишади. Уларни дабдабасиз, исрофгарчиликсиз, ортиқча харажатларсиз, ихчам қилиб ўтказиш, маҳалла оқсоқоли ва махсус мутасадди комиссияларга боғлиқ. Маҳаллада ўтаётган ҳар бир тантана ёки маросим учун маҳалла аҳлининг каттаю кичиги бирдай масъулдир. Бундай тадбирларда каттаю кичикка, бою камбағалга, мансабдору оддий фуқарога бир хил ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилади. Чунки маҳалланинг барча аъзоси ягона, тенг ҳуқуқли ва мустақкам битта оила ҳисобланади.

Маҳаллада келажак авлодимиз тарбия топади. Бу ерда ўсаётган ҳар бир йигит-қизнинг ахлоқ-одоби учун бутун маҳалла аҳли масъулдир. Шунинг учун ҳам “Бир болага етти кўшни ота-она”, “Бир бола тарбияси учун етти маҳалла ота-она” каби нақллар бежиз пайдо бўлмаган. Ёшларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати барчанинг диққат-марказида бўлади. Маҳалладошларнинг ҳар бир ёш тақдирига жавобгарлиги, уларни назорат қилиши – баркамол инсонни тарбиялаб етиштиришнинг негизидир. Хулқ-одоби яхши ҳар томонлама намунали фарзанд маҳалланинг обрўсидир, ноқобил, ахлоқан номақбул фарзанд эса маҳалла учун қора доғидир. Маҳалладан юртга таниқли инсонлар етишиб чиқса, бутун маҳалла аҳли, уларнинг авлод-аждодлари ғурурланадилар.

Маҳалла тузилмаси ва функцияси вазиятга қараб ўзгариб турган, аммо у ўзини ўзи бошқариш тамойилини сақлаб қолган, ўз ҳудудида истиқомат қилувчи кишилар ўртасида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириб турган. Мустақиллик йилларида маҳаллалар жамиятнинг моддий-маънавий асосларини яратиш таянчига айланиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-сиёсий масалаларни ҳал этиб, фуқаролар йиғинида демократия тамойилларини шакллантириш, инсон омилини қадрлаш макони сифатида тикланмоқда.

Маҳалла, умуман, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамиятидаги роли уларнинг муайян ҳудуддаги аҳолинини бирлаштириши, уни ягона жамоага айланиши ва фаолият кўрсатишига хизмат қилишидадир. Бугунги кундаги замонавий тадқиқотларда муниципал тузилманинг аҳолиси – “ҳудудий оммавий жамоа”, “ҳудудий жамоа”, “маҳаллий ҳамжамият” тушунчалари билан белгиланади. В.Е. Чиркиннинг таърифича, ҳудудий оммавий жамоа – аҳолини ҳудудий мансублик белгиси бўйича ташкил этишнинг махсус шакли ва одамларнинг фуқаролиги ва ёшидан қатъи назар махсус уюшмасидир. Ҳудудий оммавий жамоа сифатида у давлатни ташкил этган жамиятлар, уларнинг ичида тузилиши мумкин бўлган ва ташкил этилаётган бошқа ҳудудий оммавий жамоалар: федерация субъектлари, сиёсий автономиялар, муниципал тузилмаларнинг аҳолиси (халқи)ни ажратади¹.

¹Чиркин В.Е. Публичная власть. – М.: Юристъ, 2005. С. 28.

Худудий жамоа аъзоларининг ўзаро алоқалари мураккаб коммуникациялар тизимидан иборат. Николас Луманнинг фикрича, коммуникация бутунлай онгга боғлиқ бўлиб, яъни коммуникациянинг ўзи эмас, балки онгнинг ахборотни қабул қилиш функциясини бажаради¹. Ушбу ҳолат ўзини ўзи бошқаришда алоҳида инсоннинг иштироки, унинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратишни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикасида “Жамиятда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш Миллий дастури”нинг қабул қилингани мазкур масалани ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Фаол шахсларгина ўз манфаатларини англаб, уларни бевосита ўзлари ёки турли гуруҳларга, хусусан худудий жамоаларга уюшган ҳолда амалга оширадилар.

Фуқароларнинг уюшганлик даражаси, ўзаро алоқаларининг яқинлиги, худудий жамоаларнинг турли кўламда ташкил этилишига қараб фарқланиши табиий ҳолдир. Айнан ушбу ҳолат турли кўламдаги худудий жамоаларнинг фаоллигига салбий таъсир кўрсатади. Энг кўйи қишлоқ, шаҳарча, маҳалла жамоалари аъзолари алоқаларининг яқинлиги, уларнинг бошқарувдаги бевосита иштироки туфайли, худудий ҳамжамиятларни шакллантиради. Айнан шундай ҳамжамиятлар манфаат гуруҳларини ташкил этиб, худудий ўзини ўзи бошқарувчи субъект ҳисобланади. Бундан ҳар бир худудий жамоа, унинг кўламидан қатъи назар, ривожланган коммуникациялар тизимига эга бўлиши лозим деган ҳулоса келиб чиқади.

Худудий жамоаларнинг фаоллиги улар томонидан шакллантирилган ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятига бевосита боғлиқдир. Бундай институтлар, хоҳ ижтимоий, хоҳ сиёсий бўлсин, ижтимоий гуруҳларга сиёсат соҳасида ўз манфаатларини тартибли қондириш имконини беради. Улар муносабатларни барқарорлаштириб, индивидлар ва гуруҳлар юриш-туришини тартибга солиб, уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиради ва интеграциялашувини таъминлайди. Ижтимоий институтлар, аввало, муассасалар тизими бўлиб, уларда ижтимоий гуруҳ аъзолари томонидан тайинланган ёки сайланган муайян шахслар жамият ва индивидуал манфаатларни қондириш, шунингдек гуруҳнинг бошқа аъзолари юриш-туришини тартибга солиш мақсадида умумий бошқарув функцияларини бажариш ваколатини оладилар. Фуқаролар йиғинлари бундай институт вазифасини ўтайди.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра республика худудида 9 787 та фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда, жумладан, 189 та шаҳар фуқаролар йиғини, 1295 та қишлоқ, 157 та овул ва 8 146 та маҳалла фуқаролар йиғинларидир. Ўрта ҳисобда ҳар бир фуқаролар йиғини 3 мингга яқин кишини қамраб олади. Бугунги кунда фуқаролар йиғини раиси лавозимида 1255 нафар аёл фаолият юритиб, умумий раислар сонининг 12,8% ни ташкил этади. Аксарият фуқаролар йиғини раислари (54,6 %) олий маълумотга эга

¹Луман Н. Общество как социальная система. Пер. с нем./ А.Антоновский. М.: Издательство «Логос», 2004. С. 110.

бўлиб, ҳудудлар миқёсида энг юқори кўрсаткич Қашқадарё вилоятида - 72,3%, Қорақалпоғистон Республикасида - 77,1%, Тошкент шаҳрида –77% ни ташкил этади.

Ҳозирги кунда ҳар бир фуқаролар йиғинидаги штат лавозимида фуқаролар йиғини раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маъсул котиб ва “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси раҳбари – жами 40 мингга яқин киши фаолият кўрсатмоқда. Ундан ташқари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида жамоатчилик асосида фуқаролар йиғинининг обрўли ва ҳурматга сазовор аъзолари ўртасидан сайланган маслаҳатчилар фаолият юритади, улар фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича сайланган комиссияларга раҳбарлик қилади. Уларнинг сони 100 минг кишига яқин.

Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларини қўлаб қувватлашда Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг роли катта. Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини мустаҳкамлашда, уларнинг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва ваколатларини самарали татбиқ этишда, жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ўрнини юксалтиришга кўмаклашадиган етакчи жамоат ташкилоти ҳисобланади. Ушбу жамоат фонди фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ишчи органи мақомига эга. Ўз навбатида “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлинмалари мақомига кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар ишчи органлари ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари фаолияти мамлакат аҳолиси томонидан кенг миқёсда қўллаб- қувватланишга ва Ҳукуматнинг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. 2010-2013 йиллар давомида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг 150 нафарга яқин ходими турли давлат мукофотларига сазовор бўлган. 2014 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари 27 нафар ходими давлат мукофотлари билан тақдирланди. 2014 йил 21 декабрда бўлиб ўтган сайловларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг 692 нафар ходимлари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига, 29 нафари вилоят Кенгаши депутатлигига ва 3 нафари Олий Мажлис Сенати аъзолигига сайланганлар. Бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бугунги кунда ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ инсонлар фаолият юритишаётганини кўрсатади.

2. Маҳаллий ҳокимият ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабатлари

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллиги уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари билан муносабатларида акс этади. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

тўғрисида”ги Қонунининг¹3-моддасига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий кадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятidir. Мазкур Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмида эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудуд доирасида амалга ошириши мустаҳкамланган.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг² 4-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабатлари белгиланган. Мазкур моддага мувофиқ халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашишлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб туришлари белгиланган. Ушбу Қонуннинг 1-моддасида эса Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлаши белгиланган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари турли масалалар юзасидан ўзаро муносабатларга киришадилар. Ушбу муносабатлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий бошқарувдаги иштирокини таъминлаш, шунингдек маҳаллий ҳокимият органларини ўзини ўзи бошқаришни йўналтиришдан иборатлиги аён бўлди.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шароит яратади, қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларни амалга оширишда уларга кўмаклашади. Ушбу моддага биноан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хусусан ҳукумат ва парламент бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига аралашмаслигини таъминлайдилар. Бундай фаолият қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларида, дастурларда тегишли меъёрларни ҳамда чораларни белгилаш, уларнинг ижросини таъминлашдан иборат.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашишини ташкил этиш барча давлатларда долзарб масалардан бири ҳисобланади. Масалан, Италия Республикаси

¹Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда.

²Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги 913-ХП-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда.

Конституциянинг 5-моддасида маҳаллий автономияни тан олиши ва унинг ривожланишига кўмаклашиши конституциявий тузум тамойили сифатида белгиланган². Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқаришни ўрганиш кўплаб муаммоларнинг мавжудлиги, уларни ҳал қилиш борасида методик кўрсатмалар, маҳалла раислари (оқсақоллари), уларнинг маслаҳатчилари ва фаоллари малакаларини ошириш ва бошқа масалаларда кўмаклашишга муҳтожлиги аён бўлади. Ушбу ва бошқа масалаларни ҳал қилишда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўмаклашишнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш эҳтиёжи намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда маҳалла фаолиятини ташкил этиш, уни ривожлантиришга кўмаклашишга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида 2003 йилни “Обод маҳалла йили”, - деб эълон қилиб, “... маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади”¹, деб таъкидлади.

2013 йилнинг октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори амалий чоралардан бири бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ ҳар бир ҳудудда ташкил қилинган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш, бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этишга катта кўмак бўлди. 2014 йил мобайнида ушбу ўқув курсларида, жами ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг 35% ни ташкил этувчи 13 минг 983 нафар ходимлар малака ошириб, ўқув курсларининг сертификатларини қўлга киритишди.

Ўзбекистонда ҳам демократик давлатлар каби фуқаролар йиғинларининг ижтимоий-сиёсий функциялари эътиборга олиниб, уларнинг давлат ва маҳаллий бошқарувдаги иштироқи, бу борада маҳаллий ҳокимият органларининг вазифалари алоҳида эътироф этилади². Масалан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлаши белгиланган.

²Конституция Итальянской Республики // <http://www.italia-ru.it/node/4657>

¹ Каримов И.А. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси // Халқ сўзи 2002 йил 6 декабрь сони.

² Қаранг: Маликова Г.Р., Исмоилова Г.С. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳ. – Т.: Ўзбекистон, 2009. Б. 27.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида эса йилнинг ҳар чорагида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиши мустаҳкамланган. Бу борада туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан 2013 йилнинг биринчи чорагида фуқаролар йиғинларига 4757 мартаба, иккинчи чорагида 6459 мартаба, учинчи чорагида 5407 мартаба ҳисоботлар тақдим этилганини қайд этиш лозим. Шунингдек, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, бандликка кўмаклашиш, коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича ҳисоботлари ҳам тизимли равишда эшитилиб борилмоқда¹.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 10-моддасида фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларнинг муҳокамаси ва қабул қилинишидаги иштироки тартибга солинган². Мазкур моддага кўра фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳитининг ҳолати, тахмин қилинаётган ўзгаришлари, аҳоли пунктларининг бош режалари, уй-жой-фуқаролик объектларининг қурилиши, реконструкцияси, ҳудудларнинг ободонлаштирилиши, муҳандислик ва транспорт коммуникацияларининг ўтказилиши тўғрисида ўз вақтида ва ишончли, тўлиқ ахборот олиш ҳамда шаҳарсозлик фаолияти ҳақидаги ўзга ахборотни олиш ҳуқуқига эга. Давлат органлари фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг манфаатларига дахлдор, шаҳарсозлик фаолияти масалаларига тааллуқли мурожаатларини ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқадилар ва уларга белгиланган муддатларда асосли жавоблар тақдим қиладилар.

Барча фуқаролар йиғинлари тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади. Ушбу ваколатлари доирасида фуқаролар йиғинлари давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини яхшилаш ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича таклифлар берадиларн, яъни маҳаллий бошқарувни амалга оширишда иштирок этадилар.

¹<http://www.mahallafond.uz/uz/articles/814/>

²Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, N 4-5, 63-модда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли прокурорлар ахборотини тинглаш ҳам уларнинг маҳаллий бошқарувда амалий иштирокини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси 2001 йил 29 августда янгита ҳирда қабул қилинган „Прокуратура тўғрисида“ги Қонуни¹ 5-моддасининг бешинчи қисмига асосан вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот берадилар. Бу норма прокуратура органларининг вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилишга кенг жамоатчиликни жалб қилиши учун ҳуқуқий замин яратди.

Прокуратура органларининг ахборотини эшитиш давлат органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш баробарида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эътиборини долзарб масалаларга қаратиш, фуқаролар фаоллигини ошириш ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади. Ҳолбуки қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш улар ижросини таъминлаш ва такомиллаштиришнинг муҳим шартларидан биридир. Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра “Ижтимоий бошқарув тизимида назоратнинг ўзи қайтма алоқанинг муҳим тури бўлиб, у орқали ҳокимият субъектларининг амлдаги аҳвол, қарорлар ижроси тўғрисида ахборот оладилар”².

Маҳаллий ҳокимият органларининг ўзини ўзи бошқаришни йўналтириши ўз ваколатлари доирасидаги масалалар юзасидан умуммажбурий қарорлар қабул қилиши, улар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилишдан иборатдир.

Барча давлатларда, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уларга ўтказилган давлат органлари ваколатлари ижроси устидан назорат амалга оширилади ҳамда уларнинг қонунга зид қарорларининг суд органлари томонидан бекор қилинади. Бундай назоратга эҳтиёж Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан ўтказилган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни мониторинги натижаларидан³ ҳам кўриш мумкин. Мониторинг давомида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги фуқаролик ишлари юзасидан умумлашмаси

¹Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган таҳрири // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, N 9-10, 168-модда.

²Маликова Г.Р., Исмоилова Г.С. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳ. – Т.: Ўзбекистон, 2009. Б. 50.

³Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни мониторинги /Масъул муҳаррир Ф.Ҳ. Отахонов. – Т., 2006. – Б. 32.

таҳлилига кўра, судлар иш юритувиغا келиб тушган жами 14 та фуқаролик ишларидан 12 таси ёки қарийб 86 фоизи қаноатлантирилган.

3. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариши ҳуқуқий асосларининг ривожланиши

Мустақилликка эришилиши билан Ўзбекистонда маҳалла институтига мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратишнинг фаол жараёни бошланди. Биринчи ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлди, унинг 105-моддасида қуйидагича белгилаб қўйилган: "Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди".

Конституциянинг ушбу қондаси маҳалланинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш учун дастуруламал бўлиб хизмат қилди. Шундай қилиб, 1993 йил 2 сентябрь куни "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун илк марта қонунчилик даражасида маҳалла фаолиятини тартибга солиди, яъни унинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берди.

Фуқароларнинг моддий мустақиллиги ва сиёсий-ҳуқуқий онги ошишига сабаб бўлаётган демократик ислохотлар чуқурлашиб, бозор муносабатлари ривожланиб боргани сари маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурати туғилди. Натижада 1999 йил 14 апрель куни "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи бевосита мустаҳкамлаб қўйилди, маҳалла фаолиятининг асосий тамойиллари, унинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга давлат қарорлари белгилаб берилди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари кенгайтирилди.

2004 йил 29 апрель куни «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун маҳалла фаолиятини демократлаштириш йўлидаги улкан қадам бўлди. Ушбу қонунда, биринчидан, фуқаролар йиғини органларига сайловнинг демократик тамойиллари белгилаб берилди ва маҳалла органларига сайлов тизими барпо этилди, иккинчидан, сайлов жараёнининг барча босқичлари батафсил тартибга солинди, учинчидан, қонун даражасида мустаҳкам ҳуқуқий қарорлар яратилди.

Маҳалла ўз фаолиятини молиялаштириш бўйича ҳам давлат кўмагини ола бошлади. Шундай қилиб, раис, масъул котиб, "Маҳалла посбони" жамоатчилиги тузилмаси раҳбари ва фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисидан иборат тўрт нафар масъул шахс иши, шунингдек, маҳалланинг қўшимча харажатлари давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари бюджетидан молиялаштирилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан илгари сурилган “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари концепцияси”ни ҳаётга татбиқ этишда энг муҳим ташкилий-институционал бўғинга айланди. Олиб борилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, 2003 йилнинг ўзидаёқ фуқароларнинг умумий ҳисобда 65,1%и ўз оиласи ёки ўзларининг муаммоларини ҳал этиш борасида фуқаролар йиғинларига мурожаат қилиб турган¹. Бу кўрсаткич бугун янада мустаҳкамланмоқда. Бир сўз билан айтганда маҳалла аҳолининг ишончини тўла оқламоқда.

Дарҳақиқат, маҳалла - Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим институти. Айнан маҳаллий ҳокимият ваколатларини бир қисми ушбу институтга олиб берилгани, унинг аҳамияти ошиб бораётганидан далолат беради. Маҳалланинг бошқаруви миллий ва давлатчилигимиз тажрибасидан келиб чиқиб, раис, яъни оқсоқол томонидан амалга оширилмоқда. Оқсоқоллар ва унинг маслаҳатчилари ҳар 2,5 йилда бир неча нафар номзод орасидан аҳоли вакиллари томонидан демократик тарзда сайлов асосида ўз вазифасини бажаришга киришади. Чунончи, 2013 йил ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган сайловлардаги вакиллар йиғилишларида 32292 нафар номзод кўриб чиқилгани, улардан 9756 нафар (бир ўринга ўртача 3,3 нафар номзод) энг муносиблари сайлангани ҳам фикримизни тасдиқлайди. 18 фоиз ҳолатда эса фуқаролар ёпик овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланишди. Шунингдек, 99618 нафар фуқаролар йиғинлари раислари маслаҳатчилари сайланди².

Ўтган давр мобайнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари таркибида бир қатор тузилмавий ўзгартишлар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармони асосида 2004 йилнинг 1 июлидан бошлаб фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги қарори асосида фуқаролар йиғинларида “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмалари фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳудудларда осойишталикни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ҳозирда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида ташкил этилган ушбу жамоатчилик тузилмалари сафига 50 мингдан ортиқ посбонлар жалб этилган. Уларнинг самарали фаолияти натижасида 2011 йилда 2254 та, 2012 йилда 2331 та маҳаллада жинойат содир этиш ҳолатларига йўл қўйилмади³.

Бугунги кунда аҳолининг кундалик ҳаёти, атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган кўпгина йўналишлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали ҳал этилмоқда. Улар аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини

¹ Отамирзаев О. Маҳалла жамоатчилик фикри кўзгусида // Маҳалла, 2003, 15 октябрь.

² <http://www.mahallafond.uz/uz/elections/>

³ <http://www.mahallafond.uz/uz/articles/814/>

қўллаб-қувватлаш, тегишли ҳудудда қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, тўйлар ва бошқа маросимлар ўтказиш бўйича тавсиялар беради, атроф-муҳитни муҳофаза этади, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини ўтказиши, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этади, қайта ташкил этади ва тугатади, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиради, гузарлар барпо этади, коммунал тўловларни тўланишига кўмаклашади, кам таъминланган ёшларнинг никоҳ тузишида ва тўй тадбирларини ўтказишида моддий ёрдам кўрсатади, оилавий тадбиркорлик субъектларини банкдан кредит олишига кафил бўлади ва ҳ.к¹.

Дарҳақиқат, олиб борилган ислохотлар натижасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият қамрови кенгайди. Буни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар мисолидан ҳам кўриш мумкин. 2013 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунга кўра фуқаролар йиғинларидаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар рўйхати қуйидагилардир:

- яраштириш комиссияси;
- маърифат ва маънавий масалалари бўйича комиссия;
- ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия;
- хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия;
- вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия;
- тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалари бўйича комиссия;
- экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия;
- жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия.

Тегишли ҳудуддаги муаммоларнинг долзарблигига қараб, фуқаролар йиғини томонидан фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялари ҳам тузилиши мумкин².

Комиссиялар турли соҳалардан иборат таркибда фуқаролар йиғини фаолиятига кўмаклашади. Бундай комиссиялар 2011 йилнинг ўзидаёқ 50 мингдан ортиқ эди³. Улар бошқа функциялар билан бирга, турли ташкилотлар устидан жамоатчилик назоратини ҳам олиб боради. Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш амалиётининг тобора такомиллашиб бориши, ўз навбатида, ҳудудларда қонун ҳужжатларининг устуворлигини таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар

¹ “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами. 2013, 17 (569)-сон. –Б. 9-10.

² “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами. 2013, 17 (569)-сон. –Б. 17.

³ Насруллаев И. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини ислоҳ этишнинг истикболлари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2012, 3-сон. –Б. 22.

хуқуқий маданиятини юксалтириш, энг муҳими, фуқароларнинг турмуш фаровонлигини ошириш тизимини янада такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 июлдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кўллаб-қувватлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Намунали, фуқаролик жамиятига хос лойиҳаларни амалга ошираётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларини кўллаб-қувватлаш уларга зарур ёрдам кўрсатиш масалалари мамлакатимизда муваффақиятли амалга оширилаётган бир қатор ижтимоий дастурларда ўз аксини топганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Президент Ислон Каримов 2012 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида илгари сурган "Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш зарурлигини таъкидлаган эди. Бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 30 сентябрда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида", 2013 йил 7 октябрда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар билан соҳага оид 15 га яқин низомлар тасдиқланган бўлиб, улар маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она-ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини янада оширишга кўмаклашиш, фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилганлиги билан эътиборлидир. Шу жумладан, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича 8 та комиссияси фаолиятига оид тасдиқланган намунавий Низомларнинг амалиётга татбиқ этилиши маҳаллалар ишига кенг жамоатчиликни жалб этишга катта туртки беради.

Айни пайтда, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1992 йилда Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг ташкил этилганлиги ва ўтган йиллар мобайнида унинг фаолиятини такомиллаштиришга бўлган эътибор маҳаллаларда миллий кадриятларни эъзозлаш ва тарғиб этиш,

маданий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш соҳасида кенг қўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминламоқда. Хусусан, ушбу жамоат ташкилоти томонидан фуқаролар йиғинларига услубий кўмаклашиш мақсадида 2006 — 2013 йиллар давомида 30 дан ортиқ қўлланма ва адабиётлар тайёрланиб, барча фуқаролар йиғинларига етказиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, биргина 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллаларда 245 мингга яқин маърифий-маданий тадбирларнинг ташкил этилиши ва ўтказилишида Фонднинг ҳудудий тузилмалари томонидан маҳаллаларга услубий-амалий ёрдамлар кўрсатилди. Шунингдек, бу борада фуқаролар йиғинларида жамоатчилик асосида 7 мингга яқин тарғибот гуруҳлари фаолияти самарали йўлга қўйилди, 6 мингдан ортиқ маҳаллаларда “Маънавият хоналари”, 3400 дан зиёд ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашдаги фаолиятини ўрганиш, уларнинг илғор тажрибасини кенг оммалаштириш мақсадида “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари”, “Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” каби кўрик-танловларнинг анъанавий тарзда ҳар йили ўтказилиши ва унда қарийб барча фуқаролар йиғинларининг иштироки таъминланмоқда.

Шунингдек, маҳалла ёшлари ўртасида спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Футболимиз келажаги”, “Маҳалламиз паҳлавонлари”, “Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи” каби спорт мусобақалари мунтазам ташкил этилиб келинмоқда. Биргина жорий йилда 9 мингга яқин фуқаролар йиғинларида ўтказилган мазкур спорт мусобақаларига қарийб 2 миллионга яқин болалар ва ўсмирлар жалб этилди. Айни пайтда, маҳаллаларда болалар майдончалари фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида 2013 йилда “Маҳалла” фонди ҳисобидан жами 106 та болалар майдончаси қайта таъмирланди, 41 таси янги қурилди, 2985 та болалар майдончаси ободонлаштирилди. Бундан ташқари, ҳудудларда 172 та мини-футбол, волейбол, баскетбол майдончалари қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида Фонд ҳисобидан 2006 - 2013 йиллар мобайнида 4936 та фуқаролар йиғини замонавий компьютер жамланмаси, 5075 таси мебел жиҳозлари билан таъмирланди. Шунингдек, 724 та маҳалла бинолари жорий, 120 таси капитал таъмирланди ва 92 таси реконструкция қилинди, намунавий лойиҳалар асосида 74 та маҳалла гузари қуриб, ишга туширилди.

Фуқаролар йиғинлари ҳудудида истиқомат қилаётган ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича уларнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишга кўмаклашиш мақсадида 8700 дан ортиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида “Ота-оналар университетлари”ни ташкил этишга кўмаклашилди. Ўтган давр мобайнида ушбу жамоатчилик тузилмалари томонидан 45 мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилди.

Фонд фаолиятида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланиб, бу борада биргина 2011 - 2013 йиллар давомида Фонд ҳисобидан 16 мингдан ортиқ оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 31300 га яқин фуқароларга озиқ-овқат ва кийим-кечаклар, 2600 дан ортиқ эҳтиёжманд оилаларга бир бошдан қорамол олиб берилди. 5 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилалардан бўлган ёшларга, шу жумладан, уларга никоҳ ва тўй тадбирларини ўтказишда кўшимча моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳар йили маҳаллалар ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, муқаддас қадамжоларни тартибга келтириш мақсадида умумхалқ хайрия ҳашарлари анъанавий тарзда ташкил этилади. Истиқлол йилларида бунёдкорлик ва ташаббускорлик, эзгулик ва шижоат тимсолига, маънавий ҳаётимизнинг узвий қисми сифатида умуммиллий анъанага айланган ушбу тадбирда 18 миллионга яқин фуқаролар, шу жумладан, 10 миллиондан ортиқ ёшлар иштирок этмоқда. Биргина мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан жорий йилнинг 24 — 25 август кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари кунларида 960 та зиёратгоҳ ва 9 мингдан ортиқ қабристонлар, 33,3 минг гектар майдон ободонлаштирилди, 40 мингга яқин оилаларнинг уй-жойлари таъмирланди, 566 та янги боғ ташкил этилди.

Маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида Фонднинг ҳудудий тузилмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 9 мингдан ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди, маҳаллаларда 41 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш, ҳудудларда 112 мингдан зиёд янги иш ўринларини яратишга кўмаклашилди. Айни пайтда, фуқаролар йиғинлари ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини, жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этилмоқда. Бу борада манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан 2013 йилнинг 24 июнида ушбу марказларнинг намунавий Низоми қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди¹.

Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси сифатида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири қабул қилинди ва 2013 йилнинг 23 апрель куни

¹<http://www.mahallafond.uz/uz/articles/814/>

матбуотда эълон қилинди. Ушбу қонун билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда, жамоатчилик назорати соҳасида, хусусий тадбиркорлик, шу жумладан оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш борасидаги ваколатлари кенгайтирилди.

Аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида қонунга фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқлаш, фуқароларнинг бандлигига кўмаклашиш, фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқароларни иш билан таъминлаш ҳақидаги меъёрлар киритилди.

Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича қўшимча ваколатлар бериш билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш кафолатларини белгиловчи алоҳида модда киритилди.

Маҳаллани хусусий тадбиркорлик, шу жумладан оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш борасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига фуқаролар йиғини ҳудудида хусусий тадбиркорлик, шу жумладан оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тегишли маслаҳат марказларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш бўйича қўшимча ваколатлар берилди. Хусусан, фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги маслаҳат марказлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчилар учун қисқа муддатли курслар ташкил этиб, тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун мавжуд имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумотлар беради, фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчиларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда ҳар томонлама кўмаклашмоқда.

Концепцияда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган эди. Концепциядаги ана шу вазифаларнинг ижроси доирасида 2013 йил 22 апрелда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам янги таҳрирда қабул қилинди¹.

Мазкур Қонуннинг асосий мақсади фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш борасидаги фуқароларнинг ҳуқуқларини

¹Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 220-модда

тўлароқ таъминлашга қаратилган тегишли ҳуқуқий кафолатларни янада кенгайтиришдан ва бу билан Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 32-моддасида мустаҳкамланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади”¹ – каби меъёрларни ҳаётга тўлиқ жорий этишдан иборат.

Янги таҳрирда қабул қилинган “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов тизимини янада демократлаштириш орқали фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга шарт-шароитлар яратиб сайловларни самарали ўтишига ва буларнинг натижаси сифатида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини энг муносибларини сайлаб олишга хизмат қилмоқда.

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини ривожланишининг концептуал асослари

Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш лозим. Бунда энг муҳими, аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини ян ада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини ошириш даркор. "Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари" деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлади. Айнан шундай ёндашув фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратади. Бу эса фуқаролик жамияти тамойилларига тўла мос келади².

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш концепцияси нафақат мамлакатимиздаги ислохотлар учун илмий-амалий асос³, балки умуман, давлатчилик тараққиётидаги ўзига хос таълимотга айланди дейилса, муболаға бўлмайди. Ушбу концепциянинг ўзбек халқи маданияти ва умум эътироф этилган демократик кадриятлар уйғунлигида шаклланганлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақиятига хизмат қилмоқда. Зеро, ҳар қандай янгиланиш, ҳаттоки либераллаштириш ҳам халқнинг манфаатларига хизмат қилиши лозимлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, N 1, 4-модда.

²Ислом Каримов. Бизкелажагимизни ўзқўлимиз билан қураимиз. Т. 7. Т.: Ўзбекистон, 1999. Б. 389.

³Шарифходжаев М., Рахимов Ф. Человек определевший эпоху. – М.: Книжный дом газеты «Труд», 2004. С. 14-18; Рахманова Ч. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришга оид баъзи масалалар. // Ўзбекистонда миллий давлатчилик назариясининг тарихий-фалсафий ва ҳуқуқий асослари (илмий-назарий мақолалар тўплами). – Т, 2005. 153-154-б.

Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги ҳаётий ислоҳотларнинг назарий жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Биринчи чақирик Олий Мажлиснинг XIV (1999), Иккинчи чақирик Олий Мажлиснинг I сессияларидаги (2000) ва Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги (2005) маърузаларида яхлит концепция шаклида баён қилинган бўлса, уларни рўёбга чиқариш масалалари аниқ дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Мазкур концепциялар ғоялари ўзбек халқи маданияти билан умум эътироф этилган қадриятлар уйғунлигини таъминлашга зарур назарий асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси асосий қоидаларини амалга ошириш XXI асрнинг дастлабки йилларида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жамиятни янгилашнинг асосий устувор йўналишларини рўёбга чиқаришни, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда кенг эркинлаштиришни, давлат ва жамият қурилиши соҳасида эркинлаштиришни таъминлаш учун зарур қонуний ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 10 июнь 1999 йили 296-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси асосий қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ¹арор қабул қилинди.

Мазкур қарорда XXI аср дастлабки йилларида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш дастурлари ҳамда жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тасдиқланди. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида мазкур ¹арорнинг биринчи бандида мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш ҳукумат, давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб мустаҳкамланди.

Давлат ва жамият қурилиши соҳасида эркинлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш юзасидан дастурлар туркуми алоҳида бандда маъқулланди¹. Булар: “Жамият ҳаётининг барча томонларини ислоҳ қилишнинг ишлаб турган қонунчилик-меъёрий базасини такомиллаштириш ва янгиларини шакллантириш дастури”, “Давлат органларининг функцияларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ва ҳукуматга қарашли бўлмаган жамоат ташкилотларига босқичма-босқич бериш концепцияси”, “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари, “Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш”, “Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш” дастурларидир.

Белгиланган дастурларнинг барчаси Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш учун қулай замин яратади. Лекин либерализмнинг ғарбча талқини тарафдорлари ушбу дастурларда хусусий мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида ҳеч қандай тадбирлар белгиланмаганлигини айтишлари мумкин. Хусусий мулкчилик Ўзбекистонда

¹Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 июндаги 296-сон қарорига 1-илова.

хам демократик ҳукукий давлатнинг асосий омили сифатида эътироф этилиб, уни янада ривожлантириш чора-тадбирлари алоҳида иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар дастурларида белгиланган. Шунинг учун ҳам кўпчилик ўзбек олимларининг эркинлаштиришга оид фикрларида хусусий мулкчиликни ривожлантириш ғояларига алоҳида эътибор берилмайди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги ҳаётий ислоҳотларнинг назарий жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Биринчи чақирик Олий Мажлиснинг XIV (1999), Иккинчи чақирик Олий Мажлиснинг I сессияларидаги (2000) ва Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги (2005), Биринчи чақирик Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги (2010) маърузаларида яхлит концепция шаклида баён қилинган бўлса, уларни рўёбга чиқариш масалалари аниқ дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Мазкур концепциялар ғоялари ўзбек халқи маданияти билан умум эътироф этилган қадриятлар уйғунлигини таъминлашга зарур назарий асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси асосий қоидаларини амалга ошириш XXI асрнинг дастлабки йилларида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жамиятни янгилашнинг асосий устувор йўналишларини рўёбга чиқаришни, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда кенг эркинлаштиришни, давлат ва жамият қурилиши соҳасида эркинлаштиришни таъминлаш учун зарур қонуний ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 10 июнь 1999 йили 296-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси асосий қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ¹арор қабул қилинди.

Мазкур қарорда XXI аср дастлабки йилларида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш дастурлари ҳамда жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тасдиқланди. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида мазкур ¹арорнинг биринчи бандида мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш ҳукумат, давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб мустаҳкамланди.

Давлат ва жамият қурилиши соҳасида эркинлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш юзасидан дастурлар туркуми алоҳида бандда маъқулланди¹. Булар: “Жамият ҳаётининг барча томонларини ислоҳ қилишнинг ишлаб турган қонунчилик-меъёрий базасини такомиллаштириш ва янгиларини шакллантириш дастури”, “Давлат органларининг функцияларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ва ҳукуматга қарашли бўлмаган жамоат ташкилотларига босқичма-босқич бериш концепцияси”, “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари, “Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ

¹Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 июндаги 296-сон қарорига 1-илова.

қилишни чуқурлаштириш”, “Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш” дастурларидир.

Белгиланган дастурларнинг барчаси Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш учун қулай замин яратади. Лекин либерализмнинг ғарбча талқини тарафдорлари ушбу дастурларда хусусий мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида ҳеч қандай тадбирлар белгиланмаганлигини айтишлари мумкин. Хусусий мулкчилик Ўзбекистонда ҳам демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий омили сифатида эътироф этилиб, уни янада ривожлантириш чора-тадбирлари алоҳида иқтисодий соҳадаги ислохотлар дастурларида белгиланган. Шунинг учун ҳам кўпчилик ўзбек олимларининг эркинлаштиришга оид фикрларида хусусий мулкчиликни ривожлантириш ғояларига алоҳида эътибор берилмайди.

Назорат саволлари:

1. Фуқаролик жамиятининг институти сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қандай функцияларни бажаради?
2. Маҳаллий ҳокимият ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабатлари қандай йўналишларда амалга оширилади?
3. Мамлакатимизда демократик силовотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантиришга оид қандай вазифалар белгиланган?
4. “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясида фуқаролар ўзини ўзи бошқаришига оид қандай вазифалар белгиланган?
5. “Маҳалла” хайрия фонди ҳақида маълумот беринг

Тест саволлари:

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш...

А. фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган уларнинг ўз манфаатларидан ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатларлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

В. фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек ривожланган хорижий мамлакатларнинг урф-одатларлар ва анъаналаридан келиб чиққан ҳолда жаҳоннинг аҳамиятга молик масалаларини ҳал қилиш борасидаги фаолиятидир.

С. фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган уларнинг давлат манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатларлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги давлат бошқарувидир.

D. фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган уларнинг давлат манфаатларидан ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатларлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

2. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари қанча муддатга сайланадилар?

- A. 1 йил;
- B. 2,5 йил;
- C. 5 йил;
- D. 7 йил.

3. Маҳалла-бу...

- A. Давлат бошқарувининг куйи бўғини ҳисобланади;
- B. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланади;
- C. Фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирлигидир.
- D. Фуқаролар йиғини ҳисобланади.

4. ...-фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланади

- A. маҳалла;
- B. фуқаролар йиғини;
- C. фуқаролар йиғини Кенгаши;
- D. фуқаролар йиғини тафтиш комиссияси.

5. Фуқаролар йиғинида кимлар қатнашадилар?

- A. шаҳарча, қишлоқ ва овул, шунингдек шаҳар шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла ҳудудида яшаётган, вояга етган шахслар қатнашадилар;
- B. шаҳарча, қишлоқ ва овул, шунингдек шаҳар шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла ҳудудида доимий яшаётган қатнашадилар;
- C. шаҳарча, қишлоқ ва овул, шунингдек шаҳар шаҳарча, қишлоқ ва овулда доимий яшаётган, вояга етган шахслар қатнашадилар;
- D. шаҳарча, қишлоқ ва овул, шунингдек шаҳар шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла ҳудудида доимий яшаётган, вояга етган шахслар қатнашадилар;

6. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий Низом ким томонидан тасдиқланади?

- A. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари;
- B. Ўзбекистон Республикаси Президенти;
- C. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- D. Маҳаллий давлат ҳокимияти

7. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини,

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларининг раисларини ва аъзоларини ҳисоботларини қанча муддат ораллигида эшитади?

- A. Йилнинг ҳар ойида;
- B. Йилнинг ҳар чорагида;
- C. Йилнинг ҳар олти ойида;
- D. Йилда бир мартаба;

8. Фуқаролар йиғинини ким чақиради?

- A. фуқаролар йиғини комиссиялари раислари;
- B. туман(шаҳар) ҳокими;
- C. Фуқаролар йиғинининг кенгаши;
- D. Фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиси.

9. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принципларини кўрсатинг.

- A. демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам.
- B. демократизм, ошкоралик, ижтимоий ҳимоя, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам.
- C. демократизм, ошкоралик, ижтимоий ҳимоя, чегаралар дахлсизлиги, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам.
- D. демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда ўзидан юқори пағонадаги органларига бўйсунуш, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам,

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика «Маҳалла» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони қачон эълон қилинган?

- A. 1992 йил 12 сентябр
- B. 1993 йил 2 сентябр
- C. 1998 йил 23 феврал
- D. 1999 йил 19 апрел

20-МАВЗУ. МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК

1. Миллат ва миллатлараро муносабатларга доир тушунчалар.
2. Мустақиллик даврида миллатлараро тотувликнинг таъминланиши.
3. Диний бағрикенглик, виждон эркинлиги ва диний қадриятларнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни.

Таянч сўзлар: миллат, миллий муносабатлар, этнос, этник бирлик, элат, элатлар ва халқлар, диаспора, миллатлараро муносабатлар, ватанпарварлик туйғуси, космополитизм моҳияти, миллатчилик иллати, мустақиллик даври, миллий–маданий марказлар, миллатлараро тотувлик, миллий ғоя, умумбашарий қадриятлар, диний бағрикенглик, конфессия тушунчаси, виждон эркинлиги, диний қадриятлар, тенг ҳуқуқлилик.

1. Миллат ва миллатлараро муносабатларга доир тушунчалар мазмун-моҳияти.

Миллат тушунчаси ва унга турли хил ёндошувлар. Миллат (арабча – халқ) тушунчаси – муайян ҳудудда истиқомат қиладиган, умумий тил, маданият, урф-одат, қадриятлар ва руҳий яқинлик билан фарқланувчи этноижтимоий бирликни англатади. Миллат — тил, маънавият, миллий ўзликни ангаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи иқтисодий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлигидир. Миллат маълум ҳудудда барқарор яшаб, тарихий тараққиёт давомида ривожланиб, кишиларнинг маънавий-руҳий салоҳият ягоналиги асосида шаклланади. У фақатгина “капиталистик жамиятнинг муқаррар маҳсули” эмас, балки инсониятнинг дунёга келиши ва тараққиётининг маҳсулидир. Миллатнинг шаклланиши ва ривожланишида моддий омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлади, аммо улар миллат абадийлигини таъминлашнинг бирдан-бир имконияти эмас. Улар миллат тараққиёти учун фақат зарурий шартлардан биригина ҳисобланади. Миллатнинг абадийлиги, унинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилли унинг ички маънавий-руҳий салоҳиятидир. Миллатларнинг ички-руҳий салоҳияти, яратувчилик қобилияти, матонати, тинимсиз меҳнати, тadbиркорлиги ва ўзига хослигини ривожлантириш асосида ҳозирги замон цивилизацияси юзага келган. Мутахассисларнинг фикрича, ер юзида уч минга яқин миллат бўлиб, инсониятнинг ўрта ҳисоб билан 96 ғоизини бирлаштиради. Қолган 4 ғоиз элат ва қабилалардир. Ҳар бир миллат аҳолиси бир неча ўн мингдан бир неча юз миллионгача боради. Миллатлар беш йирик гуруҳга бўлинади: 1. Буюк миллатлар - аҳоли сони миллиард ва 100 миллиондан ортиқ, хитойлар, ҳиндлар, америкаликлар, руслар, японлар. 2. Катта миллатлар — аҳоли сони 50-100 миллион оралиғида — инглизлар, французлар, испанлар, олмонлар, турклар, араблар ва б. 3. Йирик миллатлар — аҳоли сони 10-50 миллионгача — ўзбеклар, португаллар, поляклар, эфиоплар ва б. 4. Ўрта миллатлар —

1-10 миллион оралиғида, қирғизлар тожиклар, туркманлар. 5. Кичик миллатлар - бир неча 10 мингдан 1 миллионгача, чеченлар, ингушлар, черкаслар. Жаҳондаги 27 миллат ер юзи аҳолисининг қарийб 75 фоизини ташкил қилади.

Миллатларнинг сони уларнинг буюклиги ёки гегемонлиги учун асос бўла олмайди. Зеро, барча миллатлар тенг, озод ва эркиндир. Аммо тамаддун тараққиётига ҳисса қўшишга қодир баркамол фарзандлари кўп миллатларгина табиий танланиш асосида етакчига айланишлари мумкин. Ана шу тамойил жаҳон халқлари интилишининг асосини ташкил этади. Мустақилликка эришган юртимизда бутунги кунда кўп сонли миллат вакиллари яшамокда. Мамлакатимизда бу тамойилга амал қилиниши эса барча миллатларнинг равнақи, гуллаб-яшнаши учун хизмат қилмоқда.

«Миллат» мураккаб характерга эга бўлган этник бирлик ҳисобланади. Шунинг учун унга таъриф беришда бугунги кунгача мавжуд бўлган илмий-фалсафий адабиётларда яқдиллик йўқ. Лекин уларни умумлаштирувчи томонлар алоҳида қайд этилади. «Миллат», «миллий», «миллийлик» каби тушунчалар бизнинг тилимизга араб тилидан VIII асрда, яъни араб халифалиги томонидан Мовароуннахрнинг забт этилиш давридан бошлаб кириб келган. Ушбу тушунчаларнинг негизида «мил» ибораси ётади. «Мил» тушунчаси араб тилида «ўзак», «туб моҳият», «негиз» маъноларини ифодалайди. «Миллат» тушунчаси эса кенг миқёсда қўлланилиб, бир неча маънони беради: 1) дин, диний жамоа; 2) уммат, маълум динга эътиқод қилувчилар жамоаси; 3) халқ, миллат каби маъноларни англатади¹.

Фалсафа қомусий луғатида миллат тушунчасига замонавий таъриф берилади. Жумладан, унда «миллат - бу тил, маънавият, миллий ўзликни англаш, руҳият, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи ижтимоий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлигидир»¹, - дейилган. Шунингдек, бошқа хорижий адабиётларда миллат деганда сиёсий ва этник муносабатларга киришувчи тили, ўз-ўзини англаш фаолиятига эга бўлган халқ тушунилиши таъкидлаб ўтилган². Мазкур манбада миллат ҳақидаги концептуал қарашлар К.Дойч (Национализм ва ижтимоий коммуникация), Э.Гелнер (Нация ва национализм), Б.Андерсон, Э.Смит томонидан илгари сурилганлиги ҳам алоҳида қайд этиб ўтилади. Улардаги асосий эътибор миллатнинг турли ўзига хос ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатларига қаратилади³. Бироқ, уларда миллатнинг шаклланишидаги ижтимоий-маънавий жараёнлар эътибордан четда қолганлигини ҳам кузатишимиз мумкин. Яна бир адабиётда миллат тушунчаси давлат тушунчасига узвий боғлиқлиги, ўз ҳудуди, чегарасига эгаллиги, бошқа миллат вакиллари манфаатларини ҳурмат қилиши кабилар билан ифодаланиши кўрсатиб ўтилган⁴.

С.Отамуротов фикрича, «Миллат деб ягона тил, маданият (кенг маънода) миллий ўзликни англаш руҳияти (психологияси ва ҳиссиёти), урф-одатлари ва анъаналариягоналиги асосида маълум ҳудудда яшовчи, иқтисодий алоқалар билан

¹ Қаранг: Ислом энциклопедияси. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2004. -Б.160.

¹ Фалсафа қомусий луғат. Қ.Назаров таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2004.

² Новейший философский словарь / Сост. А.А.Грицанов. – Мн.: Изд. В.М. Скаун, 1998. - 460 с.

³ Қаранг: Эрнест Геллнер. Нации и национализм. — М.: Прогресс, 1991. Андерсон Б. Воображаемые сообщества. Размышления об истоках и распространении национализма. — М.: Канон-Пресс-Ц, 2001.

⁴ Философский энциклопедический словарь. – М.: ИНФРА – М, 1999. – 291 с.

боғланган, ўз давлатига эга бўлган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи ҳамда яратувчи кишиларнинг этник бирлигига айтилади»³. Келтирилган бу таърифдаги янгилик миллатнинг этномаданий ва миллий муносабатлардаги ўзига хос субъект сифатида намоён бўлишини ифодалашда қўл келади. Яна бир файласуф олим А.Очилдиев «...ҳар қандай миллат муайян ижтимоий-иқтисодий алоқалар тизими билан боғланган этноижтимоий бирликдир»¹ –деган хулосага келади. Дарҳақиқат, миллат тушунчасига этник ва ижтимоий бирликнинг уйғунлиги нуқтаи-назардан қаралиши унинг умумилмий асосларини ҳар томонлама ўрганишга имкон беради. Ҳозирги даврда биз, миллат деганда умумий тилда сўзлашиб, бир бутун умумийхудудда истиқомат қилиб турган, бирга иқтисодий ҳаёт кечирадиган, умумий майдони, маънавийва руҳиймуҳитга эга кишиларнинг тарихий шаклланган барқарор бирлигини тушунамиз.

Миллатлараро муносабатларни ўзига хос, мураккаб ва серқирра тизим сифатида қараш мумкин. Бу ўзига хослик биринчидан, жамият миллий тузилишининг таркибий қисми ҳисобланган этносларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий эҳтиёж манфаатларини руёбга чиқариш на иккинчидан, миллатлараро муносабатларда кечаётган жараёнларни тўғри баҳолаш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган, комплекс характерга эга чора-тадбирларни ишлаб чиқишдек бир-бири билан узвий боғлиқ вазифаларни ҳал этишни зарур қилиб қўяди. Уларнинг муваффақиятли ҳал қилиниши эса миллий ҳаётда кечаётган ўзгаришларнинг характери ва йўналишини олдиндан кўриш на назоратини ташкил этиш қамда давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва жамоат ташкилотларининг маънавий-маърифий, иқтисодий ва ташкилий-техник салоҳиятини мавжуд муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш имконини беради. Қайд этилган вазифаларнинг қандаймақсадларни кўзлаб ҳал этилиши моҳият эътибори билан стихиялиликка деярли урин қолдирмайдиган, ижобий ёки салбий мазмунга эга миллатлараро муносабатларнинг муайян типини шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, миллий тенгсизлик, ўзга миллатларга нисбатан беписандлик билан қараш, муайян ҳолларда эса антагонизмнинг устуворлиги миллатлараро муносабатларнинг салбий мазмунга эгалигидан далолат беради. Мамлакатимизга татбиқан олинганда эса, этник муносабатлар миллатлараро тотувлик деб таърифланиши мумкин бўлган ижобий мазмунга эгаллиги билан ажралиб туришини қайд қилиш лозим. Шу ўринда этнос, халқ ваэлат тушунчалари мазмунига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз.

“**Этнос**” тушунчаси юнон тилидан олинган бўлиб, унинг этимологик маъноси халқ, қабила, тўда, кишилар гуруҳи деган маъноларни англатади. Сиёсатшунослик фанлари доктори Н.Маманазаров ёзганидек, бу термин (яъни “демос”-О.М.) кишилар гуруҳининг муайян ижтимоий-сиёсий жараёнлардаактив қатнашувиқисмини англатса, “этнос”термини муайян жой, яъни худудда яшовчи халқнинг локал гуруҳини англатади. Ҳозирги пайтда “этнос” термини фақатгина илмий доира ва илмий адабиётлардагина қўлланса, “халқ” термини эса, кундаликҳаётнинг барча ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий ва маънавий жабҳаларида актив қўлланилади.

¹ Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Т.: Ўзбекистон, 2004. –Б. 37-38.

Шу жихатдан ҳам “этнос” ва “халқ” тушунчалари маълум маънода бир-бирига яқин бўлса-да, аммо мазмун ва моҳият жихатидан бир-биридан фарқ қилади.¹

Тор маънода халқ атамасиэл, элат, миллат, аҳоли, халойиқ, оломон, муайян гуруҳ вакиллари англатади. Халқ сўзи муайян локал ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолига нисбатан ҳам қўлланилади. Масалан, қишлоқ халқи, шаҳар халқи ва ҳ.к. Касб, муайян машғулот ёки маълум табақага мансуб бўлган кишиларга нисбатан ўқитувчи халқи, савдогар халқи, деҳқон халқи каби сўзлар ишлатилиши учрайди. Замонавий халқаро ҳуқуқда ҳам халқ атамаси кенг қўлланади. Халқ биринчи марта халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида 1945 йили БМТ Уставида “Халқларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш” тамойилининг мустақамланиши натижасида тан олинган. Ҳозирги вақтда халқаро ҳуқуқда халқлар ҳуқуқи турли конвенция ва декларацияларда ўз аксини топган. Шу билан бирга, халқаро ҳамжамият томонидан умумий тан олинган ягона “халқ” тушунчаси ҳозирга қадар ишлаб чиқилмаган, фақат халқаро ҳуқуқда эмас, балки этнографик адабиётда ҳам “халқ” тушунчасига оид баҳс-мунозаралар XIX асрдан буён давом этиб келмоқда. Халқ сўзига берилган кўпгина тавсифлардан келиб чиқиб (халқаро ҳуқуқ доктринасида 100 дан ортиқ тавсифлар мавжуд) шундай таърифлаш мумкин: халқ маълум бир давлат фуқароларининг умумий бирлигини англатади. муайян ҳудудда тарихан таркиб топган, бошқа гуруҳлардан ўз тили, руҳий-психологик ҳолати ва маданияти, шунингдек, умумий онги ва номланиши билан фарқ қилувчи сиёсий ёки этноижтимоий бирлик йиғиндиси эса - этносдир. Халқ атамаси гоҳида миллат тушунчасига синоним сифатида ҳам ишлатилади. Ўзбекистон халқининг тарихий шаклланиш жараёни этнотарихий макон билан чамбарчас боғланган бўлиб, ушбу заминда халқ сифатида ривожланиб келаётган этник бирликдир. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг «**Биз жаҳон майдонида қуни-кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз қўхна Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади**», деган фикрлари ўзбек миллати вакиллариининг ушбу ҳудуд халқи сифатида этнотарихий илдизининг теранлигидан далолатдир. Дарҳақиқат, тарихий илдизлари мустақам бўлмаган халқ этносиёсий майдонда йирик, қудратли бир давлатчиликни шакллантириб, келажак авлодларга миллий давлатчилик негизларини, осмонўпар маданий ёдгорликларни мерос сифатида қолдира олмас эди. Шу жихатдан ҳам ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ва ривожланиш босқичлари ушбу замин билан мустақам боғлиқликда бўлиб, қадимийдир.

Умуман илмий адабиётларда “этнос” тушунчаси ва ҳодисасига ўттизга яқин таърифлар учраса-да, уларда маълум бир яқинлик, муштараклик мавжуд. Яъни, “этнос-бу бир тилда сўзлашувчи, ўзларининг бир хил келиб чиқиши ва муштарак шаклланиш жараёнини тан олувчи, бошқа халқлардан фарқ этувчи қатор урф-одат ва анъаналарга эга бўлган кишилар гуруҳидир.”² Бизнинг назаримизда этнос деганда инсонларнинг маълум ҳудудда узоқ муддат биргаликда истиқомат қилиши, умумий тил, маданият ва ўзини ўзи англаш орқали бирлашган кишилар гуруҳи тушунилади. Шунингдек, этнос деганда қабилавий қариндошлиқ, ягона маиший маданият (мулоқот тили, эътиқод

¹ Мамназаров Н. Мустақиллик ва миллий-этниқ жараёнлар.-Т.: ТМИ, 2004.-76.

² Қаранг: Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса.-М.: “Наука”, 1983.- С.57-58; Жаббаров Исо. Ўзбек халқи этнографияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 1994. -17-18 б.; Шониезов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Т.: “Шарқ”, 2001. -101-103б.

объекти, кундалик юриш-туриш меъёрлари ҳам шунга киради), умумий истиқомат маконининг (ландшафтни қамраб олувчи) мавжудлиги ёхуд мавжуд бўлганлиги ҳамда бошқа этносларга нисбатан ўзининг ягоналигини англаш ва қайд қилинган номга эгалик (этноним) асосида шаклланган ижтимоий бирлик ҳам назарда тутилади. Айрим этносларни бир-биридан фарқловчи муҳим белгиси уларнинг ўзига хос маданий хусусиятлари орқали намоён бўлади. Бу хусусиятлар ҳар бир халқнинг тарихий-маданий ривожланиши жараёнида шаклланади ва авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтади. Фанда бу жараён «этник анъаналар» ёхуд «этник ворислик» деб аталади. Бундай анъаналар ҳар бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий турмуши ҳамда у яшаётган табиий географик муҳит билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Фақат алоҳида халқлар эмас, балки уларнинг шаклланиш жараёнида иштирок этган қариндош гуруҳлар ҳам этнос деб ҳам аталади.

Этнос, халқ ижтимоий-сиёсий лидерларсиз яшамайди, уларга стратегик мақсад, хатти-ҳаракатларига дастурий моҳият ва йўналиш берувчи етакчилар керак. Бундай фаолиятни «пассионарлик» концепцияси орқали атрофлича ўрганиш мумкин. Унга кўра дунёнинг ягона ахборот-энергетик манзарасида тарихда чуқур из қолдирган «буюк одамлар ва халқлар»нинг фаолияти механизмларини тўғри тушуниш этносни тўлиқ илмий манзарасини ёритишда кўл келади. Чунки кўпинча ижтимоий-тарихийбосқичлар, сиёсий ютуқлар ана шундай лидерларнинг ҳаёти ва ижоди орқали, уларнинг этнос, халқ ҳаётига оптемистик ғояларни олиб киргани ва уларни бирлаштириб, янги ижтимоий бирликка айлантиргани билан ўлчанади.¹ Бу назарияга кўра, этнос, миллат тарихан шаклланган ижтимоий бир бутунлик бўлиб, иқтисодий, ҳудудий, лисоний, маданий, ижтимоий-психологик аспектларнинг яхлитлиги билан характерланади. Унда йирик, буюк шахслар, гуруҳлар муҳим роль ўйнайди. Этнос, миллат ўзининг хусусиятларини, ўзининг ичидан етишиб чиққан ва бошқалар тан оладиган буюк вакиллари орқали намоён қилади. Масалан, ўзбек халқи, миллати бошқа халқлар назарида Имом ал-Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Навоий каби буюк инсонлар авлодлари сифатида гавдаланади. Бундан ташқари, халқ, миллат ҳақида гап кетганда, уларни бирлаштириб турадиган менталитет, яшайдиган ҳудуд, улардаги ўзига хос хусусиятлар, инсоният ижтимоий тараққиётида тутган ўрни, тарихий мероси, ахлоқий қадриятлари ва ижтимоий-сиёсий тажрибаси ҳам назарда тутилади. Бизга маълумки, дунёда иккита бир хил одам бўлмаганидек, иккита бир хил миллат ҳам бўлмайди. Шунинг учун уларнинг характерлари, манфаатлари, дунёқарашлари, ички-руҳий олами турлича, бу - аксиома. Бу эса миллатлар мавжуд экан миллатлараро муносабатлардаги муаммолар ҳам сақланиб қолганидан дарак беради. Миллатнинг ўзига хослиги унинг ички маънавий-руҳий оламини ташкил этувчимиллий эркинлик, ор-номус, қадр-қиммат, иззат-нафс, ғурур каби туйғуларда намоён бўлади. Агар уларга ташқаридан ёки бошқа миллатлар томонидан салбий таъсирлар кўрсатилса, миллатлараро, хатто, давлатлараро муносабатларда зиддиятли ҳолатлар пайдо бўлади ва улар оғир мусибатларга олиб келиши мумкин.

Этнос, халқ ижтимоий борлиққа муносабатларини ҳуқуқлариорқали ифода этади. Демократик давлатларда айнан Конституция(Асосий Қонун) ва унга таяниб ишлаб

¹ Қаранг: Зыкин Дм. Власть, элита, народ: подсознание и управляемая демократия. -М.: «Самотека», 2007.-С. 124-126.

чиқиладиган ва қабул қилинадиган қонунлар этноснинг ижтимоий борлиқдаги ўрнини, ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”. (7-модда); “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади”; “Давлат органлари вамансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида маъсулдирлар”. (2-модда). “Жамият ва давлат сиёсатининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади.” (9-модда). “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.” (12-модда).¹ Мазкур моддаларда Ўзбекистон халқи ва фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳуқуқлари, ушбу муносабатларнинг асосий принциплари белгилаб берилган. Мазкур ҳуқуқлар этноснинг, миллатнинг узоқ ижтимоий-маданий ривожланиш жараёнида эришган ютуқлари квинтэссенциясидир.

Элат деган тушунча арабчадан тилимизга кириб келган. Элат деганда бир тилда сўзлашувчи, ўзига хос маданияти мавжуд бўлган ва маълум ҳудудда яшайдиган ҳамда муайян мақсад асосида бирлашган ва ўз тузилмасига эга бўлган ижтимоий-тарихий бирлик тушунилади. Элат — кишиларнинг тил, ҳудуд, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топган бирлиги. Элатга кўп жиҳатдан бир-бирига яқин қабилалар бирлашади. Қадимда кишиларнинг элат бўлиб, бир ҳудудда яшашлари улар орасида умумий манфаатдорлик, қон-қариндошлик ҳис-туйғуларини кучайтирган. Элатлар, кучли қабилаларнинг кучсиз қабилаларни ўзига бўйсундириши ва улар б-н аралашиб кетиши натижасида ҳам шаклланган. Элат ўз қиёфасини сақлаб қолиши, ривожланиб, миллат даражасига кўтарилиши учун ўз давлатига эга бўлиши керак. Умумий манфаатдорлик ҳисси ва уни ҳимоя қилиш масъулияти даклатни вужудга келтирган. Нисбатан марказлашган дастлабки давлатлар қадимги Миср, Бобил, Туронда ва бошқа жойларда пайдо бўлган. Сайёрамизнинг бошқа жойларида, жумладан, Ғарбий ва Шарқий Европада элатлар ўрта асрларда шаклланган. Дунёда бундай жараёнлар давом этаётган мамлакатлар ҳозир ҳам бор. Шунинг учун бўлса керак, жонли сўзлашув тилида миллат ва элатлар деган иборалар ишлатиб турилади. Кўпинча, элат деганда, камсонли, маданий-маърифий, иқтисодий-сиёсий жиҳатдан нисбатан кам ривожланган халқлар ҳам тушунилади.

Собиқ Иттифоқда 1926 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатида 230 дан ортиқ миллат ва элат яшайди, дейилган бўлса, 1959 йилги аҳоли рўйхатида бу рақам 129 тага тушиб қолган. Демак, 100 дан ортиқ элат, асосан, кам сонли халқлар ўз миллий қиёфаларини йўқотиб, кўп сонли халқнинг миқдорини оширган. Шўровий мафкура “ўз ривожланишига кўра орқада қолган кўпгина элатлар, асосан, кичик элатлар, миллатга айланмаслиги ҳам мумкин. Улар вақт ўтиши билан иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалган бошқа элат ва миллатлар билан яқиндан алоқа қилишга ўтиши натижасида илғор халқнинг маданияти, тилини ўзлаштиради ва аста-секин ўша миллатнинг таркибига сингиб кетади”, деб уқтирарди. (Бу кўчирма Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 13-жилдидан келтирилди). Бундан кўринадики, Чор Россиясида XVI асрнинг ўрталаридан бошланган бундай сиёсат шўро даврида ҳам пинҳона давом эттирилди. Шуниси қизиқки, қаердаки миллий уйғониш юз бериб, миллий

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2012.- 4 -5 б.

мустақиллик талаб этилса, шу халқни, шу халқ раҳбарларини сепаратизмда айблаш мустамлакачиларга хос усулдир. “Сепаратизм” лотинчадан олинган атама ҳисобланиб, ажралиб чиқишга, алоҳида бўлишга интилиш маъносини билдиради. Масалан, бир бутун мамлакатнинг бир вилояти ажралиб чиқишни истаса — бу сепаратизм бўлади, бу ҳаракатнинг тепасида турганларни сепаратчи - айрмачи дейиш мумкин. Бундай интилишларни соғлом фикрли ҳеч бир киши оқламайди ва ёқламайди. Бу мамлакатнинг яхлитлигига раҳна солади, бутун бир халқни пароканда қилади. Лекин тили, дини, турмуш тарзи мутлақо бошқача бўлган, ўз ватанига эга бир халқнинг мустақилликни истаб, ҳукмрон тузум исканжасидан ажралиб чиқиши сепаратизм эмас, балки миллий давлатчиликни тиклаш йўлидир. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ана шу тамойил мазмунига мос келади.

Элат билан яқин маънода **диаспора** тушунчаси ҳам қўлланилади. Диаспора юнонча *diaspora* -тарқалиш маъносида бўлиб, маълум бир давлат худудида яшовчи, аммо бошқа бир давлатда ўз давлат тузилмасига эга, маълум бир халқ миллат вакилларининг йиғиндиси (масалан Ўзбекистонда яшовчи рус, украин миллатининг диаспораси). Конституциявий ҳуқуқда «диаспора» тушунчасидан ўз ватандошларига нисбатан давлат сиёсатини юритишда фойдаланилади.

Миллатлараро муносабатлар. Ватанпарварлик, космополитизм, миллатчилик. Миллатлараро муносабатлар — бирга ёки айри тарзда яшайдиган ҳар хил миллатлар ўртасида амалга ошадиган турли-туман шакллардаги алоқаларни англатувчи тушунчадир. Маълумки, бугун жаҳонда мавжуд 200дан зиёд мамлакатда икки мингга яқин миллат, элат ва қабила яшайди. Улар 5 ярим мингдан ортиқ тилда сўзлашади. Бу тилларнинг 100 дан кўпроғигина ўз ёзувига эга. Миллатлараро жараёнларнинг энг характерли томони шундаки, инсоният ақл-заковати юксалгани сайин миллатлар ўзаро ассимиляциялашиш томон эмас, балки ўзларининг “мен”ини намоёни қилиш, тасдиқлаш сари жадал суръатлар билан ҳаракат қилмоқда. Ҳали жаҳонда мавжуд бирорта миллат, ёки элат ихтиёрий равишда бошқа миллатлар билан қўшилиб кетган эмас, аксинча айрим миллатлар қашшоқликнинг оғир кулфатларини бошидан кечиришга мажбур бўлсалар-да озодлик, эркинлик каби кадриятлардан воз кечмаганлар. Улар озод, мустақил яшаб, ўз урф-одатлари, анъана ва кадриятларини муқаддас билиб, фидойилик кўрсатиб келганлар. Миллатлараро муносабатлар деганда турли миллат ва элатларнинг иқтисодий-сиёсий ва маданий-маърифий соҳаларда содир бўладиган ўзаро алоқалар мажмуини тушунмоқ керак. Бундай алоқалар, кўп миллатлар яшайдиган айрим бир мамлакат ички ҳаётида ёхуд турли мамлакатларда яшайдиган миллатлар ўртасида амалга ошади. Бугунги кунда жаҳонда аҳолисининг таркиби фақат биргина миллатдан таркиб топган мамлакатни ёки давлатни топиш қийин. Худди шу маънода ҳам мамлакатлар, давлатлар ўртасида амалга ошириладиган турли соҳалардаги алоқаларда уларда яшаётган миллатларнинг дўстона муносабатлари ҳар қандай давлат тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Ана шу омил қанчалик мустаҳкам бўлса, давлатлар ўртасида олиб бориладиган турли соҳалардаги алоқалар ҳам шу даражада мустаҳкам бўлади ва ҳар икки томон кутаётган натижаларни беради. Кўп миллатли давлатларда миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш шу мамлакатда барқарорлик ва тараққиётнинг кафолати, унинг истикболини таъминловчи асосий омилдир. Чунки ҳар қандай давлатда миллий низолар ва зиддиятлар ўша давлатда барқарорликнинг барбод бўлишига ва охир-

окибатда унинг емирилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам, ҳар қандай мамлакатда миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириб бориш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Собик шўролар тузумининг фожиаси шунда эдики, у ўз манфаатларини миллий манфаатлар ҳисобига амалга ошириб келди. Яъни, миллий омилнинг кучи-кудратини назар-писанд қилмади ва синфий манфаатларни қондириш орқали ўз ҳукмронлигини абадийлаштирмоқчи бўлди. Улар зўравонлик билан турли миллатларни “яқинлаштириш” орқали “ягона совет халқи”ни вужудга келтириш ва кейинги босқичда бутун ер юзида “юксак” миллатларни шакллантириш ҳамда уларнинг ҳукмронлигини таъминлашни мақсад қилган эди. Уларнинг сохта ғоя ва пуч мафкурага асосланган бундай хатти-ҳаракатлари собик шўро давлатини емирди ва бутун бир тузумнинг барбод бўлишини тезлаштирди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, миллий муносабатларни, юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг ўзаро тотувлиги ва ҳамжиҳатлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Миллатлараро ва конфессиялараро муносабатлар масалаларининг энг мақбул ечими этник жиҳатдан турли туман бўлган исталган жамиятда ҳар доим ҳукумат кун тартибининг марказида бўлиши шубҳа уйғотмайди. Шунинг учун баъзи адабиётларда қайси бошқарув тизимини самарали деб ҳисоблаш мумкинлиги ҳақида кўплаб тортишувлар ҳам ўз ўрнини топмоқда. Бунда иккита энг муҳим мақсадларнинг мувофиқликлари – сиёсий барқарорлик ҳамда этник гуруҳлараро ва конфессиялараро масалалар ечимини топишга ҳаракат қилмоқда. Чунки, ҳар доим ҳам ушбу мақсадларда энг мақбул келишувларга эришиб бўлмайди. Айниқса бу ҳолат сиёсий янгилашиш, модернизация ва либераллашув даврини бошидан кечириётган мамлакатлар ҳақида гап борганда ўринлидир.

Жамият ривожлангани сари катта аҳамият касб этадиган маънавий кадрлардан бири - ватанпарварлик туйғусидир. **Ватанпарварлик** – Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни англатадиган инсоний ҳис-туйғудир. Ватанпарварлик - она-юртнинг, халқнинг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, Ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилат. Ватанга, халқга бўлган ҳурмат, муҳаббат, ишонч туйғуси муайян умумий манфаатлар, мақсадлар асосида шаклланиб, кишиларнинг қалбидан чуқур ўрин олади, фаолиятига таъсир этади.

Ватанпарварлик бу-юртимизда мавжуд бўлган салоҳият ва бойликларни ишга солиш, улардан оқилона фойдаланиш, ўз куч имкониятимизга, ота-оналаримиздан қолган бебаҳо мерос, миллий урф-одат ва анъаналарига суяниш, кадрларни тиклаш, бир-биримизга елкадош бўлиш эҳтиёжини ҳар томонлама тушуниб етиш демакдир.

Ватанпарварлик, бу - Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни тузиш, табора кучга қираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтариш, одамларнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунига бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш, юртимизда, минтақамизда ўз

манфаати, ўз сиёсатини ўтказишга ҳаракат қилаётган ғанимларга қарши кураш демакдир.

Ватанпарварлик ниҳоятда серқирра тушунча бўлиб, тарихий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тараққиёт жараёнида доимо такомиллашиб, янгича маъно-мазмун билан бойиб, ривожланиб боради. Ватан манфаати, кадр-қиммати, тақдири, истиқболи, она юртга муҳаббат туйғуси қанча чуқур анланса, ватанпарварлик туйғуси шунча юксак бўлади. Тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий тараққиётнинг турли босқичларида ватанпарварликнинг янги-янги қирралари намоён бўлиб боради. Ҳақиқий ватанпарварлик Ватанга, она заминга, ўз халқига муҳаббат билан яшаш, унинг истиқболи, манфаати йўлида тинимсиз меҳнат қилиш ҳамда курашиш зарурати туғилганда жонини фидо қилишни назарда тутди. Ҳар жабҳада Ватанимиз эришяётган муваффақиятлардан қувониш, оғир кунларида унинг учун қайғуриш, ўз юрти билан ғурурланиш, унинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир ғишти ва гиёҳига, қадимий ва замонавий обидалари, илм-фан ва санъатдаги ютуқларини, моддий ва маънавий бойликларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш – буларнинг барчаси ватанпарварликдир. Ҳозирги пайтда ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини камол топтириш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Инсон ўз юртини қандай бўлса шундайлигича севиши, унинг ривожини учун бор имкониятларини ишга солиши лозим. Ватанпарварлик кишиларда асосан уч босқичда намоён бўлади:

1) билиш – Ватан тушунчасига хос қадриятларни эгаллаш;

2) эътиқод – мазкур қадриятлар тўғрисида олган билимларини эътиқодга айлантириш;

3) ҳаракат – бу эътиқодни амалий ишлар орқали намоён этиш.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади. Албатта, жаҳон – кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яқкаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган...Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин. Бу ҳақда гапирар эканмиз, айтилиши мумкинки, муҳим бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Юртимизда яшяётган ҳар қайси инсон ўзини энг аввало Ўзбекистон фуқароси деб, шундан кейингина муайян бир ҳудуд вакили, айтайлик, хоразмлик, самарқандлик ёки Фарғона водийси фарзанди деб ҳис қилиши лозим. Табиийки, бу ҳолат ҳар биримиз мансуб бўлган «мўъжаз Ватан»нинг, туғилиб ўсган шаҳар ёки қишлоқнинг қадри ва аҳамиятини асло камайтирмайди. Биз Ватан туйғусини мана шундай яхлит ҳолда, яъни дунёда ягона ўзбек миллати бор, хоразмлик, фарғоналик, сурхондарёлик ўртасида ҳеч қандай миллий фарқ йўқ, уларнинг барчаси ўзбек халқининг фарзанди деб англашимиз, ёш авлодимизни айнан шу руҳда тарбиялашимиз зарур¹.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2011. 90-91 б.

Шуни эса тутиш керакки, тарихда бу тушунчанинг хаддан ташқари бўрттириб юборилишига доир қарашлар ҳам кенг тарқалган. Бундай қараш **космополитизм** (юнон. *kosmopolites* — дунё фуқароси) ғоясида ўз ифодасини топиб, амалда дунё фуқаролигини даъво қилиш, шунингдек, миллий ва давлат суверенитетини рад этиш, турли миллий анъана, маданият ҳамда ватанпарварлик туйғусидан воз кечишни тарғиб қилган. Космополитизм - яъни, қаерда яхши ҳаёт бўлса ўша ерни ватан деб билиш. Бу тамойил инсонда ватан хиссини йўқотади, ғурурни ўлдиради. Бу эса ҳар бир жамият учун ҳалокатлидир.

Космополитизмнинг негизлари тарихан антик давр фалсафасидаёқ вужудга келган. Қадимги юнон файласуфи Лаэртийнинг таъкидлашича, «космополит» сўзи илк бор киниклар таълимоти вакили синоплик Диоген томонидан қўлланган. Бошқа бир юнон мутаффакири Плутархнинг фикрига кўра, ушбу тушунчани китионалик Зенон киритган. Эпиктет назарида эса «космополитизм» атамасининг муаллифи Сукрот бўлган. Унинг айтишича, «Агарда файласуфларнинг одам ва Худонинг ўртасида яқинлик бор деганлари тўғри бўлса, унда инсоннинг ватани қаер деган саволга Сукротнинг мен афиналик ҳам, карфагенлик ҳам эмасман, мен космополитман, деган сўзлари билан жавоб бериш лозим» бўлган. Бундай маълумотлар Цицероннинг асарларида ҳам учрайди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, К. ғоялари софистлар таълимотининг тарафдорлари асарларида ҳам ифодаланган. Антик полисни инқирозга олиб келган Пелопонесс урушлари македониялик Искандар империясининг вужудга келиши, кейинчалик эса Рим ҳукмронлигининг кучайиши турли мазмунга эга бўлган космополитик қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Македониялик Искандар, Марк Аврелий бу ғояларни янги худудларни кўлга киритиш ҳаракатларида кўрган бўлса, стоиклар — Зенон ва Китиона космополитизм идеалини кишиларнинг ҳаётини ягона, умумжаҳон қонунлари орқали амалга ошириш имконини берувчи ижтимоий шаклни излашда деб билган. Хусусан, киринаикларнинг космополитик ғояси «қаерда яхши бўлса, ўша жой Ватан» деган иборасида ўз аксини топган. Ўрта асрларда католик черкови кескин космополитик тенденциялар тарафдори бўлган. Уйғониш даврида дунё фуқаролиги ғоялари феодал тарқоқликка қарши йўналтирилган эди. Бу ғоялар Данте Алигъери, Томазо Кампанелла, Петрарка, Пико дела Миранделло, Роттердамлик Эразм, Вивес, Рабле, Монтен каби мутафаккирларнинг асарларида рўёбга чиқарилган. Германияда ушбу ғояларни Лессинг, Гёте, Шиллер, немис мумтоз фалсафаси вакиллари Кант ва Фихте илгари сурган. Уларнинг К.и ватанпарварлик туйғулари билан муштарак, миллий бирлашишга эришиш истагида намоён бўлган. Кейинчалик К. кескин характерга эга бўлиб, капиталнинг даромад орқасидан қувиш манфаатларини акс эттира бошлайди. Жон Кеннеди «Тинчлик корпуси»ни ташкил этиб, дунёнинг турли жойларига ушбу ташкилотнинг ёш ходимларини юбора бошлади, буларнинг мақсади — ҳаммага инглиз тилини ўргатиш эди. Аслида, ҳар қандай миллат, катта-кичиклигидан қатъи назар, инсониятнинг бойлигидир ва шу боис унинг тили, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги миллий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Бу омилни асло инкор этиб бўлмайди. Лекин шунга қарамай, АҚШ Сербияни айнан Ғарб ва православлар муқаддас ҳайити куни бомбардимон қилгани, унинг миллий-маънавий анъаналарни назар-писанд қилмаслигидан далолат беради. Жаҳон миқёсида юз бераётган ҳозирги жараёнлар миллий давлатларнинг бир-бирига яқинлашуви,

иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, мафкуравий ҳамда маданий жиҳатдан интеграциялашувини тақозо этмоқда. Ушбу тенденциялар, маълум даражада, космополитизм кўринишида бўлиб, глобаллашув жараёнида ўз ифодасини топмоқда. Кишилиқ жамиятининг глобал яқинлашуви, аввало, техник тараққиёт, транспорт воситалари, алоқа ва коммуникация тармоқлари, микроэлектрониканинг ривожланиши билан боғлиқ. Посткоммунистик маконда мустақил давлатларнинг вужудга келиши, уларнинг бозор иқтисодиётига ўтиши ва жаҳон хўжалиқ алоқалари тизимига фаол киришиши глобаллашувнинг яна бир кучли омилига айланди. Ҳозирги даврда глобаллашув жараёнининг кенгайишига аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги, айниқса, ишчи кучининг миграцияси сезиларли таъсир қилмоқда. Бугунги кунда дунёнинг бирорта ҳам давлати миграция жараёнларидан четда турган эмас. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Аввало, донор-давлатлар, яъни мигрантларни етказиб берувчи мамлакатларда аҳолининг тез ўсиши, меҳнатга лаёқатли бўлган аҳоли орасида ишсизлик даражасининг юқорилиги, маошнинг пастлиги, етарли даражада ҳаёт кечириш учун зарур бўлган юқори иш ҳақи тўланадиган иш топиш ва ўз касбий маҳоратини ошириш имкониятининг чеклангани шулар жумласидандир. Реципиент, яъни қабул қилувчи давлатлар учун эса, кўшимча арзон иш кучига, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж, ҳаёт шароитлари ва маошнинг юқори даражаси хос бўлиб, меҳнат миграцияси учун қулай шароит яратмоқда. Аҳолининг сиёжиши, ўз навбатида, объектив ҳодиса бўлиб, маълум маънода халқаро алоқалар ва иқтисодий ҳамкорликка кўмаклашувчи жараёнларнинг ривожланишига, халқаро транспорт ва коммуникация воситаларининг такомиллашувига, шунингдек, аҳолининг халқаро молиявий тузилмалардан кенг фойдаланишига, ахборот тарқатиш суръатига ижобий таъсир этади. Шу билан бирга, аҳоли миграцияси билан боғлиқ салбий жиҳатлар ҳам намоён бўлмоқда. Бу ноқонуний миграция тўлқинларининг давлат томонидан доимий равишда назорат қилинишини талаб этмоқда. Муҳожирлар орасида уюшган жиноятчилик, низолар ва бошқа қонунбузарликларнинг вужудга келиши ва ўсиши кўпгина давлатлар барқарорлигига салбий таъсир этаётганини мутахассислар таъкидламоқда. 2005 йил ноябрь ойида Франция, Бельгия ва Германия шаҳарларида бўлиб ўтган тартибсизликлар бунга мисол бўла олади. И.А.Каримов “Независимая газета” га берган интервьюсида глобаллашув жараёни ғоявий-мафкуравий таъсирни, бу жараёнда нодавлат ноҳукумат ташкилотларнинг ўрни ҳақида тўхталиб, космополитизмнинг қуйидаги муҳим жиҳатига эътибор қаратган эди: “Сир эмас, бизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ҳар доим олижаноб мақсадларни кўзлайвермайди. Айтайлик, “XXI аср лидерлари” каби мавзуларда ўтказиладиган семинарларда улар иқтидорли ёшларни “танлашда ҳокимиятга ёрдам” беради, бироқ бунда улар энг аввало, ўз манфаатларини кўзлашади. Сўнгра чет элга мунтазам сафарлар уюштирилади, уларда турли симпозиум ва семинарлар давомида бу одамларнинг онгига ғоят усталик билан таъсир ўтказилади. Шу тариха ўзларини “дунё фуқаролари” деб атайдиган кишилар тоифаси тайёрланади...”¹

Бу аслида буюкмиллатчилик шовинизми ва миллатчиликнинг асосий омилidir. **Миллатчилик** бу - миллат айириш, бир миллатни ҳар томонлама улуғлаб,

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд.- Т.: “Ўзбекистон”, 2003, 34-б.

бошқаларининг ҳуқуқ, эҳтиёж ва манфаатларини назар-писанд қилмаслик, уларни ерга уришдан иборат бўлган нодемократик мафкурадир. Сўнгги ўн йилликларда дунёда ижтимоий хавфли сиёсий, диний, миллатчилик ва бошқа гуруҳбозликка асосланган бузғунчи ғояларнинг фаоллашуви кузатилмоқда. Уларнинг мақсади жамият билан мутлақо мафкуравий қарама-қаршиликка асослангани ҳолда ўзи вужудга келган минтақалар учунгина эмас, балки бутун дунё учун жиддий таҳдидларни туғдиришга қаратилган. Турли дунёқарашга тизимлар ўртасидаги назарий курашдан бошқа мафкура ташувчиларини жисмонан қириб ташлаш орқали курашга ва рақибларини репрессия қилишга ўтиш феномени айнан бузғунчи мафкуралар билан узвий боғлиқ. Президент И.Каримов таъкидлаганидек, ўтган мустақил ривожланиш йиллари давлатимизнинг суверенитети ва барқарорлигига таҳдид сақланиб қолмоқда, деб айтиш учун асос бўла олади. Бу таҳдид буюқ давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик руҳидаги шиорларда, билдирилаётган фикрларда, шарҳларда ва муайян хатти-ҳаракатларда аниқ намоён бўлмоқда.

Маълумки, “Совуқ уруш” даврида пайдо бўлган икки қутбли ҳукмрон томонлар Африка, Осиё ва Лотин Америкасида сиёсий, мафкуравий, тарихий, ижтимоий-маданий таъсир доирасини кенгайтиришга интилиб келди. Бу давр тугаганидан сўнг, маҳаллий интеграция ва маҳсулотлар, сармоя, ишчи кучининг ўсиши, коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши, кўплаб ноҳукумат ташкилотларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ глобаллашув жараёнларининг тезлашуви кўпгина ижтимоий назариётчилар томонидан миллат, миллатчилик ва трансмиллатчиликнинг мафкуралашувдан кейинги янги даври кириб келганлигининг далолати сифатида кўриб чиқила бошланди. Айни вақтда собиқ Совет Иттифоқи ва Югославия ҳамда дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳудудида миллатчиликнинг такроран вужудга келиши ва ўта турли-туман, айни дамда қарама-қарши (бирлаштирувчи ва айирмачи, шу жумладан бегоналардан кўркиш) шаклларга киришини ўтиш жараёнидаги муқаррар мушкilotлар билан изоҳлашнинг имкони бўлмай қолди. Миллатчилик ҳанузгача бугунги дунёдаги энг таъсирчан мафкуралардан бирилигича қолмоқда. Бироқ Янги замон даврида вужудга келган миллатчилик узоқ вақтга қадар “замонийлашув тўғрисидаги фалсафий дискурда” сезилмай қолиб кетди. Унинг вужудга келиши ва келгусидаги ривожли борасида ўтмишдаги энг йирик мутафаккирлардан биронтаси башорат қилмаган эди. Бундан ташқари бошқа мафкуралардан фарқли ўлароқ миллатчиликнинг асосий тамойилларини изчил ва зиддиятларсиз баён қилишга лаёқатли етук мафкурачилари бўлмаган, кўпгина назариётчилар миллатчиликнинг ўзига хос “қашшоқлигини” бу мафкуранинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётга ўта катта таъсири билан ҳамоҳанглигида кўрадилар. Тадқиқотчилар томонидан миллатчиликнинг бошқа мафкуралар - либерализм, консерватизм, социализм билан бирлашиб кетиш салоҳияти тан олиншига қарамасдан у ҳанузгача замонавий ижтимоий назарияда изоҳланмаганлигича қолмоқда. М. мафкурасининг уч модели ажратиб кўрсатилади: Воқеаларнинг ночизиқли ва тизимсизлиги (марказ ва чекка вилоятларда) миллатчиликни келтириб чиқарди. Негаки турли газетларда бир хил воқеалар турлича ёритилар, улар коллонияларга катта ададда тарқатилар эди. “Ҳар бир газетанинг концепцияси ўзининг камсонли мухлислари дунёқараши призмасидан келиб чиқиб “дунё воқеаларини” ёритар эди. Шу сабабли бу универсаллик ва маҳаллийликка асосланган испан-америка

миллатчилигини келтириб чиқарди ва бунда мансабдорлар ва журналистлар асосий роль ўйнади. Миллатчиликнинг иккинчи модели Европада пайдо бўлди ва бунда аввалги моделдан фарқли равида ОАВ эмас, балки маххалийчилар асосий сиёсий ва мафкуравий рол ўйнади. Натижада миллий давлатлар пайдо бўлди. Бир аср (1820-1920 й.й.) мобайнида қитъанинг сиёсий харитаси мутлақо ўзгариб кетди ва аксарият давлатларнинг пайдо бўлишида эркинлик, тенглик, биродарлик каби шиорларга таянган француз инқилоб модели асосий мезонга айланиб қолди. Европа мамлакатларида онгли миллатчилик расмий тили она тили бўлмаган халқларда шаклланди. Миллий зиёлийлар халқ оммасининг тарихдаги ўрнини кўрсатди ва бу миллатчиликнинг шаклланишига бир омил бўлди. Учинчи модел бу буюрократик моделдир. Бу турли тилларга мансуб халқларнинг ягона бошқарувига мансуб жиҳатларга боғлиқ. Бу Россия империясида пайдо бўлди ва унинг айрим элементлари Австро-Венгрия империясида ҳам учрайди. Бу саройдаги мавжуд тилнинг давлат тилига айланиши, миллий кийим ва маданиятнинг йўқолиб бориши билан боғлиқ. Бюрократ миллатчилик кўпсонли халқлар ва ҳукмрон сулолалар билан алоқадор. У Россияда шаклланиши Европада вужудга келган инқилобий ва миллатчилик ҳаракатларига жавобан эди.

Оммавий ахборот воситалари ҳамда сиёсатчилар тилида миллатчиликнинг кўпинча зўравонлик ишлатиш билан бирга кечадиган “субмиллатчилик”, “микромиллатчилик”, “этномиллатчилик” ва “этнохудудий” сингари радикал ҳаракатларга ўхшатишга ҳолат соҳасини асосиз торайишига ва энг аввало кундалик ҳаётдаги миллатчиликни тасвирловчи ижтимоий амалиётнинг кенг қирраларини концептуаллаштиришнинг имконсизлигига олиб келмоқда. Бундай ҳолатларда қандайдир бирон мантикий сабабга ёки изоҳловчи қийматга боғлаб бўлмайдиган мураккаб ва бир маъноли бўлмаган ижтимоий-мафкуравий ҳодиса сифатидаги миллатчиликни назарий қайта мулоҳазадан ўтказиш вазифаси алоҳида долзарблик касб этмоқда. Миллатчилик муаммосини назарий жиҳатдан кўриб чиқиш сиёсий фикрлар ва меъёрий мулоҳазалар билан чамбарчас боғлиқ ва “миллатчилик” борасидаги тадқиқотларни ривожлантириш йўналишини қайта тиклашга уриниш муқаррар равишда тегишли тузилмавий, тарихий ва академик нуқтаи назарларнинг ўзаро алоқаларини генеалогик кўриб чиқиш шаклини олиши лозим. Бу саволга жавоб беришда миллатчилик зиддияларининг қуйидаги уч фарқли жиҳатига эътибор қаратиш лозим:

1.Объектив узоқ тарихга эга бўлмаган(тарих исботлаб турганидек) миллатлар, аммо ўзларини узоқ тарихий тараққиётга эга деб ҳисобловчилар (миллатчилар) ўртасидаги фарқ;

2.Миллатнинг аниқ ва кўп қиррали социомаданий жиҳатлари ва сунъий яратилган маданий жиҳатлар ўртасидаги фарқ;

3.Сиёсий куч ва назарий жиҳатдан пуч миллатчилик ўртасидаги фарқ.

Миллатчилик ҳодисаси XX асрнинг дастлабки ўн йилликлари мумтоз ижтимоий назариясида кўриб чиқилмай қолиб кетган, чунки бу М.Вебернинг дунёни “сехр-жодудан” халос қилиш ва Э.Дюркгеймнинг “уйғун ҳамкорлик” борасидаги умумий мантиғига сиғмаган эди. Миллатчилик муаммоларини ўрганишга бағишланган дастлабки тадқиқотларнинг пайдо бўлиши минтақавий-европача академик муҳит билан эмас балки инглиз-америка муҳити билан боғлиқдир. Мазкур тадқиқотларда

миллатчилик ижтимоий назариянинг эмас балки интеллектуал тарих ёки ғоялар тарихи предмети сифатида кўриб чиқилган, шунинг учун миллатчиликнинг вужудга келиши ва тарқалиши билан боғлиқ ижтимоий вазиятлар эътибордан четда қолган. 1920-1960 йилларда тадқиқотчиларни асосан инсониятни миллатларга тақсимланиши ва бу миллатлардан ҳар бири учун сиёсий вакиллик зарурати тўғрисидаги тасаввурлардан иборат бўлган. Ариософия (Ariosophy) маданийлашган пессимизм бўлиб, у XIX аср охирида Австро-Венгрия империясининг Габсбургдаги немис миллатчиларининг хомхаёл фантазиясига асосланди. Кўпмиллатли империяда шаклланаётган урбанизация ва саноатлашув, славян ва немис манфаатларининг тўқнашуви, Австрия фон Шонерернинг пайдо бўлиши, католик таълимоти ва дарвин таълимоти ўртасидаги зиддиялар, ирқчилик ғояларибу бузунчи оқимнинг тафаккурини кўрсатиб берди.

Оккультизм – бу таълимотда муҳим рол ўйнади ва дунёвий мақсадлар йўлида сиёсий позициясини белгилаб берди. Ariosophy фантазияси келгусида вужудга келадиган элитарлик ва тозалик, минг йилликнинг олтин миллати мафқурасини шакллантиришга йўналтирилди. Янги замон даври миллий доктринасининг ривожланиши қизиқтирган. Америкалик тарихчилар К. Хайес ва Г. Кон, британиялик ғоялар тарихчилари Э. Кедурива К. Миног ҳамда файласуфлар И. Берлин ва Дж. Пламенац, шунингдек, Австралиялик ғоялар тарихчиси Ю. Каменка мана шу йўналиш вакилларига мансубдир. Ушбу йўналиш вакиллари ишларининг ўзига хос жиҳати буларда Иккинчи жаҳон уруши даврида европача ва осийча тажовузкор миллатчиликни кузатишдан келиб чиқувчи, таҳлилий эмас балки асосан меъёрий аҳамиятга (ғарбий/шимолий, фуқаролик/этник, сиёсий/маданий, либерал/авторитар, мақсадга муносиблик/ ҳиссийлик ва ҳ.к.) эга бўлган идеал-типик таққослашларнинг кўплигидир.

XX аср ўрталарида мустамлакадан чиқиш жараёнининг авж олиши миллий қурилиш модернизацияси ва концепциясининг турли назарияларини (“учинчи жаҳон” мамлакатларининг “қувиб етувчи ривожланиш” жараёнида сиёсий ва фуқаролик маданиятини яратиш) ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ижтимоий тадқиқотчиларни миллатчиликни ўрганишга ундади. Америкалик социолог К. Дойч миллатчиликни анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтишда аҳолининг тегишли сафарбарлиги ва алоқасини таъминловчи ижтимоий бирлашув воситаси деб ҳисоблаган. Британиялик ижтимоий файласуф Э. Геллнернинг тузилмавий-функционал ёндашувида миллатчилик сиёсий қонунчилик тамойили сифатида тушунилади, бу тамойилга биноан “сиёсий ва миллий бирлик мос келиши лозим”.

Миллатчилик саноатлашган жамиятнинг функционал эҳтиёжларига жавоб бера оладиган стандартлашган ва бир турдаги миллий маданиятни вужудга келтирди. Янги давлатлардаги миллий лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ қийинчиликлар тадқиқотчиларни ушбу муваффақиятсизликларни кўриб чиқишга ундади. Анъанавий жиҳатдан “примордиалистларга” мансуб бўлган К. Гирц ва У. Коннорумумий келиб чиқиш ва қариндошлик ҳисларига (бундай ҳислар “примордиал” ёки “азалий” номини олган) асосланган шахсларнинг миллатга мансублиги ва унга содиқлиги тушуниладиган (этно) миллатчиликнинг “учинчи дунё” мамлакатларида кенг ёйилишини кўрсатиб бердилар. “Қариндошлик” миллатчиликда аниқ эмас балки тасаввурдаги хусусиятга эга бўлганлиги боис примордиализм субъектив ижтимоий-

психологик ҳодисадир. Айни вақтда ижтимоий-биологик парадигма билан боғлиқ ва примордиалистча қарашларга таянувчи айрим тадқиқотчилар (П. ван ден Берге и Ф. Раштон) миллатчиликнинг объектив биологик ва ирсий келиб чиққанлигини исботлашга уриндилар. 1970-1980-йилларда қиёсий-тарихий тадқиқотлар ривожланиб бориши билан тарихий социологлар ва ижтимоий тарихчилар миллатчиликни ўрганишга яқинлаша бошладилар, бутадақиқотчилар миллатчиликнинг фақат Ўттиз йиллик урушдан кейин шаклланган миллий давлатларнинг европача тизимига ҳамда бу тизим доирасидаги сиёсий бюрократиянинг фаолиятига эмас балки умуман дунёвий тизимга боғлиқ эканини кўрсатишга интилди. Бундай ёндашувнинг ёрқин номоёндалари М. Манн, С. Роккан ва Ч. Тиллидир. Буларга социолог Э. Гидденс ва тарихчи Дж. Бройиларнинг ёндашувлари яқин туради. Тадқиқотчилар Т. Нейрн ва М. Хектер нотекис ривожланган ва “ички мустамлакачиликка” эга бўлган миллий давлатларда шаклланган миллатчиликнинг вужудга келишини изоҳлаб бердилар. Британиялик тарихчилардан Э. Хобсбаумнинг нуқтаи назарига кўра, миллатчилик миллий давлат сиёсатининг оқибати эмас балки уни яратишга йўналтирилган ва миллий анъаналарни “ихтиро қилиш” ҳамда оммавий ишлаб чиқаришга таянувчи сиёсий-мафкуравий дастур эди. А.Смит эса миллатчиликнинг этно рамзий концепциясини ривожланириб келмоқда, у миллатчиликни этник жамоалардан мерос бўлиб қолган рамзлар ва афсоналарнинг кенг имкониятларига таянувчи мафкуравий ҳаракат сифатида кўриб чиқади. Совет иттифоқи таназзулидан сўнг ва Югославияда юз берган миллатчилик тўлқинларига жавоб сифатида 1990 йилларда табиийки бу ҳодисага тадқиқотчиларнинг қизиқиши орта бошлади. Лондон иқтисодиёт мактаби қошида Элатчилик ва миллатчилик тадқиқотларининг профессионал уюшмаси ва “Миллатлар ва миллатчилик” ихтисослашган журнали ташкил этилди. Постколониал (П. Чаттерджи, Х. Баба), феминистик (Н. Юваль-Дэвис, С. Уолби) ва адабиётшунослик (Т. Бреннан) назариялари билан боғлиқ янгича усуллар қўллана бошлади ва тадқиқотнинг янги йўналишлари ишлаб чиқилад бошлади. Германиянинг бирлашуви ва Канада ҳамда Ғарбий Европа мамлакатларида субмиллатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши “либерал миллатчилик” (М. Канован, У. Кимлика, Н. Маккормик, А. Маргалит, Д. Миллер, М. Мур, Ю. Тамир) ва “конституциявий ватанпарварлик” (Ю. Хабермас) муаммолари билан боғлиқ ижтимоий ва сиёсий файласуфлар ўртасида кескин баҳсларни келтириб чиқарди. 1990-2000 йилларда миллатчиликни мафкуравий изоҳлашга мақсадга муносиб танлаш назарияси вакиллари (А. Аззи, Дж. Коулмен, Х. Мидвел, У. Пагано, Р. Хардин, М. Хектер) кескин қарши чиқа бошладилар, улар миллатчиликда мафкуранинг белгиловчи ролини рад этган ҳолда миллий жамоавий ҳаракатлардаги айрим иштирокчиларнинг ҳал қилувчи аҳамиятини ёқлаб чиқдилар. Бугунги кунда мазкур ёндашувнинг етарли даражада танқидий баҳоланмаётганлиги миллатчилик энг аввало мафкуравий ҳодиса деб ҳисобловчи тадқиқотчилар олдида бу ёндашувнинг изоҳлаш салоҳиятларини таҳлилдан ўтказиш вазифасини кўймоқда. Шундай қилиб, миллатчилик борасидаги аксарият тадқиқотларнинг асосий мушкилоти мафкурани оммага сездирмай бошқариш воситаси сифатида чекланган тушунишдан ва миллатнинг икки концепцияси замонавий назарияси ишланмаларига эътиборсизликдан келиб чиқмоқда. 1) Миллатчиликнинг яқка ҳукмронлик формацияси вужудга келишида “миллат”ни англаувчи тушунча бош ролни ўйнайди. “Миллат”ни англаувчи “бекорчи” сўз “эскича” ва мустамлака тартиботларининг

карама-қаршилиги асосидаги ижтимоий ҳаётнинг гетероген соҳасида тенгликнинг ҳар хил силсиласи вужудга келишига имкон яратади. Миллатчилик яқка ҳукмронлиги қарор топгандан сўнг “миллат” тушунчаси мавҳум тушунчага айланади ва бу тушунчага муайян маънони қисман бирлаштириш учун турли мафкуралар (консерватив, либерал, социалистик) ўртасидаги кураш соҳасига айланади. 2) Миллатчилик асосида миллий мустақиллик доктринасини “миллийлаштириш” натижасида XVIII аср охирида шаклланган миллий мустақиллик ғояси қарор топди. Ҳозирги замонда шахслар ўртасидаги макондаги алоқаларга (макондаги умумийлик) асосланувчи ҳокимият манбаи халқ эканлиги ҳақидаги ғоя авлодлар ўртасидаги вақтинча алоқаларни (тарихий умумийлик) асослаш учун қўлланиладиган миллат ғояси билан тўлдирилади. Миллатчиликда миллатни ўз “тақдирини” мустақил сиёсий белгилашга даъвогар бўлган тарихий халқ сифатидаги тасаввур вужудга келади. 3) Миллатчи субъектни ишлаб чиқиш ва яратишни белгиловчи миллатчилик субъектлаштирувида мафкуравий интерпелляция ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Дискурс ва субъект ўртасида алоқа ўрнатувчи бу жараён синфий хусусиятга эга эмас ва миллатга нисбатан тўла мафкуравий эътиқоди бўлган миллатчи субъектни яратмайди. Бўш объектни тўла рамзлаштиришга лаёқатсиз бўлган миллатчи интерпелляция миллатчилик фетишлари ва фетишли маросимлар вужудга келишини кўзда тутди. Миллатчи субъект фетишлар ва маросимларга нисбатан ҳиссий эътиқодга эга, у буларга нисбатан тўла мафкуравий ишончга эга. Хуллас, XXI аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий вазият мураккаб ва кўп маъноли мафкуравий ҳодиса сифатидаги миллатчиликнинг ўзига хослигини мулоҳазадан ўтказиш муаммосини долзарблаштириб қўяди, шу аснода редукцион изоҳларга эътибор бермайди. Икки асрдан кўпроқ вақт давомидаги миллатчилик тарихи уни мутлақо бир иқтисодий, ижтимоий, маданий ёки бошқача изоҳловчи тамойилга тақашнинг имкони йўқлигидан далолат бермоқда, чунки бундай ҳолатда таклиф этилаётган изоҳларнинг эпистемологик қийматини шубҳа остига қўювчи қўплаб истиснолар вужудга келади. Бундай ҳолатларда миллатчиликни унинг имкониятлари шароитларини тасвирловчи ҳамда унинг ривожланишини белгиловчи мантиқ нуқтаи назаридан кўриб чиқиш вазифасини қўйган ва ҳодисанинг ўзгармас “моҳиятини” озми кўпми тўлиқ даражада ифодаловчи идеал-типик схемалар яратишдан бош тортувчи назариялар энг мақбул бўлиб чиқади. Бу назарияларнинг фарқли жиҳати миллатчиликнинг мазмунига эмас балки шаклига алоҳида урғу беришдан иборатдир.

Умуман олганда, миллатчилик бир томондан, бошқа миллатлар билан турли соҳалардаги ўзаро фойдали муносабатлардан маҳрум қилиб, миллатнинг маънавий қашшоқлашувига сабаб бўлса, иккинчи томондан, жиддий келишмовчиликларга замин яратади. Миллатчилик туйғулари бутун миллатни қамраб олган ва давлат тузилмалари томонидан қўллаб-қувватланган ҳолларда эса у миллатлараро муносабатларнинг таранг ҳолатда сақланишига, ўзаро ишончсизлик туйғуларининг илдиз отишига, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг чўзилиб кетишига ва доимий беқарорлик ҳолатининг сақланиб қолишига сабаб бўлади. Миллатчилик — шахс ёки этнос онгининг ўзига хос ҳолати ва ижтимоий-руҳий жиҳатдан йўналтирилган оқим. Ана шу омиллар заминида миллатчилик назарияси, мафкураси ва амалиёти вужудга келади. Шунинг учун ҳар бир муайян ҳолатда миллатчилик тўғрисида сўз юритилар экан, гап маиший турмушдаги миллатчилик ёки миллатчилик мафкураси тўғрисида

бораётганини фарқлаш лозим. Маиший турмушдаги миллатчилик миллат пайдо бўлганидан буён Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам мавжуд. Миллатчилик мафкурасининг моҳиятини ўз миллатининг бошқа миллатлардан устунлигини эътироф этиш ва тарғиб қилиш ташкил этади. Шунинг учун босқинчилар миллатчилиги билан мазлумлар миллатчилигини фарқлаш лозим. Мустамлакачилар ва босқинчилар миллатчилиги бошқа халқларни асоратга солиш учун хизмат қилса, мазлум халқлар миллатчилиги уларни озодликка олиб чиқиш учун йўналтирилади. Миллатчилик экспансионизм, изоляционизм, шовинизм, нацизм кўринишларида намоён бўлиши мумкин. Миллатчилик бир мамлакат доирасида турли қарама-қаршиликни келтириб чиқаради, халқаро миқёсда эса, турли мамлакатлар халқлари ўртасига нифоқ солади. Халқаро қонунчиликка кўра, миллатчилик инсон ҳуқуқларини чеклаш ва сиёсий жиноят сифатида баҳоланади.

2. Мустақиллик даврида миллатлараро тотувликнинг таъминланиши, миллий–маданий марказларнинг шаклланиши ва ривожланиши.

Ўзбекистон ўзининг кўп асрлик тарихида қадим-қадимдан кўпмиллатли ва кўпконфессияли мамлакат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Турли миллат ва динга мансуб миллионлаб кишилар ўз тақдирларини ва келажакларини Ўзбекистон билан боғлаб, бу қадимий сахий заминда тинч-тотув яшамоқдалар”¹. Бизга маълумки, кўпмиллатли демократик жамиятда кўпинча миллатлараро муносабатлар давлат сиёсатининг асосий компоненти сифатида намоён бўлади.

Ўзининг таркиби ва мазмуни жиҳатидан хилма-хил халқлар бирлигидан ташкил топган бизнинг жамиятимизда миллатлараро тотувликни сақлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг катта қадриятимиз, бу – жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир². Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кундаги яна бир муҳим вазифа мамлакатимизда миллатлараро ва конфессилараро тотувлик ғоясининг доимий устувор бўлишини таъминлаш билан боғлиқ. Бунда инсонпарвар, адолатли, ҳуқуқий жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мамлакатимиз аҳолиси онгида ҳар бир миллатнинг ўз миллий маданияти борлигини, ҳар бир этнос, этник гуруҳ дунёда ягона эканини, уларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, зинҳор бирини бошқасидан устун қўйиш мумкин эмаслигини назардан қочирмаслик ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги глобал ўзгаришлар шароитида дунёнинг қайси бир нуқтасига назар ташламайлик, иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг миллий ва миллатлараро муносабатларга боғлиқлиги ва алоқадорлигини кўрамиз. Шу боисдан бугунги кунда республикаимиздаги мавжуд миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш, мазкур жараёнга салбий таъсир этувчи омилларни бартараф

¹Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б.175.

² Каримов И.А. Республика байнамилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган тантанали мажлис қатнашчиларига табрик. // Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва тинчлик учун қурашамиз. 10-жилд.- Тошкент: Ўзбекистон, 2002.-Б.181.

этишга доир амалий чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш ҳамда такомиллаштириб бориш зарурияти ортиб бормоқда. Бунда республикамиздаги этник гуруҳларнинг самарали фаолиятига кенг имкониятлар яратиш билан бир қаторда, мазкур жараёнга глобаллашувнинг таъсирини ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим. Зеро, бугунги кунда нафақат глобал тармоқларда балки хорижий ОАВда ҳам Марказий Осиё минтақасидаги миллатлараро муносабатларни ўзгача талқин қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бу ахборот хуружининг асосан ташқи сиёсий кучларнинг буюртмаси билан амалга оширилаётгани ҳамда минтақадаги миллатлараро муносабатларни кескинлаштиришга йўналтирилаётгани мазкур масалага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Чунки Марказий Осиё минтақасида яшаб келаётган халқлар ўртасида ҳеч қачон ўзларига тегишли ҳудуднинг жўғрофий ўрни борасида норозилик кайфияти туғилмаган. Маҳаллий халқларнинг асосий қисмини тарихан ўзларига тегишли ҳудудларда яшаб келган бўлса, уларнинг маълум қисми чегаралаш натижасида тарихий ватанларининг маъмурий чегарасидан ташқарида қолиб кетган. Ўзбекистон агрофидаги деярли барча чегара ҳудудларида турли миллатга мансуб маҳаллий халқлар биргаликда истиқомат қилиб келмоқда.

Бугун миллатлараро муносабатларни йўлга қўйиш бир давлат ҳудудида кечадиган ҳодисалар эмас, улар халқаро, айниқса минтақавий аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, этносиёсат миллий давлатлар томонидан ишлаб чиқилса ва амалга оширилса-да, у мудом халқаро ёки минтақавий резонанс берадиган ҳодисага айланиб бормоқда.

Миллатлараро муносабатлар фуқаролик жамиятини ҳаракатга келтирадиган, унда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари амал қилишини таъминлайдиган институтлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир институт фаолияти ёки ҳукумат қабул қиладиган қарорлар ўзидан-ўзи реалликка айланмайди. Агар жамият полиэтник хусусиятларга эга бўлса, ундаги институтлар фаолияти қабул қилинадиган қарорлар миллатлар ва элатлар вакилларининг диққатини тортмай қолмайди.

Демократик жамият - бу, энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни-шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди.

Фуқаролик жамияти шаклланиб бораётган Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш ва ривожлантиришда куйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, миллатлараро муносабатларни ижтимоий тараққиёт нуқтаи назаридан ҳал этиш жаҳон халқларининг, айниқса полиэтник давлатларнинг глобал муаммолардан биридир. Англияда Ольстер, Францияда Корсика, Испанияда Каталония, Италияда Жанубий Тиролия, Бельгияда Фламандия, Хитойда Уйғур автоном тумани ва Тибет, Болгарияда турклар, Туркияда курдлар, Украинада Донецк ҳамда Луганск миллий низоларга, ижтимоий этник тўқнашувларга сабаб бўлиб келади. Собиқ СССР ва социалистик лагернинг тарқалиши билан унинг ўрнида пайдо бўлган мустақил давлатларда, айниқса Югославия, Руминия, Венгрия, Чехословакия, Украина, Қирғизистон, Грузияда миллатлараро тўқнашувлар авж олди. Ҳаттоки, энг ривожланган АҚШдек давлатда ҳам миллий-этник муаммолар мутлақ ҳал этилмаган. Ўз навбатида бугунги кунда глобал ўзгаришлар шаротида юзага келаётган

имкониятлардан фойдаланишда турли давлатлар ўртасида кескин тафовутлар ҳам учраб турибди. Мазкур жараён, аввало, қудратли давлатларга ўз геосиёсий манфаатларини қондиришда улкан афзалликларни юзага келтирмоқда. Бундай геосиёсий манфаатлар эса иқтисодий тафовутларнинг кучайишига, нисбатан кам ривожланган давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан қудратли мамлакатлар тамонидан иқтисодий асоратга солишига омил бўлмоқда. Оқибатда мазкур тенденциядан норозилик қайфияти миллатлараро муносабатлар совуқлашишига ҳам олиб келмоқда. Ўз навбатида иқтисодий жиҳатдан қудратли миллатларнинг иқтисодий дастаклар ҳамда ОАВ ёрдамида ўз кадриятлар тизимини ўзга миллатлар турмуш тарзига сингдиришга уринаётганлиги, табиий равишда, норозилик қайфиятларининг, мазкур миллат вакилларига нисбатан салбий муносабатнинг шаклланишига замин яратиб бермоқда.

Иккинчидан, бугунги глобал таракқиёт миграцион жараёнларни кучайишига ҳам олиб келмоқда. Натижада, дунё давлатлари тобора кўпмиллатли характер касб этиб бормоқда. Мазкур тенденция, ўз навбатида, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар тизими мураккаблашувига, миллий муносабатларда янгидан янги муаммоларнинг юзага чиқишига олиб келмоқда. Шунингдек, муайян мамлакатларда чет элликларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига қарши титул миллатларда ўз устунлигини сақлаб қолиш учун фавқулудда чоралар қўллаш даъватлари, миллатчилик қайфиятларини кучайиши кузатилмоқда. Яъни, глобал этник муносабатлар тизимидаги уйғунлашув «бир хил одатлар, умумий принциплар бўйича яшаш, умумий кадриятларга асосланиш, бир хил анъаналарга ва ахлоқ нормаларига бўйсунуш, қоидаларни бирхиллаштиришга интилиш»¹ муайян миллатларнинг миллий турмуш тарзи, миллий маънавиятларининг емирилишига олиб келмоқда. Ушбу вазиятда миллий ўзликни сақлаш инстинкти, кўп ҳолларда, миллий маҳдудликка, ўзга кадриятлар тизимини ёппасига, кўр-кўрона инкор этилишига ёки миллий нигилизм кучайишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Учинчидан, миллатлараро муносабатларда ўзаро тотувлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тарақиётига хизмат қиладиган ғоят муҳим омилдир. Зеро, жамият тамонидан унинг парчаланиши ва беқарорлашуви учун кучли омил сифатида юзага келадиган миллатлараро манфаатларнинг тўқнашувига олиб келади. Миллатлараро муносабатлардаги ўзаро тенглик, самимийликка асосланган тотувлик ва диний конфессиялар ўртасидаги бағрикенглик таракқиётимизнинг муҳим омилларидан бири эканлиги ҳалқимиз онги ва қарашларида шаклланган ҳамда ҳаётимизнинг реал амалиётига айланаётган бир шароитда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, XX аср охирида собиқ Совет тузумининг миллий масала бўйича олиб борган сиёсатидаги хатолар, миллий манфаатлар борасидаги ноҳақликлар оқибатида юзага келган парокандалик, турли Республикалар сингари мамлакатимизда ҳам содир бўлаётган эди. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бошчилигидаги ҳукуматраҳбарияти олиб борган оқилона сиёсат оқибатида тоғли

¹ Қобилов Ш. Глобаллашув ва ҳавфсизлик. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2006. – Б.12.

Қорабоғ, Грузия сингарихудудларда содир бўлган воқеалар Ўзбекистонда бўлиб ўтмади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат яшайди. Булар эса биргаликда Ўзбекистон халқини ташкил этади. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида бораётган эканмиз, миллатлар орасида тотувликни мақсадли йўлга қўйишимиз даркор.

Бешинчидан, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда яшовчи халқлар, миллатлар ва элатларда ўзлигини англаш, ўзининг этномаданиятини ривожлантириш, жаҳон халқлари билан интеграцияга киришиб яшаш имконияти пайдо бўлди.¹

Ўзбекистонда миллий давлатчиликни ривожлантириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш борасида чуқур ижтимоий ислохотлар амалга оширилмоқда. Қисқа вақт ичида мамлакатда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, миллий ўзликни англашни ривожлантириш учун соғлом сиёсий муҳит шаклланди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, кўпмиллатли демократик жамиятда кўпинча миллатлараро муносабатлар давлат сиёсатининг асосий компоненти сифатида намоён бўлади. Миллий этник жараёнларнинг қулай ривожини жамият тараққиётининг асосини ташкил этар экан, ҳар қандай мавжуд тизимдаги расмий сиёсат этник барқарорликнинг таъминланиши учун йўналтирилган бўлиши лозим. Чунки этник барқарорлик сиёсий мувозанатнинг сақланишида муҳим ўрин тутса, сиёсий барқарорлик эса иқтисодий-ижтимоий, маданий ва маънавий тараққиётнинг кафолатидир. Президент И.А.Каримов таъбири билан айтганда, «Кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларда ўз давлатларига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда».² Инсон ҳуқуқлари ва унинг кадр-қиммати етакчи ўринда турган демократик давлатда миллатлараро муносабатлар барқарор ривожланади. Миллатлараро муносабатлар негизида эса ҳар бир миллатнинг ўзаро алоқалари жамиятнинг этник ривожини таъминлайди.

Демократик жамиятда миллатлараро муносабатлар ривожини таъминлашда қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим: Биринчидан, миллатлараро муносабатлар жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий барқарорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, у ўз навбатида этник мувозанатни ва ижтимоий тараққиётни таъминлайди. Иккинчидан, жамиятда ҳар бир миллатнинг урф-одат, анъана, қадриятлари сингари ўзига хос хусусиятлари мавжудки, бу нарсалар бошқалардан ҳурмат ва эътиборни талаб этади. Учинчидан, жамиятда маънавий дунёқарашнинг пастлиги яъни бошқа миллатга нисбатан ўз миллатини устун қўйиш, ўзга урф-одат, маданият ва анъаналарни менсимастлик ҳам миллатлараро муносабатларга салбий таъсир кўрсатади. Тўртинчидан, фуқаролик жамиятининг истиқболини таъминлаш учун миллий маданий марказлар ва миллий типдаги ташкилотлар фаолиятини умумдавлат ва умумхалқ манфаатларига мувофиқлаштириш ҳамда уларни миллий биқиқликдан умумтараққиёт томон йўналтириш лозим. Бешинчидан, демократик жамиятда миллатлараро муносабатларда мувозанатни таъминлашда ҳар бир миллатга хос этнопсихологияни инобатга олиш талаб этилади.

¹ Мусаев О. Мустақил ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар. – Т.: “Ижод дунёси”, 2004. 11-18 б.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 69-70 б.

Миллатлараро тотувлик – миллий бош ғоямизнинг асосий тамойили.

Миллатлараро тотувлик ғояси-миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, мамлакатимизда истиқомат қилиб келаётган барча этник вакиллари билан, авваламбор, ўзбек миллати ва шу билан бирга ўзларининг ўртасида кўп йилларга мўлжалланган эзгулик, ишонччилик, дўстоналик, яқдиллик, қариндошлик, маънавий-ахлоқий ва мафкуравий яқинлик ва бирдамлик, муросалилик ва бошқа инсонийлик муносабатлари мавжудлигини ва келажақда ҳам у янада камол топишини ифодалайди. Бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб бўлган кишилар ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик каби муносабатларнинг мавжудлигини ва шундай муносабатларни қарор топтириш, мустаҳкамлашга қаратилган фикр – миллатлараро тотувлик ғоясининг мазмун-моҳиятининг муҳим жиҳатини ташкил қилади. Бу ғоя бўйича, миллий ғоявий ва амалий ҳамжиҳатлик ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан биридир. Диёримизда асрлар давомида истиқомат қилиб келган миллат ва элат вакиллари ўртасида миллий адоват кузатилмаганлиги, бу ғоянинг бир муҳим тарихий илдизидир.

Бу ғоя жамиятимизда тўла-тўқис амал қилиши учун, у зарур бўлган ҳуқуқий қонунлар билан таъминланган. Марказий Осиё ҳудудида қадимдан бери яшаб келаётган барча миллат ва элатларнинг тарихи муфассал кўриб чиқилсагина, миллатлараро тотувлик ғоясининг нақадар чуқур ва бақувват томирлари мавжудлигига амин бўлишимиз мумкин бўлади. Вақти келиб, бу томирлар тўғрисида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилади ва қанчадан-қанча бадиий асарлар ёзилади.

Миллатлараро тотувлик ғоясининг мазмун-моҳияти, унинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини тўғри англаш учун, Марказий Осиё халқларининг камида уч минг йиллик маданий ва маънавий тарихини яхши билишимиз талаб қилинади. Шунини яхши англашимиз керакки, ҳозир бу ғоя жамиятимизнинг барча жабҳа ва соҳаларида узул-кесил амал қилиб келиши тасодифий бир ҳол эмас, балки у зарурий ҳодиса сифатида халқимизнинг онги ва қалбида етишиб, шаклланиб, унинг ҳаётида минг бор марта синовлардан ўтиб, дури-гавҳардек баҳоланиб ва маъқулланиб келган.

Қуйидаги фикрларда биз бу ўзликнинг айрим муҳим жиҳатларини ёки бошқача айтганда, миллатлараро тотувлик ғоясининг тарихий илдизларини қисқа кўрсатиб ўтамиз, яъни:

а) Марказий Осиё ҳудудида азалдан истиқомат қилиб келаётган барча миллат ва элатлар бир неча минг йиллар давомида асосан битта давлат миқёсида ёнма-ён туриб ва биргалиқда ҳаёт учун курашиб келган;

б) уларни фақат узоқ йўллар ва йўл азоблари ажратиб турган бўлсада, бироқ уларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий алоқалари ва бир-бирига бўлган турли хилдаги ўзаро ижобий таъсирлари тинимсиз давом этган;

в) бу халқлар минг-минг йиллар давомида умумий босқинчилар томонидан уларга ўтказилган ситам ва азоб-уқубатларни биргалиқда баҳам кўрган, биргалиқда курашиб озодликка эришишга муваффақ бўлганлар;

г) Марказий Осиёда жойлашган республикаларнинг ҳар биридаги кўпдан-кўп ёки деярли барча қишлоқ ва шаҳарларида турли миллат ва элат вакиллари бир-бирлари билан ён қўшни ва жон қўшни, бир жон ва бир тан бўлиб қудо-анда, тоғали-жиян, ёру биродар ва бошқа турдаги яқинликлар ўрнатилгани ҳолда яшаб келганлар.

Қадимдан бери Марказий Осиё худудида яшаб келаётган барча миллат ва элатларнинг маданий-маънавий бирлиги ниҳоятда мустаҳкам ва унинг тарихий томирлари ўта чуқурдир. Бу бирлик шу қадар бой мазмунга эгаки, уни тўлалигича кўрсатиш учун, бир нечта китоблар ёзишга тўғри келади. Биз бу бирликнинг энг умумий ва муҳим томонларига эътибор берамиз.

Юқорида кўрсатилган миллат ва элатларнинг бирлиги қуйидагиларда ўз ифодасини топган, яъни:

-бир қисми қон-қариндош бўлиб кетганлигида;

-тиллари бир-бири ҳисобига бойиб бориб жуда ҳам яқинлашиб борганлигида;

-урф-одатлари, удумлари, маросимлари, таомиллари, юриш-туришлари, ҳаёт тарзи ва бошқалари ҳам жуда ўхшаш бўлиб кетганлигида. Шу туфайли айтиш мумкинки, улар учун Ўзбекистон нафақат худудий, иқтисодий ва сиёсий маънодаги Ватан, балки уларнинг умумий урф-одатлари, анъаналари, маросим ва удумлари ватани ҳамдир (бу-этно-маънавий ва мафкуравий бирликлардир);

-доимо асосан бир хил диний эътиқодга эга бўлганлигида;

-турли хилдаги яқинликлари - қўни-қўшничилиги, куда-андалиги, бир жойда фаолият кечириши, бир-бирларининг тилларини ўзлаштириб олганлиги ва ташқи кўринишга эга бўлиши ҳамда бошқалар, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган кўп миллатли ижтимоий гўзаллик ва юксак инсонийлик муҳити шаклланганлигида.

Собиқ Советлар давлати даврида миллатлараро тотувлик ғояси интернационализм тушунчаси билан алмаштирилиб, миллатлараро муносабатлар совет ва марксистик идеологияси нуқтаи назаридан, ҳукмрон миллат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, тушунтирилар эди. Бу давлатдаги барча миллат ва элатларнинг бирлиги ва тотувлиги «совет халқи» деган ном билан номланиб, унинг мазмунида ҳеч қандай миллий маъно, ўзлик мавжуд бўлмаган.

Фахр билан таъкидлашимиз керакки, ҳозир диёримизда миллатлараро тотувлик ғояси миллий истиқлол ғоясининг асосий ғояларидан бири сифатида давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда, ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида тўлақонли амал қилиши учун керакли бўлган қонун-қоидалар қабул қилинмоқда ва хоказо.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозимки, жаҳон миқёсида мафкуравий зиддиятлар кескинлашиб, таҳдидлар кучайиб бораётган бир даврда Ватанимизда бу ғоянинг узул-кесил амал қилиб бориши барчага ҳам маъқул бўлмоқда, деб бўлмайди. Баъзи бир ғанимларимиз, миллатлараро тотувлик ғояси Ватанимиз равақ топишининг энг муҳим омилларидан бири эканлигини жуда яхши билади ва шунинг учун ҳам улар қандай бўлмасин, жамиятимиздаги миллатлараро муносабатларни бузишга ва уларнинг ўртасига раҳна солишга минг бор уринмоқдалар. Президентимиз Ислам Каримовнинг фикрига кўра «... ғанимларимизнинг асосий нияти – Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга қираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришдир»¹. Юртбошимиз Ислам Каримов ўзининг асарларида «Ўзбекистон – ягона Ватан» ғоясини «Ўзбекистон –

¹ И.А.Каримов. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 9-бет.

муқаддас Ватан», «Туркистон – умумий уйимиз», «Ватан – ягонадир, Ватан - биттадир», «Ўзбекистон менинг ягона ва бетакрор Ватаним» каби фикрлари билан ҳам бойитди.

Ҳозирги кунда юртимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг ўртасидаги мустаҳкам ва собит дўстлик, ҳамжиҳатлик ва бирдамлик, аҳиллик ва хайрихоҳлик каби бошқа эзгу муносабатларнинг амал қилиши – жамиятимиз тараққиётининг энг муҳим омилларидан бирига айланиб бораётганини ифтихор билан таъкидлашимиз жоиздир.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз ўринлики, миллатлараро тотувлик ғояси шўролар тузуми даврида айtilган қуруқ баландпарвоз гапдек бўлмасдан, балки бугунги кунда халқимизни, юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларни ягона мақсад сари янада бирлаштирувчи ва жипслаштирувчи, жамиятнинг тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамловчи, барчанинг фаолиятига онглилик ва мақсадга мувофиқлик киритувчи моддий ва маънавий кучга айланиб бормоқда.

Мустақиллик даврида миллий миллий – маданий марказларининг шаклланиши ва ривожланиши. Ўзбекистон полиэтник давлатлар қаторига киради. Асрлар давомида бу ерда ўзбеклар билан ёнма-ён тожиклар, қорақалпоқлар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар ва бошқа кўпгина халқларнинг вакиллари аҳил ва иноқ яшаб келишган. Шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг кўпмиллатлилигига халқимизнинг очиққўнчилиги ва меҳмондўстлиги ҳам сабаб бўлган. Бу минтақадан ўтган Буюк Ипак йўли эса иқтисодий, маданий ва маънавий алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилган. Шу ўринда айрим далилларга мурожаат қиламиз:

• 1897 йилда республикамизнинг ҳозирги ҳудудида 70 миллат вакили яшаган. 1927 йилга келиб 90 миллат ва элат вакили истиқомат қилган. 1959 йилда 113 миллат вакили рўйхатга олинган. Бугун эса 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бор.

Мамлакат аҳолиси (2015 йил биринчи ярмида): 31 миллион 022 минг 500 киши.

- Шундан 25 миллиондан ортиқ (81.8%) киши ўзбеклар.
- 6 миллионга яқин (18.9%) киши бошқа миллатлар вакиллари. Улардан:
 - Тожиклар – 1,5 миллионга яқин (4.7%)
 - Руслар – 1 миллионга яқин (3.3%)
 - Қозоқлар – 900 минг атрофида (3.1%)
 - Қорақалпоқлар – 800 мингдан кўпроқ (2.1%)
 - Татарлар – 250 мингга яқин (0.9%)
 - Қирғизлар – 250 минг (0.9%)
 - Корейслар – 150 минг атрофида (0.5%)
 - Туркманлар – 165 мингдан кўпроқ (0.6%)
 - Украинлар – 87 минг, озарбайжонлар – 43 минг, арманлар – 40 минг, белоруслар – 21,5 минг, яхудийлар 11 минг, молдованлар – 5,5 минг, немислар - 5 мингдан ортиқроқдирлар.

Мамлакатимизда ана шунга асосан Ўзбекистонда яшовчи муайян бир миллат вакиллариининг миллий маданий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи жамоат ташкилотлар - Миллий-маданий марказлар фаолияти йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда юртимизда 140 дан зиёд миллий маданий марказлар фаолият юритмоқда. Президентимиз ташаббуси билан мазкур марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш,

уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1992 йил январда Республика “Байналмилал маданиятлар маркази” ташкил этилган. У жамиятимиздаги тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувликни янада мустақамлаш, миллий ва умумбашарий анъаналарни раванқ топтириш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ташкил этилаётган кўплаб тадбирлар, концерт дастурлари, кечалар, фестиваллар, кўрик-танловлар, конференциялар шулар жумласидандир. Масалан, “Ўзбекистон — умумий уйимиз”, “Ватан ягонадир, Ватан биттадир”, “Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда” каби шиорлар остидаги фестиваллар кўп миллатли аҳолимизнинг чинакам дўстлик байрамига айланиб улгурган, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Ҳар йили миллий айёмларимиз ҳам марказимиз бошчилигида миллий маданий марказлар билан биргаликда муносиб нишонланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган санага бағишлаб ҳамда Халқаро бағрикенглик куни муносабати билан илмий-амалий конференциялар, учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилган. Булар сирасига миллий маданият кунлари, декадалари, миллий байрамларни ҳам киритиш мумкин.

Миллий-маданий марказлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг жамоат ташкилотлари тўғрисидаги амалдаги қонунларига ҳамда ўз низомига асосланган ҳолда фаолият кўрсатади. Миллий-маданий марказларм. муайян миллатга хос бўлган миллий маданият, тил, урф-одат, анъана ва таомилларни ўрганиш, сақлаб қолиш ва ривожлантиришдан манфаатдор бўлган Ўзбекистон фуқароларини ихтиёрий равишда бирлаштиради. Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги қонуни (1999й. 14 апрел)га асосланган ҳолда тузилади. Низоми тегишли адлия ташкилотлари (Адлия вазирлиги ёки вилоят ва шаҳар адлия идоралари) томонидан рўйхатга олинади. Ўз фаолиятини бевосита ёки жамоалардаги бўлимлари орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади.

Ўзбекистон раҳбарияти аҳолининг кўпмиллатчилигини ҳисобга олиб, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлатимиз миллий сиёсатининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида баён этилган. Миллий сиёсат қуйидаги тамойилларга асосланади:

- Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади;
- Миллатидан қатъий назар фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;
- Давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида этник ўзига хосликларни ҳисобга олиш;
- Миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик;
- Ижтимоий ва сиёсий ҳаётда барча миллат ва элат вакилларининг ҳар томонлама иштирокини таъминлаш;
- Республикада ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қиладиган партиялар ва жамоат бирлашмалари тузилиши ҳамда уларнинг фаолияти тақиқланган.

Дастлабки Миллий-маданий марказлар корейслар, козоқлар, яхудийлар, арманлар томонидан республика вилоятларида 1989 йилда тузилган. Бу марказларнинг чинакам ривожланиши ва равнақ топиши Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин бошланди. Ўзбекистон мустақиллиги муносабати билан уларнинг самарали фаолият курсатиши учун кенг имкониятлар яратилди. Натижада Миллий-маданий марказлар сони йил сайин ортиб борди. Агар 1992 йил 10 та Миллий-маданий марказлар иш олиб борган бўлса, 1995 йилда уларнинг сони 72 тага, 2003 йилга келиб эса 135 тага етди. Улар республика маданий марказлари, вилоят, шаҳар, туман маданий марказларидан иборат.

Республикада ҳозирги пайтда қатор миллатлар вакилларитомонидан тузилган 150 га яқин миллий маданий марказ (МММ) фаолият олиб бормоқда. 14 МММ республика мақомига эга. 31 корейслар, 23 руслар, 10 тожиклар, 9 козоқлар, 9 татарлар (3 та татар-бошқирд МММлари) тузилган. Озарбайжонлар 8, туркманлар 7 та, краинлар ва қирғизларда 6, туркларда ва Европа яхудийларида 5 тадан МММ бор. Немислар, поляклар ва арманлар 4 тадан, уйғурлар ва Бухоро яхудийлари 3тадан, белоруслар ва қрим татарлар 2 тадан, араблар, болгарлар, бошқирдлар, греклар, грузинлар, литваликлар, қорақалпоқлар, хитойлар ва дунганлар 1 тадан МММ фаолият олиб боради.

Республика байналмилал маданият маркази ва МММ фаоллари орасида В. Б. Пак (Хоразм вилояти корейс маркази фаоли), Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси, рус маркази фаоли С.Герасимова каби Ўзбекистон Қаҳрамонлари, 80 га яқин киши “Дўстлик”, “Меҳнат шуҳрати” орденлари, “Шуҳрат” медаллари, фахрий унвонлар, Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрликлари каби юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган. Мукофотланганлар қаторида 24 миллат вакиллари бор.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, бугун Ўзбекистон телевидение ва радиосида 10 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, козоқ, қирғиз, тожик, туркман, татар, уйғур, озарбайжон) кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилади. Газеталар 10 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, козоқ, қирғиз, корейс, тожик, туркман, украин, инглиз), журналлар эса 8 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз, козоқ, қирғиз, тожик, туркман) босилади. Ўрта ва олий таълим 7 тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, козоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида амалга оширилади.

Ўзбекистон каби полиэтник мамлакатда турли миллатлар вакиллари манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Зеро, миллатнинг истиқболи бошқа халқлар ва мамлакатларнинг тараққиёти, халқаро майдондаги вазият ва имкониятлар билан ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасида яшовчи турли миллат вакилларини республика ижтимоий, маънавий маърифий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш миллий-маданий марказлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Шунингдек, хорижий мамлакатлардаги турдош ташкилотлар ҳамда тарихий ватанлари билан дўстлик, ҳамкорлик, маданий-маърифий алоқалар ўрнатиш ва ҳамдўстлик алоқаларини ривожлантириш, Республика байналмилал маданият маркази, манфаатдор вазирликлар, идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ижодий уюшмалар билан ҳамкорликда мамлакатимизда фуқаролар ҳамжихатлиги ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш марказнинг асосий

вазифалари бўлиб ҳисобланади. Низомда белгиланган мақсад ва вазифаларга эришишда марказлар куйидаги фаолият турларини амалга оширади: мусика ва театр студияларини, она тили, тарих, ёзув, адабиёт, халқ оғзаки ижоди, театр ва рассомчилик санъати, миллий урф-одатлар ва ҳунармандчилик, миллий спорт ва ўйинлар турларини ўрганиш бўйича ўқув гуруҳлари ва якшанба мактабларини амалдаги қонунчиликка мувофиқ тузади; миллий маданият, миллий тил; миллий санъат турлари ва миллий урф-одатларни ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадларида семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари, фестиваллар ва учрашувларни; хор ва бадийий жамоаларни ташкил этади. Миллий-маданий марказлар фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январ қарори билан ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази мувофиқлаштиради¹.

Миллатлараро тотувлик - умумбашарий қадрият. Ер юзидаги 1600 дан ортиқ миллатдан бор-йўғи 200 га яқини ўз давлатчилигига эга, холос. Бундай шароитда бутун дунёда миллатлараро тотувликни таъминлаш учун уларнинг манфаатлари, руҳияти, интилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий-ижтимоий ҳаётда буни доимо эътиборга олиш зарур.

Жаҳон тажрибаси миллатлараро тотувликни таъминлашга бир ёклама, юзаки ёндашув жиддий муаммолар келтириб чиқаришини кўрсатди. Хусусан, давлатга ўз номини берган (титул) миллат билан ўша жойда яшайдиган бошқа миллат ва элат вакиллари орасидаги муносабатлар жиддий эътиборни талаб қилади. Акс ҳолда, жамият ҳаётидаги тинчлик ва барқарорлик издан чиқиши мумкин. Бу масала бизнинг мамлакатимиз учун ҳам жуда муҳим. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келган. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади. Миллатлараро муносабатларда уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўп миллатлилик жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали таъсир этади. Мамлакатимиз Конституциясида, «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади»,– деб таъкидланиши, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда эса барча фуқароларга ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкый мавқеи, ирқийва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқининг берилиши белгилаб қўйилганлиги ана шу бағрикенгликнинг замонавий сиёсий-ҳуқуқий ифодасидир.

«Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади». Конституциямизда белгилаб қўйилган ушбу қоида ҳам ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Республикамизда миллий-маданий эҳтиёжларни қондиришнинг муҳим механизмига айланган 120 га яқин миллий-маданий марказ фаолият кўрсатаётгани фикримизнинг далилидир. Бундан буён ҳам қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда яшаб келаётган миллатларни ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш миллий истиқлол мафқурасининг асосий мақсадларидан биридир.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-том. - Т.: 2000.

Жамиятда миллатлараро тотувлик барқарор бўлишини таъминлаш йўлидаги амалий ишлар маънавий-руҳий жараёнларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ушбу жараёнга хос хусусиятларга тўхталишдан олдин методологик аҳамиятга эга бир масалага диққатни қаратиш лозим. Маълумки, оммавий ахборот воситаларида ҳам, илмий адабиётларда ҳам бошқа мамлакатларда яшовчи турли миллат ва элат вакилларининг ўз миллий давлатларига бўлган муносабатларини ифодалаш учун аксарият ҳолларда «этник ватан» ёки «тарихий ватан» тушунчалари ишлатиб келинмоқда. Бу тушунчаларнинг тўғрилигини инкор этмаган ҳолда, уларни ўринсиз қўллаш ҳоллари ҳам мавжудлигини таъкидлаш зарур. Масалан, юртимизда истиқомат қилувчи тожиклар учун Тожикистон, қирғизлар учун Қирғизистон, козоқлар учун Қозоғистон, туркманлар учун Туркманистон ҳеч қачон этник ёки тарихий Ватан бўла олмайди. Бизнингча, «этник ватан» ва «тарихий Ватан» тушунчалари деярли бир хил мазмунга эга бўлиб, халқнинг тарихан этник бирлик сифатида шаклланган худудини англатади. Номлари зикр қилинган миллатларнинг бир қисми эса тарихан ҳозирги Ўзбекистон худудида яшаб келган ва бугунги кунда қўшни давлатларга ном бериб сиёсий жиҳатдан уюшган қисми билан боғлиқ ҳолда ягона этнос сифатида ривож топган. Демак, улар тарихан шу худудда яшаб, этноснинг бир қисми сифатида шаклланганлар. Шундай экан, юқоридагига ўхшаш каби ҳолатларни ифодалаш учун «этносиёсий ватан» тушунчасини ишлатиш ўринлидир. Зеро, диаспора вакилларининг у ёки бу мамлакатга бўлган кизиқиш ва интилишлари ушбу худудда этноснинг катта ёки асосий қисми яшаётгани билан эмас, балки уларнинг муайян давлат бирлигига уюшгани билан белгиланади. Кишиларнинг этник (тарихий) Ватанига интилишлари ҳам аксарият ҳолларда айнан миллий давлатчиликнинг мавжудлиги ва шундан келиб чиқадиган имкониятларнинг кенглиги билан боғлиқ бўлади.

Мамлакатимизга татбиқан олинганда эса, этник(тарихий) Ватани қаерда бўлишидан қатъи назар, фуқароларимизда «Ўзбекистон – ягона Ватан» деган туйғу қарор топганини бугунги кунда кечаётган маънавий-руҳий жараёнларнинг асосий хусусияти сифатида қайд этиш лозим.

3. Диний бағрикенглик, виждон эркинлиги ва диний кадрларнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни

Диний бағрикенглик бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очик мулоқот ҳамда ҳурфикр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради. Ўзбекистоннинг жўғрофий жиҳатдан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий ҳамкорлик қилиб келгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган ва ўзига хос турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилган. Миллати ва диний қарашларидан қатъий назар, инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни кадрлаш, катталарга ҳурмат ва бошқаларни иззат қилиш каби туйғулар халқимизнинг нафақат маънавий-маърифий, балки диний бағрикенглигининг маънавий асосини ташкил қилади.

Бугун ҳам Ўзбекистон диний бағрикенглик ва динлараро мулоқот борасида бутун дунёга намуна бўлмоқда. Бу ҳақда Москва ва Бутун рус Патриархи Алексей II, АҚШ

сенатори Хиллари Клинтон, АҚШнинг собиқ давлат котиби Мадлен Олбрайт ва Иордания Қироллиги Шаҳзодаси Ҳасан бен Талол юртимизга зиёратлари вақтида таъкидлаб ўтишган. Турли динларнинг ёнма-ён яшаши, фуқароларда диний бағрикенглик ҳис-туйғуларининг шаклланиши муҳимлигини аجدодларимиз яхши англаганлар. Ўзбекистон ҳудудида исломгача зардуштийлик билан бирга буддавийлик, христианлик, яхудолик, монийлик, оташпарастлик, сеҳргарлик, ҳаворийлик каби динларга эътиқод қилувчилар муросаю мадора билан яшаб келганлар. Марказий Осиё минтақасида диний эътиқод эгаларининг тўқнашуви, уруши бўлмагани тасодифий эмас. Ислом динига эътиқод мустақамланган шароитларда ҳам тараққийпарвар уламолар, сиёсатчилар, давлат арбоблари диний заминда жанжаллар чиқишига йўл қўймаганлар. Қуръони Карим “Бақара” сурасининг 276-оятдаги “динда зўрлик йўқ” деган қоида улар учун дастуруламал бўлган. Чор Россияси ҳукумати XVI аср охиридан қадимий удумчиларни қувғин қилганда, уларнинг кўпи Ўзбекистонга қочиб келиб яшаган. XIX асрнинг 40 йилларида меннонитлар – немислар чоризм таъқибидан қочиб, Хивага жойлашганлар. Марказий Осиёда диний бағрикенглик руҳида тарбияланган бобоколонимиз Амир Темур барча мамлакатларда диний бағрикенгликни тарғиб қилиб қолмасдан, балки уни амалда намоён бўлиш ишига бош-қош бўлган.

Бобур ва Бобурийлар ҳам Ҳиндистонда виждон эркинлигини амалда намоён қилдилар ва шу сиёсатни юргиздилар. Диний эътиқод туфайли фуқаролар ўртасида жанжаллар чиқиши мумкин эмаслиги, бу барча динларнинг муқаддас китоблари мазмун-моҳиятидан келиб чиқишини мафқуранинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиладилар.

XVIII асрда француз маърифатпарварлари виждон эркинлиги тушунчасига фалсафий маъно бериб, уни фуқаролар эркинлигининг таркибий қисми эканини исботладилар. Шундан сўнг, бу ғоя Ғарбий Оврўпа мамлакатларига ёйилиб, аста-секин давлатлар Конституцияларида ўз ўрнига эга бўлди, демократик давлатлар динга муносабатининг ҳуқуқий соҳасига айланди. Демак, виждон эркинлиги аслида инсон ҳуқуқларини ва эркинлигининг таркибий қисми сифатида алоҳида аҳамиятга моликдир. У ҳар бир жамиятда яшайдиган турли миллат, элат ва эътиқод эгаларининг ҳамнафас бўлиб яшаши учун ҳуқуқий кафолатдир. Виждон эркинлиги дунёқараш билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўладиган турли йўналишдаги имон-эътиқод эгалари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида виждон эркинлигига доир моддалар ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини ҳар бир фуқаро, айниқса, бошқарув тизимида ишлаётган барча кишилар ҳамда руҳонийлар билиб олишлари, унга қатъий амал қилишлари ижтимоий заруратдир.

Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” дейилган. Демак, фуқаролар ўз виждони амр қилган хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликлари мумкин. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунга биноан, ҳозир Ўзбекистонда 16 та диний конфессия, жумладан ислом, христиан, яҳудийлик ва бошқа динлар вакиллари ахил-иноқ, тинч-тотув яшаб, ўзларининг диний эътиқод амалларини эркин

адо этиб келмоқдалар. Республикада 2250 дан ортиқ диний ташкилот, шу жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, рус православ черкови, Тошкент ва Ўрта Осиё, Евангелъ христиан баптистлар черковлари иттифоқи, Рим католик черкови, тўлиқ инжил христианлар маркази, Ўзбекистон библия жамияти, 2000 га яқин масжид, 163 та христиан черкови, 7 та яхудийлар жамоаси, 7 та бахойлар жамоаси, 2 та кришнани англаш жамияти ва 13 диний ўқув юрти, (1 та ислом маъхад, 10 мадраса ва 1 проваслав ва 1 та тўлиқ инжил христиан семинарияси) давлат рўйхатидан ўтган.

Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти давомида барча соҳаларда эришган ютуқларини бутун дунёга намоён қила олмоқда. Буни дунё ҳамжамяти вакилларининг эътирофидан ҳам билса бўлади.

Ўзбекистонни халқаро ҳамжамят томонидан эътироф этилиши 2007 йилда Ислом Конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассаси (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрини ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишида айниқса яққолроқ намоён бўлди.

Шу муносабат билан 2007 йил 14-15 августда Ўзбекистонда ўтказилган халқаро анжуманда иштирок этган хорижлик меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар борасида муҳим фикрларни билдирганлар. Жумладан, Тунисдаги Зайтуна университети ректори Салим Бувахий фикрига кўра “Ўзбек заминиде етишиб чиққан уламолар ислом маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшганини бутун ислом олами эътироф этади. Имом ал-Бухорий, Абу Лайс Самарқандий, Имом ат-Термизий каби кўплаб буюк мутафаккирларнинг бой меросидан бутун дунё аҳли асрлар оша баҳраманд бўлиб келмоқда”.

Покистоннинг Исломобод араб тилидаги кўлёмалар маркази директори Аҳмад Хон Ўзбекистонга нисбатан шундай илиқ сўзларни изҳор этади: “Истиклол йилларида мамлакатингиз раҳбари томонидан аждоқларингиз қолдирган илимий-маънавий, ноёб ва бой меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ҳамда келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳавас қилса арзийди. Тошкент конференциясида Имом ал-Бухорий ижоди ва фаолияти, у қолдирган бой меросни Покистонда ўрганиш ва тарғиб қилишга оид мавзудаги маъруза билан иштирок этиш ниятидаман”.

Бирлашган Араб Амирликлари апелляция суди судьяси Ҳасан Абдулғаффор ал-Ҳомидий илқ таассуротларини шундай баён қилди: “ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши халқаро миқёсдаги жуда катта адолатли иш бўлди. Зеро, пойтахтингизнинг, бутун Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Бу муқаддас заминда ислом маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган кўплаб буюк сиймолар етишиб чиққан. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурҳонуддин Марғиноний, Абу Райҳон Беруний каби улуғ мутафаккирлар қолдирган бебаҳо мерос асрлар оша инсоният тафаккурининг ривожига хизмат қилиб келмоқда. Ўзбекистон қадимий ёдгорликлар, муқаддас зиёратгоҳлар ва тарихий обидаларга жуда бойлиги билан ҳам дунёга машҳур”.

Қувайт халқаро хайрия жамғармаси ва Осиё мусулмонлари қўмитаси ижрочи директори Абдурахмон Авозий қуйидаги фикрларни билдиради: “Ўзбекистонга илқ бор келган бўлсам-да, мамлакатингиз тарихи ва маданиятига оид кўплаб китобларни ўқиганман. Юртингизда дин, маданият, илм-фан ва таълим каби кўплаб соҳалар

истиқлол йилларида изчил равақ топаётганидан бохабарман. ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши биз, кувайтликларни ҳам ниҳоятда қувонтирди. Бош кентингиз бундай шарафли унвонга муносибдир.

Тошкент конференциясига ташриф буюрганганимиздан асосий мақсад дунёнинг кўплаб мамлакатларидан бу анжуманга келадиган исломшунос олимлар билан яқиндан танишиш, улар билан дўстона алоқаларни йўлга қўйишдан иборат. Ислом дини тинчлик, езулик, саломатлик, ўзаро меҳр-оқибат динидир. Шу боис мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида диний бағрикенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Кувайтда Ўзбекистон маданиятига ва тарихига қизиқиш жуда катта. Кувайтликлар ўзбек заминида туғилиб ўсган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурхонуддин Марғинович каби буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодини, асарларини катта қизиқиш билан ўрганадилар.

“Ал-Аламия” газетаси бош муҳаррири Салоҳ Ғадр Сажид Султон фикрига кўра “Ўзбекистонга жорий йилнинг июн ойидаги ташрифим чоғида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби гўзал шаҳарлардаги кўплаб меъморий обидаларни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлган эдим. Юртингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида аждодларингизнинг бой меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва асраб-авайлаш, таълим, фан ва маданият каби соҳаларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўз самараларини бераётгани таҳсинга лойиқ.

Ўзбекистондан, айниқса, таълим соҳасида ўрнатилган арзиғулик жиҳатлар жуда кўп. Юртингизга аввалги ташрифим чоғида Ҳазрати Усмон (р.а.)дан ёдгор – Куръони Каримнинг ноёб қўлёзма нусхаси – “Усмон Мусхафи”ни зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлган эдим. Шунини таъкидламоқчиманки, “Ал-Аламия” газетасида Ўзбекистон ҳақида кўплаб мақолалар чоп этганман ва бундан кейин ҳам ушбу гўзал диёрдан олган таассуротларимни араб аҳлига матбуот орқали етказишини ўз бурчим, деб биламан. Гўзал Тошкент азалдан ислом маданияти пойтахти бўлиб келган ва доим шундай бўлиб қолишига аминман”.

Япониянинг Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари институти ижрочи директори Тетсужи Танака: “Шундай йирик халқаро анжуманда иштирок этиш менга катта мамнуният бағишлайди. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида қадимий обида ва меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, тиклаш ва таъмирлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли хайрли ишлар таҳсинга лойиқдир. Икки ой аввал юртингизга келганимда “Ҳазрати Имом” мажмуини зиёрат қилган эдим. Қисқа фурсат ичида янгидан бунёд этилган ушбу мажмуа менда ниҳоятда катта таассурот қолдирди. ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши мамлакатингизда истиқлол йилларида миллий-маданий кадрларни тиклаш борасида қилинган бетимсол ишларнинг, ислом маданияти ривожига аждодларингиз қўшган улкан ҳиссанинг халқаро эътирофидир.

Токио жамғармасининг катта тадқиқотчиси, Яқин Шарқ ва ислом масалалари бўйича мутахассис Ёшиаки Сасаки: “Ўзбекистон жаҳон илм-фани ва ислом маданияти

тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурҳонуддин Марғиноний, Маҳмуд аз-Замахшарий каби буюк сиймолари, қадимий меъморий ёдгорликлари, тарихий обидалари билан дунёга машхур. Японияда ислом динига эътиқод қилувчилар Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларни катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганадилар.

Япония Марказий Осиё давлатлари, айниқса, Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Келгусида ўзаро алоқаларимиз барча соҳада янада раванқ топишига ишонаман’.

Ўзбекистон мустақиллик даврида жамият ҳаётининг барча соҳаларида эришган ютуқларнинг хорижлик мутахассислар томонидан эътирофига доир мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин бунинг учун битта китоб саҳифаси етарли эмас.

Мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб юртимизда динлараро тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, диний бағрикенглик фуқаролар тотувлигининг муҳим омилларидан бирига айланди. Мустақиллик йилларида дин мавзuida қатор симпозиумлар, чунончи, муҳим саналар, бутун дунёга машхур мутафаккир алломаларимизнинг юбилейларига бағишланган тадбирлар ўтказилди.

Ислом динининг бой меросини чуқур ўрганиш мақсадида 1995 йил Тошкентда Ислом тадқиқотлари халқаро маркази ташкил этилди. 1999 йил апрелида Президент Ислом Каримовнинг “Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. 2007 йилда таълим, фан ва маданият соҳасидаги халқаро Айсеско ташкилоти томонидан Тошкент шаҳри Ислом маданияти пойтахти, деган юксак номга сазовор бўлди. Тошкент шаҳридаги Хазрати имом мажмуаси, Тошкент ислом университетида қисқа вақт давомида амалга оширилганишлар яна бир карра ўзбек халқининг бунёдкорлик салоҳиятини бутун дунёга намоён этди.

Маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллар, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир. Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маънавиятимиз ва турмуш тарзимиз, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатларни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамызда Қуръон (уч марта), Қадимги Аҳднинг 16 китоби ва Янги Аҳд тўлалигича ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилди.

2004 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Республика Кўрлар жамияти билан ҳамкорликда тайёрланган Брайл ёзувидаги Қуръони карим китоби тақдимот маросими ўтказилди. Ўзбекистон мазкур хайрли амалиётни амалга оширган жаҳоннинг учинчи мамлакати бўлди. Бугунги кунда мамлакатимизда 24 мингга яқин кўзи ожизлар истиқомат қилмоқда. Эндиликда махсус мактаб-интернатлар, кутубхоналар ҳамда барча истак билдирганлар мазкур Қуръондан фойдаланишлари мумкин.

Виждон эркинлиги – фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқидир. Виждон эркинлиги ҳуқуқи БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1981 йил 25 ноябрда қабул қилинган 36-55-сон Резолюциясида белгиланган инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддасида: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”, деб қайд этилган.

Виждон эркинлиги демократиянинг ажралмас таркибий қисмидир; у фуқароларнинг динга муносабатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлиги, барча диний конфессияларнинг қонун олдида тенглиги, динга эътиқод қилиш ёки қилмасликка нисбатан ҳеч қандай мажбурият йўқлиги, диний идора ишларига давлатнинг аралашмаслиги, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланиш мумкин эмаслигини ифода этади. Виждон эркинлиги диндорларнинг диний ҳис-туйғуларини ҳақоратламаган ҳолда диний мутаассиблик, жаҳолатпарастлик, даъват ва низога, экстремизмга, қонуний давлатга қарши диний партия, жамоа, уюшма, ҳаракат ва жамғармалар тузилишига қарши ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш эркинлигини ҳам кафолатлайди. Мазкур қонуннинг 1- ва 4-моддалари фуқаролар ўзларининг динга бўлган муносабатини эркин белгилаш, маросим ва удумларни бажариш ҳамда қонун олдида барчанинг динга бўлган муносабатларидан қатъи назар тенглигига кафолат беради. Ўзбекистонда дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилган, шунингдек, куч ишлатишни тарғибот қилиш, миллатлар ва диний ташкилотлар орасига низо солиш учун диндан фойдаланиш ва конституциявий тузум асосларига қаратилган ҳаракатлар ман этилади. Расмий (қонуний) мақомга эга диний ташкилотларнинг динни тарғиб этишда ОАВ ва матбуотдан фойдаланиш эркинлиги ҳам қонун доирасида кафолатланади. Масалан, Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси ўз газета ва журналларига, нашриёт ва кутубхонасига эга бўлиб, уларни тарқатишда алоқа муассасаларидан бемалол фойдаланмоқда. Ҳозирги даврда мамлакатимизда 16 та диний конфессия – уюшма мавжуд бўлиб, буларнинг энг йириклари ислом, православ ва яҳудийликдир. Улар ихтиёрида масжидлар, мадрасалар, синагогалар, черковлар, журнал ва газеталар бор.

Бугун Ўзбекистон мусулмонлариданминглаб фуқаролар ҳаж зиёратига, умра сафарига бемалол бориб келмоқдалар. Барча фуқаролар учун Виждон эркинлиги талаблари ва тамойилларини амалга ошириш имкони тўла таъминланиб, у жамиятимиз маънавий ҳаётининг таркибий қисмига айланган. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар масаласи ижтимоий ҳаётда муҳим ва мураккаб масала бўлиб, унинг замирида шахснинг ҳуқуқи, демократия, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчалар туради. И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Сўзда эмас, амалда ҳар бир кишининг виждон эркинлигини, эътиқод эркинлигини таъминлашимиз керак. Биз одамларнинг маънавий тарбиясини ўйлаб, тинчлик ва хайрли ишларни кўзлаб ҳаракат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб-қувватлаймиз, улар билан ҳамкорлик қиламиз”¹. БМТ Низомидан тортиб, барча халқаро ҳужжат ва шартномаларда, ҳамма мамлакатларнинг Конституцияси ва

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 79-б.

қонунларида виждон эркинлиги масаласи ўз ифодасини топган. Ўзбекистон давлатининг дин соҳасидаги сиёсати ана шу декларациянинг асосий тамойилларига мос тушади. Дунёвий давлатимизнинг дин соҳасидаги сиёсати турли дунёқараш, эътиқодда бўлган кишилар ўртасидаги, давлат билан дин, диний ташкилотлар билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг амалда ҳуқуқий таъминланишини назарда тутади. Давлат қонунларида диний эътиқод ҳар кимнинг хусусий иши деб белгиланган. Айни вақтда “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди” (61-модда). Асосий қонуниimiz Ўзбекистон фуқаросини миллати, ирқи, жинси ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли деб билади, шунингдек, ўз эътиқодини эркин намоён этиш, ибодат қилиш, урф-одатлар ва миллий анъаналарини давом эттириш ва уларни ҳурмат қилишни кафолатлайди. Конституцияда белгиланган ушбу қоидалар 1998 йилда ЎзР Олий Мажлисининг 11-сессиясида қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрир) Қонунда янада кенгрок ифодасини топди. Ушбу қонуний ҳужжатларда белгиланган қоидалар дунёвий демократик давлатнинг динга муносабатини акс эттиради. Зеро, Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилгандан кейин барпо этилган миллий давлатбу – дунёвий характердаги давлатдир.

Диний қадриятларни ҳурматлаш. Ер қуррасида энг кўп тарқалган, жаҳон халқларининг асосий қисми эътиқод қилувчи ва жаҳон динлари деб тан олинган динлар: буддавийлик христианлик ва ислом динидир. Дин инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган баъзи мураккаб ижтимоий, маънавий, руҳий вазифаларни ҳам бажаради. Хусусан, у аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилишга хизмат қилади. Айни пайтда, ҳар бир дин турли урф-одат, маросим ва байрамлар ёрдамида ўз қавми турмушини тартибга солиш, назорат қилишга ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга, динда қабул қилинган урф-одатларнинг унга эътиқод қилувчилар томонидан ўз вақтида амал қилиб борилиши ҳам шарт қилиб қўйилишини таъкидлаш зарур. Диний бағрикенглик (толерантлик) – хилма-хил диний эътиқодида бўлган кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши, кишилик жамияти равнақи йўлида хизмат қилишини аниглади. Ҳозирда бу ғоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ҳамкорлигини назарда тутади. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан куришнинг муҳим шартидир.

Қадимдан диёримизда буддавийлик зардуштийлик насронийлик, яҳудийлик, ислом динлари ёнма-ён яшаб келган, маданият марказлари ҳисобланган шаҳарларимизда масжид, черков, синагогалар фаолият кўрсатган. Уларда турли миллат, элат ва динга мансуб халқлар, қавмлар ўз диний амалларини эмин-эркин адо этган. Ватанимиз тарихининг энг мураккаб, зиддиятли, оғир даврларида ҳам юртимиздаги мавжуд дин вакиллари орасида диний асосда можаролар бўлган эмас. Бу юртимиз халқларининг диний бағрикенглик борасида катта тажрибага эга бўлганидан далолат беради.

Ҳозирда мамлакатимизда ўн олти конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Уларга ўз диний маросимларини ўтказиш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиш учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳуқуқий

асослар Ўзбекистон Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда мустақамлаб кўйилган.

Маълумки, дунёдаги динлар асл моҳиятига кўра, эзгулик ғоясига асосланади ва тинчлик яхшилик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни халоллик, поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Инсон ҳаётининг асл мақсади инсон ва табиатга нисбатан одилона, оқилона муносабатда бўлиш, доимо яхши, савобли ишларни амалга оширишдан иборатлигини таъкидлайди. Шундай экан, ҳақиқий диний қарашлар ортида диний бағрикенглик ётади.

Бугунги глобаллашув тенденциялари турли соҳаларда тобора авж олаётган, натижада у ёки бу ҳудудда етакчи мавқега эга бўлиш учун гоҳ яширин ва гоҳ очикчасига мафкуравий, айрим ҳудудларда геосиёсий, геостратегик манфаатлар ўзаро тўқнашаётган, бир-бирлари билан зиддиятга киришаётган даврда диний ғоялардан фойдаланиш ҳам баъзи сиёсий «ўйинчи»лар учун асосий омиллардан бири деб қаралмоқда. Айниқса, айрим минтақаларда ислом динидан фойдаланишга уриниш кенг авж олмоқда.

Бугун мустақилликка эришган Марказий Осиё давлатлари демократок жамият қуриш йўлидан жадал одимлаб боришмоқда. Бироқ буни истамаётган хорижий сиёсий кучлар халқлар ўртасига нифок солиш, турли экстремистик, бузғунчи ғояларни байроқ қилиб олиб минтақавий бирлик ва ҳамжихатликка путур етказишга, ислом динига азалий хос бўлган бағрикенглик, ҳамжихатлик, эзгулик каби қадриятларга зид хатти-ҳаракатларни амалга оширишга интилоқдалар. Бу ижтимоий тараққиёт ва демократлаштириш жараёнларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Диний бағрикенглик, яъни нафақат бошқа диний конфессия вакилларига нисбатан сабр-бардошли бўлиш, балки диний эътиқод эркинлигига ҳуқуқий жиҳатдан эга ўз ватандошларига нисбатан ҳам бағрикенг, сабр-каноатли бўлиш демократок жамиятнинг асосий тамойилларидан биридир. Демократок давлат айнан шундай тамойилга таянади, диний эътиқод эркинлигини кафолатлайди. Диний ва миллий бағрикенглик демократок давлат ва жамиятнинг муҳим талаби эканининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бағрикенглик фуқароларо тотувликни таъминлайди, жамиятда табиий равишда учрайдиган ижтимоий фарқларнинг кескинлашуви, ижтимоий низоларнинг юзага келишига йўл қўймайди. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов шу муносабат билан миллий ғоямиз салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш зарурлигини таъкидлар экан: «Миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатларо тотувлик, динларо бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат»¹, — деб ёзади.

Диний бағрикенглик демократик давлат қуриш учун, демократик ижтимоий муҳитни шакллантириш учун ҳам ниҳоятда зарур. Диний бағрикенглик мазмун-моҳиятининг ўзи фуқаролар ўртасида ўзаро тенглик, ҳамкорлик ва ҳамжихатлик муносабатлари бўлишини тақозо этади. Буни «диний бағрикенглик» атамасига

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. Б.75.

берилган таърифдан ҳам билса бўлади. «Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати»да «диний бағрикенглик»ка қўйидагича таъриф берилган: «хилма-хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшаши, кишилик жамияти равнақи йўлида хизмат қилишини англатади»¹. Ҳозирда бу ғоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ҳамкорлигини назарда тутди. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир, деб баҳо берилади.

Бағрикенглик дин учун, диний эътиқод эркинлиги учун табиатан хос хусусият. Мамлакатимизда демократизм тамойили айнан шу парадигмага асосланади. Бунга биноан, ислом диний эътиқоди табиатан ва тарихан эркин эътиқод. Ушбу ҳолат ислом динининг муқаддас манбаи – Қуръони каримда ғоявий жиҳатдан мустаҳкамланган. Хусусан, «Юнус» сурасининг 99-оятда шундай дейилган: «Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер (юзи)даги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми?!»² Ушбу оят ислом динининг асл моҳияти толерантлик яъни диний бағрикенгликка асосланиши, эътиқод эркинлиги исломда устувор эканини исботлайди. Исломига мажбуран, жазо йўли билан киритиш катъиян ман қилинади. Бунга «Наҳл» сурасининг 125-оят ҳам асос бўлади: («Эй, Мухаммад!) Раббингизнинг йўли(дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват этинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!»⁴

Ушбу оятлар мазмуни кишини диний экстремизмнинг ислом динига батамом зид бўлган зўравонлик моҳиятини англашга, диний бағрикенглик одамохунлик, яъни инсонпарварлик томон юз тутишига олиб келади. Дин ҳақида юзаки тасаввур ва билимга эга бўлган киши эса, аксинча, жаҳолат ботқоғига ботади, манфур сиёсий мақсадларни кўзлаб содда кишиларни йўлдан урувчи «даъватчи» унсурларга алданади. «Ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши – маърифат» шиорининг асл мазмуни кишиларга, жамиятга тўғри йўл кўрсатиш, уни экстремизм йўлидаги фожиалардан қутқаришдир. Исломи дини шундай бағрикенгликни тарғиб қиладики, унга кўра инсон бирон бир жонзотга зарар етказмаслиги даркор. Бу ғояни Қуръони каримнинг «Моид» сурасида учратамиз. Ушбу суранинг 32-оятда: «Бирор жонни ўлдирмаган ва ёки Ерда (бузғунчилик ва қарокчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт бахш этган (ўлимдан қутқариб қолган) одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир»³, дейилган.

Бир сўз билан ифодалаганда, диний маърифат ва бағрикенгликни ривожлантириш демократик, очик жамиятни шакллантириш учун ғоявий асос бўлади, ҳеч қандай экстремизм ва терроризмга ўрин қолдирмайди. Чунки бундай шароитда диний экстремизм ва терроризм учун маънавий асос, база йўқолади, жамиятда соғлом маънавий-ғоявий муҳит қарор топади. Бу борада мамлакатимизда қабул қилинган

¹ Қаранг: Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: Академия, 2007. Б. 136.

² Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2006. Б. 220.

³ Қаранг: Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2006.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг катта аҳамияти бор.

Турли конфессияларнинг тенг ҳуқуқлиги. Ўзбекистон кўпконфессияли мамлакат ҳисобланади. 130 дан ортиқ миллатга мансуб 31 миллиондан зиёд аҳоли 16 та диний конфессияга эътиқод қилади. Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб, республикада эътиқод эркинлиги қонун ан қафолатланди, диний анъана ва қадриятлар ривожланиши учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратила бошланди. Бугунги кунга келиб, юртимизда 2200 дан зиёд диний ташкилот расман фаолият юритади. Йилдан-йилга аҳоли, жумладан, ёшлар ўртасида миллий ўзликни англаш, миллий-диний қадриятларга ҳурмат, маънавий камолотга интилиш ҳисси мунтазам ўсиб бормоқда. Одатда, жамиятда тинчлик-осойишталик барқарор ва изчил тараққиётни таъминлашда турли динларга мансуб аҳоли ўртасидаги тотувлик, ҳамжиҳатлик муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик динлараро ва миллатлараро тотувлик буйича дунёдаги 230 га яқин мамлакат ичида етакчи ўринда туради, десак ҳеч муболаға бўлмайди. Шундай экан, «юртимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида тотувликни, фуқаролараро аҳилликни кўз қорачиқдай асраш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшаш, жамиятимизда меҳр-оқибат, саҳоват ва бағрикенглик муҳитини янада кучайтириш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши зарур»¹.

Мамлакатимизда диний бағрикенглик конфессиялараро дўстликни, фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар қонунолдида тенглигини таъминлаш, улар ўртасида низо ёки келишмовчилик келиб чиқишининг олдини олиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳаётнинг ўзи бизга турли миллат, эътиқод ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ҳукм сурган шароитдагина умумий хонадонимиз, умумий келажагимиз ва фарзандларимиз келажагини қуриш мумкинлигини кўрсатиб турибди»². Ўзбекистон Республикаси Конституцияси **31-моддасига** биноан, ҳамма учун виждон, имон-эътиқод эркинлиги қафолатланади, шу билан бирга, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўйилмайди. Конституциямизнинг **20-моддасида** шундай дейилади: «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмаслиги шарт»³. Яъни, ҳар бир фуқаро унга берилган ҳуқуқ ва эркинликлар, жумладан, эътиқод эркинлигидан фойдаланишда мамлакат тинчлиги, динлараро тотувликка, миллатлараро аҳилликка зарар келтирмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Конституцион Қонунининг **4-моддасида** айтилишича, барча фуқаролар динга муносабатидан қатъи назар қонунолдида тенг бўлиб, бирор шахс диний эътиқодини рўқач қилган ҳолда қонундан четга чиқиши мумкин эмас. Ушбу Қонуннинг 5-моддасига кўра: «Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди. Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга

¹ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Т.: Ўзбекистон, 2008. Б. 60-61.

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. Б. 206.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009. Б. 6.

этикод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил этикодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди». Кўриниб турибдики, агар ҳар бир Ўзбекистонлик мазкур ҳуқуқий асосларга тўлиқ амал қилса, бошқаларни ҳам шунга чақирса, диёримиздаги тинчлик-осойишталик мустаҳкамланаверади, барқарор ривожланиш бир маромда давом этаверади.

Бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек, тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро ҳамжихатлик шароитида яшаб, Ватанимизни янада раванқ топтириш йўлида меҳнат қилиб келишмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олишлари, кизиқиш ва лаёқатлари бўйича касб-хунар эгаллашлари, маданиятлари, анъана ҳамда кадриятларини сақлаш, ривожлантиришлари учун барча зарурий шарт-шароитлар яратиб берилган. Бундай эътибор натижасида кўп миллатли халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси қайта тикланди, кадр топди. Шунингдек, асосий Қонунимизда ҳам бошқа миллат вакиллариининг ҳақ-ҳуқуқлари қафолатланган, жумладан: “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади” (4-модда). Мустақил ва мустаҳкам, аҳолининг турли қатламлари томонидан қўллаб-қувватланадиган фуқаролик институтларини шакллантириш, ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларга ечим топишда уларнинг ролини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини кучайтиришда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишини қўллаб-қувватлашга кўмаклашишга оид чора-тадбирларга доир қарори муҳим пойдевор бўлди. Унда жамиятни демократлаштириш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, ННТ ривожланишини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг фаолият доирасини кенгайтириш жараёнларини чуқурлаштириш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди. Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши ва раванқ топиши, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан ўрин эгаллаши, кўп миллатли халқимиз фаровонлигини оширишнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлмиш фуқаролик институтларини шакллантириш ва ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш, ҳеч муболагасиз, мамлакатимизни демократлаштириш, унинг жаҳонҳамжамиятига интеграциялашуви, жамиятимизда миллатлар ва динларароҳамжихатлик, барқарорликни таъминлаш бўйича олдимизга қўйилган мақсадларни рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Миллатнинг хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
2. Ватанпарварлик хислати, уни шакллантириш омиллари.
3. Миллатчиликнинг намоён бўлиш шакллари.

4. Миллатлараро тотувлик кадриятлари.
5. Диний бағрикенгликнинг моҳияти.

Тест саволлари:

1. «Ижтимоий фикр» - ...

- A. жамоатчилик фикрини ўрганувчи нодавлат ташкилот
- B. жамоатчилик фикрини ўрганувчи давлат ташкилоти
- C. ҳокимият фикрини ўрганувчи нодавлат ташкилот
- D. ҳокимият фикрини ўрганувчи давлат ташкилоти

2. Тил, маънавият, миллий ўзликни ангаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва кадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи иқтисодий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлиги ...ни англатади. Тушунчани аниқланг.

- A. миллат
- B. давлат
- C. халқ
- D. эътиқод

3. ...ларнинг сони уларнинг буюклиги ёки гегемонлиги учун асос бўла олмайди. Зеро, барча ...лар тенг, озод ва эркиндир. Аммо тамаддун тараққиётига ҳисса қўшишга қодир баркамол фарзандлари қўп ...ларгина табиий танланиш асосида етакчига айланишлари мумкин. Ана шу тамойил жаҳон халқлари интилишининг асосини ташкил этади. Мустақилликка эришган юртимизда бутунги кунда қўп сонли ... вакиллари яшамокда. Мамлакатимизда бу тамойилга амал қилиниши эса барча ...ларнинг равнақи, гуллаб-яшнаши учун хизмат қилмоқда. Гап нима ҳақида кетмоқда?

- A. миллат
- B. элат
- C. диаспора
- D. эътиқод

4. она-юртнинг, халқнинг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, юрт манфаатлари йўлида фидоийлик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилат. Юртга, халққа бўлган ҳурмат, муҳаббат, ишонч туйғуси муайян умумий манфаатлар, мақсадлар асосида шаклланиб, кишиларнинг қалбидан чуқур ўрин оладиган, фаолиятига таъсир этадиган хусусиятдир. Нуқталар ўрнига тўғри тушунчани белгиланг.

- A. ватанпарварлик
- B. саҳоватлилик
- C. қаҳрамонлик
- D. эътиқод

5. дунё фуқаролигини даъво қилиш, шунингдек, миллий ва давлат суверенитетини рад этиш, турли миллий анъана, маданият ҳамда ватанпарварлик туйғусидан воз кечиш ғоясини илгари сурадиган қараш. қаерда яхши ҳаёт бўлса ўша ерни ватан деб билиш. Бу тамойил инсонда ватан хиссини йўқотади, ғурурни ўлдиради. Бу эса ҳар бир жамият учун ҳалокатлидир. Нуқталар ўрнидаги тўғри сўзни топинг.

- A. космополитизм
- B. ватанпарварлик
- C. қаҳрамонлик
- D. саҳоватлилик

6. Бугун юртимизда неча миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек, тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро ҳамжихатлик шароитида яшаб келмоқда?

- A. 130 дан ортиқ
- B. 120 га яқин
- C. 100
- D. Тўғри жавоб йўқ

7. Фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи – бу ...

- A. Виждон эркинлиги
- B. Диний бағрикенглик
- C. Космополитизм
- D. Ватанпарварлик

8. Мамлакатимиз Конституциясининг нечанчи моддаси Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади деган меъёрлар тасдиланган?

- A. 4-модда
- B. 5-модда
- C. 6-модда
- D. 18-модда

9. Ўзбекистон кўпконфессияли мамлакат ҳисобланади ва унинг аҳолиси ... диний конфессияга эътиқод қилади.

- A. 16 та
- B. 15 та
- C. 18 та
- D. 17 та

10. Хилма-хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшаши, кишилиқ жамияти равнақи йўлида хизмат қилиши нимани англатади?

- A. Диний бағрикенглик
- B. Виждон эркинлиги
- C. Космополитизм
- D. Ватанпарварлик

21-МАВЗУ. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Режа:

1. **Жамоатчилик назоратининг моҳияти**
2. **Жамоатчилик назорати тизими**
3. **Жамоатчилик назоратининг субъектлари**
4. **Жамоатчилик назоратининг шакллари**

Таянч сўзлар: жамоатчилик, жамоатчилик назорати, фуқаролик назорати, санкциялар.

1. Жамоатчилик назоратининг моҳияти

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Жамоатчилик назорати бўлмаган ёки жамоатчилик назорати етарли даражада кучга эга бўлмаган мамлакатда фуқаролик жамияти шаклланишини ҳам тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун мамлакатимиз Конституциясида жамоатчилик назоратининг мамлакатимиз фуқаролари давлат бошқарувида иштирок этишларининг муҳим воситаси экани эътироф этилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда эълон қилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунни қабул қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланди: “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш фурсати етди.”¹

Жамоатчилик назоратини ташкил қилиш масалаларини таҳлил қилишдан аввал “жамоатчилик назорати” тушунчасининг турдош тушунчалар билан умумий жиҳатлари ва тафовутларини аниқлаб олиш лозим. Ҳозирги кунда матбуотда ва илмий адабиётларда “жамоатчилик назорати”, “ижтимоий назорат”, “фуқаролик назорати” каби атамалар ишлатилмоқда. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, мазкур атамалар кўпинча синоним сифатида ва баъзан ноўрин қўлланилмоқда.

“Жамоатчилик назорати” ва “фуқаролик назорати” тушунчалари бири-бирига жуда яқиндай туюлади. Аслида улар ўртасида умумийликлар билан бир қаторда жиддий тафовутлар ҳам мавжуд. Улар ўртасидаги тафовутлар аввало шундан иборатки, ҳарбий юристларнинг фикрига кўра, фуқаролик назорати армия фаолияти устидан жамоат ташкилотлари олиб бораётган назоратни англатади. Масалан, бизнинг мамлакатимизда Мудофаа вазирлиги

кошида тузилган Жамоатчилик кенгаши ана шундай назоратни амалга оширади. Шу маънода фуқаролик назорати ноҳарбий ташкилотлар томонидан Қуролли кучлар фаолиятининг мамлакатимиз қонунларига мослиги ва мақсадга мувофиқлигини назорат қилишни билдиради. Иккинчидан, фуқаролик назорати алоҳида шахслар томонидан Қуролли кучлар фаолиятининг Конституцияга, халқаро шартномаларга мослиги, шунингдек, Қуролли кучлар тизимидаги ижтимоий масалаларнинг ҳуқуқий меъёрларга мослиги устидан ўтказиладиган назоратни ҳам билдиради. “Жамоатчилик назорати” ва “фуқаролик назорати” тушунчалари ўртасидаги тафовут худди мана шу ўринда кўринади. Фуқаролик назоратини ҳеч бир жамоат бирлашмасига аъзо бўлмаган фуқаро ҳам амалга ошириши мумкин. Жамоатчилик назоратини эса алоҳида фуқаролар эмас, жамоат бирлашмалари ва уларнинг вакиллари амалга оширади.

“Жамоатчилик назорати” ва “ижтимоий назорат” тушунчалари ўртасидаги тафовут аввало, шундаки, “ижтимоий назорат” тушунчаси мазмун доирасига кўра “жамоатчилик назорати” тушунчасидан кенгроқ. Бу тушунча таркибига “жамоатчилик назорати” тушунчасидан ташқари давлат назорати ва фуқаролик назорати ҳам киради. Чунки улар ҳам моҳиятан ижтимоий назоратнинг кўринишларидир.

Жамоатчилик назоратига турли-туман таърифлар берилган. Жамоатчилик назоратининг асосий хусусиятларини қамраб оладиган қуйидагича таърифдан фойдаланиш ўринлироқ бўлади: “Жамоатчилик назорати — жамоат бирлашмалари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг амалдаги қонунларга мослигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича юритадиган фаолият”.

Ҳозирча мамлакатимизда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилинмаган бўлса ҳам, шундай қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига тақдим қилинди. Муҳокама қилинаётган Қонун лойиҳасида жамоатчилик назоратининг мақсадлари қуйидагича таърифланади: “Жамоатчилик назоратининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш;
- давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлаш;
- жамият манфаатларини ҳимоя қилиш”.

Қонун лойиҳасида жамоатчилик назоратининг вазифалари қуйидагича тавсифланади: “Жамоатчилик назоратининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- давлат органлари ва жамиятнинг ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини таъминлаш;
- давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ва уларнинг таъминланиши аҳволи тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш;

– давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунга риоя қилмаслик ҳолатларини аниқлаш ва кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, уларни жамоатчилик ёрдамида бартараф этиш, жамиятда ижтимоий адолат принципини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

– фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органларининг ҳамкорлиги”.

Фуқаролик жамияти институтлари ўз ташаббуслари билан шаклланадиган ва ўзини ўзи бошқарадиган институтлар ҳисобланади. Лекин ана шу ўзини ўзи бошқарадиган институтлар ўзига ўхшаш бошқарув институтлар билан мутаносиб равишда фаолият юритишлари учун улар муайян даражада ривожланган бўлишлари керак. Шунинг учун ҳам, фуқаролик жамияти институтлари ўша муайян даражага етгунларича уларга давлатнинг мадади зарур бўлади.

2014 йилда Конституциямизга киритилган ўзгаришлар жамоатчилик назоратига конституциявий мақом берди. Конституциямизнинг 32-моддаси энди қуйидаги тахрирда баён қилинди: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.”² Фуқароларимизнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишлари давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилишининг Конституцияда мустақамлаб қўйилиши жамоатчилик назоратига мамлакатимизда қанчалик катта аҳамият берилаётганининг белгисидир.

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ тарзда ривожланиб боради. Фуқаролик жамияти ривожланиб боргани сари жамоатчилик назорати учун кенгроқ имкониятлар ва истиқболлар пайдо бўлади. Иккинчи томондан, жамоатчилик назоратининг ривожланиши фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишига олиб келади. Ривожланган ва кенг қулоч ёйган жамоатчилик назоратини фуқаролик жамиятисиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, фуқаролик жамиятининг ривожланишини ҳам жамоатчилик назоратисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Фуқаролик жамияти жамоатчилик назорати ривожланиши учун имкониятлар яратишининг сабаби шундаки, том маънодаги самарали, мустақил ва холис жамоатчилик назоратини иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эркин фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларигина амалга ошириши мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва модернизациялаш шароитида жамоатчилик назорати мазмунида ана шундай ўзгаришлар ўз ифодасини топади. Бу эса фаолият субъекти бўлган ҳар бир шахс ўз зиммасига муайян мажбуриятларни олиш

билан бирга, бошқалардан, давлат ҳокимияти органларидан уларнинг зиммасидаги мажбуриятларни, вазифаларни бажаришларини талаб қилиши мумкинлигини англатади.

Мамлакатнинг барқарор ривожланишида жамият ва шахснинг муносабатларини тартибга солувчи асосий механизмлардан бири бўлган давлат назорати муҳим рол ўйнайди. Айни пайтда, жамият, ундаги фуқаролик институтлари ва барча фуқаролар жамоатчилик назорати орқали давлат ва бошқарув субъектларининг фаолиятини мавжуд ижтимоий меъёрлар, қадриятлар, ҳуқуқий андозалар ёрдамида назорат қилади.

Жамоат ташкилотлари давлат ҳокимияти органлари билан бирга назорат ишларини олиб боришлари ва зарур ҳолларда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришлари ҳам мумкин. Бу икки вазиятбир-бирини инкор қилмайди.

Давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг зарурлигини буюк алломалар ва файласуфлар асослаб беришган. Масалан, Аристотель ўзининг асарларида халқнинг мансабдор шахслар ва ҳукмдорлар устидан назоратини давлатнинг сиёсий бақарорлиги ҳамда гуллаб-яшнашининг энг муҳим шартларидан бири деб ҳисоблаган³.

Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шахри» асарида ҳам ҳукмдорларнинг аҳоли олдида ҳисоб бериб туришлари ва уларнинг қонунларга сўзсиз буйсунишлари зарурлиги алоҳида таъкидланади.⁴

Ш.Монтескье жамият ҳукуматсиз мавжуд бўла олмаслиги, лекин мавжуд қонунлар фуқароларга ҳукумат фаолияти устидан назорат олиб бориш имконияти беришини таъкидлайди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг долзарблигини янада ошириб юборади. Президент И.А.Каримов давлат бошқаруви органлари фаолиятининг мавжуд қонунларга қай даражада мос келиши ёки келмаслигини назорат қилиш зарурлигига кўп марта эътибор қаратади.

Президентнинг демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролар жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, «Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартлигини белгилаб қўйиш зарур.»⁵

Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралиги жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун қулай шароит яратади. Худди шуни ҳисобга олиб, жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Мазкур қарорни бажариш юзасидан Самарқанд ва Бухоро вилоятларида давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича эксперимент ўтказилди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш икки йўналишда олиб борилмоқда. Биринчидан, давлат ўзининг бош бошқарув субъекти мақомини сақлаган ҳолда жамоат ташкилотлари билан алоқаларни янги асосга ўтказмоқда. Энди, давлат ўзининг муайян функцияларини жамоат ташкилотларига ўтказмоқда, бир қатор ваколатларини, ҳуқуқ ва ресурсларни уларга бермоқда. Шу йўл билан давлат жамоат ташкилотларининг ўзини ўзи бошқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Иккинчи томондан, жамият жамоат ташкилотларини ривожлантириш орқали уларнинг улкан салоҳиятларини мамлакатни бошқариш йўналишида фаоллаштирмоқда.

Президент Концепциясида белгиланган тадбирларни амалга ошириш фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назорати ёрдамида давлат органларига ҳалақит бермаган ҳолда давлат бошқаруви механизмларини такомиллаштиришга, коррупцияга қарши салоҳиятини оширишга, фуқароларга кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилашга катта ёрдам кўрсатади.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳуқуқий меъёрлар пойдевор вазифасини бажаради. Ҳуқуқий меъёрларнинг асос вазифасини бажариши жамоатчилик назоратининг ҳар бир қадами мавжуд қонунлар асосида кўйилишини тақозо этади.

Жамоатчилик назоратининг моҳият жиҳатидан ҳуқуқий назорат экани фуқаролик жамиятининг таркибий қисми бўлган ҳуқуқий давлатнинг моҳиятига тўла мос келади. Айти пайтда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ҳуқуқий давлатни яратиш йўлида амалга оширилаётган жамоатчилик назоратининг ўзи ҳам мавжуд қонуний меъёрларга асосланиши лозим.

Давлат органи ўзининг назорат функцияларини амалга оширишда жамоатчилик назорати субъектларидан келиб тушадиган ахборотдан фойдаланади, жамоатчилик назорати эса, ўзининг функцияларини кўпинча тегишли давлат органларига мурожаат қилиш орқали амалга оширади. Ана шундай ўзаро боғлиқлик мамлакатимизда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида ҳамда мазкур қонун лойиҳасини ҳаётга тадбиқ қилиш бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўтказилган эксперимент давомида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

ННТларнинг вужудга келиши объектив воқеликнинг инъикоси бўлиб, ҳатто энг ривожланган демократик мамлакатларда ҳам давлат ўзининг фуқароларига ўз органлари ва мансабдор шахсларининг суиистеъмолликлардан холи эканига тўла қафолат беролмайди.

Демократия феноменининг йирик тадқиқотчиларидан бўлган Алексис де Токвиль демократик тузумнинг моҳияти ҳукуматнинг ҳокимиятини чеклашда, деб талқин қилган эди. Инсоннинг ҳуқуқини ҳукумат эмас, биринчи навбатда, қонун, шахснинг ўзи ва жамият ҳимоя қилиши керак. Демократик жамиятда жамоат бирлашмаларининг вужудга келиши жамиятни бошқариш қонунларидан бири бўлибгина қолмай, мутлақ зарурий қонун

хамдир. Де Токвилнинг фикрига кўра, “Дунёдаги мамлакатлар орасида энг демократик мамлакат фуқаролари мақсадга етишишда ўзаро маслаҳатлашиш асосида иш кўрадиган ва мазкур жамоавий ҳаракат усулини бошқалардан кўра кўпроқ қўллайдиган мамлакатдир”⁶. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш бўйича тузилган жамоат ташкилотлари барча мамлакатларни тезкор, самарали ва кам сарф билан инсон ҳуқуқлари муаммосини ҳал қилишга кўмаклашадиган ва ҳокимият органлари суиистеъмолликларидан ҳимоя қиладиган ташкилотларга бўлган эҳтиёжни ифодалайди.

Демократик мамлакатларда тузилаётган ННТлар бир қатор умумий функцияларга эга. Фуқароларнинг талабларини ифодалаш; сўз эркинлигини таъминлаш; жамоатчиликни давлатни бошқариш ва демократик жараёнларда иштирок этишга сафарбар қилиш кабилар ана шундай функциялар жумласига киради..

XX аср охирига келиб бир қатор муаммоларни ҳал қилишда, хусусан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ННТларнинг иштирокини таъминлаш халқаро-ҳуқуқий жараённинг узвий таркибий қисмига айланди. БМТ доирасида инсон ҳуқуқларига оид асосий ҳужжатларни тайёрлашни ННТларнинг иштирокисиз тасаввур қилиш қийин.

Жамоатчилик назорати қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- у жамият ва унинг алоҳида институтларини бошқариш, жамиятнинг барча аъзолари эҳтиёжлари ва манфаатларини уйғунлаштириш шакли сифатида намоён бўлади;

- мамлакатдаги турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини уйғунлаштиришда ва бу манфаатлар ўртасида низолар келиб чиқишининг олдини олишда муҳим восита ҳисобланади.

- жамиятдаги тезкор ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларни бажаришда жамиятнинг куч-ғайратини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш вазифасини бажаради.

- жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий меъёрларнинг бажарилишини кафолатлайдиган восита ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боровчи институтлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатдаги турли ижтимоий-маданий ҳамда касбий гуруҳларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий партиялар. Сайловчилар сайлов жараёнида у ёки бу партияга овоз берар экан, ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини бавосита назорат қилади. Айни пайтда, улар овоз бермаган партияларнинг фаолиятига ишончсизлик билдирган ҳисобланади;

- меҳнаткашларнинг манфаатларини тақдим ва ҳимоя қилиш мақсадида тузилган касаба уюшмалари;

- нотижорат характерга эга бўлган жамоат ташкилотлари ва уюшмаларининг турли-туманлиги. Мазкур уюшма ва ташкилотлар давлат ҳокимияти органлари олдида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тақдим қилиш ва ҳимоя қилиш мақсадида тузилади;

- мамлакатда жамоат-давлат тузилмаларининг мавжудлиги. Бундай тузилмалар қаторига турли вазирликлар ва идоралар қошида ташкил этилган жамоатчилик кенгашлари ва уюшмаларини киритиш мумкин;

- мамлакат ҳудудида жамоатчилик ҳокимиятининг қуйи бўғини ҳисобланадиган ўзини ўзи бошқариш органларининг мавжудлиги. Ўзбекистонда ана шундай органлардан ҳисобланадиган маҳалла институтининг фаолияти аҳолини ўзининг эҳтиёж ва манфаатларини кондиритиш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюштиришга йўналтирилган бўлади;

Ижтимоий тараққиётнинг умумий қонуниятларидан бири шундаки, жамият ўсиб ва ривожланиб бориши жараёнида оддий халқ ва ҳокимият ўртасидаги бевосита алоқалар мураккаблашиб боради. Масалан, қишлоқ жойларда ҳар бир фуқаро қишлоқ оқсоқоли билан бевосита мулоқот қилиш имкониятига эга. Шаҳарларда, айниқса, катта шаҳарларда истиқомат қилувчи фуқаролар бундай имкониятга эга эмас. Бундай шаҳарларда ҳар доим воситачилар пайдо бўладики, улар бир томондан, халқнинг эҳтиёж ва кайфиятини юқори идораларга етказиб турса, иккинчи томондан, ҳокимият фаолияти тўғрисида аҳолига ахборот етказиб туради. Ана шундай воситачилар жумласига оммавий ахборот воситалари, реклама ва пиар агентликларини киритиш мумкин. Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқ ва ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатлар икки турли бўлиши мумкин:

1. Унчалик катта бўлмаган ижтимоий тизимлар учун хос бўлган бевосита ўзаро таъсир.

2. Шаҳарлар ва умуман, катта ижтимоий тизимларда ҳокимият ва аҳоли ўртасида бевосита ўзаро таъсир вужудга келади. Бунда воситачилик вазифасини оммавий ахборот воситалари, ПИАР ва реклама агентликлари кабилар бажаришади.

2. Жамоатчилик назорати тизими

Жамоатчилик назорати жуда қадим замонлардан буён мавжуд. Масалан, ибтидоий жамоада шахс хулқини жамоа назорат қилган. Агар шахс хулқ-атворида жамоа томонидан қабул қилинган меъёрлардан оғиш бўлса, жамоа аъзолари турли санкциялар ёрдамида унинг хулқини тегишли томонга ўзгартирган.

Ўзбекистонда қадимдан ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳалла назоратчилик функцияларини ҳам бажарган. Бундай функцияни маҳалла жамоаси юқоридан туширилган фармонлар, буйруқлар ва бошқа ҳуқуқий меъёрларга муносабат билдириш шаклида ифодалаган.

Жамоатчилик назорати узоқ тарихга эга бўлса ҳам, уни илмий тушунча сифатида фанга ижтимоий психологиянинг асосчиларидан бўлган Т.Тард олиб кирди. Унинг талқинида мазкур тушунча жиноятчининг хулқ-атворини меъёрий қоидалар доирасига қайтариш учун қўлланиладиган усуллар мажмуини ифодалаган. Кейинроқ, бу тушунчанинг мазмуни анча кенгайди. Бундай кенгайиш америкалик социологлар Э.Росс ва Р.Парк тадқиқотлари туфайли юз берди. Уларнинг талқинида жамоатчилик назорати индивидга

унинг хулқ-атворини ижтимоий меъёрларга мос келтириш мақсадида ўтказиладиган таъсирни англатади.

Америкалик социолог Т.Парсонс тавсифида жамоатчилик назорати санкциялар ёрдамида девиант хулқ-атворга таъсир ўтказиш орқали уни меъёрий ҳолатга келтиради ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, жамоатчилик назорати ижтимоий тизимнинг ўзини ўзи тартибга солиш усулидир. Мазкур усул ҳуқуқий меъёрлар ёрдамида ҳамда мазкур тизимнинг таркибий қисмлари орқали тартиб ва барқарорликни таъминлаш мақсадида ўтказилади. Жамоатчилик назоратининг характери, мазмуни, йўналтирилганлиги мазкур ижтимоий тизимнинг характери, моҳияти ва типи билан белгиланади. Жамоатчилик назорати ибтидоий, архаик жамиятларда ҳозирги ривожланган индустриал жамиятлардагига нисбатан мутлақо ўзгача хусусиятга эга бўлади. Архаик жамиятларда у содда тузилмага эга бўлса, индустриал жамиятларда мураккаб тизим сифатида намоён бўлади.

Санкциялар — жамоатчилик назоратининг элементи. Алоҳида шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг хатти-ҳаракатига тезкор муносабат билдириш мақсадида жамият ижтимоий санкциялар тизimini яратган. Санкциялар ўз моҳиятига кўра, алоҳида шахс ва ижтимоий гуруҳлар, муассаса ва ташкилотларнинг хатти-ҳаракатига муносабатдир. Ижтимоий санкциялар тизимининг вужудга келиши тасодикий ҳол эмас. Меъёрлар жамият кадриятларини ҳимоя қилиш мақсадида яратилган бўлса, санкциялар ижтимоий меъёрлар тизimini ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Меъёр санкция ёрдамида ҳимоя қилинмаса, унга одамлар амал қилмай кўяди.

Санкциялар моддий ва маънавий бўлиши мумкин. Моддий санкциялар вазифасини жарима, мол-мулкни мусодара қилиш кабилар бажаради. Маънавий санкциялар эса танқидий фикр, хайфсан, кесатиқ, пичинг, изза қилиш каби шаклларда бўлиши мумкин. Фуқаролик жамияти институтлари маъмурий ва ҳуқуқий санкцияларни қўллаш ваколатига эга эмас. Улар фақат маънавий санкцияларни қўллаши мумкин. Лекин ўринли ва тўғри қўлланган маънавий санкцияларнинг кучи ҳуқуқий санкциялар кучидан кам бўлмаслиги мумкин.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, меъёрлар ва санкциялар бир бутунликни ташкил қилади. Бирорта меъёр тегишли санкцияларга эга бўлмаса, у одамлар ва ижтимоий гуруҳларнинг хулқ-атворига таъсир ўтказа олмайди. Бундай меъёр шиор, чақириқ бўлиши мумкин. Лекин, у жамоатчилик назоратининг таркибий қисми бўла олмайди.

Алоҳида шахс ёки ижтимоий гуруҳ ижтимоий меъёрларга бўйинсунишни истамаса ёки уларни четлаб ўтишга ҳаракат қилса, жамият мажбурлаш чораларини қўллайди. Ҳозирги жамиятларда мажбурлаш орқали назорат қилишнинг қатъий ишлаб чиқилган қоида ва тизимлари мавжуд. Мазкур тизимлар меъёрлардан оғишнинг типлари ва даражасига кўра, мутаносиб равишда қўлланадиган санкциялар йиғиндисидан иборат.

3. Жамоатчилик назоратининг субъектлари

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолияти қонунларга мослигини назорат қилиш ҳуқуқи уларнинг давлат бошқарувидаги фақат якуний-назорат босқичида иштирок этиши билангина чекланмайди. Улар ўзларининг мазкур ҳуқуқини давлат бошқарувининг аввалги босқичлари, яъни режалаштириш ва ташкиллаштириш босқичларида ҳам намоён қилишлари мумкин. Шунинг учун нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг қонунларга мослигини назорат қилиш ҳуқуқини фақат назорат босқичигабоғлаб қўйиш унчалик тўғри бўлмайди.

Мазкур ташкилотлар давлат бошқарувининг режалаштириш босқичларидаёқ иштирок этиш ҳуқуқи улар давлат ҳокимияти органлари, жумладан, маҳаллий давлат бошқаруви органларининг ижтимоий аҳамиятга молик тадбирлар ва дастурларини режалаштириш босқичидаёқ назоратқилишида намоён бўлади. Бундан ташқари, ҳар қандай назорат, жумладан, жамоатчилик назоратининг самарадорлиги давлат ҳокимияти органлари, жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари муайян тадбир ва дастурларни амалга ошириб бўлгандан кейин уларнинг қонунларга мос ёки мос эмаслигини назорат қилиши мумкин ва баъзи ҳолларда зарур бўлади. Лекин бундай йўл тутиш самарали эмас. Чунки тадбир ёки дастур амалга оширилиб, унга давлатнинг, яъни солиқ тўловчиларнинг маблағлари сарфланиб бўлгандан кейин бу тадбир ёки дастур ўринсиз экани аниқланса, бу тадбир ёки дастур учун маблағлар ноўрин сарфланган, деб топиш эҳтимол тўғридир. Лекин энди ноўрин сарфланган маблағларни қайтариб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ННТлар ўзларининг назорат қилиш ҳуқуқини ўша тадбир ёки дастур режалаштириш босқичида эканидаёқ амалга оширишлари керак. Бунинг учун муайян шарт-шароит зарур.

Маълумки, ННТлар ҳокимият функциялари ва ваколатларига эга эмас. Лекин улар давлат ҳокимият органлари фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқига эга. Ана шу ҳуқуқ самарали ишлаши учун давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш зарур. Шунинг учун мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиклигини таъминлаш бўйича махсус қонун қабул қилинган.

Бу Қонуннинг 5-моддасида, жумладан, шундай дейилади: “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига қуйидагилар киради: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, норматив ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;⁷ Мамлакатимизда жамоатчилик назоратига алоқадор қонунларнинг пухта ўйлаб тузиладигани ва қабул қилинадигани Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига норматив ва бошқа ҳужжатларнинг *лойиҳалари* тўғрисидаги маълумотлар киритилганида ҳам намоён бўлади. Мазкур ҳолат жамоатчилик назоратининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятини тадбирлар режалаштирилиши босқичидаёқ назорат қилиш учун имконият яратади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунида ҳам фуқароларнинг бирлашмалар тузиш ҳуқуқи кафолатланган: “Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Умумий декларацияга, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланиб, ушбу Қонунда фуқароларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш эркинлиги уларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида мустаҳкамлаб қўйилади”⁸ Мазкур Қонунда “жамоат бирлашмаси” тушунчасига таъриф ҳам берилган: “Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир.” Кўриниб туриптики, жамоат бирлашмаларига берилган таъриф кўпчилик томонидан эътироф этилган “Википедия” луғатида келтирилган таърифга тўла мос келади ва таъкидлаш жоизки, бизнинг қонунимизда жамоат бирлашмаларига берилган таърифнинг бир қатор жиҳатлари “Википедия” дагидан кенгроқ ва мустаҳкамроқдир.

Конституциямизда давлатимиз ижтимоий давлат экани мустаҳкамлаб қўйилган. Жамоатчилик назорати давлатнинг ижтимоийлигини таъминлайдиган муҳим омилдир. Жамоатчилик назорати бўлмаган давлатни ижтимоий давлат деб бўлмайди. Жамоатчилик назорати қанчалик кучли бўлса, давлатнинг ижтимоийлик даражаси шунчалик юқори бўлади. Давлат ижтимоий ҳаётида халқ қўллаб-қувватлаган нарсаларгина яшаши керак.

Жамоатчилик экспертизаси яқунларига кўра аҳоли қўллаб-қувватламайдиган нарса ва ходисаларга барҳам бериш зарур. Жамоатчилик назоратининг шаклларида бири бўлган жамоатчилик экспертизаси мамлакатда юз бераётган сиёсий, иқтисодий ва маънавий жараёнларга аҳолининг муносабатини аниқлайди ва мазкур жараёнларнинг қай бири яшаши ва қай биридан воз кечилиши кераклиги тўғрисида халқнинг ҳукмини ифодалайди.

Фуқаролик жамияти институтлари жумласига жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, ёшлар, хотин-қизлар ҳаракатлари, экологик ҳаракат, турли жамғармалар, уюшмалар киради. Бу институтлар том маънода жамоат бирлашмаларидир. Конституциямизнинг XIII бобида жамоат бирлашмаларига қуйидагича таъриф берилади: “Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.”¹⁰

Таърифдан кўриниб турибдики, барча фуқаролик жамияти институтларини жамоат бирлашмалари ташкил қилади. Демак, фуқаролик жамияти институтлари жамоат бирлашмалари сифатида жамоатчилик назоратининг субъектлари ҳисобланади. Мана шу жумланинг ўзида фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини ташкил қилишдаги ўрни ва роли ўз ифодасини топган.

Жамоат бирлашмалари орасида сиёсий партиялар жамоатчилик назоратини ташкил қилишда анча фаол иштирок этмоқда. Мамлакатимиздаги энг кўп сонли жамоат ташкилоти касаба уюшмаларидир. Улар меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил қилиш ва назорат қилиш каби масалаларда бирқанча ижобий ишларни амалга оширди.

Ташкилот ва корхоналардаги Жамоа шартномаларининг маъмурият томонидан бажарилишини назорат қилиш касаба уюшмаларининг энг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу вазифани касаба уюшмаларининг кўпчилик бошланғич ташкилотлари қониқарли бажармоқда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ривожланишида муҳим омиллардан ҳисобланган оммавий ахборот воситалари тараққий топмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ўнлаб нодавлат телеканаллари, юзлаб босма ахборот воситалари фаолият юритмоқда. Уларнинг бари жамоатчилик назоратининг субъектлари ҳисобланади. Жамоатчилик назоратида улар иштирокининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, улар мазкур жараёнда бевосита иштирок этишларидан ташқари назоратнинг бошқа субъектлари томонидан аниқланган қонунга хилоф ҳолатларни кенг жамоатчиликка етказишда муҳим роль ўйнайди. Улар етказган маълумотлар жамоатчиликнинг қонунларни бузиш ҳолларига нисбатан муросасиз муносабатларини шакллантиради.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш давлат органлари барча соҳаларидаги фаолиятини жамоатчилик томонидан назорат қилинишини энг долзарб масалалардан бирига айлантиради. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш давлат ҳокимияти органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти шаффофлигини таъминлаш, ижроия ҳокимияти органлари томонидан тайёрланаётган ижтимоий аҳамиятга молик қарорларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, ижроия ҳокимияти органлари қошида жамоатчилик кенгашларини тузиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш механизмларини яратиш билан боғлиқ.

Жамоатчилик назоратининг ҳокимият ваколатларига эга эмаслиги, унинг етарли таъсир кучига эга эмаслиги тўғрисида нотўғри тасавурлар келтириб чиқариши мумкин. Аслида, ундай эмас. Жамоатчилик назорати жараёнида аниқланган қонундан четга чиқиш ҳолатлари ваколатли давлат органларига ёки жамоатчилик фикрига мурожаат этиш орқали бартараф этилади. Мазкур ҳолат жамоатчилик назорати субъектлари назоратнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий механизмлардан фойдаланиши мумкинлигини англайди. Давлат назорати эса, асосан, ҳуқуқий механизмлардан фойдаланади.

Жамоатчилик назоратининг моҳияти давлат ҳокимияти органлари фаолиятига танқидий муносабатда бўлишдагина эмас, ана шу танқидий муносабат орқали давлатни қўллаб-қувватлашда ҳам намоён бўлади.

Жамоатчилик назоратининг самарадорлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг шаффофлигидир. Шунини ҳисобга олиб мамлакатимизда муҳим ижтимоий

эксперимент ўтказилди. Ана шу эксперимент бошланишида маълум қилинганидек, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари 2013 йилнинг май-ноябрь ойларида қонун лойиҳаси талабларига мос келадиган янги режимда фаолият юритди. Масалан, янги талабларга кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровлари қайд этилган кундан бошлаб, 15 кун давомида кўриб чиқилиши белгиланди. ОАВнинг эксперимент субъектлари фаолияти, мансабдор шахслар билан интервью ташкил қилиш ҳақидаги сўровларини эса, етти кундан ошмаган муддатда кўриб чиқиш белгиланди.

Қонуннинг апробацияси бўйича ўтказилаётган эксперимент тўғрисида кенг жамоатчилик ва жамоат ташкилотларини хабардор қилиш мақсадида, 2013 йилнинг май-июль ойларида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида фуқаролар билан 120дан ортиқ учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, мазкур экспериментнинг ўтказилиш тартиби ва қоидалари бўйича бошқа вилоятлар ҳокимиятлари ҳамда бошқа давлат ҳокимият органлари ходимлари учун йўриқнома ташкил қилинди.

Эксперимент ўтказиш бўйича ишчи комиссияси аъзоларининг сўзларига кўра, эксперимент бошлангандан кейинги дастлабки ойлардаёқ мазкур вилоятларда фуқароларнинг сиёсий ва ахборот олишга нисбатан фаоллиги кескин ўсди. Статистика маълумотларига кўра, 2013 йилнинг 2-чорагида 1-чоракка нисбатан фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ёзма ва оғзаки мурожаатлари икки баравар ошди ва Самарқанд вилоятида 1514, Бухоро вилоятида 1230 тани ташкил қилди. .

4. Жамоатчилик назоратининг шакллари

Фуқаролик жамияти шаклланишида фуқаролик жамияти барча институтларининг ўзаро алоқадорликда ишлаши муҳим аҳамият касб этади. Жамоатчилик назоратининг мақсади давлат ҳокимияти органларининг аҳоли олдидаги барча мажбуриятларини қандай бажараётганликларини назорат қилишдан иборат. Мамлакатни модернизациялаш, коррупцияга қарши кураш кучайтирилади ҳозирги шароитда жамоатчилик назоратининг роли беқиёс даражада ортади. Жамоатчилик назоратини кучайтириш мамлакатда қонунчиликни таъминлашнинг кафолати вазифасини бажаради. Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати турли кўриниш, шакл ва усуллар ёрдамида ўтказилади. Жамоатчилик назорати турлари ва шакллари тўла ва чуқур англаш учун қуйидаги ҳолат ва ходисалар ҳақида аниқ тасаввурлар ҳосил қилиш лозим:

- давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тушунчасининг мазмун ва моҳиятини таҳлил қилиш:

- жамоатчилик назоратини тартибга солиб турувчи ҳужжатларни таҳлил қилиш:

- фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назорати олиб боришдаги амалий фаолиятларини таҳлил қилиш.

Жамоатчилик назорати муайян шаклларда олиб борилади. Жамоатчилик назорати шакллари хилма хил бўлиб уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- жамоатчилик экспертизаси;
- жамоатчилик мониторинги;
- жамоатчилик тинглови;
- жамоатчилик суриштируви;
- жамоатчилик муҳокамаси;
- жамоатчилик кузатуви.

Жамоатчилик назоратининг ҳозирги шароитда бизнинг мамлакатимизда энг кўп қўлланаётган шаклларида бири жамоатчилик тингловидир. Мазкур шакл ижтимоий аҳамиятга молик бўлган у ёки бу муаммони ҳал қилишда турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ўзаро келиштиришга хизмат қилади. Жамоатчилик тинглови қуйидаги мақсадларни кўзлаб ўтказилади:

- ижтимоий аҳамиятга молик бўлган муаммоларни аниқлаш ва муҳокама қилиш;

- мазкур муаммони ҳал қилишдан манфаатдор бўлган томонларни аниқлаш;

- манфаатдор томонларнинг мазкур муаммо бўйича мавқеини қайд қилиш ва барча томонлар учун мақбул бўладиган қарор вариантини ишлаб чиқиш.

Жамоатчилик тинглови иштирок этаётган барча томонларнинг ўз фикр ва далилларини баён қилишини кўзда тутди. Бунда улар муҳокама қилинаётган масалага алоқадор бўлган ҳужжатлар билан танишиб чиқади.

Жамоатчилик тингловининг иштирокчилари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- мазкур муаммони кун тартибига қўйишда ташаббус кўрсатган томон (инвестор, тайёрланган лойиҳа муаллифлари);

- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг, маъмурият, давлат назорат идораларининг вакиллари;

- муҳокама қилинаётган масаладан манфаатдор бўлган жамоатчилик, шу жумладан, жамоат ташкилотларининг вакиллари.

Жамоатчилик тингловини ташкил этиш ва ўтказишга маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларининг вакиллари жалб этилиши лозим.

Жамоатчилик тингловининг объекти жамиятда вужудга келган муаммони ҳал қилиш бўйича тайёрланган лойиҳа бўлиши мумкин. Мабодо, лойиҳа таркибида ёпиқ маълумотлар мавжуд бўлса, лойиҳа муаллифлари жамоат тинглови учун алоҳида маъруза тайёрлашади. Шу билан бирга, муаммони ҳал қилиш бўйича тайёрланган ҳужжатнинг қисқача мазмуни кўпчилик учун тушунарли бўлган содда тилда тайёрланган бўлиши зарур.

Мамлакатимизда жамоатчилик назоратининг энг кўп тарқалган кўринишларидан бири туман ва шаҳарларда маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари, хусусан ҳокимларнинг ҳудуд аҳолиси олдида муайян давр (чорак, ярим йил ёки йил) давомида режаларнинг қандай бажарилаётгани тўғрисида ахборот беришидир. Бунда ҳокимдан ташқари ҳудуддаги аҳолига хизмат кўрсатадиган барча ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳозир бўлишади. Тинглов давомида эришилган натижалар билан бир қаторда йўл

қўйилган камчиликлар, режадан орқада қолиш, кўрсатилаётган хизматларнинг тўлалиги ва сифати сингари масалалар ҳам муҳокама қилинади. Бундай тингловлар мамлакатимиздаги барча ҳудудларда анъана тусини олди.

Жамоатчилик тинглови якунлари бўйича ташкилотчиқуйидаги вазифаларни бажариши зарур:

- қарор лойиҳаси бўйича тайёрланган ҳужжатга тинглов жараёнида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида тегишли ўзгаришлар киритиш;
- жамоатчилик тинглови натижаларини ҳужжатлаштириш.

Жамоат тингловининг асосий ҳужжатлари қуйидагилар: муҳокама қилинаётган лойиҳа, берилган саволлар ҳамда таклифлар, уларга берилган жавоблар; жамоатчилик тингловининг баённомаси; томонларнинг келишмовчилиги қайд этилган якуний ҳужжат; лойиҳага тинглов натижасида киритилган ўзгаришлар рўйхати.

Жамоат тингловининг якунловчи ҳужжатини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тавсия этилади

Жамоатчилик тинглови муаммога экспертларни жалб қилиш, тинглов ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон бериш, жамоатчилик тингловини ўтказадиган жойни ижарага олиш каби молиявий маблағларни талаб этадиган масалалар билан боғлиқ. Одатда, тегишли молиявий маблағ бу муаммони ҳал қилишдан манфаатдор томон ва ҳал қилиш учун буюртма берган буюртмачи ёки инвестор томонидан қопланади. Шунингдек, қўшимча маблағлар (хайрия маблағлари, жамоат ташкилотлари аъзоларидан тушган бадаллар) ҳам жалб қилиниши мумкин.

Жамоатчилик экспертизаси. “Экспертиза” тушунчаси муайян масалани мутахассислар томонидан ўрганиш ва у ҳақда хулосалар беришни англатади. Ижтимоий соҳада шундай масала ва муаммолар мавжудки, уларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш муайян қийинчиликлар билан боғлиқ. Бу қийинчиликлар ўрганилаётган масала ва муаммонинг мураккаблиги туфайли вужудга келади. Шунинг учун ҳам, жамиятда экспертиза қилишга катта эҳтиёж мавжуд.

Экспертиза қилиш, кўпинча, бирор бир ҳужжат, лойиҳа, бажарилган иш натижалари ҳақида хулоса беришни англатади. Ижтимоий экспертиза мутахассис (эксперт)лар томонидан объектнинг ҳолатини ташхислаш, унинг ҳақидаги ахборот тўғрилиги ва ишончлилигини аниқлаш, унинг кейинги тадрижини, шунингдек, бошқа объектларга таъсирини прогнозлаш ҳамда қарор қабул қилиш учун тавсиялар ишлаб чиқишни қамраб оладиган тадқиқотдир. Экспертиза, жумладан, жамоатчилик экспертизаси тўрт функцияни бажаради:

1. Диагностик функция. Мазкур функция ўрганилаётган объектнинг ҳолатини аниқлашни ифодалайди.

2. Ахборот-назорат функцияси. Мазкур функция объект ва унинг атрофидаги муҳит ҳақидаги ахборотни ўрганиш, унинг тўғрилиги ва ишончлилигини аниқлаш. Агар ахборотда ноаниқлик ва нотўғри маълумотлар бўлса, уларга тегишли тузатишлар киритишни билдиради.

3. Прогностик функция. Мазкур функция ўрганилаётган объектнинг яқин, ўрта ва узоқ истиқболда қандай ҳолатга ўтиш эҳтимолини аниқлашни билдиради.

4. Лойиҳалаш функцияси. Мазкур функция ўрганилаётган объектни экспертиза қилиш натижаларини ижтимоий лойиҳалаш ва қарорлар қабул қилишда қўллашни назарда тутади.

Жамоатчилик экспертизасининг объектлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти, ижтимоий институт ва жараёнлар, концепциялар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиши мумкин. Жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш лозим бўлган объектларнинг барчасини санаб ўтиш жуда кўп вақт талаб қилади. Умумлаштириб айтганда, жамоатчилик экспертизасининг объекти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг қонунларга мослиги ёки мос эмаслигидан ташқари, ижтимоий, сиёсий аҳамиятга молик барча фаолият ва жараёнлар бўлиши мумкин. Лекин жаҳондаги мамлакатлар ўз тараққиётининг турли босқичларидаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб жамоатчилик назоратининг турли қирралари ёки объектларига оид қонунлар қабул қилиши мумкин. Жамият, ижтимоий гуруҳ ёки алоҳида шахслар ҳаёти ва фаолиятига ижобий ёки салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳужжат ва қарорлар экспертизадан ўтказилиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қабул қилган ёки қабул қилмоқчи бўлган қарорлар қуйидаги ҳолларда экспертизадан ўтказилиши тавсия этилади:

- қабул қилинган ёки қилинаётган қарорларнинг аҳоли ҳаёт фаолиятига ва турмуш даражасига ўтказадиган таъсири миқёсини аниқлаш зарур бўлганда;

- қабул қилинган қарорни амалга оширишнинг оқибатлари турли ижтимоий гуруҳлар, турли ҳудудлар ҳаётида вужудга келтирадиган оқибатлари қай даражада турли-туман бўлиши мумкинлигини аниқлаш зарур бўлганда;

- қабул қилинган қарор ва ҳужжатлар тўғрисида турли-туман, бир-бирига зид фикрлар мавжуд бўлганда;

- қабул қилинган ёки тайёрланган қарор етарли асосланмаганда. Унинг ижобий ва салбий оқибатлари қандай бўлиши аниқ бўлмаганда;

- қарор қабул қилаётган орган мазкур қарорнинг оқибатларини башорат қилишга эҳтиёж сезганда;

- бир-бирига зид бўлган қарор вариантлари мавжуд бўлганда.

Бизнинг мамлакатимизда жамоатчилик назорати бўйича тайёрланган қонун лойиҳаси бўйича ўтказиладиган жамоатчилик экспертизасининг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг амалдаги қонунларга мослигини, шунингдек, мазкур қарорлар фуқаролар манфаатларига ҳамда жамоатчилик фикрига қай даражада мослигини аниқлашдан иборат.

Жамоатчилик экспертизаси мураккаб жараён бўлганлиги туфайли, унинг объективлиги ва холислигига эришишнинг асосий йўли экспертларнинг ҳамкорликда иш олиб боришидир.

Жамоатчилик назоратининг мониторинг шакли. Жамоатчилик назоратининг мониторинг шакли дастлаб атроф-муҳитдаги ўзгаришларни ўрганишда қўлланган. Масалан, Ўзбекистонда назоратнинг мониторинг шакли Оролбўйи минтақасида бир қатор ҳолат ва кўрсаткичларни кузатиш мақсадида ўтказилган. Жамоатчилик назоратига экология соҳасидан кириб келган мазкур усул, кейинчалик, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ҳам қўллана бошлади.

Мамлакатни модернизациялаш жараёнида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш янги муаммоларни келтириб чиқаради. Лекин, вужудга келаётган янги муаммолар тараққиётнинг янги, юқорироқ босқичида, шу босқичнинг талабларига мос равишда ҳал қилинади. Ана шундай муаммоларни самарали ҳал қилиш учун жамиятдаги ижтимоий муносабатлар тадрижини мунтазам таҳлил қилиш зарурати вужудга келади. Ана шундай таҳлил талабларига жамоатчилик мониторинги тўла жавоб беради. Ижтимоий муносабатлар тадрижини ташхис қилиш ва башорат қилиш вазифасини бажарувчи жамоатчилик мониторинги, айти пайтда, мазкур жараёнларни бошқариш бўйича тезкор ахборот олиш имконини ҳам беради.

Жамоатчилик мониторингининг бошқа тадқиқот усулларида афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида ижтимоий кўрсаткичларнинг кенг доираси бўйича олинган маълумотларни мунтазам тўлдириб ва уйғунлаштириб бориш имкони пайдо бўлади. Ахборотларни ана шундай тўлдириш ва уйғунлаштириш асосида мунтазам янгиланиб турувчи ахборот банки яратилади. Айти мана шу афзаллиги жамоатчилик мониторингининг кенг тарқалиши учун асос яратмоқда.

Жамоатчилик мониторинги жамоатчилик фаоллигининг янги шакли бўлиб, муайян тизимлар тўғрисида мунтазам ва илгарилаб борувчи ахборот олиш имконини беради. Олинган ахборотларда тизимнинг ҳолати мониторинг кўрсаткичлари ёрдамида ифодаланади. Мониторинг кўрсаткичлари комплекслик ва интегративлик мезонлари асосида шаклланади. Комплекслик тушунчаси тизимнинг турли таркибий қисмлари тўғрисида ахборот олишни аниқлаш, интегративлик мезони олинаётган ахборотнинг ўша таркибий қисмлари ўзаро таъсирини ифодалашни таъминлайди. Мазкур ахборотлар тизимдаги миқдорий ва сифат ўзгаришларни ўзаро алоқадорликда ифодалайди.

“Мониторинг” тушунчаси муайян объектларнинг ҳолати тўғрисида махсус ташкил этилган тизимли кузатишни аниқлатади. Масалан, атроф-муҳитни мониторинг қилиш табиатдаги объектларнинг ҳолати ва улардаги ўзгаришларни кузатишни аниқлатади.

Жамоатчилик мониторинги нодавлат ноижорат ташкилотлар ва умуман, фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг амалдаги қонунчиликка мос ёки мос эмаслигини назорат қилиш мақсадида амалга оширилади. Жамоатчилик мониторинги давлат

ҳокимияти органлари фаолиятига баҳо бериш билан бирга, зарур бўлган ҳолларда уларни коррекция қилиш имконини ҳам яратади.

Жамоатчилик мониторинги қуйидаги тамойилларга асосланиб ўтказилади:

- тизимлилик ва холислик;
- қонунийлик ва очиқлик;
- олинаётган маълумотларнинг ишончлилиги.

Ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни жамоатчилик мониторингидан ўтказишнинг мақсади мазкур дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдир. Бундай тавсиялар мониторинг натижаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш асосида қабул қилинади.

Ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни жамоатчилик мониторингидан ўтказиш технологияси ўзаро боғлиқ ва муайян кетма-кетликда ташкил этилган ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, уларни амалга ошириш манфаатдор шахс ва ташкилотларга, биринчи навбатда, нодавлат нотижорат ташкилотларга ижтимоий аҳамиятга молик мазкур дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш имкониятини беради. Бундай иштирок аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг сифати ва самарадорлигини оширишни назарда тутаяди.

Жамоатчилик мониторинги бир неча усуллардан фойдаланиб ўтказилади. Бундай усуллар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: статистик таҳлил; бюджет таҳлили; ҳуқуқий таҳлил; сўровномалар; интервью.

Мониторинг ўтказиш дастуримуаммоли вазиятни тавсифлашни ҳам қамраб олади. Мониторинг ана шу вазиятни статистик маълумотлар, оммавий ахборот воситаларида чоп этилган маълумотлар, шунингдек, бошқа манбалардан олинган маълумотлар асосида таҳлил қилишни назарда тутаяди. Ана шундай таҳлил асосида ижтимоий аҳамиятга молик дастурларнинг мазмуни, мақсадга йўналтирилганлиги муаммони ҳал қилиш учун белгиланган тадбирларнинг етарли ёки етарли эмаслиги, асосланганлиги, амалга ошириш механизмлари мавжудлиги, жамоатчилик фикри ҳисобга олингани ёки олинмаганлиги, уни тузишда жамоатчиликнинг иштирок этиш даражаси баҳоланади.

Жамоатчилик мониторингидан ўтказишнинг ташкилий шакли ташаббускор ташкилот томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳисобланади. Лойиҳада жамоатчилик мониторингини ташкил қилишнинг асосий босқичлари ифодаланган бўлади: тайёргарлик кўриш босқичи, жамоатчилик мониторинги бўйича тадбирларни ташкил қилиш босқичи, яқунловчи босқич.

Жамоатчилик муҳокамаси. Жамоатчилик муҳокамаси ижтимоий аҳамиятга молик бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарор, буйруқ ва фармойишлари, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган бошқа ҳужжат ва материалларни таҳлил қилишга бағишланади. Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича жамоатчилик муҳокамаси

уларга ўзгаришлар киритиш, ёки уларни янги таҳрирда қабул қилиш зарур бўлган ҳолларда жамоатчилик фикри ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида ўтказилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қабул қилинадиган қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш одат тусига кирди. Миллий онг ва миллий маънавиятнинг тикланиши ва ривожланиши натижасида қонунлардан ташқари, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган бошқа ҳодисаларни муҳокама қилиш ҳам ижтимоий амалиётда мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади.

Олий Мажлис фуқароларнинг вакиллик органи сифатида мамлакат ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Шундай бўлса ҳам, Қонунчилик Палатаси ҳамда Сенат аъзолари қонунларнинг сифатли бўлиши ҳамда ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини эгаллашини таъминлаш учун, уларнинг лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишга эҳтиёж сезадилар. Бундан ташқари, қонунлар легитимликка эга бўлиши учун, кенг халқ оммасини уларнинг муҳокамасига жалб қилиш зарур бўлади.

Қонунларнинг лойиҳалари бўйича лойиҳа мавзуси бўйича мутахассис бўлган экспертлар жалб қилинади. Айни пайтда, қонунларни қабул қилишда экспертлардан ташқари, турли мақсадли гуруҳларга мурожаат қилиш ҳам зарур бўлади. Бундай мақсадли гуруҳларга мазкур қонуннинг қабул қилинишидан манфаатдор бўлган томонларни киритиш мумкин. Масалан, чорвачиликни ривожлантиришга оид қонун қабул қилинмоқчи бўлса, унинг лойиҳаси муҳокамасига, биринчи навбатда, чорвадорларнинг вакиллари жалб қилиниши керак. Бундан ташқари, чорва ҳайвонларига ем-хашак етказиб берувчи деҳқонлар, омухта ем етказиб берувчи саноат вакилларини ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, чорвачилик маҳсулотларини истеъмол қилувчи кенг халқ оммаси вакиллари ҳам иштирок этиши шарт бўлади. Мана шу бир қонун лойиҳасини муҳокама қилишга жалб қилинганлар орасида бир неча мақсадли гуруҳ вакилларини кўриш мумкин. Санаб ўтилган гуруҳлардан ташқари, қонун лойиҳасини муҳокама қилишга мамлакатимиздаги ижроия ва қонун чиқариш органларининг, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг вакилларини ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқ. Булардан ташқари, қонун лойиҳасини муҳокама қилишда фуқаролик жамиятлари институтлари (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар, ёшлар ташкилотларининг вакиллари ҳам) иштирок этиши зарур бўлади. Санаб ўтилганлардан ташқари, мамлакатдаги ҳар бир фуқаро қонун муҳокамасида иштирок этиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамаси ўз моҳиятига кўра, ижтимоий-сиёсий жараён бўлиб, давлат бошқарувида сиёсий қадриятларни, яъни фуқароларнинг сиёсатни ишлаб чиқишдаги иштирокини таъминлашга қаратилган бўлади. Давлат бошқаруви учун сиёсий қадриятлардан ташқари, ҳуқуқий қадриятлар ҳам хос бўлиб, улар сиёсий қарорлар қабул қилиш чегараларини белгилаб беради, алоҳида фуқароларнинг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Қарорлар қабул қилишда сиёсий ва ҳуқуқий

кадриятлардан ташқари, бошқарув кадриятлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қонунларни амалга тадбиқ қилиш жараёнида намоён бўлади. Ҳуқуқий кадриятлар жумласига ҳуқуқнинг устуворлиги, тенглик кабилар кирса, бошқарув кадриятларига бошқарув органлари фаолиятининг самарадорлиги, оптималлиги кабиларни киритиш мумкин.

Жамоатчилик муҳокамасини ўтказишда иштирокчилар олдиндан рўйхатдан ўтишлари, хулқ-атвор қоидаларига ҳамда жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш регламентига амал қилишлари шарт.

Муҳокама қилинаётган лойиҳани кўриб чиқаётган давлат ҳокимияти органи ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи жамоатчилик муҳокамаси ташкилотчисини мазкур тавсияларни кўриб чиқиш муддати ва тартиби тўғрисида олдиндан хабардор қилиши шарт.

Жамоатчилик суриштируви. Жамоатчилик суриштируви кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган ва кам ўрганилган, айти пайтда, жамоатчилик қизиқишини уйғотган муаммони атрофлича ва батафсил тадқиқ этиш мақсадида ўтказилади. Жамоатчиликнинг қизиқишини уйғотадиган масалалар жумласига жиноятчиликни фож этиш ёки олдини олиш, жамоат тартибини бузиш, коррупция ва адолатсизликни фож этиш, одамларнинг саломатлиги ва ҳаётсизлигини ҳимоя қилиш, ижтимоий муҳим масалалар бўйича етарли маълумот асосида қарорлар қабул қилиниши учун зарур бўлган ахборотни оммалаштириш кабиларни киритиш мумкин.

Жамоатчилик суриштирувининг объекти кўпчиликни қизиқтирган ҳар қандай ҳодиса, воқеа ёки таъйин бўлиши мумкин.

Бошланган суриштирувларда мазкур муаммога қизиққан жамоат ташкилотининг ҳар қандай аъзоси иштирок этиши мумкин. Жамоатчилик суриштирувини бошлаган жамоат ташкилоти жамоатчилик суриштирувининг етакчиси мавқеига эга бўлади. Етакчи суриштирувга фойда келтириши мумкин бўлган мутахассис ва шахсларни жалб этиши мумкин. Шу билан бирга, етакчи суриштирувнинг ҳар қандай босқичида ҳар қандай иштирокчини суриштирувдан четлаштириши мумкин. Бунда у четлаштиришнинг сабабларини баён қилиши лозим.

Етакчи ташкилотнинг қарорисиз масалани муҳокама босқичига олиб чиқиши мумкин эмас. Шунинг учун масалани кейинги босқичга олиб чиқишдан аввал етакчи аввалги босқичда барча вазифалар бажарилганига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Суриштирувнинг барча босқичларини ёпиқ режимда ўтказиш тавсия этилади. Бу эса, суриштирув доирасидаги барча масалалар, таҳлиллар, тортишувлар ва бошқа материаллар фақатгина суриштирув иштирокчиларига маълум қилинишини аниқлатади. Бундайчеклаш охиригача текширилмаган ахборот ва материаллартаъриб кетишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади. Бироқ, суриштирув жараёнида шундай вазият ҳам вужудга келиши мумкинки, унда суриштирув олиб борилаётганига жамоатчиликнинг эътиборини тортиш зарур бўлиб қолади. Бундай ҳолларда суриштирувга янги одамлар, янги экспертлар ва журналистларни жалб қилишга тўғри келади.

Суриштирувнинг яқунлари бўйича тайёрланган ҳужжат жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқилади. Муҳокама жараёнида билдирилган таклиф, мулоҳаза ва эътирозлар яқунловчи ҳужжатда акс эттирилади. Яқунловчи ҳужжат кўпчилик овоз билан маъқуллангандан кейин, у жамоатчиликка етказилиши, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Жамоатчилик назоратининг мақсадлари нималардан иборат?
2. Жамоатчилик назоратининг субъекти кимлар бўлиши мумкин?
3. Жамоатчилик назоратининг қандай шакллари биласиз?
4. Ички ишлар органлари ёки прокуратуранинг қонунлар бажарилишини назорат қилиши жамоатчилик назорати бўлиши мумкинми?
5. Жамоатчилик назоратининг замонавий шакллари кўрсатинг

Тест саволлари:

1. Жамоатчилик назоратининг субъектлари:

- A. солиқ органлари ва прокуратура;
- B. ички ишлар органлари ва молия идоралари;
- C. Фуқаролик жамияти институтлари
- D. Қонунчилик палатаси васуд органлари

2. Жамоатчилик назоратининг мақсадлари:

- A. Бизнес тузилмаларидаги суиистеъмолликларни аниқлаш;
- B. Савдо тизимидаги нархларнинг адолатли эканини текшириш;
- C. Тадбиркорлар фаолиятини тафтиш қилиш;
- D. Давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг қонунларга мослигини таҳлил қилиш.

3. Жамоатчилик экспертизаси-бу:

- A. Соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаш жараёнларининг тўғри йўлга қўйилганини ўрганиш;
- B. Хусусий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини текшириш;
- C. Давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, буйруқлар, лойиҳалар ва олиб борилаётган фаолият қонунларга мослиги ёки мос эмаслигини аниқлаш.
- D. Спорт мусобақаларида ҳакамлик тўғри олиб борилаётганини текшириш.

4. Кимнинг асарида ҳукмдорларнинг аҳоли олдида ҳисоб бериб туришлари ва уларнинг қонунларга сўзсиз буйсунишлари зарурлиги алоҳида таъкидланади?

- A. Форобий
- B. Беруний
- C. Ибн Сино
- D. Навоий

5. Ким жамият ҳукуматсиз мавжуд бўла олмаслиги, лекин мавжуд қонунлар фуқароларга ҳукумат фаолияти устидан назорат олиб бориш имконияти беришини таъкидлайди?

- A. Монтескье
- B. Локк
- C. Гоббс
- D. Руссо

6. Жамоатчилик суриштируви мақсади ...

- A. жамоатчилик қизиқишини уйғотган муаммони атрофлича ва батафсил тадқиқ этиш
- B. давлат ҳокимиятини бошқариш
- C. фуқаролик жамиятини шакллантириш
- D. давлатнинг сиёсий тизимини ўзгартириш

7. Жамоатчилик муҳокамаси нимага бағишланади?

- A. ижтимоий аҳамиятга молик бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарор, буйруқ ва фармойишлари, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган бошқа ҳужжат ва материалларни таҳлил қилишга
- B. жамоатчилик қизиқишини уйғотган муаммони атрофлича ва батафсил тадқиқ этишга
- C. давлатнинг сиёсий тизимини ўзгартиришга
- D. давлат ҳокимиятини бошқариш

8. Жамоатчилик мониторинги усуллари кўрсатинг

- A. статистик таҳлил;
- B. бюджет таҳлили;
- C. ҳуқуқий таҳлил;
- D. барча жавоблар тўғри

9. Жамоатчилик мониторинги қуйидаги қайси тамойилларга асосланиб ўтказилади:

- A. тизимлилик ва холислик;
- B. қонунийлик ва очиқлик;
- C. олинаётган маълумотларнинг ишончлилиги.
- D. барча жавоблар тўғри

10. Жамоатчилик экспертизаси қайси функцияси ўрганилаётган объектнинг ҳолатини аниқлашни ифодалайди?

- A. Диагностик функция.
- B. Ахборот-назорат функцияси.
- C. Прогностик функция.
- D. Лойиҳалаш функцияси.

22- МАВЗУ: ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

Режа:

1. Ижтимоий шериклик-етуклик мезони
2. Ижтимоий шерикликнинг тарихи ва тадрижи
3. Ижтимоий шерикликнинг назарий асослари
4. Ўзбекистонда ижтимоий шериклик назариясининг бойитилиши ва амалиётининг ривожлантирилиши

1. Ижтимоий шериклик-етуклик мезони

Республикаимиз Президенти Ислон Каримов ўзининг 2010 йил 12 ноябрида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик Палатасининг кўшма мажлисида баён қилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да давлат ҳокимият органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини ўрнатиш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Бу кўрсатма мазмун эътибори билан жуда долзарб ва сермазмундир.

Ижтимоий шериклик ғояси ижтимоий ва сиёсий соҳада инсоният кашф қилган энг буюк ихтиролардан биридир. Инсоният ижтимоий шерикликнинг зурурлигини англаб етиши учун кўп асрлар керак бўлди. Бу жараёнда узок давом этган конфронтацияни, муросасиз курашларни, кескин ижтимоий низоларни бошдан кечиришга тўғри келди.

“Ижтимоий шериклик” тушунчаси ижтимоий фанларга кириб келганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бу тушунча даставвал меҳнат муносабатлари доирасида ва уларни тартибга солиш мақсадида яратилди. Капитал билан меҳнат, иш берувчилар билан ёлланма ишчилар ўртасидаги муносабатлар асрлар давомида ривожланиб келаётган бўлса ҳам, уларни тартибга соладиган ижтимоий шерикликнинг зарурлиги ва мумкинлигини XIX асрнинг охирлари- XX аср бошларига келибгина англай бошланди. Бу давргача ижтимоий меҳнат жараёнларидаги зиддиятлар гоҳ пасайиб, гоҳ кучайиб давом этаверди. Бу зиддиятлар ижтимоий муносабатларнинг негизини ташкил этувчи муносабатлар, яъни иш берувчилар билан ёлланма ишчилар манфаатларининг мос келмаслиги натижасида вужудга келган эди. Ижтимоий шериклик ижтимоий ва сиёсий соҳада инсоният кашф қилган энг буюк ихтиро сифатида XX асрда майдонга келди. Унгача ҳам одамлар орасида шериклик муносабатлари мавжуд бўлган. Бундай муносабатлар минглаб йиллардан буён давом этиб келади. Шерикликнинг куртаклари ҳатто юқори даражада ривожланган ҳайвонлар, масалан бўрилар, арслонлар, сиртлонлар ва Африкадаги сиртлонсимон итлар галаларида ҳам кўзга ташланади. Муваффақиятга эришиш учун бу ҳайвонларнинг ҳар бири ов жараёнида ўзларининг ҳатти –ҳаракатини шерикларининг ҳатти-ҳаракатлари

билан мослаштириб амалга оширади. Бу шерикликнинг куртаклари ва ибтидоий кўринишлари эди.

Ижтимоий шерикликнинг XX асргача жамиятда мавжуд бўлган шерикликдан асосий фарқи шундаки, авваллари шериклик алоҳида шахслар, нари борса, кичик гуруҳлар ўртасидаги шерикликдан иборат эди. Масалан, бир жамоада меҳнат қилаётганлар, бир касб эгалари, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар, таниш-билишлар бирор юмушни бажаришда бир-бирлари билан шериклик қилар эди. Шерикликнинг бу кўриниши ҳозир ҳам давом этиб келмоқда.

Ижтимоий шериклик шерикликнинг ривожланишидаги янги юксак босқични ифодалайди. Ижтимоий шериклик алоҳида шахслар ёки кичик гуруҳлар эмас, катта ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги шерикликни билдиради.

2. Ижтимоий шерикликнинг тарихи ва тадрижи

Ибтидоий жамоа тузуми даврида ҳали катта ижтимоий гуруҳлар вужудга келмаган эди. Жамият кичик гуруҳлар (оила ва ибтидоий гала)дан ташкил топган бўлиб уларнинг орасида тез-тез зиддиятлар пайдо бўлар эди. Бу зиддиятлар асосан ҳудуд ва тирикчилик манбаларини талашиш оқибатида юз берар эди.

Жамиятнинг манфаатлари бир-бирига зид бўлган катта ижтимоий гуруҳлар: куллар ва кулдорлар синфига бўлиниши манфаатлар зидлигини кескинлаштириб юборди. Манфаатлар ўртасидаги зиддиятнинг кескинлашуви манфаатлари поймол этилаётган синф-кулларнинг стихияли чиқишлари исён ва қўзолонларга олиб келди. Бундай исёнларни бостириш учун кулдорлар миршаблар ва армия сингари тузилмаларни ташкил қилди. Кулдорлар мафкураси кулдорларнинг олий табақа эканини асослашга, одамлар ўртасидаги мулкӣ ва ҳуқуқӣ тенгсизликни илоҳӣй кучлар иродаси билан ифодалашга ҳаракат қилар эди.

Феодализмга ўтиш билан боғлиқ янги ижтимоий гуруҳлар: феодаллар ва деҳқонлар синфининг вужудга келиши улар ўртасидаги зиддиятни шаклан бироз юмшатди. Заминдорлар деҳқонларга анчагина ён босишди: уларга оила куриш, ҳосилнинг муайян улушини олиш ҳуқуқи берилди. Бироқ заминдорлар мафкураси феодаллар, улар ичидаги табақалар: дворянлар, граф, маркиз, герцог ва ҳоказоларнинг асилзодалиги, улар олий ирк вакиллари экани маъбудлар иродаси билан белгиланганини асослашга хизмат қилар эди. Деҳқонларнинг тўла тизим шаклига келмаган мафкурасида эса адолатли подшо, меҳрибон заминдор тўғрисидаги орзу-умидлар ифодаланар эди. Айни пайтда бу мафкура бешафкат хўжайинларни қоралар эди. Кўриниб турганидек, кулдорлар мафкураси фақат кулдорлар манфаатини, заминдорлар мафкураси феодаллар манфаатини ифода ва ҳимоя қилар эди. Бу мафкуралар эзилаётган муқобил синфлар: куллар ва деҳқонлар манфаатини мутлақо ўйламас эди.

Капитализм даврида ишчилар капиталистлар билан шаклан тенг ҳуқуқларга эга бўлишди. Уларнинг ҳуқуқӣ ҳолати ва маишӣй турмуши

деҳқонларникига қараганда шаклан анча юқори эди. Лекин улар ҳам тирикчилик қилиш учун ўзларининг куч ва қобилиятларини сармоядорларга сотишга мажбур эдилар. Капиталистик тузумнинг дастлабки босқичларида ишчилар жуда чекланган миқдордаги шахсий мулкка эга эдилар, уларнинг асосий кўпчилиги қашшоқ турмуш кечирар эди. Бундай ҳолат жамиятдаги ижтимоий ларзаларга барҳам бера олмасди.

Ишчилар ва деҳқонларнинг исёнлари янги даврда ҳам давом этаверди. Капиталистлар мафкураси сармоядорларнинг манфаатини кулдорлар ва феодаллар мафкураси сингари ниқобсиз ифодаламас эди. Бу мафкура энди ҳукмрон синф манфаатини пардали тарзда ҳимоя қила бошлади. Яъни энди капиталистларнинг бойлиги уларнинг ақли заковати, ҳаракатчанлиги, ишчанлиги, топқирлиги каби сифатлари билан изоҳлана бошланди. Ишчилар ҳам ақл-заковатини ишга солса, ишчан ва топқир бўлса бемалол бойиб кетиши мумкинлиги тарғиб қилинди.

Капитализмнинг дастлабки босқичларида шаклланиб улгурмаган ишчилар мафкураси кейинчалик тизим ҳолига кела бошлади. Ана шундай тизимлардан бири социалистик революция назарияси эди. Бу мафкура гўё ишчилар манфаатини акс эттирса ҳам, муқобил синф –капиталистларни фақатгина қоралаб қолмай, уларни бутунлай, таг-томири билан йўқ қилишга чақирар эди.

Кўришиб туриптики, ижтимоий синфларнинг мафкуралари фақат шу синф манфаатларини кўзлаб яратилган. Мафкураларнинг синфий хусусиятга эга бўлиши синфлар ўртасидаги зиддиятларни юмшатмаган, балки бу зиддиятларнинг кескинлашувига хизмат қилган. Синфий манфаатлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви ижтимоий ларзаларга олиб келган. Бирорта ҳам синфий мафкура муқобил синф манфаатлари тўғрисида бироз бўлса ҳам бош қотирмаган. Социалистик революция назарияси ишчилар манфаатини ифодаловчи ягона ҳақиқий назарияликка даъво қилса ҳам, аслида ишчиларнинг ҳақиқий манфаатлари капиталистларни йўқ қилишда эмас, улар билан келишувга эришишда эди. Лекин у пайтда тараққиётнинг мана шундай йўли ҳам мавжудлиги ҳали англалмаган эди.

Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва исёнлар капиталистларни бироз ён босишга ундади. Улар ишчи аристократияси, деб аталган қатламга бироз имтиёзлар бердилар. Лекин бу ҳолат ҳам исёнларга барҳам бера олмади. Исён ва кўзғолонлар давом этаверди. Ана шундай исёнларнинг юқори чўққиларидан бири Октябрь тўнтариши бўлди. Бу тўнтариш доҳийлари эксплуатация йўқ қилинган янги социалистик тузум қурилгани тўғрисида бонг уришса ҳам аслида эксплуатация тугатилмади. Капитализм даврида ишчиларни эксплуатация қилиш натижасида вужудга келган қўшимча қийматни капиталистлар ўзлаштирган бўлса, энди ишчилар меҳнати туфайли яратилган қўшимча қийматни марказ, давлат ва унинг амалдорлари ўзлаштира бошлади.

Социалистик тузум, деб аталган тузум аслида капиталистик муносабатларнинг янги шакли-давлат капитализми бўлиб чиқди. Бу тузум

даврида ишчиларни эксплуатация қилишдан ташқари, чекка ўлкаларни хомашё базасига айлантирилди ва шу шаклда миллий эксплуатация ҳам давом этаверди. Эксплуатацияга қарши норозиликларни бостириш учун кучли репрессия аппарати ташкил этилди. Бунинг оқибатида нафақат алоҳида шахслар, балки бутун халқлар қатағонга учради. Бир қатор халқларнинг ўз ватанларидан депортация қилиниши бунга мисол бўлади. Лекин бу депортация қилинмаган халқлар эмин-эркин яшаганини англамайди. Уларнинг депортация қилинмагани давлатнинг уларга нисбатан бағрикенглиги ва ён босиши эмас, уларнинг ўз юртларида давлатга кўпроқ манфаат келтириши мумкинлиги туфайли эди. Эксплуатацияга нисбатан норозиликлар ўтган асрнинг 80-йилларига келиб саноат ривожланган худудларда забастовка ва стачкалар шаклида намоён бўлди. Саноати унчалик ривожланмаган чекка худудларда эса аҳолининг норозилиги стихияли тарзда миллатлараро тўқнашувлар тарзида юз берди. Бизнинг юртимизда ана шундай зиддиятларнинг тадрижи Президент Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида жуда ишончли ва таъсирчан тарзда очиб берилган.

Иш берувчи сармоядорлар билан ёлланма ишчилар ўртасида XX аср бошларигача том маънодаги шериклик мавжуд бўлмаган. Уларнинг манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар кўпинча забастовкалар, стачкаларга ва исёнларга айланиб кетган.

XX асргача мавжуд бўлган шериклик алоҳида шахслар ва кичик гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб келган бўлса, ижтимоий шериклик катта ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни тартибга сола бошлади. Масалан, иш берувчи сармоядорлар билан ёлланма ишчиларнинг манфаатлари ўртасидаги асосий зиддият шундан иборат эдики, сармоядорлар ёлланма ишчиларни кўпроқ ишлатиб камроқ ҳақ тўлашдан, ёлланма ишчилар эса камроқ ишлаб кўпроқ ҳақ олишдан манфаатдор эдилар. Бу зиддиятни таҳлил қилган Маркс уни ҳал қилишнинг йўли фақат битта-социалистик революцияни амалга ошириш, деган хулосага келган эди. Шу хулоса асосида у социалистик революция тўғрисидаги назарияни яратди. Бу назарияга кўра ёлланма ишчилар комфирқа атрофига бирлашиб революция қилишлари, сармоядорларнинг барчасини кириб битиришлари ва мамлакатда пролетар диктатурасини ўрнатишлари керак эди. Маркснинг яна бир хулосаси социалистик революция барча мамлакатларда ғалаба қозониши ва коммунистик жамият қурилиши тўғрисидаги назария эди.

Ана шу назария асосида Россияда 1917 йил октябр ойида давлат тўнтариши амалга оширилди ва пролетар диктатураси ўрнатилди. Бу ҳодиса гўё Маркснинг социалистик революция назарияси тўғрилигини тасдиқлаётгандай туюлар эди. Аслида бу ҳол Маркс назариясининг тўғрилиги туфайли эмас, инсоният ҳали тараққиётнинг бошқа йўли-ижтимоий шериклик йўли ҳам мавжудлигини кашф этиб улгурмагани туфайли вужудга келган эди.

Ўтган асрнинг 20- ва 30-йилларидаги қатағонлар, миллионлаб одамларнинг ёстиғи қуритилиши ана шу социалистик революция

назариясининг меваси эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин собиқ иттифоқда амалга оширилган империалистик сиёсат, якка партия ва якка миллатнинг ҳукмронлиги, миллий республикаларнинг кўпчилиги марказга хомашё етказиб берадиган ўлкаларга айлантириб қўйилиши ҳам октябрдаги давлат тўнтаришининг мудҳиш акс-садоси эди.

Ижтимоий шериклик ғояси марксизмнинг муқобили сифатида майдонга чиқди. Унинг вужудга келишига кучли туртки берган ҳодисалардан бири Октябрь тўнтариши бўлди. Ўтган асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йилларида собиқ иттифоқда юз берган қатағонлар пролетариат диктатураси қандай даҳшатли оқибатларга олиб келишини кўрсатди. Кейинчалик пролетариат диктатурасининг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги бошқа бир қатор мамлакатларда ҳам намоён бўлди. Энди Ғарб мамлакатларидаги сиёсатчилар ва жамиятшунос олимлар социалистик реолюция ва пролетариат диктатурасига муқобил бўлган ғояларни зудлик билан излашга тушди. Ана шундай ғояни топиш учун уларга мулкдорлар ва давлат ҳокимияти органлари буюртма беришди. Бу йўналишда Ғарб социал-демократлари бир қатор муваффақиятларга эришди.

XX асрнинг ўрталарида Т.Парсонс ва Ю.Хабермаслар томонидан яратилган консенсус назарияси ижтимоий шерикликнинг кенг миқёсда ёйилишига катта туртки берди. Бу назария ижтимоий шартнома назарияси ўрнига келиб, ижтимоий шерикликнинг назарий методологик асоси вазифасини бажара бошлади.

Ижтимоий шериклик бозор муносабатларига ўтиш ва демократик институтларни ривожлантиришнинг муҳим шarti эканини жаҳон амалиёти тасдиқлади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бозор ислохотларини чуқурлаштириш учун ижтимоий шериклик тамойилларини кенгроқ ва тўлароқ тадбиқ қилиш зарур бўлди. Ана шу зарурат Президент Ислом Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да аниқ ва яққол кўрсатиб берилди. Президент Концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошира бориб 2014 йилда мамлакатимизда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва у 2015 йил 1 январидан кучга кирди. Бу Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда ижтимоий шерикликни ҳаётга тадбиқ қилишда муҳим босқич бўлди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий шериклик соҳасидаги ишларнинг яқунланганини эмас, янги масъулиятли босқич бошланганини англатади.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда ижтимоий шерикликнинг турли жиҳатларини тадқиқ қилишга киришилганда собиқ шўролар иттифоқида бу масалага умуман эътибор берилмади. Бунинг сабаби шундаки, собиқ шўролар тузумида ҳукмрон бўлган синфий кураш назарияси ижтимоий шерикликни инкор қилар эди. Ижтимоий шерикликнинг меҳнат муносабатларинини тартибга солиш имкониятлари ҳам инкор қилиниб, бундай муаммолар фақат капиталистик ижтимоий муносабатларга хос, деб эълон қилинган эди.

Ижтимоий шерикликка қизиқишнинг ўсишини таъминлаган ижтимоий муаммолар XX аср охирларидан бошлаб социалистик лагер, деб аталган тизимнинг парчаланиши, кўпчилик мамлакатларда трансформация жараёнларининг бошланиши ҳамда кучайиши эди. Собиқ социалистик тузумнинг емирилиши ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликнинг тикланиши, мулкдор ва сармоядорлар синфи ҳамда учинчи сектор- нодавлат нотижорат ташкилотларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди.

Собиқ иттифокда нодавлат ташкилот деб аталадиган касаба уюшмалари, овчилар жамияти, ихтирочилар уюшмаси сингари ташкилотлар мавжуд бўлса ҳам амалда улар ҳукмрон партия кўрсатмаси билан тузилар ва шу партиянинг кўрсатмалари доирасидан четга чиқа олмас эди. Мустақиллик даврида вужудга келган нодавлат нотижорат ташкилотлар ўзларининг фаолиятини ижтимоий шериклик тамойилларига асосланиб олиб бора бошлади. Бундан ташқари, аҳолининг қўллаб-қувватлашига эришиш учун ҳокимият органлари вакиллари ҳам ижтимоий шериклик технологияларига муурожаат қила бошлади. Дастлаб меҳнат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида шаклланган ижтимоий шериклик ҳозирги кунда турли ижтимоий гуруҳлар, субъектлар ва жамоаларнинг ўзаро муносабатларини ҳам тартибга солишга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, ижтимоий шериклик кўпроқ стратегик режалаштириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ҳамда бошқарув қарорлари қабул қилишда борган сари кўпроқ ва муҳимроқ рол ўйнамоқда.

Ижтимоий шериклик ҳозирги кунда жаҳондаги кўпчилик мамлакатларнинг Меҳнат кодексларида, мамлакатларни стратегик ривожлантиришга алоқадор ҳужжатларда, турли соҳаларга оид услубий тавсиялар ва меъёрий ҳужжатларда мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Ижтимоий шериклик XX аср охири ва XXI аср бошларида сиёсий барқарорликни таъминлашда, жамиятда янгича инсоний муносабатларни шакллантиришда борган сари кўпроқ ва муҳимроқ рол ўйнамоқда. Шуларнинг бари ижтимоий шерикликни фанлараро ёндашув асосида чуқур, атрофлича ва жиддий таҳлил қилиш заруратини вужудга келтирди. Бу муаммони тадқиқ қилишда социология, фалсафа, иқтисодиёт, ижтимоий психология, ва сиёсатшунослик сингари қатор фанларнинг тадқиқот методологиялари ва категорияларидан фойдаланилмоқда.

Ижтимоий шериклик даставвал меҳнат муносабатларини тартибга солиш мақсадида вужудга келган бўлса ҳам, ҳозиги кунда унинг фаолият юритиш соҳалари меҳнат муносабатлари доирасидан анча четга чиқади.

XX аср охири ва XXI аср бошларида “секторлараро ижтимоий шериклик” концепцияси кўп мамлакатларда, шу жумладан МДҲга аъзо мамлакатларда кенг тарқала бошлади. Мазкур концепцияга кўра, ижтимоий шериклик субъектлари ҳокимият, бизнес ва нодавлат нотижорат ташкилотлар вакилларида иборат. “Секторлараро ижтимоий шериклик” икки ёки уч сектор: давлат, бизнес, нотижорат сектор ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда ўзаро келишилган конструктив ҳаракатларни амалга оширишни ифодалайди. Республикамизнинг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”

Қонунида ижтимоий шериклик субъектлари ҳақидаги 3-бобида шундай дейилади: “Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир”¹.

Шуни унутмаслик керакки, Республикаимизнинг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунида ижтимоий шериклик субъектлари давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари деб кўрсатилиши мамлакатимизда меҳнат муносабатларида ҳам ижтимоий шериклик мавжудлигини инкор қилмайди. Меҳнат муносабатлари соҳасидаги ижтимоий шериклик масалаларини Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат Кодекси” ва ўттиздан ортиқ қонунлари ва бошқа меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлари тартибга солади. Бу ҳақда “Меҳнат Кодекси”нинг 1-моддасида шундай ўдейлади: “Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади”².

Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик муносабатлари мамлакатимизда дунёниг кўп мамлакатларида бўлгани сингари бипартизм (икки томонлама) шаклида, масалан, жамоа шартномалари ҳамда трипартизм (уч томонлама) масалан, иш берувчилар, ёлланма ишчи ва хизматчилар ҳамда давлат ҳокимияти органлари ёки уларнинг вакиллари иштирокида олиб борилмоқда. Мамлакатимизда 2011 ва 2014 йилларда ижроия ҳокимияти (Вазирлар Маҳкамаси), бизнес вакиллари (Савдо-саноат палатаси) ҳамда ёлланма ишчи ва хизматчилар (Касаба уюшмалари Федерацияси) тонидан имзолаган “Бош келишув”лар ҳам меҳнат муносабатлари соҳасидаги ижтимоий шериклик ҳам мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий асосда олиб борилаётганидан далолат беради.

3. Ижтимоий шерикликнинг назарий асослари

Ижтимоий низоларни тизимли таҳлил қилиш бўйича дастлабки уринишларни италиялик давлат арбоби ва назариётчи Никколо Макиавелли амалга оширган эди. У биринчилардан бўлиб низоларнинг фақат вайронкор эмас, балки яратувчилик функциялари ҳам мавжудлигига эътибор қаратди. Бунда у низоларга тўғри таъсир ўтказиш зарурлигини таъкидлади. Унинг фикрига кўра бундай вазифани давлат бажариши лозим эди.

Ижтимоий меҳнат муносабатлари тизимини биринчилардан бўлиб англиялик Фрэнсис Бэкон назарий таҳлил қилди. У ижтимоий табақаларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда

² Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат Кодекси”, Тошкент, “Адолат” нашриёти, 2008 йил, 4-бет.

фикрларини менсимаслик, бошқарув жараёнидаги хатоликлар, миш-мишлар ва ғийбатларнинг тарқалиши жамиятдаги низоларнинг пайдо бўлишига олиб келишини далиллар билан кўрсатиб берди.

Одамлар ўртасида ижтимоий шартнома тузиш зарурлиги ғояси Томас Гоббснинг асарларида баён қилинди. Мазкур шартнома жамиятнинг ўзини ўзи ҳимоя қилиши ҳамда хусусий мулкнинг абадий бўлишига хизмат қилади. Унинг “Левиафан”, “Фуқаролар ҳақидаги таълимотнинг фалсафий элементлари” асарларида ижтимоий шартномага эришиш зарурлиги асослаб берилган. Бундай шартнома умумий келишув ҳамда хусусий мулкнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Янги даврга келиб маърифатпарвар файласуф Жан-Жак Руссонинг ижтимоий шартнома тўғрисидаги ғоялари кенг тарқалди. Унинг асарларида ижтимоий шартнома одамлар ўртасида йўқотилган ижтимоий муносабатларнинг уйғунлигини, ўзаро келишув ва тинчликка интилишни қайта тиклайди.

Ёлланма ишчи ва иш берувчи капиталист ўртасидаги ўзаро муносабатлар Адам Смит асарларида илк бор таҳлил қилинди. Хўжалик юритишнинг асосий мақсади фойда олиш эканини эътироф этар экан, у эркин рақобат, хусусий мулк ҳумронлиги, савдо-сотик эркинлиги, давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги иқтисодий ҳаётнинг “табиий тартиби” деган хулосага келди. Унинг фикрига кўра, ёлланма ишчилар ва кпиталистлар ўртасидаги ўзаро кураш жамиятнинг ривожланиб бориши манбаи, рақобат эса инсоният учун фаровонлик келтирувчи ҳодисадир.

Немис файласуфлари Лейбниц ва Иммануил Кант фикрига кўра одамлар ўртасидаги мурося ва тинчлик ижтимоий-иқтисодий ҳаётда шартнома ва компромиссга эришиш асосида таъминланиши лозим. Товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро маҳсулот алмашиш ғояси ҳамда турли ижтимоий кучлар ўртасидаги кураш муаммоларини Пьер Жозеф Прудон томонидан тадқиқ қилинди.

Франциялик олим Луи Огюст Бланки капиталистик жамиятни танқид қилар экан тарихий тараққиётни маърифатнинг тарқалиши ва шу асосда маданий-ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши сифатида талқин қилди. Ижтимоий шерикликнинг назарий концептуал асослари ижтимоий ҳаракат назарияси, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий келишув, ижтимоий жипслик тўғрисидаги ғоялар асосида шаклланди.

М.Вебер фикрига кўра анъанавий ҳаракат таҳлил қилиш ҳамда оқилона танқид қилиш мумкин бўлмаган маданий анъаналарда мустаҳкамланган хулқ-атвор намунасиدير. Ҳаракатнинг мазкур типи аҳамияти одамларнинг кундалик хулқ-атвори кўпинча ана шу тарзда юз бериши билан белгиланади. Бундай ҳаракатларда ҳал қилувчи ролни урф-одатлар, турли даражада анланган одатларга садоқат ўйнайди.

Ижтимоий ҳаракат назарияси америкалик социолог Парсонс томонидан тадқиқ этилди. У субъектларнинг ўзаро таъсири механизмларини тадқиқ қилди. Бунда у кўпчилик томонидан эътироф этилган меъёрлар, хулқ-атвор андозалари фаолиятнинг ички мотивларига айланиши жараёнига алоҳида

аҳамият берди. Мувозанат, консенсус, ижтимоий тизимнинг меъёрий ҳолатидаги энг муҳим белгилар эканига эътибор қаратар экан Т.Парсонс ана шу ҳолатни назорат қилиш ва тартибга солиш жараёнларига катта эътибор берди. Унинг фикрича, айнан ана шу жарёнлар жамиятни кўнгилсиз низолардан ҳимоя қилади. Унинг тадқиқотларида консенсус муаммоси ўзаро келишилган ҳаракат йўллариани излаш билан бевосита боғлиқ тарзда тадқиқ этилади. Бундай ўзаро таъсир шерикларнинг ўзаро экспектацияларига, яъни бир-бирларидан кутаётган ҳаракатлар ва натижаларга асосланади.

Ижтимоий шерикликнинг назарий ва ташкилий асосларидан бири бўлган консенсусни немис социологи Ю.Хабермас демократиянинг муқобили сифатида талқин қилади. Унинг талқинида демократик усул жамоа ва жамиятни иккига: кўпчилик ва озчиликка бўлиб қўяди. Консенсус эса бўлинган жамоа ва жамиятни бирлаштиради. Бунга у ҳал қилинаётган муаммога нисбатан кўпчиликнинг фикрини аниқлаш йўли билан эмас, барча томонлар қарши бўлмаган ечимни топиш йўли билан эришади. Консенсусга эришиш учун манфаатлари ва ёндашувлари бир-бирига унчалик мос келмаётган томонлар ҳеч бир томон қарши бўлмаган ечимни топишга ҳаракат қилишлари ва топишлари керак.

Консенсус моҳиятан келишувни билдиради. Лекин унинг XX асргача мавжуд бўлган келишувлардан фарқи шундаки, у келишувга эришишнинг янги самарали амалиётини яратди. Унга кўра манфаатлари бир-бирига мос келмайдиган томонлар ўзаро муносабат ва музокарага киришар экан, улар аввало бир-бирларига ён босишлари керак. Қолаверса, улар барчани қониқтирадиган, ҳеч бўлмаганда ҳеч қайси томонда қаршилиқ уйғотмайдиган ечимни топишга ҳаракат қилишлари ва топишлари лозим. Бундай ечимнинг топилиши консенсусга эришганликни билдиради.

Ижтимоий шериклик тарихи ва тадрижини қисқача кўриб ўтиш шундан гувоҳлик берадики, унгача мавжуд бўлган барча назария ва мафкуралар фақат у ёки бу синф, ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифодалаган. Ижтимоий шериклик назарияси муносабатга киришувчи барча ижтимоий гуруҳлар манфаатини уйғунлаштирилгандагина жамиятда тотувлик ва ижтимоий барқарорлик вужудга келиши мумкинлигини асослайди. Шунинг учун бу назария у ёки бу синф назарияси эмас, ўзаро муносабатларга киришаётган барча ижтимоий гуруҳлар манфаатларини уйғунлаштириш орқали ифодаладиган назария ҳисобланади. Ижтимоий гуруҳлар манфаатларини уйғунлаштириш фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим шarti ва асоси ҳисобланади.

Ижтимоий шериклик жараёнида ўзаро таъсирнинг энг муҳим белгиларидан бири консенсусга йўналтирилганликдир. Бу белги ижтимоий субъектларнинг мақсадлари ва манфаатларини мавқеларни ўзаро яқинлаштириш орқали рўёбга чиқаришни назарда тутди. Бу жараён томонларнинг босим ўтказишга мойиллигини инкор қилади. Томонлардан бирининг босим ўтказишга интилиши бир зумда ижтимоий шерикликни йўқ қилиб уни ўзаро курашга айлантиради.

Ижтимоий шерикликнинг жуда муҳим белгиларидан бири эркин фикр алмашишнинг кафолатланганлиги, томонлар ўзининг меъёрий кадриятли тизимларини эркин тақдим қила олиши ҳисобланади.

Ижтимоий шериклик назарияси низолар муаммоси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда вужудга келади. Чунки ижтимоий шериклик низоларни ҳал қилиш жараёнида вужудга келади ва низоларни ҳал қилиш учун хизмат қилади. Ижтимоий шериклик низолар туфайли юзага келади, низолардан ўсиб чиқади. Бу жараён низоларни бошқариш ҳамда манфаатларни келиштириш асосида ҳал қилишга интилиш босқичида, шунингдек, компромиссга, консенсусга интилиш босқичида юз беради.

Ижтимоий шерикликнинг жамият ҳаётига кенг тадбиқ этилиши ўзидан автоматик тарзда юз берадиган ҳодиса бўлмай, атрофлича ва пухта ўйлаб амалга ошириладиган сиёсат натижасидир. Мамлакатимизда бундай сиёсатни Президент Ислом Каримов ишлаб чиқди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ислохотларнинг негизида ётган беш тамойил ижтимоий шерикликнинг жамият ҳаётида илдиз отиши учун шароит яратди.

Ижтимоий шериклик турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатларини максимал даражада ҳисобга олиш, мувофиқлаштириш ва имкон борича тўлароқ рўёбга чиқаришни назарда тутди.

Ижтимоий шериклик моҳият эътибори билан жамиятда консенсус ва осойишталик ўрнатилишига, шунингдек, турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ўртасидаги тарангликларни юмшатишга, турли даражадаги ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида сиёсий бирдамликни шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

Ҳар қандай мамлакат ҳудудида аҳолининг кўпчилиги манфаатларини кўзлайдиган адолатли ижтимоий тартиботларни жорий этиш фақатгина давлат органларининг иши эмас. Жаҳон тарихи гувоҳлик беришича, ижтимоий низоларни алоҳида ҳолда давлат ҳам, оила ҳам, бозор муносабатлари ҳам ҳал этолмайди. Фақатгина ижтимоий шериклик, яъни ижтимоий-сиёсий майдондаги турли кучларнинг конструктив мулоқотигина инсонларга хос турмуш кечириш имкониятларини бериши мумкин. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ижтимоий шериклик муносабатларини ҳаётга тадбиқ этишнинг асосий мақсади давлат ва фуқаролик жамиятлари ўртасида катта ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорликни таъминлашдир.

Ўзаро ҳамкорлик жамиятда мавжуд бўлган қашшоқлик, жиноятчилик, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, етимлик сингари ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун зарур. Бу жараёнда иштирок этаётган барча томонлар ана шу муаммоларни ҳал этишда ўзларининг масъулиятларини ҳис этишлари лозим. Айни пайтда улар бу муаммоларни ҳал этиш учун турлича имкониятлар ва турлича тасаввурларга эга. Ана шу турличалик, ўзаро тафовутлар, баъзи зиддиятларга қарамай ўзаро шериклик муносабатларини ўрнатиш мумкин ва зарур.

Ижтимоий шерикликнинг муҳим қирраларидан бири ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўллари ва усулларини биргаликда топиш, бу муаммоларни ечишга кенг жамоатчиликни жалб этиш ҳамдир.

Ижтимоий шерикликнинг тадбиқ этилиши давлатнинг кучли, барқарор ва самарадор бўлишига олиб келади, чунки у ҳокимиятнинг мақсадлари ва ҳаракатларини кенг жамоатчилик томонидан маъқулланиши, қўллаб-қувватланишини таъминлайди. Ижтимоий шериклик ғоялари кенг халқ оммаси мақсадлари ва манфаатларига яқин бўлиб, тегишли тушунтириш ишлари олиб борилганда, у кўпчилик аҳоли томонидан қўллаб-қувватланади. Бу тамойил халқни ҳокимият билан яқинлаштиради, адолатли, самарали жамият шаклланишига кўмаклашади.

Демократик тамойилларга амал қиладиган давлатнинг мақсади ҳуқуқий давлатни шакллантиришдир. Ҳуқуқий давлат фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Кўнгилли жамоат бирлашмаларида, касаба уюшмаларида, хайрия жамғармалари ва бошқаларда иштирок этиш ҳар бир фуқаронинг шахсий иши бўлса ҳам, аслида у жамият ва шахснинг муносабатлари даражасини кўрсатадиган индикатор ҳисобланади. Бундай бирлашмаларда иштирок этиш бир томондан шахсий иш бўлса, иккинчи томондан, улкан сиёсий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий ҳодисадир. Фуқаролар ўз эркинликлари ва ҳуқуқларидан фойдаланиб, жамоат бирлашмаларига аъзо бўлар экан, ўз зиммаларига муайян масъулият ва мажбуриятни оладилар. Жамоат бирлашмаларига аъзо бўлишдан аввал фуқаролар ўша бирлашмаларнинг мақсадлари, тамойиллари, стратегия ва тактикаларидан хабардор бўлишлари зарур.

Жамиятда мавжуд муаммоларни аниқлаш, ифодалаш ва тегишли ташкилотларга етказишда жамоат бирлашмалари муҳим роль ўйнайди. Уларнинг масъулияти ҳам худди мана шунда, яъни муаммони аниқлаш ва давлат ёки бизнес вакилларига етказишда кўринади. Ана шу бирлашмалар фаолиятида иштирок этар экан, фуқаролар муайян муаммолар тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлади ва бу маълумот уларнинг зиммасига муаммони ечиш йўллариини излаш, ундан давлат ҳокимияти органлари ва бизнес вакилларини тегишли тарзда хабардор қилиш масъулиятини юклайди. Фуқароларнинг мана шу жараёнда фаол иштирок этиши ижтимоий шерикликнинг ҳаракатга келтирувчи кучи ҳисобланади.

Ижтимоий шериклик субъектларидан бири бўлган давлатнинг функциялари ана шу шерикликни ривожлантириш учун ҳуқуқий ва иқтисодий стимуллари яратишдан иборат. Ўзбекистонда давлатнинг энг муҳим функцияларидан бири жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар ва катламлар ўртасидаги мувозанатни ва диалогни сақлаб туришдир. Давлат томонидан ўтказилаётган кучли ижтимоий сиёсат аҳолининг муайян гуруҳлари ҳаддан ташқари бойиб кетиши, бошқа гуруҳлар эса қашшоқлашиб кетишининг олдини олиб туради. Бундай сиёсатнинг мақбуллиги шундаки, жуда бой ва жуда қашшоқ гуруҳлар ўртасида нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва маданий тафовутлар келиб чиқади. Бундай тафовутларнинг кучайиши эса, зиддиятларга, ижтимоий ларзаларга олиб келиши мумкин.

Ижтимоий шериклик турли мамлакатларда умумий хусусиятлар билан бир қаторда миллий ўзига хосликларга ҳам эга бўлади. Кўпинча ижтимоий шериклик тушунчаси ижтимоий онгда адекват тарзда акс этмайди. Чунки, ижтимоий шерикликни тўла ва чуқур тушуниш учун ижтимоий фанлар, хусусан, социология, ижтимоий фалсафа, ҳуқуқшунослик фанлари бўйича муайян билимларга эга бўлиш тақозо этилади. Баъзан ташкилотлар ичидаги ёки ташкилотлар ўртасидаги ҳар қандай ҳамкорликни ижтимоий шерикликнинг кўриниши сифатида қабул қилинади. Аслида бу ҳақиқатга унчалик тўғри келмайди. Бундай ҳамкорлик оддий шерикликнинг кўринишидир. Ижтимоий шериклик, юқорида таъкидланганидай, катта ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги шерикликни англатади.

Ҳозирги кунда ижтимоий шерикликнинг моҳияти ижтимоий-сиёсий майдондаги кучлар: давлат тузилмалари, тижорат корхоналари ва нотижорат ташкилотлари ўртасидаги конструктив алоқадорлик сифатида англашилади. Ижтимоий фанларда бу кучлар 1-, 2- ва 3-сектор номлари билан юритилади. Ижтимоий шериклик ҳар уч сектор вакиллари ўртасида ҳамкорлик пайдо бўлганда ва бу ҳамкорлик ҳар уч гуруҳ ва жамият учун манфаатли экани англашилганда вужудга келади.

Ижтимоий шерикликнинг қўйидаги муҳим элементларини кўрсатиш мумкин: ижтимоий муаммо; шерикларнинг манфаатлари ва шерикликнинг ҳуқуқий асосланиши; ўзаро таъсир ва ўзаро назоратнинг қоидалари ишлаб чиқилгани; ижтимоий шериклик жараёнларини ёритадиган ахборот майдони мавжудлиги; томонларнинг ўзаро жипслашиши учун лойиҳаларнинг мавжудлиги; ижтимоий шериклик жараёнининг барқарорлиги ва доимийлиги; ижтимоий муаммоларни ечишнинг инновацион усулларини излаш ва топиш; ижтимоий муаммонинг барча томонлар учун муҳимлиги; шерикларнинг манфаатларини аниқлаш ва ҳисобга олиш; фаолият мақсади ва вазифаларини биргаликда белгилаш; ҳамкорлик жараёнида амал қилиши зарур бўлган аниқ қоидаларни ишлаб чиқиш; ҳамкорлик алоҳида-алоҳида ҳаракат қилишга нисбатан бир неча баробар самарали бўлиши мумкинлигини барча томонлар тўла англаб етиши.

Ҳар қандай кооперация ҳам ижтимоий шерикликка мисол бўла олмайди. Чунки, кооперацияга томонлар ўзларининг мақсадларига эришиш учун бирлашадилар. Масалан икки ёки ундан ортиқ хусусий корxonанинг муайян фаолият турларини биргаликда амалга ошириш тўғрисида тузган битими ижтимоий шериклик эмас. Бу иқтисодий шерикликдир. Ижтимоий шериклик кўпқиррали ҳодиса бўлиб сиёсий жиҳатлардан ташқари маънавий, ахлоқий, фалсафий жиҳатларга ҳам эга. Уни ижтимоий амалиётга тадбиқ қилиш учун жамиятда бағрикенглик кенг тарқалган бўлиши тақозо этилади.

Бағрикенгликнинг амалий аҳамияти қай даража катта эканини шундан ҳам билиш мумкинки, бир қатор шахслараро муносабатларгина эмас, гуруҳлараро муносабатларни ҳам унинг ёрдамсиз йўлга қўйиб бўлмайди. Масалан, ижтимоий шериклик муносабатларига киришаётган гуруҳлар ва шахсларда бағрикенглик сингари маънавий-ахлоқий сифат бўлмаса, унинг қарор топиши бениҳоя қийинлашади.

Ижтимоий тараққиёт интенсивлашаётган ва давлатлараро муносабатлар мураккаблашиб кетаётган ҳозирги даврда бағрикенглик гуруҳлар ва давлатлараро муносабатларни тартибга солишда, жамиятда миллатлараро, ижтимоий гуруҳлараро, динлараро тинч-тотувликни таъминлашда борган сари улканроқ аҳамият касб этмоқда.

Бағрикенглик аҳамиятининг ортиб бориши унинг умуминсоний кадриятлар билан узвий боғлиқлиги туфайли ҳам юз бермоқда. Мазкур кадриятлар асносида бағрикенглик шахслараро ва гуруҳлараро муносабатларнинг кўпчилик томонидан энг мақбул, деб ҳисобланадиган йўли сифатида намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам катта ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш механизми бўлган ижтимоий шерикликнинг ижтимоий ҳаётда қарор топиши кўп жихатдан бағрикенгликнинг ижтимоий гуруҳлар фаолияти тамойили сифатида қандай ўрин эгалланганига боғлиқ бўлмоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси инқилобий йўл эмас, ижтимоий шериклик мамлакатларни фаровон ҳаётга олиб келиши мумкинлигини кўрсатди. Биз ана шу шериклик йўлини танладик. Лекин бу Ғарб мамлакатлари тажрибасини механик тарзда Ўзбекистонга кўчиришни англамайди. Мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ислохотлар ўтказиш Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва ҳозир дунёда ўзбек модели номи билан машҳур бўлган моделда ўз ифодасини топган.

4. Ўзбекистонда ижтимоий шериклик назариясининг бойитилиши ва амалиётининг ривожлантирилиши

Инсоният тарихида буюк роль ўйнаган ижтимоий шериклик назарияси Мустақил Ўзбекистонда ҳаётга кенг тадбиқ этила бошлади. У ҳаётга нафақат тадбиқ этилди, балки унинг назарий асослари бойитилди ва амалий жихатлари ривожлантирилди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президент Ислом Каримов томонидан “Кучли давлатдан кучли жамият сари” шиори ўртага ташланди. Кучли жамият эса фуқаролик жамиятидир. Баъзан, “Нима учун бира тўла “Кучли давлатдан фуқаролик жамияти сари” шиори олға сурилмади?” деган савол ўртага ташланади. Даставвал “Кучли давлатдан кучли жамият сари” шиори ўртага ташланишининг сабаби шундаки, собиқ шўролар тузуми даврида “фуқаролик жамияти” тушунчаси умуман ишлатилмасди. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки йилларида бу тушунча мамлакатдаги кўпчиликка таниш эмасди. Агар ўша даврда “Кучли давлатдан фуқаролик жамияти сари” шиори ўртага ташланса, у кўпчилик учун тушунарли бўлмай қоларди.

Президент Ислом Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” Концепциясида ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонунни қабул қилиш зарурати тўғрисида сўз юритилар экан, жумладан шундай

дейлади: “Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркор.”¹

Ижтимоий шерикликнинг назарий масалалари Президент Ислон Каримовнинг қатор асарлари, нутқ ва мақолалари, хусусан, унинг зикр этилган Концепциясида чуқурлаштирилган бўлса, амалиётнинг ривожлантирилиши уни мамлакатимизда Президент раҳбарлигида амалга ошириш жараёнида юз берди. Президент Концепциясидан юқорида келтирилган иқтибосда ижтимоий шерикликнинг моҳияти, мақсадлари, вазифалари очиб берилган.

Тарихга қилинган қисқа экскурс асрлар давомида катта ижтимоий гуруҳлар ўртасида доимо зиддиятлар мавжуд бўлгани, бу зиддиятлар кўплаб марта қон тўкилишларни келтириб чиқаргани, исёнлар ҳукмрон синфлар томонидан аёвсиз бостирилганидан гувоҳлик беради. Тарихда ҳукмрон синфларнинг эзилувчи синфларга ён босишлари ҳам кузатилган. Лекин бу ён босишлар эпизодик характерга эга бўлиб тактик мақсадларда вақтдан ютиш ёки иложсизлик туфайли юз берган.

Тарихда синфларнинг манфаатларини уйғунлаштиришга чақириқлар ҳам бўлган, лекин ана шундай уйғунликни таъминлашга қаратилган мафкуралар бўлмаган. Ижтимоий шериклик синфий зиддиятларни юмшатиш, манфаатларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган мафкура эди. Бу мафкуранинг келиб чиқишига асосий сабаб меҳнат соҳасидаги муносабатлар эди ва бу мафкура биринчи навбатда меҳнат муносабатларини тартибга солиш мақсадида яратилди. Кейинчалик бу мафкура ривожланди ва бойитилди. Мустақил Ўзбекистон мисолида ижтимоий шериклик нафақат меҳнат муносабатларини, балки жамиятдаги мавжуд муносабатларнинг катта қисмини тартибга солиш вазифасини бажара бошлади.

Президент Ислон Каримов Концепциясида меҳнат муносабатларига урғу берилмаганининг сабаби ҳозирги кунда меҳнат муносабатларидаги антагонистик зиддият кўпчилик мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам бартараф этилганида. Бундан ташқари, меҳнат муносабатларини тартибга солишга йўналтирилган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий меъёрлар дунёнинг кўпчилик мамлакатларида мавжуд. Бундай ҳужжатлар орасида марказий

¹ Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.2010, 41-бет

ўринни “Меҳнат кодекси” эгаллайди. Ўзбекистонда бундай Кодекс 1995 йилда қабул қилинган эди. “Меҳнат Кодекси”дан ташқари яна кўплаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалалари кўриб чиқилган. Бундан чиқадиган хулоса шундаки, асосан тартибга солинган меҳнат муносабатларини яна бир марта тартибга соладиган ҳужжат ёки институт яратишга зарурат йўқ. Ижтимоий шериклик энди жамият олдида турган бошқа муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилиши лозим. Ислон Каримов Концепциясида ана шу муаммолар кўрсатиб берилган.

Президент Концепциясида “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш зарурати ҳақида гапирилган экан, асосий эътибор фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилади. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган фалсафа, социология, сиёсатшунослик ва бошқа фанларга оид адабиётларда асосий эътибор фуқаролик жамияти институтларининг моҳияти, миқдори, функциялари каби масалаларга қаратилган. Бундай институтлар фуқаролик жамиятининг негизини ташкил қилади. Бироқ негизнинг ўзи фуқаролик жамияти, дегани эмас. Бундай институтларнинг сони ўн минглаб ва юз минглаб бўлса ҳам фуқаролик жамияти қурилиб қолмайди. Фуқаролик жамияти вужудга келиши учун ана шу институтлар, давлат ҳокимияти органлари ва бизнес вакиллари ўртасида шериклик муносабатлари бўлиши шарт. Шу маънода айтиш мумкинки, ижтимоий шериклик фуқаролик жамиятига олиб борадиган асосий йўлдир.

Президент Концепциясида ижтимоий шерикликнинг ҳозирги кундаги асосий функцияси кўрсатиб берилди. Президентнинг кўрсатмалари Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунда ўзининг тўла ифодасини топди.

Ижтимоий шериклик назариясига Президент Ислон Каримов Концепциясида аниқлик ва янгиликлар киритилиши билан бир қаторда амалий соҳада ҳам мазкур назария ривожлантирилди. Бундай ривожлантириш ижтимоий шериклик субъектлари доирасини кенгайтириш ва уларнинг ўзаро муносабатларини ривожлантириш шаклида амалга оширилди. Холислик тақозосига кўра қайд этиш лозимки, XX аср охири ва XXI аср бошларида ижтимоий шерикликка нисбатан “секторларо ўзаро таъсир” назарияси ҳам вужудга келди. Бу назария тарафдорлари ижтимоий шерикликни меҳнат муносабатлари доирасидан ташқарига олиб чиқишди. Унга кўра ижтимоий шериклик субъектлари бўлган давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва бизнес вакиллари ижтимоий масалаларни ҳал қилишда ҳамкорлик қилишлари лозим. Мазкур назария тарафдорлари ҳар уч сектор вакилларининг ижтимоий масалаларни ҳал қилишда ўзаро тортишув ва мунозаралар жараёнида консенсусга келиб фаолият юритишларини назарда тутди. Ўзбекистонда ижтимоий шериклик субъектлари ўзаро муносабатларининг янгича шакли вужудга келди. Бу шакл томонларнинг ўзаро рақобатига эмас, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлигига асосланади.

Томонларнинг мана шундай муносабати ижтимоий шерикликнинг синергия эффектини вужудга келтиришига олиб келди.

Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга тадбиқ қилинган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўзбек моделининг асосий тамойилларидан бири-давлатнинг бош ислоҳотчи экани ижтимоий шериклик соҳасида ҳам ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида шўролар тузуми даврида ижтимоий ташаббуслари бўғилган ва шундай вазиятга кўникиб қолган аҳолининг тафаккур тарзини ўзгартириш зарур эди. Мустабид тузум даврида одамлар ижтимоий шериклик тўғрисида билим олиш ва кўникмалар ҳосил қилиш имконига эга эмас эдилар. Чунки у даврларда ижтимоий фанлар бўйича чоп этилган адабиётларда бу мавзу умуман тилга олинмас, олинган пайтларда эса фақат танқидий нуқтаи назардан ёритилар эди.

Шўролар даври ижтимоий-гуманитар фанларида ижтимоий шериклик ғайри илмий назария сифатида баҳоланар эди. Ана шундай кайфиятда тарбияланган одамлар ижтимоий шериклик муносабатларига мустақиллик кўлга киритилгандан кейин ҳам киришиб кетишлари қийин кечди. Шунинг хисобга олиб давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари кўллаб-қувватлана бошлади. Давлат даставвал фуқаролик жамияти институтлари эркин ҳаракат қилишлари учун меъёрий-ҳуқуқий базани тайёрлади. Бу ҳақда Президент Концепциясида шундай дейилади: “Айтиш керакки, фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларни тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан кўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Сўнгги йилларда «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди ва улар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармоқда¹.

Давлат фуқаролик жамияти институтлари эркин ҳаракат қилишлари учун меъёрий-ҳуқуқий базани тайёрлаш билан бир қаторда уларга иқтисодий жиҳатдан кўмак беришни ҳам кучайтириб борди. ННТларга кўрсатилаётган кўмак давлатнинг иқтисодий салоҳияти ошиши билан бирга кучайиб борди. Бу кўмак кейинги бирнеча йил давомида айниқса салобатли бўлди. 2010 йилда Президент “бундай кўмакнинг миқдори кейинги уч йилда ўн бир

¹ Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.2010, 40-бет.

миллиард сўмдан ортиқ ташкил қилди”, деб айтган бўлса, 2015 йилнинг ўзида бу кўмак ҳажми сўмни ташкил қилди.

Давлатнинг ННТларга ҳар томонлама кўмак кўрсатаётганининг сабабларидан бири шундаки, ННТларнинг асосий мақсади-аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш. Аҳолига ижтимоий хизматни давлат идоралари ҳам кўрсатади. Лекин ННТлар таркиби ихчамлиги ва бевосита аҳоли ташаббуси билан тузилгани сабабли уларнинг хизмати тезкор ва аниқ манзилга қаратилган бўлади. Бундан ташқари, ННТлар ижтимоий хизматлар кўрсатишга давлат бюджети маблағларидан ташқари хусусий сектор маблағларини ҳам грантлар, хайрия ишлари, бадаллар, волонтерлар фаолияти шаклида жалб этиш имкониятига эга. Ўзбекистонда давлат ННТларнинг мана шу хусусият ва имкониятларини ҳисобга олиб ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда. Давлатнинг кўмаги грантлар, ижтимоий буюртмалар, субсидиялар тарзида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг ўзига хос хусусиятлари, мақсадлари ва субъектлари “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур Қонуннинг 3-бандида бу ҳақда шундай дейилади: “Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир”¹⁷

Давлатнинг ННТларга кўрсатадиган кўмаги барқарор ва салмоқли бўлишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Шу қарор асосида ННТларга мўлжалланган грантлар миқдори ва ажратиладиган маблағ ҳажмининг ортиб бориши фуқаролик жамияти институтларининг тезроқ оёққа туриб олишлари ва фаоллигининг ортишида сезиларли роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий шерикликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида олиб бориладиган ишларга қисқача кўз югуртириб чиқишнинг ўзи ҳам бу масалада жаҳон фани яратган назария янги ёндашув билан бойитилгани, унинг бир қатор жиҳатлари аниқлаштирилгани, мазкур соҳа амалиёти эса жиддий бойитилганидан гувоҳлик бермоқда.

Назорат саволари:

1. Ижтимоий шериклик назарияси қачон шаклланди?

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда

2. Ижтимоий шериклик тўғрисидаги тред-юнионистик назариянинг моҳияти нимада?
3. Ижтимоий шериклик тўғрисидаги секторлараро назария тред-юнионистик назариядан нимаси билан фарқ қилади.
4. Ижтимоий шерикликнинг субъектлари кимлар бўлиши мумкин?
5. Ижтимоий шерикликнинг замонавий шакллари кўрсатинг

Тест саволлари:

1. Ижтимоий шериклик-бу:

- A. Ўқув юртлари ва спорт муассасалари ўртасида тузилган шартнома;
- B. Савдо ташкилотлари билан бизнес вакиллари ўртасида тузилган шартнома;
- C. Давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлиги;
- D. Давлат органлари билан маданият муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик.

2. Ижтимоий шерикликнинг назарий асослари-:

- A. Яшаш учун кураш ва табиий танланиш қонунлари;
- B. И.Павлов ва Ч.Дарвин назариялари
- C. Л.Фейербах, Прудон, Лассаль, Парсонс ва Ю.Хабермаснинг ижтимоий муносабатлар тўғрисидаги назариялари
- D. Нисбийлик назарияси ва Бойль-Мариотт қонуни.

3. Ижтимоий шериклик шакллари-:

- A) Солиқ органлари билан корхона ўртасидаги шартнома;
- B) Прокуратура ва ички ишлар органлари ўртасидаги шартнома;
- C) Бизнес ва маданият муассасалари ўртасидаги битим;
- D) Бипартизм ва трипартизм.

4. Ижтимоий шериклик субъектлари:

- A. Феодаллар ва крепостной деҳқонлар;
- B. Солиқ органлари ва бизнес вакиллари;
- C. Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари;
- D. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва маданият муассасалари ўртасидаги битим

5. XX асрнинг ўрталарида ким томонидан консенсус назарияси яратилган?

- A. Т.Парсонс ва Ю.Хабермас
B. P.Даль ва Т.Парсонс
C. Ю.Хабермас ва X.Аренд
D. X.Аренд ва P.Даль
- 6. Қайси файласуфлар одамлар ўртасидаги мурося ва тинчлик ижтимоий-иқтисодий ҳаётда шартнома ва компромиссга эришиш асосида таъминланиши лозим деган фикрни илгари сурган?**
- A. *Лейбниц ва Кант
B. Гегель ва Шпенглер
C. Маркс ва Энгельс
D. Ницше ва Розенау
- 7. Товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро маҳсулот алмашиш ғояси ҳамда турли ижтимоий кучлар ўртасидаги кураш муаммоларини ким томонидан тадқиқ қилинди?**
- A. *Прудон
B. Бакунин
C. Троцкий
D. Бланки.
- 8. Қайси олим капиталистик жамиятни танқид қилар экан тарихий тараққиётни маърифатнинг тарқалиши ва шу асосда маданий-ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши сифатида талқин қилади?**
- A. *Бланки
B. Прудон
C. Бакунин
D. Троцкий
- 9. Ким ўзининг асарларида ижтимоий шартнома одамлар ўртасида йўқотилган ижтимоий муносабатларнинг уйғунлигини, ўзаро келишув ва тинчликка интилишни қайта тиклайди.**
- A. *Руссо
B. Монтескье
C. Гоббс
D. Локк
- 10. Қайси олим ўз асарларида ёлланма ишчи ва иш берувчи капиталист ўртасидаги ўзаро муносабатлар Адам Смит илк бор таҳлил қилган?**
- A. *Смит
B. Фурье
C. Оуэн
D. Прудон

23- МАВЗУ. ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИГА ЭГА БЎЛГАН ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Режа

- 1. Ёшларда фуқаролик позициясини шакллантиришнинг ижтимоий-маънавий ва ахлоқий жиҳатлари**
- 2. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фуқаролик маданияти ва масъулиятининг ўрни**
- 3. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг стратегик йўналашилари**
- 4. Баркамол авлодни тарбиялаш ғояси ва уни амалга ошириш механизмлари**

Таянч сўзлар: Фуқаролик позицияси, фуқаролик маданияти, фуқаролик бурчи, фуқаролик масъулияти, ёшлар, ёшларга оид давлат сиёсати, комил инсон, баркамол авлод.

1. Ёшларда фуқаролик позициясини шакллантиришнинг ижтимоий-маънавий ва ахлоқий жиҳатлари

Ўзбекистон Республикасида мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган ислохотларнинг туб моҳияти аҳоли турмуш тарзининг фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ва савиясини юқори даражага кўтариш, уларда аниқ фуқаролик позициясини шакллантиришда ўз ифодасини топади. Давлатнинг тараққий этишида ва ундаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатларнинг янги босқичга ўтишида мамлакат олдида турган вазифаларни турли йўналишларга тақсимлаган ҳолда, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти, Президент И.Каримов таъкидлаганидек, “... – бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Ёки бошқача қилиб айтганда, бу – “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш демакдир. Ҳаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўткази боришни тақозо этади”¹. Демак, фуқаролик жамиятини қарор топтириш учун давлат ўзининг айрим вазифаларини бўйнидан соқит қилиб, аста-секин жамиятнинг бошқа институтларига топширмоғи лозим. Бунинг учун эса давлат томонидан муайян шарт-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 27-б.

шароитлар, имкониятлар яратилиб, жамиятнинг ўз-ўзини ташкил этувчи ва бошқарувчи идораларининг фаолияти тўғри йўлга қўйилишини талаб этувчи механизмларни вужудга келтириш зарур.

Ўзбекистон фуқаролари миллати, ирқи, жинси, касб-кори, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар фуқаро сифатида қонун олдида ҳуқуқан тенг ва бирдек масъулиятлидирлар. Шунинг учун ҳам мавжуд муаммоларни бартараф этишда фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини билиб олишлари ва улар ҳимоя қилишлари ҳамда бурчларини чуқур англаб етишлари учун уларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаб бориш долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Бу жараён фуқаролар учун маънавий камолот манбаи бўлиши билан бирга, уларнинг бу борадаги масъулиятини янада оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ана шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш кучли давлатдан, кучли фуқаролик жамиятга ўтиш концепцияси замирида инсон эркинликларини фуқаро, халқ манфаатларига мос ҳолда босқичма-босқич юзага чиқариш асосий вазифа сифатида белгиланган. Маълумки, қонунларнинг ҳар бир моддасида инсоннинг муайян йўналишдаги эркинликлари берилади. Лекин ёдда тутмоқ керак-ки, бундай тартиб, йўл-йўриқ ёки имконият фақат битта фуқаронинг эркинлигини юзага чиқариш учунгина жорий этилган эмас. Балки бу ҳуқуқий меъёр барча учун тенг асосга эга. Ҳамонки шундай экан, барча яъни бутун жамият аъзолари ана шу меъёр асосида ўз эркинликларини бир хил даражада амалга ошириши шарт¹.

Шунингдек, бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг маънавий биноси мустаҳкам бўлиши лозим. Бу эса, энг аввало, фуқароларни, айниқса, ёшларни чуқур билимли, теран фикрли, ўз ўтмиши дурдоналаридан ва маънавий қадриятларидан хабардор, ватанпарвар, ҳақиқатпарвар, фидойи қилиб тарбиялашни тақазо этади. Комил инсон шахсини тарбиялаш эса энг мураккаб ва қийин жараён дир. Бу жараённи амалга ошириш улар онгига миллий қадриятларни сингдириш мақсадга мувофиқ дир. Демак, бугунги ёш авлод ўз тарихини, маданиятини, миллий қадриятларини, тилини, динини ва урф-одатларини мукаммал билсагина, мустақилликнинг асл моҳиятини чуқурроқ англаб етадилар. Фуқаролик жамияти ҳам ана шу миллий қадриятларимизга асосланиб ривожлантирилиши бежиз эмас. Зеро, “Мадомики биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги XXI асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз шундан келиб чиқмоғи даркор, яъни эркин фуқаро – онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтишириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур”².

Инсонга ёшлигидан сингдирилган маданий-маънавий қарашлар, ахлоқий қадриятлар, анъаналар, диний-руҳий туйғулардан иборат. Бу бўғинда у оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалласи, миллати, юрти билан

¹ Қаранг: Мусаев Ф. Эркинликнинг ҳуқуқий асоси // Тафаккур журнали. –Тошкент: 2002. - № 2. – 84 б.

² Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том.-Т.: «Ўзбекистон», 1999. 303-б.

бирлигини, унинг таркибий қисми эканлигини ҳис этади. Натижада, унинг онги ва қалбида миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуси шаклланади. Бу жараёнда шахсда ҳақиқий фуқаролик позицияси шаклланади. Зотан, Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, ҳар қандай ислохотнинг энг муҳим самараси, аввало, халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгилашни жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганлигини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Ушбу сўзлардан кўриниб турибдики, ёшларнинг ижтимоий сиёсий фаолигини ошириш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан биридир. Шу мақсадда ҳар биримиз ушбу вазифаларни амалга оширилишида фаол фуқаролик позициямизни кўрсатишимиз ҳамда юртбошимизни биз ёшларга қарата айтган “Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафакат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг хал килувчи кучидир”¹ сўзларини доимо ёдимизда сақлашимиз зарурдир.

Фуқаролик туйғуси эса шахснинг “Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданий жараёнлар ахлоқий кадриятларнинг ўтмиш билан келажакни узвий алоқадорлигини таъминлаб, тарихий мероснинг нодир неъматларини ўзгартириш асосида шаклланади”². Фуқаролик жамиятининг асосий мезонларидан бири бу фуқароларнинг юксак даражада онг ва маданиятга эга бўлишликлари ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, фуқаролик жамиятида фаол, ташаббускор, ғайратли, фақат яратувчанлик, ижодкорлик руҳи ва кайфияти билан яшовчи шахсларга эътибор ва эҳтиёж катта бўлади. Бундай юксак интеллектуал салоҳият тафаккур эркинлигининг қай даражада шаклланиши билан узвий боғлиқ. Жамиятнинг инсон учун яратган реал иқтисодий қулайликлари ва имкониятлари, юридик ҳақ-ҳуқуқлари, қарор топган ахлоқий ва маънавий муҳит унинг тафаккури эркин, илғор ва юксак идеалларни кўзлаши билан уйғунлашмоғи лозим. Олимларимизнинг кузатишича, фуқароларнинг ижтимоий воқеликка янгича, мустақил ва эркин тафаккур асосида ёндашиши юқори кўрсаткичга эга. Айни пайтда, психолог ва социологларнинг нуқтаи назарича, янги шаклланаётган фуқаролик жамияти ривож кўп жиҳатдан шахс онги, характери ва дунёқарашини коррекциялаб боришни талаб этмоқда.

Ҳозирга келиб, мамлакатимизда фуқаролик жамияти, унга монанд давлат бошқаруви тизимини – демократияни қарор топтириш зарурати ва масъулияти ҳар бир фуқаронинг юксак маънавий салоҳиятининг, фалсафий тафаккур тарзини янада шакллантириш вазифасини кўндаланг қилиб қўйди. Дарҳақиқат, одамзот ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишдан олдин ҳамма нарсани ақл тарозисига қўймоғи, ўзи ташлайдиган амалий қадамларнинг эҳтимолий натижаларини аввалдан тахмин қилмоғи, назарда тутмоғи лозим. Фуқаролик маданиятини юксалтиришда таълим бекиёс ўрин тутди. Бугунги кунда ҳам олдимизга қўйган асосий мақсад - фуқаролик жамиятини барпо

¹Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза.

² Губман Б.Л. Смысл истории. Очерки современных западных концепции. - М.: Наука, 1991. – 15 с.

этиш ва уни такомиллаштириш учун Миллий дастурда кўзда тутилган билимли, онгли, тафаккури озод, замонавий дунёқарашли, миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқ инсонларни тарбиялашга янада муҳим эътибор қаратиш ва бу масалалар таълим ислохотларининг бош вазифаси деб қабул қилиб, уни амалга оширишдан иборат. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида яратилган ва амалга оширилаётган янги таълим модели айнан ана шу мақсадга эришиш йўлида ўзининг янгича таълим ва тарбиявий жараёнини шакллантириб бормоқда. Фарзандларимиз тўққиз йиллик ўрта таълимни тамомлаб, ўз хоҳиш иродаси ва интилишига қараб икки турдаги уч йиллик ўқув юртларида-академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълимни мажбурий – ихтиёрий давом эттириш имкониятларига, буларни тугатганлар эса олий ўқув муассасаларига киришда бир хил ҳуқуқларга эга бўлдилар. Унутмаслигимиз керакки, маърифат халқимиз, миллатимиз қонидадир. Бизда қадимдан “Маърифатли инсон” тушунчаси анча кенг маънони англатади. Анъанавий шарқона қарашга кўра, маърифатлилик–фақат билим ва малака эмас, айти пайтда чуқур маънавият ва гўзал ахлоқ дегани ҳамдир. Халқимиз билимли, камолотли инсон деганида айнан шундай одамларни кўз олдига келтиради. Шунинг учун ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий моделимизнинг бутун моҳияти миллий тарихимиз ва ҳаётимиз билан боғланиб кетган. Шу тариқа Ўзбекистонда бевосита ўзимизга хос, ўзимизга мос бўлган такрорланмас, буюк тарихимиз, анъаналаримизга асосланган ва, шу билан бирга, ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган Кадрлар тайёрлаш миллий модели яратилди. Дастуримизнинг, моделимизнинг миллийлиги ҳам айнан шулардан иборатдир.

Фуқаролик жамият асослари шаклланаётган республикамизда, ёшларимизнинг фаолликни юксалтириш, уларда миллат, халқ ва жамият олдигаги бурч ҳамда масъулиятини юракдан ҳис қилиш туйғуларини камол топтириш ҳамда уларнинг онгу шуурида мустахкам ҳаётий позицияни, эътиқод ҳамда маслакни шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда таълим тизимининг барча босқичларида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган дарс соатлари, ўқув курслари йўлга қўйилган. Мазкур саъй-ҳаракатларни амалга ошириш, эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш кўникмаларини мустаҳкамлаш, қолаверса, бу борада фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш келажакда натижалар келтиради. Зеро, замонавий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига ўз фаолияти учун зарур бўлган янги билимларни олиш ва уларни жамият ҳаётига тадбиқ этиш имкониятини яратишдан иборатдир. Шу боис тарбиявий ва ўқув ишлари шахсининг интеллектуал онг ва маданият даражасини инсон, жамият, давлат манфаатларига жавоб берадиган энг муҳим принципларни англаб етишга қадар оширишга йўналтирилиши лозим. Айниқса фуқаролик жамиятини барпо қилишда фуқаро онги, маданияти, даҳлдорлик ҳисси ва масъулиятини юксалтириш ҳамда такомиллаштиришни ҳозирги талаб даражасида йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир. Албатта, ёшлар

фаолиятида ушбу зарурий масала ўзининг долзарб жиҳатлари билан ажралиб туради ва самарали тарзда амалга оширишни йўлга қўйишимиз лозимлигини яна бир бор қайд қиламиз.

2. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фуқаролик маданияти ва масъулиятининг ўрни

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсад этиб белгиланган даврда демократик тамойилларни шакллантириш, фуқаролар ижтимоий –сиёсий фаоллигини ошириш, шахс эркинлигини амалда жорий этиш, сиёсий жараёнларни эркинлаштириш, демократик меъёрлар асосида кўппартиявийлик тизимини такомиллаштириш, жамият ҳаётида жамоат ва нодавлат ташкилотлар фаоллигини ошириш каби вазифалар умуминсоний кадриятларни ўзида ифода этган ҳолда фуқаролик маданияти билан туташади. Агар фуқаролик жамиятини юксак фуқаролик маданиятини ошкор этиш имконияти сифатида эътироф этадиган бўлсак, фуқароларнинг маънавий етуклиги бундай жамиятдаги демократик тамойилларни тўлиқ англаш омили эканлигини тушунамиз. Чунки фуқаролик жамиятида инсонни олий кадрият даражада тушуниш бевосита ҳар бир фуқаронинг ўз маданият даражасини қанчалик англаши ва унга содиқлиги билан характерланади.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ўзининг бир қатор мезонларига эга бўлиб, уларнинг асосийларидан бири – ҳар бир инсонда масъулият туйғуси билан яшаш хусусиятини шакллантиришдир. Масъулият одамнинг ҳар бир амали, фаолияти маҳсулини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда унинг ўзи ва ўзгалар учун нима наф келтиришини англай олиш қобилиятидир. Масъулиятни ҳис қилган инсон ўз ишини доимо пухта режалаштириб, унинг оқибатларини олдиндан тасаввур қила олади ва зарур натижага эришиш учун бутун кучи ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлади. Шахсий масъулиятни фуқаролик масъулиятидан фарқлаш лозим. Биринчиси шахснинг кундалик фаолиятидан келадиган шахсий манфаатни, иккинчиси эса жамият манфаатларини назарда тутаяди. Фуқаролик масъулиятини ҳис этган инсон, энг аввало, ўзи меҳнат қилаётган жамоа ёки таълим олаётган ўқув даргоҳи, ўз маҳалласи ва юрти равнақини ўйлайди. Мустақил Ўзбекистон фуқаролари учун ягона мақсад Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилиш бўлса, демак ҳар бир инсон фуқаролик масъулиятининг маъно-мазмунини ана шу ғояларни амалга оширишда, деб билиши даркор.

Фуқаролик масъулияти, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир онгли фуқаронинг қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар Республика Конституциясида кафолатланган ҳуқуқларидан фойдаланиш баробарида, унга жавобан фуқаролик масъулиятини ҳам ҳис этиб яшашидир. Бу шундай деганики, ҳар бир фуқаро мамлакат Конституциясига, Олий Мажлис қабул қилган барча қонунларга, Вазирлар Маҳкамаси чиқарган қарорларга риоя этиши ва ҳурмат қилиши, уларни амалга ошириши учун масъулият сезиши лозим. Бинобарин, давлат ўз фуқаросига ҳуқуқ ва кафолат берар экан, шунга

яраша унинг зиммасига масъулият ҳам юклайди¹. Шуни унутмаслик керакки, ижтимоий тараққиётнинг демократик ривожланиш жараёни шахснинг ўзини ўзи англаши, кадр-қиммати қай даражада эъзозлай олиши, жамият учун хизмат қилиш имконияти ва ҳаракат меъёрига кўп жихатдан боғлиқдир. Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг ўзи яшаб турган кўча, маҳалласидан тортиб, то яхлит мамлакатнинг барқарорлигини сақлаб қолиш, хавфсизликни таъминлашда юксак масъулиятни ўз фаолиятида онгли равишда амалга ошириш демакдир². Бир хил мақомга эга бўлган шахсларда талаб ҳам тенг бўлади. Ана шу жихатнинг ўзи ҳам фуқаролик масъулиятини англатувчи далиллардан биридир. Фуқаролик масъулияти билан миллий масъулият орасида ўзига хос муштараклик мавжуд. Сир эмас ҳар бир миллатнинг балоғатга етган онгли аъзоси ўша ўзи мансуб миллатнинг олдида масъулият бўлади. Миллатнинг миқдорий, иқтисодий, маданий, ахлоқий, маърифий, манавий тараққий эта бориши, ер юзидаги бошқа халқлардан орқада қолиб кетмаслиги учун биринчи шу халққа мансуб кишилар жавобгарлик туйғусини туйиш лозим. Оила ва жамиятдаги ҳар бир ҳаракатида, босган ҳар қадамида шу миллатнинг умумий манфаатини унутмаслик миллий масъулият ҳиссининг муҳим томони ҳисобланади. Кишиларнинг муайян миллат равнақи йўлидаги сиёсий онглилиги ва маънавий етуклиги даражаси миллий масъулиятни англатувчи иккинчи муҳим томонидир. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, миллий масъулият бу юртимизда яшовчи барча миллат ва элатнинг масъулиятидир.

Шу ўринда ривожланган давлатлар тажрибасига алоҳида эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Масалан, жаҳоннинг етакчи давлати саналмиш АҚШда фуқаролик маданиятини юксалтириш қандай йўлга қўйилган? Америкаликларга қандай ғоя ва кадриятлар сингдирилмоқда? Бу саволларга жавоб топиш учун фуқаролик маданияти қандай ғоявий устунларга таянишини аниқлаш кифоя. АҚШ фуқаролари Конституцияни, америка давлатчилигининг асосчилари ва демократик тамойилларни муқаддас деб биладилар ва бу туйғуни ёшларга сингдириш ҳақида тинимсиз қайғурадилар. Ёшларда эркин яшашга иштиёқ, мустақилликни кадрлаш туйғуси шакллантирилади.

АҚШ ниманинг эвазига фан ва технологиялар соҳасида бошқалардан ўзиб кетди? Бу саволнинг ҳам жавоби бор: Америкада эркин фикр ва ижодий тафаккур кадрланади ҳамда ўзгача фикрлайдиганларга нисбатан бағрикенглик қарор топтирилган. Лекин америкалик фуқарони тарбиялашнинг энг асосий жиҳати бошқа бир ғояда яширин. У ҳам бўлса, ҳар бир инсонни ноёб истеъдод эгаси деб билиш, ҳар бир шахсга ҳазрати инсон сифатида мурожаат қилишдир. Инсонга бундай муносабат, сўзсиз, унинг салоҳиятини юзага чиқаришга имкон беради. Айнан шу ғоя таъсирида

¹ Қаранг: Иброхимов А. Бизким Ўзбеклар. -Тошкент: Шарқ нашриёт -матбаа концерни бош таҳририяти, 1999. - 177 б.

² Қаранг: Саидқосимов А. Сиёсий фаоллик ва фуқаролик маънавияти // Жамият ва бошқарув. -Тошкент: 2007. - №2, -Б. 50-51.

америкаликлар орасида ўзини «ўртамиёна одам» деб биладиган ёхуд «мен бир оддий одам» деб гапирадиган кишилар ниҳоятда кам учрайди.

Америка фуқаролари адолатни ҳам ўзига хос тарзда тушунадилар: шахс нимагаки эришса, қандай мақомни эгалласа, бунга фақат ўз ақли ва истеъдоди билангина етишади. Шундай қилиб, ҳар бир америкалик болалигиданоқ кимгадир ва нимагадир орқа қилишга эмас, балки ўз кучига таянишга ўргатилади. Лекин, энг асосийси, ҳар бир америкаликда келажакка ишонч уйғотилади. Худди ана шу «америка орзуси» кишиларни янги мақсадлар сари рағбатлантиради, янги ғояларни амалга оширишга шавқ уйғотади. Хулоса ясайдиган бўлсак, демократия қоидалари ва эркинлик Америка мафкурасининг пойдеворини ташкил этади. Бундай тарбия натижасида фақат ўз кучига ишониш, руҳий озодлик ва мустақил фикрлаш каби хислатлар америкаликларнинг қон-қонига сингиб кетган. Албатта, юқорида келтирилган фикрлар «АҚШда бу борада муаммо йўқ экан» деган хулоса учун асос бўлмайди. Охириги пайтларда эркинликка ҳадеб урғу беравериш оқибатида америкаликлар эркинликни жамият олдидаги мажбуриятлардан ҳам озодлик сифатида идрок эта бошладилар. Шу боис ҳозирги кунда АҚШнинг зиёлилари томонидан янги мафкура - «либерал-национализм» мафкурасини яратиш зарурлиги ҳақидаги фикр ўртага ташланмоқда. Бу мафкура миллий ва ирқий жиҳатдан бўлиниб кетган кўп сонли ижтимоий гуруҳларни «АҚШ - миллатлар ҳамжамиятидир» ғояси атрофида бирлаштиришни назарда тутаяди. Эътибор берадиган бўлсак, янги мафкурада миллий омилнинг устуворлиги ўрнатилмоқда. Демак, гап АҚШ да аста-секинлик билан ягона миллий вужудни шакллантириш, халқнинг бирдамлигини кучайтиришга хизмат қилувчи мафкурани яратиш ҳақида бораётир.

Энди мисол тариқасида Шарққа мурожаат қилайлик. Шарқнинг энг илғор мамлакатларидан бири - Японияда фуқарони тарбиялашнинг энг самарали ва таъсирчан усулидан фойдаланилади. Бундай тарбиянинг асосий маскани сифатида мактаб танланган. Чунки мактабда бола билим олишдан ташқари шахс сифатида ҳам шаклланади. Кунчиқар мамлакатда фуқаро тарбияси «ахлоқий тарбия» тизими доирасида амалга оширилади. Расмий ҳужжатларда «ахлоқий тарбия» тизими қуйидагича номланади: «характерни шакллантиришга йўналтирилган таълим», «давлат учун мақбул ахлоқий сифатларни тарбиялашга қаратилган фаолият», «фуқаролик ахлоқи асосларини тарбиялаш». Аслида бу тизим миллатни тарбиялаш тизими вазифасини ўтайди. Ундан қудратли мафкуравий таъсир воситаси сифатида ҳам фойдаланилади. Кўпчилик олимларнинг фикрича, айнан «ахлоқий тарбия» тизими мамлакат иқтисодий равнақининг ғоявий асосини ташкил қилади. Чунки бу тизим ишлаб чиқаришда маънавий салоҳиятдан унумли фойдаланишга йўналтирилган. Иккинчи жаҳон урушидан хароба бўлиб чиққан мамлакатнинг 30-40 йилда ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёда иккинчи ўринга чиқиб олгани кўпчиликнинг хайратини уйғотади. "Кичик бир оролнинг бундай қисқа вақтда ҳунармандчилик устахоналаридан автоматлашган саноатгача бўлган йўлни босиб ўтганлигини қандай

тушунтириш мумкин?". Мазкур саволга жавобан японлар куйидагича жавоб берадилар: "Салоҳият инсонларда яширин". Япония менежментининг олтин қоидасига кўра, инсондан қимматроқ бойлик йўқ.

Хўш, давлат япон кишида қандай қадрият ва сифатларни қарор топтиришга ҳаракат қилади? Аслида меҳнатсеварлик, интизомлилик ва жамоавийлик япон миллий характериға хос хусусиятлар саналади. Бирок давлат бу билан каноатланмай, ўз фуқароларида ушбу сифатларни мустаҳкамлаш ва кучайтириш вазифасини маорифға юклайди. Натижада, мактабларда гуруҳий бирдамликни тарбиялашға алоҳида эътибор қаратилади. Бунда коллективнинг ютуғи ҳам, мағлубияти ҳам гуруҳнинг ҳар битта аъзосига боғлиқ эканлиги ҳақидаги ғоя сингдирилади. Муҳими, боладан умумий ишда ўз ролини аниқ билиш ва шунга яраша масъулиятни ҳис қилиш талаб этилади. Бундай тарбия кўрган фуқаро жамоа муаммоларини ўзининг шахсий муаммолари сифатида қабул қилади. Олимларнинг фикрича, айнан шундай гуруҳий бирдамлик (япончада «айдагарасюги») туфайли мамлакат мисли кўрилмаган иқтисодий ютуқларға эришди. Меҳнат япон кишиси учун ахлоқий қадрият саналади. Унинг қадрият даражасига кўтарилишида "ахлоқий тарбия" тизимининг роли беқиёс. Гап шундаки, япон кишисига мактабдаёқ куйидаги ғоялар сингдирилади: "Фақат тиришқоқлик ва меҳнат билан муваффақиятға эришиш мумкин", "Ўз устингда тинимсиз ишла - шунда бировдан кам бўлмайсан". Бу каби ғоялар таъсирида улғайган япон кишиси ўзининг барча ҳаракатларини куйидаги мантиққа бўйсундиради: "Бор имкониятларингни ишға сол!".

Шундай қилиб, давлат ўз фуқароларида тиришқоқлик ва ҳафсала, кунт ва ғайратни мақсадли равишда қарор топтиради. Интизомдан жамият манфаатларида фойдаланиш борасида эса японларнинг айниқса бошқаларға ўрнатилган бўла олади. "Ахлоқий тарбия" натижасида Японияда фуқаролар меҳнат интизомининг бузилишини шунчаки салбий иллат деб ҳисобламай, балки уни Ватанға хиёнат деб қабул қиладилар. Японияда фуқаро тарбияси замон эҳтиёжлари ва жамият манфаатларига мослаштириб борилади. Айнан шу туфайли япон фуқаролари жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи қудратли куч саналадилар. Кўриниб турибдики, миллат келажагини ўйлайдиган ҳеч бир давлат фуқаро тарбияси масаласини эътиборсиз қолдира олмайди. Ана шу маънода жамиятимиз ёшларни моддий-маънавий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш, айниқса, глобаллашув туфайли ахлоқимизга, турмуш тарзимизга катта куч билан кириб келаётган бузғунчи ғоялардан, уларни сақлаб қолиш учун мафкуравий бўшлиққа йўл кўймаслик, замонавий ёшларни барча ҳаётий эҳтиёжларини рўёбға чиқариш бугунги куннинг энг муҳим вазифаси бўлиши керак. Чунки эҳтиёж том маънода эркин фаолият ҳамда фуқаролик масъулиятини белгиловчи мезон ҳисобланади. Биз ўз фаолиятимизга қай даражада ва қай мазмунда баҳо бермайлик, фаолиятимиз мотивлари муайян эҳтиёжлар туфайли шаклланади. Эҳтиёжлар ва манфаатлар уйғунли ҳисобға олинмаган жойда масъулиятсизлик, бефарқлик ва хатто жиноятлар содир бўлади.

3. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг стратегик йўналашилари

Ҳозирги фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга доир ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида ёшларни шу юртга, шу Ватанга муносиб фарзанд сифатида тарбиялаш долзарб вазифалардан бирига айланди. Шунинг учун давлатимиз ва халқимиз таълим-тарбия ташкилотлари ҳамда жамоат бирлашмаларидан ёшларни етук инсон бўлишларига муносиб ҳисса қўшишига катта умид билан қарайди. Халқимиз мазкур демократик институтларга, уларнинг ташкилотчилик, ташаббускорлик ҳаракатларига катта ишонч боғламоқда. Ўйлаймизки, “КАМОЛОТ” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва сиёсий партиялар фаолиятини давлат ҳамда ҳукумат томонидан молиялаштиришнинг жорий қилиниши уларнинг ёшлар ўртасида кенг қамровли ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий фаолият олиб боришини таъминлайди. Ёшлар жамиятни эркинлаштириш ва бошқариш билан боғлиқ ислоҳотларга кўпроқ жалб этилади.

Фуқаролик жамияти асослари шаклланаётган бир шароитда шахс эркинлигини янада кенгайтириш уларда давлат ва жамият ҳаёти, унинг равнақини таъминлашдаги бурч ва масъулиятларини чуқур англаб етиш, кўникмаларини ҳосил қилиш ҳуқуқий савияси ва маданиятини юксалтиришда, давлат органлари, таълим муассасаларигина масъул бўлиб қолмай шу билан бирга жамоат ташкилотлари ва бошқа нодавлат тузилмаларини фаоллик даражасини ортишини ҳам тақозо этади. «Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб борган сари деб, таъкидлаган эди И.А.Каримов, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарур. Бу борада ўзини-ўзи бошқарадиган идораларнинг, маҳалларнинг нуфузини ва мавқуини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этади»¹.

Фуқаролик маданияти шаклланган муҳитда одамларда сиёсий ҳаётда иштирок этиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бунда кишилар фуқаролик жамияти институтларига бирлаша бошлайдилар. Фуқаролик маданияти кучайиб борган сари одамлар сиёсий жиҳатдан фаоллашиб, партияларга аъзо бўлиш тенденцияси кучаяди. Демак, сиёсий партиялар аъзолари сони ва сифатининг ошиб бориши даражаси ҳам фуқаролик маданиятини кўрсатувчи мезонлардан биридир. Фуқаролик маданияти шахснинг жамиятдаги фаол аъзоси сифатида маълум ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлиш билан бирга ўз зиммасидаги бурч ва мажбуриятларни виждонан адо этишдир. Ёшларда фуқаролик маданиятини шакллантириш - уларга мустақил давлат тузилмасининг хусусиятлари, мамлакатнинг халқаро майдонда тутган ўрни, ватанпарварлик ва миллатлараро дўстлик туйғулари, республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ижтимоий

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8 -жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 333 б.

ҳаракатлар, меҳнат анъаналари, миллий истиқлол ғояси ва мафкура асослари ҳақидаги билимларни бериш асосида уларда фуқаролик ҳиссини зиммаларидаги бурч ва мажбуриятларни бажаришга нисбатан масъулият, ёт мафкуравий қарашларни англаш ва унга қарши бўлиш, ижтимоий фаоллик ва фидойилик каби сифатларни мужассамлаштирган яхлит бир тарбия жараёни ҳисобланади.

Фуқаролик жамиятининг институтлари - ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш ёшларнинг сиёсий маданиятини, фаоллигини оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Ўзбекистонда давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини эркинлаштириш, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш вазифаларини амалга оширишда ҳар бир ёшнинг жамиятда ўз ўрни бўлишини билиш, энг муҳими, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб, тушуниши улкан аҳамият касб этади. Бу ўз масъуллигини англашга эришишда мавжуд демократик институтлар, ўз-ўзини бошқариш органлари, партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари муҳим ўрин тутди. Чунки, жамиятда яшаётган ҳар бир ёшнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти мавжуд сиёсий институтлар, партиялар ёки нодавлат ва жамоат ташкилотлари орқали амалга ошириладиган демократик сиёсий жараёнларда акс этади. Бу, бир томондан, ёшларнинг сиёсий фаоллик даражасига, уларнинг сиёсий қарашларини идрок этиб, унинг иштирокига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, жамиятдаги мавжуд ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг иш фаолиятига, ёшларни ўз атрофларига бирлаштиради.

Ўзбекистонда амалга ошириладиган демократлашув жараёни инсонлар, турли хил ижтимоий қатламлар, сиёсий институтлар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг фаолияти ва ўзаро муносабати билан боғлиқ. Жамият ҳаётининг демократлашуви ҳамда мамлакатни модернизациялаш жараёнлари аҳолининг энг катта ижтимоий қатламини ташкил этадиган ёшларнинг ижтимоийлашишига ҳамда уларнинг тарбиясига катта таъсир кўрсатади. Ёшлар — жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илғор қатлами, келажакнинг ишончли эгалари ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, дунёқараши, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб ўша жамиятнинг эртанги кунини аниқ тасаввур этиш мумкин. Шу боисдан ҳам мустақилликка эришилгач, аниқроғи, 1991 йилнинг 20 ноябрида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда ёшларга эътибор масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган эди. Ушбу Қонуннинг 1-моддасида: "Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир", – дея мустаҳкамлаб қўйилган. Ўз-ўзидан, давлатнинг бу жараёндаги асосий вазифаси — ёшларнинг жамиятга

турли хил салбий оқибатларсиз кириб келишини таъминлаш, уларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширишларини кафолатлашдан иборат. Бу эса, давлатнинг ёшларга оид сиёсатини амалга оширишида ўз ифодасини топади.

Шунингдек, Оила кодекси, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунлар ёшлар тарбиясида, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатишда, иш билан банд қилишда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ҳуқуқий база вазифасини ўтамоқда. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “**Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги Қарори мустақиллик йилларида олиб борилган босқичма-босқич, тадрижий ислохотларнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлиб, бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди. Республикамизда мазкур қарор ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириб келинмоқда.

Қарорнинг айнан бугунги кунда қабул қилиниши фикримизча, қуйидагилар билан изоҳланади: **Биринчидан**, мустақиллик йилларида ёшлар сиёсати бўйича амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислохотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда, эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги изчил ҳаракатларимизда ёшларнинг фаол иштирокини кучайтиришимизга эҳтиёж туғилгани, **иккинчидан**, ҳозирги пайтда мамлакатимиз ёшларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, ёш авлоднинг илм-фан, спорт соҳасида эришаётган ютуқлари бу соҳадаги ислохотларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз учун зарур шарт-шароитларни юзага келтираётгани, **учинчидан**, жаҳон миқёсида глобаллашув ва ахборот технологиялари тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришларни ҳолисона ва танқидий баҳолаган ҳолда фарзандларимиз келажагини кўзлаб, ёшлар сиёсатини амалга оширишда қўшимча чора-тадбирларни белгилаб олиш зарурияти, **тўртинчидан**, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган ёшларга оид дастур ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга эришиши шулар жумласидандир. Қарорга биноан

мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида, давлат ва жамоат ташкилотларининг таклифларини инобатга олиб, “Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури” маъқулланди.

Дастур 7 бўлим, 67 банддан иборат. Унда кўзда тутилган чора-тадбирлар кўлами ҳам кенг бўлиб, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-маърифий, суд-ҳуқуқ соҳаларини ўзида мужассамлаштирган. Унда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш каби энг муҳим ва долзарб йўналишларда чора-тадбирлар кўзда тутилган. Дастурда белгиланган йўналишлар ўзаро узвий, чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо этади.

Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш ушбу дастурнинг ўзига хос бўлган жиҳати бўлиб ҳисобланади. Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини руёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш кўзга тутилган. Йигит-қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишини олдини олиш, баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни кенг ривожлантириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни маънавий ва жисмоний камол топтириш, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, турли ёт ғояларни тарғиб қилиб келаётган ва паст савияли

«оммавий маданият» таъсирдан асраш каби масалалар дастурнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

4. Баркамол авлодни тарбиялаш ғояси ва уни амалга ошириш механизлари

Мамлакатимизда вояга етиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва мустақкам руҳда тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини муҳофаза этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги барчамизга маълум. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамолигида ёшлар тарбиясининг устувор йўналишлари белгилаб олинди ва бу борада туб ислохотлар амалга оширилди. Чунки Юртбошимиз «Юксак маънавият - енгилмас куч» асарида таъкидланганидек: «Айни пайтда юртимизда миллий тикланиш жараёни қарийб бир ярим аср давом этган ижтимоий-сиёсий қарамликдан кейин дастлабки пайтларда мутлақ табиий равишда ўзига хос «инкорни инкор» қонунияти асосида кечганини айтиш лозим. Лекин биз собиқ тузумнинг мафкуравий карашларини умуман инкор этишнинг ўзи ҳеч қандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдириши эҳтимолини яхши англари эдик. Шу билан бирга, тарихий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, турмуш тарзига орқа-олдини уйламасдан, ёппасига бетартиб қайтиш бошқа бир кескинлик, дейлик бугунги давр ҳаётини қабул қилмаслик, жамиятни янгилаш заруратини инкор этиш каби номақбул ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик зарур эди. Барчамизга маълумки, миллат ва халқнинг руҳи, дунёқараши ва турмуш тарзини ифода этадиган миллий маънавиятга муносабат, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, одамларнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзгартириш масаласи ҳар томонлама чуқур ва пухта уйлаб иш юритишни талаб қилади».¹

Ёшларга оид давлат сиёсатининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ёшлар билан ишловчи ташкилотлар фаолиятида кўриш мумкин. Ёшлар ҳар бир давлатнинг келажакини белгиловчи куч эканини эътиборга олсак, дунёнинг деярли барча давлатларида бежиз ёшлар сиёсатини амалга ошириш бўйича миллий концепциялар ишлаб чиқилиб, самарали фаолият олиб бормаётганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, Европа давлатларидан Германия, Франция, Буюк Британия ва Швецияда бу борада эришилган натажалар диққатга сазовор. Бугунги кунда дунёнинг тараққий этган давлатларида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг икки хил стратегияси амал қилмоқда. Булар: ёшлар сиёсати соҳасида давлатнинг етакчи ролига асосланган стратегия ҳамда ёшлар сиёсати соҳасида давлат ва фуқаролик жамияти тузилмалари тенглигига асосланган стратегия. Ҳозирги даврда Германия ва Францияни биринчи йўналишдаги сиёсатни олиб борадиган давлатлар сирасига киритиш мумкин. Ушбу давлатлар ўз фаолиятини ёшлар сиёсатини умуммиллий, минтақавий ва ҳудудий даражаларга қараб ихтисослаштириш асосида олиб боради. Бунда ёшлар сиёсати оила, қариялар,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 81 бет.

аёллар ва ёшлар ишлари бўйича вазирлик томонидан Конституция ва федерал қонунлар асосида амалга оширилади. Хусусан, Францияда ёшлар сиёсати Ёшлар ишлари, спорт ва жамоат бирлашмалари бўйича вазирлик томонидан ишлаб чиқилади.

Ёшлар сиёсати соҳасида давлат ҳамда фуқаролик жамияти тузилмалари тенглигига асосланган стратегия Буюк Британия ва Швецияга хос бўлиб, бунда ёшлар сиёсатининг умумий кўриниши, мақсад ва етакчи вазифалари давлат томонидан белгилаб берилса, бу вазифаларнинг ижроси маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари томонидан амалга оширилади. Ушбу давлатларга хос бўлган хусусият эса ёшлар сиёсати ва ёшлар ишлари бўйича махсус давлат органларининг мавжуд эмаслигида намоён бўлади. Шу билан бирга, дунёнинг кўплаб давлатларида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини халқаро ва миллий даражада қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилган ёшлар парламентлари ҳамда миллий ёшлар кенгашлари фаолият юритмоқда. Жумладан, халқаро даражада ёшлар манфаатларини қўллаб-қувватловчи Европа ёшлар парламенти, Буюк Британия Бирлашган Қироллиги ёшлар парламенти, Шимолий Ирландия ёшлар форуми, Шотландия ёшлар парламенти каби ёшлар парламентлари ҳамда Австриядаги Австрия халқаро ёшлар ҳамкорлиги кўмитаси, Бельгиядаги Фламан ёшлар кенгаши, Буюк Британияда Британ ёшлар кенгаши, Германияда халқаро ёшлар ишлари бўйича Германия миллий кўмитаси (бундай кенгашлар Исландия, Испания, Италия, Кипр, Латвия, Литва каби яна 25 га яқин давлатда мавжуд) фаолият юритмоқда. Буларни келтиришдан мақсад, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватловчи механизм мамлакатимизда қай даражада амал қилаётганига эътибор қаратишдир.

Хўш, Ўзбекистонда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш учун муҳим қадамлар ташланаётган бугунги кунда ёшлар ишлари билан шуғулланувчи давлат ташкилотини тузиш қанчалик зарур? Бизнингча, ёшлар мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизи (17 миллион 80 минг нафар)ни ташкил этувчи асосий қатлам экан, айтиш мумкинки, ёшлар билан боғлиқ муаммолар давлатнинг олиб бораётган сиёсатида алоҳида аҳамият касб этади. Мухтасар қилиб айтганда, жамиятдаги барча соҳалар қатори ёшлар ташкилотларини ҳам ташкилий жиҳатдан ислоҳ қилиш, бу борада замонавий фаолият мезонига эга мустақкам институтни шакллантириш — эртанги кун эгалари бўлмиш ёшлар келажagini таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда келажак авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки мамлакатимизда бошланган ва чуқур илдиз отиб бораётган иқтисодий ислохотларнинг ижобий самараси ва қолаверса, келажаги буюк давлат қуришдек ўта масъулиятли ва муҳим вазифанинг қай даражада ҳал этилиши айнан мазкур масаланинг ечимига бевосита боғлиқдир десак, ҳеч бир муболаға бўлмайди. Маънавий баркамол авлодни тарбиялаш масаласининг пайсалга солиниши ёки бунга панжа ортидан қараш, буни қандайдир мавҳум ёки ўз-ўзидан амалга ошириб бораверадиган ҳолат сифатида тушуниш ва шундай баҳолаш ўта калтабинлик бўлур эди. Зеро, Президент Ислам Каримов ибораси билан айтганда,

“қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади”¹.

Юртимизда ёш оилалар ҳимояси, уларни қўллаб-қувватлаш учун ҳам жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Ўтган йиллар давомида оила ҳақида 50га яқин қонун, 70 га яқин қарор ва фармойишлар эълон қилинди. Уларнинг аксарият катта қисми ижтимоий, моддий ва маънавий ҳимоя қилиш ва фаровонлигини таъминлашдан иборат. Шуниси эътиборга моликки, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масъуллигини биринчи навбатда давлатимиз ўз зиммасига олган. Бу вазифаларни муваффақиятли адо этишда давлат идоралари, фуқаролик институтлари ва маҳаллий ҳокимиятлар ташаббускор бўлмоқдалар. Шунингдек, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида миллий қонунчилигимизда ҳам бир қатор қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари қабул қилинган. Жумладан, 2008 йил 7 январда қабул қилинган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши миллий қонунчиликни бола ҳуқуқлари бўйича халқаро андозалар билан мувофиқлаштириш, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида тегишли дастурлар тузиш, давлат органлари ва нодавлат ташкилотларининг бу борадаги вазифалари, ваколатларини ва ўзаро фаолиятини аниқлаштириш, бола ҳуқуқлари ҳимояси механизмининг ишлаши ва амалий натижалари беришини таъминлаш, шу соҳага оид қонунчиликнинг келгусидаги ривожини учун кенг имкониятларга йўл очади.

Шунингдек, ушбу қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашда иштирок этиш шакллари белгиланган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ёшлар билан ишлаш, уларнинг ўқуви, жамоат ҳаётидаги иштироки, қолаверса, уларнинг келажагини яратишда нафақат адлия органлари, балки ота-оналардан тортиб давлат идораларигача масъул бўлиши керак. Ана шунда биз ёшлар сиёсати бўйича олдимизга қўйган вазифани бажаришда тўла-тўқис фаол иштирок эта олган бўламиз. Чунки ёшлар— мамлакат келажаги. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов “Албатта, ҳар бир бандага ризқ-насибани Оллоҳ таоло беради. Лекин бу ҳаётда насибаси бутун ва тўла бўлиши учун инсоннинг ўзи ҳам чин дилдан интилиши, зурриёдини соғлом муҳитда тарбиялаши катта аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз зарур”², - деган эди. Юртбошимизнинг мазкур фикрларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий тизимдаги ислохотлар нафақат фаровон турмуш тарзини йўлга қўйиш, балки маънавияти юксак янги авлодни шакллантиришга хизмат қиладиган ижтимоий-маънавий муҳитни яратишни назарда тутилган. Юртимизнинг

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 116-бет.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 58 б.

келгусидаги мавқеи, ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши уларнинг кўлида. Ана шуни унутмаган ҳолда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик биз катталарнинг долзарб вазифамиздир.

Баркамол авлодни тарбиялаш ғояси ва уни амалга ошириш инсониятнинг энг ёрқин орзуси бўлиб келган. Бундай инсонлар орасида Ўзбекистон деб аталмиш муаззам заминимизда яшаган боболаримизнинг ўз ўрни ва номи бор. Баркамол авлодни тарбиялаш орзусига ўз тарихимиздан жуда кўп далиллар келтиришимиз мумкин. Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асаридаги ғояларни ёдга олайлик. Унга кўра жамиятнинг ҳар бир фуқароси мансаби, тутган ўрни, яъни ким бўлишидан қатъий назар ФОЗИЛ киши. Фозил инсон ўз давлатининг барча қонун-қоидаларини яхши билади, унга амал қилади, ўз касбининг устаси, лозим бўлганда Ватани учун жон фидо қилади. Фозиллар шаҳри аҳолиси бир-бирига ҳурматда бўлади. Ота-она ва фарзанд, устозу шогирд ўртасида шарқона назокат, меҳр ва эҳтиром бўлади. Аввало, бундай фикрлашнинг ўзи боболарнинг маънавий даражаси нақадар юксак бўлганлигини ва албатта бундай фикр айтиш бу борада кўп асрлик меросларни ўрганиш натижасида вужудга келишини таъкидлаш жоиз. Демак, бизнинг баркамол авлод тарбиялаш ҳақидаги ниятимиз учун маънавий асос бор. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Мустақиллик янгича яшашни, янгича фикрлашни, ҳаётда ҳар бир фуқародан ўзига яраша муносиб ўрин эгаллашни, янги мафкура асосида янгича маънавий талаб этади. Талаб этибгина қолмасдан, жадал ўзгариб бораётган иқтисодий ва ижтимоий шароитда янгича ўйлашга ва ҳаракат қилишга мажбур этмоқда. Янгича ўқиш, янгича ишлашнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун ҳам бизга рақобатбардош юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи фозил инсонлар керак. Дастурнинг асосий мақсади ҳам айнан баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир».¹

Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар томонлама етук авлодни тарбияласакгина, бугун ҳаёт олдимизга кўяётган ўта мураккаб, оғир, синов ва қийинчиликларни енгиб ўтамыз, шундагина кўзланган юксак марраларни эгаллай оламиз. Ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаб келаётган халқимиз, эзгу мақсад-муддаомиз – эркин, озод ва обод ҳаёт бунёд этишда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмайди. Шунинг учун бу муҳим масалага доимо давлатимиз, жамиятимизнинг асосий вазифаси сифатида қаралмоқда. Инсоният ҳамиша мукаммал жамият бунёд этиш иштиёқида яшаган. Мукаммал жамиятни маънавий юксак, ахлоқий баркамол, жисмоний етук авлод яратади. Бугун мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар инсонлар ҳаётига, тақдирига дахлдор эканлигини ҳар биримиз ҳис қилишимиз ва шундан тегишли хулосалар чиқаришимиз лозим. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, барча ўзгаришлар ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатлари қўйилганлиги ҳаммамизни қувонтиради. Президентимиз таъкидлаганидек: «...бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида ислоҳот-ислоҳот учун эмас, аввало

¹ Қаранг: Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент - 2000.

инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас”.¹ Мустақил Республикамиз фуқаролари, хусусан ёшлари руҳиятида инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларни ривожлантириш демократик, адолатли жамиятни барпо этишнинг муҳим кафолати саналади.

Шундай экан, ўз мақсадларимизга эришишда бир неча вазифалари борлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Биринчидан: фуқароларимизни маънавий янгилаш ва ислоҳотлар жараёнинг фаол иштирокчисига айлантириш; амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳиятини, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг аҳамиятини фуқароларимизга шарҳлаб бериш ва тушунтириш; ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини амалга ошириш; маънавиятнинг куч қудратини фақат эзгу мақсадлар йўлида самарали фойдаланиш ва ривожлантириш. Иккинчидан: турли қараш ва фикрларга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос орзу интилишларини уйғунлаштирувчи ғоя- Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги-барчамиз учун муқаддас мақсадга айланишига эришиш. Учинчидан: қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифаларни изчил давом эттириш; таълим-тарбия тизимини муттасил такомиллаштириш. Бу орқали келажагимиз билимли, доно ва маънавий соғлом, баркамол авлодга боғлиқ эканлигини чуқур англашга эришиш. Тўртинчидан; ота-боболаримиз ва бизнинг муқаддас эътиқодимиз бўлмиш ислом диннинг бугунги ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, ёшларимизни руҳан пок, иймони бутун, иродасини баққувват этишдаги, одамийлик фазилатларини уйғунлаштиришдаги ҳиссасини ва моҳиятини кенг жамоатчиликка тушинтириш борасидаги ташвиқот ишларини давом эттириш. Бешинчидан; кўп миллатли мамлакатимиз фуқаролари орасида уларнинг миллий ва диний мансублигидан қатъий назар, уларда ҳамжиҳатлик ва бирдамлик туйғуларини кучайтириш; чунки маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қариндош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради² деб таъкидлайди. Мана шундай мақсадли ва маъсулиятли вазифаларни маънавият ҳозирги кунда баркамол авлодни вояга етказишда босқичма-боқич амалга ошириб келмоқда. Ўз навбатида халқ маънавиятини юксалтиришда ёшларнинг қалби ва онгини миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш, уларни замонавий билим ва ҳунарларни эгаллаган, ҳар томонлама ақлли, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди. Хусусан, Президентимиз И.А.Каримов маънавий тарбия ҳақида шундай ёзадилар: “Бизнинг энг муҳим, долзарб вазифаларимиздан бири бу – ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 106-бет.

² Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси; асосий тушунча ва тамойиллари. Т.: Ўзбекистон. 2000., 3-4-бетлар

Нега деганда, ёшлар халқ маънавиятининг муносиб эгаларидир. Шунинг учун ҳар бир ўғил-қизимиз дастлабки қадамларидан бошлаб маънавий бойликларимиздан баҳраманд бўлиши керак.¹

Мамлакатимизда ёш авлоднинг юксак маънавий мезонлар асосида ўсиб-улғайиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Бугунги кунда юртимиз ҳаётининг қайси соҳасини олманг – соғлиқни сақлаш ёки таълим дейсизми, иқтисодиёт ёки кичик бизнес соҳаси дейсизми, раҳбарлик, маданият ва спорт жабҳалари дейсизми – уларнинг барчасида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари алоҳида эътиборга олинаётганини кўрамиз. Ҳеч қачон маънавиятсиз етук инсонни тарбиялаб бўлмайди. Чунки, одамзот учун ҳаёт йўлларида ҳар қадамда зарур бўладиган аجدодлар ёди, миллий ғурур ва ифтихор, жонажон Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, истиқлолга садоқат, фарзандлик ҳисси, инсоний фазилатлар айнан маънавият орқали унинг онгу тафаккурига сингиб боради, ҳаётининг маъно-мазмунига айланади. Маълумки, ёшлиқда инсон қизиқувчан ва интилувчан бўлади. Унинг ана шу интилишларини маънавий комиллик сари йўналтириш нафақат ана шу йигит-қизларнинг, балки бутун жамиятнинг ёруғ келажагини таъминлашда ҳал қилувчи ва долзарб масаладир. Зеро, маънавият азал-азалдан инсонни комилликка етаклайдиган беқиёс неъмат бўлиб келган. Шу маънода, ҳозирги кунда ҳам маънавият – нажоткор куч, маънавият – илоҳий ёғду десак, хато қилмаган бўламиз. Айниқса, ҳаётга катта орзу-умидлар билан қадам кўяётган, унга фақат пок ва беғубор нигоҳ билан қараб, олдинга интилаётган ёшларга нисбатан олганда, бу ҳақиқат янада теранроқ маъно-мазмун касб этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёш авлодда ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ҳар томонлама етук баркамол қилиб вояга етказиш учун оила, маҳалла, таълим муассасалари ва турли ижтимоий институтларнинг биргаликдаги фаолиятини таъминлаш олий мақсадимиз ҳисобланган озод ва обод эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун асос бўлади.

Назорат саволлари:

1. Фуқаролик позицияси тушунчасига изоҳ беринг?
2. Фуқаролик маданияти ва масъулиятининг ўзаро алоқадорлигини қандай тушуниш керак?
3. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қандай устувор йўналишларни биласиз?
4. Ёшларга оид давлат сиёсатининг ташкилий-ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
5. Баркамол авлодни тарбиялаш ғояси ва уни амалга ошириш меҳнаизмларини қандай тасаввур қиласиз?

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 38 б.

Тест саволлари:

1. 24 февраль 1990 йилда ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида И.А.Каримовнинг фикрлари қандай бўлган эди?
 - A. Ижобий
 - B. Салбий
 - C. *Масъулиятли
 - D. Ташвишли

2. Ёш авлодни тарбиялашда нималарга эътибор бериш керак?
 - A. *Бу борада зиёлиларимизни ўрни алоҳида эътиборга моликдир. Барча амалдорлар кўзларини каттароқ очиб, зиёли зотига эътибор билан қарашни ўзига шараф деб билмоғи керак.
 - B. Барча амалдорлар кўзларини каттароқ очиб, таълим тизимни ривожлантиришни ўзига шараф деб билмоғи керак.
 - C. Барча бошқарув ходимлари кўзларини каттароқ очиб, таълим ва тарбияни юксалтиришга алоҳида эътибор бериши керак.
 - D. Барча жавоблар нотўғри.

3. Сўнгги йилларда муҳим бир вазифани унутиб қўйдик, бу қандай вазифа?
 - A. *Ёш авлод тарбияси билан боғлиқ ишлар.
 - B. Зиёлиларга эътибор.
 - C. Таълим тизимига эътибор.
 - D. Барча жавоблар тўғри.

4. Президент Ислоҳ Каримовнинг “Илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик” деб номланган нутқида илмий жараённи жадаллаштиришнинг асосий омили қандай белгиланган?
 - A. *Фанни малакали кадрлар билан таъминлаш, ходимларнинг профессионал билимдонлиги даражасини ошириш, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун барча шароитларни яратиш – илмий жараённи жадаллаштиришнинг асосий омилидир.
 - B. Фанни малакали кадрлар билан таъминлаш, ходимларнинг профессионал билимдонлиги даражасини ошириш, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш.
 - C. Фанни малакали кадрлар билан таъминлаш, ходимларнинг профессионал билимдонлиги даражасини ошириш.
 - D. Тўғри жавоб йўқ

5. Маънавий баркамол инсон деганда қандай одамни тушунасиш?
 - A. *Миллий ва умуминсоний маънавий қадриятларни чуқур эгаллаган ва унга амал қилган зиёли шахс;

- В. Адабиёт, санъат, фалсафа, ҳуқуққа доир чуқур билимга эга бўлган кишилар;
- С. Жамиятда мавжуд барча қонун-қоидаларни, ахлоқ нормаларини мукамал ўзлаштирган шахслар;
- Д. Ўз касбини яхши эгаллаган, маънавий жиҳатдан етук шахс.

6. Миллий маънавий кадриятлар деганда нимани тушунасиз?

- А. Ўзбек миллатига тегишли барча оғзаки ва ёзма бадиий илмий, фалсафий таълимотлар;
- В. *Муайян миллатга тегишли бўлган барча ахлоқий, диний бадиий, ҳуқуқий, сиёсий, маънавий мерос;
- С. Фақат бир миллат томонидан яратилган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, барча моддий мерос;
- Д. Бадиий адабиёт, театр, мусиқа, меъморчилик соҳасида яратилган, барча ёдгорликлар;

7. Миллий онг нима?

- А. Бирон-бир мамлакатга тегишли бўлган онг;
- В. *Муайян миллатнинг илғор кишилари томонидан ишлаб чиқилиб, ушбу миллат кишилари ўртасига ёйилган ижтимоий-сиёсий қарашлар;
- С. Фақат бирон-бир миллатга хос бўлган миллий рухият, кайфият, туйғулар, қарашлар, назариялар ва ғоялар мажмуаси;
- Д. Миллатни равнақи учун хизмат қиладиган, унинг мустақиллигини таъминловчи ғоялар;

8. Ҳуқуқий маданият деганда нимани тушунасиз?

- А. Давлат томонидан белгиланган ҳуқуқий нормалар ва муносабатларга, қонунларга, суд, прокуратура органларига нисбатан бўлган қарашлар;
- В. Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қиладиган барча қонун-қоидалар ва унга тегишли бўлган адабиётларнинг ўзлаштирилиши;
- С. Муайян жамиятда мавжуд ҳуқуқ нормаларига, қонун-қоидаларига, тартибга бўлган муносабат ва унга амал қилиниши;
- Д. Ҳуқуқ соҳасида чиқарилган адабиётларни мунтазам ўрганиш натижасида хосил бўлган билимлар;

9. Бурч деганда нимани тушунасиз?

- А. Инсоннинг муайян жамият, турли ижтимоий гуруҳлар (оила, маҳалла, қариндош-уруғ, жамоа ва ҳ.к.) томонидан қабул қилинган қонун-қоидалар, ахлоқий меъёрларнинг бажарилиш, унга амал қилиш;
- В. Инсоннинг Аллоҳ олдида бажарилиш лозим бўлган талабларни англаб етиши, уни бажарилиши, унга амал қилиниши;
- С. Жамият томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга тадбиқ қилинаётган қонунларга тўла амал қилиш;

D. Ота-оналар билан фарзандлар, қариялар билан ёшлар, эр ва хотин ўртасида бажарилиши шарт бўлган меъёрлар;

10.Энг олий қадрият нима?

- A. ўзаро ҳурмат
- B. ҳамкорлик
- C. жамият
- D. инсон

Глоссарий

Аболиционизм – (лот. бекор қилиш) бирор қонунни бекор қилишга қаратилган оммавий ҳаракат. XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШда негрларни қулликдан озод қилиш учун бошланган ҳаракат иштирокчилари – аболиционист деб аталган.

Автономия (юнон. autos+nomos-ўзи+қонун); 1.ягона Давлат миқёсида ҳудудий-миллий тузилмаларга (вилоят, ўлка) ўзини ўзи бошқариш ваколатларини бериш; 2.Маъмурий-ҳудудий бирлик; 3.Қандайдир органлар (хўжалик, давлат, партия ва бошқалар) фаолиятларидаги ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи.

Автономия (юнон. autos+nomos-ўзи+қонун); 1.ягона Давлат миқёсида ҳудудий-миллий тузилмаларга (вилоят, ўлка) ўзини ўзи бошқариш ваколатларини бериш; 2.Маъмурий-ҳудудий бирлик; 3.Қандайдир органлар (хўжалик, давлат, партия ва бошқалар) фаолиятларидаги ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи.

Агрегация- (лот.) нодавлат ва жамоат ташкилотлари айрим манфаатларни агрегация қилиш, яъни турли мунозаралар ва муҳокамалар воситасида турли манфаатлар уйғунлаштирилади ва улар ўртасида муайян муносабатлар тизимини шакллантиради. Бу жараёнда асосий ва муҳим манфаатлар танлаб олинади уларни қондириш чора ва тадбирлари кўрилади.

Адвокатура-ҳуқуқий институт, адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Ўзб.Рес. фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг адвокатура тўғрисидаги қонуни 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган.

Адлия-(араб.-адолат)-суд муассасаларининг бутун мажмуини, уларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятини, шунингдек, суд идорасини билдирувчи атама.

Адолат (араб. – одиллик, тўғрилиқ) – у ёки бу кадриятларнинг ўзаро умумий муносабатини ва уларнинг индивидлар ўртасида конкрет тақсимланишини ифодаловчи тушунча; инсоннинг моҳияти ва унинг ажралмас ҳуқуқларини ҳақидаги тасаввурларга мос бўлган жамоа тартиби.

Актор - (лот. “actor” - арбоб); муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширувчи индивид, ижтимоий гуруҳ, институт ёки бошқа субъект, зиддиятларда иштирок этувчи томонлар. Сиёсатшуносликда актор ва субъект тушунчалари синоним сифатида ишлатилади.

Алармизм – интеллектуал ва экспертларни бирлаштирувчи замонавий ғоявий оқим. У хавф солаётган глобал муаммолар – яровий, экологик в.х. – борасида огоҳлантиради

Амнистия-жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман жазодан озод қилиш, шунингдек, илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганликни олиб ташлаш. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти билан

белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади.

Анахронизм – (юнон. ана-орқага, chromos-вақт, замон); янглиш ҳолда бир даврдаги воқеа ёки ҳодисаларни бошқасига алмаштириб қўйиш.

Апатия – (юнон.) бутунлай бефарқлик ҳолати, лоқайдлик.

Артикуляция – (лот.) нодавлат ва жамоат ташкилотлари индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг тарқоқ қарашлари, ижтимоийруҳий кечинмалари ва умидларини аниқ ва маълумсиёсий мақсадлар ва талабларга айлантиришжараёнини англатади.

Ахборот – (“informatio” лотинчаданмаълумотлар, тушунтиришлар, баёнларни англатади) – бу маъмурий, ташкилий тадбирлар ўтказиш ҳақида қарорларни қабул қилиш учун, шунингдек таклиф ва тавсияларни тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи муҳим фактлар (шахслар, ҳаракатлар, ташкилотлар, воқеалар) тўғрисидаги маълумотдир. Фалсафий нуқтаи назардан ахборот бизнинг маълумот (белги) олиш натижасида ўрганилаётган ҳодисалар (жараёнлар) ҳақида тасаввурларимизнинг ноаниқлигини камайтириш ёки олиб ташлашни таъминлайди.

Ахборот- (информация) - лот. informare-тасвирламоқ, нимадир ҳақида тушунча тузиш; кимнидир фаолияти, нимадир фаолияти ёкиишнинг аҳволи ҳақида хабар, хабардорлик.

Ахборот маданияти – жамиятнинг ахборот ресурслар ва ахборот-коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланиш, шунингдек бу мақсадларда ахборотлаштириш воситалар ва ахборот технологияларни ривожлантириш соҳасида илғор ютуқларни қўллаш қобилияти. Ахборот маданияти кишида ахборот муҳити билан ўзаро муносабатда билим, маҳорат, кўникма ва рефлексли кўрсатмалар мавжуд бўлиши билан ифодаланadi. Кишининг ахборот маданиятининг энг муҳим элементларидан бири – ахборот ресурсларини билиш (улардан эркин фойдаланиш имконияти).

Ахборот макони – (Ахборот муҳити) ахборотни сақлаш, ишлаш ва узатиш бўйича техникавий ва дастурий воситалар, шунингдек ахборотлаштириш жараёнининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий шарт-шароитлари мажмуаси.

Ахборот соҳасини либераллаштириш – (libera lis лотинчадан эркинликка тааллуқли) ОАВ ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтиш жараёни, шунингдек уларнинг фаолиятидаги чекловларини олиб ташлаш ва давлат назоратини сусайтириш.

Ахборот эркинлиги-фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, сўз, матбуот ва бошқа оммавий ахборотга эга бўлган ахборотни олиш ҳуқуқи ва қонуний асосда олинган ахборотларни тарқатиш ҳуқуқи ахборот эркинлиги ҳисобланади. Ўз.Рес. Конституциясига асосан, оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар, цензурага йўл қўйилмайди (67-модда).

Ахборот-коммуникация технологиялари – ахборот фойдаланувчилари манфаатида уни йиғиш, ишлаш, сақлаш, тарқатиш, акс этиш ва фойдаланиш

мақсадида интеграллашган методлар, ишлаб чиқариш жараёнлар ва дастурий-техникавий воситалар мажмуи. Бугунги кунда АТ тушунчасига микроэлектроника, компьютерлар ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш, алоқа ва телефония, мобил сервислар, Интернетдан фойдаланишни таъминлаш, Интернет ахборот ресурсларини таъминлаш киради.

Билл – ингл. Буюк Британия, АҚШ ва бошқа давлатларда қонун чиқарувчи ташкилот эътиборига ҳавола қилинувчи қонун лойиҳаси.

Бипартизм-ижтимоий шерикликнинг икки субъекти ўртасидаги келишув

Бозор – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчилар ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнида бўладиган муносабатлар йиғиндиси.

Бозор иқтисодиёти – товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун – қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир.

Бозор механизми – бозор иқтисодиётининг фаолият қилишини тартибга солишни ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришни таъминлайдиган дастак ва воситалардир.

Бундесрат – нем. ГФРда ерлар палатаси. Германия Ерлари ҳукуматларининг учдан бештагача вакиллари билан иборат. Бундестаг – нем. ГФР парламенти. 1949 йилда ташкил этилган. Аралаш сайлов тизимида 4 йиллик муддатга сайланади.

Бунёдкор ғоя — жамиятни тараққиёт сари етакловчи, турли гуруҳ ва қатламларни, миллатларни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи, амалга оширишнинг реал асослари бўлган ғоя.

Вайронкор (бузғунчи) ғоя — ёвузлик ва жаҳолатга, айрим жинояткор кучларнинг ҳукмронлигини ўрнатишга хизмат қиладиган, инсонлар, миллатлар ва жамиятнинг мустақиллигига, эркинлигига, ижодкорлигига зид бўлган ғоялар мажмуини ифодаловчи тушунча.

Ватан (арабча “Ватан” – она юрт) – кишиларнинг яшаб турган, уларни авлод ва аجدодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати. Ватан бир-бирини тақозо этувчи ташқи муҳит ва ички кечинмалар ҳамда тушунчаларни ўз ичига олади. Ташқи муҳит нуқтаи назаридан Ватан киши ёки авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой,

Ватан равнақи – миллий истиқлол мафқурасининг Ислом Каримов томонидан асослаб берилган ғояларидан бири. Президентимиз Ватан равнақи ғоясини илгари сураб экан, унинг мазмунини ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир деб таърифлайди. Зеро, у миллий истиқлолнинг олий мақсади - Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг эл-юрт қамоли билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайди.

Ватанпарварлик – Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она

халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни амалга оширадиган инсоний ҳис-туйғудир. Ватанпарварлик - она-юртнинг, халқнинг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, Ватан манфаатлари йўлида фидойийлик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилат.

Вербал – (лот.) оғзаки; бунда сиёсий иштирокни шахснинг субъектив жиҳатига боғлиқ эътиборига ишора қилинмоқда.

Вето – (лот. тақиқлайман) давлат бошлиғи ёки парламент олий палатасининг қонун чиқарувчи ташкилот қабул қилган қонунни кучга киришини бир муддатга тўхтатиб қўйиш ёки уни кучга киритмаслик ҳуқуқи: мутлоқ вето, кечиктирувчи вето.

Виждон эркинлиги – ижтимоий-фалсафий тушунча; ҳар кимнинг ўз эътиқодига кўра, мазкур жамиятда мавжуд ижтимоий меъёрларни бузмаган ҳолда виждони буюргани бўйича яшаш, ишлаш имконияти. Бунда динга муносабат масаланинг бир томони ҳисобланади.

Виждон эркинлиги – фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи.

Генезис - юнон. genesis- келиб чиқиш; пайдо бўлиш, ташкил топиш жараёни.

Гильдия тизими – (нем. корпорация) элиталарни шакллантириш тизимларидан бири. Унга 1) эпиклик, юқори лавозимларга элитанинг қуйи қатламларидан номзод танлаш, юқорига силжишнинг поғонавийлиги; 2) лавозимларни эгаллаш учун кўплаб расмий шартларнинг мавжудлиги; 3) танловни алоҳида имтиёзли кичик гуруҳ амалга ошириши; 4) мавжуд етакчи типини тиклашга, яратишга, сақлаб қолишга ҳаракат қилиниши сифатлари хос.

Гипотетик – фарз қилинган, тахмин қилинган.

Глобал - фран. global-умумий); умуман олганда, бутун ер юзи бўйлаб.

Глобал - фран. global-умумий); умуман олганда, бутун ер юзи бўйлаб.

Ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр

Ғоявий бўшлиқ - деб, эски ҳукмрон мафкура ҳалокатга учраб, у билан боғлиқ тушунчаларнинг қадрсизланиши, бугунги ҳаёт, ўтмиш ва келажакка даҳлдор кадриятлар, тушунча ва тасаввурларни тўлиқ англаб етмаслиги оқибатида одамларнинг қалби ва онгида вужудга келадиган бўшлиққа айтилади.

Гуманизм (инсонпарварлик) – тенглик, адолат, ўзаро ҳурмат, инсон қадрини ардоқлаш, одамлар фаровонлиги учун ғамхўрлик қилиш ғоялари сингдирилган дунёқараш.

Гуруҳ - манфаатлар, қарашлар, касбий, фаолият тарзи бўйича бирлик ва умумийлик касб этган шахслар йиғиндиси, бирлашмаси.

Давлат – муайян ҳудудда жамият ва унинг сиёсий тизимини ташкил этиш усули, ҳокимиятнинг марказий институти, жамиятнинг сиёсий ташкилоти бўлиб, маълум бир ҳудуд ва унда яшовчи халқларни ўз ичига олади. Жамиятни бошқарувга тизим сифатида Давлат ички тизимга ўз

ваколатларини амалга ошириш учун махсус органларга эга. Давлат одамлар ва жамоат гуруҳларининг фаолияти ҳамда муносабатларини ташкил этади, уларни йўналтиради ва назорат қилади.

Давлат тассарруфидан чиқариш - давлат мулки ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шакллариининг вужудга келтирилиши.

Дахлдорлик ҳисси– фуқароларнинг туғилган жойи, она Ватани, мустақилликни англаш, уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш, уни янада ривожлантиришга чорлайдиган, шарт-шароит, омиллар мажмуи.

Демократик институтлар – бу, давлат ва жамиятда демократик тузумни шакллантирувчидемократик тамойилларни амалга оширишнинг ташкилий шакллари ҳисобланади.

Демократик институтлар - жамият ҳаётида демократик тамойилларни қарор топишга хизмат қиладиган ташкилотлар ва тузилмалар мажмуаси.

Демократик кучлар блоки–парламентдаги кўпчиликни ташкил этиш мақсадида ўздастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолдабир нечта сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириши.

Демократия (юнонча, “демос” – халқ, “кратос” – ҳокимият) – халқ ҳокимияти маъносини англатиб, халқни ҳокимият манбаи, деб билувчи сиёсий тизимни шакли. Демократия инсонни ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун берилган имкон бўлиб, давлат конституциясида озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши тамойили расмий эълон қилинди, ҳамда фуқароларнинг эркинлиги тенг ҳуқуқлиги эътироф этилди. Демократия ҳар бир даврнинг ижтимоий – иқтисодий шароитларига мос шаклланиб, ривожланиб боровчи чегарасиз табиий – тарихий жараёндр.

Децентрализация - номарказлаштириш; марказий ҳокимият органлари ваколатларининг бир қисмини маҳаллий ҳокимият органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотларга бериш; марказлашувнибўшаштириш ёки бекор қилиш, тугатиш.

Диаспора – юн. diaspora -тарқалиш маъносида бўлиб, маълум бир давлат худудида яшовчи, аммо бошқа бир давлатда ўз давлат тузилмасига эга, маълум бир халқ миллат вакилларининг йиғиндиси (масалан Ўзбекистонда яшовчи рус, украин миллатининг диаспораси).

Диверсификация – лот. diversification – ўзгариш, турли-туманлик, фаолиятни ҳар томонламава турли-туман йўналишларда ривожлантиришга стратегик мўлжал олиш. Масалан, капитални диверсификациялаш – иқтисодий таваккалчиликнинг хавfli оқибатини камайтириш мақсадида капитал маблағларни турли объектлар ўртасида бўлиб-бўлиб жойлаштириш.

Диний бағрикенглик - бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очик мулоқот ҳамда ҳурфикр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради.

Дискурс - ингл. discourse < лат. discursus – суҳбат, муомала, монолог, диалог.

Дифференциация – (лот. differentia-фарқлаш, ҳар хиллик); тақсимланиш, ниманидир алоҳида турли хил унсурларга ажралиши, бўлақларга бўлиниш.

Дуализм – (лот.) икки тарафламалик (шунингдек, фалсафадаги дунё асосида иккита мустақил бош сабаб – руҳ ва модда, идеаллик ва моддийлик мавжуд деган карашлар ҳақидаги таълимот).

Европоцентризм - Ғарбий Европа маданияти бутун инсоният учун наъмуна, деб қаровчи концепция. Унга кўра Ғарбий Европа – жаҳон тараққиёти марказидир.

Жазо – ҳуқуқбузарлик содир этишда айбланган шахсларга нисбатан қўлланадиган маънавий, моддий ёки жисмоний чеклашлар билан боғлиқ бўлган мажбурлов чораси.

Жамият – инсонлар муносабати ва ижтимоий алоқалар йиғиндиси. Жамият тарихий, моддий-маънавий ҳаёт тарзидан келиб чиққан ҳолда умумий орзу-мақсадлари билан бирлашган инсонлар уюшмасининг алоҳида шакли. Жамият доимо ўзгариш ва ривожланишда бўлиб, унинг асосини доимо инсонлар ташкил этади.

Жамоа манфаати – кишилар гуруҳи, корхона ва фирмаларга тегишли манфаатлар мажмуидир.

Жамоат бирлашмалари – фуқароларнинг қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бирлашмалари. Уларга касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, фахрийлар ва ёшларнинг ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари киради.

Жараён – муайян вақт оралиғида бўлиб ўтган ўзгаришлар, воқеа ва ҳодисаларнинг давомийлиги. Ж.лар узлукли ва узлуксиз, табиий ва сунъий, такрорланувчи ва бетакрор, бошқарилувчи ва бошқарилмас бўлиши мумкин.

Жиноят – қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш. замин, ўлкадир.

Идентификация – (лот. ўхшатмоқ, тенглаштирмамоқ, бараварламоқ) монандлик. Сиёсий идентификация - у ёки бу сиёсий гуруҳга ўзини бошқалардан ажратиш имконини берувчи барқарор белгилар, хусусиятлар бирлиги.

Ижтимоий адолат – барча ижтимоий тоифаларнинг жамиятда ўз ўрни мавжудлигини ва қонун олдида уларнинг ўзаро тенг ҳуқуқларга эга эканлигини эътироф этиш.

Ижтимоий манфаат – бу барча жамият аъзоларининг биргаликда рўёбга чиқадиган манфаатларидир.

Ижтимоий уюшмалар – фуқаролар манфаатлари умумийлиги ва ихтиёрийлик асосида вужудга келувчи, лекин ўз фаолияти натижасида даромад олишни кўзламайдиган ташкилотлар (сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, аёллар, кексалар, ногиронлар, ёшлар, болалар ташкилотлари, илмий техник, маданий-маърифий, спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, жамғармалар, ассоциациялар, бошқа тузилмалар). Демак, фуқароларнинг ҳар қандай кўнгилли уюшмаси – ижтимоий уюшмадир.

Мавжуд сиёсий ҳаётни ўзгартиришга ёки унга таъсир этишга уринувчи ижтимоий уюшмалар сиёсий, деб қаралади.

Ижтимоий ҳамкорлик – турлимиллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги.

Ижтимоий шериклик - давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар - бу кишилар учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

Иқтисодий мустақиллик –муайян бир мамлакатнинг шу мамлакатда мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларига, табиий ва маънавий бойликларга ва шу бойликлар туфайли яратилган маҳсулотдан тушган миллий даромадга ва уни тақсимлашга ягона эгалик қилиши.

Иқтисодий ресурслар – маълум даврда маълум бир мамлакат ихтиёрида тўпланган ва мавжуд бўлган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, уларни истеъмолчиларга етказиб бериш ва истеъмол жараёнларида қўлланилиши мумкин бўлган воситалар, кўр-қутлар, имкониятлар ва манбалардир

Индивид - лот. *individuum*-бўлинмас, алоҳида; инсон зотининг алоҳида олинган намунаси, унинг вакилларида бири; ҳар бири алоҳида, мустақил мавжуд бўлган тирик организм; шахс эса у ёки бу инсон сифатида намоён бўлиб, у маълум ва бетакрор индивидуалликка эга бўлади.

Инсон омили – инсон моҳиятига хос бўлган энг муҳим хусусиятларни – инсондаги жисмоний – руҳий томонларнинг бирлиги.

Инсон ҳуқуқлари - унга тор маънода фақат давлат ҳимоя қиладиган ва кафолат берадиган ҳуқуқлар кириб, бу ҳуқуқларга барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, яшаш ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ўзбошимчалик ва ноқонуний ушлаш ёки қамаш, виждон ва дин эркинлиги, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбия қилиш ҳуқуқлари киради. Кенг маънодаги инсон ҳуқуқлари эса ўзида шахс эркинлиги ва ҳуқуқларининг кенг мажмуаси ва турларини ифодалайди

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос белгилари - биринчидан, жамоат ва давлат турмушининг барча соҳаларида ҳуқуқ ва қонуннинг устуворлиги, қонун талабларининг давлат ҳокимияти ва барча органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши; иккинчидан, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг реаллиги, уни эркин камол топтириш таъминланиши, давлат билан шахснинг ўзаро масъуллиги; учинчидан, давлат ҳокимиятини қонунчилик, ижрочилик ва судҳокимиятига бўлиш асосида амалга ошириш.

Институт - лот. institutum-махкама, идора, муассаса; тизимлаштирилган, ҳаммага танилган, амалда қўлланилаётган ва эътироф этилган (ҳар қачон ҳам ўз расмий тасдиғини топавермайдиган), у ёки бу тарзда мустаҳкамланган коидалар ва меъёрларга мувофиқ ўзаро хатти ҳаракат қилиш учун қўллаб-қувватланаётган кўрсатмаларга эга бўлган ижтимоий агентларнинг ўзаро хатти ҳаракатлари шакллари киради.

Интеграция - лот. integratio-тикланиш, бажариш; integer-бир бутун; қандайдир қисмларнинг бир бутунликка бирлашиши.

Интерактив давлат хизматлари – идоралар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга идораларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникация тармоқлари орқали кўрсатиладиган хизматлар. Бизнинг мамлакатимизда бу хизматлар 2013 йил 1 июлдан ҳаракат қилувчи ҳамда давлат органларининг аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро ҳамкорлигининг қулай ва самарали воситаси сифатида хизмат қилувчи my.gov.uz Интерфаол Давлат хизматлари ягона портали орқали кўрсатилади.

Интернет – ахборот билан алмашиш учун ҳам компьютер тармоқлари фойдаланувчиларни, ҳам шахсий компьютерларни ўзаро боғловчи бутун дунё ахборот компьютер тармоғи.

Интернет журналистика – бу интернет маконида ахборот шакллар долзарблигини шакллантириш ва тақдим қилиш бўйича фаолиятни касб этувчи сифат жиҳатидан янги ва цивилизацияли феномендир, бунда бундай шакллар ташувчисига нафақат сўз, балки расм, фотосурат, кино, видео, товуш, веб-саҳифа – кенг маънода ахборот ёки матн ташувчиси сифатида намоён бўлишга қодир ҳар қайси объект айланиши мумкин.

Интерпелляция - фр. interpellation < лат. interpellatio < interpellare – муносабат, алоқа, суҳбат ва бошқа шу кабиларни бўлиб қўйиш, қарши чиқиш.

Интерфаол мулоқот – реал вақт режимида турли ОАВ (асосан Интернет) воситасида “жонли” мулоқот қилиш. Шартли равишда бундай мулоқотнинг бир неча шаклини белгилаш мумкин:

Информация – лот. informatio – хабардор қилиш, тушунтириш, баён қилиш маъноларини беради. Шунингдек, лот. informare- шакл бериш кабилида ҳам ишлатилади.

Иррационал – (лот.irrationalis) билишнинг асосий воситаси сифатида ҳис-туйғу, инстинкт ва эътиқодни тан олувчи фалсафий қараш.

Ишлаб чиқариш усули - ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари бирлиги ҳамда ўзаро таъсири.

Ишлаб чиқарувчи кучлар - ишлаб чиқаришнинг шахсий ва моддий омиллари, яъни ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари бирлиги.

Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели тизими – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йилнинг 29 августида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” қарор қабул қилинди. Ушбу дастурда (3-банди) кадрлар тайёрлашнинг миллий модели қуйидаги таркибий қисмлардан иборатлиги белгилаб қўйилган:

1. Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси.

2. Давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга амлга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари.

3. Узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

4. Кадрлар тайёрлаш тизимида – фан юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи.

5. Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжини, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан кўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техник жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси (“Баркамол авлод–Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, Т., 2008., 41-53 б.).

Касаба уюшмалари -корхона, муассаса, ўқув юрти ва бошқа меҳнат жамоларида ишлаётган ишчи ва ходимларни ижтимоий манфатларини ҳимоя қилиш, иш берувчилар билан ишловчиларнинг ижтимоий шерикчилигини ташкил этиш мақсадида фаолият юритадиган нодавлат нотижорат ташкилоти;

Квази... – лот. турли сўзлар бошига қўйилувчи ва «гўё», «сохта» маъноларини берувчи қўшимча. Масалан, квазидемократия.

Квинтэссенция – (лот. бешинчи асос) бирор нарсанинг асос, моҳияти; энг муҳим, энг асосий.

Компетент – (лот. competents- лойиқлик, мутаносиблик); ўз билими ёки ваколати билан бирон-бир қарорни қабул қилиш, масалани ечиш ёки улар юзасидан ҳукм чиқариш учун зарур бўлган илмга ёки қобилиятга эга бўлишни англатади.

Конфессия -лат. cōnfessio динлар ва унинг шахобчалари, тармоқлари, мазҳаб, оқим ва йўналишларини ифодаловчи умумий тушунча.

Концепция - лот. conceptio-идрок қилиш, идрок, ўзлаштириш; у ёки бу ходисаларга нисбатан қарашлар тизими; қандайдир ходисаларни кўриб чиқиш, ниманидир англаш усули.

Конъюнктура – лот. conjunctura - боғлаш, қўшиш. Бозорконъюнктураси – талаб ва таклиф, баҳолар даражалари, моллар захиралари, шунингдек, иқтисодий цикллар ўзгаришлар даври – кўтарилиш ёки таназзул кабилар ўзаро тегишли нисбати натижасида эркин бозордаюзага келган иқтисодий вазиятлар. Конъюнктуранинг биринчи белгиси унинг тез ўзгарувчанлиги, доимий эмаслиги ва аксарият ҳолларда тебраниб туриши ҳисобланади.

Кооперация - лот. cooperatio-ҳамкорлик; кўпчилик кишиларнинг биргаликда битта ёки ўзаро бир-бирларига боғлиқ ўлган бир неча

фаолиятлардаги иштироки, меҳнатни ташкил этиш шаклларида бири; ишлаб чиқариш ва маҳсулот айирбошлаш соҳасидаги жамоавий бирлашма.

Космополитизм - (юнон. kosmopolites — дунё фуқароси) — дунё фуқаролигини даъво қилиш, шунингдек, миллий ва давлат суверенитетини рад этиш, турли миллий анъана, маданият ҳамда ватанпарварлик туйғусидан воз кечиш ғоясини илгари сурадиган қараш. Космополитизм - яъни, қаерда яхши ҳаёт бўлса ўша ерни ватан деб билиш. Бу тамойил инсонда ватан ҳиссини йўқотади, ғурурни ўлдиради. Бу эса ҳар бир жамият учун ҳалокатлидир.

Кўппартиявийлик—мамлакат парламентида кўпчилик ўринни олиш учун тенг имкониятга эга бир неча сиёсий партиялар мавжуд бўлган сиёсий тизим.

Кучли давлат —омма фаолиятига асосланган кучли бошқарув тизими, ривожланган иқтисодиёт, юксак маънавиятга эга бўлган давлат. Бундай давлат мустақкам иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий асосга эга бўлади. Унинг кудрати фуқаролар ҳамжиҳатлиги, жамиятдаги дўстлик ва бағрикенглик, ҳар бир фуқаронинг онглилик даражаси, давлат бошқарувидаги фаол иштирокига асосланади.

Кучли давлатдан-кучли жамият сари — ушбу концепциянинг моҳияти одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари давлат вазифаларининг нодавлат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ошиши демакдир.

Кучли жамият-мустақкам негизнинг барқаролиги таъминланган, давлатнинг бошқарувчилиги фаолияти қисқариб, жамоат ташкилотларининг роли кучайган, фуқароларнинг қонун асосида, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадриятларга айланган жамият.

Кучли фуқаролик жамияти — инсон манфаатлари устуворлиги ва фуқаролик жамияти институтлари орқали уларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши таъминланган, қонун устувор бўлган жамият.

Қонун — қонунчилик ҳокимиятининг фуқаролар, жамият ва давлат ҳаётига тааллуқли муносабатларда муайян тартиб жорий этиш борасидаги иродасининг намоён бўлиши.

Қонун устуворлиги — ушбу тамойилнинг мазмуни шуни англатадики, қонун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қатъий ҳукмрон бўлади. Яъни, ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, тадбиркор ёки бошқа бир фуқаро қонунга бўйсунмиши, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча иштирокчилари эса, ҳеч бир истисносиз, ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилиши керак. Ҳуқуқий нормаларни тадбиқ этишда конституция ва қонунларнинг нормалари бошқа ҳуқуқий нормалардан устун туради.

Легитимлик — (лот. қонуний) муайян давлат ҳокимиятининг қонунийлигини а) фуқаролар томонидан; б) халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишини англатувчи кадриятий тушунча. Тарихан анъанавий, харизматик, оқилна-қонуний шаклларда номоён бўлади.

Либерализм – (лот. эркинлик) мафкура, ижтимоий-сиёсий ҳаракат. У ижтимоий имтиёзлар ва авлоддан-авлодга ўтувчи ҳокимиятга қарши чиқиб буржуа қатламларининг қарашларини ўзида мужассам этади. Асосий тамойиллари: индивидуализм, эркинлик, бозор ва рақобатнинг мутлоқлиги, давлатни чеклаш зарурлиги (асосчилари И.Бентам, Ж.Милл, А.Смит, Г.Спенсер).

Либераллаштириш – ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлик устувор бўлишини, жамиятнинг эволюцион ривожланиш йўлини эътироф этувчи ва асословчи назария, амалиёт.

Лига - лот. ligare-боғламоқ; ижтимоий-сиёсий бирлашма; давлатлар, ташкилотлар, алоҳида шахслар иттифоқи.

Лобби - лот. lobуу-кулуар; жамиятдаги маълум бир сиёсий доиралар, кучли иқтисодий тизилмалар манфаатларини ифодаловчи, ана шу манфаатларни амалга ошириш парламент ва мансабдоршахсларга босим ўтказишга интилаётган гуруҳлар.

Маданият – кишиларнинг табиатни, борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва услублари мажмуи.

Маданиятли одам – ўқимишли, замон талаблари асосида кийиниш ва муомала меъёрларига амал қилувчи, ахлоқ нормаларига тўла амал қиладиган, илғор фалсафий ғояларга эга бўлган, жаҳон маданияти дурдоналаридан хабардор бўлган шахсга айтилади.

Манфаат – индивид ва ижтимоий гуруҳлар фаолиятининг асосий сабаби.

Манфаатлар - лот. interest аҳамият касб этиш, муҳим; объектив равишда аҳамият касб этган, инсон, жамоа, миллат, жамият қабила учун зарур бўлган зарурий эҳтиёжлар; кимгадир фаровонлик бағишлайдиган, кимгадир фойда келтирадиган нарсалар.

Манфаатлар гуруҳлари - унга аъзо бўлган кишиларнинг манфаатларини бошқа гуруҳлар ва сиёсий институтларнинг ўзаро муносабатларида, шунингдек, ўз гуруҳи ичида ифода қилиш учун тузилган ихтиёрий ташкилотлар.

Маргинал – (фр. “marginal”) иккинчи даражали, охириги, четда турувчи; сиёсатшуносликда – олдинги ижтимоий алоқаларини йўқотган, янги ҳаёт шарт-шароитларига ҳали мослаша олмаган, қандайдир ижтимоий гуруҳлар орасида ёки энг чеккасида турган ижтимоий одам, жамиятнинг сиртида қолган: люмпен, мискин ва ҳоказо.

Маҳаллий (ёки муниципал) бошқарув - маъмурий-худудий бирликлардаги аҳолининг манфаатларини ифодалайдиган ва сайлаб қўйиладиган органлар ҳамда уларнинг маъмурий аппарати томонидан амалга ошириладиган маҳаллий аҳамиятга молик ишларни бошқариш.

Маънавий баркамол инсон – комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб,

токи оилага, ота-онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини камраб олади.

Маънавий жасорат – ер юзида барча ўлмас обидаларни, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтироларни, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари ҳамда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган инсонларнинг мислсиз ақл-заковати ваюксак маънавий салоҳиятини ифодалайди.

Маънавий таҳдид – тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутди.

Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

Маънавиятга таҳдид – инсон қалби ва имон эътиқодини сусайтиришга қаратилган ҳамда инсоннинг ўзлигидан бегоналаштириб, келажагидан маҳрум этишга йўналтирилган ёт ва бегона ғоялар.

Маънавиятни шакллантирадиган мезонлар – инсон онгига таъсир кўрсатадиган, унинг дунёқараши тафаккур тарзини муайян йўналишга соладиган, ўзгартирадиган, жамият, миллатга хос маънавий, маданий ва моддий асослар, анъаналар, қадриятлар, мерос, турмуш тарзи, ғоялар ва қарашларни умумлаштирувчи тушунча.

Маърифат – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.

Менталитет - фран. mentalite; лот mentalis-ақлий, руҳий, маънавий, ақл йўналиши ақл бичими, ақлий етуклик, заковат; маълум шахс, ижтимоий гуруҳ (кичик, катта, миллий) учун характерли бўлган дунёқараш, дунёни англаш, атроф воқеликни қабул усули; фикрлаш тарзи.

Механизм - юнон. mechane-қурол, иншоот; ҳаракат ва тезликни амалга ошириш ёки узатиш қурилмаси. Сиёсатда маъжозий маънода бирон-бир режа, дастур, мақсадни амалга ошириш йўл-йўриқларини ва воситаларига нисбатан қўлланилади.

Миллат — тил, маънавият, миллий ўзликни ангаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи иқтисодий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлигидир.

Миллатлараро муносабатлар — бирга ёки айри тарзда яшайдиган ҳар хил миллатлар ўртасида амалга ошадиган турли-туман шакллардаги алоқаларни англаувчи тушунчадир.

Миллатлараро тотувлик ғояси - миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, мамлакатимизда истиқомат қилиб келаётган барча этник вакиллари билан, авваламбор, ўзбек миллати ва шу билан бирга ўзларининг ўртасида кўп йилларга мўлжалланган эзулик, ишонччилик, дўстоналик, яқдиллик,

қариндошлиқ, маънавий-ахлоқий ва мафкуравий яқинлик ва бирдамлик, мурасилилик ва бошқа инсонийлик муносабатлари мавжудлигини ва келажакда ҳам у янада камол топишини ифодалайди.

Миллатчилик бу - миллат айириш, бир миллатни ҳар томонлама улуғлаб, бошқаларининг ҳуқуқ, эҳтиёж ва манфаатларини назар-писанд қилмаслик, уларни ерга уришдан иборат бўлган нодемократик мафкура.

Миллий ғоя – аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадлари йиғиндиси.

Миллий ғоя негизлари – аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган, халқнинг ўзига хос миллий хусусиятларини ифодалаган миллий маънавий мерос қадриятлари ҳамда дунё халқлари томонидан эътироф этилган демократиянинг умуминсоний принциплар мажмуидир.

Миллий қадрият – миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ бўлган қадрият шакли.

Миллий мафкура – миллатнинг этноижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, эркин ва озод тараққиётини ғоявий асослаш, таъминлашга қаратилган қарашлар тизими

Модель - фран. modele-намуна, тарх, ниманидир тасвири тавсифи.

Модернизациялаш - фран. modernizer-замонавий; замонавийлаштириш, ҳозирги давр талаблари, тарзи ва дидига мутаносиб равишдаги ўзгаришларни амалга ошириш.

Мулк объектлари - мулкка айланган барча бойлик турлари. Мулк субъектлари - мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулккий муносабатлар иштирокчилари.

Мулкдан фойдаланиш - мол-мулкнинг Иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилиши, яъни унинг нафли жиҳатларининг бевосита истемол қилиниши.

Мулкни тасарруф этиш - мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш. Мулкка эгалик қилиш - мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туриши ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шакли.

Мулкчилик муносабатлари - мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни ўзлаштириш ва тасарруф этиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

Муниципал бошқарув - ингл. municipal ўзини ўзи бошқариш; бу бошқарувнинг нисбатан номарказлашган шаклидир. Шу билан бир вақтнинг ўзида у фуқаролик жамиятининг институти ҳисобланади. Бундай бошқарув органларининг асосий белгилари, - уларнинг сайланишлиги ва ўз худудидаги аҳоли манфаатлари асосида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларга раҳбарлик қилишдаги нисбатан мустақиллик.

Муниципалитет - фран.municipalite-шаҳар ўзини ўзи бошқариш органи; кўпчилик мамлакатлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари.

Мустақил босма ОАВ лари – давлат бошқарувидан холи бўлган, ўзининг фикр ва сўз эркинлигини рўёбга чиқарувчи, лекин бунда ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик доирасидагина олиб борувчи оммавий ахборот воситаларидир.

Низом- муайян давлат ёки жамоат тузилмаларини ташкил этиш тартибини, тузилиши, вазифаси, функциялари ва ваколатларини белгиловчи кодекслаштирилган норматив ҳужжат ҳисобланади.

Нодавлат ноижорат ташкилоти (ННТ) - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари – ўз олдида Интернет тармоғида оммавий ахборот воситаси (ОАВ) функцияларини бажариш вазифасини кўювчи нодавлат тусдаги рўйхатга олинган веб-сайтлари.

Оккультизм, - фр. occultisme, нем. Okkultismus < лат. occultus – сирли, яширин, дунёнинг яширин, ғайришуурий, илмий тафаккурга сиғмайдиган, аммо “танланган”, “тақим этилган”ларгагина насиб этувчи қудрати ҳақида нотабиий қараш.

Оммавий ахборот воситалари – кенг кўламда ахборотни йиғиш, ишлаш ва тарқатишни таъминловчи ижтимоий институтлар ва каналлар (матбуот, китоб нашриётлари, матбуот агентликлари, радио, телевидение ва ҳ.к.). Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда)

Парламент - ингл. parliament, франц. parlement парлумок ва сўзламок; парламент олий қонун чиқарувчи вакиллик органи ҳисобланади.

Парламентдаги кўпчилик–Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси.

Парламентдаги мухолифат–янгитданшакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек Ўзбекистон экологик харакатидан сайланган депутатлар гуруҳи.

Партиципация – (ингл) иштирок этмок; фуқаролар томонидан давлат ва жамият ишларини бошқариш жараёнида у ёки бу функцияларни бажаришини шарт қилиб қўядиган демократиянинг моделига доир нисбат.

Партия - лот. pars (partis)-қисм, гуруҳ; қандайдир ижтимоий қатлам ёки гуруҳманфаатларини ифодаловчи, қандайдир сиёсий мақсадларни кўзловчи ташкилот.

Пассив сайлов ҳуқуқи - фуқароларнинг сайланадиган давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайланиш ҳуқуқи.

Плюрализм - лот. pluralis-турлича, турли туман; турли ижтимоий қатламлар манфаатларини ифодаловчи турли туман ижтимоий-сиёсий кучлар мавжуд бўлган сиёсий тизим.

Плюрализм - лот. pluralis-турлича, турли туман; турли ижтимоий қатламлар

Полиэтник – кўпмиллатли, моноэтник – яқка, ягона ёки бир миллатли.

Президент – лот. praesidens (praesidentis) – олдинда ўтирувчи, раислик қилувчи, бошда турувчи сўзларидан олинган бўлиб, кўпчилик Президентлик ва парламент республикалари жорий этилган мамлакатларда маълум бир муддатга сайланган давлат бошлиғи.

Пресса - фран. presse; оммавий ахборот воситалари; оммавий жорий матбуот.

Принцип - лот. principium-асос, дастлабки, бошланғич; асос бўладиган пойдевор ғоялар; ҳуққ, фаолият ва ҳатти-ҳаракатнинг асосий қонидаси.

Пропорционал (- от. proportionalis-мутаносиб; сайловларда номзодлар учун бериладиган овозлар рўйхатлар бўйича бериладиган, ҳар бир рўйхат учун берилган овозларга мутаносиб равишда жой эгалланадиган сайлов ҳуқуқи тизими.

Профицит – бюджетга нисбатан қўлланилганида бюджетнинг даромад қисмини унинг харажат қисмига нисбатан ортиқ бўлганлигини ифодалайди.

Рационал – (лот. rationalis-оқилона); мақсадга мувофиқ, асосланган, далилланган (энг тўғри йўл маъносида ҳам ишлатилади).

Режим - фран. regime; давлат тузуми, идора этиш образи.

Сайлов – аҳолининг расмий мансабни эгаллаш учун бирор шахсни танлаши жараёнидир.

Сайлов ҳуқуқи – давлат бошлиғи, вакиллик органлари ва бошқани сайлаш тартибини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. Сайлов ҳуқуқи, одатда, конституция ва сайлов тўғрисидаги махсус қонунлар билан белгиланади.

Секторлараро назария- ижтимоий шерикликнинг уч сектор: давлат органлари, бизнес вакиллари ва фуқаролик жамиятининг институтлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши тўғрисидаги назария

Сенат - лот. senatus-эски, қария; кўпчилик мамлакатлар парламентининг юқори палатаси.

Сиёсат субъекти – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.

Сиёсий жараёнлар – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.

Сиёсий қарашлар – сиёсий қарашларнинг шаклланиши ва қарор топишида ўзига хос анъаналар мавжуд бўлиб, сиёсий ҳодисалар турли хил талқин этилган.

Сиёсий маданият - инсоннинг сиёсий ҳодисаларга доир қадриятларга оид тасаввурлари ва унинг амалиётда намоён бўладиган хулқи кодекси ёки унинг сиёсий ҳокимият субъекти сифатидаги фаолият услуги. Шу маънода, сиёсий маданият фуқаронинг умуминсоний аҳамиятга молик бўлган сиёсий фаолият намуналарини қай даражада эгаллаганлигини намоёиш қилади.

Сиёсий онг – турли ижтимоий гуруҳларнинг давлат ҳокимиятига, сиёсий ташкилотлар, уларнинг жамият ҳаётидаги ролига, бошқа давлат ва миллатлар билан муносабатига оид қарашларнинг бир тизимга солинган назарий ифодаси.

Сиёсий партиялар – ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи, уларнинг энг фаол вакилларини бирлаштирувчи сиёсий ташкилотлар. Сиёсий партиялар жамият сиёсий тизимининг муҳим қисми, улар давлатнинг сиёсий йўналишини белгилашда иштирок этади, ҳукуматнинг вакиллик ва ижро этувчи муассасаларини шакллантиради.

Сиёсий ташкилотлар – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этади.

Сиёсий тизим жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.

Социал – лот. *socialis* – ижтимоий, жамоатчилик; жамият ва ижтимоий муносабатлар билан боғланган.

Социум - лот. *socium*-умумий, биргаликдаги; инсонлар ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини бирлигини характерловчи ижтимоий умумийлик, бирлик.

Страта – (лот.*stratum*)-қатлам.

Структура (лотинча “*structura*” –“тузилма”, “тузилиш”) – объектнинг бир бутунлигини ва унинг ўзига ўзи айнанлигини, яъни турли ички ва ташқи ўзгаришларда ўзининг асосий хусусиятларини сақлай олишини таъминловчи барқарор алоқалар йиғиндисидир.

Субординация – (лот.) тартибга келтириш; хизмат интизоми қоидаларига тегишли ҳолда мартаба даражалари бўйича кичик мансабдорларни катта мансабдорларга бўйсунушига қатъий амал қилиш.

Суверен – фран. *souverain*-олий сўзидан олинган бўлиб, олий, суверенитетга эга бўлиш, мустақил, қарам бўлмаган маъноларини беради.

Суверенитет – (фран. “*souveränität*”) давлатнинг ички ишлар ва ташқи муносабатларда хорижий аралашувларга йўл қўймаган ҳолдаги мустақиллиги ва мухторияти.

Ўз эркинлигини таъминлаш – инсоннинг фундаментал ва табиий ҳуқуқларидан бири – ўз фикрини (ҳаёлини) ошқора (оғзаки, ёзма равишда ва/ёки оммавий ахборот воситалардан фойдаланган ҳолда) ифода этиш ҳуқуқини амалга ошириш учун комплексли шарт-шароитларни яратиш.

Сўз эркинлигини таъминлаш – инсоннинг фундаментал ва табиий ҳуқуқларидан бири – ўз фикрини (хаёлини) ошкора (оғзаки, ёзма равишда ва/ёки оммавий ахборот воситалардан фойдаланган ҳолда) ифода этиш ҳуқуқини амалга ошириш учун комплексли шарт-шароитларни яратиш.

Табақа (қатлам) - ўхшаш касб-ҳунар, машғулот, ҳолати ва аҳволи билан манфатлар умумийлиги асосида бирлашган шахсларнинг йирик гуруҳи.

Тараққиёт – жамият ривожланишининг оддийдан мураккабга, Юқайдан юқорига йўналган, бир сифат босқичидан янги сифат босқичига ўтиши жараёни.

Тараққиётнинг “Ўзбек модели” - истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ислохотлар стратегия бўлиб, тараққий топган мамлакатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси, мамлакатимиз бошидан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи асос қилиб олинди. Шу тариқа юртбошимиз томонидан жамиятни ислоҳ этишнинг чуқур илмий асосланган қуйидаги беш тамойили вужудга келди: Биринчи тамойил: иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги; Иккинчи тамойил: давлат – бош ислохотчи; Учинчи тамойил: жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги; Тўртинчи тамойил: аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш; Бешинчи тамойил: бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда, пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш.

Ташаббус- лот. инициатива initiative-ташаббус; қандайдир ишни бошлашга ундаш, ишбилармонлик; муҳокама қилиш учун таклифлар бериш.

Технотроника -ингл. technetronic;. Электроникадан фойдаланиб жамиятга таъсир этувчи техника воситалари.

Тинчлик – инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омили.

Толерантлик - фр. tolérant (лат. Tolerāns-tolerantis) ҳозирги ўзбек тилида луғавий таржима қилганда чидамлик, сабрлик, бардошлилик, тоқатлик маъноларини англатади. Антик давр ва ўрта асрларга қадар асосан табобат соҳасида кенг истифода этилган мазкур тушунча ҳайвонлар ва инсонлар организмларининг турли-туман касалликлар, жароҳатлар ва умуман, ҳаёт учун курашиш жараёнларига доир иммун қобилятини ўрганиш масалаларига алоқадор бўлган. Кейинчалик бошқа фанлар доирасида ҳам эътиборли асарлар яратган машҳур табобат олимлари ва аксинча, табобат борасида ҳам диққатга сазовор фикрлар билдирган бошқа соҳа олимлари мазкур тушунчани кенгроқ маънода қўллай бошлаганлар (Эпименид, Горгий, Аристотел, Эпиктет, Ибн Сино). XX асрга қадар толерантлик тушунчасининг айниқса дин билан боғлиқ мурувват маъносидаги талқинларига кўп дуч келиш мумкин. Лекин мазкур аср бошларидан техника тараққиёти ва унинг асосида меҳнатни ташкил этиш муносабатларининг жадал ривожланиши натижасида толерантлик тушунчаси давлат ва халқ муносабатларида, айниқса ҳуқуқий муносабатлар тизимида кенг мазмун касб этади. Энди тушунча чидам, сабр-тоқат маъноларини йўқотмаган ҳолда кўпроқ бағрикенглик, ҳамжихатлик, ҳамкорлик каби мазмунда талқин этила бошланди.

Тоталитар - лот. totalis-бутун, тўла, бир бутун); давлат ҳокимияти органлари томонидан жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини назорат қиладиган давлат шакли, амалда конституцион ҳуқуқ ва эркинликларни тугатилиши; бу режимда давлат ҳокимияти бирон-бир гуруҳ (сиёсий партия) кўлида тўпланиб, мамлакатда демократик эркинликлар ва сиёсий муҳолифатни амал қилиши учун имкониятлар бўлмади.

Транзакция - ингл. bank transaction, от лот. transactio - келишув, шартнома; транзакция – бу сотиб олишга доир шарномани тузиш/молиявий воситаларни сотишга доир шартнома. Банк транзакцияси, деганда бир банк ҳисоб рақамидан иккинчисига ёки банк ичидаги бир ҳисоб рақамидан иккинчисига пул маблағларини ўтказиш тушунилади.

Трансформация - лот. transformatio – ўзгариш; тузилмаларни, шаклларни ва усулларни ўзгартириш, фаролиятнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш.

Тред-юнионистик назария- ижтимоий шерикликнинг мҳнат муносабатларини тартибга солиши тўғрисидаги назария

Трипартизм-ижтимоий шерикликнинг давлат органлари, бизнес вакиллари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги келишув.

Ўзини ўзи бошқариш (ингл. municipal ўзини ўзи бошқариш); у ёки бу маъмурий-худудий бирликлардаги аҳолининг ваколатларини ифодаловчи сайланган органлар ва уларнинг маъмурий аппарати томонидан амалга ошириладиган маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларни бошқаришга айтилади. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органлари таркибига маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари киради.

Ўзини ўзи бошқаришнинг асосий принциплари - Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва қонунларида мустаҳкамланган ўзини ўзи бошқариш органларининг табиати билан боғлиқ бўлган мустақил фаолиятни амалга оширишни ташкил қилувчи раҳбарий ғоялар йиғиндисиدير.

Уклад - тартиб, тарз; маълум ижтимоий-иқтисодий тузумнинг асосий хўжалик шакли.

Умумбашарий қадрият – дунё халқларининг кўпчилиги томонидан тан олинган, ҳуқуқий меъёрлар таркибига киритилган ёки қадрият, анъана ва масъулиятига айланган, воқеълик ваёхуд муносабатлар тизимида нисбатан қўлланиладиган тушунча.

Умуминсоний қадриятлар – бутун инсониятнинг тажрибасини ифодаловчи ва маълум фарқланишлар бўлишидан қатъи назар, барча одамлар учун муштарак бўлган дунёқарашнинг идеаллари ёки ахлоқий нормалар.

Ўнг - сиёсий кучлар жойлашувида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тузилишини сақланишини мақсад қилиб олган консерватив сиёсий оқим.

Универсал – (лот. universalis –умумий); ҳар томонлама, кенг қамровли, кўплаб мақсадлар учун яроқли, турли вазифаларни ва функцияларни бажара оладиган.

Учинчи сектор - дунёдаги барча мамлакатларда нотижорат ва хайрия мақсадларида ташаббус кўрсатаётган ва кенг фаолият юритаётган нодавлат

нотижорат ташкилотларга (ННТ) нисбатан қўлланилади (биринчи сектор - давлат, иккинчи сектор - тижорат сектори ёки шахсий сектор дейилади).

Фаол (актив) сайлов ҳуқуқи - фуқаронинг сайланадиган давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ҳуқуқи.

Феминизм - лот. femina-аёл; эркалар билан аёллар ҳуқуқларини тенглаштириш учун фаолият юритадиган аёллар ҳаракати.

Феминизм - лот. femina-аёл; эркалар билан аёллар ҳуқуқларини тенглаштириш учун фаолият юритадиган аёллар ҳаракати.

Фикр эркинлиги – бу жамият аъзоси бўлган ҳар бир шахс табиий ва ижтимоий жараёнларга, фуқаролар билан сиёсий ташкилотларга ва миллий, ирқий, диний, синфий муносабатларга эга бўлган мустақил фикрларини ҳуқуқий, сиёсий диний ва бошқа муассасалар томонидан бўлиши мумкин бўлган турли тазйиқлардан муҳофаза қиладиган ижтимоий муҳит.

Фискаль - [ингл.](#) fiscal policy; [лот.](#) fiscus - сават; касса, казна, молия, солиқ-бюджет сиёсати ҳукумат сиёсати, яъин истиқболда барқарор иқтисодий тизимни таъминлаш ва бизнес-циклларни тебранишини камайтириш мақсадида давлатнинг иқтисодиётга аралашув усуллари билан бири; фискаль сиёсатининг асосий қуроли давлат бюджетининг даромадлари ва ҳаражатлари, яъни: солиқлар, трансфертлар ва давлат сотиб олган товарлар ва хизматлар.

Форум - лот. forum; вакиллар мажлиси, қурултойи, конгресси; қадимги Римда халқ мажлиси ўтказилган майдон.

Фракция - лот. fractio-бузиш, синиш, дарз кетиш; парламент аъзолигига ёки бошқа вакиллик органларига сайланган депутатлар бирлашмаси.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудий асоси - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини тузиш, бирлаштириш, тугатиш ҳамда уларнинг чегараларининг ўрнатиш ва ўзгартириш тартиб-қоидаларини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларнинг муштарак тизимидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлари билан кафолатланадиган уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ташкилий асоси - ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг институти сифатида ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилиши, фаолият тартиби, шакли ва принципларини, фаолият доирасини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларнинг муштарак тизимидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағларидан, ушбу органларга халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари белгиланган тартибда ажратган бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади.

Фуқаролик – инсонларни муайян давлат, давлатчилик билан боғлиқ ҳуқуқий ҳолатларини, муносабатларини ифода этувчи тушунчадир.

Фуқаролик жамияти – фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида тегишли фуқаролик институтлари орқали фаол иштирок этиши таъминланган ижтимоий макондир.

Фуқаролик жамияти институтлари – фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштирок этишига хизмат қиладиган нодавлат, ноижорат ташкилотлари, жамият бирлашмалари, оила, маҳалла, ижтимоий ҳаракатлар ва бошқа тузилмалар мажмуидир.

Фуқаролик масъулияти – қонун устиворлигини тан олиш ва ҳар бир шахснинг ижтимоий ҳаётни такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш вазифасини теран ҳис қилиш.

Функция - лот. functio-фаолият, ўташ, бажариш; фаолият, мажбурият, иш, тайинлаш, бурч, вазифа, топшириқ.

Функция - лот. functio-фаолият, ўташ, бажариш; фаолият, мажбурият, иш, тайинлаш, бурч, вазифа, топшириқ.

Халқ - (араб. яратилган жонзот, одамлар) – кенг маънода, муайян мамлакатнинг барча аҳолиси, тор маънода, тарихий-этноижтимоий бирликларнинг турли шакллари, чунончи, миллат, элат, этник бирлик, уруғ ва бошқаларни ифода этувчи тушунчадир. Халқ - биринчи марта халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида 1945 йили БМТ Уставида "Халқларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш" тамойилининг мустақамланиши натижасида тан олинган.

Халқ фаровонлиги – миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири. Халқ фаровонлиги ҳарбир шахс ва оила фаровонлиги билан боғлиқдир. Бунда инсоннинг шахсий манфаатлари жамият манфаатлари билан уйғунлашиб кетади ва ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги бутун жамият фаровонлигидир, деган тамойил амалга ошади.

Хартия – (юн. қоғоз, ёрлик) ўрта асрларда оммавий ҳуқуқий сиёсий характердаги ҳужжат бўлган. Ҳозирги халқаро ҳуқуқда декларациянинг синоними. У – мажбурий кучга эга бўлмаган, умумий тамойиллар ва мақсадларни ифода этувчи ҳужжат.

Хусусийлаштириш - мулкка эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шахсларга ўтиши.

Ҳамкорлик сиёсати – халқаро сиёсат субъектларининг биргаликдаги сиёсий ҳаракатларда вужудга келадиган масалалар юзасидан ягона нуқтаи назарларни ишлаб чиқишида ифодаланувчи муносабат турларидан бири. Унга кўра томонлар ўз фаолиятининг асосий йўналишларида мустақилликни сақлаб қолгани ҳолда қарашлар мос тушувчи амалий масалаларда биргаликда фаолият кўрсатадилар. Масалан, гитлерчи Германиясига қарши давлатлар ҳамкорлиги.

Ҳаракат - маълум мақсадларга эришишга йўналган ижтимоий-сиёсий фаолият; бирлашма, ташкилот.

Ҳуқуқ - давлат қонунлари билан бериладиган эркинлик, ҳаракат қилиш имконияти, ниманидир амалга ошириш ёки нимадандир фойдаланиш, нимагадир эгалик қилиш; жамиятдаги муносабатларни, кишилар ва уларнинг

харакати ва хулқини мувофиқлаштириш, давлат ва жамият органларини яшашини таъминлашга имконият бериш мақсадларида давлат томонидан ўрнатилган ва ҳимоя қилинадиган умум мажбурий ижтимоий меъёрлар ва қоидалар.

Ҳуқуқий давлат - ҳуқуқ, Конституция ва Қонун ҳукмронлик қиладиган давлатдир. Давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидаги ўз маъсулиятларини ҳис қилишлари, ўз навбатида жамият ва фуқаро, унинг ташкилотлари давлат олдидаги маъсулиятларини ҳис қилишлари керак. Бу маъсулиятни ошириш орқали ҳуқуқий демократик давлат шакллантирилади ва ривожлантирилади ҳамда бу жараён узок муддатни талаб этади.

Ҳуқуқий маданият – умумий маданиятнинг муҳим қисми. Ҳуқуқий маданият тарихан аста – секин шаклланган ижтимоий воқеа бўлиб, ҳозирги даврда илғор ҳуқуқий давлатларнинг ва уларнинг фуқароларининг зарурий хислати ва тараққиёт омилига айланган.

Шок терапияси (иктисодиётда) – иқтисодиётни соғломлаштиришга йўналтирилган қатор салбий оқибатларни (нархларнинг ўсиши, инфляция, бандликнинг пасайиши ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар) ўз ичига олувчи радикал чора-тадбирлар мажмуаси.

Эволюция (лотин тилидан таржимаси – бошлаш, вужудга келиш) – тизимнинг ривожланиш жараёнини англатадиган тушунча бўлиб, биринчи галда жамиятга хосдир. Унга кўра, жамиятда аста-секин юз бераётган ўзгаришлар тизимга, унинг тузилмалари ташкил қилиниши ва функциялари сифатли ўзгаришига олиб келади.

Эгалитаризм - фран. egalite-тенглик; умумий тенглаштиришни жамиятни ташкил этишнинг принципи ғоясига асосланган ижтимоий-сиёсий фикр йўналишларидан бири.

Элат - бир тилда сўзлашувчи, ўзига хос маданияти мавжуд бўлган ва маълум ҳудудда яшайдиган ҳамда муайян мақсад асосида бирлашган ва ўз тузилмасига эга бўлган ижтимоий-тарихий бирлик тушунилади. Элат — кишиларнинг тил, ҳудуд, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топган бирлиги.

Электорал - лот. elector-сайловчи; сайланадиган, танланадиган.

Электорат – сайловларда маълум сиёсий партияга (сиёсий лидер)га овоз берувчи сайловчилар давраси; маълум бир сайлов округи ёки мамлакат сайловчилари мажмуи.

Электрон ҳуқумат – (англ. e-Government) – бу фуқаролар, бизнес, давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари ва давлат хизматчиларига ахборотни тақдим қилиш ва шаклланиб бўлган давлат хизматларининг тўпламини кўрсатиш усулидир, бунда давлат ва аризачи ўртасидаги ўзаро шахсий алоқа минималлаштирилган ва имкон борича максимал равишда ахборот технологиялардан фойдаланилади. Электрон ҳуқумат – мамлакат миқёсида бошқарув жараёнларнинг бутун мажмуасини автоматлаштиришга асосланган ҳамда давлат бошқарувининг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ижтимоий коммуникациялар ҳаражатларини камайтириш мақсадига хизмат қилувчи

давлат бошқаруви электрон хужжат алмашинуви тизими. Электрон хукуматни яратиш хужжатларни ва уларни ишлаш жараёнларини бошқариш билан боғлиқ вазифаларнинг тўлиқ кўламини ҳал этишни амалга оширувчи ижтимоий бошқарувининг умумдавлат тақсимлаш тизими қурилишини назарда тутди.

Эмиссия - фр. *émission* – чиқариш; пул эмиссияси - муомалага янги пулларни чиқариш, муамаладаги пул ҳажмини кўпайтириш. Эмиссия нақд ёки нақд пулсиз бўлиши мумкин.

Эмпиризм - юнон. *emperia*-тажриба; тажрибани билишнинг бирдан-бир воситаси, деб тан олувчи таълимот.

Эркинлаштириш -мамлакатнинг демократикжамятгаўтиш ва ислохотлар ўтказишжараёнидамавжуд бўладиган турли тўсиқлар, чеклашлар ва ёнберишгамажбурэтадиганомилларданкутилишга қаратилган амалийфаолиятдир. У демократикжараёнларнингсамарали ривожигаянгикуч, кувват ва илҳом бағишлашимкониятинияратади.

Этнос – юн. *ethnos* - халқ, қабила, тўда, кишилар гуруҳи, ирқ маъноларни англатади.

Юксак маънавият – инсон маънавиятининг энг юқори даражаси бўлиб, у инсонларни энг эзгу ва улуғ мақсадларга йўналтиришга хизмат қиладиган она Ватан бахти иқболи йўлида буюк жасоратга чорлайдиган енгилмас кучдир.

Юрт тинчлиги – миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири, мамлакат барқарор тараққиётининг асосийшарти.

Якка шаклдаги манфаат - бир кишининг эҳтиёжларини ифода этувчи манфаатлар мажмуидир

Яшиллар - экологик сиёсатни амалга ошириш трафдори бўлган, табиий муҳитни соғломлаштириш ва ҳимоялашни асосий мақсад қилиб олган жамоатчилик ҳаракати ёки сиёсий партия.

ISESCO - Ислон Конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассаси.

Uz домен зонаси – маълум даражадаги “Uz” доменига кирувчи домен номларининг мажмуаси; барча рўйхатга олинган “Uz” домен номли сайтларни бирлаштирувчи ва шу тарзда мазкур домен билан ягона Интернет-маконини ташкил этувчи веб-зона.Ўзбекистон Республикасининг мамлакат кодини ифодаловчи, махсус ваколатли ташкилот томонидан бошқариладиган ва мувофиқлаштириладиган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси остидаги ўз ичига кейинги даража домен номларини олувчи юқори даража домен. «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида.(Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 26-27-сон, 255-модда; 2015 й., 5-сон, 61-модда).

ZiyoNet – ZiyoNET жамоат ахборот таълим тармоғи. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ191-сонли “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ташкил топган.

ZiyoNET тармоғининг асосий мақсади, республика ёшлари ҳамда таълим олувчилари учун таълим олиш тизимида кенг кўламли ахборот-коммуникация хизматларини жорий этишдан иборат. ZiyoNET Ўзбекистон Республикасига тааллуқли бўлган турли ресурслар типларидан ахборот ахборот таълим тармоғи: дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, лекциялар конспектлари, рефератлар, тақдимотлар, маълумотномалар ва луғатлар, бакалаврларнинг битирув ишлари, магистрларнинг диссертациялари, номзодлик ва докторлик диссертацияларнинг авторефератлари ва яна бошқалар.

ZiyoNET Ўзбекистон Республикасига тааллуқли бўлган турли ресурслар типларидан ахборот ахборот таълим тармоғи: дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, лекциялар конспектлари, рефератлар, тақдимотлар, маълумотномалар ва луғатлар, бакалаврларнинг битирув ишлари, магистрларнинг диссертациялари, номзодлик ва докторлик диссертацияларнинг авторефератлари ва яна бошқалар.

ХУЛОСА

Инсоният тарихининг энг қадимги давридан бошлаб, яъни илк инсоний жамоларга уюшиш зарурат сифатида пайдо бўлиши билан инсоний ижтимоий бирлик – одамларнинг жамиятда уюшиб ва ҳамкорлик қилиб яшаш учун эҳтиёжлар пайдо бўлди. Кўп ўтмасдан нафақат шунчаки жамиятда яшаш, балки адолатли ва фозил жамиятда яшаш масаласи пайдо бўлди. Бу жараёнда жамиятни бирлаштириб туриш омили сифатида ахлоқий ва маънавий қадриятларни ривожлантиришга муҳим эътибор берилди бошланди. Инсон тақдири бошқа тирик жонзотлардан фарқли равишда жамиятда уюшиб яшашга ҳукм қилинган эди. Инсониятнинг айнан ана шу орзулари асосида идеал жамиятга оид тасаввурлар, сиёсий, фалсафий, диний қарашлар шаклланди.

Жамиятни такомиллаштирига доир илк фалсафий ва сиёсий қарашлар қадимги антик даврда (Платон, Аристотель кабилар қарашларида) шаклланган бўлса, жамиятни нафақат инсоний балки маънавий бирлик сифатидаги талқинлари Шарқ уйғониш даврида (Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний ва бошқалар қарашларида) шаклланди. Бу даврда «жамият» тушунчаси ёнига «адолати» ва «фозил» тушунчалари қўшиб талқин этиш русумга кирди. Ижтимоий гуруҳлар, давлат ва бошқа институтларнинг фаолияти инсон манфаатларига хизмат қилишга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратила бошланди.

Замонвий жамият қуришга доир қарашларнинг кейинги босқичи янги даврда яшаган ғарб мутафаккирларининг (Томас Гоббс, Жон Локк, Георг Гегель ва бошқалар) қарашларида намоён бўла бошлади. Ҳаттоки, бу даврга келиб «фуқаролик жамияти» тушунчасини изохлаш ва талқин этишлар ҳам авж олди. Шу билан бир қаторда, бу даврда яшаган мутафаккирлар фуқаролик жамияти ва унинг институтларига доир назарияларни шакллантириш билан бир қаторда жамиятни тадқиқ этишнинг методологик асосларини яратишга ҳам улкан ҳисса қўшдилар. Улар яратган илмий мероснинг аҳамиятини шундан билса бўладики, ҳозирги даврга келиб ҳам фуқаролик жамияти улар томонидан шакллантирилган меъёрлар, нуқтаи назарлар ва услублар асосида таҳлил этилмоқда.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб фуқаролик жамиятига доир назариялар моддийлаша бошлади ёки улар ҳаётда ўз амалиётини топа бошлади. Шимолий Америка, ғарбий Еуропа мамлакатлари фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш тарихий жараёнини ўз бошидан кечира бошлади. Кейинроқ бу сафга Япония, Австралия, Жанубий Корея каби мамлакатлар қўшилди. Шу тариқа, фуқаролик жамияти қуришга оид тажрибалар ҳам шаклланди.

Фуқаролик жамияти қуриш масаласи Ўзбекистонда фақат мустақиллик даврига қлиб кўтарилди. 1995 йилнинг 23 февralида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришни асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилиши билан Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш ислохотлари бошланди.

Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида ривожланган мамлакатларда фуқаролик жамияти ва унинг институтларининг шаклланиш тажрибасини

ўрганиш ва тадқиқ этиш натижасида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти жамияти ва унинг институтларига доир қуйидаги тасаввурлар шаклланди:

-фуқаролик жамияти фақат бозор иқтисодиёти ва демократик ҳуқуқий давлат шароитидагина давлат тасарруфида бўлмаган ташкилотлар, уюшмалар, эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг ўзаро плюрализмига асосланган муносабатлар уйғунлигидан ташкил топади;

-фуқаролик жамияти мураккаб тузилмага эга бўлиб, у ўз ичига ҳўжалик, иқтисодий, оилавий-қардошлик, этник, диний, ҳуқуқий муносабатлар, маънавий ва ахлоқий қадриятларни қамраб олади;

-XX арнинг 50-йилларидан кейинги тарихий ривожланиш тажрибалари шуни кўрсатдики, дарҳақиқат ҳуқуқий давлат унсурлари пайдо бўлмасдан туриб фуқаролик жамиятининг шаклланиши учун имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилмайди;

-ҳуқуқий давлатнинг унсурларининг ривожланиши билан бир вақтда фуқаролик жамияти қуришга бўлган кучли зарурият пайдо бўлади. Чунки, ҳуқуқий давлат қуриш жараёнлари фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш билан уйғун ҳолда кечади;

-халқ фаровонлигининг ўсиши ва жамиятнинг доимий барқарорлиги фақат фуқаролик жамияти шароитидагина ҳар томонлама кафолатланади;

-фуқаролик жамияти яратган шарт-шароитлар, ижтимоий-сиёсий муҳит инсоннинг ўз манфаатларини кенг ифода этишга замин яратади, ана шу манфаатлар асосида унинг мулк орттиришга бўлган интилишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланади;

-фақат фуқаролик жамияти шароитидагина давлат халқ суверенитети ва иродаси ифодачисига айланади, давлат тузуми ва қонунлар халқ манфаатлари асосида амал қилади.

Мустақилликнинг илк давридаёқ Президент И.А.Каримов томонидан мамлакатнинг тарихий ривожланиш анъаналари, демократик принциплар ва халқимиз дунёқараши, қолаверса мамлакат миллий манфаатларини ўзида ифода этган фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат ва бозор муносабатларига ўтиш даврининг назарий асослари ишлаб чиқилди ва у «Ўзбек модели»да мужассамлашди. Ана шу асосда ривожланган мамлакатларда шаклланган демократик қадриятлар, фуқаролик жамиятига хос тамойиллар фақат халқаро тажрибаларда синовлардан ўтганлиги учунгина эмас, балки ўзбек халқининг миллий манфаатларига мос келганлиги учун ҳам мамлакатдаги ислоҳотлар жараёнларига босқичма-босқич татбиқ этила бошланди. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий таянчи бўлган мулкдорлар иштимой қатлами шаклланди.

Мамлакатда қисқа давр ичида бешта сиёсий партия шаклланиб, жамиятда кўппартиявийлик тизими шаклланди. Парламент, Президентлик сайловлари ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар асосан кўппартиявийлик асосида ўтказилиши анъанага айланди. Икки палатали парламентга доир ҳуқуқий асосларнинг ривожлантирилиши натижасида фуқаролик жамиятининг институтлари - нодавлат нотижорат ташкилотлар ва сиёсий партиялар жамиятдаги индивидлар, ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатларини

парламентда қабул қилинадиган қонунларда ифодалашга эришиш шарт-шароитларига эга бўлди.

Қисқа давр ичида нодавлат нотижорат ташкилотлар дастлаб жамиятни ўзини ўзи бошқариш принципи асосида, яъни фуқаролик жамиятини мустақил ижтимоий бирлик сифатида яшашини таъминлаш эҳтиёжлари ва манфаатларига уйғун ҳолда пайдо бўлди, нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамиятининг муҳим ва энг асосий институтларидан бирига айланди.

Мамлакатда мустақилликнинг эълон қилиниши билан маҳалла укаролар йиғинлари ўзини қадимий, анъанавий-ҳуқуқий мақомларига эриша бошлади. Шу билан бирга давлат ва унинг органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йиғинларини фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир чуқур ислохотлар амалга оширилди.

Жаҳонда фуқаролик жамиятини пайдо бўлиши, ривожланиши, шунингдек Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш ислохотлари жараёнларини ўрганиш ва таҳлил этиш натижалари кўрсатдики, фуқаролик жамияти инсон манфаатлари, эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлаш учун энг самарали шарт-шароитлар ва муҳит ярата олишга қобил бўлган инсоний бирликдир. Шунинг учун ҳам мустақиллик даврида Ўзбекистон мамлакатининг асосий ривожланиш йўли сифатида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга қаратилди. Албатта, бу стратегик мақсадни амалга ошириш натижасида мамлакат иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш, мамлакатнинг дунёдаги ривожланган давлатлар каторидан ўрин эгаллашига эришиши ва халқ фаровонлигини юксалтириш учун имкониятлар ҳам яратиб борилмоқда.

Мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш ислохотлари инсонларда бир неча асрлаб яшириниб ётган - шахсий ташаббус кўрсатиш, хусусий мулкчиликка интилиш, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиш, шахсий манфаатларни Ватан манфаатлари билан муштарак ҳолда ҳис этиш, келажакка – эркин ва фаровон ҳаёт, озод ва обод Ватан барпо этишга интилиш каби яратувчилик фазилатлари шаклланди.

Шундай масъулиятли ўтиш даврида ёшлар дунёқарашини мамлакатда амалга оширилган ва рўй бераётган демократик жамият қуриш ислохотлари ва унга доир назариялар билан бойитиш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам Фуқаролик жамияти фанини яратиш, уни таълим жараёнига жорий этиш асосида ёшлар онгига сингдириш ҳозирги ислохотларни чуқурлаштиришнинг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро, янги жамиятни барпо этишга эришиш назария билан амалиёт уйғунлиги асосидаги фаол самарали меҳнат ва яратувчилик натижасига мутаносибдир.

Фуқаролик жамияти фани бакалавр йўналиши 3- ва -босқичида талабалари томонидан ўрганилишини эътибора олиб, битирувчи курс талабаси бу фандан олган билимлари ва ўзлаштирган назарий қарашлари ва кўникмаларини ўзининг мутахассислиги билан уйғун тарзда ҳаётда қўллаш олиши натижасида унинг олдида янги имкониятлар пайдо бўлиши кутилади. Чунки, ўз шахсий ва ижтимоий ҳаётини эндигина бошлаган ёш мутахассис иш фаолияти жараёнида ислохотлар жараёнига кириб келиши табиий бир ҳолдир. Эндигина ўз иш

фаолиятини бошлаган ёш мутахассис фуқаролик жамияти қуришга доир билимларни эгаллаган ҳолда ислоҳотлар иштирокчисига айланишига ёрдам бериш мазкур фаннинг асосий вазифасидир.

Албатта, Фуқаролик жамияти фани ҳеч қачон бир жойда қотиб турмайди, жамият ривожланиб боргани сайин у ҳам такомиллашиб боради. Мамлакатда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида “Мамлакатда ислоҳотларни янад чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” концепциясини амалиётга қўллаш жараёни натижасида фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни ҳуқуқий давлат қуриш, шунингдек мамлакатни модернизациялаш, иқтисодиётни диверсификациялаш каби ислоҳотларни чуқурлашиб бориши мазкур фанни ҳам мукаммаллашиб боришини тақозо этади.

Хуллас, ҳозирги фуқаролик жамиятини ривожлантириш даври учун энг муҳим зарурият - Ватанимизнинг тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга доимо тайёр бўлган баркамол авлодни шакллантиришдир. Бу авлоднинг фуқаролик жамияти қуришга доир назарий билимларни пухта эгаллаши, ўз ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини муттасил равишда юксалтириб бориши – давр талабидир. Албатта, бу жараёнда ёшларни янги жамият қуришга доир дунёқарашини ривожланиб бориамлакатда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш омилларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абу Наср Форобий, Фозил одамлар шахри. Тошкент, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
2. Абдухалилов А.А. Механизмы принятия оптимальных управленческих решений в процессе государственного управления// Фалсафа ва ҳуқуқ № 1 2015.
3. Азизхўжаев А.А. Демократия — халқ ҳокимияти демакдир. — Т.: 1996.
4. Алимардонов Т.Т., Эркинлик руҳи. –Т.: Nishon-Noshir , 2015.
5. Аристотель. Сочинения в 4-х томах.Т.4.М.:”Мысль”, 1983, С.547-548)
6. Асп Э. К. Введение в социологию / Пер. с фин. СПб.: Алетеин, 1998.
7. Ашин Г.К., Кравченко С.А., Лозаннский Э.Д. Социология политики. Сравнительный анализ российских и американских политических реалий: Учеб. пособие для высших учебных заведений. - М.: Экзамен, 2001. - 608с
8. Бегматов А.С.Ижтимоий шериклик-ижтимоий муносабаталарнинг янги шакли. Тошкент, 2015
9. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: Опыт социального прогнозирования / Пер. с англ. М.: Academia , 1999.
10. Бергер П. Л. Приглашение в социологию: Гуманистическая перспектива / Пер. с англ. М.: Аспект Пресс, 1996.
11. Бергер П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности: Трактат по социологии знания. / Пер. с англ. Е. Д. Руткевич – М.: Медиум, 1995.
12. Бегматов Абу Райхон. 100 ҳикмат: ибратли сўзлар. – Т.: Фан, 1993.
13. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи» 2005. 29 январь.
14. Бобоев Х., З. Гофуров, З. Исламов. «Миллий истиқлол мафқураси ва тараққиёт». –Т.: Янги аср авлоди, 2001.
15. Большой толковый социологический словарь (Collins). Т. 1–2 / Пер. с англ. М.: Вече, АСТ , 1999.
16. Бурдые П. Социальное пространство и генезис «классов» // Вопросы социологии, 1992. Т. 1. № 1. С. 17–36.
17. Вебер М. Избранное. Образ общества / Пер. с нем. М.: Юрист, 1994.
18. Вебер М. Основные понятия стратификации //Социол. исслед.,1994.№ 5.- С.147-156.
19. Гидденс Э. Введение в социологию //Современная зарубежная социология (70–80-е годы). -М., 1993. 3–20.
20. Гидденс Э. Стратификация и классовая структура // Социол. исслед. 1992. №9-10.
21. Гончаров Д. Нормативная дискуссия о гражданском обществе: основные направления. – М.: Аспект-ПРЕСС, 2010.
22. Даль В.И. Толковый словарь живого великорусского языка (современное написание слов). Изд. “Цитадель”, г. Москва, 1998 г

23. Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. Метод социологии / Пер. с фр. и послесловие А. Б. Гофмана. М.: Наука, 1990.
24. Жалилов А. Жамоатчилик назоратига назарий ёндашув / Жамият ва бошқарув, №1, 2013
25. Жалилов А. ОАВ ва жамоатчилик назорати, Монография, «Akademiyа» нашриёти, 2013.
26. Жалилов ва бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари/Ўқув кўлланма. - Тошкент. Vaktoria press. 2015. 264 б.
27. Жалилов Ш. Кучли давлатдан — кучли жамият сари: Тажриба, таҳлил, амалиёт. — Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
28. Жалилов Ш. Фуқаролик жамиятининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
29. Жолмухамедова Н.Х. В поисках прекрасного: аль-Фараби и Ибн Сина. Монография / Под общ. ред. З.К. Шаукеновой. – Алматы: ИФПР КН МОН РК, 2014.
30. Жумаев Р. З. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. Т., изд. “Фан”, 1996.
31. Жумаев Р.З. ва бошқ. Сиёсий ислохотлар стратегияси. “Академия” Т. 2009.
32. Ислон Каримов. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Тошкент, 2010,25-бет
33. Ислон Каримов. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Тошкент, 2010,25-26-бетлар
34. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт йўлида. –Т.: “Ўзбекистон”. 2005.
35. Исупов К., Савкин И. Русская философия собственности (XVII-XX вв.). - СПб.: СП "Ганза", 1993. - 512 бет.
36. Кальной И. И и др.. Гражданское общество: истоки и современность / Науч. ред. проф. И. И. Кальной, доц. И. Н. Лопушанский. 3-е изд., перераб. и доп. -СПб.: Издательство Р. Асланова «Юридический центр Пресс».2006
37. Кальной И. И и др.. Гражданское общество: истоки и современность / Науч. ред. проф. И. И. Кальной, доц. И. Н. Лопушанский. 3-е изд., перераб. и доп. -СПб.: Издательство Р. Асланова «Юридический центр Пресс».2006
38. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2013 йил 18 январь.
39. Каримов И.А. “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир”. Т.: Ўзбекистон. 2015.

40. Каримов И.А. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халаро конференциясининг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи. 2014 йил 16 май.

41. Каримов И.А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

42. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устивор вазифамиздир. // Халқ сўзи, 2015 йил 21 январь.

43. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 23 йиллига бағишланган тантанали йиғилишдагимаъруза. 2015 й. 5 декабрь). -Халқ сўзи, 2015, 6 декабрь.

44. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд -Т.: Ўзбекистон, 1999.

45. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2003.

46. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996.

47. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2012.

48. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996.

49. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2001.

50. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996.

51. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

52. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезони. 19-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

53. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезони. 19-жилд.

54. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2007.

55. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2010.
56. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
57. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Т.: Ўзбекистон. 2012.
58. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2006.
59. Каримов И.А. Мамлакатимзда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.–Т.: Ўзбекистон, 2010.
60. Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йулида. 21-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2013.
61. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
62. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг буюк саодатдир. Тошкент, “Ўзбекистон” 2015
63. Каримов И.А. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2004.
64. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
65. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т. - Ўзбекистон. 2011.
66. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган йўлнинг тасдиғидир. 22-жилд. –Т.:Ўзбекистон, 2014
67. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд.
68. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. -Т.:Ўзбекистон, 1996.
69. Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. -Т.:
70. Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2002.
71. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
72. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
73. Каримов И.А.Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.2010
74. Каримов И.А.Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2008.

75. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015.
76. Карпова Н.В. Политическая культура в процессе становления гражданского общества// Вестник Московского университета. – Сер. 18 : Социология и политология. – 2006. – №1.
77. Конституция ва қонунларнинг устунлиги — Ўзбекистон таракқиётининг кафолати. — Т.: “Адолат”, 2000.
78. Курбатов В.И. Современная западная социология: Аналитический обзор концепций: Учеб.пособие. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2001. – 416с.
79. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши.-Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
80. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши.- Т.: Ўзбекистон, 2010.
81. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т.: «Шарқ», 1998.
82. Ли Куан Ю. Сингапурская история: из третьего мира в первый. М.: 2005.
83. Литвинов О.В. Китайский путь к демократии.- М.: Научная книга, 2004. – 369 с.
84. Луман Н. Л 85 Общество как социальная система. Пер. с нем./ А. Антоновский. М: Издательство "Логос". 2004.
85. Луман Н. Что такое коммуникация; Глоссарий // Социол. журн., 1995. №3. С. 114-127.
86. М.Вебер. “Протестантская этика и дух капитализма”. М., 2009, с.73
87. Мавлонов Ж. Гражданское общество: от концепта к концепциям и парадигмам (социально-философский анализ): монография/Ж.Мавлонов.– Ташкент: Истиклол нури, 2014. – 224 с.
88. Маҳсумов С., Зоҳидова М.Ислохотларга дахлдорлик ҳисси ошиб бормокда // “Халқ сўзи”, 2013 йил 15 март.
89. Маънавият-асосийтушунчалар изохли луғати Т.: Гофур Ғулом наш. 2010 19 б.
90. Мертон Р. К . Социальная теория и социальная структура // Социол. исслед. 1992. № 2. С. 118-124.
91. Миллс Р. Властвующая элита. М., 1959.
92. Мирзаахмедов К.М. Ўзбекистонда давлат бошқарувини ташкил этиш тизими, давлат бошқаруви идораларининг фаолият механизми. ЎзМУ. № 1 сон. 2011. 137-140.
93. Монсон П. Лодка на аллеях парка: Введение в социологию: Пер. со швед. М.: Весь мир, 1994.
94. Мосс М. Общества. Обмен. Личность: Труды по социальной антропологии / Пер. с франц. – М.: Изд. фирма «Восточная литература», 1996.
95. Муҳитдинова Ф. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. Т.: ТДЮИ. 2003.
96. Мусаев О.Р. Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар. Т.: Ижод дунёси. 2004. 128 бет.

97. Нишанбаева Э. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик тамойиллари. Т.: 2015.
98. Нишанбаева Э. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий шерикликнинг ўрни ЎзМУ Хабарлари. 2014 й.1/1.237-239 б.
99. Общая и прикладная политология: Учебное пособие. Под общей редакцией В.И. Жукова, Б.И. Краснова. М.: МГСУ; Изд-во “Союз”, 1997. 449 - бет.
100. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т. Шарқ, 2002.
101. Орлова О.В. Гражданское общество и личность: политико-правовые и социально-философские аспекты. – М.: М-Пресс, 2005.
102. Отамуротов С. Жамият сиёсий ҳаёти эркинлаштириш. Жамият ва бошқарув. 2-сон, 2003.
103. Парсонс Т. Понятие общества: компоненты и взаимоотношения // THESIS : Теория и история экономических и социальных институтов и система. Альманах. 1993. Т. I Вып. 2. С. 94–122.
104. Перегудов С.П. Институты гражданского общества и государство // Социологические исследования. 1995, № 3.
105. Платон. Государство. Законы. Политик/ Пер.; Предисл. Е. И. Тем-нова. М.: Мысль, 1998.
106. Погадаев В.А. Малайский мир (Бруней, Индонезия, Малайзия, Сингапур). Лингвострановедческий словарь. – М.: Восточная книга, 2012. - 798с.
107. Поппер К. Открытое общество и его враги. В 2 т. Т. I : Чары Платона., Пер. с англ.; под ред. В. Н. Садовского. М.: Феникс, Межд. фонд «Культурная инициатива», 1992.
108. Проблемы теории государства и права / Под ред. В.С. Нерсеянца. – М., 2009.
109. Саидов А.Х. Философско-правовое наследие Иммануила Канта и современная юриспруденция. – Т.: Patent-Press, 2008.
110. Салихов Э. Этапы становления и развития институтов гражданского общества в Узбекистане// <http://www.baltic-course.com/rus/education/?doc=100159>.
111. Слесарева Г.Ф. Гражданское общество в истории политической мысли Европы (от античности до первой трети XIX века) // Методика. 2000. № 10.
112. Сморгунов Л.В. Современная сравнительная политология. Учебник. - М.: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 2002. - 472с.
113. Современная американская социология. М.: Изд-во МГУ, 1994.
114. Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. / Пер. с англ. М.: Политиздат, 1992.
115. Токвиль А.О роли объединений в общественной жизни американцев // Демократия в Америке. М., 1992. С. 379.
116. Толибов И.И. Фуқаролик жамияти: тушунчаси, институтлари, асосий принциплари ва функциялари / Ред. А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази, 2008;
117. Узбекистан на пути к гражданскому обществу - Ўзбекистон: фуқаролик жамияти сари: (Сборник статей). Отв.ред. Р.Алимов. -Т.:Шарқ, 2003.

118. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: 2014.
119. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида” Қонуни. Т. 1999, 3-бет
120. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида” ги Қонуни.
121. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат Кодекси”. Тошкент, “Адолат”, 2008 йил
122. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. И.Эргашев. Дарслик. 2005. 161-177 б.
123. Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти қуриш асослари: маърузалар курси / Ш.О. Мамадалиев, М.Т. Тожибоев, Д.А. Юсубов ва бошқ. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2008.
124. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт // Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 313 б.
125. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши. Рақамлар ва фактлар. Тошкент 2015.
126. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари: Ўқув қўлланма / Т. Дўстжонов, М. Мирхамидов, С. Ҳасанов. – Т.: Iqtisod – Moliya, 2006 и др.
127. Қуронбоев Қ.Қ. ва бошқалар. Ўзбекистонда сайлов тизими ва уни ташкил қилиш механизмлари. Услубий қўлланма, -Т.: “Маънавият” 2014.
128. Холбеков А.Ж., Матибоев А.Ж. Ижтимоий адолат ва демо-кратия: Барқарор тараққиёт йўлида. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2004.
129. Хожиев Т.Н. Модернизация назариялари ва истиқболдаги ривожланиш йўналишлари. Фалсафа ва ҳуқуқ. № 3. 2014.
130. Чилкот Рональд Х. Теория сравнительной политологии. В поисках парадигмы /Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, Издательство «Весь Мир», 2001.- 560с.
131. Шарифходжаев М. Формирование основ гражданского общества в Узбекистане / Отв. ред. А.Х. Саидов. – Т.: Мир экономики и права, 2002;
132. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. “Шарқ”, 2003. 51-52 - бетлар.
133. Эргашев И. ва бошқ. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. –Т.: “Академия”, 2005.
134. Юдин Ю. А. Политические партии и право в современном государстве. М., Группа “Форум – Инфра- М”, 1998.

Қўшимча адабиётлар:

135. Arato A. 1981. Civil Society Against the State: Poland, 1980-81 – Telos, #47.
136. В. Desker and M. N. M. Osman. S Rajaratnam on Singapore: from ideas to reality. — Singapore: World Scientific Publishing, 2006.
137. Baker G. 2002. Civil Society and Democratic Theory: Alternative Voices.

138. H a b e r m a s J. Theorie des Kommunikative Handeln. Frankfurt/Main, 1981.
139. H a b e r m a s J. Theorie des Kommunikative Handeln. Frankfurt/Main, 1981.
140. Helmut K. Anheier, Stefan Toepler, International Encyclopedia of Civil Society, Springer-Verlag New York Inc., New York 2010.
141. O'Connell, Brian. Civil Society: The Underpinnings of American Democracy. Medford, Mass:Tufts University Press, 1999.
142. Schmitter Ph. Civil society East and West// Consolidation the Third Wave Democracies: Themes and Perspectives/ Ed. by L.Diamond et al. Baltimore and London: The Johns Hopkins U.P., - 1997. – P.239-262.
143. Toponymics: A Study of Singapore's Street Names. — Singapore: Eastern Universities Press, 2004.
- 144.Walzer M. 1995. Concept of Civil Society – Walzer M., ed. Toward a Global Civil Society.Providence RI: Berghahn Books.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Рўйхатга олинди

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

№ _____

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети ўқув ишлари бўйича
проректор**

201_йил _____

“ ___ ” _____ 201__

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

ФАН ДАСТУРИ

3-4 курс барча бакалавр йўналишлари учун

Умумий ўқув соати - 112

Шу жумладан:

- Маъруза – 28
- Семинар – 28
- Мустақил таълим – 56

ТОШКЕНТ-2016

ТУЗУВЧИЛАР:

А.Ўтамурадов

ЎзМУ Демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси мудири

Ж.Мавлонов

ЎзМУ Демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Т.Алимардонов

ТДАҚИ кафедра мудири

А.Муминов

ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети декани

Фан дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети “Демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш назарияси ва амалиёти” кафедрасида муҳокама этилди ва факультет кенгашига тавсия қилинган. (2015 йил “18” ноябр № 6 - сон мажлиси)

Кафедра мудири: _____ **А.Ўтамурадов**

Фан дастури Ижтимоий фанлар факультети Кенгашида муҳокама қилинган ва фойдаланишга тавсия қилинган. (2015 йил «24» ноябрдаги № 4-сон қарори билан тасдиқланди.)

Факультет Кенгаши раиси: _____ **А.Муминов**

Фан дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқув-услубий кенгашнинг 2015 йил “__” _____ даги мажлисида тасдиқланган. (Баённома № _____).

Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи _____ **З.Жабборов**

Кириш

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг ўз олдига демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришни асосий мақсад қилиб қўйди. “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” тамойилининг амалиётга изчил татбиқ этилиши шу йўналишда жамиятнинг ва давлат бошқарувининг барча соҳаларида демократик талабларга мос қўлаб ислоҳотлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Мустақилликнинг илк давридаёқ Президент И.А.Каримов томонидан мамлакатнинг тарихий ривожланиш анъаналари, демократик принциплар ва халқимиз дунёқараши, қолаверса мамлакат миллий манфаатларини ўзида ифода этган фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат ва бозор муносабатларига ўтиш даврининг назарий асослари ишлаб чиқилди ва у «Ўзбек модели»да мужассамлашди. Ана шу асосда ривожланган мамлакатларда шаклланган демократик кадрлар, фуқаролик жамиятига хос тамойиллар фақат халқаро тажрибаларда синовлардан ўтганлиги учунгина эмас, балки ўзбек халқининг миллий манфаатларига мос келганлиги учун ҳам мамлакатдаги ислоҳотлар жараёнларига босқичма-босқич татбиқ этила бошланди.

Ўзбекистонда янги жамиятни ривожлантириш ислоҳотлари жараёнида жаҳондаги турли мамлакатларда фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши турли даражада ва даврларда амалга оширилганлигининг назарий ва амалий жиҳатларини, тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, фуқаролик жамиятининг бу ижобий жиҳатлари (тамойиллари ва белгиларини) синалган тажриба сифатида ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган мамлакатларда фуқаролик жамияти қуришда эътиборга олишга имкон беради. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамияти фанини олий таълим тизимида ўқитиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мустақил тараққиёт йўли давомида мамлакатимизда янги фанлар шаклланиши ва ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 сентябрдаги 07/1-616-сонли топшириғи ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 18 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларида “Фуқаролик жамияти” фанини ўқитилишини жорий этиш тўғрисида”ги 352-сонли буйруғига асосан барча таълим йўналишларида ўқитиш белгиланган.

Фаннинг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад - талаба ёшлар онгида фуқаролик жамияти тўғрисидаги назарий билимларни ва амалий кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифалари:

Фуқаролик жамияти фанининг предмети, объекти, мақсад ва вазифалари тушунтириш;

Фуқаролик жамияти ҳақидаги ғоя, йўналиш ва назарияларни таҳлил қилиш;

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий белгилари ва ўзаро таъсир этиш механизмлари тўғрисида тушунчалар бериш;

Фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ижтимоий-сиёсий асослари тушунтириш;

Иқтисодий тараққиёт – фуқаролик жамиятининг муҳим таянчи эканлигини асослаш;

Юксак маънавият – фуқаролик жамиятининг асоси эканлигини кўрсатиб бериш;

«Адолат – қонун устуворлигида» тамойилига амалда риоя қилишини тушунтириш;

Сайлов ҳуқуқи эркинлиги - фуқаролик жамиятининг муҳим мезони эканлигини асослаш;

Ижтимоий муҳитнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамияти ёритиш;

Жаҳон тажрибасида фуқаролик жамияти институтлари ривожланишини кўрсатиб бериш;

Ижтимоий ва технологик инновацияларнинг фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш;

Тараққиётнинг “Ўзбек модели” ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг илмий-методологик асослари кўрсатиб бериш;

Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларни эркинлаштириш фуқаролик жамиятини ривожлантириш шартли эканлигини асослаш;

Жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаш масаласи ҳақида тушунчалар бериш;

Демократик институтларни ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш;

Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотлари фаолияти тушунтириш;

Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш бўйича тушунчалар бериш;

Фуқаролар сиёсий фаоллиги ва маданиятини ошириш механизмларини таҳлил қилиш;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ёритиб бериш;

Жамоатчилик назорати ва давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масалаларини ёритиш;

Ижтимоий шериклик тўғрисида билимлар бериш.

Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Фуқаролик жамияти” фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- Фуқаролик жамияти тўғрисида назарий билимлар ва уларнинг Ўзбекистон ва жаҳон тажрибасида намоён бўлишининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида;

- талабаларда фуқаролик жамияти тўғрисидаги назарий билимлар ва кўникмалар;

- жаҳонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланиш тажрибалари;

- фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида;

- ўтмиш, бугунвакелажаквоқеаларини баҳолашда сиёсий-тарихий тажрибалардан фойдаланиш;

- фуқаролик жамиятида давлат бошқарув органларини демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари бўйича;

- давлат ҳокимияти органларини тизимини билиши;

- фуқаролик жамиятида давлат бошқарувини тузилмасини;

- фуқаролик жамияти куришмоҳияти ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*;

- фуқаролик жамият куришнинг миллий ва умуминсоний демократик тамойилларини;

- хорижий мамлакатларнинг фуқаролик жамият куриш бўйича илғор тажриба ва усулларини;

- ривожланган мамлакатларда мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялашнинг асосий тамойилларини ҳамда уларнинг “Ўзбек модели” тамойиллари билан қиёсий таҳлилин;

- демократик давлат ва фуқаролик жамиятини куришнинг ҳуқуқий асосларини;

- тараққиётнинг “Ўзбек модели” тамойиллари моҳиятини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- марказлашган режали иқтисодиёт ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш;

- мамлакатни демократлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишининг революцион ва эволюцион йўлларининг ютуқ ва камчиликларини баҳолаш;

- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг моҳияти ва босқичлари;

- мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш, ижтимоий ҳаётни янгилаш *кўникмаларига эга бўлиши керак*;

- мамлакат амалга ошириладиган ислохотлар моҳиятини англаган ҳолда улардан ўз касбида фойдаланиш;

- “Ўзбек модели” эришаётган натижаларидан ўз ишларида фойдаланиш;

- мамлакатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини куриш бўйича ўз хулосаларини бера олиш;
- мамлакатимизнинг жаҳон бўйича эришаётган ютуқларини таҳлил қилиш *малакаларига эга бўлиши керак.*

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Фуқаролик жамияти фани ўқув режадаги Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти, Ҳуқуқшунослик, Социология, Ўзбекистон тарихи, Фалсафа, Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар, Иқтисодиёт назарияси, Маънавият асослари, Маданиятшунослик каби фанлар билан ўзаро боғлиқ. Мазкур фанлар шахснинг сиёсий-интеллектуал камолотида, ижтимоий муносабатларда демократик, умуминсоний кадриятларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролик жамияти фани ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни бир бутун тизим сифатида ўрганади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Фуқаролик жамияти фани соҳасида эгалланган билимлар инсоннинг мақсадини аниқлашда, фуқаролик жамиятида яшаш кўникмасини шакллантиришда, ҳуқуқий тенгликка амал қилишга, ижодий фаолияти жараёнида бурч ва масъулиятни ҳис қилишга ижобий таъсир қилади. Инсоннинг дунёда ўз ўрнини англашда, мақсадли фаолият юритишда, фуқаролик жамияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшишда намоён бўлади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Фуқаролик жамияти фанини ўқитиш жараёнида илмийлик, тарихийлик, мантиқийлик, объективлик тамойилларига амал қилинган ҳолда анъанавий усуллар, давра суҳбати, кластер, баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, матбуот конференцияси, такдимот каби замонавий педагогик технология воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фанни ўзлаштириш мобайнида интерфаол усулларнинг турли шаклларида, замонавий электрон техника воситаларидан, кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланилади.

1-мавзу. Фуқаролик жамияти фанининг предмети, объекти, мақсад ва вазифалари

Фуқаролик жамияти ижтимоий ҳаётнинг феномени. Фуқаролик жамияти куриш мамлакатимизнинг асосий стратегик пировард мақсадлари. Фуқаролик жамияти тушунчасининг келиб чиқиши ва унинг шаклланиш асослари. Фуқаролик жамияти замонавий ижтимоий фанлар тизимининг тадқиқот объекти сифатида. Фуқаролик жамияти фанининг предмети ва объекти. Фуқаролик жамияти инсоният тараққиётининг - юқори босқичи. Фуқаролик жамияти фанининг мақсади, ўқув, илмий, амалий ва тарбиявий вазифалари, функциялари. Фуқаролик жамияти фанининг бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш босқичлари, истиқболлари.

2-мавзу. Фуқаролик жамияти: ғоя ва назариялар

Фуқаролик жамияти тушунчасининг тарихий илдизлари ва уларнинг турли тавсифлари. Шарқ ва Ғарб цивилизацияларида фуқаролик жамияти тушунчасига оид ўзига хос ёндашувлар. Фуқаролик жамиятининг антик парадигмаси. Уларнинг умумийлиги ва ўзига хос хусусиятлари. Шарқ мамлакатларида фуқаролик жамияти ҳақидаги илк қарашлар. Фуқаролик жамияти ва адолатли жамият. Шарқ алломалари асарларида адолатли жамиятни шакллантириш масалалари. Ўрта асрларда фуқаролик жамияти ғояларининг ривожланиши. Янги даврда фуқаролик жамиятининг мумтоз парадигмасининг яратилиши. Ғарб мамлакатларида мумтоз парадигманинг ривожланиш анъаналари. Шарқ цивилизациясида Янги даврда фуқаролик жамияти мумтоз парадигмасининг ўзига хослиги. Жадидчилик ва унинг ғояларида фуқаролик жамиятини шакллантириш масалалари. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий белгилари. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги замонавий концепциялар.

3-мавзу. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий тузилмаси

Жамиятнинг ижтимоий структурасига доир дастлабки талқинлар. “Жамият”, “ижтимоий” ва “тузилма” тушунчаларининг қисқача таснифи. Фуқаролик жамияти - инсоний тараққиёт учун зарурият сифатида. Фуқаролик жамияти шароитида ижтимоий тузилмалар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари. Фуқаролик жамияти ижтимоий тузилмаларининг тизимли ва функционал хусусиятлари. Ривожланган мамлакатларда жамият ижтимоий тузилмаларининг ривожланишида янги тамойиллар. Жамиятнинг ижтимоий қатламлари ва уларнинг ўзига хос манфаатлари, хусусиятлари.

4-мавзу. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари

Фуқаролик жамиятида иқтисодий тараққиёт тушунчаси ва мазмуни. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари эркин бозор иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқлиги. Эркин бозор иқтисодиёти ва демократик жамият тамойилларининг ўзаро боғлиқлиги. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бошқарув ваколатларини чеклаш ва номарказлаштириш. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари. Хусусий мулк ва мулкдорлар синфини шакллантириш. Ўрта қатламни шакллантириш. Иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизация қилиш. Инсон эркинлиги ва унинг моддий фаровонлик билан узвий боғлиқлиги. Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий онгининг ўсишида хусусий мулкнинг аҳамияти.

5-мавзу. Фуқаровийлик, фуқаро фаоллиги

Фуқаровийлик тушунчаси. Фуқаровийликнинг асосий белгилари ва меъзонлари. Фуқаровийлик ватанпарварликнинг намоён бўлиши. Фуқаронинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тушуниши ва уни амалиётда қўллаш кўникмаси ва бошқа фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини

хурмат қилиши. Фуқаронинг ўз ҳатти-ҳаракати учун шахсий жавобгарлиги. Фуқаронинг давлат ва жамият олдида ўз ҳуқуқий ва ахлоқий масъулиятини англаши. Фуқаровий ўзликни англаш фуқаровийликни ифода этувчи муҳим жиҳат. Фуқаровийликни фаоллик нуқтаи назаридан шартли равишда даражаларга бўлиш. Фуқаровий онг. Фуқаролик онги – жамият тараққиётининг мезони. Фуқаролик онгининг асосий вазифалари. Фуқаролик онгининг жамият ҳаётида турли шаклларда намоён бўлиши. Фуқаролик онгининг ўзига хос хусусиятлари. Фуқаровий онг жамиятни бирлаштирувчи куч сифатида. Фуқаровий фаолликка таъсир кўрсатувчи омиллар.

6-мавзу. Демократик институтларни ривожлантириш – фуқаролик жамияти талаби

Демократик институтлар тушунчаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Фуқаролик жамиятининг шакллантириш ва ривожлантиришда демократик институтларнинг туган ўрни, ҳуқуқий асосларнинг вужудга келиши. Демократик институтларнинг таснифи. Демократик давлатда ҳокимиятлар бўлиниши тамойили. Қонун чиқарувчи ҳокимиятининг фуқаролик жамияти институтларини шаклланиши ва ривожланишидаги ўрни. Ижро этувчи ҳокимият институтлари ва фуқаролик жамияти ўртасидаги конструктив муносабатлари.

7-мавзу. Қонун устуворлиги фуқаролик жамиятининг асосий тамойили

Фуқаролик жамияти қуришда қонун устуворлиги тамойилининг мустаҳкамланиши. Қонун устуворлиги тушунчаси. Ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили ва уларнинг замонавий концепциялари. Конституция ва қонунларда адолат ҳамда инсон манфаатларининг устуворлиги. Қонун устуворлигини таъминлаш механизмларининг ишлаб чиқилиши. Фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусини шакллантириш. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш. Демократик талабларга мутаносиб келадиган мустаҳкам қонунчилик базасининг яратилиши.

8-мавзу. Сайлов ҳуқуқи эркинлиги – фуқаролик жамиятининг муҳим мезони

Сайлов - демократик, фуқаролик жамиятининг асосий белгиси сифатида. Фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий жиҳатдан етуқлиги унинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиши билан белгиланиши. Эркин сайловлар фуқаролик жамиятининг асосий белгиси. Сайловларнинг турлари. Халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон қонунчилиги. Сайлов принциплари: умумий сайлов ҳуқуқи; тенг сайлов ҳуқуқи; тўғридан-тўғри (бевосита) сайлаш ҳуқуқи; яширин овоз бериш ҳуқуқи. Инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги. Эркин сайловларни ўтказишда оммавий ахборот воситаларининг роли.

9-мавзу. Жаҳон тажрибасида фуқаролик жамияти институтлари фаолияти

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ғарб мамлакатларида фуқаролар ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шарт-шароитлар яратувчи фуқаролик институтларининг фаолияти ривожланиши. XX аср охири – XXI аср бошида дунё миқёсида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиши, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ривожланиши, маънавий-ахлоқий инқироз кучайиши шароитида Ғарб мамлакатлари фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик сиёсати. Ҳозирги даврда АҚШ, Франция ва Германияда ННТнинг фаолияти ва уларни расмийлаштириш тартиблари. Жанубий

Шарқий Осиё мамлакатларида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари.

10-мавзу. Ижтимоий инновацияларнинг фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишига таъсири

Ижтимоий инновация иборасининг мазмун-моҳияти. Ижтимоий инновациялар фуқаролик жамияти ривожланишининг омили сифатида. Виртуал борлиқ технологик инновацияларнинг ғоявий асоси. Фуқаролик жамияти ривожланишига ахборот-коммуникацион технологияларнинг таъсири. Технологик инновациялар замонавий тараққиётнинг кафолати сифатида. Фуқаролик жамияти анаъанавий тушунчаларининг технологик ривожланиш натижасидаги ўзгаришлар ва янги қирраларнинг очилиши. Ижтимоий инновация тушунчаси. Ижтимоий инновацияларнинг қўлланилиши. Ижтимоий тармоқлар замонавий фуқаролик жамиятининг бўғини сифатида. Инновацион фаолиятининг бошқариш механизмлари ва фуқаролик жамияти.

2 ҚИСМ

11-мавзу. Тараққиётнинг ўзбек модели ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг илмий-методологик асослари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан мамлакатимизда янги ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг концептуал заминлари асослаб берилиши. Ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт моделлари. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”ни яратилишининг сиёсий-ижтимоий, тарихий асослари. асосий тамойиллари, моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” жамиятимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг етакчи асоси эканлиги.

Фуқаролик жамиятини тадқиқ этишнинг методологик асослари. Демократик тараққиёт фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асоси сифатида. Давлат фуқаролик жамиятини шакллантиришда бош ислохотчи сифатида. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий асослари. Демократик ислохотларнинг замонавий сифат босқичида фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари.

12-мавзу. Мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарт

Модернизация тушунчасининг мазмуни ва моҳияти. Ижтимоий-гуманитар фанлардаги модернизация концепциялари. Модернизациянинг назарий-методологик моделлари. Модернизация назарияларининг эволюцияси. Модернизация турлари, механизмлари ва асосий босқичлари. Модернизация жараёнларининг мақсад ва вазифалари.

Демократик тараққиёт модернизация жараёнларини етакчи асоси. Мамлакатимиздаги янгилаш ва модернизация жараёнларининг асосий йўналишлари ва ўзига хос жиҳатлари. Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларининг изчиллиги ва босқичма-босқичлиги. “Янги уй курмай туриб, эскисини бузманг”, “Ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон учун” деган қоида ва тамойилларнинг аҳамияти ва долзарблиги.

Мамлакатимизда модернизация жараёнларининг концептуал заминларининг асосланиши ва ривожлантирилиши. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базаси чуқурлаштирилиши ва кенгайтирилиши. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида “давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш” устувор вазифа этиб белгиланиши. Давлат бошқарувини модернизациялаш шароитида давлат ҳокимияти тармоқларининг “бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш” тамойилининг моҳияти ва ҳокимиятлар тақсимланиш амалиётидаги ифодаси. Мамлакатимиздаги демократик ислохотлар ва янгиланишларнинг Конституция ва қонунларимизда изчил равишда акс этиши.

13-мавзу. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги – фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шарти

Юрт тинчлиги – бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Башариятнинг ўз тарақиётнинг барча босқичларида тинчлик-тотувликка интилиши. Юрт тинчлиги – барқарор тараққиёт гарови. Фуқароларнинг Ватанга садоқати. Ватанпарварлик. Фидойилик. Сарҳадлар дахлсизлиги. Замонавий қуролли кучлар. Ватан тушунчаси. Ватан равнақи ғояси в уни таъминлашнинг асосий омиллари. Ижтимоий омиллар. Сиёсий-ҳуқуқий омиллар. Иқтисодий омиллар. Маънавий омиллар. Халқ фаровонлиги ғояси ва унинг таъминловчи курсаткичлар. Фаровон турмуш даража. Инсонга муносиб фаровон, моддий ва маънавий ҳайт тарзи. Кучли ижтимоий ҳимоя. Инсон омилнинг юксак мавқеига эришганлиги. Ислохот ислохот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қили зарурлиги.

14-мавзу. Юксак маънавият ва дахлдорлик ҳисси – фуқаролик жамияти аъзоларининг муҳим фазилати

Фуқаролик жамиятининг маданий-маънавий асослари. Маданият ва маънавият. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда маънавий қадриятлар. Миллий ва умуминсоний қадриятлар. Миллий ғоя ва маънавият. Моддий ва маънавий маданиятнинг уйғунлиги. Маънавий таҳдидларга қарши кураш механизмлари. “Маънавий тикланиш” ва “маънавий янгиланиш” тушунчалари. Демократия – миллий ва умуминсоний қадрият эканлиги. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги олий демократик қадрият эканлиги. “Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун” тамойили.

15-мавзу. Демократик институтларни ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти

Кўппартиявийлик – фуқаролик жамият барпо этишнинг муҳим шарти. Мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партия ва ҳаракатлар фаолиятини жонлантириш. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон Адолат социал-демократик партияси, Ўзбекистон Миллий Тикланиш демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Сенат, Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари кенгашларидага ўрни. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида” (2007)ги қонун ва унинг сайловларда ғолиб партиянинг Бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқи ҳамда унинг моҳияти.

16-мавзу. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фуқаролик жамияти институти сифатида ривожланиши. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш истиқболлари. Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва уларнинг фуқаролик жамиятидаги ўрни.

Ўзбекистонда ННТнинг ҳуқуқий асосларини демократлаштириш жараёни. Ўзбекистонда ННТнинг фуқаролик жамияти институти сифатида ривожланиши.

17-мавзу. Ахборот соҳасини ривожлантириш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.

Инсоният тарихида ахборот эҳтиёжи. Фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлиги. Оммавий ахборот воситаларини жамиятни демократлаштириш ва фуқаролар эркинлигини таъминлашнинг муҳим шарт сифатида. Жамиятда ОАВнинг вазифалари, Ўзбекистонда ОАВнинг ривожланиш босқичлари ва унинг сиёсий ҳуқуқий асослари. Хорижий мамлакатларда ОАВнинг ривожланиш тажрибаси. Мустақиллик даврида мамлакатимизда ОАВларга эътиборнинг кучайиши борасидаги амалий тадбирлар. Электрон ҳуқумат тўғрисидаги қонун. Фуқаролик жамияти бошқарув механизмлари такомиллашувида замонавий ахборот технологияларининг роли

18-мавзу. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни. Мамлакатимизда маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг шакллари. Уларнинг фуқаролик жамияти барпо этилишидаги роли. “Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамият сари” концепцияси. Маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш.

Фуқаролик институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосини шакллантириш, ташкилий-техникавий, моддий шарт-шароитларни, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усул-услугларини вужудга келтириш масалалари.

19-мавзу. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик

Миллат ва миллатлараро муносабатларга доир тушунчалар мазмун моҳияти. Миллат тушунчаси ва унга турли хил ёндошувлар. Этнос, миллат ва элат. Миллатлараро муносабатлар. Ватанпарварлик, космополитизм, миллатчилик. Диаспора ва унинг хусусиятлари. Мустақиллик даврида миллий миллий – маданий марказларининг шаклланиши ва ривожланиши. Миллатлараро тотувлик – миллий бош ғоямизнинг асосий тамойили. Миллатлараро тотувлик умумбашарий қадрият. Мустақиллик даврида миллатлараро тотувликнинг таъминланиши, миллий-маданий марказларнинг шаклланиши ва ривожланиши. Диний бағрикенглик, виждон эркинлиги ва диний қадриятларга муносабат омиллари. Конфессия тушунчаси ва унинг талқинлари. Жаҳоннинг асосий конфессиялари. Конфессиялараро мулоқот институтлари. Диний эътиқод эркилиги. Виждон эркинлиги Диний қадриятларни ҳурматлаш. Турли конфессияларнинг тенг ҳуқуқлиги. Миллатлараро ва конфессияларо тотувликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг тугган ўрни.

20-мавзу. Жамоатчилик назорати ва давлат органлари фаолиятининг очиқлиги

Жамоатчилик назоратининг моҳияти. Жамоатчилик назорати тизими. Жамоатчилик назоратининг субъектлари. Жамоатчилик назоратининг шакллари. Жамоатчилик назорати тушунчаси, унинг омиллари ва назарий ёндашувлар. Жамоатчилик назоратининг турли кўринишлари. Ваколатли фуқаролик институтлари ва давлат ҳокимияти органлари. Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш механизмлари.

21-мавзу. Ижтимоий шериклик

Ижтимоий шериклик-етуклик мезони. Ижтимоий шерикликнинг тарихи ва тадрижи. Ижтимоий шерикликнинг назарий асослари. Ижтимоий шериклик тушунчаси ва унинг талқинлари. Ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик. Ижтимоий шерикликнинг турлари. Ижтимоий шерикликнинг мақсад ва вазифалари. Ижтимоий шерикликнинг субъектлари. Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари. Ўзбекистонда ижтимоий шериклик назариясининг бойитилиши ва амалиётининг ривожлантирилиши.

22-мавзу. Фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёш авлодни тарбиялашнинг асосий йўналишлари

Фуқаролик позицияси тушунчаси ва уни шакллантирадиган асосий омиллар. Фуқаро онги, маданияти, дахлдорлик ҳисси ва маъулият тушунчалари. Ёшларда фуқаролик позициясини шакллантиришнинг ижтимоий-маънавий ва ахлоқий жиҳатлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фуқаролик маданияти ва масъулиятининг ўрни. Ўзбекистонда ёшларга ойда давлат сиёсатининг стратегик йўналишлари. Баркамол авлодни тарбиялаш ғояси ва уни амалга ошириш механизмлари. Уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, восита ва механизмлари. Ўзбекистонда ёшларга ойда давлат сиёсати. Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг хал қилувчи кучи. Баркамол авлод – юрт таянчи. Ёшлар масъулиятини оширишнинг ташкилий-амалий жиҳатлари.

“Фуқаролик жамияти” ФАНИНИНГ ТЕМАТИК РЕЖАСИ

Т/р	Мавзунинг номланиши	Соати
1	Фуқаролик жамияти фанининг предмети, объекти, мақсад ва вазифалари	2
2	Фуқаролик жамияти: ғоя ва назариялар	2
3	Фуқаролик жамиятининг ижтимоий тузилмаси	2
4	Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари	
5	Фуқаровийлик, фуқаро фаоллиги	2
6	Демократик институтларни ривожлантириш – фуқаролик жамияти талаби	2
7	Қонун устуворлиги фуқаролик жамиятининг асосий тамойили	
8	Сайлов ҳуқуқи эркинлиги – фуқаролик жамиятининг муҳим мезони	
9	Жаҳон тажрибасида фуқаролик жамияти институтлари фаолияти	2
10	Ижтимоий инновацияларнинг фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишига таъсири	2
11	Тараққиётнинг ўзбек модели ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг илмий-методологик асослари	2
12	Мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти	2
13	Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги – фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шарти	
14	Юксак маънавият ва дахлдорлик ҳисси – фуқаролик жамияти аъзоларининг муҳим фазилати	
15	Демократик институтларни ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти	

16	Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларни демократлаштириш жараёни	2
17	Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш	2
18	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	
19	Миллатлар ва конфессиялараро тотувлик	2
20	Жамоатчилик назорати ва давлат органлари фаолиятининг очиқлиги	2
21	Ижтимоий шериклик	2
22	Фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёш авлодни тарбиялашнинг асосий йўналишлари	
	Жами:	28

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

“Фуқаролик жамияти” фани бўйича семинар машғулотларида маърузада баён қилинган назарий билимларни мустаҳкамлаш, фан бўйича олинган билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва билиш қобилиятларини ўстириш, назарий ўқитиш жараёнида эгалланган билимларнинг амалиётга тадбиқ этилишига алоҳида эътибор қаратилади. Семинар машғулотлари давомида ўқитувчи ва талаба ўртасида икки томонлама яқин алоқа ўрнатилади, жонли суҳбат олиб борилади, ўзаро фикр алмашиш ва турлича қарашларни ифода этиш жараёнида фаннинг хусусий масалаларини чуқур ўрганиш мақсадини амалга оширади. Бунда замонавий педагогик технологиянинг интерфаол усуллари қўл келади. Бу усуллар ёрдамида ўтказилган семинар машғулотларидан асосий мақсад – талабаларнинг фаол ишлаши ва мустақил фикрлаши, ўз-ўзини баҳолаш ва бошқаларнинг фикрларини ҳурмат қилиш, мустақил ишлаш ҳамда гуруҳда ишлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

1-семинар. Фуқаролик жамияти: ғоя ва назариялар

1. Фуқаролик жамияти тушунчасининг тарихий илдизлари ва уларнинг турли тавсифлари.
2. Шарқ ва Ғарб цивилизацияларида фуқаролик жамияти тушунчасига оид ўзига хос ёндшувлар.
3. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги замонавий концепциялар.

2-семинар. Фуқаролик жамияти шаклланишининг асослари

1. Фуқаролик жамияти шаклланишининг иқтисодий асослари.
2. Фуқаролик жамияти шаклланишининг ижтимоий ҳуқуқий асослари.
3. Фуқаролик жамияти шаклланишининг маънавий асослари.

3-семинар. Демократик институтларни ривожлантириш – фуқаролик жамияти талаби

1. Фуқаролик жамиятининг шакллантириш ва ривожлантиришда демократик институтларнинг тутган ўрни ва ҳуқуқий асослари.
2. Демократик институтларнинг таснифи.
3. Демократик давлатда ҳокимиятлар бўлиниши тамойили.

4-семинар. Қонун устуворлиги фуқаролик жамиятининг асосий тамойили

1. Фуқаролик жамияти куришда қонун устуворлиги тамойили.
2. Конституция ва қонунларда адолат ҳамда инсон манфаатларининг устуворлиги.
3. Фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусини шакллантириш.

5-семинар. Сайлов ҳуқуқи эркинлиги – фуқаролик жамиятининг муҳим мезони

1. Эркин сайловлар фуқаролик жамиятининг асосий белгиси.
2. Халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон қонунчилиги.
3. Эркин сайловларни ўтказишда оммавий ахборот воситаларининг роли.

6-семинар. Жаҳон тажрибасида фуқаролик жамияти институтлари фаолияти

1. XX асрнинг иккинчи ярмида Ғарб мамлакатларида фуқаролик жамияти институтлар фаолиятининг ривожланиши.
2. Ғарб мамлакатлари фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик сиёсати.
3. Дунё мамлакатларида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари.

7-семинар. Ижтимоий инновацияларнинг фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишига таъсири

1. Ижтимоий инновация иборасининг мазмун-моҳияти.
2. Ижтимоий инновациялар фуқаролик жамияти ривожланишининг омили сифатида.
3. Ижтимоий тармоқлар замонавий фуқаролик жамиятининг бўғини сифатида.

2 ҚИСМ

8-семинар. Тараққиётнинг ўзбек модели ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг илмий-методологик асослари

1. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”ни яратилишининг сиёсий-ижтимоий, тарихий асослари. асосий тамойиллари, моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.
2. Демократик тараққиёт фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асоси сифатида.
3. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари.

9-семинар. Мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти

1. Модернизация назарияларининг эволюцияси.
2. Мамлакатимиздаги янгилаш ва модернизация жараёнларининг асосий йўналишлари ва ўзига хос жиҳатлари.
3. Мамлакатимизда модернизация жараёнларининг концептуал заминларининг асосланиши ва ривожлантирилиши.

10-семинар. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги – фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шарти

1. Юрт тинчлиги – барқарор тараққиёт гарови.

2. Ҳалқ фаровонлиги ғояси ва унинг таъминловчи курсаткичлар.
3. Инсон омилининг юксак мавқеига эришганлиги.

11-семинар. Юксак маънавият ва дахлдорлик ҳисси – фуқаролик жамияти аъзоларининг муҳим фазилати

1. Фуқаролик жамиятининг маданий-маънавий асослари.
2. “Маънавий тикланиш” ва “маънавий янгиланиш” тушунчалари.
3. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги олий демократик кадрият эканлиги.

12-семинар. Демократик институтларни ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти

1. Кўппартиявийлик – фуқаролик жамият барпо этишнинг муҳим шарти.
2. Мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партия ва ҳаракатлар фаолиятини янада такомиллаштириш йўналишлари.
3. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Сенат, Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари кенгашларидага ўрни.

13-семинар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

1. Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни.
2. “Кучли давлатдан- кучли фуқаролик жамият сари” концепцияси.
3. Маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш.

14-семинар. Фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёш авлодни тарбиялашнинг асосий йўналишлари

1. Фуқаролик позицияси тушунчаси ва уни шакллантирадиган асосий омиллар.
2. Ёшларда фуқаролик позициясини шакллантиришнинг ижтимоий-маънавий ва ахлоқий жиҳатлари.
3. Ўзбекистонда ёшларга ойда давлат сиёсати.

**“Фуқаролик жамияти”
фанининг семинар машғулоти тематик режаси**

Т/р	Мавзунинг номланиши	Соати
1	Фуқаролик жамияти: ғоя ва назариялар	2
2	Фуқаролик жамияти шаклланишининг асослари	2
3	Демократик институтларни ривожлантириш – фуқаролик жамияти талаби	2
4	Қонун устуворлиги фуқаролик жамиятининг асосий тамойили	2
5	Сайлов ҳуқуқи эркинлиги – фуқаролик жамиятининг муҳим мезони	2
6	Жаҳон тажрибасида фуқаролик жамияти институтлари фаолияти	2
7	Ижтимоий инновацияларнинг фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишига таъсири	2
8	Тараққиётнинг ўзбек модели ва фуқаролик жамиятини барпо	2

	этишнинг илмий-методологик асослари	
9	Мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти	2
10	Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги – фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шарти	2
11	Юксак маънавият ва дахлдорлик ҳисси – фуқаролик жамияти аъзоларининг муҳим фазилати	2
12	Демократик институтларни ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти	2
13	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	2
14	Фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёш авлодни тарбиялашнинг асосий йўналишлари	2

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш;
- фаннинг долзарб муаммоларини қамраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;
- назарийбилимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдагимавжудмуаммоларнингечиминитопиш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш талаба томондан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

№	Мавзу	Мустақил таълим
	Семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш	28
1.	Фуқаролик жамиятининг белгилари ва асосий тамойиллари	2
2.	Давлат бошқаруви ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро муносабатлари	2
3.	Жамиятни бошқаришда фуқаролик жамияти институтларининг роли	2
4.	Ёшлар муаммоларини ҳал этишда фуқаролик жамияти институтларининг роли	2
5.	Маҳаллий бошқарувда фуқаролик жамияти институтларининг	2

	роли.	
6.	Хориж ва Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтини қиёсий таҳлил этинг.	2
7.	ОАВ фуқаролик жамияти институти сифатида.	2
8.	Маҳалла фуқаролик жамияти институти сифатида. (Ўзингиз яшаётган маҳалла фаолияти мисолида таҳлилни амалга оширинг).	2
9.	Экология соҳасидаги ННТ фаолиятини таҳлил этинг.	2
10.	Иқтисодиёт соҳасида профессионал уюшманинг фуқаролик институти сифатидаги фаолиятини таҳлил қилинг.	2
11.	Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган бирор-бир сиёсий партиянинг бошланғич ташкилотининг фуқаролик жамияти институти сифатидаги фаолиятига баҳо беринг.	2
12.	Фуқаролик жамияти институтлари олдида турган муаммоларни таҳлил қилинг. (Бирор-бир институт фаолияти мисолида).	2
13.	Таълим соҳасини бошқаришда фуқаролик жамияти институтларининг роли (хорижий амалиёт).	2
14.	Халқаро ва маҳаллий ННТларнинг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролига баҳо беринг.	2
	Жами :	28
	Умумий:	56

Дастурнинг инфор­ма­цион-услубий таъминоти

Фуқаролик жамияти фанини ўқитишда замонавий (хусусан, интерфаол) методлари, педагогиква ахборот-коммуникация (медиа­таълим, амалий дастур пакетлари, тақ­ди­мот шаклида, электрон-дидактик) технологияларни қўлланиши­на­зарда тутилади. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш на­за­рияси ва амалиёти” фанида электрон дарсликдан, мавзуга оид компакт-дисклардан ва бошқа кўр­газмали қуро­ллардан фойдаланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Рахбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. Ўзбекистон. 2014.
2. Каримов И.А. Юксакмаънавият - енгилмас куч. Т.-Маънавият. 2008.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини риивожлантириш концепцияси. Т. - Ўзбекистон. 2010
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш шостонасида. Т. - Ўзбекистон. 2011.
5. Каримов И.А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.
6. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Т.: Ўзбекистон. 2012.
7. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқсўзи, 2013 йил 18 январь.
8. Каримов И.А. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти” мавзусидаги халаро конференциясининг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи. 2014 йил 16 май.
9. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи, 2015 йил 21 январь.
10. Каримов И.А. “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир”. Т.: Ўзбекистон. 2015.
11. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислох этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Халқ сўзи, 2015 йил 7 декабрь.

Дарсликлар ва ўқув кўлланимлар:

1. Абдуазимов О. Фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари. –Т.: Академия, 2008.
2. Жалилов Ш. Фуқаролик жамиятининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
3. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққийёт сари. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
4. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши.- Т.: Ўзбекистон, 2010.
5. Коэн Дж., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. Пер. с англ. М., 2003.
6. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т. Шарқ, 2002.
7. Рахманов А. Гражданское общество: достижения, проблемы, перспективы: учебное пособие. – Т.: Академия, 2007.

8. Шарифходжаев М. Формирование основ гражданского общества в Узбекистане / Отв. ред. А.Х. Саидов. – Т.: Мир экономики и права, 2002.
9. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойиҳаси. Муаллифлар жамоаси. Т.: 2016. Электрон вариант.

Қўшимча адабиётлар:

1. Авесто. Тарихий–адабий ёдгорлик. “Шарқ”. Тошкент – 2001.
2. Аристотель. Политика. – М.: АСТ, 2006. – 393 с.
3. Афлотун. Қонунлар. Урфон Отажонтаржимаси. Янги асравлоди, 2002. - 458 бет.
4. Берк Э. Правление, политика и общество / пер. с англ. – Канон-Пресс-Центр, 2001.
5. Беруний Абу Райҳон. 100 ҳикмат: ибратли сўзлар. – Т.: Фан, 1993.
6. Бобур. Бобурнома. Т.: Юлдузча. 1989.
7. Гегель Г.В.Ф. Философия права / Пер. Б.Г. Столпнера, М.И. Левиной; Сост. Д.А. Керимов, В.С. Нерсеянц. – М.: Мысль, 1990. – 526 с.
8. Гоббс Т. ... Левиафан или материя, форма и власть государства церковного и гражданского. – М.: Соцэскиз «Образцовая», 1936. – 503 с.
9. Ибн Сина. Избранные философские произведения / Отв. ред. Асимов М.С. – М.: Наука, 1980. – 554 с.
10. Кант И. Идея всеобщей истории во всемирно-гражданском плане. К вечному миру (2-ое изд., испр. и доп.). – Алматы: Жетжаргы, 2004. – 158 с.
11. Локк Дж. Сочинения: В 3-х т. Т.3. (Пер. с англ.) / Ред. и авт. примеч. И.С. Нарский, А.Л. Субботин. – М.: Мысль, 1988. – 668 с.
12. Макиавелли Н. Сочинения. Государь.-М.:, 1996.
13. Навоий А. Махбубул-қулуб.-Т.: Адабиётвасанъат, 1988. – 208 б.
14. Навоий А. Садди Искандарий.- Т.: Адабиётвасанъат, 1978. - 330 б.
15. Низомулмулк. Сиёсатномаёқисиярул-мулк.- Т.: Адолат, 1997. – 255 б.
16. Платон. Государство// Платон. Соч. в 3-х томах. Т. 3. Часть I. М., 1971.
17. Поппер К. Открытое общество и его враги: в 2-х томах. М., 1992.
18. Руссо Ж.-Ж. Об общественном договоре или начале политического права / Под ред. А.К. Дживелегова. – М.: Труд и воля, 1906. – 208 с.
19. Токвиль А. Демократия в Америке. – М., 1992.
20. Темуртузуклари. Б. Аҳмедов таҳририостида.- Т.: Нашриёт-матбаабирлашмаси, 1991. – 144 б.
21. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
22. Цицерон. Диалоги. О государстве. О законах – М.: Наука, 1966.
23. Юсуф Хос Хожиб қутадғу билиг. Т.: Фан. 1971.
24. Кайковус. Қобуснома.-Т.: Мерос, 1992.-176 б.

Электрон таълим ресурслари:

1. www.ziyonet.uz
2. www.xs.uz
3. www.nimfogo.uz
4. www.ngo.uz
5. www.mahalla.uz